(СФШСТ)лар кўринишларини фарқлаш, тил сатҳларининг бўлинувчанлик, яхлитлик, бутунлик, яккалик, мураккаблик каби бир-бирига диалектик зид томонлари ушбу мавзуни компаратив таҳлилга тортиш имконини беради. Гапга нутқий ҳодиса сифатида ғарб тилшунослигида анча олдинроқ таъриф берилган бўлса-да, аммо узоқ вақт давомида унинг моҳияти тўлиқ очилмай келинган. Ҳатто, В.А.Адмони (2. II, 1) назарий қарашларида ҳам предикативлик, яъни мантикий ҳодиса билан грамматик ҳодиса қориштириб таърифланади. Шу тарзда ғарб тилшунослигида ҳозиргача гапнинг икки таркиб «S + P» ("Эга-кесим") дан иборат бўлиши, эгасиз гапларнинг бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги таълимот - субъектнинг ҳокимлиги, предикатнинг унга тобелиги билан, яъни мантикий ҳукм билан мустаҳкамланган. Ўтган аср давомида шу андоза ўзбек тили синтаксисини ўрганишда асос бўлиб хизмат қилмоқда ва шу аснода профессор А.Ғуломов, Ғ.Абдурахмонов, М.Асқарова каби тилшуносларнинг синтаксисга доир тадқиқот ишларида содда ва кўшма гапнинг минимал қурилиши икки бош бўлак (эга ва кесим)дан иборат эканлиги русийзабон андоза асосида ривожлантирилди. Мустақиллик шарофати билан систем-структур тилшунослик нуқтаи назаридан Р.Сайфуллаева, М.Абузалова, Ш.Акрамов, М.Бошмонов, З.Эралиева, Б.Менглиев, С.Назарова, Р.Бобокалонов, Л.Раупова ва бошқалар ўзбек тилида гапнинг минимал қурилиш қолипни (қисқ. ГМқК) кесимлик категориясига мувофиқ алоҳида ўрганиб, а) *грамматик (морфологик) шаклланган гаплар (WPM)*га ва б) *семантик-функционал шаклланган гаплар (WP)*га ажратилган ва унинг туркона хусусиятларига аҳамият бердилар. Эндиги вазифа ана шу натижалар асосида ўзбек ва француз тилларидаги оралик учинчида турган атипик (каноник) гапларни компаратив ўрганишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг мақсади каноник модели французча-ўзбекча гапларнинг систем-структурал, лингводидактик ва компаратив таҳлили асосда ўрганиш ва муайян хулосаларга келишдан иборат.

Тадқиқот манбаи сифатида ҳозирги тилшуносликнинг мустақиллик йиллари даврида амалга оширилган илмий натижалар, ундан олдинги фактик материаллар сифатида сўз-гапларнинг тадқиқига бағишланган Э.Шодмонов, С.Усмонов, Б.Ўринбоев, Ҳ.Болтабоева, Р.Сайфуллаев, Р.Комилжонова, С.Саноев, Р.Мўминова, Ғ.Зикриллаев, А.Ҳазратқулов, Р.Бобокалонов кабиларнинг илмий тадқиқотларига таянилади.

Иш олдида каноник модели французча-ўзбекча ҳосилалар (қисқ. КМНХ)нинг систем-структурал, лингводидактик ва компаратив таҳлили толерантлик руҳиятига таъсири социолингвистик, конгнитив лингвистик ва қиёсий-типологик талқини, уларнинг лисоний лексик-грамматик тизимдаги ўрни ва бошқа лексик бирликлар ҳамда грамматик шаклланган гаплардан фарқлари, шунингдек, КМНХларнинг зотий (онтологик, субстанционал) табиатини очиб беришга интилиш мақсад қилиб қўйилган. Буни амалга ошириш учун, жумладан, қуйидаги вазифаларни бажариш лозим топилади:

- Миллий онг ва тафаккурнинг шаклланишида каноник модели гапларнинг ижтимоий-сиёсий ўрни ва толерантлик тарбиясига тадрижий таъсири кўзатиш;

- толерантликнинг миллий концепцияси асосида каноник модели нутқий ҳосила (қисқ. КМНХ)ларнинг социолингвистик, когнитив лингвистик ва уларнинг экстралингвистик моҳиятини ва қийматини белгилаб олиш.

- КМНХларнинг ижтимоий онг ва толерантлик руҳиятига таъсирини экстралингвистик-коммуникатив восита сифатида намоён бўлишини эътироф этиш;

- КМНХларнинг иерархик ривожланиши ва таснифига оид лексик-семантик турларини қиёсий чоғиштириш ҳамда уларнинг градиномик ва гипономик ҳолатига эътибор қаратиш.

Ишда тадқиқотнинг методологик асоси ва тадқиқ усуллари систем-структур таълимоти асосида амалга оширилиши мақсад қилинган. Тил тизим асосида ташкил топган яхлит бир бутунлик ҳисобланиб, унинг унсурлари ташкил этувчилик тамойилига асосан ана шу бутунлик доирасида ўзаро боғланган бўлади. Хуллас, лисон//нутқ ходисалари диалектик қонуниятлар методологияси асосида таҳлил қилинади. Айни кунда нафақат ўз она тилини, балки хорижий тилларни қиёсий-типологик аспектда систем-структур тилшунослик

натижалари заминида ҳам ўрганишга имкон туғилмоқда. Бу жараён лингвистик интерфренция майдони деб юритилади. Лингвистик интерфренция майдони нафақат тил сатҳларини ўрганиш билан, балки халқаро ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий муаммоларни миллий тил негизи асосида ҳал қилишга ёрдам беради. Ишнинг методологик асосини диалектикада ва тасаввуфда ўзаро алоқадорликда бўлган **фаҳм** ва **идрок**, **зот** ва **тажалли**, **кулл** ва **жузв**, яна шулар билан боғлиқ бўлган фалсафий **моҳият** ва **ҳодиса**, **имконият** ва **воқелик**, **умумийлик** ва **хусусийлик**, **сабаб** ва **оқибат** категорияларининг диалектик талқини ташкил этади. КМНХлар когнитив лингвистик, социолингвистик ва типологик жиҳатдан грамматик шаклланган гаплардан фарқли равишда қиёсий йўналишда илк маротиба ўрганилмоқда. Илмий ишда КМНХларнинг миллий онг ва тафаккурнинг шаклланишида таъсирий жиҳатлари миллий қадрият билан боғлиқ ҳолда, унда толерантлик аксиомасининг тадрижий ривожини систем-структурал, лингводидактик ва компаратив методлар асосида ўрганилаётгани дастлабки социолингвистик тадқиқот ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Lois-Jean Calvet. La sociolinguistique. IVème édition, PUF. Paris, 2003. P. 3-127
2. В.А.Адмони. Синтаксис современного немецкого языка. Система отношений и система построения. Ленинград: Наука, 1973. с. 365.

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СЎЗ УРҒУСИНИНГ ЧОҒИШТИРМА ТАДҚИҚИ

Бобоқулова Д.Б. ЎзДЖТУ магистранти

Калит сўзлар: фонетика, акцентема, сўз урғуси, инглиз тили, ўзбек тили, чоғиштирма фонология.

Ключевые слова: фонетика, акцентема, ударение слово, английский, узбекский, сопоставительная фонология.

Keywords: phonetics, accenteme, word stress, English, Uzbek, contrastive phonology.

Аннотация: Мазкур мақолада генетик жиҳатдан ноқардош бўлган инглиз ва ўзбек тилларида сўз урғусининг айрим хусусиятлари чоғиштириб ўрганилган. Турли мисоллар ёрамада сўз урғуси (акцентема)нинг маъно ифодалашдаги роли ёритиб берилган.

Аннотация: В данной статье рассматриваются некоторые особенности ударение слов в генетически неродственных английских и узбекских языков. Различные примеры иллюстрируют роль ударения (акцентемы) в выражении значения. слов.

Annotation: This given article explores some of the features of word-stress in genetically irrelative English and Uzbek languages. Various examples illustrate the role of word-stress vocabulary in expressing meaning.

Инглиз ва ўзбек тиллари генетик жиҳатдан ноқардош тиллар қаторига киради. Шу боис уларнинг ички қурилишида фарқланувчи жиҳатлари кўпроқ учрайди. Шу боис инглиз тилини чет тилини сифатида ўрганиш жараёнида биз мазкур тилларга хос ҳодисаларни чоғиштириб ўрганамиз, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини ажратамиз. Жумладан, урғу фонологиянинг энг муҳим қисмларидан бири бўлиб, инглиз ва ўзбек тилларида фарқланувчи хусусиятларга эга.

Урғу ва интонация тилнинг бирлиги эмас, балки шу бирликлар устида маълум вазифани бажарувчи воситалардир. Таниқли ўзбек тилшунос олими А.А.Абдуазизовнинг фикрича, урғу ва интонациянинг фонологик функциялари (маънони фарқлаши) ҳақида гап борса, айрим ҳолларда уларни «просодема» ёки «акцентема» ва «интонема» деб ҳам аташади. Бунда сўз урғуси – «сўз акцентема», гап (фраза) урғуси – «фразоакцентема», синтагма урғуси – «синтагмоакцентема» деб юритилади [1:14].

Урғу унинг компонентлари ҳисобланувчи – чўзиқлик, интензивлик ва асосий частота тонининг қайси бири етакчи эканлигига қараб, уч турли бўлади: 1) динамик ёки куч урғуси, бунда интензивлик етакчи бўлади (рус, инглиз, ўзбек тиллари); 2) квантитатив

урғуда чўзиқлик етакчи бўлади (грек тили); 3) музикал (тон) урғу – тон етакчи (серб, япон, дунган тиллари) [1:15].

Мазкур тадқиқотда сўз урғуси ёки сўз акцентеманинг маъно ифодалаши билан боғлиқ айрим ҳолатлар ўрганилади. Акцентема – урғунинг сўз ёки нутқ оқимидаги фонологик-акцентологик хусусиятларига нисбатан номланиши.

Инглиз тилидаги сўз урғуси ёки акцентема Д. Жоунс, А.С. Гимсон, В.Васильев, Г.П. Торсуев, А. Абдуазизов, О.Коннор ва бошқа олимларнинг ишларида ўрганилган. Ўзбек тилида сўз урғуси А.Ғуломов, М.Миртожиев, А.Абдуазизов, Ҳ.Жамолхонов ва бошқаларнинг ишларида қисман ўрганилган [1,2,3,4,5,6,7]. Бу борада А.Абдуазизовнинг “Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси” номли асари муҳим аҳамият касб этади.

Ҳ.Жамолхонов урғу ҳақидаги таърифлар куйидагича умумлаштиради: “Сўз таркибидаги бўғинлардан бирининг бошқасига нисбатан кучлироқ овоз билан айтилиши ёки гаплардаги айрим бўлақларнинг, нутқ оқимидаги айрим фразаларнинг махсус оҳанг билан таъкидланишидир. Урғу муайян тил фонетик-фонологик тизимининг суперсегмент бирлиги саналади. Тилнинг қайси сатҳидаги бирликларга алоқадор бўлишига кўра урғунинг куйидаги типлари ўзаро фарқланади: 1) сўз урғуси; 2) синтагма урғуси; 3) айирув (таъкидлов) урғуси” [3].

Ўзбек тилида бир бўғинли, икки бўғинли, кўп бўғинли ва қўшма сўзлардаги урғунинг табиати, унинг кучи ва қўлланиши каби масалаларни инглиз тили билан чоғиштириб ўрганиш орқали уларнинг турларини янада чуқурроқ ўрганиш мумкин.

Ўзбек тилида урғунинг сўзни ташкил этиш функцияси айниқса кучлидир. Ўзбек тилида русча–байналминал сўзларни ҳам ҳисоблаганда, урғунинг ўрни ҳар хил – эркиндир: *сенатор, прокурор, академик, аттестация* каби сўзларда урғу турлича қўйилади. Кўпгина тилшуносларнинг фикрича, туркий тилларда бир йўла динамик ва тоник урғу борлиги айтилади. Ўзбек тилида сўз урғуси динамик эканлиги экспериментал тадқиқ қилинган. Ўз навбатида инглиз тилида ҳам динамик характер кузатилади. Масалан, *present*–«*ҳозирги*» – *pre`sent* –«*тақдим қилмоқ*» *кабилар*. Ўзбек тилида сўз урғусининг фонологик функцияси анча чегараланган. Чунки урғунинг ўрнига кўра жуда кам сўзларни фарқлаш мумкин: *олма* «*apple*» – *олма* «*don`t take*», *Тўхта* «*proper name*»–*тўхта* «*stop*», *босма* «*printed*»–*босма* «*don`t step*» *каби*.

Ўрнига кўра сўз урғуси икки хил бўлади: боғланган урғу ва эркин урғу.

а) *боғланган урғули* тилларда урғу сўздаги бирор бўғинга доимий боғланган бўлади. Масалан, ўзбек тилида урғу сўзнинг охириги бўғинига тушади: *китоб, дарахт, бола, ота, шаҳар* *каби*.

б) *эркин урғули* тилларда урғу сўзнинг турли бўғинларига тушади. Инглиз тили ана шундай эркин урғули тиллар типига киради. Унда урғу асосан сўзнинг биринчи бўғинига (*contest-мусобақа, баҳс; progress*), айрим ҳолларда иккинчи, учинчи бўғинларига (*con`test-курашмоқ, мусобақалашмоқ; pro`gress, de`liberate, con`finement*) тушиши мумкин, бунда охириги бўғин ёпиқ бўғин саналади.

Инглиз тилида кўпчилик икки бўғинли сўзларда урғу сўзнинг биринчи бўғинига тушади: *flicker* (мижжа қоқмоқ), *hazard* (хавфли), *level* (даража), *rapid* (тез). Шуни қайд этиш керакки инглиз тилида предлог ва қўшимчалар урғусиз элементлар ҳисобланади.

Инглиз тилида урғу орқали сўзни сўз бирикмасидан фарқлаш мумкин (*blackboard* – доска, *black`board- қора тахта; goldfish* –*тилларанг, gold`fish – сариқ (олтинранг) балиқ*).

Инглиз тилида урғу орқали сўз туркумланини ажратиш мумкин: *combine* (от) – *com`bine* (фёъл); *conduct* (от) – *con`duct* (фёъл) *кабилар*.

Шунингдек, бундай мисолларни гаплар орқали ҳам кўришимиз мумкин: 1) *Addict* – *Rob is a crack cocaine ADD-ict. (Rob is a person who uses crack cocaine and cannot stop doing it); Add`ict* – *If you keep playing that game, you will get add-ICT-ed to it! (you will become an addict)*. 2). *Conflict* – *two friends were in CON-flict. (didn`t agree about something); Con`flict* – *Your two accounts of what happened con-FLICT. (your stories don`t agree with each other)*.

3). `Decrease – There has been a DEcrease in sales recently. (*we have sold less than usual*);
De`crease – We need to deCREASE the number of children in the class to make it more effective.

Фраза урғуси, одатда, интонациянинг етакчи бир компоненти ҳисобланади. Шу туфайли унинг табиати гапларда, фраза ва синтагмаларда алоҳида ўрганилади. Бунда фразоакцентема ва синтагмоакцентеманинг фонологик функциялари алоҳида ўрганиши талаб қилади.

Чунки фраза урғуси орқали гапдаги асосий маънони ўша урғу тушган фразага (сўз ёки сўз бирикмасига ва гапга тўқри келади) қаратиш мумкин, масалан: *Бу ерда мен хўжайин (Сен эмас) – Бу ерда мен хўжайин (У ерда эмас).*– Бу ерда мен `хўжайин (Кичик ходим эмас).

Гапдаги маънонинг ўзгаришида эмоционал хусусиятлар ҳам мужассамлашган. Интонациянинг фонологик ва эмоционал функциялари кўпинча кўшилиб кетади. *Бу менинг укам Собир.– Бу менинг укам, Собир.*

Бу гапларни ёзма нутқда фарқлаш осон, бироқ оғзаки нутқда биринчи гап бир фраза (*Бу менинг укам Собир*) ёки икки фраза (*Бу менинг укам, Собир*) шаклида талаффуз қилинса, маъно деярли ўзгармайди. Лекин икки ёки уч фраза бўлганда, маъно тамоман ўзгариб кетиши мумкин: *Бу менинг укам –Собир; Бу (менинг укам), Собир (Собирга укасини таништирмоқда).*

Ўзбек тилида оҳанг (мелодия)нинг кўтарилиш ва пасайиши ҳам фонологик восита бўлиб, гапни коммуникатив турларини (дарак, сўроқ, ундов гаплар) фарқлашда хизмат қилади: *Мен бордим.–Мен бордим –Мен бордим!*

Умуман, сўз урғуси нутқда муҳим аҳамият касб этади. У оғзаки нутқда, жумладан, халқ мақол ва маталларида, латифаларида ва аскияларида эмоционал функцияси жуда кучли бўлиши билан ажралиб туради. Турли тизимли тилларда урғунинг хусусиятларини таққослаб ўрганиш, чоғиштирма фонетиканинг объекти бўлиб қолаверади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуазизов А.А. Ўзбек тилининг фонологияси ва морфонологияси – Т.: Ўқитувчи, 1990.
2. Миртожиев М.М. Ўзбек тили фонетикаси. – Т.: Фан, 2013.
3. Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. – Т.: Фан, 2009. – 222 б.
4. Abduazizov A.A. Theoretical phonetics of Modern English – Т., 1986
5. Jones D. An Outline of English Phonetics. 9th ed. – Cambridge: Heffer, 1960. – 378 p.
6. Nurmonov A. O'zbek tilining fonologiyasi va morfonologiyasi. –Т.:О'qituvchi, 1992.
7. Vassilyev V.A. English Phonetics (A Theoretical Course). – М.: High School Publ. House, 1970. – С. 29

SOCIAL-LINGUISTIC FACTORS IN THE DEVELOPMENT OF LANGUAGE

Bushuy T.A. professor of SamSIFL

Social-linguistic factors represent physical, psychical and social abilities and inclinations of speaking individuals. All sorts of historical factors, the totals of economic activities and military events or phenomena, conditions and situations, relations and terms, determining changes and further development of languages in general and individual parameters, are related to it

Therefore, M. Lewis [4, P.82] fairly states that it is impossible to first analyze the structural relationships within the language system, and then turn to external factors. Moreover, the author states further that information about the language collective should play a significant role in the analysis of language change.

Decisive factors are those one that directly go back to the person. V.A. Avrorin [1, C.82] said that the needs (in the broad sense) of people, speaking a given language, were the main factor in the development of any language ... There were contradictions between similar needs and resources of a language in every historical era. They determine the movement and the improvement of the language.

Factors of a socio-economic nature associated with the contact of peoples and languages, affect on language evolution indirectly through the speaker - the listener. It is these factors that modify and determine only the substratum (that is, the contingent of native speakers) of the language as an integral and unified linguistic quantity [2, C.62].

Moreover, the main changes in the lexical composition of the language determine the immanent laws of the intra structural development of the language. They correlate with the manifestation of the social in the language.

A special factor affecting linguistic evolution is people's speech needs.

In general, the daily life of human society actualizes a separate set of factors that are interconnected in complex dialectical interdependencies.

The main social factors of the formation, functioning and development of the language are the following: socio-economic formation; mass communication and education system; different interpretations of natural phenomena and social life by representatives of religious ideology; language interaction; social factors of scientific and cognitive significance; ideology; aesthetics; moral and ethical interpretation of the phenomena of public life; social and professional language differentiation.

Sociolinguistics refers to external linguistics. It considers language from the perspective of its connections and relations with the collective of speakers, with the history of the people, their culture, with the functioning of various social institutions, etc.

As E.D. Polivanov fairly stated that "linguistics in order to be adequate to its object of study must be a sociological science" [2, C.78]. Since sociolinguistics is an area of interpenetration of sociology and linguistics, on the one hand, the whole variety of influences of various social factors on the language and on the other hand, linguistic factors on human society, is covered here.

Of particular importance in the development and functioning of the language is the ratio of sociolinguistic factors to intra lingual [immanent] laws. So far as language without society is not realized, since the development of language is possible only subject to the presence of a speaking collective. On the other hand, human activity is a socio-economic formation with its institutions and all that determines human speech needs that form consciousness and constitute a complex of sociolinguistic factors. And this involves taking into account a whole range of external circumstances of the real functioning and development of the language: linguistic community, speech community and their social structure, differences between speakers [by age, social status, cultural level, education, place of residence, manner of speech behavior, etc.], the nature of the communication situation, etc.

Based on the foregoing, it follows that:

1) the internal laws of language development and their immanence constitute an inextricable unity,

2) the statement of a certain linguistic change is present under repeated identical conditions to an internal law, showing the way [method] of designation of a real phenomenon and representing the corresponding determination of an extralinguistic factor,

3) the law of linguistic development is the unity of causes and effects, marking to varying degrees of the interdependent relations of intralinguistic and intraimmanent parameters,

4) specific laws of development are also present in the language, but they, of course, are determined by human needs, i.e. the necessary ways of expressing and communicating thoughts are updated under the influence of various sociolinguistic factors,

5) language as a product of human speech activity acts on its extralinguistic factors through its system and structure; elimination of the contradictions that arise in this way allows us to optimally reveal the essence of the development of living languages, relying on optimally identified features of the internal qualities of their laws.

The impact of social factors on the development of language is an important aspect of the complex problem of its relationship with various aspects of society. Moreover, the phenomenon of language is more and more deeply revealed in the parameters of history, nation, culture, ideology, etc [3, C.96].

Thus, the connection between external and internal factors in linguistic evolution is more clearly revealed, as a result of which the unity of the social and the linguistic proper is actualized.

Social pressure on the language, the development of its external history does not reduce the fullness of the determining significance of the laws, governing the development of the structure of the language itself. This is the pressure of the language system in the form of all kinds of spontaneous changes.

In this case, it is interesting to observe the dynamics of socially conditioned language changes.

So, in previous time the pronunciation of New York was oriented on pronunciation norms of eastern New England, i.e. type without [r], than the influence of middle-west pronunciation type with [r] in post vocal position was strengthened. Moreover, this process is obviously not finished yet, because both pronunciation types sometimes are on the border of one areal.

If the speech of urban low middle class is inferior to the speech of upper classes in natural everyday communication speech (in particularly, in post vocal [r]), than the presence of official atmosphere arouse evident inclination to the new form of the pronunciation.

The observation of such variations allowed delimiting a) variables and b) variants.

The variables will be inconsistency or divergence, demonstrated by the concrete form of the language with abstract standard, but variant is a specific of meaning of the variable.

So, in New York speech of variable (among others) is [r]. It is confirmed by frequency and not frequency of [r] in the end of the word (compare: car) or before the final consonant (compare: card).

The term “the sphere of usage of language” is widely-spread in modern social linguistics. The sphere of denotant reality, which is characterized by comparative homogeneity of communicative needs, is understood here. The speakers produce the particular selection of language means in order to satisfy these needs. In this case, they bring into play the rules of combinations of used language means with each other. In the result of it, sufficiently stable tradition is formed for this language community. It correlates the particular sphere of human activity with the corresponding language code (subcode), i.e. independent language or subsystem of national language.

Reference:

1. Аврорин В.А. О предмете социальной лингвистики // Всесоюзная научная конференция по теоретическим вопросам языкознания (тезисы докладов и сообщений пленарных заседаний). – М., 2014. – С.76-84.
2. Поливанов Е.Д. Избранные работы. Статьи по общему языкознанию. – Москва: Наука, 1968. – 376 с.
3. Рузикулов Ф. Пути развития языка и культуры // *Ilm sarchashmalari. Al-Xorazmiy nomli Urganch davlat universitetining ilmiy-metodik jurnali*. – Urganch, 2018. - №3. – С.95-97.
4. Lewis M. *Language in Society*. – London, 2009. – 249 p.

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDAGI SOMATIK FRAZEOLOGIK BIRLIKLARNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Gadoyeva M.I. BuxDU

Kalit so'zlar: frazeologiya, somatik ibora, muqobillik, milliy, madaniyat, inson tana a'zolari, metod, samaradorlik, qiyosiy, yondashuv, o'ziga xos xususiyatlar.

Ключевые слова: фразеология, соматическая фраза, эквивалентность, национальность, культура, части тела человека, методы, продуктивность, сравнительный подход, специфические особенности.

Key words: phraseology, somatic phrase, alternatively, national, cultural, human body parts, methods, productivity, comparative, approach, specific peculiarities.

Annotatsiya: Maqolada ingliz va o'zbek tillaridagi somatik frazeologizmlarning o'ziga xos xususiyatlari yoritib berilgan, somatik iboralarning ifoda samaradorligi, milliy o'ziga xosligi hamda etimologik jarayonlari tahlil qilingan.

Аннотация: В данной статье четко описаны специфические особенности соматических фразеологизмов в английском и узбекском языках и проанализированы выразительная продуктивность, национальная уникальность, этимологические процессы фразеологизмов.

Abstract: This article clearly describes specific peculiarities of somatic phraseological units in English and Uzbek languages and expressive productiveness, national uniqueness, etymological processes of somatic phrases are analyzed.

XX asrning 60-yillaridan hozirgi kungacha bo'lgan davrni frazeologiya sohasining eng faol rivojlanish bosqichi deya talqin qilish mumkin.

Bu davr frazeologik tadqiqotlarda yangi metodlar vositasida yondoshilishi, frazeologik nazariyaning tez sur'atlar bilan rivojlanishi va ko'plab frazeolog mutaxassislarning yetishib chiqqanligi bilan xarakterlanadi [1].

Shveysar-fransuz tilshunosi Sharl Balli o'zining "Fransuz stilistikasi" asarida so'z birlashmalari, ya'ni frazeologizmlarni tadqiq etuvchi maxsus boblar kiritgan va u, shubhasiz, frazeologiya nazariyasining ilk tadqiqotchisi hisoblanadi [2].

Hozirgi kunga qadar qator tillar, jumladan, ingliz, nemis, fransuz tillari doirasida somatik iboralarni yoritish maqsadida salmoqli ishlar amalga oshirilganligini ta'kidlash lozim. Lekin til tizimlar yig'indisi hisoblanadiki, natijada u boshqa tillar bilan ham qiyoslab o'rganilishi lozim.

Ingliz va o'zbek tillaridagi somatik frazeologizmlar morfologik-sintaktik hamda leksik-semantik jihatdan chuqur qiyoslab o'rganilmagan bo'lsada, bu borada amalga oshirilgan ishlar umuman mavjud emas deya olmaymiz. Hozirgi o'zbek frazeografiyasida ko'p tilli qiyosiy va chog'ishtirma lug'at - "inglizcha-ruscha-o'zbekcha frazeologik lug'at" yaratilgan. Bu asar ingliz va o'zbek tillarida yozilgan qisqacha so'z boshi, shartli qisqartmalar va lug'at qismlarini o'z ichiga oladi. "O'quv frazeologik lug'atda berilgan har bir ingliz tilidagi turg'un so'z birikmasi avval o'sha tilda talqin qilingan, so'ngra uning o'zbek va rus tillaridagi mos keluvchi muqobil tarjimalari berilgan.

Ayrim ko'p ma'noli frazeologizmlarning ma'nosi har uchala tilda ham berilgan." [3]. Mazkur lug'atda somatik iboralarning soni ham salmoqli ekanligini ko'rishimiz mumkin. "So'z boshi"da qayd qilinishicha, bu lug'atga uchala tilga doir bo'lgan 700 dan ortiq turli xil tuzilishga ega bo'lgan turg'un so'z birikmalari kiritilgan. O'rganish natijalari shuni ko'rsatdiki, shulardan 160 tasi (23%) somatik frazeologik birliklardir: Arm (3), eye (8), foot (6), blood (1), brist (1), ginger (3), rist (3), finger (6), neck (1), hair (5), hand (13), heart (12), throat (1), knee (1), coptic (21), liver (1), stomach (1), mouth (16), nail (2), nose (12), ear (14), shoulder (3), teeth (2).

Ikki tilning frazeologiyasini qiyoslash ahamiyatini yoritib berish uchun ushbu sohani tadqiq etgan olimlar o'z tushunchalarini ilgari surganlar. Mazkur tushuncha "konfrontativ frazeologiya" deb ataladi va Flaysler tomonidan quyidagicha ta'riflanadi: "Uning vazifasi ikki yoki bir nechta tillarning frazeologik tizimlarini qiyosiy jihatdan o'rganish hamda farqli va o'xshash jihatlarini ishlab chiqishdan iboratdir".

Demak, bizning maqoladagi maqsadimiz ingliz va o'zbek tillaridagi somatik frazeologizmlarning o'xshash va farqli jihatlarni aniqlash, tadqiq qilishdan, shuningdek, bu orqali frazeologizmlar bilan yaqinroq tanishishda shunchaki bir hissa qo'shishdan iboratdir.

Mazkur ish somatik frazeologizmlarga bag'ishlanadi. Ingliz tilidagi wonder „hayratlanmoq“, glance with someone „biror kishi bilan ko'z urishtirmoq“, to die „vafot etmoq“, to be ashamed of something unexpected, shyness, lose reputation „biror bir kutilmagan qilmishidan keyin uyalib qolmoq, hurmatini yo'qotmoq, yuzi shuvut bo'lmoq“, idle sitting and get bored „hech narsa qilmaslik va zerikmoq“, anxiety or something to worry about, get stiffen „biror narsadan qattiq qayg'uga tushib yoki qo'rqib tashvishga tushmoq; qotib qolmoq“, someone's intense fear „kimningdir qattiq qo'rquvga tushishi“, dirt beneath the nails „juda yaxshi narsani

ham tanqid qilish va undan kamchilik topishga harakat qilmoq; qildan qiyiq axtarmoq; tirnoq ostidan kir qidirmoq“ iboralari hamda o‘zbek tilidagi mustaqil bo‘lmoq, oyoqqa turmoq (to stand on) „ortiq boshqalarning moliyaviy ko‘magiga muhtoj bo‘lmaslik“, yuragi tushmoq (heart broken) „biror kishini to‘satdan qattiq qo‘rqishi“, tepa sochi tik bo‘lmoq (be straight hair) „juda jahli chiqmoq“, barmogi‘ini tishlamoq, barmog‘ini tishlab qolmoq (bite the finger) „kimdir o‘zining qilgan ishidan afsuslanmoq“, eti suyagiga yopishgan (stick to the bone of the flesh) „kasallikdan zaif holga kelmoq, ozib ketmoq“, yuzi chidamadi, yuziga qaray olmaydi (ome weak from the disease) „uyat hamda pushaymonlikdan nigohini ko‘tara olmaslik“, tosh bag‘ir (stony heart) „bag‘ritosh odam“, qo‘li og‘ir (a hard hearted man) „omadsiz, ishi yurishmaydigan“, beti qalin, beti chidaydi (unlucky man, a thick face) kabi frazeologik birliklarning ko‘plab umumiy jihatlari mavjud:

- 1) Ularning tarkibiy qismlarini “eye” (ko‘z), “face” (yuz), “foot” (oyoq), “knee” (tizz), „hear“ (soch), „heart“ (yurak), „hand“ (qo‘l), „liver“ (jigar) kabi inson tana a‘zolari tashkil etadi;
- 2) Ularda ko‘chma ma‘no mavjud;
- 3) Ular bir nechta so‘zlardan iborat;
- 4) Bu birikmalar faqat mazkur holat uchun tuzilmagan, balki bu yerda insonlarga ma‘lum bo‘lgan so‘zlar kombinatsiyasi haqida gap bormoqda. Bunday xususiyatlarga ega leksik ifoda birliklari somatik frazeologizmlar deb ataladi. Ingliz tilidagi dancing on somebody’s nose iborasi biror kishining burnining ustida raqs tushmoq degan ma‘noni anglatmaydi, balki biz ushbu ifodani „biror kishi boshqa bir kishiga uning soddaligidan foydalanib, nimaiki xohlasa, shuni qilmoq“ kabi ko‘chma ma‘noda tushunamiz.

O‘zbek tilidagi „beti qalin“, „beti yo‘q“ frazeologik birliklari esa kimningdir beti qalinligi yoki biror bir kishining yuzi mavjud emasligini emas, balki „uyati, or-nomusi yo‘q“ hamda „gap yuqirtmaydigan, surbet, tepsa tebranmas“ kabi ma‘nolarni bildiradi. Raixshayn o‘z asarida shunday fikr bildirgan: „Birgina tana a‘zolari nomlari yuqori darajadagi ifoda samaradorligini ko‘rsatadi, ko‘p tillarda muqobil variantlari mavjuddir, bundan tashqari, ular ma‘lum bir xususiyatlar bilan bog‘langan bo‘ladi: bosh aql bilan, yurak hissiyotlar bilan, og‘iz va til nutq bilan, qo‘l amaliy fiziologik faoliyat bilan“.

„Somatik frazeologik birliklar odatda emotsional va milliy o‘ziga xosliklarni, shuningdek, insonlarning turli harakatlarini ifoda etishga xizmat qiladi va tana tilining an‘anaviy simvolikasi hamda mahalliy, keng tarqalgan urf-odatlar, marosimlarni o‘zida mujassam etadi. Frazeologizmlar madaniy-tarixiy aloqalarni targ‘ib qiluvchi vositalar sifatida namoyon bo‘ladi. Ular madaniy o‘ziga xos rivojlanishlarni, tarixiy o‘zgarishlarni, folklor bo‘yoqdorlikni o‘zida aks ettiradi va tilga ifoda quvvati, tasviriylik, jonlanish baxsh etadi hamda bu orqali tilning o‘ziga xos xususiyatlarini yuzaga keltiradi“. Quyida men o‘z ishimni nima uchun ingliz va o‘zbek tillaridagi somatik frazeologizmlarning qiyosiy tahlili tadqiqiga bagi‘shlaganimning sabablarini keltirib o‘taman:

1) Somatik frazeologizmlar har ikki tilda ham muhim o‘rin tutadi. Ular har ikki tilda ham keng qamrovli guruhga kiradi. Ularning miqdori haqiqatda ham ko‘p. Ingliz va o‘zbek tillarida somatizmlar yuqori samaradorlikka egadir. Har ikki tilning frazeologik luga‘tlaridan bir yarim mingdan ko‘proq somatizmlar to‘plandi va ularning keng qamrovli chog‘ishtirma tahlili olib borilmoqda.

2) Ingliz va o‘zbek tillaridagi somatik frazeologizmlar muqobillikning barcha asosiy parametrlarida (leksik-morfologik, sintaktik, leksik) bir-biri bilan mos tushadigan o‘xshashliklarga egadir: carry your nose up - burnini baland ko‘tarmoq, to open mouth - og‘zini ochmoq.

3) Har ikki tilda ham ikki, uch va hatto to‘rt ma‘noga ega bo‘lgan frazeologik birliklar borki, ular juda muhim ahamiyat kasb etadi.

Ingliz tilidagi “with empty hands” iborasi ikkita ma‘noga egadir:

- 1) Biror narsa olib kelmaslik
- 2) Hech narsaga, biror bir natijaga erisha olmaslik.

O‘zbek tilidagi ko‘z yummoq iborasi esa uch xil ma‘noga ega:

- 1) bilib turib o‘zini bilmaslikka solmoq

2. olamdan o'tmoq, qazo qilmoq, o'lmoq

3. e'tiborsizlik bilan qaramoq

4) Chog'ishtirilayotgan har ikki tilda ham turlicha ifodalangan, lekin o'xshash tasviriy ifoda kasb etadigan sinonim frazeologik birliklar mavjuddir: sting in the eye „[biror kishiga] shunchalik yoqadiki, natijada unga ega bo'lishni xohlamoq“ iborasi nemis tilida „yoqmoq“ ma'nosini bildiradi.

O'zbek tilidagi ko'zga tushmoq iborasi esa „yoqmoq, yaxshi taassurot qoldirmoq“ kabi ma'nolarga ega. Somatik frazeologizmlar inson tana a'zolarining ramzi hisoblanadi hamda keng tarqalgan an'analardan guvohlik beradi. Chog'ishtirilayotgan tilda muqobil variantlariga ega bo'lmagan, tillararo taqqoslashda ko'p tomonlama madaniy tafovutlarni yuzaga keltiradigan bir qator madaniy o'ziga xosliklarga ega somatik frazeologizmlar bor.

O'zbek tilida tana a'zolari bilan bog'liq, xalqning urf-odatlar va an'alarini ifodalaydigan ko'plab frazeologik birliklar mavjud: bosh-ko'zingdan sadaqa „charity from your eyes, boshini ikkita qilmoq „the man is getting married“, bosh omon bo'lsa do'ppi topiladi „if the head is safe, the skull will be found“, qo'lini halollamoq „cleen smbody's hand“.

Ingliz tilidagi somatik iboralarning kelib chiqishi hayotning turli sohalariga borib taqaladi. Ular xalqlarning turmush sharoiti, o'tgan asrlardagi urf-odatlar va g'oyalar bilan bog'liq. Har bir xalq o'z obrazi hamda obrazli iboralarini o'ziga tanish bo'lgan hodisalar va hayot sohalaridan, jumladan, tabiat elementlaridan, hayvonot va nabotot olamidani, iqtisodiy hayotning qadimiy shakllaridan, dehqonchilik, ovchilik, baliqchilik, kemasozlik, savdo-sotiq va ayriboshlash hamda eng asosiysi, insonlarning kundalik hayotdagi faoliyatlaridan oladi. [4]

Ingliz tilidagi somatizmlar tarkibidagi juft so'zlar huquqiy hayot doirasida yuzaga kelgan va ular adabiy-semantik jihatdan imo-ishoralarni anglatadi. Hands on heart! iborasi o'rta asrlardagi qasamyod qilish ramzi bilan bog'liq bo'lib, bunda yurak bilan bog'lanish uchun o'ng qo'l ko'krakning chap tomoniga qo'yiladi. Head and neck juft so'zi o'rta asrlardagi huquqiy sohaga oid bo'lib, undagi neck so'zi „bo'yin“ yoki „ensa“ so'zlarining qadimgi nomlanishidir. „Bo'yin“ va „bosh“ qadimda qatl jarayonlarida eng ko'p qilichga duch keladigan tana a'zolari hisoblanganligi bois ushbu iborada ask etgan. Turli variantlarda head and neck iborasi o'rta asrda „neck“ so'zi ham qo'llanilishi mumkin.

Ingliz xalq og'zaki ijodi va e'tiqodida his nose doesn't fold iborasi bir insonning tashqi ko'rinishidan uning xulq-atvori hamda hislatlarini bilish mumkinligini bildiradi. Maqolga ko'ra go'yoki burunga qarab yigitning qandayligini bilsa bo'ladi. Paracelsusning ta'kidlaydiki, qirra burun quvnoq va ayyor odamlarning, to'mtoq burun esa yolg'onchi, badjahl va nopok insonlarning ramzidir. „having hand and foot“ iborasining yasashida insonning fiziologik harakatdagi to'kisligi diqqat markazida turadi. Tananing bu qismlari ishga layoqatli hamda maslashuvchandir. O'ng qo'l hamda chap oyoqdan ajralish qadimda erkak kishining umuman ishga yaqoqsizligini anglatgan, chunki u na qilich tuta olgan va na otda yura olgan. Shu sababli jazoning bu turi, ko'pincha o'lim jazosi o'rta asrda qo'llanilgan. 16 asrdan buyon bu ibora moslashuvchanlik ma'nosida qo'llanilib kelinadi.

O'zbek tilidagi iboralarning aksariyat qismi xalqning uzoq o'tmish davomidagi faoliyat turlari bilan bog'liqdir, chunki o'zbek xalqi o'z o'tmishi davomida turli xil iqtisodiy, tarixiy hamda siyosiy shart-sharoitlarda yashagan.

O'zbek tilidagi mol boshi „qiz kelin bo'lib ketayotganda unga ota-onasi tomonidan beriladigan mol“, to'rt tuyoq „to'rt tuyoqli hayvon“, tuyog'ingni shiqillat „jo'nab qol, yo'qol ket“ asov bosh „minilmagan ot“, quloqlarini ding qilmoq „diqqat bilan tinglamoq“, bo'tako'z „ko'zlari chiqoyli bo'lgan ayol kishi, shaxlo ko'zli“, oyog'iga tushdi „oqsayapti“ kabi frazeologik birliklar chorvachilikka oid. Og'zi tegdi „yeyish, ichishga muyassar bo'ldi“, yuragiga tegmoq „biror narsadan juda ko'p miqdorda yeyish natijasida, ko'ngliga tegmoq va ortiq yeyishni hohlamaslik“, og'zining suvi keldi „biror narsani ko'rib juda havasi keldi, yegisi yoki ichgisi keldi“, qo'li shirin „biror taomni juda mazali qilib tayyorlay oladigan kishi“ kabi iboralar oziq-ovqat va ichimliklar sohasiga tegishli.

Og'iz ochmoq „shom paytida biror narsa iste'mol qilmoq, ro'zani ochmoq“, og'zi ochiq „ro'za tutmagan kishi, ko'za“, ko'z tegmoq „kimningdir yomon ko'z bilan, suqlanib qarashi natijasida og'rib qolmoq, ziyon yetmoq“, yuragi tushmoq „to'satdan juda qattiq qo'rqmoq“, yuragini ko'tarmoq „qo'rquvni yo'qotmoq“, chap yonboshi bilan turmoq „ertalabdan yomon kayfiyatda bo'lmoq“, qo'lini halollamoq „sunnat qilmoq“ kabi iboralar esa o'zbek xalqining diniy e'tiqodi va tushunchalari negizida yuzaga kelgan.

Bu kabi frazeologizmlarning ingliz tilida muqobil variantlari mavjud emas. Muayyan madaniy jihatlar bilan bog'liq bolgan bo'tako'z (ingliz tilida: clover) misolini tahlil qilsak, u madaniy o'ziga xos o'xshashlikka asoslanganligini hamda ayol kishilarda ko'zlarning go'zalligini anglatadi. Agar biz bu ifodani boshqa bir madaniy doirada qo'llasak, unda u salbiy mazmun aks etishi mumkin. Ayollarning go'zalligi har bir xalqda o'ziga xos tarzda talqin etiladi. Yashash sharoitlaridagi farqlar har bir xalq tilida turli frazeologik birliklarning yuzaga kelishida asosiy zamin bo'lib xizmat qiladi.

Xulosa qilish mumkinki, barcha an'analar va urf odatlar tilda mujassamlashadi. Mazkur jarayon somatik frazeologizmlarda salmoqli ekanligini maqolada tahlil qildik, ular jamiyatda allaqachon unutilgan, lekin hali ham tilimizga ta'sir qilayotgan obrazlarni ko'rsatib beradi, madaniy o'ziga xoslik hamda tarixiy rivojlanish jarayonlarini o'z ichiga oladi va tilga kuchli ifoda imkoniyati, shuningdek, bo'yoqdorlik baxsh etadi.

References:

1. Кунин А.В. Теория фразеологии Шарла Балли. Иностранные языки в школе, 1966, № 3. с. 17-23;
2. Назарян А.Г. Фразеология современного французского языка. М.: Высшая школа, 1987. с. 6-8.
3. Ройзензон Л.И. Малиновский Э.А., Хаютин А.Д. Очерки по истории становления фразеологии лингвистической дисциплины. Самарканд, 1975. с. 5-70.
4. Bo'tayev Sh., Iriskulov A.T. Inglizcha-ruscha-o'zbekcha frazeologik lug'at. Toshkent, 1994.
5. Zayler, F: Nemis maqolshunosligi. Myunxen, 1967. S. 290.
6. A.L.Yusupov. O'zbekcha-Inglizcha idiomalar lug'ati. T., 2014.
7. Salomov G`. Maqol va idiomalar tarjimasini. Toshkent 2010.
8. O'zbek tilining izohli lug'ati. "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti 2006-2008.

O'ZBEK TILIDA NUTQIY VAZIYAT VA PARALINGVISTIK VOSITALARNING NUTQDA QO'LLANILISHI

Dautova M.M. TerDU magistranti

Kalit so'zlar: paralingvistik, kommunikatsiya, sub'ektiv holatlari, imo-ishora, verbal, nonverbal, nutq.

Ключевые слова: паралингвистический, коммуникация, субъективные состояния, жесты, вербальный, невербальный, речь.

Keywords: paralinguistic, communication, subjective states, gestures, verbal, non-verbal, speech.

Annotatsiya: Mazkur maqolada o'zbek tili paralingvistik vositalarning xilma-xilligi va ularning nutqda keng ishlatilish xususiyatlari o'rganilgan. Imo-ishora, ohang, mimika, gavda harakatlari kabi paralingvistik vositalarning fikrni ifodalashdagi roli turli misollar yordamida yoritib berilgan.

Аннотация: В данной статье исследуется разнообразие паралингвистических средств узбекского языка и их широкое использование в речи. При помощи разнообразных примеров описывается роль различных паралингвистических средств, таких как жесты, интонации, мимика и движения тела в речи.

Abstract: This article explores the diversity of the paralinguistic tools of the Uzbek language and their widespread use in speech. A variety of examples describe the role of various paralinguistic means, such as gestures, intonations, facial expressions and body movements in speech.

Son`ggi yillarda o`zbek tiliga e`tibor ortmoqda. Ayniqsa 2019 yil 21 oktyabrda qabul qilingan “O`zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeini tubdan oshirish chora-tadbirlari to`g`risida”gi PF-5850 sonli qarori o`zbek tili ta`limini isloh qilishda dasturulamal bo`lib xizmat qilmoqda. Tilni o`qitish barobarida uning nutqini ham ilmiy o`rganib borish bugungi kunda ustivor masalalardan bo`lib sanaladi. Bu borada o`zbek tili nutqining paralingvistik vositalari va ularning qo`llanishi bo`yicha ayrim mulohazalarimizni keltiramiz.

Paralingvistik vositalar har bir kishilik jamiyatida kommunikatsiyada tabiiy ravishda nutqni kuzatib boruvchi va to`ldirib keluvchi ikkilamchi vosita bo`lgan. Paralingvistika nutqiy muloqot bilan birga fikr, xabar, maqsadni ifodalashda qatnashuvchi imo-ishora, ohang, mimika, gavda harakatlari kabi vositalarni o`rganadigan soha hisoblanadi. Paralingvistik vositalar sharoitga qarab nutqni ma'lum me'yorga keltirish, xususan, ixchamlashtirish, adresantning maqsadini aniq ifodalash vazifasini bajaradi¹.

Biror ma'noni aniqroq ochish, maqsadni ifodalash vaqtida ko`pincha aytilishi lozim bo`lmagan “ortiqcha” til birliklari uchraydiki, mana shu til birliklarining qisqarishi evaziga nutqiy muloqotda shu kontekst uchun ularga mos, to`qri keladigan, aynan bir xil ma'no anglatadigan ekstralingvistik vositalar kiritilishi lozim bo`ladi. Kommunikatsiyaga tegishli zarur talab natijasida nutqiy ifodalar ortiqchaligini kamaytirishni shu darajaga olib borish mumkinki, bunda muloqotni mana shu vositalarsiz davom ettirishning iloji bo`lmay qoladi, ana shu sharoitda ekstralingvistik vositalar til birliklariga qaraganda boshqacharoq yo`nalishda bu ifodalarning o`rnini to`ldiradi.

Paralingvistik vositalar verbal nutqiy odat uchun shart bo`lmagan, uslubiy jihatdan g`aloz tuyulgan til birliklarini silliqshatiradi, ya'ni zarur imo-ishoralar

yordamida nutqiy ifoda me'yoriga keladi. Bunday holda aniq nutqiy muloqotda ishtirok etayotgan verbal nutqiy bo`lak — so`z, so`z birikmasi, jumla, ba'zan gap mana shu vaziyatda almashtirilishi mumkin bo`lgan imo-ishoralar bilan bir xillashadi.

Paralingvistik vositalarning kelib chiqishi haqida tilshunos olimlar tomonidan turlicha qarashlar ilgari surilgan. Xususan, L.S. Vigotskiy nutq san'atini egallashning boshlanqich bosqichida imo-ishora va tilning murakkab aralashib ketishi ibtidoiy odamlarda imo-ishoralarni tasvirlovchi va ifodalovchi juda ko`p so`zlarning mavjudligi bilan izohlaydi. Ibtidoiy odamning tili, aslini olganda, ikki xil tildir: birinchi tomondan, so`z tili, ikkinchi tomondan, imo-ishora tili. Ibtidoiy odamlar tili predmet obrazlarini ifodalaydi, bu obrazlarni o`z ko`zi va qulog`i bilan qanday tasavvur etsa, shunday ifodalaganlar. Har bir jumla murakkab shaklda bo`lib, unda imo-ishora, tovushlar birlashgan.

Yuqorida ko`rib o`tganimizdek, imo - ishoralarining nutq tarkibidagi bajaradigan vazifasi bir xil emas. Ba'zan paralingvistik vositalar nutq bilan birga ishlatilib, uning ekspressiv stilistik ko`rinishini kuchaytirish uchun xizmat qilsa, ayrimlari tejamkorlikka uchragan nutq birliklaridan ba'zilarining o`rnini egallash (kompensatsiya qilish) uchun ishlatiladi. Ya'ni bir guruhi esa o`zining kuzatib borishi lozim bo`lgan verbal asosida tamoman uziladi va shu vaziyatda verbal vosita o`rnida qo`llaniladi.

Imo – ishoralarining bu uch vazifasi sinchiklab kuzatilganda, bir – biri bilan chambarchas bog`liq ekanligi ko`rinadi va birinchi ikkinchisidan kelib chiqqan deb hukum chiqarishga imkon beriladi.

Dialogik nutqda kinetik birlik bilan nutq birligining doimiy aloqasi tufayli, tamoman nutq birligining o`rnini kinetik birlik egallaydi. Kinetik birlik nutq birligi subtitutsiyasi yordamchi bo`lib keladi. Masalan: ”Nima qilayapsan?”, “Qayerga ketyapsan?” kabi so`roqlarini boshning yuqoriga bir marta silkinishi harakati kuzatib borgan. Buning natijasida ular oralig`ida bog`lanish

¹ Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари. Фил.фан.ном.диссертацияси. — Самарқанд, 1993. — 105/140 б

hosil bo'lgan. Ana shu bog'lanish natijasida bu kinetik belgining o'zi ham ana shu so'roqlarning ma'nosini bera olish vazifasini bajarishga o'tgan.

So'roq: Boshning bir marta tepaga silkinishi ("qayerga ketayapsan" ifodasining yordamchi, substituti).

Javob: uyga ketyapman.

Yoki so'roq: O'sha harakat ("Nima qilyapsan" substituti).

Javob: Kutubxonada ishlayapman va boshqalar. Demak, imo – ishoralarning yuqoridagi uch vazifalari orasida katta tafovut yo'q. Ikkinchi, uchinchi vazifa birinchi vazifadan kelib chiqqan. Bu xuddi grammatikadagi konversiya hodisasiga o'xshaydi. Konversiyadagi subetansivatsiya, odektivatsiya (vazifasi o'xshash), pronominsizatsiya kabi, bu hodisani ham verbalizatsiya deb, yoki paralingvistik hodisasiga o'tgan deb hisoblash bo'ladi.

Ma'lumki, yuqori sathga doir har qanday til birliklari denotativ tomonidan ob'ektiv borliqdagi ma'lum harakat, narsa va hodisalarni ifodalaydi.

Shuningdek, imo – ishoralar ham ongda ma'lum ma'noga hoslanadi. Ya'ni ob'ektiv borliqdagi narsa va hodisa (harakat, holat ham) ongda aks etadi va imo – ishoralar orqali bayon qilinadi. Demak, bu jihatdan, so'z ham imo – ishoralar ham bir xil vazifa bajaradi, har ikkalasi ham shartlilikka asoslangan belgidir.

Aniq nutq vaziyatida ma'lum bir ma'no ifodalovchi imo – ishoralar shu nutq vaziyatini qayta hikoya qilib berish jarayonida ma'lum lingvistik birliklar yordamida tasvir qilinadi. Demak, har bir tilda imo – ishoralarni ifodalovchi bir qator fe'llar mavjud. Bu fe'llar semantik tomonidan ishora fe'llari deyiladi.

Masalan : *ko'z qisdi, labini burdi* va boshqalar.

Insonning mimikalari, qo'l harakatlari tabiiy va shartli xarakterga ega bo'ladi. Masalan: labga qo'ngan pashshani haydash uchun qilingan lab harakati yoki harakati tabiiy harakatdir. Chunki bu harakatlar tinglovchi uchun ham hech qanday axborot bermaydi.

Tinglovchiga qarab turib boshning, ko'z – qoshlar- yordamida bir marta o'ngga (ba'zan chapga) silkishi uning bu erdan chiqib ketishi kerakligini bildiradi. Demak, ma'lum axborot beradi. Shuning uchun bu harakat shartli harakatga egadir.

Shartli harakatga ega bo'lgan imo – ishoralar belgi vazifasini bajaradi. Faqat belgi vazifasini bajaradigan imo – ishoralargina paralingvistik belgilar hisoblanadi. Imo – ishoralar ham ba'zan ko'p ma'noli bo'lishi mumkin. Uning qaysi ma'noda ishlatilayotganligini nutq vaziyati orqali bilib olishimiz mumkin. Masalan : "ko'z qisish" harakati quyidagi ma'nolarni ifodalaydi :

1. I. – *Moro bo'lsin, poshsho qiz ! Zuhra kelin qop – qora ko'zini qisib qo'ydi.* (O'.Hoshimov. "Ikki eshik orasi" 159-bet).

2. U. "*Hozir bir narsa ko'rsataman*" degandek ko'zini qisib qo'ydi-da, tuya sandiq ustida taxlangan ko'rpachalarni tushira boshladi. (O.Hoshimov. "Ikki eshik orasi" 149 - bet).

3. Boltaboy "*Hazilni ko'tarolmas ekan*", deb o'yladi-da, Ro'zmatga ko'z qisib, qoshini chimirdi. (A. Qahhor. "*Qo'shminor chiroqlari*". 104 – bet).

Ko'z qisish birinchi misolda "hazil", ikkinchisida esa "ogohlantirish" ma'nolarida ishlatiladi.

Ayrim paralingvistik vositalar ma'lum bir xalqning muomala qoidalari bilan bog'liqdir. Jumladan, ta'zim qilish, qo'limni ko'ksiga qo'yish, qo'l qovushtirish kabi paralingvistik vositalar nutqimizda tarqalgan. Masalan: *O'tiring, rais, o'tiring, - dedi ikki qo'lini ko'ksiga qo'yib.* (O'.Hoshimov. "Ikki eshik orasi", 154 - bet).

Madaminxo'ja o'tirgan eridan xiyol qo'zg'aldi-yu, qo'l qovushtirdi: Xush kelibsizlar. (M.Ismoilij).

Tildagi lingvistik birliklarning davrlar o'tishi bilan o'zgarish jarayoni ro'y bergani kabi, paralingvistik belgilarda ham ana shunday o'zgarish sodir bo'lishi ayrimlarning eskirib iste'moldan chiqishi va yangi vositalarning kirib kelishi mumkin. Masalan, Markaziy Osiyo xalqlari o'rtasida ilgari qo'lini ko'ksiga qo'yish bilan salomlashish odati hozirgi davrda ko'proq ko'proq bosh silkitish bilan ifodalanmoqda. Lekin ko'p joylarda hozir ham qo'lini ko'ksiga qo'yib

salom berish, ba'zan esa har ikkalasi, qo'lini ko'ksiga qo'yib, boshini silkitib salom berish holati uchraydi. Bular o'zbek tilining paralingvistik normalari sifatida ma'lum.

Bugungi globallashuv sharoitida o'zga tillarning o'zbek tiliga ta'siri yanada ortib bormoqda. O'zbek tili nutqida turli ajnabiy so'zlar, smayklik va boshqa noverbal vositalarning nutqimizda tez-tez uchramiz. Jumladan, okey, chao, bay-bay kabi verbal vositalar, hamda bosh urishtirish, havodan o'hich yo'llash, ko'rsatgich va bosh barmoqlarni birlashtirib, qolgan uch barmoqni tepaga ko'tarish orqali "yaxshi", "zor" ma'nolarining ifodalanishi kabi noverbal vositalarning keng qo'llanayotganligini kuzatishimiz mumkin.

Yuqorida aytganlardan ma'lumki, boshqa bir tilni o'rganayotganda faqat uning leksik sostavi va gramatik qurilishinigina emas, balki paralingvistik vositalarini ham o'rganib borish orqali ona-tilimizni avaylab-asrash va rivojlantirish masalasiga hissa qo'shishimiz lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ильин Е.Н. Искусство общения. – М.: Просвещение, 1982. – 125 с.
2. Колшанский Г.В. Паралингвистика. – М.: Наука, 1974. – 86 с.
3. Nurmonov N. A. O'zbek tilining paralingvistik vositalari. Andijon. 1980 yil.
4. O'. Xoshimov "Ikki eshik orasi". Toshkent, 1992 yil

STORYTELLING AND ITS ROLE IN THE LESSON

Jabborova D.Sh. The teacher of BSU

Shodiyeva N.U. The student of BSU

Калит сўзлар: хорижий тил, ҳикоя, мавзу, усул, матн, изоҳли луғат, машқлар, кўникма.

Key words: foreign language, story, subject, text, glossary, exercises, encourage and skill.

Ключевые слова: иностранный язык, повествования, тема, текст, глоссарий, упражнения, навык.

Аннотация: Мақолада тил ўрганиш кўникмаларини ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари ва тил ўрганишда ҳикоя қилиб беришнинг аҳамияти баён этилган.

Annotation: In this article is outlined the theoretical aspects of the language learning skills development and the importance of stories in learning a language.

Аннотация: В статье излагаются теоретические аспекты развития навыков изучения языка и значение рассказа истории в изучении языка.

Stories are very important for children in learning their mother tongue, and they are important in learning any foreign language as well. That is why it is good to start using stories in teaching English as soon as possible. Primary school children enjoy listening to stories over and over again. This frequent repetition allows certain language items to be acquired while others are being overtly reinforced. Many stories contain natural repetition of key vocabulary and structures. This helps children to remember every detail, so they can gradually learn to anticipate what is about to happen next in the story. Repetition also encourages participation in the narrative. Stories are very motivating, challenging and great fun for children. They can help develop positive attitudes towards the foreign language, culture and language learning. Using stories allows the teacher to introduce or revise new vocabulary and sentence structures by exposing the children to language in varied, memorable and familiar contexts, which will enrich their thinking and gradually enter their own speech. Listening to stories helps children become aware of the rhythm, intonation and pronunciation of language. Stories also provide opportunities for developing continuity in children's learning. They can link English with other subject areas across the curriculum. When learners listen to stories in class they share social experience, it "provokes a shared response of laughter, sadness, excitement and anticipation which is not only enjoyable but can help to build up the child's confidence and encourage social and emotional development".

Stories are a useful tool in linking fantasy and the imagination with the child's real world. They provide a way of enabling children to make sense of their everyday life and forge links between home and school. Children exercise their imagination through stories. They can become personally involved in a story as they identify with the characters and try to interpret the narrative and illustrations. This imaginative experience helps, students develop their own creative potential.

Stories also develop the different types of 'intelligences' that contribute to language learning, including emotional intelligence. Stories develop children's learning strategies such as listening for general meaning, predicting, guessing meaning and hypothesizing. Stories address universal themes which go beyond the useful level of basic dialogues and daily activities. They allow children to play with ideas and feelings and to think about issues which are important and relevant to them. They also provide "ideal opportunities for presenting cultural information and encouraging cross-cultural comparison. For teachers stories allow to use an acquisition-based methodology by providing optimal input. It is great to use real storybooks because they "add variety and provide a springboard for creating complete units of work that constitute mini-syllabuses and involve pupils personally, creatively and actively in an all-round whole curriculum approach. They thereby provide a novel alternative to the course book".

It is obvious that we should choose different types of stories and different topics for learners. Also the sources of stories are different. Students are able to create their own stories if they have the right input. We can use many sources when we look for stories to be used in lessons. Firstly, we are all storytellers and all the time we tell someone about missing a train or losing our watch, about our family life - we are telling a story. We cannot tell all the facts, we must select. We have to decide what to say first and then next - we sequence for effect and understanding, we decide what words to choose and how to move our body and use our voice for expression. So, the best source is our everyday life, our experiences.

We, teachers, are real people and we can choose to share some or many of our experiences with the students. Telling stories from our life can give something personal to our students. The students are more likely to really use English in order to communicate than just mechanically practice it. They will probably do this because they begin to see us as people and not just teachers. And they realize that we think of them as people and not only students of English. Personal stories can help to bring about this shift of perception. The main skills we teach here are speaking and listening. Storytelling encourages empathy and a respect for different points of view as well.

Secondly, there is a lot of English children's fiction or original texts (like newspaper's articles, anecdotes, folktales, etc.). Real books give us the feeling of accomplishment and satisfaction, such richness and magic of language no course book can ever offer. They are also exposed to such issues as loss, death, friendship, responsibility, power and domination which can heighten their sensitivity and help them in the task of growing up. Furthermore the varied illustrations, which provide clues to the story, stimulate interest and pave the way for the text, in themselves develop children's artistic perception and imagination. Students can listen to or read folktales from other times and places. They can evaluate a folktale from its historical context. Listening to or reading about ancient times and places, about different customs. Folktales usually have a moral too, which could be important for students. Next, we can bring pictures or we can use a short video extract to illustrate the topic we want to work. Pictures provoke students' imagination and video may be used to show an authentic language. Songs are other alternative. Adolescents love listening to songs and using real songs can encourage children in other learning of English. For example The Beatles is a group which is a part of British culture and which use strong stories in their songs. Usual activity is gap filling. Another activity is retelling the story in the song in students' own words. Stories are an ideal tool in learning language as they guide us through our whole life. So, not only learning our mother tongue, but also other foreign languages through stories can make our effort more interesting, amusing and memorable. Students have an amazing ability to absorb language when activities are familiar and enjoyable to them. Teaching foreign language on the base of storytelling is exactly the activity which is both familiar and it is fun. Stories are for all of us, not just for children, that is why using them in teaching adolescents

is as important as using them in teaching young children. Stories can attract students' attention, because they provide challenging topics based on their everyday interests such as love and friendship. They also provide a huge space for fantasy and creativity. Stories may link English with other subjects across the curriculum, which we try to demonstrate in this thesis. They teach students to think. All skills, functions and structures may be taught by stories. Vocabulary, pronunciation and creativity may be developed. Using of stories in learning a language is an important teaching technique. Stories guide a human for his or her whole life and use them when the human learn his or her mother or foreign language. Consequently, it is natural learn a foreign language with the help of stories.

References

1. Jeremy Harmer, The Practice of English Language Teaching, Longman, 2005
2. . Auerbach E.R. Competency-based ESL: One step forward or two steps back? // 1986. - №20 (3). – P. 411 – 415.
3. 5. Jeremy Harmer, The Practice of English Language Teaching, Longman, 2005
4. FOREST, Heather. Storytelling Lesson Plans and Activities.
5. WRIGHT, Andrew. YOU are a story absorber and a story teller.

МАТНИНГ МАЗМУНИЙ ҲАМДА КОММУНИКАТИВ ЯХЛИТЛИГИ

Жумаев Э.Б. БухДУ

Калит сўзлар: микроматн, тема, рема, гипертема, занжирсимон алоқа, муштарак асос, гапдан йирик бирлик, мураккаб синтактик бутунлик, матн, матн лингвистикаси, матн грамматикаси, мазмуний, коммуникатив ва зохирий яхлитлик, микроматн, макроматн, жумла, импликация, кесимлик, референция, макропропозиция, тема-рематик занжир, коммуникатив мақсад, анафорик ва катафорик алоқа, пропозиция, релатив структура, монологик ва диалогик нутқ, ўзга нутқ.

Ключевые слова: сверхфразовое единство, сложное синтаксическое целое, текст, лингвистика текста, грамматика текста, семантическая, коммуникативная и структурная целостность, микротекст, макротекст, высказывание, импликация, предикативность, референция, макропропозиция, тема-рематическая прогрессия, коммуникативная целеустановка, анафорическая и катафорическая связь, пропозиция, релятивная структура, монологическая и диалогическая речь, чужая речь.

Key words: the large unit, complex syntactic integrity, text, text linguistics, text grammar, semantic, communicative and structural integrity, micro-text, macro-text, clause, implication, predicate, reference, macro-proposition, theme-rhematic progress, communicative target, anaphoric and cataphoric connection, proposition, relative structure, monologue and dialogic speech, strange speech.

Аннотация: Мақолада хорижий тилшунослиқда матн лингвистикаси ва матн грамматикасининг шаклланиши, матн грамматикаси яхлитлиги шуниңдек микроматн деб қараладиган монологик, диалогик ҳамда ўзга нутқнинг лисоний-нутқий хусусияти ҳақидаги қарашлардан айрими қисқача шарҳланади.

Аннотация: В статье коротко излагаются некоторые точки зрения, существующие в зарубежной лингвистике, относительно становления лингвистики текста, грамматики текста, а также особенности монологической, диалогической и чужой речи, рассматриваемых в качестве микротекста.

Annotation: The article deals with the process of forming of text linguistics and text grammar in foreign linguistics, totaling of text grammar, also interpretation of some opinions on micro-text interpreted as monologic and dialogic speeches including linguistic-communicative features are discusses in the work.

Кириш. Матн атамаси рус ва немис тилларида *текст (Text)*, англиз ва француз тилларида *дискурс (discourse, discours)* деб аталади. Шуни таъкидлаш жоизки ушбу атама тилшуносликда бир-биридан фарқ қиладиган икки хил бирликка нисбатан ишлатилади. Матн деганда бир жиҳатдан сўзловчи нуқтаи назаридан тугалланган фикр ифодаладиган бир ёки бир неча гап тушунилади; иккинчи жиҳатдан қисса, роман, илмий асар, ҳикоя, газета, журнал мақоласи, турли хил ҳужжат кабилар назарда тутилади: Фикр ифодалайдиган битта сўздан тортиб ўн жилдлик асаргача матн ҳисобланади. Асарнинг боб, параграф ва абзаци ҳам матн деб қаралади.

Асосий қисм. Матннинг мазмуний яхлитлиги ундаги *мазмуний асос* яъни *теманинг* битталигида ўз ифодасини топади. Микроматн темаси деганда биз унинг мазмуний ядроси яъни бутун матнга хос умумлашган мазмунни тушунамиз деб ёзади Э. Агрикола. В.Дреслернинг фикрига кўра микроматн темаси аксинча унинг таркибидаги гаплар темасининг арифметик йиғиндисидан ҳосил бўлади. О.Москальская биринчи нуқтаи назар тарафдори бўлганидан қуйидаги микроматн темаси битта, у биринчи гапда ифодаланган; иккинчи гап алоҳида хабар эмас, у биринчи гапдаги теманинг мазмунини ойдинлаштиради яъни Марселнинг елкасидаги оғриқ сабабини билдиради деб ҳисоблайди: (1) *Marcel erwachte mit entsetzlichen Schmerzen in der Schulter.* (2) *Burger Busot hatte ihn auf die falsche Seite gelegt (Bredel).*

Гап микроматн таркибига кирмай битта ўзи хабар билдирса яъни гап-жумла (предложение-высказывание)дан иборат бўлса алоҳида темага эга бўлади. Микроматн таркибига кирса юқорида айтилганидек микроматннинг умумий яхлитлигини ифодалашда иштирок этади.


Микроматннинг мазмуний асоси кўпинча темага доир *очқич сўзларнинг такрорланиб келишида* ўз ифодасини топади. Бу дегани микроматнда референт (борликдаги мавжудот) битта бўлиб айна бир атоқли, турдош от ё уларнинг луғавий маънодоши ёки улар ўрнида қўлланувчи олмош орқали ифода этилади. Бундай ҳолда референт вазифасида айна бир шахс, ҳайвон ёки нарса келади.

Микроматннинг мазмуний яхлитлигини ҳосил қилишда *импликация* ҳам иштирок этади. Бунда микроматн таркибидаги гапларнинг мазмунан алоқаси, боғлиқлиги вазият (ситуация) ёки бутун-қисм муносабатига боғлиқ бўлади. Бундай алоқа натижасида очқич сўз билан бирга яна бошқа мавжудот ёки вазият тақазо этилади.

Очқич сўз қўлланмаганда мазмуний асос (тема)нинг яхлитлиги микроматн қисмларининг умумий мазмунидан ҳосил бўлади: *Silberne Wasser brausten, sube Waldvogel zwitscherten, die Herdenglockchen lauteten, die mannigfaltig grünen Baume wurden von der Sonne goldig ausgestrahlt (Heine).* Ушбу микроматн темасини *ёзги қуёшли кун* деб атаса бўлади. Бунга унинг таркибидаги табиат тасвири акс этган гапларнинг мазмунини умумлаштириш имкон беради.


Матннинг коммуникатив яхлитлиги ундаги таркибий қисмларнинг узвийлиги яъни кетма-кет занжирсимон алоқасидан иборат. Микроматн таркибидаги ҳар бир кейинги гап нутқий (коммуникатив) жиҳатдан ўзидан олдинги гапга таяниб ахборотни давом эттиради. Натижада тема-рематик занжир ҳосил бўлиб унинг ниҳояси микроматн чегарасини билдиради. Шундай қилиб тема-рематик занжир матн ҳосил қилиш вазифасини бажаради. Бу вазифа бир гапли матнга ҳам бирдан ортиқ гапли матнга ҳам хос. Айна пайтда мазкур вазифанинг гап синтаксиси эмас, матн синтаксисига хошлиги алоҳида таъкидланади.

Микроматн ҳосил қилувчи занжирсимон алоқа бир неча андоза (қолип, модел)га эга. Бу андозалар немис тили материали асосида Ф.Данеш томонидан, рус тили материали асосида Г.Я.Солганик томонидан тасвирланган. Кўпинча микроматн таркибидаги олдинги гап ремаси кейинги гапда темага айланади. Унинг чизмаси шундай:




Г.Я.Солганик бу қолипни кесим орқали боғланиш, алоқа деб атайди.

Тема-рематик занжирнинг иккинчи қолипида таянч хабар (тема) такрорланади, янги хабар (рема) ҳар қайси гапда алоҳида бўлади. Бунинг чизмаси шундай:




Бу қолипни Г.Я.Солганик субъект воситасида алоқа, боғланиш деб номлайди.

Бир неча қаҳрамон тасвирланган сюжетли матнда ушбу қолип мураккаблашган тарзда воқеланади. Бундай матннинг темаси иккита бўлиб икки қатор ҳосил қилади. Иккинчи қаторда ҳам биринчи қатордагидек ҳар қайси гапнинг ремаси алоҳида бўлади:




Бу қолипга куйидаги микроматн мисол бўлади: *Wir haben Flugblätter verteilt; da wurde er angeschossen; wir haben ihn heimgeschleppt; er ist im geheimen gestorben, damit kein Verdacht auf jemand fällt* (Seghers).

Учинчи қолип шундан иборатки микроматнда битта муштарак асос (*гипертема*) ва унга боғлиқ бир неча хусусий тема бўлиб ҳар қайсисининг ремаси алоҳида бўлади:



Ф.Данеш қўллаган хусусий тема О.Москальская баён қилган импликация тушунчасига жуда яқин.

Муштарак асос (*гипертема*) гапдан йирик birlikнинг бошланишида келиши мумкин. Бундай ҳолда тема-рематик занжир куйидагича кўринишга эга бўлади:



Битта микроматнда мазкур қолиплардан фақат биттаси эмас, иккитаси ёки учаласи биргаликда ифодаланиши мумкин. Бундай ҳолда микроматнда гап сони кўп бўлиб унинг чизмаси ҳам баёни ҳам мураккаб тус олади.

Хулоса. Хорижий тилшуносликдаги матн грамматикаси, микроматннинг мазмуний ва коммуникатив яхлитлиги хусусида мавжуд фикрлардан ўзбек тилшунослигида деярли ўрганилмаган матн грамматикаси ҳамда микроматнни тадқиқ қилишда фойдаланса бўлади.

Адабиётлар:

1. Зикриллаев Ғ. Рух ва тил.-Т. Фан, 2018.-464 б.
2. Dijk T.A. Van. Some Aspects of Text Grammars. The Hague-Paris, 1972.-155p.
3. Schendels E. Deutche Grammatik. Morphologie. Syntax. Text. Moskan, Visschaya schkola, 1981.
4. Москальская О.И. Грамматика текста. Москва, "Высшая школа", 1981. -184 с
5. Moskalskaya O. Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. М. , 1975.-384 s.
6. Boot K. Der deutsche Satz. Die Satzverflechtung. Deutschunterricht, 1949, Heft 3.S.5-10.
7. Brinkmann H. Die deutsche Sprache. Gestalt und Leistung. 2. Auflage. Dusseldorf, 1971.-455 S.

PHRASEOLOGICAL INTENSIFIER AS A MEANS OF REPRESENTING THE INTENSITY CATEGORY IN PHRASEOLOGY

Jumanova S. A magister of Karshi SU

Аннотация: ушбу мақола фразеологик интенсификаторларнинг интенсиблик категорияси хусусида

Аннотация: данная статья посвящена фразеологический интенсификатор как средство репрезентации категории интенсивности во фразеологии

Analysis existing literature on phraseology has shown that, in general, in the works of phraseological intensifiers, phraseologists, they serve only as illustrative material when considering a phraseological issue.

Thus, when considering interjections of phraseological units and peculiarities of their contextual use, N.V.Polishuk identifies a special class of interjectual units — emotive intensifiers (Polishuk 1988). Being units of directly emotive nomination and expressing emotions in a generalized form, interjectual phraseological units are characterized by different emotive value and degree of expression of assessment. “Emotive intensifiers are designed to reinforce positive or negative emotions. These phraseological units actualize two components of emotions, namely the assessment and antinomy “excitation / discharge”

Despite the fact that phraseological intensifiers have become an integral part of the different functional styles of modern English, the ontology of phraseological intensifiers that are included in the language still remains little studied in phraseology.

Analysis existing literature on phraseology has shown that, in general, in the works of phraseological intensifiers, phraseologists, they serve only as illustrative material when considering a phraseological issue.

Thus, when considering interjections of phraseological units and peculiarities of their contextual use, N.V.Polishuk identifies a special class of interjectual units — emotive intensifiers (Polishuk 1988). Being units of directly emotive nomination and expressing emotions in a generalized form, interjectual phraseological units are characterized by different emotive value and degree of expression of assessment. “Emotive intensifiers are designed to reinforce positive or negative emotions. These phraseological units actualize two components of emotions, namely the assessment and antinomy “excitation / discharge” (Polishuk 1988: 5). This class includes FU like: “*I’ll eat my boots (or head)!*”, “*I’ll eat my hat if ...!*” which are based on one trick: hyperbole brought to the point of absurdity, algorism. A group of emotive intensifiers includes exclamations that reinforce the preceding statement: “*By jimmy!*”, “*By the living jingo!*” - “*by God!*”, “*My God!*”, “*God sees!*”, “*God Damn it!*”; “*Who / where / how ... on earth, the hell, the devil, in God's name?*” - “*who, where, how ... damn it?*”

The author believes that emotive intensifiers, being a direct expression of emotions, external expressive movement, are integral part of the most emotional experience, involves in its environment mediated expressors of emotions in the form of various contexts, which, in turn, are

the “nodes” of emotional expression (Polishchuk 1988). A significant place in our work is occupied by analysis in terms of illocutionary semantics, which allows replacing the “node” metaphor with analytical ideas about semiotic processes accompanying the use of FI.

The most comprehensive composition of the FI in English was first identified by A.V.Kunin, who included in the “capital”, as D.N. Shmelyev expressed it, “English - Russian phraseological dictionary” 47 units, the list of which is given in Appendix 2. Extensive illustrative material shows that the vast majority of FIs are actively functioning in modern English, in its different styles and genres. In the works of A.V. Kunin (Kunin 1970, 1996), FIs are considered from the point of view of their origin, methods of education, features of their use in modern English, their structural, semantic and grammatical characteristics are analyzed. In his classification of idioms, the scientist attributes FIs to nominative adverbial phraseological units. Structurally, the intensifiers, according to A.V. Kunin, are divided into three groups: single-top, two-vertex with the structure of variable phrases, as well as two-vertex and three-vertex intensifiers with the structure of the subordinate clause. They always contain an *as* or *like* union.

Most FIs of this type are single-top revolutions (that is, revolutions consisting of one significant, one service, and two or three service lexemes). Intensifiers have syntactic connectivity, as they are attached to specific parts of speech, and can be considered as a kind of semi-comparative turns. A.V.Kunin divides them into two types: intensifiers of adjectives and adverbs and verb intensifiers (Kunin 1996: 290).

He refers to the first type such FIs as: *as anything, as hell, as hell, as hell, as hell, as he boots, as hell, as hell, as hell, as hell, as hell*.

The second type, according to A.V. Kunin, is the most numerous group of FIs and includes the following units: *like one o'clock - precisely, punctually; like billy-o, like blazes - strong, extremely, terrible; like fun - energetic, fast, very fast; like hell, like mad, like the devil - like hell, damn, devilish; like a bat out of hell - at full speed, at all possible; like nobody's business - endless, damn smart; like old boots - with all his strength, etc.*

In modern English there are several intensifiers with a more complex structure, which are based on completely rethought combinations of words with the structure of the subordinate clause: *as you come, as you please - extremely, exclusively; as they make them, as the day is long - extremely, extremely, terrible, damn*. A complete expressive reinterpretation overcomes the partially predicative structure of these revolutions and their meaning is holistic, intensifying (Kunin 1996).

So, it is possible to assert with confidence that the region of the intensity category in phraseology has been reduced to structurally semantic the specifics of the phraseological units of the phrase-oriented, comparative phraseological units with the gain value and the FI itself, whose categorical properties the phraseologists tried to analyze in the framework of the structuralist paradigm. It is the sign function of the FI that turned out to be the least studied in this paradigm. At the same time, A.M. Kaplunenko, who conducted the study of idiomatics in the historical-functional aspect, came to the conclusion that, of all the categories of idiomatics, IU data are closest to the classical semiotic concept of the sign (Kaplunenko 1992). Consequently, the study of the sign functions and properties of the FI is one of the actual problems in phraseology.

Used literatures

1. Kunin A.V. The course of modern English phraseology: Textbook. Foreign lang - 2nd ed., A.V.Kunin. - M.: Higher School, 1996. - 381 p.
2. Kaplunenko A.M. Historical - functional aspect of idiomatics: - Moscow, 1992. - 351 p.
3. N. Polishchuk. The nominative status of inter-phrase phraseological units of modern English and the peculiarities of their contextual use: - Moscow, 1988. - 23 p.

PROVERBS AS REFLECTION OF PEOPLE'S PERCEPTION OF ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES

Jumanova S. KarSU Master Degree student

Ключевые слова: пословица, фольклор, мудрость, культурно подтвержденный, анонимный, иллокуция, монофункциональный, многофункциональный разговорная речь

АННОТАЦИЯ: эта статья посвящена исследованию важности пословиц в фольклоре и лингвистики. Анализ проблемы пословиц были рассмотрены в текстовом смысле, их функции в аргументативном дискурсе

In every nation's folklore the proverb takes place the main role owing to its verbal and authenticity. Among all the varieties and richness of its poetical significance and form it is difficult to find more interesting and researchable genre than proverbs in the field of linguoculture. They give emotionality, expressiveness to the speech. They have certain pure linguistic features that must always be taken into account in order to distinguish them from ordinary sentences. Proverbs reveal a great number of details of daily life of even common people. Especially, comparing the proverbial stocks of different languages according to the nation's cultural and moral history as well as studying their folklore creativeness give more amazing and discursive results. It is obvious that English and our native Uzbek language do not belong to the same or one language family.

From the early history of our Uzbek life it is known that our wise people used proverbs actively, as this unit reflects the real meaning clearly and brightly. Proverbs are brief statements showing uncondensed form of the accumulated life experience of the community and serving as conventionally practical symbols for abstract ideas. They are usually didactic and image bearing and have a deep content. Folklore and linguistics study the proverbs as their objects. Most scholars Mieder, Roger, Karmik, Brunvand, Palmer, Taylor, Firth mentioned in their works that the main reason of studying proverbs in folklore is their traditionality[4]. No doubt that folklore units are in traditional way being kept in spite of time passing.

As N.R. Norrick points they are "seen as authorless, sourceless and also as non-literary, non-learned". Proverbs own these features but not completely. However, they are also investigated as a folklore unit and differentiate from proverbial phrases, clichés, idioms, aphorisms, superstitions, maxims and slogans. A Proverb is considered as a phraseological unit with figurative meaning in linguistics and to be equal to a sentence according to a complete utterance that they can form in a speech.[1] Proverb is a brief saying that presents a truth or some bit of useful wisdom. It is usually based on common sense or practical experience. The effect of a proverb is to make the wisdom it tells seem to be self-evident. The same proverb often occurs among several different peoples. True proverbs are sayings that have been passed from generation to generation primarily by word of mouth. They may also have been put into written form. Proverbs are language and as such they inherit the properties of language. As language, they are created through the medium of sound in patterned structures at the level of phonology, morphology, and syntax to semiotically represent meaning, also, in definite patterns to perform certain functions. These patterned structures representing meaning and performing functions are products of cognitions of individuals generalized at the collective level of the society or culture. Right from the time of Aristotle, many critics have made attempts to describe the properties of proverbs and define them in terms of these properties. The uncommon characteristic of a proverb as language in a generic mode is a dispositional cognitional prototypical representational action of categorial action in a culturally frozen text. As such, they can be defined as follows in a unified theory where form, function and meaning are interrelated, inter-connected, and interdependent in a huge mind boggling network of Karmikoptions of action and reaction:

"A proverb is a culturally confirmed frozen text of a prototypical practice used as an illocution over a categorial action in a setting for a projected view of life" or "a culturally confirmed frozen prototypical illocution (as a text)"[3]

The same proverb giving different meanings in different contexts as well as they interpreted with different meanings at the sociocultural level of the existence of the proverb. Before writing was developed, proverbs were stored in cultural memory and recalled by individuals for their use in a context. After writing was developed, they are stored by recording them in books, etc. for reference and used. Whatever the case is, the test for their veracity is in their use since books reflect what was in use at the time of writing the books. Therefore, real life discourse should be the basis for all proverbology and it should be complemented by recorded proverbs and their usage.

Proverbs often find their way into literature. Many of the lower-class characters in the Canterbury tales By Geoffrey Chaucer refer to proverbs. Also The famous representative of feminist literature Jane Austen also used a lot of proverbs for attracting the sensitivity and color of her works. As a learner I tried to give some equivalents in our Uzbek language but it is obvious that the property of the proverb also makes it literally impossible to define a proverb by formal-functional-semantic-discourse properties alone.[2]

Besides, the correct usage of proverbs is also important, while translating any other work of art we should pay close attention to this point, and that is the reason of the study of the theme we have taken under discussion. So express any idea or plot of the work in translation as in original demands a person's high skill and deep knowledge. The equivalents of some proverbs in a target language are given for interpreting them in the other language to find out several important innovative ways of translation. Translator ought to know the rules of translation, furthermore the history, slang, life, customs and traditions of the people whose language he / she translating into. As we know Jane Austen wrote mostly about relationships as friendship. As an example, "A honey tongue a heart of gall" in Uzbek I gave the equivalent "Tili shakar- dushman, dili shakar do'st", "Virtue never grows old - Ezgulikning kechi yo'q" there were used a lot of wisdom words for clearer the meaning of the work.

Hypothetically, the same proverb can be used either mono-functionally or poly-functionally also. When it is used mono-functionally, it can be used to perform different functions in the same or different situations. For example, if the proverb is used with the rising intonation of a question – to question A sarcastically – it is used to perform a different function in the same situation. Here, disposition ultimately decides the choice. This is one kind of poly-functionality – dispositionally variable proverb-functionality. English people has words like "Every cloud has a silver lining". A culturally informed speaker immediately recollects and recognizes the proverb in its fixed form, and in his doing so, we find that it is a frozen text since it is fixed and recalled in the cultural memory as such. That it is a culturally confirmed frozen text is also confirmed by the empirical evidence of the folk knowledge of its usage in the daily life of the English speaking people and its occurrence as a recorded proverb (text) in books of proverbs. In this real exchange, it is further proved to be so. Again, when we observe its usage, we find that it is an assertive speech act (illocution) Rising intonation on the last word 'lining' to convey both an assertion and an exclamation, then the proverb becomes poly-functional at the same time[3].

It is obvious that appearing and forming of proverbs, besides, admitting them into live conversations by the nation takes sometimes considerably long period of time. The English and Uzbek languages are believed to have long history. English has background that comes from the Latin language, therefore a huge number of English paremiologic stock have Latin bases; some of them are identical to the historical forms, some of them faced to changes in comparison with the old ones. Through many years, other languages have been affecting to the English language, too. As a result, some proverbs are often borrowed from them in the way of translating proverbs into English as well. Uzbek language also experienced a lot of conquests and through these conditions a lot of words are borrowed into the word stock. The words are basically loaned from Persian, Turkish, Arabic and Russian languages. Proverbs serve as rare base in researching or studying of people: the level of their cultural, politic, economic life in ancient time or periods. As proverbs reflect the life practice of people over different periods and also they reflect moral norms and religious faith of nation. One more feature of proverbs is that proverbs are often used in colloquial speech of people and are extended in varied forms.

Proverbs were always the most vivacious and at the same time the most stable part of the national languages, suitable competing with the sayings and aphorisms of outstanding thinkers. In the proverbs picturesqueness of national thinking was more vivid expressed as well as their features of national character. The proverbs are the paper of folklore which is short but deep in the meaning. They express the outlook of the amount of people by their social and ideal functions. Proverbs include themselves the some certain features of historical development and the culture of people.

The semantic sphere of proverbs is very wide and cannot limit them. The proverbs describe the every branch of people's life.

References

1. Alan Dundes, Margaret Bryant, David Cram., A universal proverb definition. Scholars around the world continue to find their own so-called "working definitions," of which some of the most recent attempts in the English language

2. A. Karmik. Linguistic Approach'. MisurataUniveristy Journal of English Studies, Vol.1. Derivation of Referential Meaning in Proverbs

3. A. Karmik. Linguistic Analysis', in: Scientific Newsletter, 2 (18), Voronezh State University of Architecture and Civil Engineering, Voronezh, Russia.

Speech Act Theory and Proverbial Discourse

4. Benjamin Franklin 'Poor Richard's Almanac'.

ДИПЛОМАТИЯ СЎЗИ ТАВСИФИ ҲАҚИДА

Жуманиёзов З. ф.ф.н., доц. УрДУ

Маълумки, юсак даражада тараққий этган, маълум даражада ривож топган ҳамда муайян бир тизимга эга терминологиясиз фан, соҳа ва техника тараққиёти ҳақида гапириш кийин. Ана шу нуқтаи назардан биз ушбу маърузада тилимизда ниҳоятда фаол бўлган, мулоқотнинг деярли барча жабҳаларида биз мурожаат қиладиган дипломатия сўзи (термини), тушунчаси борасида ўз фикр ва мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашдик. Зеро, дипломатик терминлар генезиси, яратилиши ва қўлланилиш қонуниятларини ўрганиш илмий ва амалий аҳамиятга молик бўлган тилшуносликнинг долзарб масалаларидандир.

Дипломатик терминларнинг ривожланишига давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, унинг чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан сиёсий, савдо ва иқтисодий, инвестициявий-молиявий, илм-фан, маданият ва санъат, тиббиёт, коммуникация ва транспорт, таълим ва туризм, экология ва бошқа соҳалардаги алоқалари, давлат томонидан олиб борилаётган тил сиёсати каби омиллар, интра- ва экстралингвистик сабаблар ҳам таъсир этмай қолмайди (1). Бу эса терминология соҳаси олдида ниҳоятда муҳим бўлган вазифаларни кўндаланг қилиб қўяди.

Мазкур ишимизда биз авваламбор дипломатия сўзи, унинг пайдо бўлиши, тарихан қўлланила бошлаши, маънолари, алоҳида соҳа сифатида шаклланиши борасидаги қарашларни муҳтасар баён қилишни олдимизга вазифа қилиб қўйдик ҳамда бу борада маълум ва муайян маънода мавжуд илмий-оммабоп маълумотларни беришни жоиз, деб топдик.

Маълумки, дипломатия- бу давлат раҳбарлари, ҳукумат ва ташқи алоқа бўйича масъул ташкилотларнинг давлат ташқи сиёсатининг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш (2), шунингдек, чет элда унинг манфаатларини ҳимоя қилишдаги фаолиятидир (3). Демак дипломатия давлатлар ташқи сиёсатини амалга оширувчи асосий воситасидир. Булар аниқ шарт-шароит ва амалга оширилиши керак бўлган вазифанинг хусусиятларини ҳисобга олиб, қўлланиладиган амалий чора-тадбир, йўл-йўриқ ва усулларнинг умумлашмаси ҳисобланади.

Дипломатия бирламчи қабилалар жамоа бўлиб шакланган ибтидоий жамоа тузумида пайдо бўлган. Қабилалар ўртасида низолар келиб чиққач, улар аввал куч билан ҳал

қилинган, аммо одамлар уруш ва ўлимни олдини олиб, низоларни шартномалар (ибтидоий дипломатия) орқали ҳал қилиш фойдалироқ, деб қарор қилишган.

Милоддан аввалги XII асрда Мисрда халқаро дипломатик санъат қоидалари бўйича шартномалар тузилган. Милоддан аввалги 4-минг йилликда Ҳиндистоннинг Ману қонунларида профессионал профилактик (бартараф қилувчи) дипломатия ҳақида гапирилади.

Мунозарали масалаларни ҳал этишда қуролланиш, бир-биров билан урушмаслик шартномаларини имзолаш Хитой дипломатиясида алоҳида русм бўлганлиги тарихий манбаларда қайд қилинади. Ушбу шартномалар дипломатия тарихида ана шу йўналишдаги дастлабки келишувлардир.

Дипломатиянинг келиб чиқиши худолар фаолияти билан боғлиқ (Қадимги Юнонистон, Рим) деб ҳисобланади. Ўрта асрларга келиб эса дипломатлар осмон билан ер ўртасида музокара олиб борган фаришталар сифатида қаралган.

Қадимги Римда “бўлиб ол ва ҳукмронлик қил” тамойили асосида “Келишувларга риоя қилиниши керак” деган халқаро ҳуқуқлар ишлаб чиқилган. Юнон дипломатияси тажрибалари Венеция ва бошқа Италияшаҳарларига ўтиб, амалиётда қўлланила бошлаган. Италия мутафаккири Никола Макиавелли (1469-1527) ҳеч иккиланмасдан дипломат фазилатларини - шер ва тулқига қиёслаган эди.

Дипломатия сўзи қадимги Юнонистонда элчиларга уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат ва ишончномалар сифатида икки қат тахтакачда ёзилган “díplōma” сўздан келиб чиққан деб ҳисобланади. Ушбу сўз таркибига кўра сўзма-сўз “иккилайман, жуфтлайман” деган маънони англатади. Қадимги Юнонистонда музокараларга юборилган элчилар икки қатли тахтакачга ёзилган ваколатларини тасдиқловчи кўрсатмалар ва ёрлиқлар олганлар ва уларни халқаро ишлар билан шуғулланадиган шаҳар амалдорига топширганлар. Дипломатия сўзининг келиб чиқиши мана шунга бориб тақалади (4).

Мазкур термин миллий ҚОМУС.ИНФО онлайн энциклопедиясида кўйидагича изоҳланади: Дипломатия (французча) – давлатларнинг ташқи сиёсат соҳасидаги вазифаларини амалга ошириш, шунингдек, чет элда ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоя қилиш соҳасидаги расмий фаолияти. “Дипломатия” термини юнон тилидаги „икки букилган қоғоз сўздан олинган. Қадимги Юнонистон ва Римда тахтакач муқова ичига солинган хат элчиларга улар ваколатини тасдиқловчи ишонч ёрлиғи ёки ҳужжат сифатида тақдим этилган. Бу терминни ҳозирги маъносида қўлланилиши Фарбий Европада XVIII аср охирига тўғри келади. Дипломатия давлат ташқи сиёсатининг энг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади, ана шу сиёсатнинг мақсад ва вазифалари дипломатия шакли ва услубларини белгилаб беради. Дипломатик фаолиятнинг асосий шакллари: дипломатик конгресслар, конференциялар ёки кенгашлар; нота, меморандум, баёнат ва ҳ.к. шакллардаги дипломатик ёзишма; халқаро шартномаларни тайёрлаш ва имзолаш; давлатнинг элчихоналар ва миссиялар орқали амалга ошириладиган чет элдаги вакиллиги; халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш; ташқи сиёсий масалалар бўйича ҳукумат нуқтаи назарини матбуотда ёритиш. Дипломатик муассасалар ва уларнинг масъул ходимлари дипломатик имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланади. Халқаро ҳуқуққа биноан, дипломатик вакилларга ўзлари ишлаётган мамлакат ички ишларига аралашини ман этилади. (5).

Кундалик нутқда дипломатия сўзи баъзан бутунлай бошқа нарсаларга ишора қилиш учун ишлатилади. Масалан, баъзида дипломатия давлатнинг ташқи сиёсатига ишора қилади. Бошқа ҳолларда, дипломатия деганда музокаралар тушунилади, баъзида ушбу сўз музокаралар олиб бориладиган жараённинг мазмун-моҳиятини англатади. Бундан ташқари, ташқи ишлар вазирлиги таркибига кирувчи хорижий ташкилотларни ҳам ифодалаб келади. Охир-оқибат “дипломатия“ сўзи кишиларнинг яхши маънода халқаро музокараларда фойда олиш санъати ёки одамнинг уддабуронлигида, ёмон маънода – шунга ўхшаш масалаларда ҳийлакор бўлишида намоён бўладиган маҳоратини англатади. Дипломатия сўзининг ушбу беш маъноси айниқса инглиз тилида сўзлашадиган мамлакатларда қўлланилади (6).

Улар бу сўзни XVI асрнинг охиридан мустақил равишда қўллай бошладилар. Англияда дипломатия сўзининг биринчи ишлатилиши 1645 йилга тўғри келади. Кейинчалик, буюк немис олими Готтфрид Лейбниц ўзининг дипломатик ҳуқуқлар мажмуаси (Codex Juris Gentium Diplomaticus) 1693 йилда “дипломатик” (лотинча дипломатикус) сўзини ишлатган. Ўшандан бери у “халқаро муносабатларга тегишли” деган маънони англатади (4).

Кейинчалик дипломатия сўзини биз ҳозир эслатган маънода, Людовик XIV нинг бир неча давлатлардаги элчиси бўлиб хизмат қилган француз дипломати Франсуа Кальер фойдалана бошлади. 1616 йилда у “Хукмдорлар билан музокаралар олиб бориш усуллари тўғрисида” китобини нашр қилдирди, унда у “дипломатия” сўзини замонавий маъносини қўллаган. Бугунги кунга келиб ҳам Кальернинг китобидан ҳали ҳанузгача кўплаб дипломатик мактабларда дипломатларни тайёрлашда фойдаланилмоқда. Ушбу нашрда дипломатия маълум маънавий принципларга асосланган келишувларни киритиш санъати сифатида қаралади ва унинг негизида муайян назария ётади. Бунгача, қадимги Юнонистон ва қадимги Рим, шунингдек, Византия ва ўрта асрларда халқаро ишлардаги ёлғон ва алдамчилик санъати мукамал ҳолатга келтирилди. Кальер бунга юқори интеллектга асосланган ҳалол музокараларни қарама-қарши қилиб қўйди. У ушбу китобда шундай ёзган эди: “Ёлғон аслида келишув қилаётганлар ақлининг ченланганлик кўрсаткичидир. Ҳеч кимга сир эмаски, муваффақиятга эришишда ҳар доим ҳам ёлғон ишлатилган. Ёлғон ҳар доим ўзидан бир томчи заҳар қолдирган ва ҳаттоки алдов орқали эришилган дипломатиянинг энг зўр муваффақиятлари ҳам тупроқда сокинлик топади. Ҳалол ва юқори интеллектдаги музокараларни муваффақиятли олиб бориш дипломат учун кейинги олиб бориладиган музокараларда катта афзалликлар келтиради.” (4)

Хитойда дипломатия санъати Европа мамлакатларига нисбатан барвақт шаклланган (Юнонистон, Рим, Миср дипломатияси бундан мустасно) бўлиб, бир неча минг йиллик анъанага эга. Хитойда дипломатлар миллий қаҳрамонлар, саркардалар, илм-фан, маданият ва санъат намоёндалари каби машҳур бўлганлар ва тарихда алоҳида ўрин эгаллаганлар. Бунга, жумладан, ўзаро низоларга барҳам бериб, ягона кучли давлат яратиш мақсадида “вертикал альянс” деб номланган бирлашма тузган ва ўзини “бош вазир” деб эълон қилган Су Чин мисол бўла олади (7).

Инглизларнинг Оксфорд луғати дипломатия тушунчасининг қуйидагича таърифлайди: “Дипломатия - бу халқаро муносабатларни музокаралар орқали олиб бориш; вакиллар ва элчилар томонидан ушбу муносабатларни тартибга солиш ва амалга ишириш усули; дипломат санъати ёки фаолияти”дир(6). Шу билан бирга, “дипломатия” тушунчасининг бошқа таърифлари ҳам мавжуд (4). Масалан, э.Сатоунинг “Дипломатик амалиёт учун қўлланма” китобида шундай дейилган: “Дипломатия бу мустақил давлатлар ўртасида расмий муносабатларни амалга оширишда ақл-идрок ва одобни қўллаш, ҳатто ундан ҳам қисқароғи, давлатлар ўртасидаги ишларни тинч йўллар орқали амалга ошириш» (8).

Немисларнинг Langenscheidt луғатида дипломатия сўзига қуйидагича таъриф берилади: 1) Дипломатия (айниқса бирор давлатнинг хориждаги расмий вакиллари томонидан) давлатлар ўртасида яхши алоқаларни ва хорижда ўз давлатининг манфаатларини ҳимоя қилишга эришиш учун амалга ошириладиган ҳаракат; 2) бошқа одамлар билан оқилона, орқа-олдини ўйлаб мулоқотга киришиш (8), ёки немисларнинг яна бир машҳур “Pons” деб номланган луғатида дипломатия сўзи 1) битта давлатнинг хориждаги манфаатлари вакиллиги; 2) келишиш (музокара олиб бориш) маҳорати тарзида берилган (10). Рус тилининг дипломатик луғатида “Дипломатия - бу давлат, ҳукумат ва алоҳида ташқи алоқалар ташкилотлари раҳбарларининг давлат ташқи сиёсатининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишдаги, шунингдек, давлатнинг ташқаридаги манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги принципаал фаолиятидир ”(11) деб таъриф берилган.

Дипломатияни аниқлашга оид турли нуқтаи назарларни сарҳисоб қилганда, уни халқаро муносабатлар фани, давлат ва ҳукумат раҳбарлари ва махсус ташқи алоқа

органлари (ташқи ишлар вазирликлари, дипломатик ваколатхоналар) дипломатларининг мамлакат ташқи сиёсати ва уни тинч йўл билан амалга оширишдаги иштироки бўйича музокаралар санъати деб белгилаш мумкин. Дипломатиянинг асосий мақсади давлат ва унинг фуқароларининг манфаатларини ҳимоя қилишдир (5).

Бугунги кунга келиб “Дипломатия” сўзи кенг қулоч ёзиб, алоҳида соҳа сифатида шаклланди ва тилимизда соҳага оид сўз ва сўз бирикмалари шаклланиб, унинг лексик таркибини янада бойитди. Биз буларни дипломатиянинг соҳавий қолланилишига қараб тасниф қилдик. Шунга кўра дипломатиянинг **шакллари** (*конвенсия, дипломатик алоқа, шахсий ноталар, қисман расмий характерга эга шахсий хатлар, вербал ноталар, меморандум, ҳамкорлик шартномаси дипломатик келишув, дипломатик баённома, ишонч ёрлиги*) **вазифалари** (*вакиллик, дипломатик мулоқот ва ёзишма, музокаралар олиб бориш, яхши муносабатда бўлиш, дипломатик этикет, маълумотга эга бўлиш ёки дипломатик разведка, ўз мамлақати фуқаролари манфаатларини хорижда ҳимоя қилиш*), **усул ва воситалари** (*расмий ва бошқа таширфлар ва музокаралар; дипломатик съезд, анжуман, йиғилиш ва учрашувлар; икки томонлама ва кўп томонлама халқаро шартномаларни ва бошқа дипломатик ҳужжатларни тайёрлаш ва тузиш; халқаро ташилотлар ва уларнинг органлари ишида қатнашиш; ўз давлатининг топшириқлари ва элчихоналар орқали чет элда кундалик вакиллик қилиш; дипломатик ёзишмалар; дипломатик ҳужжатларнинг нашр этилиши; ҳукуматнинг турли халқаро масалалар бўйича позициясини оммавий ахборот воситаларида ёритиш; дипломатик ноталарни бериш; дипломатик алоқаларни узиш; интернет ресурсларидан, ахборот-коммуникация технологиялари ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш.*) **дипломатиянинг принцип ва ўзига хос хусусиятлари** (*давлат ички ишларига аралашмаслик; дипломатик имтиёз ва умумий қабул қилинган, тан олинган ҳуқуқлардан фойдаланиш: дипломатик персоналга ва унинг яшаи жойига дахл қилмаслик, дипломатик иммунитет, рақамланган ёзишмалар олиб бориш, дипломатик берк алоқа, давлат байрогини кўтариш, божхона имтиёзлари*) **турларини** (*тинчлик сиёсати дипломатияси, ўз куч-қудратини кўрсатиш (атом) дипломатияси, учинчи давлат аралашуви дипломатияси, фуқаро дипломатияси, доллар дипломатияси, оммавий дипломатия, халқ дипломатияси, иқтисодий дипломатия, рақамли дипломатия*) фарқладик.

Дипломатия сўзи нафақат давлатларнинг ташқи алоқаларида балки кундалик ҳаётимизда жонли сўзлашув тилида ҳам ўзига хос ижобий маъно касб этиб, *дипломат киши, дипломат одам (ёки инсон), дипломат қиз, дипломат аёл, дипломат кадр (мутахассис), дипломат раҳбар, дипломат ҳодим, дипломат чехра, дипломатик билим (савод), дипломатия соҳиби* сифатловчи бўлиб, ёки *дипломатияси зўр, дипломатияси бор, дипломатияга эга, дипломатияси кучли* каби сўз бирикмалари кўринишида кенг қўлланилиб келинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда дипломатия сўзи минг йиллар давомида турли хил ижобий ва салбий маъно ўзгаришларига учраб, қўлланилиш доираси кенгайиб интернационал сўз сифатида дунё тилларида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган. Шу ўринда ушбу сўз ўзбек тили сўз бойлигини оширишида ўзига хос хисса қўшиб, тилимизда фаол бўлган сўзлар қаторидан жой олган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кодухов В.И. Введение в языкознание. – М: «Просвещение», 1979. – С.207
2. Дипломатик муносабатлар бўйича Вена конвенцияси, 1961 йил 18 апрел.
3. dic. akademic.ru. Дипломатия. Большой энциклопедический словарь.
4. Попов В.И. Современная дипломатия - теория и практика. М: "Научная книга", 2000.
5. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-d/diplomatiya-uz/>
6. Никольсон Г. Дипломатия (перевод с английского). М.: ОГИЗ. Государственное издательство политической литературы, 1941.

7. Носирова С. Хитой тили дипломатик терминологияси. Ўқув-услугий кўлланма. Тошкент, ТДШИ нашриёти, 2009. -Б.171.
8. Сатоу Э. Руководство по дипломатической практике. -М.: Издательство института международных отношений, 1961.
9. Dieter G. Deutsch als Fremdsprache. Langenscheidt Großwörterbuch. -München-Wien, Verlag Langenscheidt., 2015. -S.1344.
10. PONS. Großwörterbuch Deutsch als Fremdsprache.-Stuttgart, Ernst Klett GMBH, 2006. -S.1706.
11. Громыко А.А. Дипломатический словарь. Том II. А-И. М.: Политиздат, 1971. - 612 с

SO‘Z VA SO‘Z BIRIKMALARI TALQINI

Jumaniyazov A.J., Allaberganova F.I., Ibragimova A.O. UrDU

Kalit so‘zlar: so‘z, so‘z birikmasi, til birligi.

Ключевые слова: слов, словосочетания, лингвистическая единица.

Key words: word, word combination, lingvistic unity.

Annotatsiya: Mazkur maqolada o‘zbek tilida so‘z va so‘z birikmalarining tabiati va mohiyati haqida fikr va mulohazalar keltirilib o‘tiladi. Birikma atamasi kengroq tahlil qilinadi.

Аннотация: В данной статье даны мысли и рассуждения о природе слов и словосочетаний узбекского языка. Глубокоанализируется термин “словосочетания”.

Annotation: This article gives thoughts and discussions about the nature of words and collocations of the Uzbek language. The term “collocation” is deeply analyzed.

Ma‘lumki, Odamo‘g‘li odamzod dunyoga kelar ekan, ilk bora ko‘zini ochishi bilan nazari olamga tushadi, turfa tovushlar eshitadi onaning issiq bag‘ri taftini sezadi, sutining benazir ta‘mi va hidini anglaydi. U oqil va bolig‘bo‘laboshlash jarayonida olamda son-sanoqsiz narsalar mavjudligi, tovushlarning rang-barangligi, ta‘m va mazaning xilma-xilligi, hidning va bo‘ylarningajiblihamda tanasi orqali qattiq-yumshoq, issiq-sovuq, ho‘l-quruq, mayin-dag‘al narsalarni farqlayboshlaydi. Farqlash esa uning ruhiy mushohadasi va tafakkuri jarayoni, asosida kechadi. Shu tariqa u, obyektiv borliqni, tevarak atrofida ginar va hodisalarni o‘zicha real anglayboshlaydi. Binobarin, olam (universum) shu qadar ko‘pva shu qadar ajoyib va g‘aroyib, bir-biriga o‘xshagan ajib hamda, bir-biriga o‘xshamagan g‘alati ins va jinlardan iboratki, ularni inson uchun bir-biridan tafovutini bilish, ajratishoson kechmaydi. Bu mushkul narsani yechishda Olloh Taolo insonga ta‘limu-asmoni karomat qilgan, buyuk qurol sifatida unga tilni inoyat etgan. Zero, til orqali, yoxud, uning asosiy birliklaridan bo‘lmish so‘z orqali, bani odam dunyodagi o‘z tafakkur kuchi chegarasidagi narsa hodisalarni mushohada qiladi va nomlaydi. Nomlash orqali esa, tevarak atrofida barcha mavjud narsalar farqlaniladi, yaxshi-yomon, ma‘qul-noma‘qul, foydali-foydasizga ajratiladi. Insonning barcha ilmu-bilimi ham asosan ana shu tafovutni sezishga asoslanadi. O‘xshashlik va tafovutni farqlash esa narsa va hodisalarga berilgan nomya‘ni, so‘z bilan belgilanadi, qayd qilindi. Xo‘p unda so‘z nima?

So‘z-mo‘jizaviy til birligi. Aytganda tovushlardan, yozganda harflardan iborat bo‘lgan tilning eng kichik mustaqil qo‘llanuvchi va mustaqil ma‘noga ega muloqot uchun asosiy vositadir. U yaratilishi (paydo bo‘lishi) jihatidan ob‘ektiv borliqdagi narsa va hodisalarni nomlash va nomlash orqali farqlash uchun insoniyat tomonidan qo‘llaniladi. Lo‘nda qilib aytadigan bo‘lsak, so‘z narsa va hodisalarning nomidir. So‘z leksemasi turli tillarda turlicha imlo, talaffuz ko‘rinishiga ega bo‘lib o‘zining etimologik ma‘nolari bilan farqlanadi. Jumladan: “ruschada u “слова”, aytilish shakliga ega va yirik lug‘atshunos olim Maks Fasmerning fikricha “sharaf, shuhrat, iftixor” ma‘nolariga ega ekan. Ya‘ni odamlar 18 ming olamdagi narsalarni nomlay olishni o‘zlaricha sharaf deb bilishgan, undan g‘ururlanishgan iftixor qilishgan. Bu esa pirovard natijada ularga o‘zaro muloqot qilaolish bobida shuhrat olib kelgan. German (ingliz, nemis) tillarida “so‘z”

“Wort”, “word” deb aytiladi va uning ham ma’nosi “hayot hayqirig‘i” yoki “tananavor aytilgan chaqiriq” deb tushuniladi. Hindlarning Sanskrit tilida “sabda” – “og‘zaki xabar”, yoki “ukta”-“maqtovgva loyiq”, arab tilida “kalom”-“foydadan holi emas, manfaati bor hukm ko‘rsatma”, eski avesto tilida “sravah”-“ilm beruvchi”, forschada vaje- “aytilmoqchi maqsad, ifoda”, (maqsadi vajohatidan sezilib turardi) ma’no va mazmunlariga ega. Endi uning o‘zbek tilidagi etimologik ma’nosi haqida to‘xtalinadigan bo‘linsa, o‘zbek tilshunosligida “so‘z” leksemasi etimologik jihatdan turkiy deb qaraladi. O‘zbek tilining izohli lug‘ati ham (2006) unga kelib chiqish nuqtai nazaridan sharh bermagan. Lekin mazkur lug‘atda “so‘z” leksemasi ayrim boshqa til birliklarining komponentlari sifatida kelganki, bu yasama yoki ko‘chma so‘zlar “so‘zak”-*husnbuzar*, “so‘zi”-*sanchik*, “So‘zan”-*igna*, *tikan*, “so‘zana”-*shoyi ip bilan to‘qilgan, tikilgan ro‘mol*, “so‘zanak”-*ninacha*, (shevada *ninachi*), “so‘zona”-*yondiruvchi, kuydiruvchi* ma’nolarini bildiradi. Shu til birliklaridagi uning komponentlari ma’nolari bo‘yicha xulosa chiqaradigan bo‘lsak, **so‘zning** *igna, tikan, sanchiq, yondiruvchi* ma’nolari kelib chiqadi. Bu ma’nolar esa istilohda-kundalik hayotimizdagi *falonchining har bir so‘zi “igna”, aytadigan so‘zi yuragimga tikan kabi sanchiladi, og‘zidan chiqqan har bir so‘z go‘yo “o‘t”, kishini kuydiradi, yondirib yuboradi* ma’nolari mazkur til birliklarida moyona sezilib turadi. Misollardan ko‘rinib turibdiki, “so‘z” leksemasi kishilarga shodlik bag‘ishlashdan tashvishgacha, huzurlanishdan og‘riqqacha, foydadan zarargacha bo‘lgan ma’nolarga ega. Darhaqiqat, hayotiy tajribalardan kelib chiqib shuni aytish mumkinki, bir “so‘z” bilan insonni tiriltirish yoki o‘ldirish mumkin, ovuntiribroq aytganda bir so‘z bilan suhbatdoshni kayfiyatini ko‘tarish yoki tushirib yuborish mumkin.

Endi sentimentallikni chetga qo‘yib, so‘zga, uning tildagi tabiati va mohiyatiga to‘xtaladigan bo‘lsak, so‘zlar orqali ob‘ektiv borliqdagi narsa-hodisalarni atash, ko‘rsatish yoki to‘g‘ri va ko‘chma ma’lumot olish, ijtimoiy hayotimizda, kundalik muloqotda kamlik qiladi. Zero, dunyoni anglash, u haqda biror ma’lumotga ega bo‘lish, faqat narsalar nomini bilish bilangina cheklanmaydi. Bilamizki, olamdagi barcha mavjud narsalar bir-biri bilan uzviy bog‘liq, birining borligi ikkinchisining bo‘lishi, rivojlanishini ta’minlaydi, tiriklik bag‘ishlaydi yoki kushandasi hisoblanadi. Falsafa tili bilan aytganda, ular qarama-qarshiliklar kurashi, inkorni inkor yoki miqdor o‘zgarishini sifat, sifat o‘zgarishini miqdor o‘zgarishlari qonuni asosida, umumiylik va xususiylik xarakterga egalik ko‘rinishlarida, yo‘qdan bor bo‘lishi, bordan yo‘q bo‘lmay, bir turdan ikkinchi bir turga aylanish orqali yerdagi hayotni bir maromda va mo‘tadil kechishini ta’minlaydi.

Shu o‘zaro bog‘liqlikni bildirish va uning sirlarini ochish uchun ham so‘zlarning o‘zaro ma’no munosabatlariga kirib, bog‘lanishlari muloqot uchun juda zarur hisoblanadi. Zero, ikki narsani bog‘liqligini ko‘rsatish uchun ularni nomlayotgan ikki so‘z ham, albatta, o‘zaro bir biri bilan bog‘lanmasa bo‘lmaydi. “Havoning tozaligi”, “quyoshning tafti”, “yerning xayri”, “suvning hayotbaxshligi”, “bulbul navosi”ni anglatish yoki til orqali ifodalash uchun, so‘zlar o‘zaro grammatik yoki ma’no munosabatiga kiradilar va ular haqidagi ma’lumotni to‘ldiradilar. Biz nomlayotgan ikki narsa haqida muayyan xabarga ega bo‘lamiz. “Qizil olma”, yoki “shirin non” deyish bilan olmaning rangi, nonning ta’mini, “olma gulladi” yoki “non yopildi” gaplari bilan esa, muayyan hodisa-jarayonlar bobida aniq fikr va xulosalar bildiramiz yoki eshitamiz.

Shu maqsadda, oddiy so‘zlardan yasama va qo‘shma so‘zlar, iboralar, frazeologizmlar, so‘z birikmalari hamda gaplar yasaladi. Shu tariqa, oddiy so‘zlardan nazddagi maqsadni ifodalash uchun, tilda so‘z yasalishi imkoniyatlari jihatidan, nomlangan yuqoridagi til birliklari ichidan, biz, maqolamiz davomida aynan “so‘z birikmalari”ga to‘xtalamiz.

Mazkur ibora (so‘z va birikma) til birliklari tarkibiy qismlaridan iborat “so‘z” haqida yuqorida bafurja to‘xtaldik. Endi birikma so‘ziga va u orqali anglashiladigan tushunchaga, yoxud berilayotgan ma’lumotlar ma’nosi tahliliga to‘xtalamiz. Bu so‘z uch morfema, jumladan: “bir”-o‘zak morfema, “-ik” va “-ma” so‘z yasovchi morfemalardan iborat. Bilamizki, har bir morfema muayyan ma’no anglatadi. “Bir” so‘zining ma’nosi *yakkalik, yolg‘izlik, tanholik, yagonalik, sonning eng kichigi, miqdorning past darajasini* izohlaydi. “-ik” morfemasining ma’nosi haqida lug‘atlarda ma’lumot uchramaydi. Lekin o‘zbek tilining yirik tilshunoslaridan bo‘lmish Azim Hojiyev uni quyidagicha izohlaydi:

- 1) butun narsani kesib olingandan qolgan qismi:

kesik tort;

2) “-ik”ni (kichraytirish ma’nosi ham bor) harakatga kichraytirish ma’nosini beradi:

Qo’lni kesiki, yog’ochni kesiki;

3) astoydil, jiddiyroq va umumfaoliyat ma’nosiga ega:

tibbiy ko’rik;

4) tasdiq, hukm, xulosa ma’nosi bor:

o’lik, tirik;

5) undosh bilan tugallanuvchi fe’l asoslariga qo’shib ot va sifatlaryasaydi:

kesik, ko’rik, teshik, o’lik, hadik;

6) turli so’z turkumlaridan fe’l yasaydi:

ichikmoq, kechikmoq, birikmoq, ko’rikmoq.

Olim fikriga asosan qo’shilgan holda, “-ik” morfemasima’nolari bo’yicha quyidagi shaxsiy fikr mulohazalarni bildirishni ham joiz deb o’ylaymiz. Ya’ni, mazkur “-ik”:

1)-**ik** morfema fe’l asoslariga qo’shib ot va sifat yasash bilan birga ularga kichraytirish (kesik) keng miqyoslilik (ko’nik, tasdiq, o’lik, tirik)ma’nolarini yuklaydi. Analog misollardan:*hadik, bitik, teshik, ko’nik ko’mik, bitik, yechik.*keltirish mumkin.

2)Shu bilan birga, tilshunosning so’z turkumlaridan fe’l yasaydi degan fikrlariga, yuklama sifatida fe’l yasashga yordamlashib, fe’l asosi anglatayotgan harakat yo holatni tasdiqlaydi deb qo’shimcha qilib, quyidagi misollarni keltirib o’tamiz.

Misol uchun: *bir-ik-moq, ich-ik-moq, kech-ik-moq, ko’n-ik-moq.*

Izohlarga qo’shimcha sifatidayana shuni ta’kidlash mumkinki, “-ik” yuklamasi fe’l o’zagi anglatayotgan harakat yoki holatni amalga oshishiga undash, bo’lishlilik va muhit nuqtai nazaridan zaruriyatga ishora qilgan. Shu ma’noda “birikma” so’zidagi “-ik” yuklamasi narsalarni bir bo’lishini ta’kidlab kelayapti, yagonalik yoki tanxo bo’lishlikka daxldorlik undalinayapti.

Endi “birikma” so’zidagi “-ma” yuklamasiga to’xtaladigan bo’lsak, u postfiksial morfema bo’lib, uning ma’nolarini A.Hojiyev quyidagicha izohlagan:

1.fe’ldan ot va sifat yasovchi urg’uli morfema.

Misol sifatida: *bostirma, gazlama, dimlama, yo’qlama, suzma, terlama, tugma, yuklama, qotirmalarni* keltirib o’tamiz.

2.

a) fe’lga qo’shib ish-harakat natijasida hosil bo’lgan belgi bildiruvchi sifatlar yasaydi:*osma, sochma, tizma, ulama, ezma, yasama, qovurma.*

b) o’timsiz fe’llarga qo’shib xususiyat, hossa, holat, shakl, usul bildiruvchi sifat yasaydi: *aylanma, qotma, hovliqma.*

c) “-illa” morfemasi bilan yasalgan fe’llarga qo’shib xususiyat bildirib sifat yasaydi:*dang’illama, qarsillama, qirchillama, g’archillama kabi.*

3.takror shakldagi ravishlarning bir qismi tarkibiga kirib holat, harakat belgisini bildiradi:

Misol uchun:*birma-bir, ustma-ust, qo’lma-qo’l, yuzma-yuz, ketma-ket.*

4.fe’lning bo’lishsizlik shakli sifatida ajratiladigan urg’usiz suffikslar, bu hollarda inkor, ogohlantirish, ta’qiqlash, taxmin kabi ma’nolarga ega:

bormadi, yozmadi, ko’rmadi, uchmadi kabi.

Yuqoridagi “-ma” morfemasi bo’yicha berilgan izohlarning, “birikma” so’zidagi “-ma” morfemasi ma’nosi bilan uzviyligi yo’qligi bois, biz yuqorida nomlanilgan 1- va 2- izohlarni nazdimizda tahlilimizga mos ko’ramiz va shu borada shaxsiy fikr va mulohazalarni bildirishga harakat qilamiz. Keltirilgan misollardan (bostirma, dimlama)ko’rinib turibdiki, “-ma” morfemasiga tushgan urg’u, mazkur so’zlar ifodalayotgan ma’lumot uchun juda zarur. Zero, urg’u so’zning boshqa bo’g’inlariga ko’chsa, so’zdagi ma’no va mazmun o’zgarib ketadi. Masalan: *Mashina bostirma ostida turibdi. Haydab chiqayotganingda ehtiyot bo’l. Chumolini ham bostirma.*

Bu gapdagi birinchi holatda urg’uning bevosita “-ma” morfemasiga tushishi va (fe’ldan ot yasalishi asosida) mashina turgan bostiriliq maydon, ochiq garaj tushunilsa, ikkinchi holatda urg’uningo’rni o’zgaradi, ikkinchi bo’g’inga tushadi, fe’l fe’lligicha qoladi va uning bo’lishsizlik

shakli asosida fikr bayon qilinadi. Analog misol sifatida: *Bozordan bu safar olma olma, nokkeltirmisolinikeltirish* mumkin.

2-“osma”, “sochma”, “ulama”, “tizma” soʻzlari maʼnosidan koʻrinib turibdiki, ular tilshunos olim taʼkidlayotgan feʼlga qoʻshilib ish–harakat natijasida hosil boʻlgan, belgi bildiruvchi sifatlar yasaydi. Bunda “-ma” morfemasi yordamida vujudga kelgan yasama soʻzlarning yakka holda ham qoʻllanilish mumkinligi (*Shoʻrvani keragi yoʻq, qovurmani keltir*), yoki ular yakka holda nutqda qoʻllanilganlarida ham, tasavvurda ular sifatini bildirayotgan konkret narsa turganligi (*ulama soch, qovurma ovqat, tizma togʻ*) his qilinadi, inobatda boʻladi. Ular yakka holda otlashgan, birikma holda nisbiy sifat vazifasini oʻtaydilar. Bu holatlarda “-ma” morfemasini yana bir xususiyati koʻrinadiki, u oʻzi qoʻshilib kelayotgan feʼl asosi maʼnosini ikki marta taʼkidlaydi va feʼl oʻzagi anglatayotgan harakat yoʻ holatni tugallanganligini toʻla amalga oshganligini yana bir bor tasdiqlaydi. Fikrimizni misol bilan ifodalashga harakat qilamiz.

Taomnomada qaynatma shoʻrva ham, qovurma shoʻrva ham qayd qilingan ekan. Qaysi maʼqul? Qovurmani buyuramizmi yoki qaynatmanimi?

Mazkur misol oddiy kundalik hayotimizdan olingan. Biroq, shoʻrvaning qovurma yoki qaynatma boʻlishi uchun uzoq muddat uning qaynashi yoki qovurilishi, natijasida uning yetarlicha qaynagan va qovurilgan boʻlishi mazkur jarayonlar toʻla nihoyalangan holatdagina natijaning samarali kechishi (kechganligini) oddiygina “-ma” yuklamasi tasdiqlaydi. “-Ma” yuklamasi boʻyicha berilgan yuqoridagi ikkinchi va uchinchi sharhlarni ham biz taklif qilayotgan tahlil asosida izohlash mumkin. Ular bir narsani ikki, uch xil koʻrinishlari xolos.

Maqolamizning bu yogʻida biz koʻzlagan asosiy maqsadga oʻtamiz va yuqoridagi yondashuv asosida “birikma” soʻzini tahlil qilamiz. Yuqorida taʼkidlaganimizdek birikma soʻzini uch morfemaga:

- a) “bir” oʻzak morfema;
- b) “-ik” infiksial morfema;
- d) “-ma” postfiksial morfema

-ga boʻlamiz. Morfemalarning alohida maʼnolari va birgalashib berayotgan umumiy maʼlumotlari tahlil qilinadigan boʻlinsa, “bir” boʻlishni, oʻzi unga qoʻshimcha morfemalar orqali yana ikki marta taʼkidlanganligini koʻramiz. “Bir” yagonalikni bildirsa, “-ik” uni yagona boʻlishga chorlash, undashni, daxldor boʻlishni, “-ma” oʻsha chorlanilgan yoki undalgan faoliyatni tasdiqlanilganini bildiriyapti. “Bir”lik uch marta taʼkidlaniladi. Mazkur tushuncha (tasavvur) orqali tilshunoslikda azaldan qoʻllanilib va maʼqul koʻrilib kelayotgan “soʻz birikmasi” atamasiga yondashiladigan boʻlsa, “birikma” soʻzining biz tasavvur qilgan tushuncha bilan umuman mantiqiy aloqasi yoʻqligi yaqqol seziladi. Binobarin, tilshunoslikda “soʻz birikmasi” atamasi ostida na imlo, na talaffuz va na maʼno jihatdan birikmagan ikki yoki undan ortiq soʻz tushuniladi. Birikma tarkibidagi soʻzlar alohida yoziladi, ular maʼnolarini ham alohida saqlab qolishgan boʻlishadi, atamaning fiktiv ekanligi bilinadi. Xoʻp boʻlmasa nima uchun tildagi bu (fenomenal) hodisa “birikma” deb ataladi? Hayotdagi (tilda ham) hech bir narsa beizm berilmaydiku? Izm sababini ahtarishga harakat qilamiz. Sabab tahlili uchun “qizil olma” iborasini keltiramiz va qizil olmani koʻz oldimizda tutamiz, qoʻlimizga olamiz. Qaraymiz, qizil rang ham, meva (olma) ham qoʻlimizda “bir” alohida, tanxo narsa sifatida turibdi. Qizil (rang), meva (olma) mavjud narsa sifatida ham va ular anglatgan maʼno nuqtai nazaridan mushtaraklashgan, bir (yaxlit) narsa koʻrinishi mujassam. Yoxud ikki soʻz yonma-yon kelib, aynan bir narsani atayapdi, bir narsani koʻrsatayapti va bir narsa haqida maʼlumot beryapdi. Balkim “qizil olma” birikmasini yaratgan, kashf qilgan xalqimiz, rang va meva turini aynan bir narsada namoyon boʻlayotganligi asos boʻlgandir. Darhaqiqat, soʻzlar ikki boʻlgani bilan ular bildirib kelayotgan narsa bir narsaku. Eʼtiborlisi shundaki, ularni tabiatan va mohiyatan ajratib boʻlmaydi. Nomlash, koʻrsatish, va maʼno xususiyatlari jihatidan bir-birisi ichiga jipslashib, singib ketishgan boʻladi mutloq yaxlit narsaga aylanishadi. Masalaga yana chuqurroq yondashadigan boʻlsak, mazkur til birligini (hodisasini) “birikma” deb nomlanishiga sabab, ikki yoki undan ortiq soʻzlar bir narsani nomlayotgani, bir narsani koʻrsatayotgani va bir narsa haqida maʼno berayotganligiga asoslanadi. Qizigʻi shundaki, “qizil olma” birikmasi imlo va talaffuz nuqtai nazaridan ajratib aytiladi, birikkanlik esa ular orqali

tushunilayotgan narsada (olmada) mujassamlashadi, qizilni olmadan tarkiban ajratib bo'lmaydi. Birikmalarning shu xususiyatlaridan kelib chiqib so'z birikmasi talqinini "**Leksik va grammatik ma'nolari jihatidan o'zaro bog'lanib, bir narsani yoki hodisani ifodalab kelgan ikki yoki undan ortiq mustaqil so'zlar so'z birikmasi deyiladi**" degan ta'rif ma'qul ko'rinadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. A. Jumaniyozov, Sh. Rahimova, "O'zbek tilidagi aniqlovchili qo'shma so'zlar, yoxud bahurihilar", Toshkent, 2018.
2. "O'zbek tilining izohli lug'ati"- A. Madvaliyev tahriri ostida, "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, Toshkent, 2006-2008 1-jild.
3. H. Jamolxonov, "Hozirgi o'zbek adabiy tili", "Talqin", Toshkent-2005.
4. N. Erkaboyeva, "O'zbek tilidan ma'ruzalar to'plami", Toshkent: "Akademnashr" - 2015.
5. Sharipov M.Q. "Hozirgi o'zbek tilida so'z birikmalari sintaksisi masalalari", Toshkent, «Fan nashriyoti, 1978.
6. G'ulomov A. G'. va Asqarova M. A. "Hozirgi o'zbek adabiy tili". (Sintaksis.) T., "O'qituvchi", 1965.
7. G'ulomov A.G'. "O'zbek tilida so'z yasash yo'llari haqida", birinchi kitob, Toshkent, 1949.
8. G'. Abdurahmonov, S. Mamajonov., "O'zbek tili va adabiyoti", Toshkent, 2002.
9. M. Hamroyev. "Ona tili", Toshkent, 2012.

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШ ЛУҒАТЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШИГА САБАБ БЎЛДИ.

Жўраева М.М. БухДУ, ф.ф.д.

Ҳоҗиева Г.С. БухДУ мустақил тадқиқотчи

Калит сўзлар: лексикология, семантика, семасеология, этимология, лексикография, металингвистика, корпус, принцип, макроструктура, микроструктура, миниатюра, ғазал, достон, китъа, рубоий, чистон, муҳаммас, фард, мустаҳзод, афоризм

Ключевые слова: лексикология, семантика, семасеология, этимология, лексикография, металингвистика, корпус, принцип, макроструктура, микроструктура, миниатюра, газель, дастан, китъа, рубаи, загадка (чистон), мухаммас, фард, мустахзод, афоризм

Key words: lexicology, semantics, semasiology, etymology, lexicography, metalinguistics, corpus, principle, macrostructure, microstructure, miniature, gazel, dastan (story), quitah (story), rubai (quatrain), chiston (riddle), muhammas, fard, mustahzod, aphorism.

Аннотация: Ушбу мақолада лисон, сўз бойлиги, луғат ва унинг турлари шунингдек, Алишер Навоий ижодига бўлган катта қизиқиш сабабли луғатларнинг яратилиши ҳақида сўз боради. Мутафаккир меросини ўрганиш бўйича амалга оширилаётган сай-ҳаракатлар ҳақида ҳамда Алишер Навоий асарларининг француз, инглиз ва немис тилларидаги таржимаси хусусида фикр юритилади.

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы создания словарей с учётом имеющегося большого интереса к языку, богатству слов, словарям и их типам, также к творчеству Алишера Навои. В ней также исследуются действия по изучению наследия литературного деятеля и переводы произведений Алишера Навои на французский, английский и немецкий языки.

Annotation: The given article investigates the matters of lexicography with the consideration of the existing big interest towards the language, word stock, dictionaries and their types as well as Alisher Navoi's literature. It also analyses the actions related to the study of Navoi's heritage and the translations of Alisher Navoi's literary works into the French, English and German languages.

Маълумки, тил миллий маданиятнинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади, сўз эса, халқ маънавияти, фалсафаси ва тарихини тушунишга имкон берувчи воситадир.

Жаҳон тилшунослигида ҳар бир миллий тилнинг ўзига хос хусусиятларини илмий асосда ўрганиш ҳамда уларни келажак авлодга етказиш илм-фан жадал ривожланган бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Тилдаги сўз бойлигини ўрганмай туриб, халқнинг ўзлигини ифодаловчи бой маънавий мероси ҳамда тарихини мукамал билиб бўлмайди. Бу борада лексикологияга мурожаат этиш ўринлидир, зеро у, тилшуносликнинг муҳим бўғини сифатида, тилнинг луғат таркибини, сўз бойлиги, ҳамда сўзларнинг маъносини ўрганади. Шу жиҳатдан лексикология ўз ичида семантика, семасеология, этимология, лексикография каби бўлимларига бўлинади. Жумладан, семантика, семасеология – сўзнинг луғавий маъносини, этимология – сўзларнинг келиб чиқиши, лексикография эса сўзларни кодлаштириш, рўйхатга олиш, тил бўйича тузилган луғатлар ва луғат тузиш принципларини ўрганувчи фан ҳисобланади.

Луғат сўзи арабчадан олинган бўлиб, “тил”, “шева”; “сўз”, “ибора” демакдир. У бирор тилдаги сўзларни маълум тартибда (одатда алифбо тартибида) жамлаб, изоҳлаб ёки бошқа тилга таржима қилиб берилган китоб (изоҳли луғат, имло луғати, ўзбекча-русча луғат), яна бир ўринда сўз ёинки тилдаги барча сўзлар мажмуи, сўз бойлиғи ҳамдир (... Луғат бисотидан роса ахтардим... Уйғун.).[1.512.] Луғатларнинг ҳар бири ё кўрсатилган нарса ҳақида, ёки белги ҳақидаги ахборот матн билан берилади. “Ҳар қандай луғат макроструктура ва микроструктурага асосланган. У лисоний матнлар ёки металингвистик корпусига таянади. Шу хусусиятларнинг акс этиш даражасига кўра, умумий тарзда луғатларнинг қуйидаги турларини алоҳида ажратиб кўрсатишимиз мумкин: умумий луғатлар, махсус луғатлар, изоҳли луғатлар”[2.].

Умумий луғатлар ё билимнинг бир соҳасини, ё сўзнинг бир майдонини қамраб олади, махсус луғатлар тил луғатларидир (омонимлар, синонимлар, этимологиялар ва ҳ.з луғатлар), изоҳли луғатлар сўз семантик структурасини аниқлаштиришга мўлжалланган бўлади.

Мамлакатимиз мустақиллиги туфайли ўзбек лексикографияси олдида янги давр талабларига жавоб берадиган энциклопедик ва лингвистик луғатлар яратиш вазифаси қўйилди.

Биламизки, луғатлар замон нуқтаи назаридан иккига – тарихий ва замонавий луғатларга бўлинади. “Тарихий лексикография” фани ўзбек тилшунослиги тарихида луғатчилик анъанасининг шаклланиши ва унинг тарихий тараққиёти, ўтмишдаги луғатларнинг турлари, уларнинг тузилиш принциплари, луғатларда сўзларнинг изоҳланиш йўллари, шунингдек, тил тарихида сўз ва унинг маъносига муносабат, сўз маъноларининг талқини, тарихий грамматик асарларда лексикологияга тегишли билимларнинг берилиши сингари лингвистик масалаларни қамрайди. Замонавий лексикография муайян давр жамиятидаги билимлар мажмуини акс эттирувчи луғатларнинг муҳим ижтимоий вазифасини алоҳида қайд этади. Лексикография луғатлар типологиясини ишлаб чиқади. Шу жиҳатдан бир тилли лексикография (изоҳли ва бошқа луғатлар), икки тилли лексикография (таржима луғатлар), ўқув лексикография (тил ўрганишга ихтисослашган луғатлар), илмий-техник лексикология (терминологик луғатлар) ўзаро фарқланади.

Лексикография луғат тузиш иши сифатида турли халқларда ёзув тараққиётининг илк босқичларида у ёки бу тушунарсиз (эскирган, диалектал, махсус ёки хорижий тилга мансуб) сўзнинг қандай маъно англатишини билиш эҳтиёжи натижасида пайдо бўлган. Дастлабки тузилган луғатлар умумлашган, универсал хусусиятга эга бўлган (луғатларнинг турли шакллари, кўринишлари кейинги даврларда юзага келган).

Ўзбек лексикографияси тарихи Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" асаридан бошланган, деб айтиш мумкин. Ушбу луғат фақат сўзлар ва уларнинг маъноларини тавсифлаб қолмасдан, туркий халқлар тарихи, урф-одатлари, географик

жойлашуви каби кенг маълумотлар манбаи ҳисобланади. Шу билан бирга у дастлабки икки тилли (туркийча-арабча) луғатлардандир.

Ўзбек тилининг асосчиси, унинг бутун дунё тили ва адабиёти юксалишига таъсир этишида ўзининг мислсиз ҳиссасини қўшган давлат ва фан арбоби Мир Алишер Навоий ҳам, ана шундай забардаст адабиёт даҳоси бўлиб, бугунги кунда юртимизда “Навоийдан” сўзламаган, шоирнинг бирор ғазали, ё рубойиси йўқки, куйга солиниб, халқ кўнглидан жой олмаган ҳеч бир хонадон бўлмаса керак.

Айтиш жоизки, Алишер Навоийнинг бутун умри давомида яратган нодир асарлари кишини комиллик, ватанпарварлик ва инсонпарварлик каби эзгу фазилатларга ундагани сабаб, бугун нафақат юртимизда, балки бутун дунёда унинг ижодига чуқур ҳурмат билан қаралади. Шу нуқтаи назардан, адиб яратган адабий меърос катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Алишер Навоий ижодига қизиқиш 15-асрдан кейинги даврда бир қанча луғатларнинг яратилишига сабаб бўлди: "Абушқа" (16-аср, Туркия) изоҳли луғати, Толе Имони Ҳиравийнинг "Бадое ул-луғат", Муҳаммад Ризо Хоксорнинг "Мунтахаб ул-луғот", Мирзо Махдийхоннинг "Санглоҳ" луғати, шунингдек, Ишоқхон Ибратнинг "Луғати ситта ас-сина" ("Олти тилли луғат"), Муҳаммад Ёқуб Чингийнинг "Келурнома", Сулаймон Бухорийнинг "Луғати чиғатойи ва турки усмоний" ("Чиғатойча-туркча луғат") каби луғатларини санаш мумкин.

Нашр эттирилган 2 жилдли "Русча-ўзбекча мукамал луғат" кейинги даврларда Ўзбекистонда яратилган икки тилли луғатлар учун асос бўлди. Ҳозирги кунгача 50 дан ортиқ хорижий тил билан ўзбекчани қиёсловчи кўплаб таржима луғатлари, фан соҳаларига оид 100 дан зиёд бир, икки ва уч тилли терминологик луғатлар яратилди. Ўзбек халқи тарихида биринчи марта "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" тузилиб, нашр этилди. Қолаверса, луғатлар ёрдамида ўзбек адабиётшунослиги ва тилшунослигида қиёсий ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортгани сайин, Навоий яратган ижодий меъросни тадқиқ этиш баробарида уни хорижий тилларга таржима қилиш ва қиёсий ўрганишга аҳамият қаратилаётганлиги дунё адабиётшуносларини ҳам бу борада тадқиқотлар олиб боришга ва Алишер Навоийнинг ижодий меросини хорижий тилларга, жумладан, инглиз, француз ва немис тилларига таржима қилиниб, дунё аҳлига намойиш этилишига ҳам сабаб бўлди.

Жумладан, “Лисон-ут-тайр” асарини инглиз тилига таржима қилган канадалик Гарри Дикнинг Алишер Навоийга бағишланган “Кўнгил боғининг боғбони” номли мақоласи ўзбек тилида чоп этилди. Мақола муаллифи Навоийдан шунчалик таъсирланган эдики, у шоирнинг бутун ижодини тезроқ ўз юртдошларига етказиб бериш истагини билдирган ҳолда, Навоийни “шоирим” деб атайти ва уни кўнгил боғининг боғбонига қиёслайди. Бойси Ғарбдаги тараққиёт бўҳронлари кишиларнинг моддий-маиший турмушга берилиб кетаётгани ва оқибатда маънавий инқирозга йўл тутаётган жараёнда кимдир кўзни очиши, ёхуд Гарри Дик таъбири билан айтганда “ажриқ босиб кетган боғни тозалаб, парваришлаши керак”. Шундай муҳим масалада Навоий асарларига мурожаат этилишининг ўзи-да, адиб шахси ва ижодига билдирилган юксак ишонч ҳамда эҳтиром демакдир.

2000 йилда Й.Парда, Л.Кметюк ва К.Маъмуровлар томонидан улуғ мутафаккир асарларининг инглиз ва немис тилларидаги таржимаси “Уммондан дурлар. Ғазаллар, ҳикматлар ва рубойилардан намуналар” номи билан нашр этилди. [3.]

Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган Франция давлати ўртасидаги маданий алоқаларнинг мустаҳкамланиб бориши натижасида француз олимларининг ҳам Навоий ижодига қизиқиши тобора ортаётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, 1991 йилда Orphée La Différence нашриёти томонидан чоп этилган “Gazels et autres poèmes” китобида келтирилган Алишер Навоий ғазаллари Ҳамид Исмоилов ва Жан Пьер Балп томонидан француз тилига таржима қилинган эди (traduit de l'ouzbek par Hamid Ismaïlov - Alisher Navoï, Adapté par Jean-Pierre Balpe. Gazels et autres poèmes, Orphée - La Différence). Китобда таржимонлар томонидан Навоий ҳаёти ва ижодиёти хусусидаги қисқача маълумот билан бирга унинг асарлари библиографияси, шунингдек, “ғазал”,

“китъа”, “рубойй”, “чистон”, “мухаммас”, “фард”, “мустаҳзод” каби адабий жанрлар таърифи ҳамда уларга араб ва француз тилларида намуналар келтирилган.

2008 йилда Францияда Алишер Навоийнинг 30 та ғазали таржимонлар Муродхон Эргашев ва Жан Жак Гате ҳамкорлиги остида “Gazel” номи билан “Георама” нашриётида чоп этилди (Traduction et adaptation Mouroukhon Ergashev – Jean-Jacques Gaté. Illustrations Jahongir Ashurov. Géorama.) Тўпламда Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилиниб, ғазалларининг французча таржимаси рассом Жаҳонгир Ашуров томонидан ишланган миниатюралар асосида берилган. Шунингдек, мутафаккирнинг қатор рубойй, афоризм ҳамда ҳикматли сўзлари француз тилига таржима қилинган [4.30.]:

Одами эрсанг, демагил одами, Оники, йўқ халқ ғамидин ғами.

Le nom d’homme, ceux-là ne le meritent point,
Qui sont durs pour le peuple et sourds à ses besoins.

*Бефойда сўзни кўп айтма,
Фойдали сўзни кўп эшитурдин қайтма*

Évite les discours superflus et frivoles,
Mais écoute cent fois une sage parole.

Оз-оз ўрганиб, доно бўлур, қатра-қатра йигилиб, дарё бўлур.

Comme l’eau qui remplit le fleuve goutte à goutte,
Jour par jour quelque miette à ton savoir s’ajoute.

*Бу гулиан ичра йўқдир бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.*

Au jardin d’ici-bas, la rose n’a qu’une heure;
Heureux ceux dont le nom dans les siècles demeure.

*Иззат тиласанг кам де,
Сиҳат тиласанг кам е.*

Dis moins de mots pour être respecté,
Et mange moins pour garder la santé.

Демак, миллий кадриятларимиз, маънавий бой меросимизни тиклаш ҳамда уларни чуқур ва мукамал ўрганиш орқали, тарихий ва нодир асарларнинг мазмун-моҳиятини авлодларга сингдириш, аждодларимизнинг сермаҳсул ижоди — юксак манавий меросини таржима қилиб, ёш авлод қалбида Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада кучайтириш, уларнинг шуурида ушбу меросга ҳурмат, эъзоз ҳиссини шакллантириб, маданий савиясини юксалтириш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, бундай дурдона асарларни таржима қилиш дунё халқлари маданияти томон маънавий кўприк ўрнатиш демакдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. “Ўзбекистон”, Тошкент, 2010. -512 б.
2. Раҳматов М. Француз тилидаги бир тилли луғатларнинг семиологик таҳлили. (СамДЧТИ)
3. <http://uza.uz>
4. Ў.Турниёзов. Manuel de français. Навоий, 2005. – Б.30.

TANQIDIY VA TAHLILIY LEKSIKOGRAFIYA

*Imyaminova Sh.S. O`zMU, f.f.n., prof.
Bultakov A.A. O`zMU magistranti*

Kalit soʻzlar: leksikografiya, lugʻat, imlo lugʻati, tilshunoglik, termin, alifbo, izofali birikma

Ключевые слова: лексикография, словарь, орфографический словарь, лингвистика, терминология, алфавит, соединение изоформы

Keywords: lexicography, glossary, spelling dictionary, linguistic, terminology, alphabetical, overlap

Annotatsiya: Imlo lug`atlari - lug`atlarga kirgan so`z va iboralarning izohi ham, tarjimasi ham bo`lmaydi. Bunday lug`at so`zlarning yozilishini imlo qoidalarini o`z ichiga oladi. Tillardagi barcha so`zlarning yozilishi imlo qoidalariga mos kelmaydi. Bu turdagi lug`atlar istisno so`zlarning orfografiyasining aniqlashda ayniqsa qo`l keldi. Imlo lug`atlari hamma uchun birdek ahamiyatlidir. Imlo lug`atlarining biz uchun ahamiyatli jihati shundaki so`zlarni to`g`ri talaffuz etish va to`g`ri yozishni o`rgatadi. Bunday lug`atlar, asosan amaliy maqsadda tuziladi. Shu o`rinda imlo lug`atining qanchalik ahamiyatga ega ekanligi va o`zbek lug`atshunosligida imlo lug`atlarining yutuqlarini berib o`tgan xolda undagi bazi kamchiliklarga ham e`tibor berish maqsadga muvofiq bo`lar edi. Lug`atshunoslik sohasini nafaqat tilshunoslikning bir qismi sifatida, balki mustaqil fan sifatida o`rganilishni talab qiladi.

Аннотация: Орфографические словарь - Слова и фразы, включенные в словари, не имеют объяснения или перевода. Такой словарь содержит орфографические правила написания слов. Написание всех слов на языках не соответствует написанию. Эти типы словарей были особенно полезны при написании исключительных слов. Словари правописания одинаково важны для всех. Словарь орфографии важен для нас, потому что он учит нас, как правильно и правильно произносить слова. Такие словари предназначены в основном для практических целей. В то же время было бы целесообразно отметить важность орфографического словаря и выделить некоторые недостатки в правописании в узбекской лингвистике. Словарь требует изучения не только как части лингвистики, но и как самостоятельной науки.

Abstract: Spell dictionaries - The words and phrases that are included in the dictionaries are neither explanatory nor translation. This dictionary contains spelling rules. The spelling of all words in languages does not match the spelling. These types of dictionaries have been particularly helpful in the spelling of exceptional words. Spelling dictionaries are equally important to everyone. The spelling dictionary is important to us because it teaches us how to pronounce the words correctly and correctly. Such dictionaries are compiled mainly for practical purposes. At the same time, it would be expedient to pay attention to the importance of the spelling dictionary and also to highlight some of the deficiencies in the Uzbek vocabulary, giving them the advantage of spelling. The vocabulary requires study not only as part of linguistics but also as independent science.

Dunyo leksikografiyasi ming yillik tarixga ega bo`lsada, uning asosiy rivoji keyingi ikki uch asrga to`g`ri keladi. Ilk bor oz sonli so`zlar va iboralardangina tashkil topgan qo`l yozmalardan boshlangan lug`atlar hozirgi kunga kelib tillarning yuz ming so`zlarni o`z ichiga olib, minglab adadda chop etilmoqda. Keyingi yillarda leksikografiyaning faqatgina amaliy tomoni emas, balki nazariy yo`nalishi, obykti, predmeti shakllandi. Lug`at tuzish nazriyasi, amaliyoti tilshunoslikning mahsus sohasiga aylandi. Lug`atshunoslik tilshunoslikning mana shunday o`ta mashaqqatli, o`ta masulyatli sohasi bo`lganligi sababli ushbu savobli yo`nalish bilan yetuk, fidokor, millatparvar olimlar shug`ullanmoqdalar. [1;10 b.]

Maqsad va vazifalariga ko`ra lug`atchilik ikki tarmoqqa bo`linadi:

1. *Ilmiy leksikografiya – lug`atchilikning nazariy masalalari bilan shug`ullanuvchi sohasi.*

2. *Amaliy leksikografiya – bevosita lug`at tuzish ishlari bilan shug`ullanuvchi soha.*

Leksikografiya quyidagi muhim ijtimoiy vazifalarni bajaradi:

1. Ona tilini va boshqa tillarni o`rgatishga xizmat qiladi.
2. Ona tilini tasvirlash va me`yorlashtirish vazifasini o`taydi.
3. Tillararo munosabatlarni ta`minlaydi.
4. Til leksikasini ilmiy tekshiradi va talqin qiladi.

O`zbek tiliga davlat tili maqomining berilishi ona tilimiz uchun ulkan taraqqiyot, rivojlanish, bitmas - tunganmas boy bisotini namoyish etish omili bo`ldi. Ayniqsa, mustaqillikka erishganimizdan keyin o`zbek tilining leksik qatlamida misli ko`rilmagan o`zgarishlar bo`ldi: “eskirgan so`z” tamg`asi bosilgan yuzlab leksikonlar o`z lisoniy maqomiga ega bo`ldi, xalq tili

bisotida qolib ketayotgan ko`plab so`zlar yasaldi, fan – texnika, tibbiyot, iqtisodiyot, huquq, sport va boshqa sohalarga oid talay yangi so`zlar tilimizga kirib keldi; ish yuritish o`zbek tiliga ko`chdi, Atamashunoslik qo`mitasi tashkil etilib, turli soxalarga doir faniy lug`atlar tayyorlandi.

Tilimiz taraqqiyoti bilan bog`liq ushbu o`zgarishlar, islohotlar imlo lug`atida o`z ifodasini topgan. Chunonchi, kundalik turmushda xalq shevalarida, badiiy asarlarda qo`llaniladigan, ammo adabiy tilda o`z o`rnini topa olmay yurgan ko`pgina so`zlar imlo lug`atiga kiritildi. Masalan: saldam (inersiya), birinj (bronz), do`qqi (qo`pol), sila (to`lar-to`lmas), qo`qimoq (ivirsimoq), pang`iz-lamoq (mog`or bosmoq) v.b.

Lug`atdagi so`zlarning muayyan qismini fan-texnikaga doir terminlar tashkil etadi. Ayniqsa, mustaqillikka erishganimizdan keyingi davrda tilimizga kirib kelgan bu sohalarga oid ko`plab yangi so`z-terminlar lug`atdan joy oldi, chunonchi: fyuchers, ombudsman, sammit, bill, emansipatsiya, embargo, konvertatsiya, lizing, menejer, marketing, sanatsiya; printer, multimedia, peyjer va sh.k. Bu tarkib lug`atning ikkinchi nashrida yangi o`zlashmalar hisobiga yana ham ortdi. “O`zbek tilining kirill va lotin alifbolaridagi imlo lug`ati” ikki jildli “O`zbek tilining izohli lug`ati”, chop etilgan turli xarakterdagi lug`atlar, xususan, Sh. Rahmatullayev va A. Hojiyevlar tomonidan tuzilgan “O`zbek tilining imlo lug`ati” (1995), maktab darsliklari va davriy matbuotdan yig`ilgan so`zlar asosida tuzildi. Xalq og`zaki ijodi, xalq so`zlashuv tilidan, taniqli yo`zuvchi, shoir, jurnalist va olimlarimiz asarlaridan to`plangan so`zlar ham imlo lug`ati so`zligini boyitgan.

Shu o`rinda takidlab o`tish kerakki 1995 yilning 24 avgust O`zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasining “Lotin alifbosiga asoslangan o`zbek alifbosining joriy etilishi to`g`risidagi 339-sonli qarori asosida “O`zbek tilining krill lotin alifbodagi imlo lug`ati” [2; 8 b.] T. To`g`ayev, G.Tavaldiyev, M. Akromova lar tomonidan tuzuldi. Imlo lug`ati o`z ichiga 14 mingdan ortiq so`zlarni jamlagan. Lug`at dastavval o`zbek tilining asosiy imlo qoidalari qisqacha berib o`tilgan. Lug`atda biz bazi tushunmovchiliklarga duch keldik yoxud biz o`z fikir mulohazalarimizni qoldiramiz. Yuqorida aytib o`tganimizdek lug`at 1995 yil 24- avgust lotin yozuviga asoslangan o`zbek alifbosini joriy etish to`g`risidagi Vazirlar mahkamasining qarori bilan boshlangan ammo lug`at kiril va lotin alifbosida tuzilgan. Bu esa lotin yozuvga asoslangan alifboga o`tgan davrda biroz chaklkashliklarga olib keladi. Masalan lug`atda kril alifbosidagi *Ye (E), Yo(Ë), Ya (Я), Yu (Ю)* harflari bilan berilgan. Aslida krill alifbosida bitta harf bo`lgan ammo lotin alifbosida esa ikki harf belgisi tarzida yoziladi. Bizningcha dastlab lotin alifbosi asosida berilishi va uning yonida krill alifbosining kelishi maqsadga muofiq bo`lar edi. Misol uchun bizga “yangilik” so`zi kerak va biz uni *Y* harfdan emas *Ya (Я)* harfdan izlashga to`g`ri keladi agar biz lotin yozuvi asosida bersak bunday misollarning hammasini bitta *Y* harfida negizda yoziladi.

Takidlab o`tganimizdek lug`at boshida o`zbek tilining asosiy imlo qoidalari keltrib o`tilgan unda esa Ajratib yozish qoidalari bo`limida “ Izofali birikmalar ajratib yoziladi. Bunda izofa undosh bilan tugagan so`zlarga *i* shaklida, unli bilan tugagan so`zlarga *yi* shaklida qo`shiladi: *dardi bedavo, nuqtayi nazar, tarjimayi hol* kabi. Lekin izofa yozilmaydigan so`zlar, shuningdek, qismlari biri yoki har ikkisi o`zbek tilida mustaqil ishlatilmaydigan so`zlar qo`shilib yoziladi: *gulbeor (guli beor), dardisar*. [3; 21 b.] Bizningcha qoidada kelib chiqqan xolda *gulbeor va dardisar* so`zlari ham ajratib yozilishi kerak. Aynan shu qoidaga qaraymiz unda keltirilganidek qisimlaridan biri yoki har ikkala qismi o`zbek tilida mustqail ishlatilmaydigan so`zlar qo`shib yoziladi ammo biz *gul va beor* so`zlarini alohida alohida qo`llay olamiz bizningcha bu qoidada bir to`xtamga kelish kerak. Chunki bu qoidalar yangi til o`rganuvchilarga hamda abiturentlar uchun chalkashliklarni keltirib chiqaradi. Undan tashqari *dard va sar* so`zlari ham vaholankki alohida alohida manoga ega. Yani *sar* so`zi asli fors-tojik tildan kirib kelgan bo`lsa ham o`zbek tilda ham o`z mustaqil manosi bor. *Nuqtayi nazar* izofali birikmasining qisimlar o`rtasidagi mano turli xil hisoblanadi, yani *nutqayi* so`zining o`z mustaqil manosi aynan bu qo`shma so`z birikmasiga to`g`ri kelmaydi.

Bundan tashqari lug`atda sifat oldidan kelib belgining ortiq yoki kamligini bildiradigan *to`q, jiqqa, tim, liq, lang, och* kabi so`zlar ajratib yoziladi. [4; 21 b.] Ammo imlo qoidasida *nimpushti* so`zi qo`shib yozilgan qoidada berilganidek *nim* so`zi ham sifatning kamligini bildirib

keladi shunga qaramsdan bu sifat qo`shib yozilgan. Biz yuqorida o`z mulohazalarizni bildirib o`tdik va bazi takliflarimizni berishga harakat qildik.

Foydalanilgan ilmiy adabiyotlar ro`yxati:

1. Isroilova M. Zamonaviy lug`atshunoslik tahlili, Andijon, 2012.
2. To`g`ayev T, Tavaldiyev G, Akromova M. O`zbek tilining krill lotin alifbodagi imlo lug`ati, Toshkent, 2004.

LE ROLE DE LA GRAMMAIRE COMMUNICATIVE DANS LE CADRE EUROPEEN COMMUN DE REFERENCE (CECR)

Younousova S. Université des langues du Monde

Калит сўзлар. Коммуникатив метод, дидактик, грамматист, функционал, ситуатив, рақамлаш қоидаси.

Ключевые слова. Коммуникативный метод, дидактический, грамматист, функциональный, ситуативный, правила кодирования.

Key words. Communicative method, didactic, grammar, functional, situational, coding rules.

Аннотация. Мазкур мақолада тилнинг учта асосий малакалари таҳлил қилинган. Тилнинг коммуникатив грамматика хусусиятларини ўқитишда умум Европа системаси асосида таҳлил қилинади: ўқиш, ўрганиш, баҳолаш.

Аннотация. Эта статья посвящена трем основным вопросам, связанным с обучением навыкам грамматики в общеевропейской системе языков: учиться, обучать, оценивать.

Annotation. Cet article est consacré à trois questions principales qui sont liée à la formation des compétences grammaticales dans le cadre Europeen commun de référence pour les langues, Apprendre, enseigner, évaluer.

Première question: 1. Qu'est-ce que communiquer en langue étrangère? Aujourd'hui, le rôle de la grammaire dans l'enseignement / apprentissage des langues étrangères a été mis en évidence. Mais le comment d'enseigner la grammaire est une question centrale à laquelle didacticiens et enseignants réfléchissent toujours. La présente communication a voulu apporter une nouvelle vision sur l'enseignement de la grammaire.

Il existe plusieurs discussions de l'étude de grammaires française. On participe à cette discussion beaucoup de savants, didacticiens et grammairiens de différent pays. Leurs opinions se divisent en deux groupes. Les représentants du premier groupe ce sont les français, les japonais, les chinois et les russes notent que pour bien communiquer il est nécessaire de savoir la grammaire obligatoire. Les représentants du deuxième groupe ce sont les américains et les anglais affirment que l'étude la grammaire dépend de différentes situations ou bien à l'acte de la parole.

Touts les deux examinent la nécessité de savoir la grammaire qui se réalise à l'aide de la méthode communicative.

La méthode communicative étudie l'enseignement de la grammaire à la base fonctionnelle et situative. Cela signifie que les phénomènes grammaticaux sont étudiés non comme les "formes" et les "structures", mais comme les moyens de l'expression des idées définies, les relations, les intentions communicatives, dans les exercices grammaticales il y a des conditions situatives pour l'utilisation motivée des faits linguistiques étudiés.

L'enseignement de la langue étrangère pose la question sur la place de la grammaire en train de l'enseignement. Bien que certains linguistes remarquent tout à fait justement qu'il est impossible de parler la langue étrangère, s'il faut penser tout le temps, comme construire la proposition, en se rappelant les règles grammaticales, sans connaissance de ces règles et les structures la communication à la langue étrangère peut amener ou à la compréhension incomplète,

ou même vers la compréhension erronée. Donc, apprendre à parler la langue étrangère sans connaissance de la grammaire il est impossible.

Deuxième question: Qu'est-ce que c'est la grammaire communicative?

La grammaire communicative - la grammaire de la langue parlée, la grammaire de l'utilisation. Sa tâche-apprendre aux relations de parole en français. À présent la grammaire est la partie du contenu des programmes de l'enseignement des langues étrangères. La grammaire de la langue française doit contribuer à la formation et le développement des savoir-faire de parole et les compétences, c'est-à-dire jouer le rôle auxiliaire au langage de l'activité. La grammaire communicative est une partie n'existant pas séparément de la langue, mais le moyen pour la construction des énonciations dans la situation concrète de parole.

La grammaire communicative du mot est pensée comme le composant nécessaire de la grammaire de l'engendrement et le décodage des oeuvres de parole, comme le composant de la grammaire intégrale communicative. La communication. Cela dans l'aspect ordinaire non compliqué la coopération de parole de deux communicants, et chacun d'eux à chaque moment défini de la communication est pris dans le cas normal pas du tout par celui que prend son partenaire.

À la base totale des sens on peut lier de divers systèmes des règles grammaticales. **Premièrement**, c'est le système des règles du codage de l'oeuvre de parole, le système des règles de l'emballage des sens avec tout nécessaire explicatifs et admissible (la grammaire communicative parlant). **Deuxièmement**, on suppose aussi le système spécial des règles du décodage de l'oeuvre de parole en direction des sons sensuellement perçus vers remis et implicité aux sens (la grammaire communicative écoutant). Cela en effet différent de la grammaire (en conséquence sémaciologique et homomaciologique).

Les relations sémaciologiques sont conçues comme succession lineaire des unités de langue hétérogènes, mais se rapportant au même niveau, par exemple, verbes, substantifs, adjectifs, adverbes.

Les relations homomaciologiques sont révélées d'après la ressemblance, la différence et les rapports associatifs des unités de langue relativement homogènes ; par exemple, les rapports entre les formes morphologiques du verbe.

Ainsi, Pour la construction du système de la morphologie communicative il est nécessaire de résoudre **deux tâches**:

2. La construction des raisons homomaciologique de la morphologie comprise comme le composant de la grammaire du parlant; **/homomaciologie/**

3. La description du système de la morphologie sémaciologique fonctionnelle, examinant à titre d'une des composantes essentielles de la grammaire de l'écoutant / **sémaciologique /**

Troisième question: La formation des compétences grammaticales.

La notion «la compétence communicative» est apparue dans les années 70 XX s. aux États-Unis dans les travaux des sociolinguistes. Le dépôt considérable dans son élaboration et la propagande a apporté Dell KHaymice. Il a inséré dans la notion la "compétence" à côté des savoir-faire linguistiques autres, nécessaire pour la production du discours et la compréhension des paroles cognitives, les savoir-faire psychologiques sotsio-culturels.

Le Cadre Européen Commun de Référence pour les Langues, Apprendre, enseigner, évaluer, le CECR, pose que les compétences à communiquer sont constituées de trois composantes: **linguistique, sociolinguistique et pragmatique.**

La compétence linguistique est celle qui a trait aux savoirs et savoir-faire relatifs au lexique, à la phonétique, à la syntaxe et aux autres dimensions du système d'une langue, pris en tant que tel, indépendamment de la valeur sociolinguistique de ses variations et des fonctions pragmatiques de ses réalisations.

La compétence sociolinguistique renvoie aux paramètres socioculturels de l'utilisation de la langue. Sensible aux normes sociales (règles d'adresse et de politesse, régulation des rapports entre générations, poste, chez le médecin, couturier, coiffure, théâtre, cinéma, sexes, statuts, groupes sociaux, codification par le langage de nombre de rituels fondamentaux dans le

fonctionnement d'une communauté), la composante sociolinguistique affecte fortement toute communication langagière entre représentants de cultures différentes.

La compétence pragmatique recouvre l'utilisation fonctionnelle des ressources de la langue (réalisation de fonctions langagières, d'actes de parole) (...). Elle renvoie également à la maîtrise du discours, à sa cohésion et à sa cohérence, au repérage des types et genres textuels, des effets d'ironie, de parodie.» (CECR 2.1.2, p. 17).

Le mot **pragmatique** vient de la langue grecque ancienne (pragmatos - l'action) - le paragraphe de la sémiotique étudiant le rapport des signes et leurs utilisateurs dans la situation concrète de parole. On peut dire que du pragmatique est une sémantique de la langue en action. Pour la première fois Tcharlz Morris a introduit le mot **pragmatique** dans la linguistique et il a formulé en 1920.

Ces compétences s'actualisent dans trois domaines possibles :

Le domaine personnel [est] caractérisé aussi bien par les relations familiales que par les pratiques sociales individuelles.

Sous domaine public, on situe tout ce qui relève des échanges sociaux ordinaires (relations commerciales et civiles, services publics, activités culturelles, de loisir dans des lieux publics, relations aux médias, etc.).

Le domaine professionnel recouvre tout ce qui concerne les interventions et relations des acteurs dans l'exercice de leur activité professionnelle.

Bibliographie

1. La grammaire sémantique et l'approche communicative », Le français dans le monde, n spécial F.L.E. Février /mars. 1989.
2. Un cadre européen commun de référence pour les langues: apprendre, enseigner, évaluer» Division des Politiques Linguistiques, Strasbourg. 2014.

THE FUNCTION OF PERIPHRAISIS IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES

Kobilova A.B. a teacher of BSU

Keywords: periphrasis, stylistic device, function, linguistic, definition, phenomenon

Kalit so'zlar: perifraza, stilistik vosita, funktsiya, lingvistik, izoh, hodisa

Ключевые слова: перифраза, стилистические приёмы, функция, лингвистический, описание, феномен.

Annotation. Periphrasis is the use of a longer phrase instead of a possible shorter one. Periphrasis is always a word combination and it is used instead of a generally accepted word.

Annotatsiya. Perifraza - bu qisqa iboraning o'rniga uzunroq iborani ishlatish. Perifraza har doim so'z birikmasi bo'lib, u umumiy qabul qilingan so'z o'rniga ishlatiladi.

Аннотация. Перифраза – это использование более длинной фразы вместо возможной более короткой. Перифраза – это всегда словосочетание, и оно используется вместо общепринятого слова.

In order to understand the linguistic nature of the stylistic devices of this group it is necessary to clear up some problems, so far untouched, of definition as a philosophical category. Any definition can point out only one or two properties of a phenomenon. Therefore, in building up a definition the definer tries to single out the most essential features of the object. These are pinned down by the definer through a long period of observation of the object, its functioning, its growth and its changes.

Periphrasis is the use of a longer phrase instead of a possible shorter one. Periphrasis is always a word combination and it is used instead of a generally accepted word. Here we'd like to give some examples in order to be clear:

“Gargantuan soldier names Dahoud picked Ploy by the head and scrutinized this convulsion of dungarees and despair whose feet thrashed a yard above the deck.”

Another example: *“His face was red, the back of his neck overflowed his collar and there had recently been published a second edition of his chin.”*

Another example: *“His huge leather chairs were kind to the femurs.”*

Here we'd like to give some examples in Uzbek: *“Ey, qalam tebratuvchi azizqadrdomim, Buxoroi sharifda mundog' befarhezlar hukumatdorlikka minib sizningdek ahli ilmlarga ozor bergan bo'lsalar, ularning ham jazolarini beruvchi Qahhor zuljalol egasi bordir”*.

Another example: *“Shunda alomat hodisa yuz berdi, shu bilan muhtaram ustod menga go'yo muborak ko'z oynaklarini berdilar “mana buni taqib, o'z halqingni o'tmishiga nazar sol”, dedilar.”*

Another example: *“Kuz oyini ho'p hush ko'rmayman do'stim, pahta terimi boshlanadi. Po'lat qushlar havoni buzadi.”*

In the first example *qalam tebratuvchi aziz qadrdomim* is used as a periphrasis and *muhtaram ustod* is used instead of author and *po'lat qushlar* is used instead of air-plane.

Every periphrasis indicates a new feature of a phenomenon which occurred to the writer. For this reason, periphrasis is used to convey a purely individual perception of a given phenomenon. [2, 73]

For example: *“If you are so successful in cribbing your way through the nursery games known here as examination, I prophesy for you great and shining future.”*

Periphrasis is a device which, according to Webster's dictionary, denotes the use of a longer phrasing in place of a possible shorter and plainer form of expression. It is also called circumlocution due to the round- about or indirect way used to name a familiar object or phenomenon. Viewed from the angle of its linguistic nature, periphrasis represents the renaming of an object and as such may be considered along with a more general group of word designations replacing the direct names of their denotata. [3, 147]

The main stylistic function of all these types is to convey the author's subjective perception, thus illuminating the described entity with the new, added light and understanding.

Periphrasis has different stylistic functions:

- 1) The function of creating elevated, high – flown speech.
- 2) The function of additional characteristics of an object and phenomena.
- 3) The function of creating humorous or satiric effect.

Одновременное наличие соседних и дистантных смысловых опор обеспечивает актуализацию комплекса компонентов значения и создаёт возможность постепенного наращивания смысла. Взаимозависимость и взаимообусловленность используемых средств выражения, силы сцепления элементов в художественном тексте бывают столь велики, что единица, выйдя за его пределы, теряет приобретённые и действующие только здесь особые признаки.

Стилистика восприятия ФЕ в художественном тексте носит специфический характер, обусловленный как узуальными возможностями ФЕ, их экспрессивностью, образностью, самостоятельной художественной структурой, так и амплитудой контекстуального преобразования ФЕ, опирающегося на их языковую устойчивость, раздельнооформленность и семантическую целостность [2, с. 57].

ФЕ и актуализирующий её контекст составляют фразеологическую или стилистическую конфигурацию [1, с. 89-90], в очевидной зависимости от выполняемой контекстом функции.

Такая семантико-функциональная нагруженность контекста возможна благодаря взаимодействию его элементов с различными компонентами фразеологического значения, т.е. с компонентами внутренней структуры ФЕ.

Литература:

1. Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. – М.: Высшая школа, 1986. – 336 с.
2. Цоллер В.Н. Эмоционально – оценочная энантиосемия фразеологизмов // Филологические науки. – М., 2004. - № 4. – С. 56-65

МЕТАТЕЗА ФОНОСТИЛИСТИК ВОСИТА СИФАТИДА МЕТАТЕЗА КАК ФОНОСТИЛИСТИЧЕСКОЕ СРЕДСТВО METATHESIS AS A PHONOSTYLISTIC DEVICE

Норова М.Ф. БухДУ мустақил изланувчиси

Калит сўзлар: фоностилистика, фонетик процесслар, метатеза, коннотация, шеър, проза, услубий хусусиятлар, сўзлашув нутқи, нутқ индивидуаллиги.

Ключевые слова: фоностилистика, фонетические процессы, метатезис, коннотация, поэзия, проза, стилистические особенности, речь, индивидуальность речи.

Key words: phonostylistics, phonetic processes, metathesis, connotation, poetry, prose, stylistic features, speech, individuality of speech.

Аннотация: Мазкур мақолада тилдаги метатеза ҳодисаси, унинг нутқдаги услубий хусусиятлари инглиз ва ўзбек тиллари мисолида таҳлил ва тадқиқ этилган. Талаффузда метатезанинг коннотатив маънолари бадиий адабиётлардан олинган мисоллар асосида исботланган.

Аннотация: В данной статье проанализированы и исследованы явление метатезиса в языке и его стилистические особенности в речи на примере английского и узбекского языков. В произношении коннотативные значения метатезиса обосновываются примерами из художественных литературы.

Abstract: In the given article the phenomenon of language metathesis and its stylistic features in speech have been analysed and studied on the examples of the English and Uzbek languages. The connotative meanings of metathesis in pronunciation have been proved on the examples from fiction.

Фонетика, фоностилистикага оид адабиётларда алоҳида бир бўлимни фонетик ўзгаришлар (процесслар) ташкил этади. Бундай фонетик ҳодисаларга хос хусусиятлар ҳақида М.Миртожиев, А.Абдуазизов, Р.Қўнғуров, Э.Қиличев ва бошқаларнинг асарларида фонетик ҳодисалардан протеза, эпентеза, эпитеза, аферезис, синкопа, апокопа, элизия, метатезалар ҳақида атрофлича фикр юритилган.

Юқорида номлари қайд этилган фонетик ҳодисалар орасида метатеза фоностилистик жихатдан муҳим ўринга эга.

Метатеза (грек. metathesis — ўрин алмаштириш). Сўздаги товушларнинг ўрин алмашинуви [1, 54].

Метатеза ҳодисаси ва унга хос хусусиятлар ҳақида инглиз тилшунослигида Thompson Laurence, С. ва Thompson Terry, М. [2, 219], туркий (ўзбек) тилшунослигида

Ф.Г.Исхаков, Ш.Шоабдурахмонов, Б.Жўраев алоҳида илмий мақолалар чоп этганлар [3]. Уларнинг асарларида метатеза ҳақида турли хил мулоҳазалар юритилган. Аммо сўзлардаги товуш алмашуви ҳодисаси билан юзага келадиган қўшимча маъно бўёқлари, уларнинг услубий хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилмаган. Ҳолбуки, метатеза ҳодисаси билан боғлиқ коннотатив маъноларни ўрганиш, уларнинг нутқий мулоқотдаги ўрнини аниқлаш долзарб муаммолардан биридир.

Товуш алмашиниш ҳодисаси, яъни метатеза турли хил қўшимча коннотатив маънолар ҳосил қилади. Бундай коннотатив маънолардан нутқ муаллифининг нафақат адресатга, балки воқеа-ҳодисаларга ҳам муносабати англашилади. Бошқача айтганда, линвопрагматик муносабат ифодаланади.

“Фонопрагматик йўналишда сўзловчи ўзи ният қилган фикрни матн орқали ифодалар экан, унда матн структурасидаги сўзларнинг баъзи товушларини маълум ички мақсад асосида алмаштирилади. Сўз таркибидаги товушлардан бирини бошқасига алмаштириш жараёнининг қайсидир мақсад учун хизмат қилишини фонопрагматик аспект тадқиқ этади” [4, 32-34].

Метатеза ҳодисаси чоғиштирилаётган тилларнинг ҳар иккаласида ҳам мавжуд.

Инглиз тилида метатеза ёнма-ён келган икки товушнинг талаффузда ўзаро ўрин алмаштириб келишидир: *horse* – 'hros', *nuclear* – 'nucular', *prescription* – 'perscription', *aspen* – 'apsen', *copse* – 'cospe', *lipping* – 'wlips', *enmity* – 'emnty', *anemone* – 'amenone' ва бошқалар.

Метатеза бошқа фонетик ўзгаришли ҳодисалар протеза, аферезис, апокопа, элизия каби ҳодисаларга ўхшаб фоностилистик вазифа бажаради. Жумладан, *ask* сўзининг *aks* шаклида (қадимги инглиз тилидаги формаси) ёки *ascian* сўзининг *axian* ёки *acsian* шакллари борлиги билан характерланади. Ёки *wasp* сўзидаги товуш ўзгариши билан /wæps/, *hasp* сўзининг /hæps/ шаклида талаффуз қилиниши архаик коннотатив маънони ифодалаб келган. Инглиз тилининг кўп вариантга эга эканлиги инобатга олинса, унинг Америка инглиз вариантыда қуйидаги метатезали ҳолатни кўриш мумкин. *Asterisk* /æstə,iks/, *cavalry* /kælvəri/, *comfortable* – *comfterble* /kɑmftebl/, *foliage* /fəʊlɪdʒ/, *pretty* /pɜːti/ каби. Вақт ўтиши билан метатезага учраган сўзлар стандартлашиб, уларнинг ёзувдаги шакли ўзгарган ва янги талаффуз шакллари юзага келганлигини кўриш мумкин.

Инглиз тилшунослари С.Thompson Laurence ва М.Thompson Terry таъкидлашларича, метатеза ҳодисаси Ғарбий мамлакат диалектларида кўп учрайди ва улар болалар нутқида янги сўзларни қўллаганда содир бўлади. Масалан: *spaghetti* – *pasghetti*, *animal* – 'aminal', *enemy* – 'emeny', *renumeration* – 'remuneration', *integral* – 'intregal', *relator* – 'realtor'.

Д.Кристал “метатеза” сўз маънолари билан боғлиқ ҳолда сўзда товушларнинг ўрин алмашиши деб қайд этган бўлса [5, 291], тилшунос Т.Монтлер “метатеза” товуш ўзгариши бўлиб, фонемаларнинг сўзда ўрин алмашиши ҳодисасидир, деб таъкидлайди [6, 55]. Бизнингча, метатеза шундай жараёнки, унда сўз ичида бир жойда товуш алмашади ва сўзнинг бошқа позицияда туриши ҳисобланади: *revelent* – *relevant*, *brid* – *bird*. Ушбу сўзлар таркибида **l** ва **r** ундоши ҳамда **e** ва **i** унлилари ўзаро ўрин алмашган.

Инглиз бадий адабиётида метатезали сўзлардан англашилган коннотатив маънолардан турли персонажлар нутқини индивидуаллаштириш, ҳис-ҳаяжонларини ифодалаш, китобхонга завқ бағишлаш мақсадида ҳам фойдаланилади. Бундай ҳодиса кўпинча турли хил шева вакиллари нутқида учрайди.

Юқорида қайд қилинганидек, ўзбек тилида ҳам метатеза ҳодисасида сўздаги ёнма-ён келган ундошнинг ўрни алмашинади. Бундай товуш алмашиниш натижасида сўзда турли хил коннотатив маънолар ҳосил бўлади. Жумладан, нутқ жараёнида **p** ва **y** товушларининг бир-бири билан ўзаро ўрин алмашуви ҳодисаси учрайди. Бундай ҳолат, айниқса, болалар нутқида кўпроқ қўлланади. Бу фоностилистик ҳодиса ёш болалар ва катталар нутқида коннотатив маъно ифодалашига кўра бир-биридан кескин фарқланади. Чоғиштининг: келарди, ёзарди феъллари ёш болалар нутқида келайди, ёзайди шаклида талаффуз қилинади. Бундай талаффуз улардаги артикуляцион базанинг камчилиги туфайли **p** ундошининг **y** товуши тарзида айтилишига сабаб бўлади.

Болалар нутқининг талаффузида титроқ **р** ундошининг артикуляциясига ижобий маънодаги турли хил оҳанг, ёқимлилик, ширалик, майинлик, гўзаллик каби қатор коннотатив маънолар рўёбга чиқади.

Катта кишилар нутқида эса бундай коннотатив маънолар акс этмайди. Балки юқорида қайд этилган келарди, ўқирди сўзлари келайди, ўқийди тарзида талаффуз этилади. Товуш ўзгариши ҳодисаси билан боғлиқ бўлмаган бундай талаффузда ўтган замон ҳикоя, оддий хабар маъноси англашилади. Аммо келайди, ўқийди сўзлари талаффузи сўзлашув нутқида хос бўлганлиги учун уларда шевага хослик коннотатив маъноси ҳам ифодалана олади.

Метатеза ҳодисаси бадиий адабиётда персонажлар нутқини индивидуаллаштириш учун қўлланса, сўзлашув нутқида айрим шевага хос хусусиятларни акс эттиради. Айрим ҳолатларда шу сўзнинг талаффузида қийинчиликлар ҳосил бўлганда ҳам қўлланилиши мумкин. Бундай қўллаш турли эмоцияларни ҳосил қилади. Қуйидаги мисолларга диққат қилинг:

Канглум, ғамларимнинг ашклари – **дайро** ... (И.Отамурод).

Юқоридаги матнда **канглум** сўзида **ў – а; и – у** товушига ўрин алмашган бўлса, **дарё** сўзида **р – й** товушига алмашиб қўлланган.

Кўнглим ва **дарё** сўзларидаги товушлар алмашинишидаги прагматик мақсад ушбу сўзларнинг қадимий талаффузидаги ҳиссий бўёқни акс эттиришдир. Чунки бу сўзлар тарихан худди шундай кўринишда ишлатилган.

Метатеза ҳодисаси нафақат поэтик, балки прозаик асарларда ҳам учрайди. Бу ҳодисани А.Қаҳҳорнинг машҳур “Бемор” ҳикоясида кўриш мумкин:

– Худоё, аямни **дайди**га даво **бейгин**, – деганча бола яна уйқуга кетди.

Ушбу матнни таҳлил этиб, Г.Т.Яхшиева қуйидагиларни ёзади: “Адиб ўз ҳикоясида бола нутқида метатезали сўзларни қўллаш воситасида жуда катта социал маънони ҳам акс эттира олган. Бу нутқий парчада ёзувчи ўтмишда айрим камбағал оилаларнинг ночор аҳволи тасвирини бера олган. Қашшоқлик натижасида бола жуда ёш пайтидаёқ онасидан ажралганлиги, етим қолаётганлиги очиқ кўрсатилган. Чунки бизга маълумки, бола 3-4 ёшига киргунча айтилиши бироз қийинроқ бўлган, титроқ **р** ундоши талаффузида қийналади ва уни сирғалувчи **й** ундоши билан алмаштириб талаффуз қилади. Чоғиштиринг: дарди – дайди, бергин – бейгин каби [7, 72].

Юқорида қайд қилинган фикрлардан англашиладикки, бола нутқидаги метатеза орқали китобхон ҳиссиётига кучли таъсир қилиб, уларда истибдод, ночорлик ҳукм сурган жамиятга нисбатан нафрат, ғазаб, ачиниш каби коннотатив маъноларни уйғота олганлиги сабабли бу ҳикоя китобхон хотирасида жуда узоқ сақланиб қолади.

Шундай қилиб, чоғиштирилаётган тилларнинг қиёси метатеза сўз ўзак-негизларида бир-бирига ёндош бўлган товушларнинг талаффузидаги ўзаро ўрин алмашинуви эканлигини кўрсатди. Бу ҳодиса, асосан, сўзлашув услубида юз беради.

Ҳар иккала тилда ҳам метатезали сўзларнинг талаффузида мулойимлик, ёқимлилик, ғазаб, нафрат, шевага хослик, нутқ индивидуаллиги каби қатор коннотатив маънолар ифодаланади.

Адабиётлар

1. А.Ҳожиев. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1985. – Б. 54.
2. Thompson Laurence, C. and Thompson Terry, M. (1969). Metathesis as a grammatical device. International Journal of American Linguistics, New York: Columbia University Press.: – P. 219.
3. Исхаков Ф.Г. Явление метатезы в тувинском и в некоторых других тюрских языках / Исслед. сравнительной грамматики тюрских языков. Часть I. Фонетика. – М.: 1955. – С. 293-297; Шоабдурахмонов Ш. Товуш алмашиши. (Метатеза) // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. 1961. - №5. – Б. 43-45; Жўраев Б. Ўзбек тилида товушларнинг ўрин алмашиши. (Метатеза ҳодисаси) // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. 1968. - №5. – Б. 31.

4. Ҳақимова М. Фонопрагматикани юзага чиқарувчи воситалар. Стилистика ва прагматика. Илмий-назарий конференция материаллари (II қисм). Самарқанд – 2010. – Б. 32-34.

5. Crystal D. (2003). A Dictionary of linguistics and phonetics. United Kingdom: Black Well publication LTD. – P. 291.

6. Montler T. (1986). An outline of the morphology and phonology of Saanich, North Straits Salish. Occasional Papers in Linguistics (No. 4). – P. 55.

7. Г.Т.Яхшиева. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар. Фил.фан.ном.дисс. Бухоро – 1996. – Б. 72.

ЛЕКСИКОГРАФИК ТАЛҚИНЛАРДА ТИЛ ВА МАДАНИЯТ МУШТАРАКЛИГИ МУАММОСИ

Нигматова Л.Х. ф.ф.н. БухДУ доценти

Ключевые слова: языкознание, язык, культура, лингвокультурология, языковая единица, речь, лингвосоциум, смысловое значение, речевая значимость.

Калит сўзлар: тилшунослик, тил, маданият, лингвокультурологик, лисоний бирлик, нутқ, лингвосоциум, сўз маъноси, лисоний қиммат

Key words: linguistics, language, culture, linguoculturology, language unit, speech, linguosocium, semantic meaning, speech significance.

Аннотация. Мақолада лисоний бирликларнинг тил ва маданият муаммолари, уларнинг маданий қиймати ва хусусиятини очиш имконини кўрсатиб, шу билан бирга, ўзаро қиёслаш асосида турли тиллардаги миллий-маданий ўзига хосликларни баҳолаш, миллий онг ва дунёқарашнинг шаклланишида мазкур категорияларнинг ўрни ва ролини тушунтириб беради.

Аннотация . В данной статье рассматриваются проблемы языка и культуры употребления языковых единиц, на том или ином этапе развития общества. а также объясняется роль этой категории в формировании национального самосознания и мировоззрения .

Summary: This article discusses the problems of language and culture of the use of language units at one stage or another of the development of the community, explaining their role in the formation of national identity.

Замонавий тилшуносликда тамал тошлари немис файласуф-тилшуноси В.фон Хумбольдт томонидан “халқ тили ва халқ руҳи муштараклиги” тезиси асосида қўйилган лингвокультурология соҳаси пайдо бўлиб, тез ривожланмоқда. Бу икки йўналишда содир бўлмоқда:

- янги хумбольдтчилик (Германия);
- Сепир-Уорф нисбийлик назарияси.

Хумбольдт ғоялари нафақат лингвокультурологик тадқиқотлар ривожини белгилаб берди, балки когнитология ва этнолингвистика, прагма ва коммуникатив лингвистика, таржима назарияси учун ҳам катта методологик аҳамиятга эга бўлди.

Маълумки, лисоний бирликларнинг тил ва маданият муштараклиги тамойили асосидаги талқини уларнинг маданий қиймати ва хусусиятини очиш имконини беради, шу билан бирга, ўзаро қиёслаш асосида турли тиллардаги миллий-маданий ўзига хосликларни баҳолаш, миллий онг ва дунёқарашнинг шаклланишида мазкур категорияларнинг ўрни ва ролини тушунтириб беришда катта аҳамият касб этади.

Лингвокультурология кўп ҳолларда қиёсий аспектда бўлгани сабабли унинг асосий тушунчаси *баҳо* ва *қиймат* категорияларидир.

Баҳо категориясининг (баҳолаш) фалсафий ва иқтисодий тушунилиши асосида унинг лингвокультурологик моҳияти шаклланган. Фалсафада баҳолаш

деганда ижтимоий ҳодисалар, инсон ва унинг фаолияти, дунёқараши ва хулқиға муносабат, аҳамияти ва ўзаро муносабатини, муайян жамиятда ўрнатилган ахлоқий тутум ва тамойилларга мослигини кўрсатиш (маъқуллаш, қоралаш ва, шунингдек, бетараф муносабат ҳам) тушунилади. Инсоннинг ижтимоий мавқеи унинг дунёқараши, маданий савияси, ақлий ва ахлоқий камолоти билан боғлиқ. Шу боисдан бу ижтимоий мавқеи баҳолаш кейингилар асосида амалга оширилади. Бошқа томондан эса, қилинган ҳаракат сабаблари, воситалари ва мақсадларини, тактикасини, қандай шароит ва муҳитда бажарилганлигини, шахс хулқидаги ўрнини ҳисобга олиш шахсга тўғри баҳолашнинг зарур шартини ҳисобланади.

Лингвокультурологик баҳо – лингвокультурема қийматининг маъно қиёсида ажралиб чиқиши; қиёсий семантикада амал қилувчи лексикографик фарқ. Лингвистик тафаккур тарихидаги айрим қарашларда маъно фарқланиш ва мужассамлашув қонуниятига асосланиб талқин қилинган, унга қиёсланаётган бирликлардаги маъноларнинг фарқи деб қаралган[5]. Янги аср ибтидосидаги лингвокультурологик назариялар ҳам лисоний қийматни маънонинг миқдорий (квантитатив) назарияси асосида изоҳлаб, унга фарқловчи семалар, сўзнинг функционал даражаси ва ўз синонимик қаторидаги бошқа бирликлар билан муносабатлари таъсир этишини эътироф этади. Сўзнинг қўлланиш даражасини лисоний қиймат белгилайди, бу қиймат синонимик қатордаги бошқа бир бирлик лисоний қийматидан юқори ёки паст бўлиши табиий, бу эса нутқдаги муайян сўз қўлланишига бўлган талаб билан боғланиб кетади. Сўзловчи ёки тингловчининг муносабати фақат лисоний қиймат эмас, балки унинг қўлланишига бўлган эҳтиёж, шунингдек, сўзнинг нутқий самараси, сифати ва бошқа сўзлар ўрнини боса олиши – ўрин алмашиш қобилияти билан ҳам белгиланади. Бинобарин, субъектив баҳо лисоний қийматдан миқдор ва сифат жиҳатдан фарқланиши табиий. Чунки лисоний бирликнинг қиймати аслида ҳар қандай баҳонинг асоси, баҳода шахсий муносабатнинг бўртиб туриши унинг лисоний қиймат билан ҳар доим ҳам мос келавермаслигини кўрсатади. Лисоний қиймат ва сўз маъносига субъектив баҳонинг ўзаро муносабати тилнинг когнитив-коммуникатив ва лингвокультурологик тавсифини беришда методологик асос сифатида инсоннинг лисоний ва шахснинг нутқий фаолиятини самарали ва яхлит, маълум бир миллий-маданий муҳит вакили сифатида ўрганишга кўмаклашади[2]. Бироқ идеоэтик ва лингвомаданий ҳодисаларни бир-биридан фарқлаш ёки ажратиш мушкул ва шунинг учун мунозарали. К.М.Вольф таъкидлаганидек, предмет (нарс)ни баҳолашда субъект муносабати, ҳодисанинг объектив ҳолати билан маълум бир жамиятда ўрнашган меъёрлар ҳар доим ҳам мувофиқ келавермайди[9]. Шунинг учун баҳолаш фақат маълум бир индивидуал шахснинг нуқтаи назаригагина эмас, балки бутун лингвосоциум ёки ушбу лингвосоциумнинг турли қатламлари дунёқараши билан боғлиқ. Қиймат – маданий омил[1]. Маданий омил эса ҳеч қачон индивидуал бўла олмайди. У ҳеч бўлмаганда маълум бир гуруҳга тегишли бўлади.

Қадриятлар (бу лингвистик нисбийлик назарияси тамойиллари асосида баҳоланади) этнососоциал, социумик (табақавий) конфессиял, миллий характерга эга бўлиши мумкин. Масалан, ўтган асрдаги *Учинчи рейх* (Германия) гипертоними ўша даврда турли миллатлар, халқлар мамлакатларда турлича қабул қилинган бўлиб, унда этнососоциал, социумик (табақавий) конфессиял, миллий ёндашувлардан барчасини кўришимиз мумкин. Бунга муносабатда немис халқи иккига бўлиниб қолди, динлар икки томонда туриб қолди, халқлар ҳам унга муносабатда яқдил эмас эдилар, партияларнинг айримлари уни қораласа, айримлари унинг тегирмонига сув қуяр эди. *Учинчи рейх* ва *Германия* ифодалари объектив жиҳатдан бир-бирининг тўлиқ муқобиллари сифатида қаралган бўлса, унга ёндашувчи, муносабатда бўлувчи томонларнинг нуқтаи назаридан турлича баҳоланган. Бугунги кунда Иккинчи жаҳон уруши билан нотаниш ҳар қандай киши учун мазкур ифодаларнинг лисоний қиймати фарқланмайдиган ҳолга келиб қолган, уларнинг субъектив баҳолари бирликларнинг қийматларини тўлақонли акс эттирмайди, асл моҳият субъектив равишда тўсилиб қолган. Ёки *Улуг Ватан уруши* ифодасининг лисоний қиймати мавқуравий ва

ғоявий асосларда ўзининг 50 йиллик моҳиятини бутунлай ўзгартириб юборди. Айрим мамлакатларда у бетараф қиймат касб этган бўлса, бошқаларида буткул салбий моҳиятга эга бўлди дейиш мумкин. Иккинчи жаҳон уруши якунларига қадар *Nürnberg* (Нюрнберг) ифодаси фақат ижобий моҳияти билан танилган эди: “*meistersingerstadt*” (хунармандлар шаҳри), “*dürerstadt*” (“дюрер шаҳри), “*hans-sachs-stadt*” (Ханс ва Закс шаҳри), “*stadt desspielzeugs*” (ўйинчоқлар шаҳри) каби маънолар синтездан иборат ижобий семали лексема, унда субъектив баҳо ва объектив ҳолатнинг нисбий мувофиқлиги мавжуд эди. Фашист жинойтчиларининг суд жараёни бўлиб ўтган шаҳар сифатида янги моҳият касб этиши билан унинг эски қиймати буткул унутилди ва “совуқ” маъно оммалашиб кетиши натижасида субъектив-ижтимоий муносабат билан объектив ҳолат орасида катта фарқ вужудга келди.

Собиқ Иттифоқ парчаланиб кетгунча *коммунизм, коммунист, пионер, октябрят, комсомол* сўзларининг қийматида катта ўзгаришлар содир бўлди. Буни ўзбек тилининг икки (1981) ва беш (2006) жилдли изоҳли луғатларидаги талқинларни қиёслаш асосида ҳам кўришимиз мумкин:

ЎТИЛ, 2 жилдли, 2-жилд:

КОММУНИЗМ 1 Социалистик революция, пролетариат диктатурасини ўрнатиш ва эксплуататор синфларни тугатиш йўли билан юзага келадиган, ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштиришга асосланган энг юқори ижтимоий-иқтисодий формация. **2** Коммунистик жамият қуришнинг Маркс-Энгельс-Ленин томонидан яратилган илмий назарияси ва тактикаси.

ЎТИЛ, 5 жилдли, 2-жилд:

КОММУНИЗМ 1 Хусусий мулкчиликни инкор этиш ва моддий бойликларни барчага тенг тақсимлашни талаб қилиб қўйишга асосланган турлича қарашлар, нуқтаи назарларнинг умумий номи. *Ибтидоий коммунизм. Хаёлий (утопик) коммунизм.*

ЎТИЛ, 2 жилдли, 2-жилд:

Ҳар бир мақолада лексемаларнинг ўз даври лисоний қиймати мафкуравийлик нуқтаи назаридан, маълум бир тарафнинг мақсад-муддаоларини, манфаатларини кўзлаган ҳолда баён этилган. Хусусан, биринчи изоҳда (2 жилдли) талқин коммунистик жамият тарафдорлари манфаатлари нуқтаи назаридан берилган бўлиб, бу иккинчи изоҳда хусусий мулкчилик тарафдорлари манфаатларини ўзида акс эттирган. Назаримизда ҳар икки талқинда ҳам лексикографик объективлик ўз ўрнини мафкуравий ёндашувга бўшатиб берган.

КОММУНИСТ Коммунистик партия аъзоси. *Мен бу ерга очиқ кўз билан келдим. Мен аввал коммунист, ундан кейин агрономман.* А.Қаҳҳор. Қўшчинор.

ЎТИЛ, 5 жилдли, 2-жилд:

КОММУНИСТ Коммунистик партия аъзоси. *Мен бу ерга очиқ кўз билан келдим. Мен аввало коммунист, ундан кейин агрономман.* А.Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари.

Коммунист лексемасининг изоҳида юқорида эсланган лексикографик объективлик кўзга ташланади. Шунинг учун иккала луғатдаги ҳам тавсиф, ҳам унга берилган иллюстратив мисол бир хил. Талқинда мафкуравий ёндашув кўзга ташланмайди.

ЎТИЛ, 2 жилдли, 2-жилд:

КОМСОМОЛ Бутуниттифоқ Ленинчи коммунистик ёшлар союзи.

ЎТИЛ, 5 жилдли, 2-жилд:

КОМСОМОЛ [“Коммунистический союз молодёжи” бирикмасининг қисқартмаси] *эск. тар. Шўро даврида: 1* (Бутуниттифоқ Ленинчи) Коммунистик Ёшлар Уюшмаси. *Комсомол аъзоси. Комсомол билети. Комсомол топшириги.*

2 с. т. Шу уюшманинг аъзоси.

Комсомол лексемаси талқинида бироз бошқачароқ ҳолатга дуч келамиз. Иккала талқин маънолар ўрни алмашганлиги билан фарқланади. Маънолар қуйидаги асослардан бири ёки уларнинг барчасига таянган ҳолда амалга оширилади:

– маъноларнинг асос-ҳосилавийлик муносабати асосида;

– маъноларнинг фаол-нофаоллик даражасига кўра.

2 жилдли ЎТИЛда *комсомол* лексемасининг фақат битта маъноси берилган бўлса, 5 жилдли ЎТИЛда лексеманинг икки лексикографик маъноси ажратилган. Кейинги талқинни нисбатан тўлиқроқ дейиш мумкин. Шунингдек, ушбу лексема талқинида ҳам мафкуравий ёндашувдан кўра лексикографик объективлик кўзга кўпроқ ташланади.

Пионер лексемасида ўзгачароқ ҳолатни кузатамиз.

ЎТИЛ, 2 жилдли, 2-жилд:

ПИОНЕР1 Кўнгилли болалар ташкилотининг аъзоси **2** Бирор ишни, нарсани биринчи бўлиб бошлаган, биринчи текширган, кашф этган, бошлаб берувчи.

ЎТИЛ, 5 жилдли, 3-жилд:

ПИОНЕР [*фр.* pionnier – бошлаб берувчи; ташаббускор] **1** Фан, техника, санъатда, умуман, тадқиқ қилинмаган муайян соҳада йўл очиб, бошлаб берган киши. *Космосни ўзлаштириши пионерлари.*

2 тар. Шўролар даврида (1922-91 йил-ларда): болалар пионер ташкилотининг аъзоси. *Пионерлар отряди. Пионер ва ўқувчиларнинг бу сезимли ансамбли [«Пахтаой»] бу йил қатор янги номерларни ўрганди.* Газетадан.

Ҳақиқатан ҳар иккала изоҳда ҳам маъноларни фаол-нофаоллик даражасига кўра фарқлаб, тартиблаб изоҳлаш кўриниб турибди. Иккала изоҳда ҳам маънолар тўлиқ берилган, бироқ тартиби давр талабларидан келиб чиққан ҳолда берилган. Бугунги кунда ўзбек лисоний жамиятида лексеманинг “бошловчи” маъноси устуворлашган, бироқ эскирган маъноси ҳам лисоний жамиятда маълум даражада, нофаол бўлса-да, ўз аҳамиятини сақлаб қолган.

Октябрят сўзи ҳам *комсомол* сўзи каби буткул эскирган. Уларнинг лингвомаданий муҳитдан узоқлашганлиги даражаси уйғун, бироқ уларнинг изоҳларидаги ҳар хиллик талқинлардаги ноизчиллик билан белгиланади дейиш мумкин. Эътибор қилинг:

ЎТИЛ, 2 жилдли, 2-жилд:

ОКТАБРЯТ Мактабларда куйи синф ўқувчиларининг пионерлар отряди раҳбарлигидаги гуруҳга аъзоси

ЎТИЛ, 5 жилдли, -жилд:

Қизил майдон ифодаси собиқ Иттифоқнинг барча тиллари истемолидан чиқиб кетди. У рус халқи лингвомаданий муҳити учун муҳим бўлганлиги сабабли рус тилида сақланиб қолди. У нафақат пойтахт марказининг ифодаси, балки кўплаб тарихий воқеалар билан боғлиқ маскан.

Маданий белгиланган ёки маданий ёрлиқ сифатидаги ифодалар халқ ҳаётининг турли соҳаларини қамраб олади. Бундай бирликларни таҳлил қилиш жараёнида В.И.Телия айтганидек, сўзловчи (тингловчи) ва воқелик орасидаги муносабат муҳим роль ўйнайди. Бу муносабат зоҳиран ҳал қилувчидек туюлса-да, ўрнатилган ва сўзловчи ҳамда тингловчига “кўрсатма” бериб, уларнинг муносабатини белгилайдиган объектив ижтимоий меъёрларнинг ўрни ва роли ўзига хос. Масалан, юқоридаги бирликлар замиридаги лисоний қийматга муносабат жамият кишиларининг ўз ихтиёрлари билан вужудга келмаган, балки жамиятда қарор топган сиёсий, маънавий ва мафкуравий тутумлар шундай дунёқараш, муносабат шаклланишини келтириб чиқарган[6]. Бироқ, барибир, пировардида “баҳо – тил эгасининг ижтимоий йўналтирилган муносабати тилга оид бўлмаган объектдаги фарқларни ҳам ифодалайди, улардан узилган ҳолда бўлиши мумкин эмас”[10].

Сўзларнинг грамматик гуруҳлари (туркумлари) маданий баҳо нуқтаи назаридан ҳар хил. Кузатишлар маданий хосланган қийматли отлар жами маданий хосланган сўзларнинг 85 фоизини (300 от), феъл ва олмошлар – 10 фоизини (38та) ва бошқа сўзлар жами 5фоизни ташкил этиши аниқланди.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида лингвокультурологик хосланган отларнинг миқдори кўп бўлганлиги каби уларнинг ички гуруҳлари ҳам ранг-баранг эканлиги аён бўлди:

маросим отлари: чаллади, ойна кўрсатар, рўмол ечар

урф-одат отлари: дуо, намоз, таҳорат

касб-хунар отлари: ўтов, гилам, қирқим

ирим-мирим отлари: ола-бўжи, қора мушук

Уларнинг ҳар бири яна ички турларга бўлиниб кетади. Масалан, маросим отлари: *тўй маросими, аза маросими, байрам маросими* ва ҳ. Бу бирликларнинг маданий хосланганлиги шундаки, улар, одатда, маълум халқ ва миллатларга хос бўлади. Масалан, америкаликларда *Thanksgiving, Thanksgiving Day*–(Миннатдорчилик куни, Шукрона куни), немисларда *Emtedankfest* (Черков байрами). Америкаликлар учун бу тарихий хотираларга бой кун, у 1621 йилдаги талотўплар билан боғлиқ. Миннатдорчилик ва Шукрона кунларида тушликка ичи тўлдирилган курка гўшти, ширин картошка, мева-сабзавотлар тортилади.

Одатда, лингвокультуремалар бошқа тилларга таржима қилинмайди, реалиялар сифатида мавжуд бўлиб, нари борса, калька асосида берилади: *WildWest* (Вилдвест), *cowboy* (ковбой), *western* (вестерн) каби.

Кўпинча атоқли отлар шахс белгиларини англатади, уларнинг мафкуравий, конфессиал мажбуриятлари, оилавий аҳволи, касби, мойилликлари, характер белгилари ҳақида дарак беради. Бундай номлар кўпинча иккиламчи номлар ҳам бўлади ва бирламчи номни сиқиб чиқариши ҳам мумкин. Шу маънода фақат баъзи АҚШ президентлари номи лингвомаданий хусусияти билан қомусларга киритилган. Масалан, Франклин Д.Рузвельт – икки муддатдан ортиқ ишлаган ягона президент. У халқ ўртасида машҳур эди. Одамлар унинг “Тулхан ёнида” радиолавҳасини тинглашди. У одамларга мамлакатда нималар содир бўлганини ва нималарни режалаштираётганини айтиб берарди. У телевизорга чиққан биринчи президент эди[11]. Ёки Американинг биринчи Президенти Жорж Вашингтон мамлакатнинг ривожига катта из қолдирган шахс. У англияликларга қарши мустақиллик учун жанг қилган. Америкаликлар уни “ҳалол ва ҳурматли инсон” деб билишади, “мамлакат отаси ” сифатида эътироф этишади. 22 февраль Жорж Вашингтон туғилган кун, бу кун миллий байрам саналади.

Америка лингвокультурологик луғатларида президентлардан фақат мана шу иккиси – Жорж Вашингтон, Франклин Д.Рузвельт лингвокультуремалар сифатида эътироф этилади.

Ўзбек лингвокультурологик луғатларида ҳам шахс-лингвокультуремалар кўп учрайди. Масалан, халқ қаҳрамони Тўмарис уч фрейм асосида тавсифланади:

- 1) Тўмарис – саркарда;
- 2) Тўмарис – стереотипик образ;
- 3) Тўмарис – инсон тавсифи воситаси.

“Тўмарис – саркарда” фрейми саҳнаси қуйидагича:

Қадимги юнон тарихчиси Геродотнинг “Тарих” (мил. ав. 5-аср.) асарида ёзилишича, Аҳоманийлар давлати асосчиси Кир II мил. ав. 530 йилда Туронга бостириб кирганида, Тўмарис массагетлар қабиласининг маликаси бўлган. Массагетлар бу пайтда Амударё (Аракс) бўйлари ва Қизилқумда яшашган. Тўмарис массагетлар подшосининг хотини бўлиб, у эрининг вафотидан сўнг давлатни бошқарган. Эрондан келган босқинчилар қўшини билан массагетлар ўртасида шиддатли жанглар бўлган. Дастлабки жангда Тўмариснинг ўғли Спаргалис (Сипарангиз) бошчилигидаги массагетлар ғолиб чиққан. Бироқ кейинги жангда форслар ҳийла йўли билан Спаргалис ва айрим массагетларни асир олишганда, ор-номусга чидай олмаган Спаргалис ўзини ўлдирган. Тўмарис ўглининг ҳалокатидан эсанкираб қолмай, ўз халқининг манфаатини ўйлаб, Кир II дан массагетлар юртидан чиқиб кетишини сўрайди. Бироқ форслар шоҳи рад жавобини бергач, икки ўртада аёвсиз жанг бўлган. Жанг узок, вақт давом этди. Кўп қон тўкилди. Ниҳоят, массагетлар ғалаба қозондилар. Форс қўшинларининг асосий қисми, жумладан, Кир II ҳам жанг майдонида ҳалок бўлган. У тўлиқ 29 йил шоҳлик қилган эди. Кир II нинг жасади топилгач, малика (Тўмарис)нинг буйруғи биланн унинг кесилган боши инсон қони билан тўлғазилган мешга солинган.

Бу матннинг асосий унсурлари қуйидагилар:
Тўмарис – массагетлар қабиласининг маликаси
Эрининг вафотидан сўнг давлатни бошқарган.
Ўғли Спаргалис ўзини ўлдирган.
Жанг узоқ, вақт давом этган.
Кирнинг боши қон билан тўлгазилган мешга солинган.

Бу ички унсурлар биринчи фреймининг таркибий қисмлари саналади.

“Тўмарис – стереотипик образ” фреймининг моҳияти шундаки, бу исм билан онгимизда жасур ватанпарвар аёл образи гавдаланади. Иккинчи фрейм, ўз ўрнида учинчи фреймининг моҳиятини очишга хизмат қилади. Тўмарис образи ҳозирги ўзбек адабиётида ҳам қўлланади. Масалан, жасоратли ва ҳарбий-сиёсий фаолиятда ўзини кўрсата олган хотин-қизларга нисбатан: *Сафимизда Тумарислар кўпаяверсин*. Ёзувчи Миркарим Осим “Тўмарис” қиссасида унинг жасоратини улуғлайди. Иброҳим Юсупов “Тўмарис” (1974) достонини ёзган, композитор Улуғбек Мусаев шу номли балет (1982)ни саҳналаштирган. Ўзбекистонда аёллар ўртасида “Тўмарис ўйинлари” фестивали ўтказилмоқда[7].

Лингвокултурологик компонентлар икки тилли таржима луғатларда кўпроқ лексикограф олимлар томонидан эътиборсиз қолади. Масалан, инглиз тилидаги *milkman* сўзининг маъноси рус тилида қуйидагича берилган:

- 1) сут ташувчи киши;
- 2) сут соғувчи[4].

Бироқ лингвокултурологик ўхшашлик ва фарқларга эътибор қаратилмаган.

100 йиллар давомида Ўзбекистон ва Афғонистон ўзбеклари орасидаги алоқанинг узилиб қолиши ва Ўзбекистон ўзбекларининг рус, Афғонистон ўзбекларининг инглиз маданияти таъсирида улар орасида кўплар лингвомаданий фарқлар вужудга келди. Тиллар орасида дивергенция кучайиб борди ва бугунги бу икки тип ўзбеклар нутқи ўзаро кам тушуниладиган ҳолатга етган. Улар нафақат лексика, балки фонетика ва грамматикада ҳам учрайди. Биз уларни этнолингвомаданий фарқ ва муштаракликлар кесимида кузатишимиз мумкин. Мисоллар:

- муҳим сана билан боғлиқ тўйлар (туғилиш тўйи, бешик тўйи, соч тўйи ва бошқ.);
- суннат тўйлари;
- йигитлик тўйлари (йигитлик оши, мўйлов тўйи);
- никоҳ тўйи (қиз кўриш, нон синдириш, тўққиз табоқ);
- тўй билан бирга ўтказиладиган маросимлар (ижоб тўйи, қиз оши);
- тўйдан сўнг ўтказиладиган маросимлар.

Бу маъновий гуруҳлар Ўзбекистон ва Шимолий Афғонистон ўзбек тўйлари учун хос. Аммо айрим урф-одатлар шимолий Афғонистон ўзбекларигагина тегишли. Ўзбекистондаги урф-одатлардан тур ва хусусиятлари жиҳатидан маълум даражада фарқланади. Фарқлар кўпроқ тўй ҳодисалари номланишида намоён бўлади. Мисол учун, “Қанд синди”, “Фароғат тўйи”, “Савод тўйи”, “Мулло тўйи”, “Мошин тўйи”, “Шайтон аралашма”, “Хино кўйди” каби тўй-маросим номлари Ўзбекистондаги ўзбеклар орасида учрамайди. Ўзбекистонда ҳам амал қиладиган “Мошин тўйи” бугунги этнографизмидаги етакчи сўз автомобилни, Афғонистонда тикув машинасини англатади[3]. Бу чорва номларида ҳам учрайди:

- Шимолий Афғонистон ва Ўзбекистон ўзбеклари нутқида учрайдиган отчиликка оид муштарак сўзларга мисоллар: *от, дулдул, байтал, йилқи, саман, жийрон, таргил, чагир, тўриқ, той, сайис, отбоқар, юган, айил, узанги, нагал, нўхта, эгар, эгар қоши, бостириқ, терлик, кишан, тушов, мурват, жилов, қамчи, думчиқ, тўқим, сув айил, этик, қашов, тўга, тўрба, қамав, охур, пойга, галагов, қилав, ягир, қабзият, йўрга;*

- Шимолий Афғонистон ўзбеклари нутқида учрайдиган ва Ўзбекистон ўзбеклари нутқида учрамайдиган отчиликка оид ўзига хос сўзларга мисоллар: *ёбу,*

жойбанд, сурхун, чил, язид, кўкча, мушки, курра, менги, жулҳақи, тарқис, жаҳанниқ, зинпуш, чирги, болиштак, завлона, пулан, қанжуга, долан, тавела, карочикашлик, годикашлик, чапарсан, нохинак, ямонламоқ, ҳукак, лукки, жулдом[8]

40 йил ичида Германияда 2 давлатнинг мавжудлиги (ФРГ ва ГДР) лексик birlikлар геополитик ва мафкуравий семантик тузилишининг ўзгаришига олиб келган. Масалан, Германиянинг бирлашишидан олдин ГДР аҳолисини Фарбда *Ostler*, яъни – *шарқ немиси* – *ГДР аҳолиси, резиденти, Westler* ва *Wessi*, яъни – *ғарб немиси* – *ФРГ резиденти* деб аташган. Айни пайтда Германияда *Ossi* (*Osten*–“Шарқ” маъноси билан) сўзи “янги шарқ ерларида яшовчилар” мазмунида қўлланади. Германиянинг бирлашиши натижасида янги *Ostalgic* сўзи пайдо бўлган, бу от туркумига оид сўзнинг комбинацияси маҳсули. *Osten* ва *Nostalgie* (*Osten* ва *Nostalgie*) немис тилининг лексик системасида семантик ажралиш кучайган, яъни лексик- семантик жиҳатдан янги маъноли сўзлар пайдо бўлган. Худди икки тур ўзбек тилида бўлгани каби немис тилида ҳам Фақат ГФР да ишлатилган сўзлар, Фақат ГДРда ишлатилган сўзлар ва нейтрал сўзлар фарқланади.

Кўринадик, этнолингвомаданий фарқлар давр, муҳит, мафкура ва бошқа омиллар таъсирида содир бўлади. Бу фарқлар хозиржавоб ва тезкор луғатларда муттасил равишда, объектив тарзда акс эттириб борилиши зарур. Бугунги изоҳли ва таржима луғатларида лингвомаданий фарқ ва ўхшашликларга кам эътибор қаратилади. Давр эса уларнинг бу жиҳатини такомиллаштиришни тақозо этади.

Адабиетлар.

1. Матвеева А.А. Оценочная параметризация лингвокультурологической категории «свой–чужой» в английском языке.– Уфа: РИЦ Башкирский государственный университет, 2010. – С.338–349.

2. Мурясов Р.З., Самигуллина А.С., Федорова А.А. Опыт анализа оценочного высказывания// Вопросы языкознания. 2004, - №5. – Москва: Наука. – С.68–78.

3. Надим Х.М. Этнолингвистика ва этнографик лексика ҳақида //

4. Новый большой англо-русский словарь. В3-х тт. Москва, 2000.

5. Соссюр Ф. де. Умумий тилшунослик курси. И. Мирзаев таржимаси.

6. Телия В.Н. Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. – Москва, 1986. – С. 11. (144с.)

7. Тожиева Г. Ўзбек тилининг қисқача маънавият лингвокультурологик қомусий луғати. – Тошкент: Академнашр, 2017. - Б.27.

8. Фулодий М. Шимолий афғонистон ўзбек шеваларида отчиликка оид сўзлар//

9. Хайруллина Р.Х. Соотносительная лингвокультурология. - Уфа, 2014. – С.138-392.

10. Хидекель С.С., Кошель Г.Г. Оценочный компонент лексического значения слова // Иностранные языки в школе. 1981, №4. С.7–10.

11. Longman Dictionary of English Language and Culture. Edinbourg Gate. England, 1992. 826 p.

DER EINFLUSS DES ENGLISCHEN AUF DIE DEUTSCHE SPRACHE.

Ниязова М.Ж. ҚарДУ ўқитувчиси

Омонова М.Б. ҚарДУ талабаси

Калит сўзлар: тил, таъсир, сўз бойлиги, маъно ўзгариши, луғат, чет тили, ўзлаштирма гап, товуш, дифтонг.

Ключевые слова: язык, влияние, словарный запас, изменение значения, словарь, иностранный язык, овладение речью, звук, дифтонг.

Key words: language, influence, vocabulary, change of meaning, dictionary, foreign language, mastery of speech, sound, diphton.

Аннотация: Ушбу мақолада инглиз тилининг немис тилига таъсири ва сўзлардаги маъно ўзгариши ҳақида сўз боради.

Аннотация: В этой статье обсуждается влияние английского языка на немецкий и изменение значений в словах.

Annotation: This article discusses the effect of English on German and the change in meanings in words.

Deutsch und Englisch gehören in dieselbe Sprachfamilie - und zwar in die westgermanische. Im Rahmen der Ausführung der präsidentialen Verordnung "Über die Maßnahmen zur weiteren Vervollkommnung des Systems des Fremdsprachenlernens" vom 10. Dezember 2012 wird auch in Usbekistan im Bereich des Schulsystems große Eroberung gemacht. Die Kinder lernen die Fremdsprachen vom Kindergarten. Deutsch - über 90 Millionen Personen sprechen Deutsch – in Deutschland, Österreich, in der Schweiz, in Luxemburg und Liechtenstein, auch die Minderheiten in Russland, Rumänien, Ungarn, Italien, Südtirol, Frankreich, in der Tschechischen Republik und auch in Amerika.

Deutsch gliedert sich in Hoch- und Niederdeutsch. Das älteste bedeutende Werk ist Nibelungenlied aus dem 12. und 13. Jahrhundert. Die deutsche Sprache hat 7 Kurz- und 8 Langvokale, 3 Diphthonge und 21 Konsonanten, typisch ist die Rundung (ö,ü). Der Akzent ist auf der ersten Silbe. Sie unterscheidet 4 Kasus und 3 Genera.

Der deutsche Wortschatz wurde vom Lateinischen und Romanischen beeinflusst. Heute wird Deutsch vor allem vom Englischen beeinflusst. Englisch – über 320 Millionen Personen sprechen Englisch – in Großbritannien, in den USA, in Canada, Australien, Neuseeland und in Südafrika. Das älteste Sprachdenkmal stammt aus dem 10. Jahrhundert und heißt Epos Beowulf. Die englische Sprache hat 12 Vokale, 8 Diphthonge und 24 Konsonanten. Der Akzent ist frei. Sie gehört zu den analytischen Sprachen – d.h. das Substantiv hat keinen Kasus und kein Genus.

Da die englischen Fremdwörter immer häufiger in der deutschen Sprache erscheinen und viele Bereiche beeinflussen, habe ich sie nach unterschiedlichen Aspekten behandelt.

Anglizismus – 1) Übertragung einer für das britische Englisch charakteristischen sprachlichen Erscheinung auf eine nicht englische Sprache.

- 2) ein Wort, das aus dem Englischen stammt

- 3) es geht um eine Entlehnung aus allen Varianten des Englischen

- 4) ist ein Wort aus dem britischen oder amerikanischen Englisch im Deutschen oder eine nicht übliche Wortkomposition, jede Art der Veränderung einer deutschen Wortbedeutung oder Wortverwendung nach britischem oder amerikanischem Vorbild. Der englische Wortschatz enthält nur etwa 30% der germanischen Wörter, die übriggeblieben sind – es sind vor allem Wörter romanischen und griechischen Ursprungs. Verschiedene Kulturen haben jahrhundertlang die deutsche Sprache beeinflusst. Man spricht von „Entlehnungsepochen“. Den größten und stärksten Einfluss auf die Entwicklung der deutschen Sprache hatte das Lateinische und Griechische. Es geht um die Zeit der späteren Antike und auch im Frühmittelalter. Das Lateinische wurde die Sprache der Kirche und später auch die Wissenschaftssprache.

Im Humanismus erscheinen die ersten lateinischen und griechischen wissenschaftlichen Ausdrücke.

Französisch hat die deutsche Sprache vor allem im 17. und 18. Jahrhundert im Bereich der Mode beeinflusst. Im Hochmittelalter waren es Wörter der höfischen Kultur. Der stärkste Einfluss des Englischen kam erst im 19. Jahrhundert. Nach dem Jahre 1945 kommen ins Deutsche immer mehr und mehr Anglizismen und Amerikanismen. Das Lehnwort oder die Entlehnungen sind Wörter oder Wendungen, die aus der Fremdsprache in eine andere Sprache übernommen wurden. „Als Lehnwort im engeren Sinne bezeichnet man ein Fremdwort, das in lautlicher, grammatischer und teilweise auch in orthographischer Hinsicht so weit an einheimisches Wortgut angeglichen worden ist, dass es von einem philologisch ungebildeten Menschen nicht mehr als Wort fremder Herkunft erkannt wird.

Nach W. Betz und W. König unterscheiden wir Fremdwörter, Lehnwörter, Lehnübersetzungen, Lehnübertragungen, Lehnerschöpfungen und Lehnbedeutungen.

Френдрвörter – снн солче Вörter, дн днрект үбернормен вурден (з.В. Palais – аус дем Франзöснschen)

Lehnwörter – дн Вörter вурден лантлнч, orthographнsch oder morphologisch дем Sprachsystem angepasst (з.В. das Fenster – аус дем Lateннschen „fenestra“)

Lehnübersetzung – Wort für Wort вурд үберсетз (Mit-leid – nach дем Lateннschen „compassio“)

Lehnübertragung – das Inhalt вурд freier wiedergegeben

Lehnschöpfung – das Wort вурд аус дем енгенsprachlichen Material gebildet (з.В. Weinbrand)

Lehnbedeutung – das bestimmte Wort bekommt eine neue Bedeutung, днн в дер Fremdsprache üblich ist (з.В. realisieren – аус дем Englнschen „realize“)

Da ins Deutsche ständig viele englнsche Wörter kommen, muss man bereit sein, снн richtig auszusprechen. Das internationale englнsche Phonetikalphabet ist ein bisschen unterschiedlich von дер deutschen. Es enthält 12 Vokale, 8 Diphthonge und 24 Konsonanten.

Die Wörter, днн аус дем Englнschen үбернормен вурден, sollten auf Englisch ausgesprochen werden. Wenn man днн beiden Sprachen beherrscht, gibt es meistens keine Probleme. Dann вурд das englнsche Wort аусн auf Englisch ausgesprochen. Schlimmer ist es aber bei denen, днн nur deutsche Sprache benutzen. Dann ergeben снн Schwierigkeiten, vor allem bei englнschen Konsonanten θ , δ , d , t . In solchem Falle beeinflusst das Deutsche днн Aussprache дер englнschen Wörter – з.В. „Star“ ($ta:r$) oder „Striptiz“ ($tripti:z$).

Literatur

1. Braun, Peter: Tendenzen in der deutschen Gegenwartssprache. Stuttgart 1993
2. Duden: Deutsches Universalwörterbuch. Mannheim 2003
3. Götzе, Lutz / Hess-Lüttich, Ernest: Grammatik der deutschen Sprache. München 2002
4. Deutschland, Nr. 5, 18. September 2006
5. Carstensen, B., Englнsche Einflüsse auf днн deutsche Sprache nach 1945, S. 88

ОСНОВНЫЕ ЕДИНИЦЫ РЕПРЕЗЕНТАЦИИ ЯЗЫКОВОЙ КАРТИНЫ МИРА

Носиров О.Т. старший преподаватель БухГУ

Ниёзова М.Ш. студентка БухГУ

Ключевые слова: концепт, языковая единица, лингвистические исследования, концептосфера, национальное мышление, языковая картина мира, этнические традиции, духовные ценности

Калит сўзлар: концепт, тил бирлиги, лингвистик тадқиқотлар, концептосфера, миллий тафаккур, дунёнинг лингвистик манзараси, этник анъаналар, маънавий қадриятлар.

Keywords: concept, language unit, linguistic research, concept sphere, national thinking, linguistic picture of the world, ethnic traditions, spiritual values

Аннотация В данной статье рассматриваются вопросы интенсификации межкультурных контактов в современную эпоху и стремление представителей многих областей знания сделать эти контакты максимально эффективными. Эта проблема рассмотрена на примере концептосферы времена года в категории культурных концептов, репрезентирующих природные, географические, бытовые, религиозные и другие особенности. Содержание концептосфер времен года (зима, весна, лето, осень) связано с культурно-ценностными доминантами русской и узбекской культур, а их этнокультурные отличия проявляются в каждом из слоев концепта на этимологическом, семантическом, образном, понятийном, ассоциативном, символическом уровнях.

Аннотация. Ушбу мақолада хозирги даврда маданиятлараро алоқаларнинг жадаллашиш масаллари ва ушбу алоқларни самарадорлигини оширишга йўналтирилган кўпчилик соҳалар вакилларининг интилишлари ўз аксини топган. Ушба муаммо «Йил фасллари» концептосфераси табиий, географик, кунлик ҳайтида, диний ва бошқа ўзига хос

хусусиятларни акс эттирувчи маданий концептлар категорияси мисолида кўриб чиқилган. «Йил фасллари» (киш, баҳор, ёз, куз) концептосферасининг мазмуни ўзбек ва рус маданиятининг маданий қадриятлари доминантлари билан боғлиқ, этноғмаданий фарқлари эса концептнинг ҳар бир қатламида этимологик, семантик, кифо, тушунча, тасаввур ва рамзий даражаларда ўз аксини топган.

Annotation. This article discusses the intensification of intercultural contacts in the modern era and the desire of representatives of many fields of knowledge to make these contacts as effective as possible. This problem is considered on the example of the conceptosphere seasons in the category of cultural concepts representing natural, geographical, everyday, religious and other features. The content of the conceptual spheres of the seasons (winter, spring, summer, autumn) is associated with the cultural and value dominants of Russian and Uzbek cultures, and their ethnocultural differences are manifested in each of the layers of the concept at the etymological, semantic, figurative, conceptual, associative, symbolic levels.

Современная лингвистика в Узбекистане расширила за последние десятилетия сферу интересов, сконцентрировав внимание на когнитивных, ментальных аспектах языковой деятельности. Одним из центральных понятий, где ярко отражается специфика взаимоотношений языка и окружающей действительности, является понятие языковая картина мира, которое становится объектом интенсивных лингвистических исследований, призванных выявить и проанализировать процессы вербализации, то есть языковой репрезентации концепта средствами лексико-семантической системы сопоставляемых языков. При этом закономерным является обращение к языковой картине мира – явлению, которое всегда участвует в постижении мира и дает знания об окружающей действительности и ее восприятию индивидуумом, коллективом, народом, при оценке и видении различных ситуаций и событий сквозь призму языка, а также приобретенного вместе с ним опыта.

Концепт, концептосфера и языковая картина мира на сегодняшний день являются одними из самых интересных тем когнитивной лингвистики. Различные языки, вербализующие картину мира, показывают, что существует национальный образ мышления, а современные изыскания в познании языковой картины мира базируются на существовании национальных специфических картин мира.

В настоящее время термин «концепт» утвердился в качестве основополагающего понятия в когнитивной лингвистике, так как структура концепта гораздо сложнее и многограннее, чем лексическое значение слова [2, с 591-593]. И хотя некоторыми исследователями термины «концепт» и «понятие» рассматриваются как эквиваленты, однако, разнообразие дефиниций в лингвистике свидетельствует о том, что различия наблюдаются. Например:

Концепты – идеальные сущности, формирующиеся в сознании человека из непосредственного чувственного опыта (через органы чувств); из непосредственных операций человека с предметами (через предметную деятельность); из взаимодействия при помощи мыслительной деятельности с уже сформированными концептами; из языкового общения [13, с191].

<...> концепт как операционная единица мысли – это способ и результат квантификации и категоризации знания, поскольку его объектом являются ментальные сущности признакового характера, образование которых в значительной мере определяется формой абстрагирования, модель которого задаётся самим концептом, тем самым он не только описывает свой объект, но и создает его [5, с.6].

Концепты – базовые единицы мышления [11, с.143-184].

Концепты - идеальные, абстрагированные единицы, смыслами которых человек оперирует в процессе мышления. Они отражают содержание полученных знаний, опыта, результатов всей деятельности человека и результаты познания им окружающего мира в виде определенных единиц, «квантов» знания [4, с. 23–24];

Концепт – (лат. «схватывание, восприятие») – процесс «схватывания» смыслов вещей в единстве речевого высказывания [15, с.88-89].

Глобальная мыслительная единица, представляющая собой квант структурированного знания [1, с.33-36].

Концепт – это единица ментальных или психических ресурсов нашего сознания и той информационной структуры, которая отражает знание и опыт человека; оперативная содержательная единица памяти, ментального лексикона, концептуальной системы и языка мозга..., всей картины мира, отраженной в человеческой психике [10, с.11].

Концепт - вербализованное понятие, формирование которого связано с трактовкой смысла, существующего в человеке и для человека и ориентированного на означивание и коммуникацию [20, с.28].

Примечательно, что разнообразие дефиниций концепта зачастую передается метафорически: «мыслительная операция», «познавательная психическая структура», «идеальная сущность» и «сгусток культуры в сознании человека» [16, с. 625], «катящийся снежный ком, который постепенно обволакивается новыми слоями» [3, с. 29 - 30]; «плод, косточка которого – чувственный образ, ядро, обрастающее мякотью, концептуальными признаками» [17, 5]

Таким образом, обобщая вышесказанное можно сказать, что концепт это оперативная содержательная единица памяти, ментального языка мозга, которая возникает в процессе построения информации об объектах и их свойствах, причем эта информация может включать как сведения об объективном положении дел как в реальном мире, так и сведения о воображаемых мирах. Совокупность концептов, объединенных на основании того или иного признака или темы, составляют концептосферу. Так, например, по тематическому признаку могут быть выделены этическая, религиозная, юридическая и прочие концептосферы; по концептосфере национального языка мы можем судить о культуре нации, этических традициях, о материальных и духовных ценностях.

Ж.Н. Маслова рассматривает языковую картину мира по отношению к картине мира как частное к целому, как узкий аспект картины мира, исторически сложившийся в обыденном сознании данного языкового коллектива [12, с.149]. Мы поддерживаем точку зрения Ж.Н. Масловой, поскольку считаем, что знание, полученное индивидом из родного языка, превосходит по объему, качеству и количеству знание, полученное из всех других источников. Таким образом, языковая картина мира, будучи частью картины мира, не может полностью ее перекрыть, но отображает какую-то ее часть [7, с. 46].

Тонким отличием картины мира и языковой картины мира служит скорость и гибкость процессов изменения. Считается, что в процессе познания мира человек постоянно развивает, корректирует картину мира, и это происходит довольно быстро (ярким примером в этом случае может служить влияние на сознание социальных сетей в Интернет, в котором потоки разнообразной информации обрушиваются на пользователя за короткий промежуток времени). Языковая же картина мира, как считают некоторые исследователи, изменяется медленнее, она более консервативна и долго хранит архаичные элементы ранних картин. Эти элементы служат основой для создания новой картины мира, они в процессе познания наполняются новым смыслом. При этом языковая картина мира способна содержать в себе и устаревшие, и новые картины мира. С точки зрения В.Б. Касевича, расхождения возникают между архаической и семантической системой языка и той актуальной ментальной моделью, которая действительна для данного языкового коллектива и проявляется в порождаемых им текстах, а также в закономерностях его поведения» [9].

Глобаллашув жараёнлари ҳаётимизнинг барча жабҳаларини эгаллаб бораётган, ахборот алмашинуви кенгайган ҳозирги даврда миллий адабиётларни асраш, маънавий қадриятларни эъзозлаш ва келгуси авлодларга етказиш, шунингдек, адабиёт орқали халқаро алоқаларни кучайтиришга алоҳида эътибор талаб этилмоқда. Шу сабабли ҳам бугун таржимонларга бўлган эҳтиёж тобора ортмоқда. Миллатнинг бадиий тафаккури ойнаси бўлмиш адабиётни хорижий тилларга таржима қилишга қаратилган ишларни кенг миқёсда амалга ошириш куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Бизнинг мамлакатимизда таржима таҳлилига бағишланган тадқиқотларнинг купчилиги дастлаб адабий-тарихий, айримлари лингвистик йуналишларда олиб борилди. Биринчи йуналиш тарафдорлари асосий эътиборни угирилатган асарнинг бадиий-эстетик кийматмағина қаратиб, бадиий ёдгорликнинг бирламчи асоси булмиш лисоний жихатини назардан соқит қилган булсалар. Иккинчи йуналиш тарафдорлари киёсланаётган икки тил воситаларининг купрок лугавий мувофиқликларидан келиб чиқиб, асарнинг бадиий-эстетик жихатига кам эътибор бердилар. Таржимада айнанликнинг миллий ўзига хослигини сақлашда таржимон у ёки бу асарни таржима қилишда мазкур таржимани ўқийдиган китобхоннинг аслият тилида сўзлашувчи халқнинг ҳаёти ва урф-одатлари билан қанчалик таниш эканлигини ҳам ҳисобга олмоғи даркор.

Чет тилидан рус тилига, рус тилидан ўзбек тилига ўгирилган асарларни киёсий таржима таҳлилини ўрганиш ўзбек таржимашунослиги фанида кам ўрганилган соҳа. Шу сабабли хорижий тиллардан бирини ва рус тилини чуқур ўрганган тадқиқотчилар, таржимонлар тайёрлаш ҳозирги замон таржима илмининг долзарб масалаларидан бири бўлиб турибди. Жаҳон адабиётининг жуда кўп дурдоналари рус тилига ўгирилгани ҳолда уларнинг жуда кўпчилиги ҳамон ўзбек китобхонларига етиб келмагани ҳам сир эмас. Уларни рус тили орқали ўзбек китобхонларига етказишга уринаётган таржимонларимизнинг сермашаққат меҳнатларини тан олганимиз ҳолда, билвосита таржима аслиятдаги бой бадиий семантик-стилистик ифодадорликни тўлиғича ўзбек китобхонларига етказа олмаётганлиги ҳам тан олинган ҳақиқатдир.

И.В.Гёте, Ф.Шиллер, Х.Хайне, А.Зегерс, Волтер, Бернарден де Сен-Пиер ва бошқа муаллифларининг асарлари русчадан ўгирмалар бўлганлиги сабабли, уларни ўқиганимизда рус шеъри ва насрининг таъсири сезилиб туради. Шунинг учун таржимада фақат тил билишнинг ўзи кифоя қилмаслиги, балки асар яратилган тилда халқларнинг урф-одати, турмуш тарзи, феъл-атвори, руҳияти билиш ҳам шартлиги эътироф этилади.

Лекин, шу ерда атоқли ўзбек олими, таржимон О.Шарофиддинов раҳбарлигида жаҳон адабиётининг дурдона намуналари бевосита аслиятдан таржима қилиниб, ўқувчиларга ҳавола қилиниб келинганлигини таъкидлаш жоиздир.

Миллий адабиётнинг ажралмас қисми саналган таржима асарлари юз йиллар давомида дунё халқларнинг миллий маданияти, анъаналари, урф-одатлари, дунёқараши, ҳаётни англаш фалсафаси, бадиий тафаккури, қолаверса, яшаш тарзи ҳақида тасаввур ҳосил қилишда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида бадиий таржима воситасида дунё адабиёти намуналарининг маданий ҳаётимизга кириб келиши мазкур соҳанинг ривожланиш босқичига ўтганлигидан далолат беради. Ўтган қисқа тарихий давр мобайнида ўзбек адабиёти намуналари хорижий тилларга ва хорижий мамлакатларда яратилган дурдона асарлар она тилимизга таржима қилинди. Шу билан бирга таржимашуносликнинг ажралмас қисми бўлган таржима назарияси ва танқиди ҳам замонавий мазмун касб эта бошлади.

Таржимашунослик ва қиёсий тилшунослик моҳияти жиҳатидан бир-бирига яқин туради. Таржиманинг лисоний назариясида турли тилларнинг луғат таркиби, грамматик тузилиши ва услубий хусусиятларини қиёсий ўрганиш орқали муайян қонуниятларни ўргатиш назарда тутилади.

Тилларнинг қиёсий жиҳатдан яқинлиги таржимада маълум даражада енгиллик яратиши мумкин. Бу борада Ж.Бўронов шундай таъкидлайди: “Типологик яқинлик генетик яқинлик билан бир вақтда юз берса, таржимада қийинчилик содир бўлмайди, яъни бир туркий тилдан иккинчи туркий тилга таржима қилишда ортиқча қийинчилик сезилмайди, чунки бу тиллар системасидаги фонетик, морфологик ва лексик ўхшашликлар бир-бирига жуда яқиндир”.

Лекин аслия ва таржима тили қиёсий модели таржима айнанлигини таъминлаш йўлидаги қийинчиликларни атрофлича ҳал қила олмайди. Бунинг учун таржимон матннинг билвосита таржимадаги ютуқ ва камчиликларни ўз кўзи билан кўриб аниқлаши, оригинал матндаги лексик, фразеологик бирликларнинг семантик-стилистик маъноларини, оригинал ва таржима матнлардаги лексик, грамматик трансформацияларни, эквивалентлар танлашдаги ютуқ ва камчиликларни, муаллиф услубини сақлашдаги вариацияларни чуқурок англаши керак бўлади.

Олимлар таржимашуносликка фан, илм сифатида қарайдилар ва шундан келиб чиқиб бу фаннинг истиқболи ҳамда аҳамиятини белгилайдилар. Хорижлик атоқли таржимашунослардан Е.Эткинд эса, ҳали олтимишинчи йиллардаёқ ўзининг барча тадқиқотларида таржимага ҳам санъат, ҳам илм деб қараган ва қиёсий стилистикага асосланган таржима назариясигина самара беради, деган фикрни илгари суриб, барча таҳлилларини шу асосга қурганди. Бу таржимашуносликни чирмаб олган қонуниятлардан биттаси ва асосийси.

Таржима матнларининг адабиётда тутган, эгаллаган ўрни, ҳолати ва ҳуқуқлари устида ўйлаш, фикрлаш жозибали мулоҳазалар уйғотиши табиий. Америка олими Ю.Найданинг фикрича, ўқувчилар таржималарни кўпроқ услуби жозибали бўлгани учун севиб ўқийдилар. Бошқа бир тоифадаги ўқувчилар эса, таржиманинг мазмунимундарижасига қизиқадилар. Аслият тилидан беҳабар ўқувчи таржимани ўз она тилида ўқиганда қандай фикрларга келади, қандай хулосалар чиқаради? У таржимани нотўғри тушуниши ҳам мумкин. Шунинг учун таржима “аниқ”, “тўғри”, яъни аслига мувофиқ бўлиши билан бирга, жозибадор ва мафтункор бўлиши ҳам керак. “Тўғри” ва “аниқ” таржимага тилларни мукамал билиш, катта луғат бойлигига эгалик, амалий тажрибалар, интенсив ижодий фаоллик билан эришилади.

Ўзбекистонда қобилятли, бу ишни севадиган заковатли таржимонлар кўп. Улар Ўзбекистоннинг барча университетлари, институтларида ташкил топган. Улардан кўплари таржима ва таржимашуносликда фақат эски бисотлар билан яшаш ва уларга маҳлиё бўлиб ўтириш керак эмаслиги, бу илм ва ижоднинг ривожига, тўхтовсиз ўсиб боришига хизмат қилмаслигини яхши англайдилар. Бу борада Акмал Саидов, Муҳаммаджон Холбеков, Зухриддин Исомиддинов, Шухратхон Имяминова, Хуршид Дўстмуҳаммад, Хайрулла Ҳамидов, Хафиза Кўчқорова сингари таржимонлар ўзбек таржимашунослигига ўзларининг хиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Таржима – юксак санъат, таржимон эса санъатқордир. Бу машаққатли, аммо хайрли ишга умрини, бутун ижодини, қалб кўрини сарфлаган устозларимизнинг ҳаёт йўли, амалга оширган таржималари билан танишиш ёш авлод вакилларида таржимонлик касбига меҳрни уйғотса ажаб эмас.

АДАБИЁТЛАР

1. Сиддиқ С. Адабий таржима санъати. 1991 йил.
2. Фёдоров А.В. Основы общей теории перевода. – М.: Высшая школа, 1983. –С.44-47.
3. Kaschkin. I., Stevenson R. L.: Für den gegenwärtigen Leser. – Moskau, 1968.

4. Попович А. Проблемы художественного перевода. БГК Им. И. А. Бодуэна Де Куртенэ, 2000. – 198 с.
5. Қ. Мусаев. Таржима назарияси асослари. «Фан» наш риёти, 2005.-5 б.
6. Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. – Т., 1973. – Б. 239-242.

ЖАҲОН АДАБИЁТИДА ТАЛАБА ПОРТРЕТИНИНГ БЕРИЛИШИ ВА УНИНГ ХАРАКТЕР ХУСУСИЯТЛАРИ.

Абдуллаева Н.И. ТИҚХМИ БФ

Калит сўзлар: портрет, образ, характер, талаба, психологик, фалсафий, қахрамон.

Ключевые слова: портрет, образ, персонаж, студент, психологический, философический, герой.

Keywords: portrait, image, character, student, psychological, philosophical, hero.

Аннотация: Мақолада жаҳон адабиёти адибларининг асарларидаги талаба образи портрети, характер хусусиятларининг берилиши, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлар муҳокама қилинган.

Аннотация: В статье рассматриваются портрет студента в произведениях литературных писателей мира, их черты характера, сходства и различия.

Annotation: The article discuss the portrait of students in the works of world literary writers, their character's features, similarities and differences.

Адабий асарларда дунё тасвирини тасвирлашда ёзувчилар бадиий тафсилотлардан фойдаланадилар. Шунга кўра, бадиий тафсилот деганда, энг майда тасвирий ёки ифодали бадиий тафсилотлар тушунилади: портрет ва ландшафт элементлари, акт, нарса ва бошқалар. Таҳлил қилиш қулай бўлиши учун бадиий тафсилотларни бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин. Аввало, ташқи ва психологик тафсилотлар ёритилган. Уларнинг ташқи қисмлари, сиз уларнинг номларидан осонгина топишингиз мумкин, бизни ташқи, объектив шахсларни, уларнинг ташқи қиёфасини ва атроф-муҳитини бўяшади. Ўз навбатида ташқи тафсилотлар портрет, пейзаж ва реалга бўлинади. Психологик тафсилотлар инсоннинг ички дунёсини акс эттиради, булар алоҳида руҳий ҳаракатлар: фикрлар, ҳис-туйғулар, ҳис-туйғулар, истаклар ва бошқалар. Ташқи ва психологик тафсилотлар ўтиш мумкин бўлмаган чегара билан ажратилмайди. Адабий қахрамон портрети - бадиий тафсилотларнинг хилма-хиллиги, бадиий яхлитликнинг элементларидан бири.

Бадиий асарда ҳаёт воқелиги, одамлар турмуши адабий қахрамонлар хатти-ҳаракати, ўй-фикрларини ифодалаш орқали акс эттирилади. Ижодкорнинг дунёқараши, мақсади, ижтимоий ҳаёт ҳодисалари ва инсон дунёси тўғрисидаги фалсафий мушоҳадалари ҳам айнан адабий қахрамонлар образида ифодаланади. [1] Асар қахрамонлари асарларда турли боразларда намоён бўлар экан, биз бугунги мақоламызда асарлардаги талаба образини берилиши, ва унинг характери билан бир-бирига боғлиқлигини муҳокама қиламиз.

Жаҳон адабиётида ҳам ўзбек адабиётида ҳам талаба образини асарлада учратишимиз мумкин. Уларнинг портрети, характер хусусиятлари бир-биридан фарқ қилса аммо ўхшаш жиҳатлари ҳам мавжуд. Достоевский Раскольников образини шундай тасвирланганки бевосита кўз олдимизга келишган, қадди қоматли киши намоён бўлади. “У жуда келишган йигит эди, кўзлари қора ва чиройли, мағзи қоратўроқ, чуқур, хушбичим, қомати келишган эди” [3:4] Лекин унинг бу келишган кўринишини унингкийиб юрган либослари тамомила бошқа одамга айлантиради. Адиб унинг кийимини шунчалик ночор деб тасвирлайдики ҳатто бошқа одам бўлганида бу аҳволда кўчага чивққани уялган бўлар эди дейди. Унинг кийимига ҳатто кўча гузарлар ҳам гапирар уни “немис шляпачиси” деб ҳам айтишарди. “Шоша пиша бошидан каттакон, тепаси баланд, думалоқ цимерман шляпасини юлиб олди, шляпа кийила вергандан ғоятда эскириб кетган ранги униқиб, ҳамма ёғини доғ дўғ босган,

соябонсиз капаси бир томонга қийшайиб қолганди.”[3:5] Эгнидаги эскириб қолган бу кийимнинг рангиям қоп-қора рангда бўлиб асар қахрамонининг характерига жудаям мос тушади. У жудаям гам гап ҳеч ким билан гапирмайдиган, ҳеч кимга ўз сирларини ошкор қилмайдиганлардан бўлган. У доимо одамлардан қочиб юрарди.

Раскольников портретига карама-қарши турадиган образ Оноре Де Балзакнинг “Горио ота ” асари қахрамони талаба Растиньяк ҳисобланади. “Эжен де Растиьяк жанубликларнинг типик намояндаси эди: Унинг юриш туриши, атрофдаги одамларга муносабати, ҳатти-ҳаракатлари ва ўзини тутишда болалик чоғидаёқ қадимий хулқ-одоб асосида тарбияланган оқсуяклар авлодидан экани кўриниб турарди.” Растиньякнинг ташқи кўриниши ва унинг ўзини тутиши Раскольников образига ўхшамас, У аксинча доимо ўзининг кийинишига этибор бериб кийиниб юрадиган, ўзига оро торо бериб юрадиган шахс эди. Унинг ўзининг кийим бош учун етарли маблағи бўлмасда лекин ўзини кийимлари орқали ўзини олийжаноб киши сифатида намоён қила оларди. “Эжен кийим бошини тежаб кийишга, эскиларни оддий кунларга кийишга мажбур бўлса ҳам, ҳар ҳолда, баъзи-баъзида кўчага олифта йигитлардек яسانيб чиқа оларди.” Ўзини жудаям яхши кўрадиган ва ўзи учун ҳеч нимани аямайдиган талаба, табирларни жудаям яхши кўрарди. Раскольниковнинг бутунлай акси ҳисобланади. “Балга бориш олдидан ясанаётган қизларга ўхшаб у ҳам кўзгуга қараб, ўзини-ўзи масхара қилди, фракини тўғрилаб кўяр экан, хипча белига ўзи махлиё бўлиб томоша қилди. Аёлга ёқиш учун галстугини баланроқ тортади, чиройли бир тарзда қадди-қоматини келиштириб туради”.

Растиньяк доимо яхши яшашни орзу қиларди , чунки унинг оиласи бой оилалардан эмас, оиласининг аҳволини яхши биларди ва у яхши яшаши учун зодагон аёллар билан танишишни улар орқали жамиятда яхши ўринни эгаллай олиши, шунинг учун бундай мавқега эришиш учун у ўз кийимларига этибор бериши, доимо олижаноб кишилардек кийиниб юришга одатланганди. “Студент Комедия операси театрининг биринчи ярусидан ўтирган бирор аёлага ёқиш учун галстугини баланроқ тортади, чиройли бир тарзда қадди-қоматини келиштириб туради.” Шундай омадга эришишни осон йўлини танлаган талаба образи портрети асар давомида турли хил вазиятларда ранг-барннг тасвирланган ва бу тасвирлар талабани қандай инсон эканлигини очиқ беради ва унинг образи ўқувчининг кўз олдига яққаол намоён бўлади.

Растиньяк образига ҳамоҳанг келадиган образлардан бири инглиз ёзувчиси Жозеф Конраднинг “Ғарб назарида” (Under the western eye) бош қахрамони талаба Кирилл Сидорович Разумов. “Жаноб Разумов баланд бўйли, яхши йигит еди. Агар унинг хусусиятлари нозикроқ бўлса, унинг ташқи кўриниши шубҳасиз жозибали бўларди. Гўё муми билан ифодаланган юз ифодали (ва ҳатто тўғри классик турга яқинлашганда ҳам) оловга келтирилгандай бўлиб, чизиқларнинг барча қаттиқлигини хиралаштирди. Аммо шунга қарамай, унинг кўриниши жуда ёқимли еди. Хулқ-атвор ҳам ёқимли еди.” Адиб Разумовни ташқи кўринишини тасвирлар экан бевосита кўз олдимизга чиройли, келишган, қадди қоматли йигит гавдаланади. Адиб нафақат унинг ташқи кўринишини балки унинг қанчалик ақл, идрок, илм эгаси эканини ҳам тасвирлайди. “Санкт-Петербург университети ўртоқлари файласуфни ўқиётган учинчи курс талабаси Кирил Сидорович Разумов, кучли шахс - мутлақо ишончли одам деб ҳисобладилар. Эътиқод ўлим билан жазоланадиган ва баъзан ҳатто ўлимдан ҳам даҳшатли жиноят бўлиши мумкин бўлган мамлакатда тақиқланган қарашлар у билан баҳам кўрилишини англатар еди.”

Дўстлари уни ҳурмат қиларди, университетга ўзига яраша обрў-эътибор қозонган эди. У доимо керакли вақтга барчага ёрдам қўлини чўза олар шунинг учун ҳам барча уни ҳурмат қиларди. Разумов Раскольников ва Растиньякдан фарқли ўлароқ пулга муҳтожлик сезмайди. Асарда у аристократлардан бўлганлиги ва кимнингдир васийлиги остида унга маблағ келиб туриши айтиб ўтилган. “Жаноб Разумов, руҳонийнинг ўғли, маълум бир юқори мартабали аристократнинг ҳомийлигида эди- еҳтимол у ўзи келиб чиққан узоқ вилоятдан еди. Аммо унинг ташқи кўриниши бундай камтарона келиб чиқишига зид эди; ишониб бўлмайдиган туюлди.” У доимо юқори мартабали меҳмонлар, профессорлар

тадбирида иштирок этар эди ва ўзини улар билан бир хил поғонада кўяр ва уларнинг даврасида ўзини енгил ҳис қилиб, ҳеч ҳам ўзини улардан олиб қочмас эди.

Инглиз ёзувчиси Жорж Форстернинг “Узоқ сафар” (Long Journey) асаридаги талаба Рикки образи жудаям камтарин, ҳаётда қийналган ота-онасиз ўсган характерлардан бири. Адиб унинг портретини тасвирлаганда унинг битта оёғи оқсоқланиб юришини ва шу нуқсонни уни ҳаётга бўлан қизиқишини сўндиришини уқтиради. Рикки ҳам оддий оиланинг фарзанди бўлиб, онаси эрта ҳаётдан кўз юмган, отаси эса бошқа аёлга уйланган. Ойисининг меҳрини доимо қумсаб яшайди ўзини тушкунлик ҳаётидан олиб чиқиш Рикки коллежга ўқишга киради ва иқтидорли талабалардан бири бўлади.

Риккининг ўзига яраша жудаям кўп қобилиятлари бўлиб, улардан бири унинг ёзувчилигидир. “ Рикки ўзининг кичик ҳиқояларини нашр қилинишини жуда хоҳларди. Саккиз-тўққизтасини ёзгандан сўнг уларни китоб шаклида кўришни жудаям хоҳларди. Ҳаттоки улар учун ном ҳам топиб қўйганди “Пан Пипес”. У бу борада ғайратли еди; бу ишлашни яхши кўрар еди, чунки дунёдан бирон бир ақл бовар қилмайдиган гулхўрлик ўтган ва энди одамлардан.” Бу борада унга аммаси ва хотини ёрдам беришга уринишар лекин унинг ишларини чоп қилиш қўлларидан келмаган эди.

Яна бир инглиз ёзувчиси Ивлин Вонинг “Йиқилиш ва вайрон” (Decline and Fall) бўлиш асари бош қаҳрамони талаба Полнинг характер хусусиятлари ҳам ўзига хос бўлиб китобхонни ўзига бевосита жалб қилади. “Пол Пеннифезер илоҳиётни ўрганган. Бу унинг Оксфорддаги университет ҳаётининг учинчи йили еди. Ундан олдин у Сассексдаги озгина диний қарашларга ега бўлган кичик хусусий мактабни имтиёзли диплом билан тугатган; мактабда у журнал муҳаррири, мунозаралар клубининг президенти бўлган ва характерига кўра “ўртоқларига енг яхши таъсир кўрсатган”, шунинг учун дўстлари уни жуда ҳам ҳурмат қилишарди.”

Кўриниб турибдики жаҳон адабиёти адиблариталаба образига кўл урар экан, уларнинг ҳаёти бир- бирига ўхшаш ва ҳаттоки бутунлай бир-бирига зид характер хусусиятларини кўришимиз мумкин.

Шундай қилиб, портрет ва характер адабиётда муҳим рол ўйнайди. Биринчидан, улар асар қаҳрамонини яхшироқ тушуниш, уни муаллифнинг тасавурида тасаввур қилиш учун керак (адабий портрет). Муаллиф портретни асарнинг “қаҳрамони” сифатида ишлатганда, у портретнинг функцияларидан кундалик ҳаётда фойдаланади, бу асарни ҳақиқатга яқинлаштиради, бу нафақат асарни яхшироқ тушунишга ва англашга ёрдам беради, балки портрет орқали етказилган ҳақиқий санъат ва ҳақиқий гўзаллик ҳақидаги саволларга ҳам жавоб топиб бериши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдулла Улуғов. Адабий қаҳрамон кадри//ziyo.uz.22.03.2017
2. Бальзак О. Горио ота. – Т.: Камалак-Press, 2019. – 320 б.
3. Достоевский Ф.М. Жиноят ва жазо. Роман. – Т.: Камалак, 2019.
4. Ивлин Во “Decline and fall” (Упадок и разрушение) – <http://www.litru.ru>
5. Конрад Дж. На взгляд Запада. – М.: Ладомир, 2012.
6. Forster E.M. Long Journey. (Бесконечное путешествие). – <http://www.litru.ru>

ALISHER NAVOIYNING “MUNSHAOT” ASARI HAQIDA

Abdullayeva U. Qarshi Davlat 1-ixtisoslashtirilgan maktab o`qituvchisi

Abdullayeva G. Qarshi shahar 32- maktab o`qituvchisi

Ключевые слова: Муншаот, грамматический формы, окончание, аффиксы, музыка, лексика, слово

Keywords: letter, grammatical forms, ending, affixes, music, vocabulary, the word

Аннотация: В этой статье говорится об истории делопроизводства узбеков, кроме этого творческом наследии Навои и роли писем и их влиянии. Также произведение великого писателя «Муншаот» кроме этого о свойствах языка грамматических формах и их применение даны размышления об этом

Annotation: This article talks about the history of office work of Uzbeks, in addition to this creative heritage of Navoi and the role of letters and their influence. Also, the work of the great writer "Munshaot" in addition to this about the properties of the language of grammatical forms and their application, thoughts are given about this

Hazrat Mir Alisher Navoiyning ulkan poetik merosi uning go'zal lirikasi, liro-epik, axloqiy-ta'limiy, falsafiy, diniy-ma'rifiy, tarixiy, ilmiy filologik asarlari va tarixiy shaxslar, hukmdorlar, olim, shoirlar muhim tarixiy voqealar yoki Alloh yaratgan tabiat va uning muhim hodisotiga bag' ishlangan qasidalari bilan belgilanadi. Navoiyshunos olim Yusuf Tursunovning aytishicha, xorij mamlakatlarida, jumladan, Istambulda juda ko'p nodir asarlar saqlanar ekan. Bu asardagi To'p qopi saroy muzeyida Navoiy asarlari kulliyoti mavjud. Filologiya fanlari doktori, professor B.To'qliyevning ma'lumotiga ko'ra, mazkur kulliyotning mikrofilmlari va fotonusxasi O'zbekistonga ham olib kelingan.

Ana shunday betakror mo'jizalar qatoridan munosib o'rin olgan "Munshaot" asari mutafakkimning so'nggi 20 jildlik asarlari 14-jildiga kiritilgan. Munshaot arabcha so'zdan olingan bo'lib, "Xat" degan ma'noni bildiradi. Demak, asar adibning umri davomida turli munosabatlar bilan yozilgan xatlar jamlanmasidan iborat. Asar muqaddima va 103 qismdan tashkil topgan. Asar 1491-1992 yilda nasrda 1080 satrda yozilgan "Munshaot" mazmuni Alisher Navoiyning serqirra amaliy faoliyatida xalqparvarlik va tinchliksevarlik prinsiplariga asoslangani, mamlakat va xalq manfaatlarini himoya qilganini ko'rsatib beradi. Eski o'zbek tilidagi singari Alisher Navoiy asarlarida, xususan "Munshaot" da buyruq-istak maylining har uchchala shaxs birlik va ko'plikda kelgan qo'shimcha shakllari uchraydi. Masalan, birinchi shaxs birlik shakli (a) yin - borayin, (e) yin - keltirayin, (ars) etayin kabi ikkinchi shaxs birlik va ko'plik shakllaridan -g'il, -gil, -qil, -kil, -g' in, -qin, -kin, -ingiz, -iniz, -ungiz, -nglar, -ngler; uchunchi shaxs birlik va ko'plik shakllari - suni; -barsuni tarzida qo'llangan.

Alisher Navoiy "Munshaot" asarini yozishda jonli xalq tili, o'z davri kundalik turmushda faol qo'llanadigan barchaga tushunarli so'zlashuv nutqi leksikasidan unumli foydalandi. Bu bilan maktub yozishning o'ziga xos ifoda uslublarini yaratdi.

Alisher Navoiy o'zbek tilining lug'at boyliklarini faqat nazmda emas, balki nasrda ham o'ziga xos uslubda qo'llay oldi. Navoiy badiiy va ilmiy asarlar bilan bir qatorda davlat hujjatlari va xatlami ham fors tilidan qolishmaydigan darajada turkiy (o'zbek) tilida yozish mumkin deb hisoblaydi va uni "Munshaot", "Vaqfiya" asarlari namunasida isbotladi vaqfiya asari 1481-yilda yozilgan. Asar 278 satrdan iborat.

"Vaqfiya" asari Navoiyning o'zi tomonidan yozilgan tarjimai hoi. Ushbu asar Navoiyning o'z davriga munosabati hamda uning shaxsiy mulki, bu mulkdan xalq manfaati uchun foydalanish haqida hujjatli asardir. Asarda Alisher Navoiy shunday yozadi: "Iligim (qo'lim)din kelguncha zulm tig'in ushotib, mazlum jarohatig'a intiqom (o'ch, qasos) malhamin qo'ydim va iligimning kelmagani ul hazrat (H.Boyqaro) arzig'a yetkurdim"

Asarda shoir mol-mulkingining miqdori, qayerda, qanday ekani mufassal ko'rsatilgan. Ana shu mulklardan tushgan daromadlardan Navoiy o'z xizmatidagi bir kishining tirikchiligiga yetarli qismini o'ziga qoldirib, qolgan hammasini el-yurt manfaatlarini uchun sarf qilgan. O'z mulkidan tushadigan daromadni "Ihlosiya" madrasasi, "Halosiya" xonaqohining qurilishiga buyuk muarrih Xondamirning ma'lumotiga ko'ra, ikki mingga yaqin po'stin, bosma chakmon, kovush, do'ppilami xalqqa tarqatishga sarfladi. Navoiy o'z mulkidan tushadigan daromadni ana shunday ishlar uchun vaqf qilib berdi. "Vaqfiya" asarida ana shu vaqf shartlari birma-bir bayon etilgan.

Alisher Navoiy ona tili rivojiga xalq orasida yurib, xalq bilan yuzma- yuz, bevosita maktublar orqali muloqotda bo'lib, so'zlashuv tili boyliklami adabiy til leksikasi meyorlariga kiritdiki, bu bilan avlodlarga boy xazina qoldirdi.

Bugungi kunda ona tili fanini o'qitishda o'zbek munshaoti tarixi, xususan, A.Navoiyning "Munshaot" va "Vaqfiya" asarining til xususiyatlari, nutqiy ifoda uslubi hozirgi o'zbek adabiy tili bilan qiyoslangan holda o'rganiladi. Bu esa o'quvchi yoshlarning ona tili tarixi, rasmiy ish hujjatlarining o'tmishdagi mavqei borasidagi bilimlarini yanada mustahkamlaydi.

Xulosa qilib aytganda, Alisher Navoiy ijodida turkiy tilimiz mavqei yuksaklarga ko'tarilgan. Uning boy va sermahsul imkoniyati buyuk olimning ilmiy, falsafiy, adabiy asarlarida o'z ifodasini topgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Alisher Navoiy "Xamsa" Toshkent 1990, 1991 yillar
2. Aziz Qayumov "Alisher Navoiy" Toshkent "Kamalak" nashriyoti 1991-yil
3. O'tkir Rahmatov "Abadiyat gulshani" 2-kitob Toshkent 2016-yil
4. S.Matchonov, Sh.Sariyev "Adabiyot" Toshkent 2011-yil

"ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН" ДОСТОНИДА СОҚИЙ ОБРАЗИ

Авазназаров О. Р. ҚарДУ докторант

Key words: Saki, wine, Sakinoma couplet (couplet with an address to Saki), the lyrical preface, the lyrical ending

Ключевые слова: саки, вино, куплет сакиномы (куплет с обращением к Саки), лирическое предисловие, лирическое окончание

Annotation: Some of the aspects of the poem that have not yet been explored in literary criticism – the role of the image of Saki (a person who serves wine, especially in a royal or noble household) in the poem – are included in this article

Аннотация: Некоторые из аспектов стихов, которые еще не были исследованы в литературной критике – роль образа Саки (человека, который подает вино, особенно в королевской или дворянской семье) в стихотворении – включены в эту статью.

"Бадий асарни кабул қилиш, тушуниш учун унинг замирига жойланиб, тилсимланиб қўйилган мазмуннинг шифри ва кодини билиш талаб этилади. Маълум бўладики, адабиётни идрок этиш, биринчи навбатда, унинг ўзига хос образли тилини тушуниш демакдир". Шундай экан "Лайли ва Мажнун" достонидаги соқий образи тахлили адабиётшунослигимизда атрофлича ўрганилиши лозим бўлган муаммолардан.

Маълумки, "Лайли ва Мажнун" 38 бобдан иборат. Соқий образи нисбатан кам микдорда бўлса-да, ушбу дostonда ҳам иштирок этади. Шунга қарамасдан, мазкур образнинг қўлланишида бошқа дostonларда учрамайдиган баъзи ўзига хосликлар кўзга ташланади. Соқий образи дostonнинг уч бобида олти маротаба учрайди. Қўлланиш ўрнига кўра икки гуруҳга ажратиб тасниф этиш мумкин:

- а) бағишлов бобларда;
- б) дostonнинг асосий қисмида.

Соқий образи иштирокидаги дастлабки бағишлов боб VIII бобга тўғри келади ва у шаҳзода Бадиуззамонга бағишланган. "Хамса" дostonларида бағишлов бобларда келган соқий образи, асосан, базм тасвири билан алоқадорликда қўлланади. "Лайли ва Мажнун"да ҳам бу ҳолат кузатилади. Шаҳзода хузуридаги базмлар шоир томонидан жуда катта иштиёқ билан тасвирланади:

*Базмида бу навъ дўш-бардўш,
Шаҳлар бори ёндашиб қадаҳ нўш.
Соқийлари хур ё паридек
Кўк даврида меҳри ховаридек.
Май кимга тутуб бу навъ соқий,
Қолмай анга ақлу ҳуш боқий.
Май дема, зулоли зиндагоний,*

Соқийси ҳаёти жовидоний [2;42].

Ташбеҳ, муболаға каби бадий санъатлар асосида қурилган ушбу байтларда соқий образининг бир қанча зоҳирий хоссалари юзага чиқади. Шоир бобдаги эпизодик образ – соқийни ҳур ва париларга, Шарқ қуёшига, мангулик ҳаётга ўхшатиш орқали шундай бир юксакликка кўтардики, бу асосий образ – Бадиуззамон шахсини улуғлаш, унинг мавқейини кўкка кўтаришга хизмат қилади. Шаҳзоданинг базмлари ўқувчида оддий базм эмас, илоҳий базмдек тасаввур уйғотади.

Достоннинг XXXVII боби ҳам бағишлов боб ҳисобланиб, унда Султон Ҳусайннинг шаҳзода жияни (акасининг ўғли) Султон Увайс баҳодир васф этилади. Боб беш байтли соқийнома билан бошланади:

*Эй соқийи давр! Бир қадаҳ тут,
Ҳузн аҳлига соғари фараҳ тут.
Аввал қадаҳингни айла гардун,
Қуйғил анга бодаи шафақгун.
Чун бўлди лаболаб ул пиёла,
Қил они менинг сори ҳавола.
Кўргач ани ҳушдин боройин,
Бир дам била ўйла сипқоройин.
Ким, топмасун ул сипеҳри соғар,
Атрофида қатрадин бир ахтар.*

Соқийномада соқий образининг маъно доираси замон соқийси даражасига юксалади, ғам аҳлига шодлик улашувчи қадаҳи осмонга, ундаги шафақранг майнинг бир томчиси эса юлдузларга ташбеҳ этилади. Шоир соқий, қадаҳ, май каби образларни замон, осмон ва юлдузлар қадар юксакликка олиб чиқиш, уларни бу қадар юқори пардада қуйлашдан муроди нима эканига навбатдаги байтларда ойдинлик киритади:

*То сўзда фалак нишонлиг айлай,
Ахтар киби дурфишонлиг айлай.
Топқач дури баҳру лаъли кони,
Шаҳзода нисори айлай они.*

Яъни, “сўзимни фалакдек юқорилатиб, юлдуздек дурлар сочайин. Дарёнинг дурри ва коннинг лаъли каби сўзларни топгач, уларни шаҳзодага бағишлайин”. Шоирнинг соқийнома қисмда ўз сўзини “фалакдек юқорилатиш”и Султон Увайс баҳодирга йўналтирилган васф ҳамда панду насихат тасвирига ўтишда ўзига хос лирик тайёргарлик вазифасини ўтайди. Ушбу тасвирлардан кўринадики, Навоий яшаган даврнинг ижтимоий-сиёсий муҳитида ҳукмдор сулола вакиллари, хусусан, шаҳзодаларнинг мавқеи жуда юқори бўлган. Қолаверса, шоир соқийнома байтларда кўпинча бароати истехлол бадий санъатини қўллайди. Бу санъатга кўра, шеър, китоб ёхуд муайян боб асосий мақсадга, кейинги мазмунга нозик ишора билан бошланади. Юқоридаги соқийномада ҳам шоир соқийдан ҳузн (ғам) аҳлига фараҳ (шодлик) қадаҳини тутишни сўраши бежизга эмас. Бундан Султон Увайс баҳодир ё ғамгинлик – ошиқлик, риндлик кайфиятидаги шахс, ёки мавқеъ жиҳатидан жуда юксаклиги (Навоий уни “етти отаси шоҳ бўлиб ўтган султони замон” дея таърифлайди – О.А.) учун Султон Ҳусайн ўзига хавф сифатида кўриб, унга совуқ муносабатда бўлганини тахмин қилиш мумкин. Балки шунинг учундир шоир бобнинг қуйидаги ўринларида шаҳзода Увайсга Султон Ҳусайнни ўзига ҳам ака, ҳам ота ўрнида кўриб, унга ўғиллик, балки қуллик қилиши кераклигини бот-бот уқтиради:

*Шоҳики атоғ анга ағодур,
Ул санга ағодуру атодур.
Бу икки атоға қил ўғуллуқ
Йўқ-йўқки, бу икки шаҳға қуллуқ.*

Ҳар ҳолда шаҳзода Увайс баҳодирнинг нисбатан Султон Ҳусайн оиласига алоқадор бўлмаса-да, “Хамса”да махсус боб бағишланган ягона тарихий шахс экани бежизга эмас.

Мазкур бобга якун ясовчи икки байтли соқийномада шоир яна соқийга мурожаат қилиб, шаҳзода унга соқийлик қилишини сўрайди:

*Соқий, қадаҳики шаҳзода,
Тутқай манга ул қадаҳда бода.
Ложуръа бурун ўзи сумургай,
Ул навъ манга дағи ичургай.*

Ушбу ўринда соқий образи полисемантик характер касб этади. Бундан ташқари, шоирнинг шаҳзода билан жуда илиқ муносабатда бўлгани, уни қалбан ўзига яқин олгани англашилади.

Яна шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, мазкур боб соқийга мурожаат билан бошланиб, соқийга мурожаат билан якунланишига кўра “Хамса” дostonларидаги бағишлов боблар орасида ягоналик касб этади. Нидо бадий санъатини юзага келтирувчи бундай риторик мурожаат поэтик синтаксис таркибига кирувчи поэтик фигуралардан бири бўлиб, муаллиф образининг ички сезимларини юзага чиқаришга хизмат қилади.

Дostonнинг асосий қисмида иштирок этган соқий образини Мажнун ва Лайлининг учрашуви тасвирланган XXXI бобда учратиш мумкин:

*Васл айлади иккиликни боқий,
Ваҳдат қадаҳини тутти соқий.
Бу бода бирини маст қилди,
Ул бирини майпараст қилди.
Йўқ, йўқки, икиси маст бўлди,
Ҳам икиси майпараст бўлди.*

Ушбу ўринда келган “ваҳдат қадаҳи” бош қаҳрамонларнинг тасаввуфдаги тавҳид мақомига кўтарилганига ишора қилса, ана шу қадаҳга ваҳдат (бирлик) майини қуйган соқий образи эса моҳиятан Ҳақ таоло маъносини ифода қилади.

Маълумки, адабиётнинг мулоқот-коммуникатив, баҳолаш-аксиологик, тарбиявий-ахлоқий, завқлантириш-ҳедонистик, билиш-гносеологик сингари вазифалари бор [3;30]. Дostonдаги соқийномаларда, соқий образи иштирокидаги бошқа ўринларда ана шу вазифаларнинг бир қанчаси бажарилаётганини кузатиш мумкин. Яъни, соқий образи иштирокидаги тасвирлар орқали китобхон ушбу образ зиммасига ижодкор томондан юкланган ахборотлар билан мулоқотга киришади, уларни баҳолайди, улардан завқланади ҳамда ўша давр ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ёрқин манзараларидан хабардор бўлади, шунингдек, ўзига керакли ахлоқий-тарбиявий хулосани чиқаради. Шу жиҳатларни ҳисобга олиб айтганда, Ҳазрат Алишер Навоий асарларида фаол қўлланган соқий образини атрофлича тадқиқ этиш навоийшунослик фани олдидаги долзарб муаммолардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. ТАТ, VII жилд. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – 696 б.
2. Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. ТАТ, VII жилд. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – 696 б.
3. Қ.Йўлдош, М.Йўлдош. Бадий асар таҳлили. – Т.: “Камалак”, 2016. – 464 б.

MODELS OF TRANSLATION PROCESS AND THEIR TEACHING TO STUDENTS

*Akhmedova A. - BSU Teacher
Urinova S.B. - BSU Student*

Таянч сўзлар: луғат, тилнинг инновацион методлари, мулоқот, тил бойлиги, маҳорат, таржима моделлари, инновацион педагогик технологиялар

Ключевые слова: словарный запас, инновационные методы языка, общение, мастерство, модели перевода, инновационные педагогические технологии

Keywords: vocabulary, innovative methods of language, communication, skill, models of translation, innovative pedagogical technologies

Annotation: In the article the author attempts to prove that it is possible to study innovative pedagogical technologies and translation process models in accordance with modern requirements.

Аннотация: В данной статье автор пытается доказать, что можно изучать инновационные педагогические технологии и модели процесса перевода в соответствии с современными требованиями.

Аннотация: Ушбу мақолада муаллиф ҳозирги кунда замонавий талабларга мос равишда ўқитишнинг инновацион педагогик технологиялари ва таржима жараён моделларини ўрганиш мумкинлигини исботлашга уринади.

At present, innovative pedagogical technologies are being developed in accordance with modern requirements. In recent years, many definitions of translation emerged as a process. All of them are of approximate nature, since it is impossible to know what is happening in the human mind at the present stage of scientific advancement when it is translated from one language into another.

Translation, which is the product of brain activity, will one day be discovered scientifically, and its laws will be discovered through the efforts of experts in various fields. Specialists in the field of higher physiology of nerve activity, biochemistry, psychophysiology, physics and other sciences are working to unravel this mystery. Models of translation process are built on the observations, logical conclusions of translators, etc., according to linguists. When it is possible to examine these theoretical laws on the basis of logical facts, some of the conclusions are false and false. It would be a mistake to conclude that one should refrain from modeling the translation process. They probably indicate a need for a closer look at creating such schemes and descriptions.

The most common translation processes today are: situational, semantic, transformative, semantic-semiotic, conformity, communicative-functional, informative, equivalence theory, and more. Let us examine some of them.

The situational (denotative) model is the unchanging basis of the original language and translation units, the consistency of these units with subjects, events, and information. In linguistics, they are called denotations or referents. Denotates are essentially the same for all humanity. Any text that reflects a certain subject matter, conclusion, or eventual event is formed by adapting it with different denotations. From this it is understood that translation is a process of replacing denotate material symbols, which is, that words in one language are interchangeable with other language symbols and the corresponding denotations. In other words, the interpreter accepts events and ideas in one material form and expresses them in another, while denotations do not change. At times, however, there may be no denotations in the community that serve the language of translation. At this time the translator uses different translation compensation methods to store the translation text and accurately describe the event. Interpretation of the denotative translation process is widespread despite the presence of opposites and its limited interpretability.

The semantic model of the translation process is constructed through the continuous existence of inter-language coherence and the structural analysis of language units. In the translation process, elements that give elemental content and their components are selected from the original text and selected units that are similar or similar to their content. In this way, the translator analyzes the components of the text and synthesizes the content in the translation language. The usual content of any speech unit is content, stylistic, style, etc is considered as a set of characteristics. Corresponding words are chosen accordingly. In this interpretation, the translation process takes place not only at the level of words and sentences, but also at the level of simple components of the content. The greater the degree of compatibility of such simple elements in the original and the language of the translation, the more logical the translation becomes. The semantic model is related to the presence of deep content categories in the language and structures that are specific to all languages. The translation process begins with a comparison of these deep contents. Of course, there are many critics of this model [2].

The transformational model was formed under the influence of the ideas of transformative grammar. In the construction of such a model, the translator is defined as the translation of the language of the translator into the language of the translation. The translator accepts the original text and produces a cross-language translation of the mind and presents it as a ready translation. Nuclear syntactic structures play an important role in production. The proponents of this model are that these structures are unique to different languages and are characterized by a common lexical structure and syntactic-logical relationship. The translational model of translation has also been criticized.

The communication model is viewed as a process of translation as a bilingual communication activity. It contains the sender and recipient, the code, and the communication channel (written and oral, corresponding to the genre of speech).

In conclusion, by teaching students the translation process models and informing them in the learning process, not only linguistic education is provided, but also the opportunities for teaching instruction through translation science are broader. This reflects the educational value of modern language teaching technologies.

References:

1. В.С.Виноградов. Введение в переводоведение (общие и лексические вопросы), Москва, 2010.
3. www.lingvist.ru

ИДЕАЛ ҚАҲРАМОН МУАЛЛИФ ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ ИФОДАСИ СИФАТИДА

Ахмедова А.К. ЎзДЖТУ

Калит сўзлар: идеал, роман, эстетик идеал, реализм

Ключевые слова: идеал, роман, эстетический идеал, реализм.

Key words: ideal, novel, aesthetic ideal, realism.

Аннотация. Мақолада муаллифнинг эстетик қарашлари ва ижоди ўртасидаги алоқадорлик таҳлил этилади. Хусусан, қаҳрамон ёзувчининг дунёқараси, олам ҳақидаги тасаввурлари ифодаси сифатида намоён бўлади. Бадиий адабиётда идеалнинг аҳамияти ҳақида сўз боради.

Аннотация. В статье анализируются взаимосвязи эстетических взглядов и творчества автора. В частности, герой представлен как отражение мировоззрения писателя, его видения вселенной. Особое внимание обращается на роль идеала в литературе.

Abstract. The article analyzes the relationship between the aesthetic views and the work of the author. In particular, the hero is presented as a reflection of the writer's worldview, his vision of the universe. Particular attention is paid to the role of the ideal in literature.

Бадиий адабиёт инсоншунослик илми дея этироф этилар экан, адабиётшуносликда қаҳрамон муҳим эстетик категория ҳисобланади. Қаҳрамон асар персонажлари тизимида етакчи мавқе тутиб, ғоявий-бадиий концепцияни шакллантириш ва ифодалашда муҳим роль уйновчи шахс образидир. Ушбу таъриф “қаҳрамон” терминининг биринчи маъноси бўлиб, иккинчи маъносида умуман асар персонажларини англатади. Илмий ишимизда қаҳрамоннинг биринчи маъноси назарда тутилади. Жамиятда шахс мақомининг ортиб бориши, шахс ижтимоийлигининг кучайиши билан адабиётда қаҳрамонга эътибор ошди. “Санъат ва адабиётнинг қаҳрамони – инсондир” дея таъкидлайди Белинский. Хусусан, реализм ижодий методида қаҳрамон марказий категория ҳисобланади. Реалист ижодкор жамиятни қаҳрамон воситасида кенг идрок этиш имкониятидан фойдаланади. Реалистик роман имкон қадар ҳаётий, жонли, ишонарли қаҳрамон яратишни назарда тутар экан, идеаллик қандай намоён бўлади деган асосли савол туғилади. Реализм воқеликни типиклаштириш асосида қайта яратар экан, идеаллаштириш гўё унинг тамойилларига

тескари маъно касб этади. Зеро, идеаллаштириш жараёнида нарсанинг реал хоссаларидан имкон қадар узоқлашилади. Романтизм ўн саккизинчи асрнинг охири 19 аср бошида Европа ва Америка адабиётида ижодий метод сифатида илмий-назарий асосланган бўлсада, унинг илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Хусусан Шарқ адабиётида йигирманчи аср бошларигача ҳам устивор бўлган. Бунга романтизмнинг ҳар қандай шароитда ҳам инсоннинг орзу-истакларини бадиий акс эттириш имкониятларининг кенглиги сабаб бўлган. Идеал образни, идеал ҳаётни кўрсатиш романтизм ижодий методининг моҳиятини белгилайди. Реализм ижодий методида ҳаёт, образлар типиклаштирилса, романтизмда идеаллаштириш тамойиллари устивор. Бироқ реалистик асарларнинг пайдо бўлиши билан инсоният орзу қилишни тўхтатди дегани эмас. Бадиий ижоднинг ўзи оламни идеал асосида қайта яратиш эҳтиёжидан вужудга келади.

Реализмда муаллифнинг дунёқараши ва эстетик идеали муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир ижодкор асарида ўз идеалларидан келиб чиқиб турлича ҳаётий манзарани яратиши мумкин. Реализмни ижодий метод сифатида ривожланишида ҳисса қўшган буюк адиблар О. Бальзак, Ч. Диккенс, Л.Толстой, Ф. Достоевский, Т. Драйзер ва яна кўплаб ижодкорларнинг танлаган ҳаёт манзаралари, ғоявий йўналиши, бадиий оламларининг “аҳолиси” хилма-хил ва турли рангларда намоён бўлади. Бироқ бутун дунё реалистларини бирлаштирувчи жиҳат, уларнинг мукамал жамият ва комил инсонни шакллантиришга бўлган интилишидир. Жамиятдаги ҳодисаларнинг моҳиятини сабаб-оқибат муносабатлари орқали англаш эҳтиёжи реалистик тафаккур тарзини вужудга келтиради. Аммо реалист ёзувчи сураткаш эмас. У ҳаётдаги ҳодисаларни мантиқ призмасидан ўтказиб тасвирлайдики, ушбу жиҳат реалистик асарнинг маърифий-эстетик аҳамиятини оширади.

Маълумки, адабиётшуносликда “идеал”, “эстетик идеал”, “қахрамон”, “характер” каби туташ тушунчалар мавжуд ҳамда уларнинг таърифи, таҳлили бўйича анчагина тадқиқотлар ишлаб чиқилган. Эстетик идеал мукамал ҳаёт ва баркамол инсон ҳақидаги тасаввурларни гавдалантирувчи ҳиссий образдир деб таъриф беради Ш. Мансуров. Идеал тушунчаси аввало, жаҳон файласуфлари томонидан турлича талқин қилинган, хусусан, Афлотун, Арасту, Конфуций, Форобий, Ибн Сино, Р. Декарт, Б. Спиноза, И. Кант, Гегель каби олимлар томонидан ушбу тушунчанинг назарий асослари ишлаб чиқилган. Форобийнинг таъкидлашича, “идеал, етук жамият—мунтазам тартибдаги жамият; у тирик организмга монандир,бу жамиятда ҳар бир инсон ўз қобилият ва билимларига яраша ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди ва ўз вазифаларини ижро этади”. Идеални И. Кант “ақлнинг зарурий, юксак наъмунага тўғри келадиган меъёри сифатида тавсифлайди. Ғарб эстетик қарашлари асосчиларидан бири Гегель эса, “идеал мақсаднинг яққол ҳис қилинган образи, мутлоқ ғоянинг ифодаси бўлган эмпирик воқеликдан иборат” деб ҳисоблайди. “Фалсафа. Комусий луғатда эса “идеал (французча *ideal*, лотинча *idealus* қиёфа, мезон, мукамаллик)-орзу интилишнинг олий мақсади” дея изоҳланади. Демак таърифлар асосан идеални орзу, мақсад каби тушунчалар билан маънодошлигига ишора қилади. Муайян ҳодисага идеал деб таъриф берилиши ҳодисанинг мукамалликка яқинлигидан далолат беради ҳамда намуна, ибрат сифатида баҳоланишини назарда тутаяди. Идеал соҳавийлик характериға эга бўлиб, у ҳар бир онг шакли учун асосий ўқ томир вазифасини ўтайди. Шу сабабли, ижтимоий, диний, ахлоқий ва эстетик идеал таснифланади. Турли соҳа идеалларини бирлаштирувчи омиллар, биринчидан идеал ҳозирги реалликдан кўра баландроқ, интилишга даъват этувчи хусусиятларни намоён этади. Зеро, ҳар бир одам кўриб турганидан ёруғроқ, мусаффорроқ, юксакроқ нарсага интилиши шарт, акс ҳолда унинг ҳаёти маъносиз кечади, унинг мавжудлиги фақат биологик жонзотлиги билан чегараланиб қолади. Иккинчидан, идеал қадриятлар билан уйғун ҳолда учрайдики, идеалнинг ўзгарувчанлик табиати шу ҳолат билан боғлиқдир.

Оламни эстетик идрок этиш натижаси ўлароқ баркамоллик, уйғунлик ҳақидаги ижодий тасаввурлар воқе бўлади. Эстетик идеал санъаткор ижодининг мазмун моҳиятини ташкил қилиш билан биргаликда, ижодкорга борлиқни мукамаллаштириш қуроли бўлиб хизмат қилади. Бошқа идеал шаклларида кўра айнан эстетик идеал индивидуалликка

кенгроқ имкон берадики, ушбу хусусият бетакроп санъат асарлари туғилишига сабаб бўлади. Хусусан, адабиётда, ижодкор образлар воситасида ўз эстетик идеалларини моддийлаштиради.

Романда идеал қаҳрамон яратар экан, реалист ёзувчи унда ўз эстетик қарашларини намоён этади. Эстетик идеал аслида барча инсонларнинг тасаввурларида мавжуд ҳодисадир. Хусусан ижодкор шахсларда идеал эстетик жиҳатдан юқорироқ ва анча такомиллашган кўринишда намоён бўлади. Идеал ҳар бир санъаткорнинг бадиий ва эстетик дидидан, у мансуб бўлган миллатнинг ижтимоий-фалсафий тафаккуридан келиб чиқиб шаклланади. Идеал тушунчаси қадриятлар билан боғлиқ экан, уни ҳар бир янги давр ўз нуқтаи назаридан қайта баҳолашга эҳтиёж сезади. Зеро, идеал ҳам инсоннинг ўзи каби мураккаб ҳамда кўп қирралидир.

Фойдаланган адабиётлар

1. Д. Қуроноф. Адабиётшунослик луғати, Т.: Академнашр. 2013. б 385.
2. Фалсафа асослари. (тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров). – Т.: “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2005. 481 Б.
3. Улуғов А. Адабиётшунослик назарияси. Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.2018. Б.264.
4. Ш. Мансуров. “ Халқ дostonларида эстетик идеал” . Т.: Ўзбекистон. 1976. Б.3
5. Жумабоев Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлокий фикрлар таракқиёти тарихидан. –Т.: Ўқитувчи—Зиё- Ношир, 1997.—81 б.
6. Фалсафа. Энциклопедик луғат.—Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010 –Б.122.
7. Фалсафа. Қомусий луғат.—Тошкент: Шарқ, 2004.—Б.142.
8. Шер Абдулла. Эстетика (нафосат фалсафаси).Т.: Ўзбекистон. 2015. Б.200.

СПЕЦИФИКА ПЕРЕВОДА ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ С РУССКОГО ЯЗЫКА НА УЗБЕКСКИЙ

Бердиева Г.С., Хикматова Ф.Н. учителя школы №31

Kalit so'zlar: tarjima, ibora, maqol, qadriyatlar, , ma'no, uslub

Ключевые слова: перевод, фразеологизм, пословица, ценности, значение, стиль

Keywords: translation, phraseology, proverb, values, meaning, style

Annotasiya: ushbu maqolada o`zbekcha frazeologik iboralarning rus tiliga tarjimasining ayrim xususiyatlari keltirilgan. Tarjima paytida tarjimonga frazeologik iboralarni tarjima qilish uchun ba'zi tavsiyalar beriladi

Аннотация: в данной статье рассматриваются некоторые особенности перевода узбекских фразеологических выражений на русский язык. Даны определенные рекомендации переводчику для более живой передачи художественных произведений учащимся при переводе

Annotation: this article discusses some features of the translation of Uzbek phraseological expressions into Russian. Certain recommendations are given to the translator for a more lively transfer of works of art to students during translation.

Давно замечено, что мудрость и дух народа проявляются в его пословицах, поговорках и фразеологических единицах. А знание их способствует не только лучшему знанию языка, но и лучшему пониманию образа мыслей и характера народа – носителя данного языка. Правильное и уместное использование устойчивых словосочетаний и выражений придает речи неповторимое своеобразие и особую выразительность.

Цель работы, заключается в том, чтобы найти связь между узбекскими и русскими фразеологизмами, чтобы указать на трудности, возникающие при переводе узбекских фразеологизмов на русский язык.

Процесс перевода фразеологизмов, считаясь одной из самых сложных и спорных задач в теории и практики перевода, этот процесс требует от переводчика большой ответственности, творческих исканий, внимательности и мастерства. Следует отметить, что в каждом языке существуют фразы и выражения, которые нельзя понимать буквально, даже если известно значение каждого слова и ясна грамматическая конструкция. Смысл такой фразы остается непонятным и странным. Попытки дословного перевода пословиц и поговорок могут привести к неожиданному, часто нелепому результату.

Устойчивые сочетания традиционно переводят либо посредством фразеологического перевода, либо посредством нефразеологического перевода.

Фразеологический перевод предполагает использование в тексте перевода идиом различной степени близости между единицей исходного языка и соответствующей единицей языка перевода – от полного эквивалента до приблизительно фразеологического соответствия.

Эквивалент представляет собой фразеологизм, в нашем случае на узбекском языке, по всем показателям равноценный переводимой идиоме. Как правило, эквивалент вне зависимости от контекста должен обладать теми же денотативными и коннотативными значениями, т. е. между соотносительными фразеологическими оборотами не должно быть различий в отношении смыслового содержания, стилистической отнесенности, метафоричности, эмоционально-экспрессивной окраски.

Фразеологические эквиваленты должны иметь приблизительно одинаковый компонентный состав, обладать рядом одинаковых лексико-грамматических показателей, например, сочетаемостью, принадлежностью к одной грамматической категории, употребительностью, связью с контекстными словами-спутниками, отсутствием национального колорита.

Неполные эквиваленты могут отличаться от исходного фразеологизма синонимическими компонентами, небольшими изменениями формы, изменением синтаксического построения, иной сочетаемостью, иной морфологической отнесенностью: задирать (задрать) нос в значении «заснаваться, важничать, чваниться» – бурнини (осмонга) кўтармоқ, буквально: поднять нос (на небо). Однако общий смысл сохраняется.

Часто образы двух фразеологизмов – исходного языка и языка перевода – могут не иметь между собой ничего общего как образы, однако общий смысл может остаться эквивалентным. Возможность передавать фразеологизмы аналогами с образностью, не имеющей точек соприкосновения в исходном языке и языке перевода, можно объяснить тем обстоятельством, что в большинстве случаев это стертые или полустертые метафоры, не воспринимающиеся совсем или воспринимающиеся подсознательно носителем языка. Так в обороте остаться с носом носитель русского языка не замечает никакого «носа». Этот фразеологизм в значении «остаться без того, на что рассчитывал» имеет в узбекском языке аналог икки кўлини бурнига тикиб қолмоқ, т. е. остаться с двумя засунутыми в нос руками.

Надоел как горькая редька – так говорят в русском языке, а в узбекском языке аналогичное выражение – Кўнгилга зигир ёғдек тегмоқ, что буквально означает «надоел как зигирное масло».

Как осиновый лист дрожит (трясется) – обычно в такое состояние человек приходит от сильного волнения, страха. Дрожать как осиновый лист – Зир титрамоқ. Отметим, что осина не растет в Узбекистане, Зир от слова зирилламоқ – побаиваться, буквально: дрожать, побаиваясь.

Как снег на голову – в узбекском языке используется эквивалент: Тарвузи култигидан тушди, что буквально переводится: у него арбуз упал из-под мышки, то есть человек огорошен, у него вдруг опустились руки.

Похожих как две половинки людей в узбекском языке сравнивают с двумя половинками одного яблока: Бир олманинг икки палласи(дай).

Божий одуванчик – слабый человек. В узбекском языке соответствует выражение: Пуф деса (Бухорога) учиб кетади – так говорят о слабом, бессильном человеке, буквально: дунешь – улетит (в Бухару).

Не успеет глазом моргнуть – Ана-мана дегунча, кампир шафтолини данагидан айириб егунча – Не успеет старушка персик прожевать, букв.: пока скажет тот, этот, пока старушка отделит персик от косточки и съест.

Нефразеологический перевод передает то или иное фразеологическое выражение при помощи лексических средств языка перевода. Здесь можно выделить лексический перевод, калькирование, а также описательный перевод.

Обычно лексическим приемом пользуются в тех случаях, когда нет фразеологического эквивалента или аналога, который можно применить. При таком переводе теряется образность, экспрессивность или коннотативные значения, поэтому к такому типу перевода обращаются очень редко.

Строго лексический перевод применим в тех случаях, когда то или иное понятие в одном языке обозначено фразеологизмом, а в другом – словом. Часто такому переводу поддаются фразеологизмы, имеющие в исходном языке синонимы-слова, иногда смысловое содержание может быть передано переменным словосочетанием. Подобные переводы, как правило, указывают точное семантическое значение фразеологизма, но в контексте любое соответствие должно приобрести фразеологический вид или хотя бы стилистическую окраску и экспрессивность, близкие к идиомам исходного языка.

Так, интересно сравнение по цвету в узбекском языке с айвой. После изнурительной болезни обычно говорят о перенесшем болезнь человеке: Бехидек сарғайиб, ипакдек ингичка тортиб қолибди – он стал желтым, как айва, и тонким, как шелковая нить.

В узбекском языке есть поговорка: Шаф-шаф дегунча, шафтоли деган яхширок, что буквально переводится – Чем повторять «шаф-шаф», скажи один раз «шафтоли» (персик). В объяснении этого выражения существует такая история. У одного бедняка заболел сын, мальчику очень захотелось поесть персиков, и он стал просить отца достать их. Кишлаком правил в те времена бай по имени Толи. Каждый раз, когда бедняк приходил к баю, он говорил «шаф», а другую половину слова не осмеливался произнести, боясь разгневить баю. Однажды старик начал было снова «шаф», но бай, не выдержав, набросился на него со словами: «Чем повторять «шаф-шаф», скажи один раз «шафтоли».

Описательный перевод сводится к переводу не самого фразеологизма, а его толкования. Это могут быть различного рода объяснения, сравнения, описания, толкования – все те средства, которые передают в максимально ясной и доступной форме содержание фразеологизма стремлением к фразеологизации.

Отанг ким – носковок, онанг ким – ошқовок. Буквальный перевод: Кто твой отец – тыквенная горлянка, кто твоя мать – мускатная тыква (то есть человек обычный, заурядный, неотесанный).

Калькирование предпочитают в тех случаях, когда невозможно передать фразеологизм в целостности ее семантико-стилистического и экспрессивно-эмоционального значения, а нужно и желательно передать образную основу фразеологизма. К калькированию прибегают и в тех случаях, когда семантический эквивалент отличается от исходного оборота по колориту или при оживлении образа. В некоторых случаях используется полукалькирование: Шагать в ногу со временем – замон билан бирга қадам ташламоқ, т. е. бросать шаг вместе со временем. Вариться в собственном соку – ўз қозонида қовурилмоқ, буквально: жариться в собственном казане.

При переводе фразеологизмов следует принимать во внимание наличие или отсутствие национальной окраски. В большинстве своем фразеологизмы, кроме некоторых заимствованных, имеют национальный колорит, который может быть обусловлен, во-первых, специфической окраской отдельного компонента (реалия, имя собственное) и, во-вторых, характером самой единицы, связанной с национальными особенностями народа.

Итак, фразеологизмы составляют особую категорию языка, их перевод также отличается своеобразием и требует творческого подхода. В русском и узбекском языках имеются одинаковые фразеологизмы, совпадающие не только семантически и образно, но и в лексико-грамматической характеристике. Основу формирования образности в этой группе оборотов составляют наиболее типичные явления окружающей действительности, которые представляют общее мировоззрение, общую языковую образность, совпадающую во многих языках. Особый интерес представляют собой фразеологизмы, сугубо национальные и культурно насыщенные, что делает их непереводаемыми, поэтому к ним подбираются эквиваленты или аналоги, которые позволяют передать семантическое значение фразеологизма.

Литература

1. Абдурахимов М. Краткий узбекско-русский фразеологический словарь. – Т.: Ўқитувчи, 1980.
2. Фёдоров А.В. Основы общей теории перевода. – М.: Высшая школа, 1998.
3. Молоткова А.И. Фразеологический словарь русского языка – М.: Русский язык, 2011.

ФРАНЦУЗ ГАСТРОНОМИК МАДАНИЯТИ ВА РЕЦЕПТ МАТНИ МУАММОЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

*Бобокалонов Р. БухДУ доценти, ф.ф.н;
Набиева З. БухДУ тадқиқотчиси;
Фармонова П. иқтидорли талаба.*

Калит сўзлар: рецепт, матн, текстология, нутк, гастронимик нутк, тилшунослик, глуттоник луғат, дунёнинг лингвистик манзараси, воқелик, таржима усуллари, мослашиш усуллари.

Ключевые слова: рецепт, текст, текстология, речь, гастронимическая речь, лингвистика, глуттонический глоссарий, лингвистический взгляд на мир, реальность, советы по переводу, тексты.

Key words and expressions: recipe, text, tectology, speech, gastronomic speech, linguistics, gluttonic glossary, linguistic view of the world, reality, translation tips, texts.

Аннотация: ушбу мақолада глуттоник луғатни таржима қилишда дуч келинадиган қийинчиликлар ва кулинар лексемаларни таржима қилишнинг самарали усуллари ҳақида сўз боради. Дунё таомларининг шоҳи деб эътироф этилган француз миллий гастронимик маданиятига ҳам эътибор қаратилган.

Резюме: В этой статье рассматриваются проблемы глуттонической словаря как лексической единицы языка и методы изучения по сравнительному аспекту воспитательным значением и по различным синтаксическим предложениям в гастронимической культуры и в лингвистики.

Summary: Present article analyses a role of the gluttonic dictionary for the linguistics and of teaching to french language, there are given main directions of the every problems of the making up sentences Uzbek and French language's on the culinary's in comparison aspect from the educations.

Озиқ-овқат миллий ҳаётнинг ажралмас қисмидир. Айнан шунинг учун дунёнинг барча тилларида "гастрономия" мавзуси билан боғлиқ лексик бирликлар кенг тарқалган ва уларнинг айримларини жуда қадимги лексик бирликлар деб ҳисоблаш мумкин. Ушбу лексик бирликлар луғат ва грамматик қурилиш босқичида тилга таъсир қилиб туради. Булар ҳар бир миллатнинг, халқнинг ўзига хос маданиятини, унинг миллий хусусиятини ва қадриятларни ўзида акс эттиради. Шу сабабли биз француз ва ўзбек маданиятини тўғри

талқин қилиш учун миллий ошхонанинг лексик қатлами ва унинг пазандалик терминологиясига мурожаат қилишни мақсад қилдик.

2010 йил 17 ноябрда француз ошхонаси ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида тан олинган. Француз ошхонасининг тарихи қадимги Гаулснинг дастлабки таомларидан тортиб ҳозирги замонгача ажойиб таомномалардан иборат. Барчага маълумки, Франция бутун дунё ошпазлик соҳасида "трендеатор" мақомига эга. Ҳар бир тил, маълум даражада ёки бошқа даражада, француз ошхонасининг лексиконидан фойдаланади. Айнан шу йўналишда гастрономик луғат барча ошпаз ва таржимонларнинг машаққатли меҳнатига ёрдам беришини унутмаслик зарур. Аммо бизнинг ўзбек таомлари ҳам улардан асло ыолишмайди. Гастрономик (пазандалик) луғатини ўз ичига олган гастрономик нутқ дунёнинг маданий, лингвистик, диний-этник ва мафкуравий расмларнинг ҳам муҳим жиҳатларини акс эттиради ва лингвомаданиятшунослик учун ҳам жуда аҳамиятли ҳисобланади. Таржимон дуч келадиган муаммолар орасида: идиш номларининг таржимаси; ингредиентларнинг номлари; ингредиентнинг миқдори ва қисми кабилар ошпазлик луғатида учрайди. Аммо бундай "Французча-ўзбекча луғат" бизда тайёрланмаган. Дунё ошхонасидаги тафовутларни инобатга олсак, расмли луғатларда идиш-товоқ ва ингредиентларнинг номлари бошқа маданиятда йўқлиги сезилади [3, 168]. Айнан шу нарса ушбу лексик бирликларни таржима қилишда маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради. Фарб мамлакатларида, жумладан, Россияда ҳам ошхона терминологиясининг французча-русча луғати тайёрланган ва тилининг гастрономик лексик бирликлари шарҳланган.

Тадқиқот натижасида рус тилида французча глуттоник сўз бирикмалари мослашувининг қуйидаги хусусиятлари аниқлаштирилган: 1) фонетик-график мослашув (манба тилини сақлаб қолиш, товушларни яқин рус товушлари билан алмаштириш, кўшалок ундошларни соддалаштириш); 2) грамматик даражага мослашиш; 3) миллий қадриятларни шакллантириш (рус тилига ўтишда лексик қийматнинг ўзгариши). Масалани ўрганаётганда француз гастрономик луғатини рус тилига таржима қилишда қуйидаги таржима усуллари қўлланилган:

1. Транскрипция усули: калмар - каламар; карамел-карамел; маргарин-маргарин; желатин - желатин. 2. Транслитерация усули: Champignon - шампигнон; couplage - купа (вилкалар); chocolat - шоколад. 3. Изоҳ бериш усули: abaissé -абэс (пирогнинг пастки қобиғи).

Бизда ҳам шу усуллар ёрдамида гастрономик луғат шакллантириш ва матнларни ўрганиб чиқиш мумкин. Менюлар ва рецептларни ўзбек тилига таржима қилишда транскрипция ва транслитерацияни қўллаш юқори натижа беради деган умиддамиз.

Айни вақтда бадий матнни таржима қилишда кўпроқ халқаро электрон усулдан фойдаланилади. Камроқ даражада таржимонлардан ва луғатлардан фойдаланиб транскриптация ёки транслитерацияга ҳам камроқ мурожаат қилишади. Бироқ бу усул кўнгилдаги натижани бермайди.

Гастрономик мунозаралар муаммоси ҳар доим ҳам долзарб бўлиб келган ва энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолади. Бу айни вақтда маҳаллий ва хорижий тилшунослар эътиборини жалб қилмоқда. Чунки мамлакатимизда туризм ривожланган сари бунга алоҳида эътибор берилмоқда. Гастрономик бирликлар ва гастрономик матнларни таржима қилишда, таржимонлар етарли миқдордаги таржима усулига эга эмас, шунинг учун ҳам муайян муаммоларга дуч келишади.

Глуттоник дискурс, оммавий ахборот дискурсиясининг алоҳида тури сифатида экстраливиационистик (ғайритабиий) хусусиятларнинг кенг доирасини ўз ичига олади. У маданий, тил, этник ва мафкуравий дунёқарашни акс эттиради ва миллий маданиятнинг ўзига хос хусусиятларини ўзида мужассам этган ва ижтимоий хусусиятларга эга бўлган тизимдир. Бу махсус атамалар, барқарор нутқ тезлигини ўз ичига олган махсус алоқа тури ҳисобланади [8, 396]. Оммавий ахборот дискурсияси доирасидаги глуттоник нутқ оғзаки ва ёзма равишда тақдим этилади.

Францияда турли вақтларда турли хил ошпазлик рецепти – матнлари устунлик қилиб келган. Дастлаб, улар оғиздан оғизга, ошпаздан талабага, онадан қизга ўтган, шунинг учун асос рецепт мавжудлигининг оғзаки шаклидан ёзма шаклга кўчган. XIV асрнинг охиридан бошлаб ёзма "рецептлар тўпламлари" пайдо бўла бошлаган. Ҳозирги вақтда оғзаки ва ёзма фиксация (меньюга яқин расмий тақдимот)лар турли шаклларда амалга оширилади. Оғзаки шакл: магистрдан шогирдгача, кўпроқ тажрибали уй бекаларидан кам тажрибага эга бўлганларга, радио ва телевидение орқали амалга оширилса, ёзма шакл асосан ҳар хил турдаги ошпазлар, газеталар, журналлар, веб-сайтларда амалга оширилади.

Пазандалик рецепти бу кичик форматдаги матн. Кичик ҳажм - бу матн турининг ўзига хос хусусияти, шу билан бирга у жуда кўп миқдорда узатиладиган маълумотни ўз ичига олади. Структуравий жиҳатдан, кичик форматдаги матн қурилишнинг соддалиги ва стереотипи билан тавсифланади: а) кириш блоки (номи ва таркибий қисмлари); б) асосий бирлик (ҳаракатлар алгоритми); с) якуний блок.

Пазандалик рецепти, бу – ёзма ва монологик тарзда тайёрланган, "узок муддатли" фойдаланиш учун мўлжалланган "кумулятив" тусдаги маълумотни сақлайдиган муаллиф нутқи, шу билан бирга муаллиф керакли билим ва кўникмаларни эгаллаши мумкин бўлган маълум бир билим соҳасидаги адресатдан устун турадиган восита.

Пазандалик рецепти ўзига хос эҳтиёж нутқи сифатида Н.П.Головницкая ва П.П.Буркова асарларида кўриб чиқилган. Н.П.Головницкая диққат марказида ошпазлик рецепти матнини муайян прагматик муносабатга эга бўлган иш сифатида қараб, ушбу турга мувофиқ ёзма ҳужжат шаклини таклиф этган. П.П.Буркова ошпазлик рецептини "ёзма монологик тўплам хусусиятли матн" деб ҳисоблайди. Маиший фаолият соҳаси учун ошпазлик рецепти жанри А.М.Кантурова томонидан еттита усул бўйиша таҳлил қилинган: 1. Ошпазлик рецепти - бу информатив ва императив жанрлар бирлашмасидаги кўп мақсадли жанр. 2. Ошпазлик рецепти муаллифи, маълумот олувчига нисбатан кўпроқ маълумотга эга. 3. Пазандалик рецепти таом буюрувчига тақдим этилган маълумотлар ижросидир. 4. Ошпазлик рецепти одатда бошланғич этапдир, чунки у таом буюрувчини янги маълумотлар билан таништиради. 5. Ошпазлик рецепти одатда коммуникатив келажакни англатмайди (бу фақат овқат пиширишга буюрма танлаш воситаси). 6. Ошпазлик рецептининг ҳодисавий мазмуни келажакка оид истиқболни белгиловчи харитадир. 7. Ошпазлик рецепти умумлаштирилган шахсий жумлалар, пишириш жараёни билан боғлиқ тематик ва лексик-семантик гуруҳларнинг луғатидан алоҳида ажралиб туради.

Ижтимоий-маданий контекстни ҳисобга олган ҳолда, ушбу турдаги мунозарани "алоқа + ошхона рецепти матни + контекст" деб белгилаш мумкин. А.Ю.Земскова асарларида ошпазлик рецептининг дискурсив белгилари гастронимик мунозаранинг алоҳида тури сифатида илгари сурилган.

Таркибига кўра қуйидагилар ажралиб туради:

1. Гастронимик мунозарада иштирок этувчилар: "муаллиф" - катта тажрибага, кўникма, қобилият, пишириш соҳасидаги билимларга эга одам ва "мижоз"бирор нарса пиширишни буюрадиган шахс. Муаллифлар профессионал ошпазлар, уларнинг ошпазлик имтиёзлари ҳақида гапирадиган таниқли шахслар, тажриба алмашадиганлар ва ёш уй бекалари бўлиши мумкин.

2. Аниқ белгиланган нутқнинг хронотопи – вақт, одамнинг кундалик овқатланиш вақтига тўғри келади: нонушта, тушлик, пешиндан кейин овқатланиш, кечки овқат. Гастронимик нутқни амалга ошириш одатий жойи ошхона (тамадихона) ва ресторан.

3. Гастронимик мунозаранинг мақсади сифатида А.Ю.Земскова қуйидагиларни таъкидлайди: а) информатив хусусият: муаллиф томонидан мазмунли маълумотни узатиш, маълумот олувчи томонидан қабул қилиш; б) ўқитиш (тажриба алмашиш), бошқа халқларнинг пазандалик маданияти ва урф-одатлари билан танишиш; в) рағбатлантириш: қабул қилувчининг ҳаракат қилишга ундаш; г) тажриба асосида рецептни баҳолаш.

Баҳолаш одатда шахсий фикрларни ифода этиш билан боғлиқ ва сезги-дид ёки эстетик хусусият билан бўлиши мумкин.

4. Дискда миллий кадриятлар жамланган тури, биринчидан, пишириш жараёни билан боғлиқ: прагматик (хар куни, хар куни), маросим (енгил нонушта, байрамона нонушта, алоҳида кечки овқат, байрамона кечки овқат), эстетик; иккинчидан, озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш жараёни жараёнлари. Овқатланиш одатлари, хизмат қилиш усуллари, стол атрофида ўзини тутиш қоидалари; учинчидан, истеъмолчиларнинг ахлоқий ва эстетик меъёрлари.

5. Стратегиялар. Гастрономик мунозарали стратегиялар - тушунтириш ва ҳисса қўшиш. Тушунтириш бу керакли натижага эришиш учун бажарилиши керак бўлган алгоритм, муайян ҳаракатлар кетма-кетлиги, бу аввалги авлодлар, бошқа халқлар томонидан тўпланган анъаналар, тажрибалар.

6. Ишчи матнлар. Гастрономик мунозаранинг олдинги матнлари газета, журнал, веб-сайт ва бошқаларда тақдим этилган турли халқларнинг ошпазлик рецептлари матнларини ўз ичига олади.

7. Дискурсив формулалар. Дискурсив формулалар деганда тегишли ижтимоий институтга хос бўлган аҳмоқона нутқ нормалари тушунилади.

"Рецепт" тушунчасининг матнологик хусусиятлари А.В.Оляниш, П.П.Буркова, А.М.Кантурова асарларида учрайди. Уларда глуттоник матнларнинг асосий дискурсив хусусиятлари, уларнинг ошпазлик рецептларида, таркибий, синтактик ва лексикада матнларнинг хусусиятлари, ошпазлик нашрлари доирасидаги ўзига хослик тушунтирилади. Булар ичида А.В.Оляниш илгари сурган глуттоник нутқнинг лексикосемиотик функциялар ва глуттоник луғатнинг энг муҳим коммуникатив функциялари: иконик, директив, малака-баҳоловчи ва тақдимот функцияларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар рўйхати

1. Гастрономический тезаурус французского языка.
<http://repetitora.com/gastronomicheskij-tezaurus-francuzskogoyazyka>

2. Савончик С.С. Французско-русский словарь кулинарно-гастрономической и кухонной терминологии / С.С.Савочник. – Орел, 2005. – 563 с.

3. Ундрицова М.В. Глуттонический дискурс: лингвокультурологические, когнитивно-прагматические и переводческие аспекты: Дисс. ... канд. фил. наук. – М., 2015. – 290 с.

4. Ундрицова М.В. Глуттонический дискурс: лингвокультурологические, когнитивно-прагматические и переводческие аспекты: Автореф. дисс.: к. ф. н. – М., 2015. – 22 с.

5. Cuisine à la française—<http://www.cuisinealafrancaise.com/fr>

6. Dictionnaire cuisine —<http://www.dictionnaire-cuisie.com>

TARJIMA SIFATINI BAHOLASH VA UNING UNIVERSALLARI

Boltayeva Z. G'ijduvon tuman 47-maktab

Kalit so'zlar: tarjimashunislik, transformasiya, empirik tahlil, baholovchi vosita, nazariy asoslar.

Ключевые слова: перевод, трансформация, эмпирический анализ, инструмент оценки, теоретические основы.

Keywords: translation, transformation, empirical analysis, evaluation tool, theoretical bases.

Annotatsiya: Tarjima sifatini baholash odatda qiyin va qiyin vazifa sifatida ko'riladi, chunki kontseptual ravshanlikning yo'qligi va mavjud vositalarning etishmasligi. Tarjima protsedurasi natijasini baholash haddan tashqari bog'liqdir. O'zgarmaydigan qiymat to'g'risidagi qarorlarni to'xtatish uchun ilmiy mezonlar sifatida ilmiy ob'ektivlik va ishonchlilikni ta'kidlash zarur.

Аннотация: Оценка качества перевода часто рассматривается как трудная и трудная задача из-за отсутствия концептуальной ясности и отсутствия доступных инструментов. Оценка

результатов процедуры перевода сильно зависит. Необходимо подчеркнуть научную объективность и надежность в качестве научных критериев, чтобы остановить принятие решений о неизменной ценности.

Annotation: Evaluation of translation quality is often seen as a difficult and difficult task because of the lack of conceptual clarity and the lack of available tools. Evaluation of the outcome of the translation procedure is highly dependent. It is necessary to emphasize scientific objectivity and reliability as scientific criteria to stop decisions on unchanging value.

Tarjima sifatini baholash odatda qiyin vazifa sifatida ko'riladi, chunki kontseptual ravshanlikning yo'qligi va mavjud vositalarning etishmasligi buning asosiy sababi hisoblanadi. Tarjima protsedurasi va natijasini baholash bir biriga haddan tashqari bog'liqdir. O'zgarib bo'lmaydigan qiymat to'g'risidagi qarorlarni to'xtatish uchun ilmiy mezonlar sifatida ilmiy ob'ektivlik va ishonchlilikni ta'kidlash zarur. Til ayniqsa tegishli tarjima qilingan materiallarda tez-tez grammatik qo'llanma ko'rsatiladi. Maqsadli tilda matnni tushunish yoki hatto qisman ma'nosiz qoldirish uchun (TL), bu matnning noto'g'ri talabi va past sifatni idrok etishiga olib keladi. U qog'oz tarjima tushunchalari uchun ishonchli nazariy asosdir. Universal (TU) va tarjimon, ya'ni bo'lishi mumkin bo'lgan tarjima qilingan tilning xususiyatlari manba tilining mavjudligi bilan bog'liq (SL). Empirik tahlil uchta aniq tarjimoni turlarini taqdim etadi va tavsiflaydi. Turli xil afzalliklarni olish mumkin umuman tarjima tadqiqotlarida, xususan tarjima sifatini baholashda korpora turlari batafsil ko'rib chiqiladi va sharhlanadi,

"Tarjima matni" asl va tarjima qilingan matn / til o'rtasidagi tafovutlarni buzib ko'rsatishga emas, aksincha tilning maxsus vakili bilan aloqaga taalluqlidir. Tarjima bilan bog'liq holda "tarjimon" atamasi muntazam ravishda ishlatiladi. Leksik elementlar, garchi asarlar mavjud bo'lsa ham, uni grammatik tarjimoni ko'rsatish uchun juda yaxshi ishlatadi va uning qo'llanilishiga to'sqinlik qiladigan hech qanday sabab yo'q.

"Sintaktik" yoki "ritorik tarjimada" borasida so'nggi paytlarda olib borilgan tadqiqotlar, shuningdek, tarjima universallari masalasiriga doir materiallar orqali tarjima sifatini tekshirish mumkin. Bu til va gipoteza tendentsiyalari, ular ishtirok etgan tillardan qat'iy nazar, barcha tarjima qilingan tilning takrorlanadigan xususiyatini tahlil qilish mumkin. Ushbu tendentsiyalar va xususiyatlar orasida: soddalashtirish; ekspluatatsiya; aralashish; noyob XL ob'ektlarining taqdim etilishidir. Garchi tarjima olamida (TU) ko'pchilik tadqiqotlarning maqsadi asosan diqqatni jalb qilish orqali tarjimalarni nodavlat tarjimalaridan ajratish usullari leksik jihatlar, ushbu tarjima olamining ba'zilar mosdir

Ingliz tilidan o'zbek tiliga tarjima qilishda grammatik qoidabuzarliklarni aniqlash uchun vosita bo'lib xizmat qiladi. Tey quyidagilar: "soddalashtirish gipotezasi"ga asoslangan qarama-qarshi tahlil va tarjima olamlari aralashuv va noyob narsalar haqidagi faraz "Soddalashtirish gipotezasi" qisman normalizatsiya bilan bir-biriga zid keladi. Standartlashtirish va tarjimalarning o'sishi tendentsiyasini anglatadigan maqsadli tilning tipik xususiyatlaridan foydalanish deb ham tushunish mumkin.

"Interferensiya qonuni" "universal bo'lmagan" sifatida tushunilgan yoki transfer sifatida tahlillar olib boradi. Tarjima qilingan matnlar pastroq chastotalarni ko'rsatadi.

Ushbu maqsadli tilning o'ziga xos xususiyati bo'lgan lingvistik elementlar, ya'ni 'Xuddi shunday qabul qilingan' ekvivalenti hisoblanadi. Umuman olganda, leksik satrlarga nisbatan qo'llanilgan bu gipotezani «noyob grammatik xususiyatlar farazi» sifatida qayta ko'rib chiqishning biron bir sababi bor, chunki ular tarjima potentsiali jihatidan alohida ahamiyatga ega.

Ikki tilli / ko'p tilli taqqoslanadigan yoki muqobil usullardan foydalanish ijobiy va salbiy tomonlari parallel korporada keng muhokama qilindi. Dizayn va yo'nalishlari, shuningdek ushbu sohalarda qo'llash muammolari ko'rib chiqilganligi ham aniqlangan. Korporaning iloji boricha aniq bo'lmagan inventarizatsiyasi bilan muomala qilishdan saqlanish lozim. Holbuki, bajarilgan ishlarning ko'pi qurilishga qaratilgan har bir alohida holat uchun eng mos keladigan korpus, aniq korpusga asoslangan ishlarni bajarish va natijalarni ishlashni ajratib turadigan juda aniq bo'shliqni qanday qilib yo'q qilish kerakligini inobatga olish zarur.

Yana bir kamchilik - bu qachon qidiruv natijalarini oldindan aytib bo'lmasligidir. Korpus foydalanuvchisi - amaliy mutaxassis (ya'ni professional tarjimon, sharhlovchi, va boshqalar)dir. Ba'zi tadqiqotchilar ushbu jarayonni munosib deb nomlashdi amaliy ma'lumotlarni to'g'ridan-to'g'ri "serendipity" korpusida qidirish; ba'zilar hatto ehtimolini qanday oshirish kerakligini ko'rsatish uchun tegishli ma'lumotlarni qidiradilar. Qabul qilingan takliflarning aksariyati baholashga murojaat qiladi. Tarjimon ta'limi va istiqbolning kengroq o'quv dasturlariga bo'lgan ehtiyoj til xizmatlarini etkazib beruvchilar. Bovker bugungi kunga qadar eng aniq va aniq takliflardan birini ilgari surdi. Uning baholash korpusi maxsus tarjima uchun maxsus ishlab chiqilgan va aniq ko'rinishda tashkil etilgan va bu uni chinakam hamkorlik vositasiga aylantiradi. Bu shubhasiz, o'quv muhitidan tashqarida foydali bo'lar edi, lekin korpusga asoslangan kommunal xizmatlar, deyarli yechib bo'lmaydigan muammo - vaqt va bu Korpus asosidagi qarama-qarshi tahlil va tarjima universallaridir. Baholash korpusi boshqa ta'lim kontekstlarida yaxshi ko'rinmaydi. Biz shu yerda bir xil manbadan foydalanish asl va tarjima qilingan til o'rtasida bir necha daraja mavjudligini isbotlandi:

- a. tarjima qilingan til ma'lum bir rasmiy manbadan ortiqcha foydalanishi mumkin;
- b. tarjima qilingan til ma'lum bir rasmiy manbadan to'liq foydalanmasligi mumkin;
- v. tarjima qilingan tilda ma'lum bir rasmiy manba bo'lmasligi mumkin;
- d. tarjima qilingan tilda a-ning paydo bo'lish chastotasi o'xshash bo'lishi mumkin bo'lgan maxsus rasmiy manba.

Ushbu ma'lum darajada miqdorlanishi mumkinligini boshqa vositalar bilan birgalikda ular tarjimini baholashni tizimlashtirish va ob'ektivlashtirishga hissa qo'shishi mumkin.

Ushbu natijalardan TSA vositasi sifatida foydalanish uchun ular kontseptualizatsiya qilinishi kerak. Ular bo'lgani kabi, ular ixtisoslashtirilmagan tarjima qilingan matnlarni baholashda ustunlik berish uchun ishlatilishi mumkin bo'lgan miqdoriy va sifat jihatlarini ham birlashtiradi. Bizning taklifimiz hozirgi paytda ularni modaga moslashtirishdir.

Touri tomonidan rivojlantirilgan past darajadagi til juftliklari uchun maxsus shartli iboralarga tarjima umumiy qonunlarini shakllantirishdir.

a. Kuchli miqdordagi tarjimini tarjima qilish uchun ispan tilida tanlangan rasmiy variantlar sonini kamaytiring, soddalashtirish darajasi qanchalik yuqori bo'lsa va tarjimini shunchalik aniqroq bo'lsa va aksincha;

b. Iboralar sonini kamaytiring / o'zgartirishdan oldin qancha ko'p bo'lsa tarjima qilingan ispan tilidagi sifatlar, aralashish darajasi va darajasi qanchalik yuqori bo'lsa tarjimini kamroq idiomatik va aksincha;

v. "Mutlaq o'tmish" degan ma'noni anglatuvchi nomukammal zanjirlar sonini kamaytirishi. Tarjima qilingan matnda ispan tilining o'ziga xos grammatik manbalarining kam vakillik darajasi qanchalik yuqori bo'lsa va tarjimaning qabul qilinishi shunchalik past bo'ladi va aksincha;

d. Foydalanishda mahalliy va tarjimali foydalanish o'rtasidagi tafovutni kamaytiring o'ziga xos grammatik tuzilmalar, aniq ma'nolar bilan bog'liq yuqori sifatli tarjima narxlari.

Amalga oshirilayotgan ish empirik asoslangan dasturni ishlab chiqishga qaratilgan tarjima sharhlovchilari va boshqa til xizmatlarini etkazib beruvchilar ideal holda boshqa baholash vositalari bilan birgalikda qo'llanilishi maqsadga muvofiqdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Алексеева И.С. Введение в переводоведение.- М. : "Академия", 2004.-3 52с.
2. Амосова Н. Основы английской фразеологии,- Л.Либроком", 1963.-216с.
3. Ахманова О.С. Словарь Лингвистических терминов.М.: "Высшая школа", 1966.- 260 с.
4. Бархударов Л.С. Язык и перевод.-М. : "Высшая школа", 1978.-160с.
5. Блох М. Теоретическая грамматика английского языка. - М.: "Высшая школа", 1994.-160с.
6. Блох М., Семёнова Т., Тимофеева С. Практикум по теоретической грамматике английского языка.-М.: "Высшая школа", 2010.-471с.

7. BlockhM. A Course in Theoretical English Ogatlag.-M.: “Высшая школа”, 1983 .- 240p.
8. BryantM. A functional English grammar.-Boston:”Boston press”,-1995.-326p.
9. Буранов Д. Сравнительная типология английского и тюркских языков. -М.: “Высшая школа”, 1989.-260с.
10. Буранов Ж. Инглиз ва узбек тиллари киёсий грамматикаси. -Т.:”Укитувчи”, 1973 .-268б.

ҲИКОЯ ТИПОЛОГИЯСИ

*Жабборова М.Х. БухДУ
Муродов Ф. БухДУ профессори*

Атоқли ўзбек адиби Абдулла Қаҳҳорнинг эпик ижоди ўзининг тарихий-генетик асосларига кўра жаҳон адабиёти билан чамбарчас боғланган, бадииятнинг юксак талаб-мезонларига тўла-тўқис жабоб бера оладиган чинакам бадиийлик намуналари бўлиб ҳисобланади. Хусусан, унинг ўзбек замонавий насрида воқеа бўлган ва миллий ҳаёт манзараларини реалистик талаб ва мезонлар асосида акс эттирган ҳикоялари ўзининг юксак бадиийлиги, ҳаққонийлиги ҳамда табиийлиги билан ажралиб туради.

Ўз ижодига ҳамisha ниҳоят даражада талабчан бўлган бу ижодкор, айтиб ўтганимиздек, жаҳон сўз санъатининг энг яхши намуналарини чуқур ўқиб-ўрганган, улардан бадиий маҳорат сирлари, наср техникаси, сюжет, композиция, характер яратиш усулларини синчиклаб ўрганган.

Адиб асарларини, айниқса, ҳикояларини илмий равишда тадқиқ этиш уларда Шарқ адабий-бадиий анъаналари билан бир қаторда Ғарб адабиёти намуналаридаги тажриба ва изланишлар давом эттирилганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бу ерда биз фақат адабий таъсир ҳақидагина фикр юритаётганимиз йўқ. Тўғри, Абдулла Қаҳҳор Европа ва Шимолий Америка адабиёти намояндалари асарларини ўқиб-ўрганган, улардан маълум бир даражада таъсирланган ҳам. Лекин турли миллатларга мансуб қалам соҳиблари ижодларини нафақат адабий таъсир, шу билан бир қаторда типологик қонуниятлар ҳам боғлаб-туташтириб туради.

Биз бу ишимизда Ги де Мопассан ва Абдулла Қаҳҳор қаламига тегишли “Мадмуазель Фифи” ва “Даҳшат” ҳикоялари типологияси ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Авалламбор, шуни айтиш керакки, мазкур ҳикоялар ёзилиш ва тасвир этилиш даври, ижтимоий-сиёсий жамият, қаҳрамон(лар) бадиий структураси, ёзувчи шахсияти ва услуби, миллий психология сингарилар нуқтаи назаридан жиддий фарқланиб туради. Ўн тўққизинчи аср француз танқидий реализми анъаналарига мувофиқ ижод қилган Ги де Мопассан ўз асарларида француз миллий ҳаётини ва ўша замонда яшаган инсонлар турмуши, руҳиятини тасвирлар экан, биринчи навбатда ўз замонасининг долзарб муаммоларини танқидий руҳ билан тасвирлар эди. Мана шундай танқидий руҳ унинг “Мадмуазель Фифи” ҳикоясида яққол намоён бўлган.

Атоқли адиб, Мопассан, Чехов, Жек Лондонлар қатори жаҳон ҳикоячилиги дарғаларидан бири саналган Абдулла Қаҳҳор ижодида ҳам маънавий-ахлоқий тубанлик, ижтимоий иллатларга танқидий муносабат устувор ўринга эга. Бироқ бу адибнинг “Даҳшат” кичик эпик асари “Мадмуазель Фифи”дан фарқли равишда тарихий ҳаёт муаммоларини акс эттиради. Бу ўринда шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, Абдулла Қаҳҳорнинг энг яхши ҳикоялари яқин ўтмиш (Туркистонда чор Россияси ҳукмронлиги даври), яъни мозийга хос ҳаёт манзаралари ўз бадиий ифодасини топган.

Зикр қилинган икки ҳикояни типологик тадқиқ этиш шундан далолат берадики, бу эпик асарлар орасида юқорида биз кўрсатиб ўтган фарқ – тафовутлар мавжудлигига қарамай, улар орасида муайян яқинлик-муштаракликлар мавжудлигини кўриш мумкин.

Бундай адабий-бадиий алоқа-робиталар бизнинг назаримизда, куйидагиларда кўринади:

1) икки асарни, аввало, эпик турнинг энг мўъжаз шакли бўлган ҳикоя жанрига хос белги-аломатлар ўзаро яқинлаштириб-туташтириб турибди. Ана шундай хусусиятлардан бири, адабиёт назариясига оид тадқиқот ва дарсликларда қайд этилганидек, қаҳрамон ҳаётдан

алохида, баъзан фавкулудда воқеани ажратиб олиш ва тасвирлашдир. Бундай хусусият “Мадмуазель Фифи”да ҳам, “Даҳшат”да ҳам мавжуд. Француз ёзувчисининг ҳикоясида Рашел исмли аёлнинг ўзини таҳқирлагани боис босқинчи прусс зобити – Вильгельм фон Эйрик (“мадмуазел Фифи”)ни десерт пичоқчаси билан ўлдиради. “Даҳшат”да эса маъсума ёш аёл – Унсин кексайиб қолган мустабид додхоҳнинг саккизинчи хотини бўлиб қолишни истамай эридан талоқ сўрайди ҳамда унинг ўлимга олиб келиши муқаррар бўлган шартини бажаришга рози бўлади;

2) юқорида икки аломат ҳикоя қаҳрамонлари – Рашель ва Унсиннинг фавкулудда ирода кучига эга бўлган эрксевар эканлигини кўрсатиб-тасдиқлаб туради. Бинобарин, кучли инсонлар характериға хос инсоний ғурур ва эрксеварлик туйғуси ушбу қаҳрамонларни яқинлаштириб турганлигини кўриш мумкин. Тўғри, уларнинг мана шу кутилмаган ҳатти - ҳаракатларининг омиллари бир-биридан фарқ қилади. Рашель француз эмас, у яҳудий миллатига мансуб аёл. Шунга қарамай, унда ўзи яшаб турган мамлакатга бўлган ҳурмат, муҳаббат ҳисси жуда кучли. Шу боисдан ҳам у сурбет ва золим прусс маркизининг: “Франциянинг бутун аёллари бизники!” – деган таҳқиромуз сўзларига жавобан: “Йўқ, йўқ. Ёлғон айтяпсан. Франция аёллари сеники бўлмайди”, - дейишга журъат қилади.

3) икки ҳикояни бадиий адабиётнинг энг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланган инсонпарварлик туйғуси ҳам яқинлаштирган. Бу жиҳат таҳлил этилаётган асарларда кучли драматик пафос билан ифодаланган. “Мадмуазель Фифи”даги Рашель – исловотхона маҳкумаси, очикроқ айтганда, фоҳиша. Ҳикояда унинг бундай нопок масканга қандай келиб қолганини сабаблари кўрсатилмаган. Аммо унинг қаҳрамонона ҳаракати шундан далолат берадики, исловотхона унинг ўрни, макони эмас. Буюк инсонпарвар ижодкор бўлган Мопассан ҳикоя қаҳрамонини ўз юртига, миллатига хиёнат қилишга тайёр бўлган кимсалардан устун кўяди, уни ватан қаҳрамони сифатида баҳолайди. Рашелнинг мардлиги воқеа бўлаётган ҳудуддаги французларни ҳушёр тортиради. Улар қўлларига қурол олиб мана шу фидоий аёл ҳимоясига чиқадилар, бир неча душман аскарини отиб ўлдириб аёлни қутқариб қоладилар.

“Даҳшат” ҳикоясида ўзбек адиби ўз миллатига мансуб аёл тақдири, жасорати, ўлимини тасвирлар экан, буюк инсонпарварлик иделини юксак бадиий маҳорат билан бадиий ифода эта олишга эришган. Унсин Рашелдан фарқли равишда жамият, инсоният ахлоқи мезонларидан четга чиқмаган. Аммо инсонийлик туйғулари ёт бўлган золим бир кимсага саккизинчи хотин қилиб узатилган Унсин тақдири Рашелникидан фарқли равишда фожиали интиҳо топали. Додхоҳнинг шартига кўра қоп-қоронғу даҳшатли тунда кўркинчи гўристонга бориб келган аёл ўлим эвазига ўз эркини қўлга киритади. Бироқ унинг ҳалокати мағлубият эмас, ғалабадир. У ўз жасорати билан замондошларига озодликка эришиш мумкинлиги кўрсатиб бера олди. Буюк мутафаккир Маҳмудхўжа Бехбудий айтганидек, “ҳақ олинур, берилмас”.

ÜBERSETZEN UND DIE PROBLEMFELDER IN DER INTERKULTURELLEN KOMMUNIKATION

*Irgasheva F.B. BSU
Raxmonova M. BSU, Studentin*

Kalit so'zlar: Tarjima, madaniyatlararo muloqot, til, pragmatika, nonverbal, paraverbal.

Ключевые слова: перевод, межкультурная коммуникация, язык, прагматика, нонвербальный, паравербальный.

Keywords: translate, intercultural communication, language, pragmatic, nonverbal.

Annotatsiya: Ushbu maqolada madaniyatlararo muloqotda tarjima jarayonida yuzaga keladigan muammolar haqida so'z yuritilgan.

Аннотация: В данной статье речь идёт о проблемах в процесс перевода в межкультурной коммуникации.

Annotation: This article deals with problems in the translation process in intercultural communication.

Im Bezug auf die Rolle des Übersetzers in der interkulturellen Kommunikation sowie seine Aufgabe des Verstehens stellt sich die Frage, wie er die kulturellen Differenzen in den Kategorien überwindet. Lexikalisch-semantische Konventionen: Die Bedeutung von Wörtern ist nach weitverbreiteter Auffassung die eigentliche Domäne der Übersetzer. Er muß ja wissen, was das eine in der anderen Sprache heißt. In der Übersetzungswissenschaft ist vollkommen unstrittig, daß es keine Eins-zu-Eins-Entsprechungen von Sprachen gibt. Für Übersetzer gilt demzufolge, daß sie sich nicht an einzelne sprachliche Zeichen klammern dürfen, sondern vielmehr den Sinn eines Textes abstrahieren und, die Ergebnisse der strukturellen Semantik zufolge, statt Wörtern „Bündelungen semantischer Merkmale“ übersetzen müssen. Tatsächlich ist dies in der Praxis ein wesentliches Unterscheidungsmerkmal zwischen professionellen Übersetzern und Fremdsprachenlernern: erstere übersetzen eher sinn-, letztere eher zeichenorientiert. Bei eindeutig kulturspezifischen Bezeichnungen ohne vergleichbare Entsprechungen in der Zielsprache muß der Übersetzer zusätzliche Informationen geben, da es sich hier weniger um ein sprachliches Problem als um ein Erfahrungsdefizit des Rezipienten handelt. Ungeachtet dessen schleichen sich auch bei Translatoren schon mal lexikalische Interferenzen in eine Übersetzung ein, wenn sich Wörter scheinbar entsprechen, ihnen aber nicht die gleiche Bedeutung zukommt. Dies gilt vor allem für die unter Übersetzern berühmt-berüchtigten formal ähnlichen Wörtern, die inhaltlich teilweise oder sogar völlig verschieden sind.

Para- und nonverbale Konventionen: In erster Linie sind von diesem Problembereich sicherlich Dolmetscher betroffen. Allerdings ist darauf hinzuweisen, daß oft auch in schriftlichen, meist literarischen Texten non- und paraverbale Signale von Charakteren beschrieben und somit für eine Übersetzung relevant werden. Nachrichten erst durch para- und nonverbale Zeichen vervollständigt werden. Insofern gehören diese ebenso zwingend zum methodisch-technischen Aufgabenbereich des Übersetzers wie verbale Zeichen. Die wichtige Funktion von para- und nonverbalen Handlungen bestätigt sich auch in einer Befragung von Konferenzdolmetschern, die vor allem Mimik, aber auch Gestik, Kopfbewegungen, Blickrichtung, Haltung und allgemeinem Äußeren besondere Bedeutung beimessen. Die Aufmerksamkeit von Übersetzern richtet sich dabei nicht nur auf die Sprecher, sondern auf das gesamte Konferenzgeschehen, also auch die nonvokale Kommunikation der Konferenzteilnehmer untereinander. Für Dolmetscher ist es ausgesprochen hilfreich, wenn sie in der Lage sind, einen sich durch nonverbales Verhalten ankündigen Sprecherwechsel rechtzeitig zu erkennen. Voraussetzung für gelungenes Übersetzen ist also die bewußte Kenntnis und das fließende Beherrschen dieser Sprachsignale.

In diesem Zusammenhang wird besonders deutlich, daß nicht zeichen-, sondern sinnorientiertes Übersetzen für die Textreproduktion entscheidend ist. Nicht jedes Kopfnicken muß übersetzt werden, es sei denn, es erweist sich als relevant für die Aussage des Senders. Das Kriterium der Relevanz ist hier allerdings mit Vorsicht zu gebrauchen, da para- und nonverbale Zeichen für eine Übersetzung zu oft als überflüssig betrachtet werden, obwohl sie eine Nachricht unterstützen, betonen oder ihr sogar widersprechen. Wenn also in einem Originaltext etwas durch beispielsweise Intonation als wichtig markiert wird, sollte ein Übersetzer diese zusätzliche Betonung in seiner Reproduktion berücksichtigen, damit der Relevanzunterschied zu anderen Äußerungen erhalten bleibt. Beim Einsatz von Übersetzern zeigt sich demnach vor allem bei para- und nonverbalen Zeichen ein Risiko wie bei jeder anderen Kommunikation über einen Dritten: Informationen können geschluckt oder verfälscht werden.

Konventionen pragmatischer Sprechhandlungen: In der interkulturellen Kommunikation beruhen Verständigungsschwierigkeiten im Bereich der pragmatischen Sprechhandlungen auf Interferenzen: Der deutsche Geschäftsmann kann zwar ein konkret verhandeltes Geschäft nicht annehmen, will aber keineswegs den usbekischen Partner verprellen. Er entschuldigt sich höflich, sagt aber auch, daß er das Angebot unter diesen Umständen auf keinen Fall annehmen könne. Nach seiner Kulturnorm steht einem baldigen Wiedersehen damit nichts mehr im Wege. Nach usbekischem Interaktionsethos ist direkte Nichtübereinstimmung jedoch in einer solchen Situation

unbedingt zu vermeiden. Kritik oder offene Ablehnung wirkt unverschämt und führt zum Gesichtsverlust.

Das Verfahren, kulturspezifische und funktionsgerechte Äquivalente zu finden, verspricht auch Erfolg für Übersetzungen von persuasiven Texten. Will jemand beispielsweise interkulturell überzeugen, motivieren oder beschwichtigen, so muß er berücksichtigen, daß Argumentationsmuster kulturspezifisch sind.

Situation: Situative Faktoren bestimmen entscheidend den Kontext der Kommunikation. In der direkten Kommunikation stellen sich die Sprecher die Fragen nach den dem Wer, dem Wo und dem Wann, um den Kommunikationshintergrund für sich definieren und ihn mit ihren Äußerungen bestätigen zu können. Sprache ist nur als Synthese einer außersprachlichen Situation mit dem durch Sprache geschaffenen Kontext verständlich. In diesem Sinne fallen unter den Situationsbegriff alle natürlichen und soziokulturellen Bedingungen, so daß sich im Vergleich zu den anderen Problembereichen der interkulturellen Kommunikation in der Situationsanalyse die meisten kulturell geprägten Kommunikationsaspekte finden. Deswegen werden die Abhandlungen zu diesem Bereich auch etwas mehr Raum für sich in Anspruch nehmen.

Wenn der Übersetzungssinn nun darin besteht, Verständigung zu ermöglichen, dann muß der Übersetzer bei Sender und Empfänger eine im Idealfall gleiche Auffassung der Situation gewährleisten. Das heißt nicht, daß über das Medium Übersetzung künstlich eine identische Situation hergestellt sein soll, sondern, daß die Situationseinschätzung des jeweiligen Senders transferiert sein will.

Zusammenfassend sind noch einmal die zentralen Punkte festzuhalten, die Übersetzungskompetenz im Hinblick auf die Probleme interkultureller Kommunikation ausmachen:

- Bikulturalität - der Übersetzer muß in zwei Kulturen zuhause sein, um a) die jeweiligen sprachlichen Ausdrucksmethoden in möglichst vollem Umfang verstehen und reproduzieren zu können und um b) auf das vorsprachliche Wissen zurückgreifen zu können, über das Sprache erst verständlich wird. Diese Eigenschaft ist nur durch langjährige aktive Teilnahme am jeweiligen kulturellen Leben zu erlangen.
- Bewußtheit - der Übersetzer muß erst kulturelle Unterschiede, die potentiell Verstehensprobleme verursachen, identifizieren, um entsprechend reproduzieren zu können. Das setzt voraus, daß er sich dieser Problematik bewußt und in der Lage ist, die eigenen kulturellen Denk- und Wahrnehmungsmuster als kulturspezifisch zu erkennen. Zudem muß er antizipieren, inwieweit wiederum Sender und Rezipient sich ihrer eigenen Kulturgebundenheit bewußt sind und dies mit seiner Übersetzung kompensieren.
- Abstraktionsvermögen und Vermittlungsfähigkeit - der Übersetzer muß sich von den konkreten Sprachsignalen lösen und die Funktion des Ausgangstextes sinngemäß in der Zielsprache wiedergeben. Dazu muß er zwischen kulturellen Ähnlichkeiten und Nicht-Ähnlichkeiten differenzieren, kategorisieren und vergleichen können. Davon hängt seine Entscheidung ab, entweder ein funktionales Äquivalent oder Zusatzinformationen für die Übersetzung heranzuziehen.
- Loyalität - der Übersetzer ist dem Postulat der Äquivalenz verpflichtet. Er muß im Idealfalle Sinn, Funktion, Stil und Form des Ausgangstextes im Zieltext kulturadäquat wiedergeben, ohne die Identität des Originals aufzugeben. Diese wertneutrale Berufsethik kann allerdings mit den eigenen Überzeugungen kollidieren.

LITERATUR

1. Lörcher, Wolfgang: Übersetzungskompetenz und prozessuale Zugangsformen zum Übersetzen. In: Wotjak/ Schmidt (1997) S. 107 -122
2. Nida, Eugene A.: Semantic Structure and Translating. In: Wilss, Wolfram/ Thome, Gisela: Aspekte der theoretischen sprachenpaarbezogenen und angewandten Übersetzungswissenschaft II. Heidelberg 1974
3. House, Juliane: Interkulturelle Pragmatik und Übersetzen. In: Wotjak/ Schmidt (1997) S. 21

ТАРЖИМАДА ТРАНСФОРМАЦИЯГА УЧРАГАН МОРФЕМАЛАРНИНГ ПАРАЛЛЕЛ КОРПУСДА БЕРИЛИШИ МАСАЛАСИ.

Каримов Р.А. БухДУ ўқитувчиси

Калит сўзлар: морфема, трансформация, морфология, корпус лингвистикаси, параллел корпус

Ключевые слова: морфема, трансформация, морфология, корпусная лингвистика, параллельный корпус

Key words: morpheme, transformation, morphology, corpus linguistics, parallel corpus

Аннотация: Ушбу мақолада таржимада учрайдиган морфемаларнинг параллел корпусда берилиши ўз аксини топган. Бунда таржимадаги морфологик хусусиятлар турлича ўрганилади.

Аннотация: В статье рассматривается проблемы трансформации морфем параллельных корпусов в переводе. На нем рассказывается о морфологическом особенностях перевода в параллельном корпусе

Summary: In article was written about transformation of morphemes of parallel corpuses in translation. Here was discussed morphological features of translation.

Амалий жиҳатдан таржимада морфемани морфема билан бериш кам учрайдиган ходиса бўлиб, у аксарият ҳолларда назарий аҳамиятга эга бўлади. Н.Қамбаров Л.С.Бархударовнинг барча тил бирликлари таржима бирлиги бўлиши мумкин деган фикрига қўшилган ҳолда, таржимада бундай усуллардан фойдаланиш учраб туришини таъкидлайди¹.

Н.Қамбаровнинг таъкидлашича, инглиз тилида бирор иш-ҳаракатни бажарувчи шахсни ифодаладиган сўзлар анча. Агар кечки овқатни ёяётган бўлса, у инглиз тилида *diner*; агар у кўп пул сарфлайдиган бўлса, *spender*; агар пул йиғса, *saver* деб аталади. Ўзбек тилида шахсни билдирувчи *-чи*, *-вчи* ясовчи қўшимчаси ёрдамида ясалади. Масалан: *ёзувчи*, *ўқувчи*, *тўқувчи*, *ўқитувчи*, *гулчи*, *подачи* ва ҳ. Инглиз тилида *-er* от ясовчи морфемаси ўзбек тилидаги *-чи* морфемасига қараганда сермахсул. Таржимада инглиз тилида бирор фаолият олиб боровчи шахс ҳақида гап борганда ва у *-er* от ясовчи қўшимча ёрдамида ясалган бўлса, унинг эквиваленти бўлмаганлиги учун доим ҳам ўзбек тили таркибида *-чи* от ясовчи қўшимча билан таржима қилинмаслиги мумкин².

Назарий жиҳатдан инглиз тилидаги *-er*, *-or*, *-cy*, *-man*, *-ship*, *-ment*, *-hood* каби морфеманинг ўзбек тилида турли луғавий эквиваленти мавжуд. Бироқ таржимада доим ҳам эквивалентликка эришиш имкони бўлмайди. Сабаби, масалан, изоҳли ва икки тилли луғатларда гапда иштирок этмаган сўзлар, яъни системадаги сўзларнинг эквиваленти доим мавжуд бўлади. Нутқда қўлланиши билан уларнинг шакли, услуби, матн турлари ҳамда гапда қўлланган структуралари ўзгаради. Юқорида кўрсатилган қўшимчалар гапдаги сўз тартиби, жанр, услуб таъсирида таржима жараёнида ўзгаради: трансформация, аниқроғи, транспозиция ҳодисасига учрайди. Н.Қамбаров юқоридаги фикрини гап, гапдаги от ясовчи қўшимчали сўз ва уларнинг таржимаси мисолида қуйидагича далиллайди.

Mr. Grey is a World Banker turned Oxford professor. Таржимаси: Жаноб Грей олдин **Бутунжаҳон банкида ишларди**, ҳозир эса Оксфорд университетида дарс беради.

Таржиманинг иккинчи шакли – Жаноб Грей аввал **Бутунжаҳон банки ходими** эди, ҳозир эса Оксфорд университетида фаолият олиб боради. Бу гапни “Бутунжаҳон банкири” деб таржима қилиб бўлмайди, чунки бундай дейиш ўзбек тили грамматик меъёрининг бузилишига олиб келади. Инглиз тилидаги **banker** сўзи ўзбек тилига контекстан

¹ Қамбаров Н. Таржимада морфеманинг морфема билан берилиши ёки морфемик таржима трансформацияси хусусида // Таржима, ахборот, мулоқот – сиёсий ва ижтимоий кўприк. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2019. – 360 б. – Б.142-144.

² Ўша манба.

ташқарида банкир деб таржима қилиш мумкин, бироқ матн ва унинг мазмуни **ходим** деган сўзни қўллаш тақозо этган.

Бу борада Н.Қамбаровнинг фикрига тўла қўшилиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, бундай морфемалар кўп учрайди. Масалан: The president understands that **lower** taxes may not improve wages for low earners on their own. Таржимаси: Президент солиқларни камайтириш билан **кам ҳақ тўланадиган ишчилар**нинг даромадини ошириш етарли эмаслигини тушунади. Бу гапда ҳам от ўзбек тилига таржимада тўртта сўздан иборат бирикма ёрдамида берилган. Таржима тасвирий йўл, сўз қўшиш ҳамда перефраз усуллари билан амалга оширилган.

Such US companies as American Electric Power and Duke Energy are big coal-burners. Таржимаси: АҚШнинг “Американ Электрик Пауэр” ҳамда “Дьюк Энержи” каби компаниялари жуда кўп миқдорда кўмир ёқади. Юқоридаги гапни инглиз тилидан ўзбек тилига таржимада яна тасвирий таржима ҳамда сўз қўшиш усулидан фойдаланилган. Ўзбек тилида “кўмир ёқувчи” эркин сўз бирикмаси мавжуд, бироқ матннинг услубий хусусияти, функционал услуби бу сўз бирикмасини қўллашни талаб этмайди.

Демак, инглиз тилидаги морфемани назарий жиҳатдан алоҳида луғатларда мисоллар билан бериш мумкин, бироқ таржима жараёнида матн хусусияти ва жанрини ҳисобга олган ҳолда таржима қилиниши мақсадга мувофиқ. Юқоридаги таржима гаплар шуни кўрсатадики, инглиз тилидаги морфемалар маъносини тасвирий таржима йўли билан беришда ўзбек тилида сўз бирикмалардан кенг фойдаланилар экан. Инглиз тилидаги от ясовчи морфемалар таржима назарияси нуқтаи назаридан қуйидаги усулларда таржима қилинади:

1. Морфема морфема ёрдамида.
2. Морфема сўз ёрдамида.
3. Морфема сўз бирикмаси ёрдамида.
4. Морфема тасвирий йўл билан ёки гап ёрдамида.

Н.Қамбаров морфемаларни таржима қилишни грамматик трансформация кўриниши сифатида баҳолаб, морфемик таржима трансформацияси деб аташни таклиф этади. Таржимада морфемик трансформация усуллариининг қайси бири қай даражада қўлланиши матнга, ундаги тил бирликларига, таржима муносабати билан контактга кирган тиллар хусусиятларига бевосита боғлиқ бўлади.

Параллел корпус таржима матнларни параллел кузатиш имконини беради, аммо юқорида кўрсатилган трансформациялар каби ҳолатни ажратиб кўрсатиш даражаси чегараланган. Чунки мавжуд параллел корпусларнинг кўпчилиги икки (аслият ва таржима) тилдаги мантни фақат гап кўринишида параллел кўрсатади. Амма назарий жиҳатдан ПКларда бирикма ва сўзларни параллел кўрсатиш имкони ҳам мавжуд. Агар ПК тузувчиси фақат гапни эмас, балки сўз бирикма ҳамда сўзни параллел ҳолатда теглашни мақсад қилса, унда юқорида кўрсатилган трансформацияларга алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлади.

Таржимада трансформацияга учраган эркин бирикма ёки ясама сўзни аслият ва таржимада параллел қилиш мумкин. Бу вазифа қуйидаги ишлар кетма-кетлигида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади:

- 1) таржима ва аслият матнлари қиёслашиб, шундай бирлик / ходисадалар рўйхати тузилади;
 - 2) трансформацияга учраган бирликларнинг ўзбекча таржимаси келтирилади;
 - 3) бирликлар ўзаро параллеллаштирилиб тегланади;
 - 4) бирликларнинг маълумотлар базаси – луғати шакллантирилади.
- Маълумотлар базаси корпуснинг лингвистик таъминот тўпламидан жой олади.

Адабиётлар

1. Қамбаров Н. Таржимада морфеманинг морфема билан берилиши ёки морфемик таржима трансформацияси хусусида // Таржима, ахборот, мулоқот – сиёсий ва ижтимоий кўприк. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2019. – 360 б. – Б.142-144.

2. Холбеков М. Ўзбекистонда таржима ва таржимашунослик (1991-2016 йиллар) // Хорижий филология. – 2016.

3. Соснина Е.П. Параллельные корпусы в обучении языку и переводу. – (Электрон ресурс): http://ling.ulstu.ru/linguistics/resources/literature/articles/corpus_education_translation/

4. <https://translationrating.ru/glossary/parallelnyj-korpus/>

РЕАЛИЯЛАРНИНГ ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ ҲАМДА УНИНГ ПАРАЛЛЕЛ КОРПУСДА ИФОДАЛАНИШИ

Каримов Р.А. - БухДУ ўқитувчиси

Калит сўзлар: реалия, таржима, таржимашунослик, корпус лингвистикаси, параллел корпус

Ключевые слова: реалия, перевод, теория перевода, корпусная лингвистика, параллельный корпус

Key words: reality, translation, theory of translation, corpus linguistics, parallel corpus

Аннотация: Ушбу мақолада реалиялар ва уларнинг таржимада берилиши, уларнинг параллел корпусда ифодаланиши назарий ўз ифодасини топган.

Аннотация: В статье рассматривается реалии в переводах и их выявление в параллельном корпусе теоритический стороне

Summary: The article deals the realities and their expression in translation and parallel corpuses. Here was written about theoretical features of using realities in translation

Маълумки, тил ўрганишнинг муҳим бирлиги – сўз. Миллий тилнинг ўзига хос томонларини ифодалашда реалиянинг ўрни бекиёс, чунки реалия тил бирлиги сифатида муқобилсиз лексика сирасига киради. У лингвистик билимнинг ажралмас қисми бўлиб, тил ва маданиятнинг ўзаро алоқасини тадқиқ этишда муҳим қизиқиш уйғотади¹. Тилшуносликда қатор тиллар реалиялари иккинчи тил билан қиёсланган ҳолда бой материал тўпланган. Инглиз тили реалияларига бағишланган тадқиқотларни Л.С.Бархударов, Г.Д.Томахин, А.Д.Швейцер, А.О.Ивановларнинг ишларида учратамиз².

Л.С.Бархударовнинг таъкидлашича, икки тилнинг лексик бирликлари ўртасидаги семантик мосликни уч турга бўлиш мумкин³:

1. Тўлиқ мос келиш;
2. Нотўлиқ мос келиш;
3. Умуман мос келмаслик.

Агар бир тилдаги сўзнинг муқобили бошқа тил луғат таркибида топилмаса, унда муқобилсиз лексика ишлатилади. Е.М.Вершагин ва В.Г.Костомаровлар муқобилсиз лексика деганда “бошқа тил ва маданиятда мавжуд бўлмаган тушунчаларни англатувчи сўзларни, маълум бир маданиятга хос сўзларни, яъни бирор халқни А деб олсак, шу А маданиятига хос, бироқ иккинчи бир халқни Б деб атасак, Б маданиятида бўлмаган маданий элементлар ва А тилда мавжуд бўлган сўзларнинг муқобили Б тилда мавжуд бўлмаганлигини” тушунишади⁴.

М.Жуманиёзова, А.Атажановлар Г.Д.Томахин⁵нинг реалия – “маълум бир халқ ва миллатга тегишли бўлган моддий маданият нарсалари, тарих фактлари, давлат ташкилоти, миллий ва фолклор қаҳрамонлар номи, мифологик мавжудотлар ва ҳоказоларга оид

¹ Жуманиёзова М., Атажанова А. Реалия ҳақидаги қарашлар талқини // Таржима, ахборот, мулоқот – сиёсий ва ижтимоий кўприк. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2019. – 360 б. – Б.158-159.

² Бархударов Л.С. Язык и перевод. – М: Международное отношения, 1975.; Томахин Г.Д. Реалии-америкнизмы. – М. Высшая школа, 1988.

³ Бархударов Л.С. Язык и перевод. – М: Международное отношения, 1975. – С. 74.

⁴ Вершагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура: Лингвострановедение в преподавании русского языка иностранного. – М: Русский язык, 1983. – С. 53.

⁵ Томахин Г.Д. Реалии в языке и культура // ИЯШ. 1997. – №3. – С.13.

номлар” деган фикрни маъқуллайди. С.Влахов, С.Флоринлар реалияга шундай таъриф беришган: “Реалия шундай сўз (сўз бирликма)ки, у объектни атайди, бирор халқ ҳаёти учун характерга эга (турмуш тарзи, маданият, тарихий ва ижтимоий ривожланиш), лекин бошқа халққа ёт бўлган, миллий ва/ёки тарихий колоритни ташувчилари бўлмиш сўзлардир. Улар, ўз навбатида, бошқа тилда аниқ эквивалент (мос сўз ва сўз бирикма)га эга бўлмаган, алоҳида эътиборга молик бўлиб, умумий асосда таржимага мойил”¹.

Реалиялар ҳар қандай тилга хос бўлиб, ёрқин миллий колорит улар билан ҳамроҳанг. Г.Д.Томахиннинг фикрича, турли тил ва маданиятларни бир-бири билан таққослаш реалиянинг қуйидаги хусусиятларини аниқлашга имкон беради²:

1. Реалия бир тил жамоасига хос бўлиб, бошқа тилда мавжуд эмас. Масалан, америкача drugstore (дорихона-тамаддихона)нинг ўзбек тилида аналоги йўқ.

2. Турли жамиятда бир-бирига ўхшаш вазифалар турли реалиялар билан ифодаланади. Масалан, америкача sponge (губка) ўзбек тилида мочалка ҳаммом, ваннада ювиниш воситаси.

3. Турли жамиятда бир-бирига ўхшаш реалиялар ўз жузъий маънолари билан фарқ қилади. Масалан, susoo's call (каккунинг кукулаши) америкаликларнинг миллий эътиқоди (хурофоти)га кўра, қиз боланинг тўйига қанча вақт қолганини билдирса, ўзбек эътиқодида эса умрнинг охирилашишига қанча вақт қолганини билдиради.

Реалияларда тил ва маданият ўртасидаги боғлиқлик янада яққол кўзга ташланади: жамият моддий-маънавий ҳаётида янги реалиянинг пайдо бўлиши тилда ўшанга мос сўзнинг пайдо бўлишига олиб келади. Реалияни ажратиб турувчи хусусият унинг предмет-нарсаси маъносига эга бўлганлиги билан белгиланади. Реалиялар бирор-бир жамоа ёки корхона микёси билан ҳам чегараланган бўлиши мумкин. Реалияга вақт колорити ҳам мансуб³. Бу лексик бирликлар маданият билан узвий боғлиқ; тил ходисаси сифатида жамият таракқиётидаги барча ўзгаришларга тез жавоб қайтаради; улар орасида неологизм, историзм, архаизм каби реалияларни ҳам фарқлаш мумкин. Реалиянинг санаб ўтилган ҳар бир тури таржимада алоҳида эътиборни талаб қилади. Ўз хусусияти ва вазифасига биноан реалия термин ва атоқли отларга яқин.

“Реалия” тушунчасини “термин” тушунчасидан фарқлаш лозим. Реалия бадиий адабиёт ва оммавий ахборот воситалари тилига хос; у маълум бир халқ маданияти билан чамбарчас боғланган, айнан шу халқ тили учун умум ишлатиладиган, бошқа халққа ёт бўлган характерга эга. Термин эса миллий бўёқдорликка эга бўлмаган, асосан, илм-фан соҳасига тегишли бўлиб, фақат бирор предмет/ воқеъликни номлаш учун сунъий яраталади ва шу орқали кенг ишлатилади⁴.

Ш.Джаббарованинг фикрича, муайян бир халқ ва миллатга хос турмуш тушунчаларини англатадиган сўзлар реалия дейилади. Луғавий таърифга кўра реалия – бу моддий-маданий нарсалар. Тилшунослик ва таржимашуносликда шу нарсаларни англатадиган сўз, ифода, шунингдек ўз ичига шундай сўзни оладиган қатъий ифода реалия деб аталади. Тил реалияларини ўрганиш, уларни таржимада етказиб бериш, лексикографик таърифи ҳамда лингводидактик тақдими билан боғлиқ муаммолар лингвомаданиятшунослик борасидаги ишларда атрофлича ёритилган. Бизнинг мақсадимиз тил корпусида реалияларни теглаш ҳамда қидирув тизимида акс эттиришдан иборат⁵.

Реалияни она тилига ўгиришда аввал унинг муайян контекстда ўтаб келаётган ахборий ва услубий вазифасини аниқлаш, сўнгра таржима тилида унга ҳар жихатдан мос, айна пайтда, шу тил меъёри ва маданияти даражасидаги сўзлар танлаш зарурияти туғилади. Реалиянинг фарқланувчи характери унинг мазмунида (ифодаланаётган предметнинг

¹ Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. – М.: МО. 1986. – С.55.

² Томахин Г.Д. Реалии в языке и культура // ИЯШ. 1997. – №3. – С.14.

³ Кўрсатилган манба.

⁴ Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. – М.: МО. 1986. – С.17.

⁵ Джаббарова Ш. Реалияларнинг таржимада берилиши (миллий хусусияти) // Таржима, ахборот, мулоқот – сиёсий ва ижтимоий кўприк. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2019. – 360 б. – Б.198-199.

маълум бир мамлакат, халқ ва ижтимоий умумлик билан боғлиқлиги) ва унинг маълум бир вақтга тегишли эканлигида.

М.Жуманиёзова, А.Атажанова икки тил нуқтаи назаридан реалаяларнинг **ташқи**, яъни жуфтлик учун бегона (масалан, “самурай” ўзбек ва инглиз тиллари учун), икки тилдан бири учун **бегона реалая** ва **бир тилнинг ўз реалаяси** (масалан, “рада” украин ва рус тиллари учун) каби турлари фарқлашади¹.

Тадқиқотчиларнинг нуқтаи назарига кўра, маълум бир лингвистик мактабга тегишлиликка кўра таржима – асл тилда таърифланган диотатларни таржима тили ёрдамида таърифлаш жараёни (1); нутқда асар структурасини қайта қуриш бўлиб, натижада мазмун контекстни ўзгартирмай сақлаб қолган ҳолда ифода контексти ўзгартирилади, яъни бир тил иккинчи тил билан алмаштирилади (2); асос, асл тил бирликлари ва структураларини таржима тили бирлик ва структураларига қайта ўзгартириш (3); асл ва таржима мазмуни ўртасидаги эквивалент муносабатларнинг моҳиятини очиш (4) деб таърифланади².

Маълум халқ турмуш тушунчаларини англатадиган кўпчилик хос сўзларнинг (реалая) маъноси ва ўтайдиган вазифаси мамлакатларнинг ўзаро маданий-маърифий, иқтисодий, сиёсий алоқалари натижасида қатор халқлар вакилларига таниш бўлиб қолган сўзлар иккинчи тилга транслитерация йўли билан талқин этилади. Транслитерация усулидан фойдаланишнинг асосий сабаби аслиятда қўлланилган миллий хусусиятли реалаяларнинг иккинчи тилда мавжуд бўлмаганлигидир. Транслитерация халқ турмуш тушунчаларини акс эттирадиган реалаяни таржимада талқин этадиган энг самарали усул бўлиб, унинг ёрдамида аслиятнинг миллий хусусияти сиқик ҳолда талқин этилади. Масалан, аслият мансуб бўлган халққа хос пул, масофа/узунлик бирликлари, рўзғор ашёлари, кийим-кечак, егулик, ичимлик каби кўпгина тушунчаларни англатадиган реалаялар транслитерация йўли билан талқин этилади. Масалан: тахмон, палов, паранжи, супа, яктак, дўппи; pudding, holding, club, mayor, galloon, foot каби ўзбек ва инглиз турмуш тарзига хос сўзларни бундай тушунчаларни англатадиган сўз бирликларига эга бўлмаган инглиз ва ўзбек халқлари, тилларига қилинган ўғирмаларида таржимасиз – айнан келтириш аслиятнинг миллий хусусиятини сақлаб қолиш билан бирга, таржима тиллари луғат таркиби кенгайиши учун замин яратиш имкониятини беради. Демак, турмуш тушунчаларини акс эттирадиган реалаяларнинг таржима тилида учрамаслиги транслитерация усулидан фойдаланишни тақозо этади; таржима орқали реалаяларнинг этномаданиятдаги ўзига хосликни сақлаб қолиш учун замин яратади.

Параллел корпуслар икки халқ тилини қиёслаш ва ўрганиш асносида уларнинг маданиятини ҳам намоён этар экан, демак, ПҚларда реалаяларни параллел ҳолатда ажратиб кўрсатиш ниҳоятда муҳим. Ишнинг кейинги қисмида ўзбек-инглиз параллел корпуси учун танланган матнлар асосида реалаяларнинг берилиши, тегланиши ва қидирувда кўрсатилиши масаласига махсус тўхталамиз.

Адабиётлар

1. Жуманиёзова М., Атажанова А. Реалая ҳақидаги қарашлар талқини // Таржима, ахборот, мулоқот – сиёсий ва ижтимоий кўприк. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2019.
2. Бархударов Л.С. Язык и перевод. – М: Международное отношения, 1975.; Томахин Г.Д. Реалии-америкнизмы. – М. Высшая школа, 1988.
3. Бархударов Л.С. Язык и перевод. – М: Международное отношения, 1975. – С. 74.
4. Верцагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура: Лингвострановедение в преподавании русского языка иностранного. – М: Русский язык, 1983. – С. 53.
5. Томахин Г.Д. Реалии в языке и культура // ИЯШ. 1997. – №3. – С.13.
6. Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. – М.: МО. 1986. – С.55.

¹ Жуманиёзова М., Атажанова А. Реалая ҳақидаги қарашлар талқини // Таржима, ахборот, мулоқот – сиёсий ва ижтимоий кўприк. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2019. – 360 б. – Б.158-159.

² Джаббарова Ш. Реалаяларнинг таржимада берилиши (миллий хусусияти) // Таржима, ахборот, мулоқот – сиёсий ва ижтимоий кўприк. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2019. – 360 б. – Б.198-199.

7.Джаббарова Ш. Реалияларнинг таржимада берилиши (миллий хусусияти) // Таржима, ахборот, мулоқот – сиёсий ва ижтимоий кўприк. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2019.

СОМЕРСЕТ МОЭМ АСАРЛАРИ ЎЗБЕКЧА ТАРЖИМАСИДА ҲИС-ҲАЯЖОН ГАПЛАРНИ АДЕКВАТ ИФОДАЛАШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

Кахарова И. - ТАҚИ

Калит сўзлар: поэтик маҳорат, эмоционал сўз, когнитив, прагматик, экспрессивлик, интензивлик, бадий-эстетик

Ключевые слова: поэтические навыки, эмоциональная речь, когнитивные, прагматические, выразительные, интенсивные, художественные и эстетические

Key words: poetic skills, emotional speech, cognitive, pragmatic, expressive, intensity, artistic-aesthetic

Аннотация: Ушбу мақолада инглиз адиби Сомерсет Моэмнинг “Ой ва сариқ чақа” ва “Ўткинчи эҳтирослар” романидаги ҳис-ҳаяжон гапларнинг ўнта йирик концептуал гуруҳларга бўлиниши таҳлил қилинган.

Аннотация: В этой статье анализируется эмоциональное предложения романиста Сомерсета Моэма в «Луна и грош» и «Театр» на десять основных концептуальных групп.

Annotation: This article analyses the emotional sentences into ten major conceptual groups in the novels “The Moon and Sixpence” and “Theatre” by Somerset Maugham.

Дунё тилшунослигида турли рухий ҳолатлар, ҳис-кечинма ва сезгиларни тилда акс эттириш билан боғлиқ восита ва усулларни когнитив-прагматик йўналишда аниқлашга катта эътибор қилинмоқда. Шу асосда инглиз ва ўзбек тилларида ҳам ҳис-ҳаяжон гапларнинг эмоционаллик ёки эмотивлик, экспрессивлик, интензивлик, функционал-семантик, стилистик, денотатив ва коннотатив воситалари, усул ва турлари, категориялари, уларнинг ўзаро синкретлашув ҳолатлари, когнитив-прагматик хусусиятларини ўрганиб, ўзига хос грамматик, семантик-стилистик белгиларини ёритиш, ахлоқий, интеллектуал, эстетик табиатига кўра универсал ва дифференциал қирралари, ижодкорлар асарларида акс этиш тамойилларини кўрсатиш долзарб муаммолардан биридир.


Инглиз адиби Уилям Сомерсет Моэмнинг “Ой ва сариқ чақа” романининг бевосита ва билвосита таржималарида ҳис-ҳаяжон гапларнинг берилиши ўзаро фарқ қилади [1]. Асарнинг С.Н. Ман томонидан рус тилига ўгирилган [2] варианты асосида ўзбекчага ағдарилган варианты ҳам бор.

Ҳар қандай таржимада адиб услубини сақлашга ҳаракат қилиш лозим. Мутаржимлар бунга у ёки бу даражада эришганлар ҳам. Бироқ таржимада адибнинг услубини тўлиқ акс эттириш ўта мураккаб масаладир, айниқса, тиллараро қилинган бадий таржимада. Лекин жаҳон адабиётининг энг дурдона асарларидан бири бўлган “Ой ва сариқ чақа” романини ўзбек китобхоналарига етказган мутаржим Раҳматилла Иноғомовнинг меҳнати таҳсинга сазовордир. Унинг томонидан рус тили орқали дунё халқларининг кўплаб тилларига таржима қилинган бу роман илк бор “Жаҳон адабиёти” журналининг 2006 йил сонидида чоп этилди. Мазкур таржима 2012 йили китоб шаклида ўзбек китобхоналарига тақдим этилди.

Моэм асарларида ҳис-ҳаяжон гапларнинг турлари ва уларнинг ўзбек тилида берилиши ўрганилиши натижасида адабий асарнинг бадий-эстетик таъсир кучи муаллифнинг поэтик маҳорати, бадий нутқ услубига боғлиқлиги далилланди. Ижодкор сўз воситасида образ яратиши, эпик тасвир ва бадий ифода аниқлигига эришиши асосланди. Адиб қўллаган эмоционал сўз ва иборалар, усул ва воситаларга эътибор қаратилди. Шу асосда инглиз тилида қурилган ҳис-ҳаяжон гапларни ўзбек тилига таржима қилиш ҳолатларига хос хусусиятлар, ўзгаришлар аниқланди:


1. Сўроқ сўзлар билан берилган гапларнинг сўроқ юкламалари орқали ҳис-ҳаяжон гап кўринишида ифода этилиши: *How can you be so cruel? (S.M. The Moon and Sixpence, 172) – Нақадар шафқатсизсан-а! (Р.И. Ой ва сариқ чақа, 131).*
2. Ундов белгиси ўрнининг алмаштирилиши: *What poor minds women have got! Love. It's always love (S.M. The moon and Sixpence, 62) – Аёл тоифасининг эси настда ўзи. Севги! Ҳаммаёқда севги деяверишади (Р.И. Ой ва сариқ чақа, 49).*
3. Ундов белгисининг сўроқ аломати билан бирга қўйилиши инглиз тилида кузатилмади: *What a damned fool I was! Why didn't I keep my temper? (S.M. Theatre, 171) – Қанақа аҳмоқман-а! Нима учун ўзимни тутолмай қолдим?! (Ўткинчи эҳтирос, 112).*
4. Ундов сўзларни айнан сақлаш: *Oh, keep that for Mr. Gosselyn, Miss Phillips (S.M. Theatre, 117) – Оҳ, бундай гапларни жаноб Госселин учун сақлаб қўйинг, Филиппе хоним! – деди Жулия (Г.М. Ўткинчи эҳтирос, 75).*
5. Ундов сўзларни алмаштириб, бирининг ўрнида бошқасини қўллаш: *Oh, my God, I thought you were dead, – cried out Stroeve (S.M. The Moon and Sixpence, 125) – Эй, худойим! – қичқириб юборди Стрёв. – Мен сизни ўлиб қолди, деб ўйлабман (Р.И. Ой ва сариқ чақа, 95).*
6. Берилган сўзнинг маъносини кенгайтириб, номинатив (атов) гапни ҳис-ҳаяжон гап кўринишида бериш: *Children! (S.M. The Moon and Sixpence, 109) – Болаларча гўллик бу! (Р.И. Ой ва сариқ чақа, 82).*
7. Аслиятда мавжуд бўлмаган сўзни қўшиш: *You brute. You rotten hound to hit a woman (S.M. The Moon and Sixpence, 54) – Ярамас! Ифлос им! Аёл кишига қўл кўтаришини-чи! (Р.И. Ой ва сариқ чақа, 36).*
8. Аслиятда мавжуд бўлмаган юкламаларни қўшиш ёки аслиятда мавжуд бўлмаган юкламаларни таржимада келтириш: *Aren't you taking an awful chance?(S.M. The Moon and Sixpence, 60) – Лекин бу таваккал иш-ку! (Р.И. Ой ва сариқ чақа, 50); It's impossible to leave him in that wretched hole (S.M. The Moon and Sixpence, 130) – Ахир уни лаънати каталакда қолдириб бўлмайди-ку! (Р.И. Ой ва сариқ чақа, 99).*
9. Кўчирма гап кўринишидаги мураккаб қўшма гап қурилишида берилган ҳис-ҳаяжон гапнинг шаклини таржимада ҳам сақлаб қолиш: *If he comes here, I shall go, – said Mrs. Stroeve violently (S.M. The Moon and Sixpence, 130) – Агар у бу ерга келса, мен уйдан чиқиб кетаман! – ўзини йўқотар даражада қичқирди Стрёв хоним (Р.И. Ой ва сариқ чақа, 99).*
10. Боғловчиларнинг махсус қўлланилиши ёки қўлланмаслик ҳоллари: *But it's not only because he's a genius that I ask you to let me bring him here; it's because he's a human being, and he is ill and poor (S.M. The moon and Sixpence, 130) – У фақат даҳо рассом бўлгани учунгина эмас, касал ва қашшоқ одам бўлгани учун ҳам уйимизга қабул қилишингни илтижо қиляпман! (Р.И. Ой ва сариқ чақа, 99).*
11. Аслиятда мавжуд бўлмаган юкламаларни таржимада келтириш: *Aren't you taking an awful chance? (S.M. The moon and Sixpence, 80)/ Лекин бу таваккал иш-ку! (Р.И. Ой ва сариқ чақа, 50).*
12. Ҳис-ҳаяжон гапларда интенсивликни намоён этиш учун турли сўз такрорларидан фойдаланиш: *No, no. I know I'm right. Something terrible will happen to us (S.M. The Moon and Sixpence, 132) – Йўқ, йўқ! Нима дейётганимни билиб турибман (Р.И. Ой ва сариқ чақа, 100).*
13. Ҳис-ҳаяжон гапларда интенсивликни намоён этиш учун сифатнинг орттирма даражасини қўллаш: *It was dreadfully painful (S.M. The Moon and Sixpence, 49) – Фоят ачинарли манзара! (Р.И. Ой ва сариқ чақа, 38).*
14. Ҳис-ҳаяжонни синоним сўзларни қўллаш орқали янада кучайтириб ифодалаш: *They're marvellous, – he said, his eyes glittering. What a snip (S.M, Theatre, 213) – Бу жудаям қойилмақом-ку! Бу жудаям ажойибку! (Г.М. Ўткинчи эҳтирос, 141).*
15. Ундов сўзлар қўшилиши натижасида гапнинг таркиби кенгайиши кузатилади: *Look, there's Wilson (S.M. The Lotus Eater, 798) – Ие, ана, қарагин, Уилсон ҳам шу ерда экан! – деб қолди (М.О. Нилуфар гулининг тоти, 108).*

Таҳлил эмоция (ҳис-ҳаяжон гап)ларнинг мамнуният, ажабланиш, ҳайратда қолиш, этиборсизлик, ғазабланиш, гижиниш, қаҳр-ғазаб, нафрат, ранж, хафалик, кўрқув, танглик, ғамгинлик, хавотирлик каби 10 та йирик концептуал гуруҳларга бўлинишини кўрсатди. Шулар асосида инглиз адиби Сомерсет Моэмнинг иккита асаридаги «Ой ва сариқ чақа» ва «Ўткинчи эхтирос» ҳис-ҳаяжон гапларни концептуал гуруҳларнинг ҳар бирига мос келиши таҳлил қилинди (1-расм).



Таҳлиллар шуни кўрсатдики, адиб асарларидаги ҳис-ҳаяжон гапларнинг концептуал гуруҳларга мос келиши сонлар ёки фоизлардаги миқдори билан белгиланиши қизиқарли ва тушунарли. Масалан: адибнинг «Ой ва сариқ чақа» асаридаги ҳис-ҳаяжон гапларнинг гуруҳга (мамнуният) мос келувчи сони тўрттани ташкил қилган бўлса, «Ўткинчи эхтирос» асаридаги (мамнуният) концептуал гуруҳига мос келувчи ҳис-ҳаяжон гапларнинг сони 27 та эканлиги аниқланди. Иккинчи далил **ажабланиш, ҳайратда қолиш** гуруҳига мос келувчи ҳис-ҳаяжон гаплар адибнинг биринчи асарида 19 тани ташкил қилса, иккинчи асарига 27 тани ташкил этиши аниқланди.

Шунингдек, саккизинчи (танглик) концептуал гуруҳига мос келувчи ҳис-ҳаяжон гаплар ҳар бир асар учун мос равишда олтигатадан тўғри келиши 1-расмда кўринади. «Ой ва сариқ чақа» асаридаги ҳис-ҳаяжон гапларининг 10 та йирик концептуал гуруҳларга мос келувчи гапларнинг умумий сони 127 тани, «Ўткинчи эхтирос» асаридаги ҳис-ҳаяжон гапларининг умумий сони 133 тани ташкил қилиши аниқланди. Адибнинг иккинчи асарида ҳис-ҳаяжон гаплар олтигатага кўп қўлланилгани кўринади. Шундай таҳлилларни иккала асар учун фоизлар кўринишидаги маълумотларни ҳам келтириш мумкин (2-расм).



Ушбу диаграммада энг катта фоиздаги ҳис-ҳаяжон гаплар (27/19 %) иккинчи концептуал гуруҳ (ажабланиш) эмоция гуруҳига мос келиши намоён бўлади. Ушбу маълумотлар умумлаштирилиб, С.Моэмнинг иккита асаридаги ҳис-ҳаяжон гапларнинг

таҳлилий маълумотлари асарни ўқувчилар томонидан осон ўқилиши ва осон тушунилишига олиб келишини таъминлайди.

Адабиётлар

1. William Somerset Maugham. The Moon and Sixpence. Санкт-Петербург, СПб.: КАРО, 2013, 384 с.
2. Сомерсет Моэм. Луна и грош. Перевод Наталия Ман. – М., АСТ, 2010, 640 с.
3. Жаҳон адабиёти журнали. Адабий-бадий, ижтимоий–публистик журнал. – Т., № 1 (104), № 2 (105). www.ziyo.com
4. Уилям Сомерсет Моэм. Ой ва сариқ чақа. Таржимон Р.Иноғомов. –Т., «DAVR PRESS» 2012. –236 б.

O'ZBEK XALQ ERTAKLARINING NEMISCHA TARJIMASIDA MILLIY KOLLORITNING SAQLANISHINI

Karimova D.H. BuxDU katta o'qituvchisi

Kalit so'zlar: millat, ekvivalent, adabiy hayot, adib, ma'naviy qadriyat, realiyalar, ijtimoiy hayot, milliyluk, chaqirim, mavhumlik, muallif

Ключевые слова: нация, эквивалент, социальная жизнь, народный, абстрактный, автор, социальная жизнь, национальность, аннотация, автор.

Key words: nation, equivalent, literary life, writer, moral value, realia, social life, nationalism, mile, abstractedness, author

Annotatsiya: ushbu maqola ertaklarda xos so'zlarning saqlanishi masalasiga bag'ishlangan

Аннотация: данная статья посвящена сохранению оригинальных слов в сказках.

Annotation: this article deals with the preservation of original words in fairy tales

O'zbek xalq ertaklarining nemis tiliga qilingan tarjimalari ayrim ishlarda o'rganilgan. O'zining nomzodlik dissertatsiyasiga asos sifatida asosan o'zbek dostonlarini olgan Y.Nurmurodov qisman ertaklar tarjimasiga ham e'tibor qaratgan. Shuningdek, X.Rahimov va Sh.Salimovlarning "Etti Oqqush" deb atalmish nemis xalq ertaklarining o'zbekcha tarjimasiga yozgan so'ngi so'zlari ham bu boradagi ilk urinishlaridan biri deyish mumkin. Biroq, hanuzgacha ertaklar tarjimasini bo'yicha maxsus tadqiqot mavjud emas.

Keyingi davrda nemis mutarjimlari ertaklarimizni bevosita aslyatdan o'z tillaridan o'girib, ertak tarjimasini an'anasini yangi bosqichga olib chiqdilar. Tarjimaning bu yo'nalishi bo'yicha boy tajriba to'plandi. Bevosita aslyatdan amalga oshirilgan tarjimlarga K.Rayhl, I.L.Sirtaus va Ya.Taubelarning tarjimalarini misol qilib ko'rsatish mumkin. Ertaklarning besovita nemis tiliga o'girilishi ularda aks etgan o'zbekona ruhiyat, ma'naviy qadriyatlar, millatga xos belgilarni tarjima tilida to'la – to'kis ifodalash imkoniyatini yaratdi. Ular orasida Ya.Taubening "Der halbe Kicherling" ("Yarim no'xotcha") to'plami alohida e'tiborga molik. Muallif o'zbek ertaklari xazinasidan eng jozibali namunalarni tanlab, nemis kitobxonlari hukmiga havola qiladi.

O'zbek xalq ertaklarida qo'llagan realiyalarni quyidagicha tasnif qilish mumkin: ismlar (Salimboy, Ziyod Botir, Qamarxon, Olmos botir), o'lchov birliklari (botmon, ser, tosh, chaqirim), cholg'u asboblari (dutor, karnay, surnay), taom va ichimliklar nomlari (chuchvora, kabob, qimiz, kalla sho'rva, osh, palov, sharbat), mansab va unvonni ifodalovchi so'zlar (beklar, boy, xon, hokim, hoqon), diniy atamalar (mulla, domla, madrasa, pir), pul birliklari (tanga), maishiy atamalar (supa, chopon, tandir, surma, ayvon), mifologik atamalar (dev, jin, Eram, yalmog'iz).

Tarjima muallifining to'plam so'ngida keltirgan xos so'zlarga doir izohlari alohida e'tiborga molik. Ayniqsa, o'zbek ismlariga xos bo'lgan – *jon* qo'shimchasi ma'nosining tushuntirib berilishi, uning olmon tilidagi shu ma'noga yaqin bo'lgan – *chen*, *lein* kabi kuchaytiruvchi va erkalovchi qo'shimchalariga mos kelmasligiga oydinlik kiritadi:

Dschon – wörtlich Seele; wird als Ausdruck der Zuneigung und als zärtliche Anrede an Personen angehängt.

Jon – so`zma –so`z ruh. Ehtirom va muloyim muroajaat etilganda kishilar ismiga qo`shib aytiladi).

Muallif tarjimada nemis tilidagi chen qo`shimchasini o`rinli qo`llay bilgan. Masalan, o`zbek tilidagi “otajon”, “buvijon” kabi muroajaat formalarini muallif tarjima tilida “*Väterchen*”, “*Mütterchen*”, “*Grossmütterchen*” kabi ekvivalent formalar yordamida ifodalab to`g`ri yo`l tutgan.

Buvijon, o`g`limga tegma, uning o`rniga tilagan narsangni ol. “*Grossmütterchen, rühre meinen Sohn nicht an! Nimm an seiner Stelle, was du willst*”.

Biroq, muallif o`zbek tilidagi *jon* so`zini izohlar ekan, unga faqat bir tomonlama yondashadi:

Chon – zentralasiatischer Herrshentitel.

Xos atamalarning yana bir ajralmas qismi bo`lgan taomlar nomini ham tarjimon transliteratsiya usulida o`z tiliga o`giradi. Ayniqsa, o`zbeklarning eng yoqtirgan milliy taomi palovni kengroq yoritishga harakat qilgan.

Palow – Nationalgericht verschiedener mittelasiatischer Völker, besteht aus Reis, Hammelfleisch, Zwiebeln und Salz, dazu als Gewürze Kreuzkümmel, Knoblauch und anderes.

(*Palow* – O`rta Osiyo xalqlarining milliy taomi bo`lib, guruch, qo`y go`shti, piyoz, sabzi va tuz bilan tayyorlanadi. Bunga zira, sarimsoq va boshqa ziravorlar solinadi).

Biroq, ertaklar tarjimalarini ko`zdan kechirar ekanmiz, ayrim xos so`zlarni tarjimonlar tomonidan talqin qilib berishda ma`lum ertaklarini birinchilardan bo`lib bevosita asliyatdan olmon tiliga o`g`irgach taniqli olim va tarjimon Karl Rayhl “palov” so`zini quyidagicha ta`riflaydi:

Pilau – gekochter Reis. (Palow – qaynatilgan guruch).

Bu tarjima o`quvchida mazkur taom to`g`risida noto`g`ri tasavvur paydo bo`lishiga sabab bo`lishi mumkin.

O`zbek taomlari sirasiga kiradigan chuchvaraning ham tarjima tilida ifodalanishi alohida e`tiborga loyiq. Yakob Taube uni quyidagicha izohlaydi.

Tschutshwara – Kleine in Fett gebackene Teigtaschen mit einer Füllung aus Hackfleisch.

(*Chuchvara – yog`da dimlangan qiyma go`sht bilan to`ldirilgan kichkina xamir tugunchalar*).

Izohda chuchvarani ***Teigtasche*** so`zi yordamida ifodalanib, muallif to`g`ri yo`l tutgan. Biroq, uning yog`da dimlab pishirilishi taom haqida bir tomonlama tasavvur paydo bo`lishiga olib keladi. Binobarin, qiymali chuchvara yog`da deyarli kamdan – kam qovuriladi. Mazkur so`z ishtirok etgan kontekstni ko`zdan kechirsak:

Onasi taraddudga tushibdi. Kampir patir yopibdi, bola qo`yni suyibdi. Onasi sho`rva, chuchvara, dimlama pishiribdi.

Die Mutter begann mit den Vorbereitungen, sie buck Fladenbrot, und der junge schlachtete das Schaf.

Dann kochte die Mutter Schurva und dämpfte Tschutshwara. Bu erda tansiq taomlaridan biri hisoblanadi. Shunday qilib, asliyatda kelajak mehmon uchun uch xil taom tayyorlansa, tarjimada u ikkitaga tushib qoladi.

Xos so`zlarni tarjima qilishda muallif so`zma – so`z o`girish usulidan ham foydalangan. Bu usuldan foydalanish ko`p o`rinlarda ijobiy ahamiyatga ega bo`lsa, ayrim o`rinlarda ba`zi bir chalkashliklarni keltirib chiqargan. Chunonchi, quyidagicha misolda esa – jon qo`shimchasi nemis tiliga noto`g`ri o`girilgan:

“*Maynajon, juda yaxshi sayradinglar*”, - *deyishib, unga mushtday paxta otishgan ekan, mayna paxtani ilib olib, uzoq – uzoqlarga uchib ketibdi.*

“*Meina – Seelchen, du hast sehr schön gesungen und warfen ihm einfaustgross Stuck Baumwolle zu*”.

Mutarjim «-jon» qo`shimchasini mustaqil so`z sifatida tushunib, uni o`z tilidagi *Seelchen* (*ruhjon*) so`zi bilan ifodalaydi. Xolbuki, bu erda hech qanday ruh haqida so`z bormaydi. To`g`ri,

ertakdagi mayna oddiy mayna emas, balki yosh bola ruhining ko`rinishi. Bunga ertak avvalida ishora qilingan. Lekin bu yerda qizlar maynani erkalatib yupatib murojaat qilishgan. Bizningcha, “Maynajon” so`zini ismlarga o`xshab, “Mainadshon” shaklida o`girilganda maqsadga muvofiq bo`lardi.

Xulosa o`rnida shuni aytish mumkinki, Yakob Taubening ertaklar to`plamining tarjima qilinish uslubi, undagi o`zbekona ruhiyatning saqlab qolinishi bilan avvalgi tarjimalardan ajralib turadi. Ayniqsa, muallifning milliy xos so`zlarni nemis tilida qayta yaratishda qo`llagan tamoyillari kelgusidagi tarjimalar uchun ham amaliy ahamiyatga ega.

Adabiyotlar

1. Файзуллаева Р. Национальный колорит и художественный перевод. Ташкент, 1979.
2. Етти оккуш. Тошкент, 1991.
3. Usbekische Märchen. Herausgegeben und übersetzt von Karl Reichl. Bochum, 1978.
4. Нурмуродов Й. Ўзбек фольклори немис тилида. Тошкент, 1987.
5. Märchen der Usbeken: Samarkand, Buchara, Taschkent. Herausgegeben und übersetzt von I.L.Cürtautas. Köln, 1984.
6. Der halbe Kicherling. Übersetzt von Jakob Taube. Leipzig, 1990.

А. ОРИПОВ ВА Э. ВОҲИДОВ ШЕЪРИЯТИДА ЁЛҒИЗЛИК ТАЛҚИНИ

Киличева М. Р. БухДУ

Калит сўзлар: ёлғизлик, танҳолик, руҳият, ҳолат, персонаж

Ключевые слова: одиночество, психика, состояние, персонаж

Key words: loneliness, solitude, psyche, spirit, episode

Аннотация. Мақолада ўзбек адабиётининг забардаст шоирлари Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов ижодида ёлғизлик мотиви талқини хусусида сўз боради.

Аннотация. В статье рассматривается толкование одиночества в произведениях известных узбекских литературных поэтов Абдуллы Арипова и Эркина Вохидова.

Annotation. The article discusses the interpretation of loneliness in the works of famous Uzbek literary poets Abdulla Aripov and Erkin Vohidov.

Ёлғизлик инсон руҳиятига хос туйғу бўлиб, инсон баъзи муаммоларни ечиш учун ёлғиз қолишни истаса, аксарият ҳолларда ёлғизлик унинг учун энг оғир жазо ҳисобланади. Зеро инсон ижтимоий ҳаётда яшар экан, одамлар орасида бўлишни, уларга суянишни ёки суянчиқ бўлишни хоҳлаши табиий. Оллоҳ бандасини ёлғиз эмас, жуфт қилиб яратганида ҳам ҳикмат бор. Ўзбекисон халқ шоири ва Ўзбекистон Қаҳрамони А.Ориповнинг “Ёлғизлик” шеърида танҳолик фақат Оллоҳга ва Унинг томонидан яқка яратилганларгагина хослиги бадий талқин этилган:

Кўкда ой кезади бесару сомон,
Йироқ замин узра ташлаб ҳорғин из.
Мана, ўтса ҳамки неча минг замон,
Кўкда ой танҳодир, кўкда ой ёлғиз.
Одамлар моҳтобга яйраб қарашар,
Ёлғизлик негадир ойга ярашар¹.

Дарҳақиқат, ой шерикка муҳтож эмас, унинг тенги йўқ. Шунинг учун унга ёлғизлик ярашади, унинг ўрнини миллион юлдузлар ҳам босолмайди. Шу боис шоирлар кўпинча маъшукани ойга ўхшатадилар: ой каби тенгсиз, минглаб қизлар ичра ягона, боққанида ошиқнинг кўнглини ёритади. Бироқ унга ёлғизлик ҳисси бегона, у ошиғи билан бахтиёрлик ҳиссини туйишга муносиб.

¹ Орипов А. Танланган асарлар. I жилд. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б.205.

Ўзбек халқ ижодидаги космогоник қарашларга асосланган мифларга кўра, Ой ва Қуёш бир замонлар бирга яшашган бўлиб, юлдузлар уларнинг фарзандлари бўлишган. Кунларнинг бирида улар аразлашиб қолиб, Ой болаларини олиб кетиб қолган экан. Шундан буён Қуёш кундузлари тонгдан шомгача шарқдан ғарбгача кезиб уларни излар, ўшандан буён қисматига ёлғизлик битилган экан. А. Ориповнинг юқоридаги шеъри тахлили давомида ана шу мифга ишора борлигини сезамиз:

Кўкда қуёш кезар , у мунис она,
Миллиард юлдузларнинг шамси талъати.
Юлдузлар бўлса ҳам гарчи парвона,
Ёлғизлик бўлибди лекин қисмати.
Ҳар нечук офтобнинг йўриғи бошқа,
Ёлғизлик ярашар она қуёшга.

Муқаддас китобларда Оллоҳни ҳеч ким яратмаган (туғмаган) ҳам, Ундан ҳеч ким туғилмаган ҳам, дейилади. У бир ва бордир. Шунинг учун халқда “Ёлғизлик фақат худога ярашади” деган нақл бор.

Боболар гоҳида ўкинчда қолиб,
Шоҳларнинг номига нома битганлар.
Инсонлик шарафин хотирга олиб,
Тангрининг ёдини зикр этганлар.
Деганлар боқишиб сирли самога:
- Ёлғизлик ярашар фақат худога.

Ёлғизлик одамзод учун бахт эмас, дарддир. Одам тафтини одам олади. Шу боис шоир дўстларга мурожаат қилиб, ҳақиқатдан ҳам дўст бўлсангиз, дўстингизни эсга олиб, йўқлаб туринг, дея хитоб қилади. Инсонлар бир-бири учун гиёҳ ва нур кабидир. Нурсиз гиёҳ нобуд бўлгани сингари ҳамдардсиз ва ҳамхонасиз киши ҳам қалбан ҳалок бўлади. Буни шоир қуйидаги мисралар орқали ифодалайди:

Мен на ой, на қуёш, на ер, на само,
Шуълага интизор гиёҳдай ўсдим.
Ёлғизлик ҳасратин тортмайлик асло,
Бор бўлсанг, мени ҳам ёдга ол, дўстим.
Ёлғизлик ҳасратин кўрсатма, тақдир,
Ёлғизлик инсонга ўлим-ку, ахир...

А.Ориповнинг “Ёлғиз одам” деб номланган яна бир шеъри борки, унда кимсасиз, ёлғиз, яқинлари, дўстлари бўлмаган кишининг қисмати ачинарли эканлиги очиқ-ойдин айтилган:

Қийин, сенга, қийин,
Жуда ҳам қийин,
Саломингга биров алик олмаса.
Вақт-соатинг етиб, ўлганингдан кейин,
Бошингда бир кимса фарёд солмаса.
Чиндан ҳам севмасанг ёруғ оламини,
Дилдаги арзингни кимга очурсан.
Балки шу сабабдан, жами одамни,
Озурда қилишга шошурсан...¹

Инсон атрофига инсонларни унинг яхши феъли ва амаллари йиғади. Агар инсон бадфеъл ва ғаразли амалларга мойил бўлса, кишилар ундан қочади ва у ёлғизликка маҳкум бўлади. Яна бир тоифа кишилар борки, улар табиатан одамови бўлади ва шунинг учун дўстлари, суҳбатдошлари бўлмайди. Шоир ана шундайларга қийинлигини таъкидламоқда. Улар билан дардлашадиган бировнинг йўқлиги сабаб ичларидаги андуҳдан қутулиб, енгил тортишнинг имконини тополмайдилар ва бу нарса феълларига ўтиб, ўзгаларнинг дилини оғритадилар. Алал оқибат бу каби кимсалар яна ёлғиз қоладилар.

¹ Орипов А. Танланган асарлар. I жилд. – Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б.84.

Инсоннинг дўстлари қанчалик кўп бўлса, хавф-хатардан шунчалик холи бўлади. Чунки уни ҳимоя қиладиган, қўллаб-қувватлайдиган, қийин дамда ёрдамга ошиқадиган ва ҳатто ўлим чангалидан олиб чиқишга тайёр турадиган унинг дўстларидир. А.Ориповнинг “Ёлғиз аскар” шеърида мана шу ҳикмат қуйидагича ҳикоя қилинган:

Ботир кўкрагидан ўк еди бир кун,
Во орқам! – дедию тортди чўнг наъра.
Ёв тараф сўради: - Орқам, деб нечун
Оҳ чекдинг, кўксингдан очдик-ку яра.
Ботир шивирлади: мен – ёлғиз аскар,
Йўкса, устимга от сололмасдингиз.
Орқамда дўстларим бўлганда агар
Кўксимни нишонга ололмасдингиз¹.

Дарҳақиқат, оғир йўлда ҳамроҳнинг бўлиши муҳимдир, у йўлчининг орқасидаги тоғи, кўксидаги қалқони вазифасини бажаради. “Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас”, “Кўпдан қуён қочиб қутулмас” деб бежиз айтилмаган, албатта. Шоир талқинидаги аскар ҳам ёлғиз бўлмаганида эди, яраланмасди ва ҳалок бўлмасди, балки.

Ушбу шеърда гарчи ёлғизлик ҳисси эмас, майдонга якка чиққан шахс ҳақида сўз юритилган бўлса-да, мантиқан ёлғизлик туйғуси ҳам руҳий ўлимга элтади.

Ўзбекистон халқ шоири ва Қаҳрамони Э. Воҳидовнинг “Ёлғизлик истаги” шеърини ўқиб, бунга янада тўлиқ ишонч ҳосил қиламиз:

“Мени ёлғиз қўйинг, дўстларим,
Чарчаганман, ором олайн.
Бугун менга керакмас ҳеч ким,
Ўзим билан ёлғиз қолайин.

Истамайман, безовта қилманг,
Менсиз ўтсин бугунча гурун.
Бир кунгина қошимга келманг.
Бир кунгина чақирмай турун.

.....
Ёлғиз қўйинг мени, дўстларим,
Чарчаганман,
ором олайн.

Бугун менга керакмас ҳеч ким,
Ўзим билан ёлғиз қолайин”.

Эй дўстларим,
бир замон келиб.

Шундай сўзлар учса лабимдан,
Сиз ишонманг соддалик қилиб,
Чиққан бўлмас бу сўз қалбимдан.

Юр, денг мени ўшандай дамда,
Қулоқ солманг, сўзларим ёлғон.
Ёлворсам-да,

фарёд солсам-да,
Ёлғиз қўйманг мени ҳеч қачон.

Токи ҳеч вақт эшикка танҳо
Термулмасин маъюс кўзларим.
Майли,

мени ўлдирун,

¹ Орипов А. Ишонч кўприклари. – Т.: Ф.Ғулом, 1989. – Б.204.

аммо

Ёлғиз қўйманг сира, дўстларим¹.

Демак, ёлғизлик инсон учун ўлимдан ҳам даҳшатли ва кўрқинчли ҳис экан, одамзод эшикка термулиб, бировнинг йўлига, ширин сўзи ва малҳамига муҳтож бўлиб яшайдан ўлимни афзал кўриши шубҳасиз. Шу боис боболаримиз бизни ҳар доим бир-биримизга оқибатли ва дарддош бўлишга, бир-биримизнинг ҳолимиздан хабар олишга, айниқса, кекса ва ёлғиз, бемор ва муҳтож кишиларни йўқлаб туришга чақирадилар. Токи улар ёлғизлик ҳиссини туйишдек дардга дуч келмасинлар.

MODERNISM IN WILLIAM BUTLER YEATS' POETRY

Khamdamova S.B. BSU

Калит сўзлар: modernizmning o'ziga xos xususiyatlari, simbolizm, she'riy tahlil, she'riy shakllar, individual uslub.

Ключевые слова: характерные черты модернизма, символизм, поэтический анализ, поэтические формы, индивидуальный стиль.

Key words: characteristic features of modernism, symbolism, poetry analysis, poetic forms, individual style.

Аннотация. Ушбу мақоланинг мавзуси У.Б.Йейтс шеърлятидаги модернизм, ундаги рамзларни шарҳлаш, муаллифнинг интеллектуал ҳолати билан боғлиқларни ўрганиш. Мақолада Йейтснинг ижодий услуби, шеърлятида модернизмнинг поэтик ва психологик хусусиятлари таҳлил қилинган.

Аннотация. Предметом нашей работы является модернизм в поэзии Уильяма Батлера Йейтса, интерпретация его символов, связь с интеллектуальным состоянием авторов. Целью написания этой работы является изучение творческого пути, стиля Йейтса, а также анализ поэтических и психологических особенностей модернизма в его поэзии.

Annotation. The subject of our work is modernism in William Butler Yeats' poetry, interpretation of its symbols, connections with authors' intellectual condition. The aim of writing this work is to study Yeats' creative way, style, and to analyze the poetical and psychological peculiarities of modernism in his poetry.

William Butler Yeats was one of the modern poets, who influenced his contemporaries as well as successors. By nature he was a dreamer, a thinker, who fell under the spell of the folklore and the superstition of the Irish peasantry. He felt himself as stranger in the world of technology and rationalists. He was a prominent poet in modern times for his sense of moral wholeness of humanity and history. Yeats wrote both poetry and plays. His early plays were focused mainly on interpreting Irish legends and his own personal spiritual beliefs.

Later in his life, his work took a turn, becoming more experimental and poetical. He began writing in ordinary speech rhythms, using ordinary vocabulary. He started to write about the life of the city, particularly he started to write about the savage realities of the Irish Revolution. He became to create work that presented his anti-nationalist views, and he was appointed to the Irish Senate in 1922. He was awarded the Nobel Prize for Literature in 1923. During the last 16 years of his life, from 1923-1939, Yeats published a number of volumes of poetry, containing what is now considered his best works [1; 23].

Yeats is known for the contradictions in both his life and work, particularly between his romanticism and his modernism. He saw himself as one of the last romantics, but is also situated as part of the modernist movement as well. His identification with Romanticism is evident in his work through elaboration of Irish myth and legend, the supernatural and pastoral themes. "The Lake Isle of Innisfree" (1890) is a poem that is connected to this period, where idealizes a small island of his youth as a place of escape.

¹ Вохидов Э. Сайланма. Биринчи жилд. Ишқ савдоси. - Т.: Шарқ, 2000. - Б.34.

Most of Yeats' poetry used symbols from ordinary life and from familiar traditions, and much of his poetry in the 1890s continued to reflect his interest in Irish subjects. During this decade he also became increasingly interested in poetic techniques. As a poet of the Celtic Twilight he wrote poems about the countryside, or about mythical heroes, or about frustrated love - all in a suitably refined vocabulary and grammar [3; 46].

Then Yeats quite suddenly decided that he didn't want to write pretty poems anymore - he wanted to write realistic poems: poems as urgent and as uncluttered as a newspaper article. He even wrote a poem about his decision - "A Coat". But to see the difference between a traditional and a modernist poem from Yeats, it would be better to compare "He wishes for the cloths of heaven" with "The Second Coming". In the first poem a disappointed lover whines gracefully about how very sad he is. And in the second poem Yeats prophesies that fascism will be both an exhilaration and a disaster for Europe [1; 31].

Yeats wanted poetry to engage the full complexity of life, but only the individual poet's imagination had direct access to experience or thought and only those materials were transformed by the energy of artistic articulation. He was, from first to last, a poet who tried to transform the local concerns of his own life by embodying them in the resonantly universal language of his poems. His brilliant rhetorical accomplishments, strengthened by his considerable powers of rhythm and poetic phrase, have earned wide praise from readers and, especially, from fellow poets.

Yeats started his long literary career as a romantic poet and gradually evolved into a modernist poet. When he began publishing poetry in the 1880s, his poems had a lyrical, romantic style, and they focused on love, longing and loss, and Irish myths. His early writing follows the conventions of romantic verse, utilizing familiar rhyme schemes, metric patterns, and poetic structures. Although it is lighter than his later writings, his early poetry is still sophisticated and accomplished. Several factors contributed to his poetic evolution: his interest in mysticism and the occult led him to explore spiritually and philosophically complex subjects.

Yeats' frustrated romantic relationship with Maud Gonne caused the starry-eyed romantic idealism of his early work to become more knowing and cynical. Additionally, his concern with Irish subjects evolved as he became more closely connected to nationalist political causes. As a result, Yeats shifted his focus from myth and folklore to contemporary politics, often linking the two to make potent statements that reflected political agitation and turbulence in Ireland and abroad. Finally, and most significantly, Yeats' connection with the changing face of literary culture in the early twentieth century led him to pick up some of the styles and conventions of the modernist poets. The modernists experimented with verse forms, aggressively engaged with contemporary politics, challenged poetic conventions and the literary tradition at large, and rejected the notion that poetry should simply be lyrical and beautiful. These influences caused his poetry to become darker, edgier, and more concise. Although he never abandoned the verse forms that provided the sounds and rhythms of his earlier poetry, there is still a noticeable shift in style and tone over the course of his career.

The poetry of Yeats would be more permanent and enduringly popular, because it is more coherent, and more traditional than that of his other great contemporaries. His poetry deals with a variety of themes ranging from ancient legend, mythology, folklore, politics, history, love and constantly creates new myths of his own. His work is uniformly good and his creations are quite extensive and he writes with ease on themes adopted from every sphere of life. The sustained and continuous development of art and genius is the chief point in Yeats's poetry. The period of poetic activity in his case extended over fifty years, and during this long span of time he was constantly maturing and growing different from what he was at the beginning. There is no sudden change or break in continuity, but a slow evolution, and the seeds of the future are to be found in what has gone before. The seeds that are sown in the earliest phase gradually sprout and come to fruition in his later phase of poetry. Moreover *The Collected Poems* form an organic whole where each poem lights up its predecessor and is in turn illuminated by its successor. All obscurities disappear if Yeats' poetry is read as a whole, and such reading gives an aesthetic pleasure, such as is derived from the writings of even a few of the greatest poets.

According to analysis of Yeats' poetry we can include following characteristics of modernism in it:

- *demotic language* (not poetic language);
- *political subject matter* (not rural subjects);
- *strong language and violence*, where these are appropriate to the subject matter (no attempt to make everything aesthetically pleasing in a poeticized vision of loveliness).

From these assumptions we can conclude that Yeats wasn't just an old conservative poet. He truly believed in the ability of old forms to modify themselves for the new challenges and possibilities of his modern world. After you read any of his poems you'll see that this was a pretty huge theme in his poetry, as well. Where other modernists broke down poetic forms completely, Yeats tried to breathe new life into an aging shell.

List of used literature:

1. Muhammad Azam, "W.B. Yeats – is a modern poet", Education, 2011.
2. Bornstein, George. Material Modernism: The Politics of the Page. New York: Cambridge University Press, 2001.
3. Chaudhry, Yug Mohit. Yeats, the Irish Literary Revival and the Politics of Print. Cork, Ireland: Cork University Press, 2001
4. <http://www.cs.rice.edu/~ssiyer/minstrels/poems/597.html>
5. <http://www.artofeurope.com/yeats/yea11.htm>

С.С.БУХОРИЙНИНГ ГЁТЕ ИЖОДИДАН ТАРЖИМАЛАРИДА АСЛИЯТНИНГ САҚЛАНИШИ

Маҳмудова М.М. БухДУ катта ўқитувчиси

Калит сўзлар: адиб, таржимон, девон, адабиётшунос, мутафаккир, Қуръон, инсонпарварлик, Шарқ, таҳлил, талкин, адабиётшунослик, тафаккур, маданият.

Ключевые слова: писатель, переводчик, диван, литературовед, мыслитель, Коран, человеколюбие, восток, анализ, проповедь, литературоведение, мышление, культура.

Аннотация. Ушбу мақолада буюк немис адиби Йохан Вольфганг Гёте ижодидан Шарқнинг таъсири ва у яратган асарларда Шарқ ва ислом мавзусининг ўрни, ҳамда буюк адиб ижод намунаси бўлган "Ғарбу Шарқ девони" ҳақида, ҳамда ушбу девоннинг С.С.Бухорий таржимасида келтирилган Шарқ ва ислом мавзуларининг ифодаланиши ҳақида сўз боради.

Аннотация. В данной статье речь идет о влиянии Востока в творчестве Йогана Гёте и о месте исламской темы и Востока в его произведениях, также о, являющимся образцом его творчества, произведении «Диван Запада и Востока», о выражении исламской темы и Востока, приведенные в переводе данного дивана С.С.Бухарий

Annotation. In this article, the main item is concerned about the huge impact of the Orient on the works of great german author Ioan Wolfgang and the place of religion subject and the Orient in his works, as well as his masterpiece called "Ġarbu Sharq devoni" and description of The East and Islamic matters which are given in the translated version of this book by S. S.Bokhari.

Жаҳон адабиётининг ёрқин сиймоларидан бири Йохан Вольфганг Гёте 1749 йил 28 августда Франкфурт-майн шаҳрида таваллуд топиб, 1832 йил 22 мартда Веймар шаҳрида 83 ёшида вафот этган. Унинг оиласи ўз даврининг бой ва ҳурматли хонадонларидан саналган. Ёш Гётенинг етук шахс сифатида камол топишида онасининг таъсири кучли бўлган. Унинг қизиқарли мавзуларда айтиб берган эртақлари ёш ижодкорни илҳомлантиб, шеърятга бўлган ҳавасини ортирган.

Гёте ўзи яшаган даврдаги зодагон фарзандлар қатори мактабда таълим олмай, уйда шахсий устоздан таълим олган. У дастлаб Лейпцигда, кейинчалик эса Страсбургда юридик соҳада таълим олган. Бундан ташқари, у табиатшунослик ва тиббиёт соҳаларида ҳам билим

олиб, етарли малакага эга бўлган. Гёте ҳаётининг уч йилини Лейпцигда ўтказган ва бу ерда унинг машҳур лирик шеърлар тўплами вужудга келган.

Шарқ халқлари маданияти, айниқса, исломий мавзулар, Куръон бағридаги инсонпарварлик ғоялари Гёте ижодига таъсир кўрсатган асосий манбалардан бири ҳисобланади. Шу боис, унинг ижодида шарқона мавзулар, исломий қарашларни тарғиб қилиш етакчилик қилади. Шарқнинг буюк шоирлари Фирдавсий, Фаридиддин Аттор, Румий, Низомий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий каби дарғалари номининг шоир асарлари бағрида учраши ҳам унинг шарққа бўлган муҳаббатидан дарак беради.

Гёте ижоди бўйича ўзбек адабиётшунослигида талайгина тадқиқотлар амалга оширилган ва гётешуносликка асос солинди. Жумладан, ўтган асарнинг 20-йилларида Чўлпон, Ойбек, Шайхзода каби шоирлар Гёте асарларини ўзбек тилига таржима қилишни бошлаган эдилар.

Мамлакатимизда ўзига хос таржимашунослик мактаби яратилган. Устоз (рахматли) Ғайбулла ас-Салом раҳбарликларида анчагина илмий даражали мутахассислар тайёрланди. Ўзбекистон қаҳрамони, устоз шоир Эркин Воҳидов буюк «Фауст» асарини (1972-1975) ўзбек тилига тўла таржимасини яратиш билан бошлаб берган бўлса, Пошали Усмон орадан 22 йил ўтгач, ушбу асарни бевосита олмон тилидан ўзбекчага қайта таржима қилди. Олима таржимонимиз Янглиш Эгамова Гётенинг «Ёш Вертернинг изтироблари» (1975) эпистоляр кассасини аслиятдан ўзбекчага ўгирди.

Таниқли шоир, тарихчи ва тасаввуфшунос олим, етук таржимон Садриддин Салим Бухорий «Ғарбу Шарқ девони»ни (1985-1990) немис тилидан бевосита ўзбек тилига таржима қилиб, шу асар матни ва унга оид илмий тадқиқодларини ягона китоб ҳолида ўқувчиларга тақдим этишини адабиётшунослигимизнинг катта ютиғи сифатида эътиро қилиш мумкин.

«Жаҳон адабиёти» адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журналининг 2012 йил январ сониди машҳур олмон олимаси, фан доктори, профессор Катарина Момтсен қаламига мансуб «Гёте ва ислом» номли рисоласи юртдошларимиз – таниқли олмоншунос олим, профессор Мухторхон Умархўжаев ва у кишининг ҳамкасби Иброҳимжон Жабборов билан ҳамкорликда олмон тилидан бевосита ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр қилиниши гётешуносликка қўйилган муносиб ҳиссадир.

Гёте исломнинг муқаддас китобини бир умр қалбан мутолаа қилган. У тақдири азал таълимотига катта эътиқод қўйган эди. Шоирнинг ўзи ислом динининг асосий таълимотига ихтиёрий амал қилиб яшаган. Унинг фикрича, ислом таълимотида камчилик йўқ, бу шундай буюк андозадирки, уни ҳар ким ўзига ва бошқаларга тадбиқ этмоғи лозим.

Гёте исломий таълимот ва Куръонни ўрганиш натижасида унинг қатор асарлари дунё юзини кўрди. Мана шундай асарларидан бири «Муҳаммад» деб номланади. Гарчанд режалаштирилган асар нашр этилмай қолган бўлса-да, тўпланган материаллар ҳозиргача сақланиб қолган. Асардан ўрин олган боблар сирасида «Муҳаммад кўшиғи» киши эътиборини тортади. У дастлаб Али ва Фотима дуэти шаклида ёзилган. Бу кўшиқ шоирнинг Муҳаммад алайҳиссалом шахсига бўлган юксак муҳаббат ва ҳурматини ифодалайди. У башариятнинг руҳий йўлбошчиси ва дину диёнат асосчисининг фитратини буюк олим сифатида акс эттиради. Бундай ташбеҳ шоирга ўз қаҳрамонини кичик ирмоқлардан бошланиб, улкан дарёлар билан қўшилиб буюкклашгач, уммонлар каби улкан ва қудратли зот, рамзий маънода ифода топган Худога томон интилаётган шахс тимсолида тасвирлаш имконини берган.

Гётенинг асарлари орасида 1814-1815 йилларда ёзишни бошлаган ва илк бор 1819 йилда, 70 ёшида нашр эттирган «Ғарбу Шарқ девони» ҳеч шубҳасиз, алоҳида ўрин тутди. Бу «Девон» Шарқу Ғарб адабиётининг синтези (И. Брагинский), Мағрибнинг Машриққа саломи (Ҳайне), олмон мутафаккирининг Шарққа бўлган улкан эътироми, ихлоси нишонасидир. «Ғарбу Шарқ девони» Германияда биринчи бор чоп этилганда, китобнинг

ўнг муқовасида араб имлосида «Ад-Девони Шарқи-ю лил муаллифи Ғарби» (Ғарблик муаллифнинг Шарқона девони) ёзуви бўлган.

Ўша даврда Ғарбдаги ижтимоий давлат тузуми янгидан-янги мураккабликларни келтириб чиқараётган, таназзулга юз тутаётган бир шароитда, ўзи нафас олаётган мухитда маънавий тиргак бўлгулик бирор нарса тополмаган Гёте хаёлан Шарққа ҳижрат қилади, Шарққа “қочиб кетади”, яъни Шарқ шеъриятидан илҳом олади ва “Ғарбу Шарқ девони”ни ёзиш билан машғул бўлади. Бу асар ҳам шаклан, ҳам мазмунан Ғарб ва Шарқ адабий анъаналарини ўзида мужассамлаштирган, бошқача айтганда, унда икки маданият ва икки адабий минтақа ўзаро синтезлашган. Гётенинг руҳиятида Шарқ олами бор. Унинг таъбирича, жаҳон шеъриятида етти юлдуз деб унинг ўзи эътироф этган даҳоларнинг ҳаммаси Шарқ шоирларидир. Шарқ оламидаги мана шу етти юлдуз қаторида Саъдий, Ҳофиз ва Навоийни санар экан, Гёте: “Мен уларнинг соясига ҳам арзимайман” деб таъкидлайди.

Шоирнинг «Ғарбу Шарқ девони» бутун борлиғи билан ислом мухити ва фикрлар олами билан йўғрилган. Ушбу асар Гётенинг Қуръонни ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг таржимаи холини ўрганиш билан кўп йиллар машғул бўлганидан, исломнинг бевосита кучли таъсири остида ижод қилганидан далолат беради. Шоир: «Ҳар қандай тақдир Худо иродаси ила содир бўлади», деган хулосага келади.

Гётенинг «Такводор мардлар» шеъри 1815 йили бевосита Қуръон оятлари ва бошқа ҳадислардан руҳланиб яратилган. У «Мумтоз аёллар» (1815), «Эъзозланган ҳайвонлар» (1815) шеърларини турли манбалардан фойдаланиб битган. Гётешунослар фикрича, «Эъзозланган ҳайвонлар» номлари рўйхатига Нуҳ алайҳиссаломнинг кабутари, Иброҳим Халилуллоҳнинг Исмоил ўрнида қурбонликка сўйган кўчқори, Сулаймон худҳуди, муқаддас Журайж (Георг) оти, Муҳаммад, алайҳиссаломнинг туялари сиғмай қолган. Мазкур шеърдаги мушук Аби Ҳурайранинг мушуги бўлиб, пайғамбар алайҳиссалом уни силаб ўтиришни хуш кўрганлар. Абу Ҳурайранинг асл исми Абдурахмон. Абу Ҳурайра эса - куня, яъни Мушукнинг отаси, дегани.

Хулоса. Йохан Вольфганг Гётенинг "Ғарбу Шарқ девони" яратилганига 200 йилча вақт ўтган бўлса-да, унинг асарларида илгари сурилан ўлмас ғоялар бугун учун ҳам долзарб ва ҳамоҳангдир.

Зеро, адиб асарларида илгари сурилган дунё халқларини бир-бирига яқинлаштириш, дўстликда, тинч-тотувликда яшаш, муаммоларни қурол билан эмас, маърифат, ақл-идрок ва адолат билан ҳал қилиш ғояси нафақат ўз даври учун, балки бугунги мафкуравий кураш тобора кескинлашиб бораётган кунда ёшларни ёвуз таъсирлардан ҳимоя қилиш учун ҳам катта аҳамият касб этади. Гёте асарлар орқали тарғиб қилинган ғоялар эса унинг номини мангуликка муҳрлади. Шоирнинг ўзи ёзганидек:

Байтлар тирик қолгай фақат

Мангу муҳаббат янглиғ.

Хулоса қилиб айтганда, Гётенинг “Ғарбу Шарқ девони”да илгари сурилган умумбашарий ғоялар Европа халқлари маданиятининг шаклланишига, жамиятдаги ахлоқий ва маънавий турмуш тарзини яхшилашга беминнат хизмат қилган, десак хато бўлмас.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Йохан Вольфганг Гёте. “ҲИКМАТЛАР” Мирзаали Акбаров таржимаси. 2010 й. (9-133)
2. Йохан Вольфганг Гёте. “Заковат дурдоналари” Мирзаали Акбаров таржимаси. 2010 й. (26-256)
3. С.Азимов. “Гётенинг шарққа эҳтироми” 2011 й. (2-3)
4. Саидумар Сайдалиев, Зоҳиджон Содиков. “Гёте мусулмон бўлганми” “Маърифат гулшани” газетаси 23 апрел 2012 й.
5. С.С.Бухорий таржимаси. “Ғарбу Шарқ девони” Тошкент 2010 йил (6-162)
6. Н.Комилов “Тафаккур карвонлари”. Тошкент 1999 йил (14 - 289)

7. Иоганн Вольфганг Гёте. “Ёш Вертернинг изтироблари” роман. Тошкент “Янги аср авлоди” 2006 йил. (53-220)

«ХАМЛЕТ» АСАРИ ТАРЖИМАЛАРИ ХУСУСИДА

Мизрабова Ж.И., Бахронова М.А. БухДУ

Калит сўзлар: трагедия, таржима, аслият, Шекспир драмалари, инглиз тили, таржимон, адабиётшунос

Ключевые слова: трагедия, перевод, оригинал, драмы Шекспира, английский язык, переводчик, литературоведы

Key words: tragedy, translation, original, Shakespeare’s dramas, English language, translator, specialists in literature

РЕЗЮМЕ. Мақолада Уильям Шекспирнинг “Хамлет” трагедиясининг ўзбекча таржималари хусусида фикр юритилади. Ишимизда мазкур асарни ўрганиб инглиз адабиётидан ўзбек тилига таржималарининг бевосита ва бавосита турлари ўртасидаги тафовутлар ҳамда, инглиз назмини ўзбек тилига ўгириш жараёнида мазмун ва шакл яхлитлигини қайта яратилиш усулларитадқиқ этилган. Уильям Шекспир асарларининг янги бевосита ва аввалги бавосита таржималари ўзаро чоғиштирилади, тасвирий воситалар ва шеърый шаклларни таржимада қайта тиклаш масалалари ўрганилган.

В этой статье ведутся рассуждения относительно переводов трагедии Уильяма Шекспира “Гамлет” на узбекский язык. Изучив данное произведение в нашей работе исследуются различия между опосредствованными и непосредственными переводами с английского, а так же, способы воспроизведения содержания и формы английской поэзии. Сопоставляя новые непосредственные и ранее выполненные опосредствованные переводы выявляется проблематика воспроизведения художественных средств и поэтических форм произведений Уильяма Шекспира.

In this article are learned the Uzbek translations of the tragedy “Hamlet” by William Shakespeare. In this research work are studied distinctions between direct and indirect translations done from English and ways of recreating of the form and content of English poetry. Comparing newly done direct and former indirect translations, are observed problems of recreating of literary devices and verse forms by William Shakespeare.

Истиклол йилларига келиб, илгари воситали тил орқали таржима қилинган асарларни эндиликда аслиятдан ўгириш кенг тус олмакда. Чунки таржима авлодлар эстафетасидир.¹ XX аср ўзбек адабиёти ва адабиётшунослигида анчадан бери орзу бўлиб келган нодир бир ҳол содир бўлди, яъни Шекспир асарлари илк бор бевосита, аслиятдан ўзбек тилига таржима қилинди. Бу халқимиз ҳаёти ва маданиятида муҳим, келажак авлодлар миннатдорчилик билдирадиган, ҳар қандай мақтовга арзийдиган воқеадир. Буни Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол амалга оширди.

Шекспир асарларининг Максуд Шайхзода томонидан рус ва ўрни билан озарбайжон тиллари воситасида амалга оширилган таржималари ҳам ҳали лисоний жиҳатдан эскириб улгурмаган.

”Хамлет” - том маънода поэтик драматир. Шекспир трагедиясининг заминиде оламга поэтик назар ётибди. Ҳаттоки, табиат ҳам Шекспир ва унинг қахрамонлари кўз ўнгида поэтик жилваларда намоён бўлмоқда, унда фантастика ва мўъжизалар бисёрдир. Трагедия ҳам мўъжизавий бир тарзда, Арвоҳнинг пайдо бўлиши билан бошланади. Бу ғайри табиий ҳолат соқчиларни ҳаяжонга солади ва улардан бири Марцелл шундай дейди:

Marcellus

It faded on the crowing of the cock

Some say that ever: gainst that season comes

Wherein our Saviour’s birth is celebrated,

¹ Саломов Ғ. Адабий анъана ва бадиий таржима. - Тошкент: Фан, 1980. -Б.178. 61 б.

The bird of dawning singeth all night along;
And then, they say, no spirit dare stir abroad,
The nights or wholesome, then no planets strike,
No, fairy takes, nor witch hath power to charm,
So hallow'd and so gracious is the time.

Марцелл:

Хўроз қичқириғи билан сўниб борар у,
Дейдиларки, ҳар йил худди қиш палласида,
Пайғамбарнинг таваллуди арафасида
Тиним билмай қичқирармиш тун бўйи хўроз.
Рухлар эса шўхлик-шумлик қилмасмиш сира,
Сайёралар боқар эмиш сокин, меҳрибон.
Инсу жинслар маҳрум бўлиб сеҳру амалдан,
Эзгуликка чўмиб, аста кечармиш даврон. (Жамол Камол таржимаси)

Марцелл:

Ростдан, Хўроз қичқиргач у хира бўлди.
Элда бир эътиқод бор, гуё ҳар қишда
Ҳазрат Исо байрами арафасида
Туни билан қичқириб тураркан хўроз.
Дейдиларки, у кеча- арвоҳлар жимжит,
Тунлар- сокит, юлдузлар- беозор бўлур,
Сеҳргарлар, парилар жоду қилолмас,
Шундай эзгу, муқаддас вақт экан у вақт. (Мақсуд Шайхзода таржимаси)

Дания шахзодаси яшаётган дунё ўзгача, у ерда рух-арвоҳ, сеҳр-жоду ва коинотнинг бевоста одамлар тақдирига таъсир эта олишига ишонадилар. Маълумки, шеъринг вазн, ритм, муסיқийлик сўзлар салмоғини оширади, “сўз шеърда нутқнинг бошқа кўринишларига қараганда мустақилроқ роль ўйнайди”⁶. “Икки қарама- қарши ҳаракат, яъни ҳажмни чеклаш ва маънони кенгайтириш, кучайтириш, натижасида айтилиши керак бўлган фикр, мазмун шеърятда назмга қараганда зичроқ, лўндароқ ифода қилинади”⁷ Шеърятда фикр ихчам (лакониқ) ифода этилиши, унда тимсолий (образли) воситаларининг ишлатилиши ва ўзига хос синтаксиснинг қўлланилиши кўплаб адабиётларда эътироф этилади. Масалан, М. Лозинский⁸ таржимасига эътибор берсак, унинг тили, фикрни ифода этиш зичлиги аслиятдагидек, ортиқча унсурлар учрамайди. Аслиятдаги бандлар ўзида кенг маъноларни мужассам этган. Агарда улар насрий йўл билан ифода этилса, ҳажми бир неча марта ошиб кетган бўлар эди. Шекспирнинг сермаъно мисралари шу қадар лўнда ва ихчамки, улардаги тушириб қолдирилган ёки қўшилган бирон бир сўз ёки бўғин албатта банд мазмунига ўз таъсирини кўрсатмай қўймайди. Драматург асарини ўгиришда Мақсуд Шайхзода 12 бўғинли бармоқ вазнини ишлатган. Келтирилган мисолнинг биринчи сатри мутаржим таржимасида қуйидагича кўринишга эга.

Ростдан, Хўроз қичқиргач у хира бўлди. Аслиятда- It faded on the crowing of the cock, рус тилида эса- Он стал не зрим при петушинном крике, каби кўринишга эга. Сатр бошида (ростдан) сўзининг қўлланилиши албатта, эмоционалликни оширган аммо, бу сўз на аслиятда на рус таржимасида мавжуд. Аслиятдаги худди шу сатрнинг (It faded on the crowing of the cock) сўзма-сўз таржимаси қуйидагича кўринишга эга: (У хўроз қичқириши билан ғойиб бўлди), рус тили вариантыда (Он стал не зрим при петушинном крике.), Жамол Камол таржимасида эса, (Хўроз қичқириғи билан сўниб борар у) кўринишларига эга. Кўриб турибмизки, учала ўғирмаларда ҳам Мақсуд Шайхзода қўллаган (ростдан) сўзи учрамайди. Шу сабабли, сатр чўзилишини, яъни ортиқча икки бўғинни таржимон ортиқча сўз қўшиши ёрдамида қоплаган ва бу сатр фикр ихчамлигига ўз таъсирини ўтказмай қолмаган.

Келтирилган мисолнинг бешинчи сатрини олиб қарайдиган бўлсак, аслиятда у қуйидагича кўринишга эга:

And then, they say, no spirit dare stir abroad, мазкур сатрнинг сўзма-сўз таржимасини кетирамиз (Ва кейин, айтадиларки ҳеч бир руҳ (арвоҳ) белгиланган чегарадан (abroad-хориж, чегара) кўзғалишга журъат эта олмайди). Аслият ва М. Лозинский таржимасида тил ва услуб бир-бирига яқин, фикрни ифода қилиш сиқиклиги гўзал равишда асраб қолинган.

Тогда не смеют шелохнуться духи. Бу ерда (dare– журъат этмоқ)- смеют сўзи билан ўгирилган ва аслиятдаги мазмун яққол сезилиб туради. (stir- кўзғалмоқ, қимирламоқ) сўзи эса- шелохнуться деб таржима қилинган.

Худди шу сатрни Жамол Камол:

Рухлар эса шўхлик-шумлик қилмасмиш сира,

Мақсуд Шайхзода эса

Дейдиларки, у кеча- арвоҳлар жимжит, деб ўгирадилар.

Иккала ўзбек таржималарида ҳам (dare – журъат этмоқ), (stir- кўзғалмоқ, қимирламоқ) ва (abroad-хориж, чегара) сўзлари қатнашмаган. Ўзбек таржималаридаги тил ва услуб аслиятдагидан фарқ қилмоқда. Юқоридаги ўзбекча таржималарда (dare – журъат этмоқ), (stir- кўзғалмоқ, қимирламоқ) ва (abroad - хориж, чегара) сўзлари тушириб қолдирилсада уларнинг ўрни бошқа воситалар орқали қопланган, компенсация йўли билан аслият услуб воситалари қайта шакллантирилган. Тушириб қолдирилган сўзлардан бўшаган бўғинлар ҳисобига бошқа бир услубий воситалар чўзиб юборилган. Натижада: аслиятдаги (stir- кўзғалмоқ, қимирламоқ) каби битта сўз Жамол Камол таржимасида (шўхлик-шумлик қилмасмиш) деб учта сўз билан ўгирилган. Хуллас, шеърий таржимада ифода зичлигининг қисман йўқолишига таржима жараёнида баъзи сўз ёки гапларни тушириб қолдириб, улар ҳисобига матннинг қолган қисмини кенгайтириб юбориш ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бевосита таржимада эса Мақсуд Шайхзода айна сатрда шеъриятга хос лўндаликни сақлай олган, тил ва услуби анча аслиятга яқин. Маълумки, Мақсуд Шайхзода рус ва озарбайжон таржималарини асос қилган. Эътибор қилсак, худди шу сатрдаги аслиятда мавжуд бўлган (they say-дейдиларки) ибораси рус тили вариантыда тушириб қолдирилган бўлсада Мақсуд Шайхзода уни қўллаган (Дейдиларки, у кеча-арвоҳлар жимжит) (Тогда не смеют шелохнуться духи). Демак Мақсуд Шайхзода бу сўзни озарбайжон вариантыдан ўзлаштирган. (тахмин) Аслиятдаги (no spirit dare stir abroad) каби бешта сўз (арвоҳлар-жимжит) деб иккита сўзда ифода этилган ва шеъриятга хос лўндалик асраб қолинган.

Ўзбек таржимонлари ҳам муаллиф тасвирларини ўзига хос синтактик тузилиши билан акс эттирган. Синтактик услубий воситаларни худди аслиятдаги сатрларда эмас, балки ўзбек нутқи учун табиий ўринларда кетирган. Шу боис, аслиятдаги матнни ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида параллелизм йўқолган. Мисол учун (no planets strike- ҳеч бир планеталар хужум қилмайди) ибораси (Сайёралар боқар эмиш сокин, меҳрибон Ж.К.), (Тунлар - соқит, юлдузлар- беозор бўлур. М.Ш.) деб ўгирилган. Ёки (nor witch hath power to charm –ҳеч бир ялмоғиз фусункорликка қодир эмас) сўз бирикмалари эса(Инсу жинслар маҳрум бўлиб сеҳру амалдан(Ж.К), (Сеҳргарлар, парилар жоду қилолмас. М.Ш.) деб ўгирилган. Кўриниб турибдики, инглиз тилидан ўзбекчага таржима қилиш жарёнида гап тузилишидаги ўхшашлик ўз-ўзидан емирилиятти. Шу боис, таржимон аслиятдаги параллелизм бажарган вазифани (Саёралар боқар эмиш сокин, меҳрибон Ж.К.), (Тунлар - соқит, юлдузлар- беозор бўлур. М.Ш.) каби гапларга кўчирган. Гарчи ўзбекча матндаги такрорга мутаносиб қайталаниш аслиятда бўлмаса-да, бу фарқ ўзбек таржимасини аслиятдан узоқлаштирмаган, мутаржим ўзгартиришлар билан матнга ўзларидан янги маъно қўшмаганлар, аммо, аслиятдаги синтактик восита бажарган вазифани таржимада сақлаб қолганлар.

Адабиётлар:

1. Саломов Ғ. Адабий анъана ва бадиий таржима.- Тошкент: Фан, 1980. –Б. 178. 61 б.
2. Жаҳон адабиёти дурдоналари. Вильям Шекспир. Отелло. Инглиз тилидан Жамол Камол таржимаси. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. - Б. 784. 9,20. б.

3. Бахриддинова Б. “Ҳамлет” таржималарининг қиёсий таҳлили. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2016,5-сон,66- бет.
4. http://www.literaturepage.com/read/shakespeare_hamlet.html
5. Вильям Шекспир. Танланган асарлар. Беш жилдилик. Учинчи жилд. Ҳамлет. Максуд Шайхзода таржимаси. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – Б. 640. 18 б.
6. Тимофеев Л. И. Основы теории литературы. –М.: Просвещение, 1976. – С. 262. стр. 38.
7. Бақоева М. Англия ва АҚШ адабиётидан ўзбек тилига шеърӣ таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари: Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 2004. – 314 б.

ИНТЕРТЕКСТУАЛЬНОСТЬ И ЕЁ ЭЛЕМЕНТЫ В ЛИТЕРАТУРЕ

Мирзаева А.Ш. Магистрант БухГУ

Ключевые слова: интертекстуальность, цитата, аллюзия, реминисценция.

Аннотация. В статье даётся подробное описание общих вопросов интертекстуальности а также, дана классификация основных интертекстуальных форм, разграничение «собственно интертекстуальных элементов» таких как «цитата», «аллюзия» и «реминисценция».

Мировая литература конца 20 – начала 21 века имеет свои изменения, потому что испытала на себе сильнейшее влияние постмодернизма. Вместо реализма и модернизма, которые имели идейную определённость, пришло отрицание всякого рода идей. Это выражалось в том, что авторы отказались от поиска смысла бытия. Этим самым они предпочли пародировать жизнь, ставя под сомнение свой собственный авторитет. То, что в европейском обществе отрицали принятые идеи и традиции, разрушили привычный уклад жизни, пародирование, совсем другой взгляд на теорию текста. Всё это привело к структурной и смысловой деформации литературного произведения. Теперь читатель в произведении видит игру, которая проявляется на уровне смысла, языка, взаимодействия автора и самого читателя. Одним из приёмов этой игры является интертекстуальность.

Известно, что термин “интертекстуальность” введён в 1967 году теоретиком литературы французским исследователем Юлией Кристевой: «Интертекстуальность – социальное целое, рассмотренное как текстуальное целое» для обозначения общего свойства текстов, выражающегося в наличии между ними связей, благодаря которым тексты могут многими разнообразными способами явно или не явно ссылаться друг на друга. Этот приём – играреализуется как в научных, так и в художественный текстах.

Среди многочисленных статей стоит выделить работу Н.Фатеевой “Интертекстуальность и её функции в художественном дискурсе”, в которой она утверждает: «интертекстуальность – это способ генезиса собственного текста и постулирования собственного авторского «Я» через сложную систему отношений оппозиций, идентификации и маскировки с текстами других авторов».

Исходя из вышеуказанного, очевидно, что в подходе к проблеме определения понятия интертекстуальности важным является историческая преемственность между текстами и выразительная функция.

На сегодняшний день актуальной научной проблемой становятся не только общие вопросы интертекстуальности, но и вопрос типологии основных интертекстуальных форм в литературе. Например, И.В.Арнольд в своей статье пишет: «При внешней интертекстуальности смена субъекта речи – реальная: цитата действительно принадлежит перу другого автора. А внутренняя интертекстуальность (письма, дневники, литературные герои) – по существу фиктивная». Более развернутая типология интертекстуальности принадлежит одному из основателей теории интертекстуальности Ж.Жаннетт. По этой классификации интертекстуальные формы подразделяются на «собственно интертекстуальные, паратекстуальные, метатекстуальные, гипертекстуальные,

архитекстуальные. Архитекстуальность носит самый общий характер, это отношение текста и рода, к которому он принадлежит. Паратекстуальность включает предисловия, иллюстрации и т.д. Метатекстуальность носит отношение комментирования и выполняет критическую функцию. А собственно интертекстуальные элементы включают в себя цитаты, аллюзии, реминисценции».

Рассмотрим каждый из этих элементов. Самая очевидная форма в литературе - цитата. Осип Манделштам писал: «Цитата не есть выписка. Цитата есть цикада – неумолкаемостью свойственна». Руднев отмечает, что цитата перестаёт в ключе интертекста играть роль простой дополнительной информации, отсылки к другому тексту, «цитата становится залогом самовозрастания смысла текста». Это даёт понять нам, что именно цитата позволяет наблюдать, каким образом один текст включается в другой.

Следующая, более сложная форма интертекстуальности – аллюзия. «Большая советская энциклопедия» даёт такое определение: «Аллюзия (от лат. *allusio* – шутка, намёк), в художественной литературе, ораторской и разговорной речи одна из стилистических фигур: намёк на реальный политический, исторический или литературный факт, который предполагается общеизвестно».

Аллюзию нельзя назвать тропом или фигурой. По мнению Л.К.Граудиной и Е.Н. Ширяева «Аллюзия – это намёк на известное обстоятельство или тексты». Они подразделяют аллюзии по содержанию на исторические и литературные. Первые строятся на упоминании исторического события или лица. Литературные аллюзии «основаны на включении цитат из прецедентных текстов (часто в изменённом виде), а также в упоминании названия, персонажа какого-либо литературного произведения либо эпизода из него».

Аллюзия и реминисценция схожи по своим функциям и отличительным признакам, однако первая представляет отсылку к реальному историческому или литературному факту, который является общеизвестным, а вторая – абстрактным образом или воспоминанием, которое нашло своё отражение в творчестве писателя вообще или в конкретном литературном произведении. Таким образом, цитата, аллюзия и реминисценция как элементы текста имеют единую цель, дополняющую смысл авторского произведения и воплощающую преемственность литературной традиции.

В заключение обзора вышеуказанных работ становится ясно, что интертекстуальность не утрачивает своей популярности в современной литературе. Большинство учёных считают цитату, аллюзию и реминисценцию основными интертекстуальными формами. При этом отличительными чертами цитаты признаны – уместность, ясность и точность, а аллюзия и реминисценция схожи по своим функциям, хотя первая отсылает нас к реальному историческому, которое является общеизвестным, а вторая – абстрактный образ либо воспоминание в творчестве писателя вообще или в конкретном его литературном произведении. Но все эти элементы имеют одну цель – введение дополнительного смысла в произведение и показать преемственность литературной традиции.

Библиография

1. Кристева Ю. Бахтин, слова, диалог и роман// Французская семиотика: От структурализма к постструктурализму/ пер.с франц., сост., вступ.ст. Г.К.Косикова М: ИГ Прогресс , 2000. С. 27.
2. Фатеева Н.А Типология интертекстуальных элементов и связей в художественной речи // Известия академии наук СССР. Серия литературы и языка. М.: Наука, 1998. Т.57. С. 30
3. Баринаева Е.Е Метатекст в постмодернистском литературном пространстве: автореф. дис. ... канд. фил. Наук. Тверь, 2008. С.22
4. Манделштам О. Слово и культура. М: Сов.писатель, 1987. С. 50
5. Руднев В. Словарь культуры 20 века // Электронная библиотека «Грамотей». URL: <http://lib.rus.ec> (дата обращения: 12.02.2012).

6. Прохоров А.М Аллюзия // Большая советская энциклопедия: в 30 т. М.: Сов.энциклопедия, 1960. Т. 1. С.215.
7. Граудина Л.К., Ширяев Е.Н. Культура русской речи. Средства речевой выразительности. М.: Наука, 2005. С. 132.

ТАРЖИМАДА ЭКЗОТИЗМЛАР ТАЛҚИНИГА ОИД МАСАЛАЛАР

Нишонов П.П. ЎзДЖТУ

Калит сўзлар: таржима, бадий таржима, эквивалентлик, адекват таржима, қайта яратиш.

Ключевые слова: перевод, литературный перевод, эквивалентность, адекватный перевод, воссоздание.

Key words: translation, literary translation, equivalence, adequate translation, re-creating.

Аннотация: Мазкур мақола бадий таржима масалаларига бағишланган бўлиб, унда миллийликни таржимада қайта яратиш муаммолари ўрганилган. Мазкур муаммо ўзбек тилидан француз тилига қилинган бевосита таржималар мисолида таҳлил қилинган.

Аннотация: Статья посвящена вопросам литературного перевода. В нем рассматриваются проблемы воссоздания национального колорита в переводном языке. Данная проблема анализируется на материале прямых переводов с узбекского языка на французский.

Annotation: This article is devoted to the problems of the literary translation and the questions of re-creating of the national-specific features this problem is conseeded en the basis of direct translations from Uzbek into French.

Чет тилидан она тилига ёки она тилидан чет тилига бадий асарларни таржима қилиш таржима санъатининг ўта мураккаб, шу билан бирга ўта муҳим тури ҳисобланади. Мамлакатимизда кейинги йилларда ушбу соҳага катта эътибор қаратиб келинмоқда. Буни биз 2016 йилда ташкил этилган Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятида ҳам кўришимиз мумкин. Университетда ўзбек-инглиз таржима факультети ташкил этилган бўлиб унинг асосий вазифаси бадий ва бошқа соҳалардаги адабиётларни ўзбек тилидан инглиз ва бошқа хорижий тилларга, шунингдек, жаҳон тилларидан она тилимизга юксак сифат ва маҳорат билан таржима қиладиган таржимонлар тайёрлаш, она тилимизнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, унинг компьютер услубини, ўзбек тили ва дунёдаги етакчи хорижий тиллар асосида таржима дастурлари ва луғатлар, электрон дарсликлар яратиш билан боғлиқ илмий-методик ишланмалар, амалий тавсиялар тайёрлаш ва бу борада эришилган натижаларни амалиётга кенг татбиқ этиш борасида изланишлар олиб боришдан иборат. Ушбу мақолада биз ўзбек тилидан француз тилига бевосита бадий таржима масаласи юзасидан фикр юритмоқчимиз.

Бадий таржиманинг сифатини таъминлайдиган асосий мезон бу таржимоннинг таржима қилинаётган тил мамлакатини, унинг маданияти ва менталитетини қай даражада билишига боғлиқ. Бундан ташқари таржимон асл матн муаллифининг услубини, унинг ўқувчига етказмоқчи бўлган ғояларини қайта яратишда матн руҳига содиқ қолиши керак.

Бадий таржиманинг асосий хусусиятлари сифатида куйидагиларни келтириш мумкин:

- матннинг сўзма-сўз таржима қилинмаслиги;
- бадий матннинг турғун бирикмаларга бойлиги ва улар таржимасининг ўзига хосликлари;
- сўз ўйинлари, асар қаҳрамонларининг руҳий ҳолатини таржимада акс эттириш масалалари;

- бадий таржимада хаётнинг деярли барча соҳаларига оид атамаларнинг иштироки.

Биз мазкур мақолада таниқли ўзбек ёзувчиси Эркин Аъзамнинг “Пақананинг ошиқ кўнгли” номли қиссасининг француз тилига қилинган таржимаси мисолида бадий таржиманинг айрим қирраларига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Ёзувчининг мазкур қиссаси 1991 йилда ёзилган. Адиб ўзининг қиссасида Яратган томонидан берилган қиёфасидан, айниқса бўйи пастлигидан нолиган қаҳрамоннинг кечинмаларини зўр юмор орқали тасвирлайди. Хаётда учрайдиган барча омадсизликларни у ўзининг бўйи пастлигидан деб билади. Бироқ асарда бўйи паст бўлган бошқа одамлар ҳақида ҳам сўз юритилади ва улар хаётда кўп нарсага эришадилар. Ёзувчи бу билан кишилар хаётида учрайдиган омадлар ва омадсизликлар, ютуқлар ва ғалабалар нафақат уларнинг қиёфасига, чиройига, балки аввало уларнинг тақдирига боғлиқ эканига ва бу тақдирдан қочиб бўлмаслигини кўрсатмоқчи бўлади.

2014 йилда Эркин Аъзам қаламига мансуб “Эртақ билан хайрлашув” («Adieu aux contes de fées») тўплами Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги доимий ваколатхонаси шафелигида француз тилида чоп этилди. Ундан адибнинг “Шовқин” романи, “Пақананинг ошиқ кўнгли” қиссаси, “Ёзувчининг боғи” ва “Мусофирнинг қизини ит қопди” ҳикоялари ўрин олган. Ёзувчининг юқоридаги асарлари таниқли таржимон Шоазим Миноваров ва Олима Набиевалар томонидан, Жак Панье, Симон Эро ва Дидье Гиярлар кўмагида француз тилига ўгирилган.

Ўзбек таржимашунослик мактаби асосчиларидан Ғ.Саломов шундай ёзади: “Асар таржима жараёнида ўзининг ижобий хусусиятларидан табиий суратда бир қадар маҳрум бўлар экан, айти вақтда ўзга тил бағрига ўтиши, бошқа халқнинг маънавий тарбияси хизматига сафарбар бўлиши жараёнида аллақанча янги фазилатларни орттириб ҳам олади” [3, 103].

Шуни таъкидлаш керакки, Эркин Аъзамнинг “Пақананинг ошиқ кўнгли” қиссаси таржимаси ҳам француз тилига маҳорат билан ўгирилган. Асл матннинг Ғ.Саломов таъкидлаган баъзи жиҳатлари таржима матнида тушиб қолишини бир қанча жойларда кузатиш мумкин. Қиссада кўплаб тарихий шахслар, шўро тузуми тўғрисидаги хаётий маълумотлар берилган. Бундай лексик бирликларни таржима тилида қайта яратиш таржимондан юксак маҳоратни талаб қилади. Мисолларга мурожаат қиламиз:

Аслиятда:

Таажубли ҳол: у азалдан новча, норғул одамларни ёқтирар, кўпроқ ўшанақалар билан дўст тутинмоққа интилар эди. Ўзи сингари пақаналарга эса тоб-тоқати йўқ, уларни китмир, муғамбир билиб, жинидан баттар ёмон кўради. Рассомлик билим юртида бирга ўқиган собиқ сабоқдоши, отнинг қашқасидек элга таниқли ҳажвчи Обид Асом бундан мустасно, албатта. Аввало, Обиджон Пақанадан ҳам пақанароқ, қолаверса, ўлгудек истеъдодли, касофат. Уни яхши кўрмай ҳам, тан бермай ҳам илож йўқ.

Алҳосил, пайғамбаримиз бундоқ демишлар: “Одамнинг новчаси аҳмоқ келади, Умардан бошқа; пақанаси фитнакор келади, Алидан бошқа”. [1, 2]

Таржимада:

Invariablement, bien qu’il se savait petit, il était toujours attiré par les grands et essayait souvent de se lier d’amitié avec eux. Les individus petits comme lui l’énervèrent car il devinait en eux des malins et des individualistes à l’exception de son ancien camarade des Beaux Arts, Abid Assomov, célèbre artiste ouzbek.

Abidjan était plus petit que Courtaud mais doué d’un talent très apprécié et reconnu de tous. Comme l’a dit le Prophète : « Tous les grands sont des imbéciles sauf Omar. Tous les petits sont des conspirateurs, sauf Ali. » [2, 210]

Юқоридаги парча француз тилига маҳорат билан таржима қилинган. Таниқли ўзбек ҳажвчиси Обид Асомовнинг номи гарчи аслиятда Обид Асом шаклида берилган бўлса-да, таржимонлар уни расмий шаклда берганлар ва, бизнинг назаримизда, тўғри йўл тутганлар.

Бошқа мисолга мурожаат қиламиз:

Аслиятда:

Маишати чаккимас, театр безакхонасини уйга айлантириб олган, ора-чира колхоз-полхознинг буюртмасини бажариб бериб мўмайгина пул топар, уни аксарияти истеъдодсиз, омадсиз, лекин, аслида Шукур Бурхонман-у, булар кадримга етмаётибди-да, дегандек зўр даъвода юрадиган шўрпешона улфатлари билан ичиб битирар эди. [1, 4]

Таржимада:

Cela était d'un bon rapport financier. Mais tout ce qu'il gagnait était gaspillé pour acheter de l'alcool qu'il partageait avec des amis dont la plupart étaient malchanceux et sans talent et qui se prenaient tous pour le célèbre Choukour Bourkhan (grande vedette soviétique du théâtre et du cinéma).

Мазкур парча таржимасида, юқоридаги мисолдан фаркли ўлароқ, таржимонлар Шукур Бурхонов номидан кейин қавс ичида тушунтириш бериб ўтганлар. Обид Асомовнинг мисолида бундай тушунтиришнинг йўқлигига сабаб, матн ичида унинг “таниқли ҳажвчи” эканлиги тўғрисидаги маълумотнинг борлигидир. Бу эса таржимада ортиқча тушунтириш беришга хожат қолдирмайди.

Асарда келтирилган барча тарихий номлар таржима матнида тўлиқ акс эттирилган деб бўлмайди. Масалан.

Аслиятда:

Пакана талабалик кезлари Хайрулланинг ўргамчик спектаклида аллақандай ёш бола ролини ижро этиб, дўстлашиб кетишган эди. Бир шиша арақ устида у Тошкентни кўмсаб арз қилганида, меҳмон: “Хорошо. Бизга келасан, Баҳодир билан ўзим гаплашаман” дея бош режиссёрнинг номини кўшиб ваъда бериб юборди.

Таржимада:

A l'université, Courtaud avait joué le rôle d'un enfant dans une des premières pièces de Khayroulla. Depuis cette époque ils étaient restés amis.

Un soir, alors qu'ils se reposaient à la campagne en partageant une bouteille de vodka, Courtaud fit part à son ami des son ennui et de sa désespérance. Khayroulla l'invita. Il fut ravi de cette invitation :

- Eh bien, tu devrais venir à notre théâtre, je parlerai personnellement de toi à notre metteur en scène en chef. [2, 214-215]

Аслият матнидан шу нарса аёнки, Хайрулла бош режиссёр тўғрисида гапирганида таниқли ўзбек режиссёри Баҳодир Йўлдошевни назарда тутган. Афсуски, таржимада Баҳодир исми умуман тилга олинмаган. Тўғри, аслиятдаги “Баҳодир билан ўзим гаплашаман” деган гап “Бош режиссёр билан ўзим гаплашаман” деган гапга мазмунан тенг. Бироқ, гап тарихий шахс ва унинг устига замондошимиз тўғрисида кетар экан, таржима матнида Баҳодир исми келтирилиши шарт эди.

Энди муассаса номлари билан боғлиқ сўзлар таржимасига оид баъзи мулоҳазаларни келтириб ўтамиз.

Аслиятда:

Кенг даврага мўлжалланган бу галги базм «Баҳор» ресторанининг баҳаво, муҳташам толорида ўтмоқда эди.

Таржимада:

Cette fois le banquet était organisé pour un cercle encore plus large et se tenait au restaurant « Printemps » de la capitale.

Маълумки, «Баҳор» ресторани узоқ йиллар давомида Тошкент шаҳрининг энг таниқли ва етакчи ресторани бўлиб келган. Ресторан нафақат бетакрор миллий таомлари билан, балки шарқона меъморий безаклари билан ҳам мижозларни ўзига жалб этади. Таржимонлар «Баҳор» номини французчада « Printemps » шаклида берганлар. Бизнинг назаримизда, уни « Вахгор » тарзида бериб, матн остида ёки қавс ичида тушунтириш берилганда таржимада миллий руҳ сақланишига эришилган бўлар эди. Тасаввур қилайлик, Париждаги машҳур “Мулен руж” ресторанини ўзбек тилига “Қизил тегирмон” ёки рус тилига “Красная мельница” тарзида таржима қилсак. Бундай йўл ўзини оқламаслигини

мана шу мисолнинг ўзи яққол кўрсатиб турибди. Бундан ташқари «Баҳор» ресторанига нисбатан ишлатилган “бахаво”, “мухташам” сифатлари таржима матнидан тушиб қолган.

Таржима матни билан танишар эканмиз, баъзи ўринларда аниқлик етишмаслиги, халқ турмуш тарзидаги айрим одатлар ўзгача талқин қилинганига гувоҳ бўламиз.

Аслиятда:

Азиза театршунослик бўлимида ўқир, жуда сулув, отасини бениҳоя бадавлат одам дейишар, хашарчи қизга кунора шаҳардан тансиқ таомлар ортган оқ “Волга” келиб турар эди.

Балли шунга. Бадавлат одамнинг қизи эканига қарамай, кўнгилдан кўнгилни фарқлай билди. Кўркам-кўркам не-не бўлажак актёру режиссёрларни доғда қолдириб, қай бир фазилати билан Пакана ана шу дилбарни ўзига ром қилиб олган эди. Ахир, ҳазил гапми, гулхан атрофидаги тунги давраларда соатлаб ишқий шеърларни ёддан ўқиганида анов қадди расоларнинг ялтироқ туси ўчиб кетарди-да!

Таржимада:

Aziza étudiait dans le département de l'histoire du théâtre. C'était une fille magnifique. On disait que son père était riche. Chaque jour, une « Volga » blanche venait au camp de coton lui apporter des provisions. Bien qu'elle fût issue d'un milieu aisé, elle était gentille et pouvait faire la distinction entre les âmes. Se détournant des futurs acteurs et metteurs en scène qui essayaient de la séduire, c'est vers Courtaud aux manières délacates qu'Aziza fut attirée. Les autres prétendants enviaient cette situation. Le soir, il lui récitait des poèmes d'amour autour d'un feu de camp pendant des heures.

Юқоридаги парчада Азизанинг олдига кунора оқ “Волга”да тансиқ таомлар келтирилиши таржима матнида бироз бошқача талқин қилинган. Таржимани ўқиган ўқувчида Азизанинг олдига ҳар куни (кунора эмас) отасининг машинасида унга овқат тайёрлаш мақсадида озик-овқат маҳсулотлари олиб келишганлиги тўғрисида таасурот уйғонади. Ваҳоланки, аслиятда тансиқ таомлар олиб келиниши тўғрисида гап кетади. Шунинг учун гап “Plusieur fois par semaine, une « Volga » blanche venait au camp de coton lui apporter des plats délicieux préparés à la maison” тарзида ўгирилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бошқа бир мисолга мурожаат қиламиз. Аслиятда:

Ўша йили кўкламда оёқоғриқ билан касалхонага тушди. Бор ўринлар банд эканми, иттифоқо, нозикроқ одамларга мўлжалланган икки кишилиқ хонадан жой тегди. Уч кун бир ўзи ётди. Тўртинчи куни тушдан кейин хонанинг ҳақиқий эгаси келди.

Таржимада:

Cette année-là, Courtaud entra à l'hôpital pour soigner un rhumatisme aux jambes. Comme les chambres individuelles étaient toutes occupées, on l'installa dans une chambre à deux lits. Au cours des trois premiers jours, il y resta seul. Le quatrième jour, le « titulaire officiel de la chambre » arriva.

Таржимадаги “comme les chambres individuelles étaient toutes occupées” деган сўзлар касалхонадаги барча бир кишилиқ хоналар банд эканлигини англатади. Аслиятда эса бир ёки икки кишилиқ хоналар “нозикроқ” одамларга мўлжалланган бўлиши ифодаланган. Муаллиф шундай одат совет тузуми даврида касалхоналарда мавжуд бўлган иллатлардан бири эканлигига эътиборни қаратмоқчи бўлган. Афсуски таржима матнини ўқиган ўқувчида бундай тасаввур ҳосил бўлмайди. Шунинг учун бу гапни “comme les chambres ordinaires étaient toutes occupées on a du l'instaler dans une chambre à deux personnes” тарзида ўгириш тўғри бўлар эди.

Аслиятда:

- Қаёққа кетяпсан?
- Ётоқхонага.
- Қанақа ётоқхона? Нима қиласан у ерда?
- Бир танишимнинг хонасида турибман. Вақтинча.

Таржимада:

- Où vas-tu maintenant?
- A l'hôtel.
- A l'hôtel? Que fais-tu là-bas?
- Je partage la chambre d'une amie pendant quelque temps.

Юқоридаги парча таржимасида ҳам миллий ўзига хослик аниқ ўгирилмаган. Ётоқхона таржима матнида меҳмонхонага айланиб қолган.

“Халқлар турмуш тушунчаларини англатадиган сўзларни бошқа тилга талқин этиш жараёнида уларнинг муайян контекстда ўтаётган коммуникатив ва стилистик вазифаларини аниқлаган ҳолда, таржима тилида уларга ҳар жиҳатдан мос, айти пайтда шу тил норма ва маданияти ҳазм қиладиган даражада бўлган воситалар танлаш зарурати туғилади”. Шундай қилиб, таржимада миллий ўзига хосликни акс эттириш масаласи бадиий таржиманинг доимий долзарб муаммоларидан бўлиб қолаверади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аъзам Э. Пакананинг ошиқ кўнгли. (Бўй ва мўй ўстириш тажрибаси ёхуд рух тарбияси). Тошкент, 1991. – 316.
2. A'zam E. Adieu aux contes de fées. Traduit de l'ouzbek par Shaazim Minovarov, Olima Nabieva avec le concours de Jacques Pagniez-Simone Hérault-Didier Guillard. Tachkent, 2015. – 320 p.
3. Саломов Ғ. Тажима назарияси асослари. – Т.: “Ўқитувчи”, 1983. – 233 б.
4. Мусаев Қ. Бадиий таржима ва нутқ маданияти. – Т.: “Ўқитувчи”, 1976. – 160 б.

TERMINLARNI TARJIMA QILISH MASALASI YURIDIK TERMINLAR MISOLIDA

*Nishonov F. dots. O`zDJTU o`qituvchis
Ro`ziyeva D. O`z DJTU magistranti*

Калит сўзлар. термин, атама, терминология, контекст, лексик эквивалент, бирмаънолилик, калкалаш(калка) таржима, лексик-деривацион таржима, лексик-семантик таржима.

Ключевые слова. терминология, термин, контекст, лексический эквивалент, значение, свертывание, лексико-производный перевод, лексико-семантический перевод.

Keywords. terminology, term, context, lexicalequivalent, meaning, coagulation, lexicalderivativetranslation, lexical-semantictranslation.

Аннотация. Мазкур маъқолада терминларни таржима қилиш усуллари таҳлил қилинган. Шунингдек, «термин» ва «атама» тушунчалари, терминларни таржима қилишда сўз танлаш масалалари кўриб чиқилган. Мақолада терминларни таржима қилиш усуллари мисоллар ёрдамида чуқур таҳлил қилинган.

Аннотация. В этой статье анализируется, как переводить термины. Они также обсудили термины, «терминология» и выбор слов при переводе терминов. Статья была тщательно проанализирована с использованием примеров того, как переводить термины.

Annotation: This article analyze show to translate terms. They also discussed terms, “terminology” and thechoice of words when translating terms. The article has been carefully analyze dusing examples of how to translate terms.

Mamlakatlarning o`zaro ta`siri, globallashuv jarayoni o`sib borayotgan bugungi kunda tarjimonlarning xorijiy so'zlarni tarjima qilish muammosiga bo'lgan qiziqishi va ehtiyoji tez sur'atlar bilan o'sib bormoqda. Xorijiy matn bilan ishlashda asosiy va eng dolzarb muammo yangi paydo bo'ladigan kontseptsiyaga muvofiq ekvivalentni tanlashdir. Shuning uchun bugungi kunda terminologiya masalalari eng muhim muammolar sirasini tashkil qiladi. Terminologiya so'zi ([lot. terminus - chegara + yun. logos – fan, ta'limot) ikki ma'noda qo'llaniladi:

1. Fan, texnika, kasb-hunarning biror sohasida qo'llanadigan terminlar majmui. Texnika terminologiyasi. Ilmiy terminologiya.

2. Tilshunoslikning terminlarni o'rganish, tartibga solish bilan shug'ullanuvchi sohasi. Terminologiya mutaxassisi. Terminologiya bo'limi.

Matnlarda uchraydigan, bilim yoki faoliyatning maxsus sohasiga doir tushunchani ifodalovchi so'z yoki so'z birikmalari terminlar hisoblanadi. Termin so'zining aniq ta'rifini berish juda qiyin, chunki hozirda bu kontseptsianing tor va keng ma'noda berilgan ta'riflari ko'p bo'lsa-da, ulardan aynan birontasi umume'tirof etilmagan. Buning asosiy sabablaridan biri shundan iboratki, terminlar inson faoliyatining ko'plab sohaslarida qo'llaniladi va ularning har biri o'z tushunchalari va g'oyalari asosida maxsus so'zlar bilan o'ziga xos xususiyatlarini aniqlashga harakat qiladi.

V.V.Vinokurovning fikriga ko'ra, terminning umumqo'llanishdagi so'zdan farqi unda definitiv funksianing mavjudligidir, chunki termin ortida predmet, narsa, hodisaning emas, balki mantiqiy ta'rif turadi [1, 16-17]. O'zbek tilining izohli lug'atida esa terminga quyidagicha ta'rif berilgan: Termin-fan, texnika, kasb-hunarning biror sohasiga xos muayyan bir tushunchaning aniq va barqaror ifodasibolgan so'z yoki so'z birikmasi; atama. Masalan, botanika terminlari, zargarlik terminlari. "Termin." so'zi bilan bir qatorda "atama" so'zi ham ayni ma'noda qo'llanmoqda. Lekin u "Termin" so'zining hozirgi ma'nosini to'liq ifoda eta olmaydi. "Atama" so'zi keng ma'noda bo'lib, geografik ob'yektlar, atoqli nomlarga nisbatan qo'llanadi.

Terminlar axborotni aniqlashtirish, uni qisqacha va aniq shaklda ifodalash, matnning o'zboshimchalik bilan talqin etilish ehtimolini minimallashtirish uchun tilda paydo bo'ladi. Tarjimon nafaqat xorijiy terminlarni, balki tegishli o'zbek tilidagi atamalarni bilishi va uni qo'llay olishi talab qilinadi. Terminlar tarjima qilish jarayonida tarjimon faoliyatida ikki tilli lug'atlar muhim rol o'ynaydi. Terminlarning shakllanishining murakkab va ko'p qirrali xususiyati tufayli ularni tarjima qilishda qiyinchiliklar paydo bo'lishi mumkin. Chet tilidagi matnlarni tarjima qilishdagi asosiy muammo bu mavzu bo'yicha terminologik lug'atlarning kamligi yoki yo'qligidir. Terminlarni tarjima qilish masalasi bilan ko'plab tadqiqotchilar, jumladan, V.S. Grinev-Grinevich, Ya.I. Retker, V.N. Komissarov, I.V. Arnold kabilar shug'ullanganlar va hozirgi kunda ham bu mavzu nazariyachi olimlari diqqat markazidadir.

Hatto qardosh tillarda ham leksik birliklar doimo mos kelavermaydi, shuning uchun tarjima qilinayotgan so'zni noto'g'ri tanlash manba matni mazmunining buzilishiga olib kelishi mumkin. Shuni unutmasligimiz lozimki, bir termin turli sohalarda turli ma'nolarda qo'llanilishi mumkin. Masalan, fransuz tilidagi "avocat" so'zi o'zbek tilida ikki ekvivalentga ega: 1.advokat, oqlovchi,himoyachi; 2.(botanikada) avokado mevasi. Bunday holatlarda berilgan terminning tarjimasi uning xususiyatlari orqali aniqlanadi. Tarjima qilinayotgan so'zning tilda bitta ekvivalentga ega bo'lishi tarjima jarayonini ancha osonlashtiradi. Masalan, "décret" - qonun kuchiga ega bo'lgan qaror, farmoyish, farmon, buyruq, ko'rsatma; Bunday holatlarda tarjimada xatoga yo'l qo'ymaslik uchun faqatgina tanlangan so'z kontekstga to'g'ri kelishini tekshirish talab qilinadi.

Tarjima jarayonida bir terminning umume'tirof etilgan ba'zi variantlari ikki tilli lug'atlarda uchramaslik holatlari ham uchraydi. Bu holatda tarjimon rus tilidagi adabiy manbalarni diqqat bilan o'rganib chiqishi va tarjima qilingan atamalarning yangi ekvivalentlari paydo bo'lishini kuzatishi kerak [3, 58].

Terminlarni tarjima qilishda xatoliklarga yo'l qo'yilishi muqarrar ravishda matnning mazmuni va kommunikativ funksiyalarining buzilishiga olib keladi. Shuning uchun, tarjimon ishlayotgan ilm-fan va texnika sohasini batafsil o'rganishi kerak. O'z terminologik maydonida bir ma'nolilikka moyillik, his-tuyg'uni ifodalamaslik, uslubiy betaraflik kabilar terminlarga xos xususiyatlardir. Shu tarzda, ko'p hollarda terminlar kontekstdan tashqari o'z mustaqil ma'nosida keladi va leksik ekvivalenti yordamida tarjima qilinadi. Masalan, "*C'est lui [ce tribunal] qui jugeait toutes les contestations de terrain*" (4,272)

Ko'pgina terminlar umumiy tilga xos bo'lsa-da xususiy ma'noga ham ega bo'ladi. Ya'ni ular keng va tor ma'noda qo'llaniladi. Masalan, "punition"-jazo. Bu so'z keng ya'ni umumiy ma'noda qilmishiga yarasha ko'riladigan oqibat [5,270],tor, ya'ni xususiy ma'noda esa huquqiy

termin-ayb yoki jinoyatchi uchun ko`riladigan chora. Og`zaki nutqda iloj, chora ma`nosida qo`llaniladi.

Terminlarni tarjima qilishning quyidagi holatlarga duch kelamiz:

1. Tarjima jarayonida chet tilida mavjud bo`lgan tushunchaning ikkinchi tarjima qilinayotgan tilda ham mavjud bo`lganda tarjimon xalqaro terminlarga murojaat etishi mumkin. Tarjima qilinayotgan tilda bitta ekvivalentga ega so`zlarni tarjima qilish katta qiyinchilik tug`dirmaydi. Shunchaki terminning kontekstga mos ekanligi tekshiriladi. Agar bir nechta ekvivalentlar bo`lsa, tarjimon kontekst uchun eng mos variantni tanlashi kerak.

2. Chet tilida mavjud terminning tarjima qilinayotgan tilda mavjud bo`lmasligi holatlari ham uchrab turadi.

Bunday hollarda manba quyidagi usullar orqali tarjima qilinadi:

1. Chet tilida mavjud termini tasvirlash. Tasviriy tarjimada "ekvivalenti bo`lmagan tushuncha ma`nosi kengaytirilgan tarzda so`z birikmalari yordamida ochib beriladi". Masalan, "absence"-bedarak yo`qolgan, "requête"-sud bo`limiga berilgan ariza yoki iltimosnoma.

2. Kalkalash, kalka tarjima:

a) Leksik-derivatsion tarjima-so`z paydo bo`lishining so`z va uning ma`nosini aynan ko`chirish, so`zma-so`z tarjima. *Étatdémocratique*-demokratik davlat.

b) leksik-semantik tarjima-so`zni u anglatgan ma`nosiga ko`ra tarjima qilish. Masalan, "mystique"-*"testament mystique"*-konvertga solinib berkitilgan, notarius tomonidan muhrlangan yozma vasiyatnoma.

Xulosa o`rnida shuni aytish joizki, XX asrning 80-90-yillari, hozirgi yuz yillikning boshlarida, ayniqsa, roman-german va rus tillari materiallari asosida terminologik tizimlarni o`rganish avj oldi. O`zbekistonda sohaviy lekskani o`rganish haqida ham shunday deyish mumkin.

Biz yuqorida ta`kidlaganimizdek, termin bir ma`nolilikka moyillik, his-tuyg`uni ifodalamaslik, uslubiy betaraflik xususiyatlariga ega va termin so`zini atama so`zi bilan bir ma`noda qo`llaniladi degan fikr o`z tasdig`ini topmadi. Ya`ni termin va atama so`zini bitta ma`noda qo`llab bo`lmaydi, atama so`zi nisbatan kengroq tushuncha degan fikr g`oyat asosli va istiqbollidir. Xuddi shuningdek, biz qayd etgan ishlar orasida huquqiy terminlarni qiyoslab o`rganishga oid ishlar kam tatqiq etilgan. Bu holat keyingi tadqiqotlar uchun katta imkoniyat maydoni mavjudligini ko`rsatadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati:

1. Vinogradov V.V. "Русский язык: Грамматическое учение о слове"-Moskva, 1947; 220-bet.
2. "O`zbek tili izohli lug`ati"-2008; 73-74-betlar
3. V.I.Komissarov "Общий курс слесарного дела", Moskva-1960; 98-bet
4. Baudry des Losieres "Second voyage à la Louisiane"-1802; 272-bet
5. "O`zbek tilining izohli lug`ati", Moskva-1981; 270-bet
6. Cornu G. "Vocabulaire juridique", Paris- 2002; 941-bet.

МЕДИАЛИНГВИСТИКАНИНГ ТИЛШУНОСЛИКДАГИ ЎРНИ

*Очилова Н. БухДУ ўқитувчиси
Шодмонова С. БухДУ талабаси*

Маълумки, воқеалар ривожини ёки тасвирини қандай шаклда ёритиш оммавий ахборот воситаларига боғлиқ. Воқеа-ҳодисаларни шарҳлаш, уларга муносабат билдириш учун мутахассис ОАВ тили қонун-қоидаларидан хабардор бўлиши лозим. Ҳаётимизда рўй бераётган ислохотлар жараёнини, умуман олганда, ҳар бир ўзгаришнинг оммага етказилишида ОАВнинг ўрни ортиб бораётгани сайин медиадискурда соҳа тилини ўрганиш кенг муҳокамаларга сабаб бўлаяпти. Ушбу мураккаб ва кўп қиррали жараёнлар оммавий ахборот воситаларининг тилини ўрганиш учун янги тадқиқотларни олиб борилишига туртки бўлмоқда, десак муболаға бўлмайди.

Ўз навбатида медиалингвистика воқеаларни ёритишда қандай медиа шарҳ ва медиа шакл механизмлари қўлланилганини ҳамда матнларининг асосий турларини, тузилиши ва динамикасини ўрганиш баробарида, ахборот воситаси, ахборот майдони, инфосфера, медиасфера, медиаландшафт, медиадискурс каби терминларнинг мазмун-моҳиятини, шунингдек янгиликлар тилини ва белгиларини, ахборот, таҳлилий, журналистик, реклама матнларини ҳам таҳлил қилади. Шу билан бирга, матнни яратишда қўлланиладиган анъанавий методлардан тортиб, қиёсий, мантиқий, эмпирик, социалингвистик каби услубларнинг қай тарзда қўлланилганлигини ҳам ўрганади.

Айтиш жоизки, ҳар бир тилшунослик мактаби медиалингвистика методологиясини ўрганишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Медиаматн когнитив лингвистика, дискурсив таҳлил, танқидий лингвистика, функционал стилистика каби методлар ёрдамида ўрганилади. Айнан шулар медиалингвистикадаги мавжуд услубларнинг интеграцияси асосида ОАВ матнини тизимли, комплекс ўрганишлар орқали янги методларнинг пайдо бўлишига замин яратади.

Медиалингвистика терминологиясида асосан лингвистика, социология, психология, журналистика ва маданиятшунослик каби ижтимоий фанларга оид терминларни учратиш мумкин. Медиалингвистика терминлари такомиллашув босқичида бўлишига қарамасдан, ОАВ тили шаклланишини тасвирловчи бир қанча терминларини санаб ўтсак бўлади. Масалан, биргина ўзаги «медиа» сўзидан иборат бўлган қуйидаги мисолларни келтиришимиз мумкин: медиаматн, медианутқ, медиабозор, медиашоу, медиаивент ва ҳоказолар.

Тилшуносликнинг бу соҳаси ўз олдига оммавий ахборот воситалари тилини ўрганишни мақсад қилиб қўйди. Айнан ушбу йўналиш замон талабларга жавоб бера оладиган малакали мутахассисларни тайёрлашга имкон берадиган янги тилшунослик соҳаси сифатида эътироф этилди. Бу соҳада илмий тадқиқот ишларини олиб борган голландиялик олим Т.Дейкнинг фикрича, ижтимоий контекстда ОАВ тили мафкуравий ғоялар асосида ахборотни қабул қилади, ишлаб чиқаради ва тарқатади. [2] Яна бир француз олими А. Молнинг қайд этишича, XX асрнинг 70-йилларида оммавий ахборот воситаларининг пайдо бўлиши жамиятнинг маданий қарашларга бўлган муносабатларини ўзгартирди. Унинг нуқтаи назарига кўра, инсоннинг оилада, мактабда ёки коллежда олган билимлари йиллар ўтгани сайин радио орқали эшитаётган янгиликлар, телевизор ёки киноларда томоша қилаётган фильмлар ёки воқеа-ҳодисалар, газетада ўқиган мақолалари орқали ошиб бораверади. [3] Бундан кўриниб турибдики, ОАВ таъсир доираси инсон ҳаётида йилдан йилга такомиллашиб бормоқда.

Шундай қилиб, медиалингвистика бизнинг ОАВ тили ҳақидаги қарашларимизни кенгайтиради, уни ўрганиш жараёнида юзага келадиган янги терминларнинг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ очиб беришга ёрдам беради, шу билан бирга ОАВ тилининг ижтимоий онгни шакллантиришдаги фаол таъсирини, ўрни ва аҳамиятини илмий жиҳатдан асослаб беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Добросклонская Т.Г. Медиалингвистика: системный подход к изучению языка СМИ: современная английская медиаречь – М.: Флинта: Наука, 2008
2. Дейк Теун ван. Язык. Познание. Коммуникация. Б.: БГК им. И. А. Бодуэна де Куртенэ, 2000.
3. Моль А. Социодинамика культура. М., 1973
4. Boyd-Barret O. Media Imperialism: Towards an international framework for an analysis of media systems. Ch. 5 in Mass Communication and Society. London, 1997.
5. Phillipson R. Linguistic Imperialism. London, 1992
6. Язык современной публицистики // Сб.статей / По ред. Г.Я.Солганика. М., Флинта: Наука, 2005

АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИДА РУҲИЙ ОЛАМ ТАСВИРИ

Райхонова М.М. - ҚарДУ тадқиқотчиси

Keywords: Art criteria, style, evrest, metaphor, measurement

Ключевые слова: художественные критерии, стиль, эврест, метафора, измерение

Аннотация: в данной статье анализируются литературные критерии поэзии через ее лирические произведения. Индивидуальный стиль Абдуллы Арипова, созданная им система лирических образов, отражает по-своему реалии, которые переживает талантливый поэт, связанный с человеком и миром

Annotation: this article analyzes the literary criteria of poetry through its lyrical works. The individual style of Abdulla Aripov, the system of lyrical images created by him, reflects the realities experienced by a talented poet, connected with man and the world, in his own way

XX аср ибтидосида бўй кўрсатган янги ўзбек адабиётининг маънавий-маданий тараққиётини, унинг серқатлам ва мураккаб табиатини чуқурроқ англаш учун янги ўзбек шеъриятини юзага келтирган ижтимоий-сиёсий, адабий ва психологик омилларнинг илдизларини тадқиқ этиш эҳтиёжи ортиб борди. Бадиий асар маданий, тарихий, ижтимоий ҳодиса сифатида идрок этилар экан, унинг яратувчиси бўлган ижодкор шахсини нафақат адабий-эстетик муаммо сифатида, балки фалсафий, ижтимоий, психологик муаммолар кесимида ўрганиш заруратини юзага келтиради. Адабиётшуносликда ижод психологияси, ижодкор шахси, муаллиф тафаккур тарзи ва дунёқараши, ижтимоий позицияси, ижодий концепцияси, эстетик диди, эътиқоди каби масалаларни ўрганиш орқали самарали натижаларга эришиш мумкин. Бадиий мезонларига тўла жавоб бера оладиган асарлари билан миллий адабиётимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшган Абдулла Орипов ҳаёти ва ижодини бир бутунликда ўрганиш, ижодкор шахсиятидаги ўзига хослик, бадиий маҳорати, услуб ва усул борасидаги изланишлари, лирик тафаккури тадрижида роль ўйнаган ҳаётининг ва ижодий омиллар, ҳаётининг ҳақиқатнинг бадиий воқеликка айланиш жараёнини тадқиқ этиш адабиётшунослик олдидаги муҳим масалалардан биридир.

Шеърият сўз санъатининг бошқа турларидан ўзининг нафислиги, ҳис туйғуларга бойлиги, образлилиги, бадиий бўёқдорлиги ва таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Шеър инсон қалбининг туб-тубидан отилиб чиқаётган туйғулар туғени воқеликка бўлган эҳтиросли, баъзида эса муросасиз муносабати ифодасидир. Шунинг учун шеърият олами адабиётшунослар диққат марказида бўлиб келган. Ҳар бир шеърнинг ўз табиати, ўз кечинмаси, ўз образлар жилваси мавжуд. Шундай экан, шеърнинг барча сеҳрли нозик қирраларини тўла қамраб олиш мумкин эмас. Руҳий олам талқини эса маълум даражада шеърнинг тушунишга, идрок қилишга имкон беради. Руҳий борлиқсиз ҳар қандай мазмун жонсиздир. Қалбдаги зиддиятлар, мураккабликлар, адолат, разолат, ҳақ-ноҳақликлар Абдулла Орипов шеърларида ўзига хос тарзда қаламга олинган:

Инсонлар ичида сен ҳам бир инсон,
Дунёда кўрганинг кўзингникидир.
Сен учун ҳеч кимса бермагайдир жон,
Сўнги нафасинг ҳам ўзингникидир.¹

Инсон тақдири ҳақида қайғуриш ҳақиқий шоир қалбини жумбушга келтириб турадиган дарддир. Шу дардни ўқувчи қалбига, руҳиятига етказа билган шоир уни том маънода тарбиялайди. Адабиётнинг асосида инсон образи турар экан, унинг руҳий оламини кашф этиш шоирнинг бош мақсади ҳисобланади. Инсон қалб кечинмаларини қай даражада ҳаққоний тасвирлай олиш шоирнинг маҳоратига боғлиқ. Зеро, У.Норматов ҳақли равишда таъкидлаганидек, “Инсон ва унинг табиати, қалби, руҳияти ҳақиқатини кашф этишда ҳеч бир соҳа адабиёт билан тенглаша олмайди, унинг ўрнини босолмайди”. Ҳар бир ижодкор истеъдод соҳибидир. У инсон руҳияти манзарасини ўзига хос, бошқаларга ўхшамаган ҳолда кашф этади. Чунки, ҳар бир ижодкорнинг ўз руҳий олами, эътиқоди, шахс сифатидаги хислат ва фазилатлари бўлади. Лирик қаҳрамон руҳиятидаги кечинмаларнинг ҳолатлари ва

¹ Абдулла Орипов. Умр манзиллари.-Тошкент:Маънавият, 2014.-Б.7.

жараёнларини тасвирлаш, ботиний сезгиларни қаламга олиш Абдулла Орипов бадиятини муҳим хусусиятларидан бири саналади.

Қай бир инсонлар бор,
Ўзи ўтса ҳам,
Бус-бутун қолдиргай номусин,орин.
Бундайлар ортига боқиб сўнгги дам
Кесиб кетмагайлар эккан чинорин.
Мен-чи,кўнгил деган бир Ватан қурдим,
Мўъжиза атадим оддий гўшани.
Уни бўронлардан қўриқлаб турдим,
Тўфон йикитмасин, дедим ўшани.¹

Адабиётга кириб келган ҳар бир ижодкорнинг муштарак жиҳатлари билан бирга ўзаро фарқланувчи аломатлар ҳам бўлади. Бу нарса умумбашарий маънавий-ахлоқий қадриятларга (эзгулик, адолат, гўзаллик, озодлик ва бошқалар) бўлган муносабатда, бадий-фалсафий талқинда ифода этилади. Шоир инсон табиатининг ўзига хослигини қаламга олади: руҳиятда шаклланган фикрни синтезлашга чақиради. Шоир турткиси асосида ўқувчи ўз-ўзини тарбиялайди. У умрининг ўткинчилигини ёшлик ўрнини кексалик эгаллашини, бу кўхна дунёни “қайтар дунё” эканлигини “Салом- алик” шеърда қуйдагича таърифлайди:

Умримдан минг марта розиман,бирок,
Гоҳида кўксимни ортиқ керибман.
Ёшлик-ғўрлик экан, англамай кўпроқ,
Катта шайтонларга салом берибман.

Вақтнинг тезлигига ҳайрон қоламан,
Ва кулиб қарайман бунинг барига.
Энди ёшим улуғ, алик оламан,
Кичик шайтонларнинг саломларига.²

Поэтик мазмунни янгилашга қодир ижодкор ва ижтимоий-адабий муҳит муносабатлари муайян миллий адабиётнинг тараққиёт даражасини белгиловчи муҳим адабий-эстетик омилдир. Ушбу илмий муаммонинг адабиётшуносликда ўрганилиши жараёнида алоҳида диққат қаратиш лозим бўлган масалалар бор. Бунда, албатта, ижтимоий-адабий муҳитнинг кўлами ва чегараси билан боғлиқ масалалар назарда тутилмоқда. Ўзини миллат фидойиси деб билган, миллий адабиётни юксалтириш орқали ўз халқини умумжаҳон миқёсига олиб чиқишни мақсад қилган ҳар бир ижодкор бадий тафаккури даражасини ўз даврининг энг илғор тенденцияларига мувофиқлаштириши зарур. Бунда у, албатта, ўзи билан бир замонда яшаб ижод қилаётган жаҳон адибларининг ютуқлари ва тажрибаларидан унумли фойдаланиши, керак бўлса, улар билан ўзаро мувоҳасага кириши тақозо этилади. Шоир А. Ориповнинг “Эверест ва уммон” асари ана шундай асарлар сирасига киради. Шеърдан-шеърга бу руҳ кучайиб боради. Инсон қалбининг назакатларини кўллаш, кўллаганда ҳам худди ҳаётдагидек оддий ва содда, айни вақтда, маънавий чуқирлигу маънавий гўзалликнинг яхлит узвийлигига эришиш А.Орипов асарларидаги бадийликнинг етакчи белгисига айлана боради. Шоир умрининг сўнгги даврларида қаламга олган “Таъзим” шеъри ўқувчини чуқур ўйга толдиради:

Ота-она, балки, қариндош авлод
Бир- бир кетиб бўлди, қолди бир-ярим
Кетди “”Алифбо” ни ўргатган устод,
Кетди ижодда ҳам муаллимларим

Энди тўрт тарафим бўм-бўш, кимса йўк,
Бу-ҳаёт қонуни, яхши биламан

¹ Орипов.А. Умр манзиллари.-Тошкент: Маънавият,2014.-Б.23

² Орипов.А. Умр манзиллари.-Тошкент:Маънавият,2014. -Б.23

Лекин нимадандир ҳамон кўнглим тўқ,
Тўрт томонга қараб таъзим қиламан.¹

Абдулла Орипов шеърлятида бармоқ вазни ижодий имкониятлари бутун таровати билан намоён бўлади. Шахс эрки, Ватан равнақи, Миллат юксаклиги, халқона нозик қочиримларга тўйинтирилган мақол ва нақллар шарҳи шоир фитрати муозанатини таъмин этадиган марказ ҳисобланади. Шоир шеърляти мурожаат кўринишидаги ҳаётий тафсилотлар, ҳолатлар ва руҳий манзара тасвиридан иборат.

Абдулла Ориповнинг поэтик тафаккур тарзини адабий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш натижасида амин бўлиш мумкинки, истеъдодли, чинакам санъат аҳлининг халқ қалбига қулоқ тутиши, ўз “мен”лигида халқ дард-аламларини, шодлик-сурурларини жамлай олиши, “халқим” деганда бевосита “мен”лик руҳида собит туриши юксак савиядаги бадиият намуналарини яратиш учун замин ҳозирлайди. Тўғри, XX аср ўзбек шоир ва адибларининг кўпчилигида миллий руҳ, миллатпарварлик туйғулари барқ уриб туради. Аммо Абдулла Орипов асарларида бу ҳолат, хусусан, халққа яқинлик, соддаликдан халқона фалсафий хулосалар ясай олиш маҳорати, халқчил образлардан маҳорат билан фойдаланиш малакаси, ҳис-туйғуларни, шеър учун илҳом берган муайян воқеликни лўнда ва аниқ ифодалаш услуби бошқалардан алоҳида ажралиб туради.

Халқнинг маънавий-ахлоқий дунёси акс этган асарларини халқона поэтик тафаккур нуқтаи назаридан жиддий тадқиқ этиш адабиётшуносликдаги жуда муҳим ва долзарб муаммодир. А.Ориповнинг “Учқур ҳаёл соҳибни йигит...”, “Муҳаббат”, “Хайр энди”, “Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир қиссаси”, “Шарқ ҳикояси”, “Дейдилар...”, “Эски қудук”, “Бемор ва табиб”, “Алишер ва талаба”, “Марҳумлар шаъни” ҳамда “Ҳаким ва ажал” каби асарларида шоир руҳиятини, эстетик қарашларини, шунингдек, шарқона миллий хусусиятларини, хулқ-атвори, маросимлари, урф-одатлари, ҳаётдаги яхши-ёмон ҳодисаларни баҳолаш, инсоннинг маънавий оламини ёритиш каби ғоялар билан суғорилгани маълум бўлди.

Коинот гултожи инсондир азал,
Ундадир энг олий тафаккур, амал.
Ҳатто у тубанлик ичра ҳам танҳо,
Ё фалак, ижодинг бунча мукамал.²

Шоир шеърлари тилининг соддалиги билан ажралиб туради. Уларда миллий иборалар, қочирик-киноялар, кўп қўлланилади. Халқ тили билан бадиий тил уйғунлашиб, тиниқ ва лўнда поэтик ифодалар тусини олади.

Хулоса қилиб айтганда, шоир руҳий олам қирраларини кашф этишда бадиий тасвир воситаларидан ҳам моҳирлик билан фойдаланди. Улар орқали ўзининг кўзлаган ниятига, аниқ мақсадига эриша олди.

Адабиётлар рўйхати

1. Орипов.А. Умр манзиллари.-Тошкент:Маънавият, 2014.-Б.23
2. Орипов.А Эверест ва уммон.-Тошкент. Ўзбекистон, 2017. -Б.12.
3. Орипов.А. Танланган асарлар тўплами.”Шарқ”. 2019. 212-бет

ОҒАҲИЙНИНГ “ФИРДАВС УЛ ИҚБОЛ” АСАРИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ЭВФЕМИСТИК ИБОРАЛАРНИНГ ЮРИЙ БРЕГЕЛ ТАРЖИМАСИДА ҚАЙТА ЯРАТИЛИШИ

*Рўзметов Х.Қ.Ф.ф.н., доцент, УрДУ.
Назаров М.М. УрДУ стажёр тадқиқотчиси*

Калит сўзлар: тарихий асар, эвфемистик иборалар, бадиий услуб, фразема, контекст, фразеологик вариация

Key words: historical work, euphemistic phrases, literal style, phrase, phraseological variation.

¹ Орипов А. Эверест ва уммон.-Тошкент. Ўзбекистон, 2017. -Б.12.

² Орипов.А. Танланган асарлар тўплами.”Шарқ”. 2019.212-бет

Ключевые слова: исторический произведение, эвфемистические фразы, литературный стиль, фраза, фразеологический вариант.

Аннотация: Ушбу мақолада Муҳаммад Ризо Огаҳий тамонидан ёзиб тугалланган “Фирдавс ул иқбол” тарихий асарига эвфемистик ибораларнинг Юрий Брегел таржимасида қайта яратилиши ҳақида сўз юритилади.

Annotation: This article discusses the ways of reproduction of euphemistic phrases in the translation of Mukhammad Rizo Ogahiy’s book “Firdavs ul iqbal” done by Yuri Bregel.

Аннотация: Данная статья изучает перестройку эвфемистик фраз в книге «Фирдавс ул иқбал» написанный Муҳаммад Ризо Огаҳий, переведенный Юрий Брейгелем.

Бугунги кунда шиддат билан ривожланиб бораётган давлатимизда чет-эл мамлакатлари билан доимий дўстона алоқалар ўрнатиш орқали у ёки бу мамлакатнинг тарихи, ривожланиш босқичлари, технологик жараёнларини, таълим соҳасини ўрганиш орқали янги инновацион ғоялар олиб кирилмоқда. Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун ўз моддий ва маънавий меросини дунё халқларига, аслият тилидаги мазмун моҳиятини, аслият тили ва таржима қилинаётган тил ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда чоғиштириш орқали етказиб беришга катта эътибор қаратишни бошлагани бежиз эмас, чунки миллатлар ва эллатларни факатгина бир восита яъни тил боғлаб туради. Чет тилларини ўқитишдан мақсад ушбу замонавий ҳаётда ёшларимизнинг чет эллик ўз тенгдошлари билан фикр алмашиш ва дунё кутубхоналарида сақланиб келаётган ноёб тарихий асарларни аслият тилида бевосита ўз тилига чоғиштириб ўқиш орқали тилимизнинг янги имкониятларини кашф қилиш ва давлатимизнинг ривожига ўз хиссасини қўшиш ва дунё ҳамжамиятини буюк алломаю-фузалолари билан яқиндан таништиришдир.

Шу мақсадда инглиз тилида гапирувчи мамлакатларда истеъмолдаги ибораларни ўрганиш, бир қатор этнолисоний ва лексик муаммоларни ҳал этиш учун фойдали бўлади. Таъкидлаш жоизки, бу мамлакатлардаги инглиз тилининг шаклланиш жараёни ва тараққиёт қонуниятлари турли даврда турлича ривожланган ва ўз қонуниятларига эга бўла олган. Ҳозирги ўзбек тилшунослигида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар чет тилларининг ички имкониятларни чуқур ўрганишга ва ушбу тилда сўзлашувчи мамлакатлар маданияти билан яқиндан танишишга йўл очиб бермоқда. Ушбу мақоламиз мавзусининг долзарблиги яна шу билан асосланадики, тил семантикасини ўрганиш юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилган бўлсада, унинг айрим жиҳатлари ҳозирга қадар етарли даражада ўрганилган эмас. Тил деривацион имкониятларининг луғатларда акс эттирилиши ва ибораларнинг семантик жиҳатдан талқин этиш ҳам шулар жумласига киради. Шу билан бирга, иборалар табиатининг мураккаблиги боис, ҳозирга қадар амалга оширилган тадқиқот ишларида асосан ибораларнинг ҳосил бўлиш йўллари ўрганилгани ҳолда уларнинг мазмундорлиги, маъно моҳияти лингвистик жиҳатдан тўла тадқиқ этилмаган.

Биз ушбу мақоламизда Хоразм диори фарзанди буюк тарихнавис олим, таржимон, мироб, шоир Муҳаммад Ризо Мироб Алму-Тахаллис Бил Огаҳийнинг ўз устози буюк аллома ва шоир Шермуҳаммад Мунис Хоразмий тамонидан қаламга олинган ва айнан унинг шогирди Муҳаммад Ризо Огаҳий тамонидан ёзиб тугалланган **“Фирдавс ул иқбол” (Хоразм тарихи)** тарихий асарига инсоннинг **ўлим ҳолатини** билдирувчи **эвфемистик иборалар** ҳақида сўз юритамиз. Асарда тарихий воқеалар бадиий-эстетик руҳда баён этилган, чунки Хоразм тарихнавислигига ҳос хусусият бу воқеаларни бадиий-эстетик руҳда баён қилишдир. Анашу анъанага содиқ қолган ҳолда Муҳаммад Ризо Огаҳий **“Фирдавс ул иқбол”** асарига ҳам кўплаб маснавий, байт, тўртлик, қитъа каби лирик жанрлардан фойдаланган. Ушбу шеърий парчалар воқеаларга баъзан шиддатли, баъзан мунгли тус беришда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек асар матнига эътибор қаратилса матн таркибида – бадиий услубнинг сажъ, муболаға, инсон биологик ҳолатини билдирувчи (**эвфемистик**) **иборалар** ва бошқа услубий воситалардан фойдаланилган.

Фразеология ҳали ўзбек тилшунослиги таркибида мустақил соҳа сифатида шаклланиб етмаган бир даврда, фразеологияга доир дастлабки маълумотлар, турғун бирикмаларга оид илк назарий фикрлар грамматика ва стилистикага, айрим ўзбек шоирлари, ёзувчиларининг бадий маҳорати тадқиқига бағишланган ишларда кўзга ташланади. Бундай ишлар А.Фитрат, Ғози Олим Юнусов, А.Ғуломов, У.Турсунов, А.К.Боровков, Ф.Камол, Х.Зариф, В.Абдуллаев, Н.Маллаев сингари машҳур тилшунос ва адабиётшунос олимларнинг қаламига мансуб эди. Жумладан, А.Саъдий, В.Абдуллаев, Н.Маллаев каби адабиётшуносларнинг Алишер Навоий асарларида турғун бирикмалар, халқ ибораларининг қўлланилишига оид фикрлари ҳозир ҳам ўз қимматини сақлаб келмоқда.

Ўзбек фразеологиясига таълуқли дастлабки ишлар XX асрнинг 50-йиллар айнан фразеологиянинг мустақил лингвистик фан сифатида ривожланган даврида юзага келди. Улар қаторига Ш.Раҳматуллаев, Я.Д.Пинхасов, А.Шомақсудов, М.Хусаиновларнинг номзодлик диссертацияларини киритиш мумкин. Бу ишларда ўзбек тилидаги ФБлар академик В.В.Виноградовнинг рус тилининг фразеологик ибораларини ўрганишдаги структурал-семантик таснифи асосида таҳлил этилади, ФБлар фразеологик бутунликлар (бирлашмалар), фразеологик чатишмалар ва фразеологик қўшилмаларга ажратилади. Шунингдек, бу ишларда ўзбек тилида яқка сўзлардан иборат образли иборалар ҳам мавжудлиги таъкидланган.

Агар Ш.Раҳматуллаевнинг номзодлик диссертацияси ўзбек тилидаги феъл фраземаларнинг грамматик хусусиятларини ўрганиш ишини бошлаб берган бўлса, олим 1966 йилда ҳимоя қилинган докторлик диссертацияси, шу асосда эълон қилинган “Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари” (1966) номли монографияси билан ўзбек тилидаги фраземаларни луғавий бирлик сифатида ўрганишни асослади. Бу ишда фраземалардаги кўп маънолилиқ, маънодошлиқ, вариация, антонимия, шаклдошлиқ ҳодисалари бой фактик материал (ўттиз мингдан ортиқ карточка) таҳлили асосида чуқур тадқиқ этилиб, фраземаларнинг луғавий бирлик сифатидаги бошқа белги-хусусиятларини текширишга йўл очилган. Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари” номли монографиясида фразеологик синонимлар таҳлиliga доир чиқарган кўйидаги илмий хулосаси ҳар жиҳатдан асосли: *“Ҳар бир фразеологик синонимга тўғри ва тўлиқ характеристика бериш учун уни синонимия уяси ичида олиб, бошқа синонимлари билан қийслаб ўрганиш зарур. Бунда синонимлар турли-туман нуқталардан текширилади, улар орасидаги ўхшашлик ҳам, фарқлар ҳам таъкидланади. Синонимлар орасида фарқлар қанча оз бўлса, уларни нутқда бир-бирининг ўрнида ишлатишга имконият ортади ва, аксинча бўлса, бундай имконият озаяди. Қай даражада бўлмасин, синонимларни ўзаро алмаштиришга йўл қўювчи контекст мавжуд бўлади. Бундай алмаштириш билан ниманидир йўқотилади, нимагадир эга бўлинади. Худди ана шу “нималардир” синоним ибораларнинг ҳар бирига тилда яшаш ҳуқуқини беради”*. Шунингдек тадқиқот ишида муаллиф, ҳар қандай фраземани фразеологик вариант дейиш учун тўртта асосий вариациянинг бир манбага, бир асосга бирлашуви лозимлиги ҳақида фикр юритган. Умуман олганда, Ш.Раҳматуллаев тўғри таъкидлаганидек, “вариантлашиш туфайли бир ибора бошқа бир иборага айланмайди, бир иборага хос образ бирлиги, маъно бирлиги сақланади. Вариантлашиш туфайли юз берадиган ўзгаришлар ибораларга хос яхлитликни емирмайди, парчаламайди, балки иборага хос яхлитлик доирасида, шу яхлитлик йўл қўйган даражада воқе бўлади. Акс ҳолда ё ибора йўққа чиқади, ёки бошқа бир ибора барпо қилинади”

Албатта кўплаб тилшунос олимларимиз томонидан ибораларнинг бирикмалардан фарқли жиҳати бу уларнинг образлилиқ хусусиятида деган фикр юритиш фразеологиянинг XX асрнинг 50-йилларигача чуқур ўрганилмаганлиги сабабли деб ҳисоблаш мумкин.

Айнан Шермуҳаммад Мунис Хоразмий ва Муҳаммад Ризо Мироб Алму-Таҳаллис Бил-Оғаҳийнинг “Фирдавс ул иқбол” тарихийасарида қўлланилган эвфемистик ибораларнинг фразеологик вариация ҳодисасини учратиш мумкин. “Фирдавс ул иқбол”

тарихий асар ҳисобланганлиги учун воқеалар ҳар бир ҳукмдорнинг фаолият муддатини камраб олган бўлиб, унинг вафоти билан якунланади. Муаллифларнинг ютуқи шундаки, улар ҳар бир ҳукмдорнинг ўлимини турли ҳил иборалар билан ифода этганлар. Инглиз тилидаги ибораларни ўрганиш жараёнида ҳам қуйида берилган ибораларнинг айнан эквивалентлик вариациясини кузтиш имкониятига эга бўлдик.

Буртажина(Қурлос наслидан чиққан подшоҳ)

Қурлос наслидин подшоҳ эрдикўп муддатлар ўтгандин **сўнг оламға видоъ қилди** - *“Bade farewell to this world”*.

Агар ўзбек тили изоҳли луғатиға эътибор қаратилса **“видоъ”** – хайрлашув, кузатув маъносини билдиради.

Юрий Брежел ўз таржимасида ушбу сўзга симантик жиҳатдан ёндашиб унинг инглиз тилидаги эквивалентини ишлатган. Агар инглиз тили луғатларига эътибор қаратилса, “хайрлашув, кузатув” сўзларига –**“Bade farewell”** яъни “хайрлашиш” фразасини семантик жиҳатдан қўллаш тўғри, чунки унга боғланиб келган олам **“world”** сўзи айнан ундаги маънони торайтириб аниқлик кирита олган ва битта фразага айлантирган яъни **“сўнғи оламға видо қилиш”** ибораси билан вариантлик хусусиятини юзага чиқарган.

Бежинқаён (Буртажинанинг невараси,)

Андин сўнг анинг ўғли Бежинқаён подшоҳ бўлди. Ул **нақли интиқол қилгондин** сўнг анинг ўғли Тимоч ота тахтиға ўлтирди.

“Нақли интиқол қилиш” –Passed away

Сумсовчи (Қурлос наслидан чиққан подшоҳ)

Ул *сафар қилгондин* сўнг анинг ўғли Қалимажу мул ихтиёрин олди.

“Сафар қилмоқ” – ўзбек тили изоҳли луғатида бу ибора “ўзоқ йўлга” чиқиш яъни “бу оламдан бошқа оламға” сафарга чиқиш сўзлари билан изоҳланса, инглиз тилида Юрий Брежел таржимасида айнан ушбу сўзнинг семантик эквиваленти **«to depart from the world»** яъни to start ultimate journey охири сайёҳатга чиқиш фразаси орқали қайта яратилган. Айнан ушбу ибора Яхудийлар назлича инсон танаси ўлик ҳолатга келиб ундан руҳнинг чиқиши билан боғланган. (Робби Артур Селзер - Яхудийлик: Руҳнинг сайёҳати)

Қалимажу (Қурлос наслидан чиққан подшоҳ)

Ул охиратға боргондин сўнг анинг ўғли Темуртош хонлиқ тожи била сарафроз бўлди.

“Охиратға бормоқ” - яъни ушбу фоний дунёни тарк этиб, боқий дунёга кетиш. Юрий Брежел ушбу фразанинг инглиз тилидаги **“To go to the next world”** яъни “next world” кейинги дунё охират дея тўғри танлаган.

Манглихожа(Қурлос наслидан чиққан подшоҳ)

Ул адан мулкиға азимат тутгондин сўнг анинг ўғли Юлдузхон салатанат авжиша иртибо топди.

Адан мулкиға азимат тутмоқ– Адан сўзи ҳаёлот сўзи билан синоним ҳисобланиб ушбу матнда ҳаёлот олами назарда тугилади ва азимат сўзи билан маъновий боғланиб **“Ҳаёлот оламиға етмоқ”**, яъни мавжудликдан йўқликка йўғрилиш маъносига яқин бўлади. Инглиз тилидаги ушбу сўзнинг эквивалентида ҳам юқорида берилган мазмун акс этган. Departed to the Kingdom of non-existence –яъни “departed” кетмоқ, чекинмоқ, етмоқ мазмунида “Kingdom of non-existence” ҳаёлот олами сўзига эквивалент бўла олади ва семантик бирликлар лексикализациялашади ва фразеологик комбинацияни ташкил қилган.

Юлдузхоннинг (Қурлос наслидан чиққан подшоҳ Манглихожанинг ўғли)

Юлдузхоннинг кавкаби вужуд адан уфқида ғуруб топиб.

“Кавкаби вужуд адан уфқида ғуруб топмоқ” – Ушбу иборанинг агар компонентларидан келиб чиққан деган хулосага борсак З.Г. Ураксиннинг фразалар компонентлари ифодалаётган маъно даражасига қараб умумий маъноси компонентларининг маъноси боғлиқ бўлмаган (Phraseological fusions) эвфемистик ибора сифатида қаралиши мумкин ва инглиз тилида ҳам унинг эквиваленти **“Set beyond the horizon of non-existence”** фразасини қўллаш мумкин.

Огаҳийнинг “Фирдавс ул иқбол” тарихий асаридан юқорида берилган мисолларга ўхшаш мисоллар кўплаб учраши бу эса ўзбек тили фразеологиясининг айнан инсон ҳолатини билдирувчи фразалар луғавий таркибида очилмаган қирралари хали борлигининг исботидир.

Фойдаланилган адбиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлари” тўғрисидаги 2017 йил 21 апрелдаги қарори.
2. Раҳматуллаев Ш.У. “Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари” – Тошкент: Фан, 1966.
3. Ёўлдошев Б. ”Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти” (монографияси) – Самарқанд, 2013й.
4. Юрий Б. Мухаммад Ризо Огаҳий “Фирдавс ул иқбол”. Лейден: 1988 й.

NUTQ, MULOQOT VA MADANIY KOMPETENSIYA

Rasulova M. BuxDU o'qituvchisi
Abdusattorova M. BuxDU talabasi

Kalit so'zlar: nutq, so'z, muloqot, tilshunoslik, pragmalingsvistika, fonopragmatika, morfopragmatika

Ключевые слова: речь, слова, общение, языкознание, прагмалингвистика, фонопрагматика, морфопрагматика

Key words: speech, word, conversation, linguistics, pragmolinguistics, phonopragmatics, morphopragmatics

Maqolada nutq, muloqot va madaniyat o'rtasidagi uzviy bog'liq tomonlari ochib berilgan. Ayniqsa, muloqotning madaniy kompetensiyaga ta'sir etishi, nutqdagi so'zlarning ahamiyati ko'rsatilgan.

В статье рассматривается связь между речью, общением и культуры. Особенно, здесь говорится о влияние общения и культурной речи.

In article was written about importance of speech, conversation in culture. Mainly, here was discussed influence of conversation of people in culture competence

Tilshunoslikda antropologik omilning tadqiqotchilar diqqat markazidan o`rin olishi tilga yondashuv tabiatini o`zgartirdi. O`zbek tilshunosligida tilni pragmatik, sotsiopragmatik, etnosotsiopragmatik, lingvokulturologik yo`nalishlar va tahlil usullari asosida o`rganish maydonga keldi. Bu yo`nalishlarda, xususan, pragmalingsvistik tadqiqotlar izchillik bilan amalga oshirilayotganligini ta`kidlash kerak. Keyingi yillarda pragmalingsvistika maqsadi va vazifalari, tadqiq obyekti va tahlil usullari aniqlangan fanning mustaqil tarmog`iga aylandi. Ayniqsa, fonopragmatika, morfopragmatika, leksikopragmatika, sintaksopragmatika sohalarining paydo bo`lishi va rivojlanishi uning ilmiy asoslarini mustahkamlab bormoqda.

Pragmalingsvistika ko`p jihatdan boshqa turdagi fan sohalarini bilan hamkorlik qiladi. Bu munosabatlar, dastavval, uning lisoniy tizim yaxlitligini belgilaydigan sathlar va ularning birliklarini o`rganuvchi lingvistik sohalar bilan hamkorligida aks etadi. Chunki insonning nutqiy muloqot qobiliyatini o`rganish til tizimi, lisoniy sathlar va birliklar haqidagi ontologik bilimlarsiz amalga oshmaydi. Insonning lisoniy qobiliyati va bilimlarsiz muloqot yuzaga kelmaydi, umuman, nutqiy akt hosil bo`lmaydi. Shuning uchun birinchi galda pragmalingsvistika til tizimida bir-birini taqozo qiluvchi va almashtiruvchi lisoniy birliklar hamda mazkur birliklarni tadqiq etuvchi lisoniy sathlar bilan hamkorlikda ish yuritadi.

Pragmatikaning sintaksis bilan munosabati masalasiga kelsak, ba`zi tilshunoslar bunday munosabatning bo`lishini inkor etishga harakat qilishadi. biroq sintaktik birliklar, sintaktik hodisalar, gapning konstruktiv bo`laklari, ularning gap tuzilishidagi o`rni, diskursni shakllantirishdagi vazifalari pragmalingsvistik tahlil uchun behad zarur. Chunki sintaksisning

pragmatik vaziyat va diskurs talabiga moslashishini ta'minlovchi lisoniy omillarni aniqlash sintaksopragmatika nuqtayi nazaridan ahamiyatlidir. Ayniqsa, sintaksisning pragmatik maqsad uchun "xizmati" muhim sanaladi. Pragmalingvistikaning sintaksis bilan aloqasi nutqiy aktlarni guruhlash va tasniflashga doir masalalarda yaqqol ko`rinadi. Gaplarning kommunikativ turlari – darak, so`roq, buyruq, undov gaplar guruhlarining illokutiv maqsadni ifodalash darajasini aniqlash sintaktik qurilmalarning pragmatik imkoniyatlarini bilish uchun zarurdir. Bundan tashqari, gap strukturasi va bevosita nutqiy akt munosabatini o`rganish til tizimidagi ma`no va shakl asimmetriyasining nutq sathiga ko`chishi va pragmatik asimmetriyaga aylanish tartib qoidalarini aniqlash imkonini beradi.

Pragmatikaning substansial yo`nalishdagi tadqiqotlar bilan bog`lanishi lisoniy birliklar mazmun-mohiyatini yanada batafsil yoritish imkonini yaratadi. Har qanday grammatik tahlil lisoniy birlik, shakllarning ma`nosini, ularning mundarijaviy xususiyatlarini aniqlash vazifasini qo`yadi. Bu birliklarning asl ma`nosi va mazmunini matnga, muloqot muhitiga murojaat qilmay aniqlash va tavsiflash qiyin. Shuning uchun pragmatik ma`lumotlar semantik-sintaktik tadqiqotlar samarasi uchun muhim sanaladi.

Pragmalingvistika lisoniy tafakkur faoliyati va uning natijasida yuzaga keladigan lisoniy-mantiqiy hodisalar–presuppozitsiya, implikatura, illokutiv maqsad kabilarning muloqot matnida voqelanishi masalalari bilan shug`ullanadi. Nutq ijodi faoliyatida uchraydigan pauza, sukut saqlash, ikkilanish kabilarni kognitiv jarayon hodisalari bo`lib, ular kommunikativ maqsad ifodasi uchun xizmat qiladi. Nutqiy muloqot hamkorligining asosiy maqsadi – axborot almashinuvi va bu maqsadga erishish uchun suhbatdoshlar bir-birlarini tushunishlari lozim. Shunday ekan, nutqiy hamkorlik samarali bo`lishini ta'minlovchi vosita muloqot ishtirokchilarining lisoniy-kognitiv qobiliyatidir. Bu qobiliyat yetarli darajada shakllanmagan bo`lsa, kommunikatsiya "til bilmaslar" uchrashuviga aylanadi [1]. Bundan tashqari, muloqot matni tagma`noli mazmunga, implikaturali ifoda vositalariga boy ekanligini hisobga olish kerak.

Muloqot jarayonida, u og`zaki yoki yozma bo`lishidan qat'i nazar, shaxslararo munosabatni ta'minlash vazifasidan tashqari matn yaratish va fikrni uzviy ifodalash vazifalari ro`yobga chiqadi. Shu sababli muloqot mahsuli bo`lgan diskursni turli nuqtayi nazardan tadqiq etish talabi mavjud. Diskursning pragmalingvistik talqini uchun esa mazmun ifodasi, uning zohiriy va botiniy belgilari, tagma`no turlari va kommunikantlar bilim doirasi, kognitiv-semantik hodisalar tadqiqi muhimdir. Asosiysi, diskursning strukturaviy va pragmatik-kognitiv qatlamlari bir xilda milliy-madaniy qobiqqa ega bo`lishidir [2].

Voqelik bilan munosabatga kirishayotgan, uni idrok etayotgan shaxs ongida ma`lum miqdordagi axborot oldindan mavjud bo`ladi. Shuningdek, har bir inson "shaxsiy kognitiv maydon"ga ega bo`ladi va shu asosda "jamoat (milliy) kognitiv maydoni" hamda "kognitiv bazasi" shakllanadi. Kognitiv baza, so`zsiz, etnik, milliy ko`rinishga ega [1]. Bu xususiyatlar kognitiv maydonda qanday harakat qilishi va muloqot faoliyatining qaysi jihatlariga ta`sir o`tkazishini aniqlash pragmalingvistikaning vazifasidir.

Madaniy "ssenariy" tushunchasidan foydalangan holda muloqot birliklarining milliy-madaniy xususiyatlarini tizimli tavsiflash mumkin. Muloqot matnining shakllanishi ikki bosqichli faoliyatdan iborat. Bu faoliyatning birinchi bosqichi kontseptual xususiyatga ega bo`lib, aynan shu bosqichda kommunikativ maqsadga mos keladigan freym shakllanadi. Masalalan, ishontirish, qo`rqitish, so`rash, talab qilish, taklif qilish, ogohlantirish kabi illokutiv maqsadni ko`zlovchi nutqiy harakatlarni voqelantiruvchi freymlar muloqot strategiyasini belgilaydi. Ikkinchi, ya`ni diskursiv bosqichda kontseptual tuzilma–freym o`z lisoniy ifodasini topadi.

Axborot almashinuvining mazmuniy negizini tashkil etuvchi konseptual tuzilma –freymning turli milliy-madaniy muhitlarda tarkiban mos kelmay qolish holatlari mavjud. Shuning uchun ularga izoh berish zarurati tug`iladi. Tasavvur qiling, ingliz tilida so`zlashuvchi do`stingiznikida choy ichyapsiz, u sizga mehmondo`stlik ramzi sifatida: "*Yana choy ichasizmi?*"- deb so`raydi. Siz ham mehmondo`stlik uchun tashakkur bildirasiz. Shunda do`stingiz so`rovni davom ettirishga majbur bo`ladi: "*Ha, rahmatmi*" yoki *yo`q, rahmatmi?*" [4].

Nutqiy muloqotdagi bunday anglashilmovchilikning sababi tashakkur iborasining noto'g'ri shaklda bo'lishida emas, balki o'zbek millatiga xos madaniyat me'yoridir. Masalan, mehmondorchilikda mezbon iltifotidan qanchalik bahramand bo'lishni istasak ham, hech qachon mehmonning "Ovqat yeysizmi?", "Choy ichasizmi?" kabi savollariga to'g'ridan to'g'ri tasdiq javobini bermaymiz. "Rahmat!" deyishning o'zi iltifotning qabulidir. Umuman, sharqona muomala madaniyatida "ha" va "yo'q"ning ifodasida keskin chegara yo'q. Yaponlar har qadamda ishlatadigan "hay" iborasini yevropaliklar "ha" mazmunida tarjima qilishadi. Shuningdek, o'zbek tilidagi "xay", "xo'p" iboralari ham tasdiq, rizolik mazmunida qabul qilinadi. Aslida, ushbu iboralarni qo'llayotgan yapon ham, o'zbek ham to'g'ridan to'g'ri rozilikni bildirayotgani yo'q; u "Sizni tingladim va tushundim, endi qanday javob berishni va nima qilishni o'ylab ko'raman" demoqchi [3].

Umuman, kommunikativ maqsad – intensiyani botiniy, yashirin holda yoki bavo-sita ifoda etish barcha millatlarga xosdir. Lekin bilvosita nutqiy aktlarning tasnifiy guruhlari va ularni ifodalovchi lisoniy shakllar qatori turli tillarda bir xil ko'rinishga ega bo'la olmaydi. Masalan, fransuz maqto'v, tahsin izhor etishi uchun panjasining uchini o'pib qo'ysa yetarli. Inglizlar mazmunni bilvosita ifodalashda ko'pincha so'roq shakllariga murojaat qiladilar. O'zbeklar nutqida iltimosni ifodalashda savol shakllaridan kamroq foydalaniladi. Turli millat vakillarining sergaplik darajasi ham bir xil emas, ko'p gapirishdan turli maqsad ko'zlanishi mumkin. Markaziy Osiyo xalqlariga "Ahvolingiz qanday?", "Uy ichi, bola-chaqa tinch-omonmi?" savollari bilan murojaat qilinganda, "Xudoga shukur!" javobini olishning o'zi yetarli. Xuddi shu savolni anglosaksonlarga bersangiz, ularni hayron qoldirishingiz va umuman javob olmasligingiz mumkin. Olmonlar esa batafsil javobga tayyor turishadi, ulardan hatto, o'z tana a'zolarining qay ahvolda ekani haqida ham ma'lumot olish mumkin [2].

Insoniyat uchun umumiy bo'lgan tushunchalar, konseptlar mavjudligini bilamiz. Bular qatoriga masalalan, zamon va makondan tashqari, haqiqat, yolg'on, sevgi, burch, adolat, hurmat, qasd, g'azab kabilar kiradi. Bunday konseptlar barcha xalqlar uchun qanchalik umumiy bo'lmasin, ammo har bir xalq ularning mazmunini o'zicha tasavvur etadi va talqin qiladi. Binobarin, shved va o'zbek "sha'n" so'zini bir xilda tushunmaydi, xitoy va ingliz uchun "burch" bir xil ma'no anglatmaydi. Umumiy tushunchalar talqinidagi bunday nomuvofiqliklar madaniyatlararo muloqotda turli noqulayliklar tug'diradi. Inglizlar va nemislar tarixan bir urug'dan tarqalishgan.

Pragmalingvistika, dastavval pragmatik mazmunning madaniyatlararo, tillararo qanchalik darajada mos kelishi va ushbu mazmunni tarkib toptiruvchi omillarning kommunikativ-pragmatik maydondagi harakat miqyosi haqidagi ma'lumotlarni yig'ish bilan shug'ullanishi lozim. Bunday yo'nalishdagi tahlil tillararo pragmalingvistik tadqiqotlarning vazifasidir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Sayfullayeva R., Mengliyev B., Boqiyeva G., Qurbonova M., Yunusova Z., Abuzalova M. Hozirgi o'zbek adabiy tili. –T.:Fan va texnologiya, 2009. – 414 b.
2. Сафаров Ш., Тоирова Г. Нутқнинг этносоциопрагматик таҳлили асослари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2007. –39 б.
3. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Т.:Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 286 б.
4. Курбонова М. Ҳозирги замон ўзбек тили (сода гап синтаксиси учун материаллар). –Т.: Ўз МУ босмаҳонаси, 2002. – 117 б.

EUPHEMISTISCHE VERÄNDERUNGEN DER BEDEUTUNG (EUPHEMISMUS)

Raxmatov A.P. BuxDU

Kalit so'zlar: evfemizm, evfemistik, ma'no, ma'no o'zgarishi, termin, ibora, evfemistik ma'no

Ключевые слова: эвфемизм, эвфемистик, смысл, смена смысла, термин, фраза, эвфемистический смысл.

Key words: euphemisms, euphemistic, meaning, change of meaning, term, phrase, euphemistic meaning.

Annotatsiya: Ushbu maqola ma'noning evfemistik ya'ni haqoratli, qo'pol yoki yoqimsiz ma'noni anglatadigan so'zlar o'rniga ishlatiladigan beg'ubor so'z yoki iboralarga o'zgarishi to'risida.

Аннотация: В данной статье речь идёт об эвфемистических изменениях смысла, то есть ругательских, грубых или неприятных слов или словосочетаний на более смягчающие СМЫСЛ СЛОВ.

Annotation: This article is about euphemistic changes in meaning, that is, abusive, rude or unpleasant words or phrases to more mitigating the meaning of words.

Das Bestreben, einen Gegenstand oder eine Erscheinung der objektiven Wirklichkeit nicht direkt, sondern umschreibend zu bezeichnen, führt zu einer besonderen sprachlichen Erscheinung, die im engen Zusammenhang mit dem Bedeutungswandel steht und ihn manchmal sogar hervorruft. Deswegen halten wir es für ratsam, diese Erscheinung im Anschnitt „*Bedeutungswandel*“ zu betrachten. Diese sprachliche Erscheinung heißt Euphemismus. Der Fachausdruck *Euphemismus*. Der Fachausdruck Euphemismus ist griechischer Herkunft: *eu* – „gut“, *phemi* – „spreche“, bedeutet also „*verschönernde Umschreibung*“. Wir verstehen unter diesem Terminus die Bezeichnung der Gegenstände oder Erscheinungen nicht durch gewöhnliche Benennungswörter, sondern durch Umschreibung mit Hilfe eines anderen Wortes oder sogar einer ganzen Wortverbindung. Diese umschreibende Bezeichnung ist nicht immer eine verschönernde, doch unbedingt eine den Inbegriff verschleiende Umschreibung. So gebraucht man statt des Wortes sterben folgende Euphemismen: *Entschlummern, Ableben, der ewige Schlaf, die ewige Ruhe u. a.*

Die euphemistische Ausdrucksweise ist nicht als eine Besonderheit der deutschen Sprache zu betrachten. In dieser oder jener Weise ist sie einer jeden Sprache eigen. Das Denken und der Erkenntnisprozess der Menschen sind allgemeinmenschlich, die Sprache ist aber rein national. Da doch die letztere sowohl mit der objektiven Wirklichkeit wie auch mit dem Denken verbunden ist, gibt es in verschiedenen Sprachen viele ähnliche oder gar zusammenfallende Erscheinungen. Dadurch sind auch gleiche sprachliche Kategorien zu erklären, wie z.B: der Euphemismus. Daher finden wir auch in der russischen Sprache viele Euphemismen. So sagt man oft *statt умер: закрыл навеки глаза, почил, преставился, перешел в другой (лучший) Мир, откуда не возвращаются и.а; statt черт sagt man нечистый, нечистый дух, чох и. v. a.*

Der Euphemismus ist genetisch mit dem religiösen Tabu verbunden.

Das *Tabu (polynesisch verboten)* ist eigentlich eine magisch- religiös begründete Meidung verschiedener Handlungen, die sich auf Lebewesen, Gegenstände, Orte, Zeiten, Zustände, Handlungen, Speisen, Wörter beziehen können. Diese Erscheinung finden wir bei den meisten Naturvölkern. Vom Standpunkt der Sprachkunde aus unterscheiden wir von anderen Arten das *sprachliche Tabu*, nämlich das Verbot, bestimmte Wörter auszusprechen.

Wie viele Forschungen zeigen, glauben manche rückständige Völker noch bis jetzt, dass zwischen dem Menschen und seinem Namen eine innere Verbindung bestehe, dass die Gegenstände und Erscheinungen mit dem sie zu Bezeichnungen Wörtern identisch seien. Aus der aber glaublichen Angst vor den unverständlichen und daher gefährlichen Naturerscheinungen, aus der Unmöglichkeit, sie zu begreifen und zu erklären, suchen diese Völker Mittel, sich dagegen zu wehren, sich davor zu retten. Und da sie an die Identität der Wörter und der von ihnen bezeichneten Gegenstände und Erscheinungen glauben, vermeiden sie es, diese Benennungen auszusprechen, und versuchen sie durch verschiedene andere Wörter oder Wortverbindungen zu ersetzen. Eben auf diese Art des Tabus ist der Euphemismus zurückzuführen.

Es gibt verschiedene Gründe, die das Entstehen von Euphemismen verursachen. Ihrer Herkunft nach zerfallen die Euphemismen der deutschen Sprache in vier Gruppen: religiöse, sozial – moralische, politische und gesellschaftlich – ästhetische Euphemismen.

Die ältesten Euphemismen, die in dem oberurwähnten Tabu wurzeln, sind *religiöse Euphemismen*. Sie umfassen die Begriffe der Religion und die mit religiösen und abergläubischen

Vorstellung verbundenen Begriffe des Lebens und auch des Todes, der Krankheiten usw. Zu den rein religiösen Euphemismen gehören verschiedene Umschreibungen der Wörter: *Gott, Teufel*. Man hat sich gescheut, den Namen des Gottes (der Götter) unnütz im Munde zu führen, daher kommen solche Euphemismen wie *potz, potz Wetter, potz Blitz, potz Stern, der Allwissende, der Allmächtige, Er himmlischer Richter*.

„... wenn du vor deinem himmlischen Richter dich nicht mehr Genierst“. (H. Mann)

K. Moor: ... Ich wollte umkehren und zu meinem Vater gehen, aber *der im Himmel* sprach, es soll nicht sein.... Kann denn ein großer Sünder noch umkehren? Ein großer Sünder kann nimmermehr umkehren, das hätte ich längst wissen können - ... jetzt, da ich *Ihn* suche, will Er nicht; *Er* bedarf ja meiner nicht. Hat Er nicht Geschöpfe die Fülle? Einen kann Er so leicht missen, und dieser Eine bin nun ich. (Fr. Schiller)

Statt *heiligen Gotts* sagt man *heiliger Bimbam, heiliger Strohsack*.

Statt *O, Herr Jesus!* Sagt man: *O, Jeru, Jerumi, Jenune, Jegerle, Jesu!*

Man trägt Bedanken, auch den Namen des Teufels auszusprechen, als ob sein Name ihn herbeirufen könne, daher viele Euphemismen der Art *Teuxel, Teixel, Deixel, Deibel, Henker, Böse, Versucher, Widersacher, Schwarze, alter, böser Feind, Geier, Kuckuck, Popanz u. a.*

Verfluchte Gören, der Daubel soll euch holen! (W. Bredel)

Weiß der Henker, pardon, aber das Leben ist eine richtige Kalamität. (F. C. Weiskopf)

Verflucht, eigentlich „*verwünscht*“, riefen früher unangenehme Assoziationen mit den religiösen Vorstellungen vom Gottesfluch hervor, Deswegen suchte man dieses Wort durch ein anderes zu umschreiben; dazu diente die entstellte Form *verflixt*, die auf diese Weise zum Euphemismus wurde. Statt *ein verfluchter Kerl* oder *verfluchtes Wetter* sagt man *ein verflixter Kerl, verflixtes Wetter*.

„Noch nicht müde? Ich gehe hier und horche auf den Wind..., *Verflixtes Wetter!*....“ (T. Mann)

Die Erscheinung des Todes, vor dem die Menschen sich so sehr fürchten, hat auch viele Euphemismen ins Leben gerufen. So gibt es statt *Tod* eine Reihe von Euphemismen: *Vetter Hein, Knochenmann, Sensenmann, Streckebein u.a.* Statt des Substantivs *Sterben* – Trennung, Hinscheiden, Ableben, Auflösung, Heimgang, Hintritt, *Hingang* u. a.

Der schaute ihn an aus seinen großen, treuherzigen, blauen Augen über der langen Nase, und während er umständlichen, biederer Worten seine Trauer bekundete über den Hingang des vielgeliebten Oheims, bedachte er schwerfällig die Vorwände. (L. Feuchtwanger)

Daher gibt es auch eine Menge Euphemismen zu dem Verb *sterben*. Eine Charakteristik dieser Erscheinung finden wir bei K. Nyrop: „*L. Morandi* hat vor einigen Jahren untersucht, „*auf wievielerlei Arten man in Italien sterben könne*“ und hat deren ungefähr zweihundert gefunden; die doppelte Zahl hat man im Deutschen nachgewiesen“.*1 Hierher gehören folgende Verben: *einschlummern, entschlummern, hinübergehen, heimgehen*,

Das müsse ins Geld gelaufen sein, wie die Herren sich ausrechnen könnten, und dabei sei zu bedenken, dass seine Gemahlin, in deren Armen er danach

Verschieden, völlig mittellos Hinterbleibe. (Th. Mann)

Als euphemistische Umschreibungen von *sterben* dienen auch viele Wortbedeutungen: zur ewigen Ruhe gehen, dem Gebote der Natur folgen, für immer einschlafen, die Augen schließen, den Geist aufgeben, in die Wohnung des Friedens Kommen, nicht mehr unter den Lebenden sein, den letzten Atemzug tun, seine Stunde ist gekommen usw.

„*Du weißt, Jacques, mein Vater ist schwer leidend. Er kann jederzeit das Zeitliche segnen, dann sollst du Tausende haben, so viele Tausende du nur immer brauchst und wünschst*“. (Kellermann)

Es sind auch solche Euphemismen zu erwähnen wie *die irdischen Überreste, die irdische Hülle statt Leiche, die letzte Ruhestätte statt Grab, der heilige Ort, der gute Ort, Gottes Acker statt Friedhof u. a.*

Die zweite Gruppe von Euphemismen – *die sozial – moralischen* – wurde durch andere Ursachen als die religiösen, nämlich durch verschieden ethische Normen der Gesellschaft, bedingt.

Manche dieser Euphemismen spiegeln die Normen des menschlichen Benehmens in der Gesellschaft wider. Mit der Entwicklung der Klassengesellschaft entwickelten sich auch verschiedene negative sozial – moralische Erscheinungen. Zugleich sind aber auch solche ethischen Normen des menschlichen Benehmens und der Moral entstanden, die für die Klassengesellschaft der feudalen und kapitalistischen Epochen typisch sind. „Wenn wir nun aber sehen, dass die drei Klassen der modernen Gesellschaft, die Feudalaristokratie, der Bourgeoisie und das Proletariat jede ihre besondere Moral haben, so können wir daraus nur den Schluss ziehen, dass die Menschen, bewusst oder unbewusst ihre sittlichen Anschauungen in letzter Instand aus den praktischen Verhältnissen schöpfen in denen ihre Klassenlage begründet ist – aus den ökonomischen Verhältnissen, in denen sie produzieren und austauschen“.

In dem die herrschenden Klassen die negativen Seiten des Lebens zu verheimlichen, zu verschleiern versuchten, gebrauchten sie mildernde Umschreibenden, d. h. wiederum Euphemismen. Die umfassen verschiedene Seiten des Gesellschaftlichen Lebens und erster Linie das Gebiet der negativen sozialmoralischen Erscheinungen (das Saufen, der Diebstahl und andere Verbrechen und Laster).

Das Wort *Lüge* wird durch *Historie, Anekdote, Chronik, Unwahrheit* umschreiben. Das Verb *lügen* – durch *dichten, phantasieren, eine lebhaftige Phantasie haben, die Wahrheit verschweigen, das lange Messer handhaben, spinnen* usw. So sagt man über Münchhausen: *er habe die Kunst verstanden zu lügen* oder höflicher gesagt *das lange Messer zu handhaben*. Statt *betrügen* gebraucht man: *jemandem ein X für ein U vormachen; jemandem einen Bären aufbinden; jemanden hinein legen, einseifen, hinters Licht führen, zum Besten haben*.

Literaturverzeichnis

1. M. D. Stepanova, W. Fleischer. Die Wortbildung der deutschen Gegenwartssprache, Leipzig 1987.
2. Th. Schippan. Lexilologie der deutschen Gegenwartssprache Leipzig 1987.
3. M. D. Stepanowa u. a. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache M 1975.

O'ZBEK ADABIYOTI NEMIS TILIDA

*Rahimova Yu., Ashurova Sh.
Xayitov J. talaba, QarDU*

Key words: folklore, national terms, poetry translate, dialects

Ключевые слова: народное творчество, национальные термины, поэтический перевод, выражения, устный речь

ANNOTATION: this article is a German translation of one of the masterpieces of Uzbek literature the well known Uzbek writer Gafur Gulam.

АННОТАЦИЯ: эта статья о переводе знаменитого узбекского писателя Г.Гуляма “Шум бола”, переведенными переводчиками А. Остонова и А. Азизова

O'zbek adabiyotining durdona asarlaridan biri taniqli o'zbek adibi G'afur G'ulomning "Shum bola" qissasidir. Bu qisa bir necha yillar davomida o'zbek kitobxonlari qalbidan joy olib kelmoqda. Hatto bir necha bor bilvosita tarjimalar ham qilindi. Endi u bugun bevosita nemis tiliga yosh tarjimonlar O.Ostanov va A.Azizovlar tomonidan tarjima qilindi. Yurtimiz turmushi bugungi kunda rivojlangan mamlakatlar bilan raqobatlasha oladigan darajaga yetdi. Bugungi O'zbekiston madaniyati dunyodagi barcha madaniyatlar bilan tenglasha oladi. Urush paytidagi turmush aytarli darajada yaxshi emas edi. Romandagi voqealar xuddi urush davrida bo'lib o'tganiga qaramasdan, bizning "Shum bola"ga o'sha turmush darajasi o'z ta'sirini ko'rsatmagan edi. U doim quvnoq, beg'ubor, ko'ngli ochiq, kamtar edi. Tarjimon oldida shunday maqsad turadi - tarjima qilinyotgan asarni uning muallifi qanday ruhda, qanda kayfiyatda yozgan bo'lsa, tarjimon ham xuddi o'sha ruh va o'sha kayfiyatda tarjima qilishi lozim. Bir so'z bilan aytganda G'.G'ulom asarlarini tarjima qilishda G'.G'ulom bo'lish kerak. Romanda xalq og'zaki ijodi va bir qancha diniy, milliy atamalar-dan unumli foydalanilgan. Quyida roman qahramoni Qoravoy tilidan aytilgan qo'shiq:

Daryo toshqin, suvlar to'lqin
O'tolmayman-a, yor-yor.
Otgina'mni oriq qilgan
Yetolmayman-a, yor-yor.
Otim oriq, manzil uzoq
Shu mayday tosh-a, yor-yor.
Rangina'mni sariq qilgan
U qalamqosh-a, yor-yor.

Albatta she'riy tarjimalar qo'shma gaplar bilan tarjima qilinadi. Yuqoridagi o'zbekcha jozibani endi adekvatida qidirib ko'ramiz:

Der stürmische Flöss strömt so schnell,
und ich kann ihn nicht durchquern, jor- jor.
Mein Pferd ist mager, der Weg ist weit,
und ich kann ihn nicht erreichen, jor-jor.
Der Schotter erschöpfte mein Pferd,
und eskann nicht weiter rennen, jor-jor.
Mich erfasste nun die Sehnsucht
nach der Geliebten zum Erbarmen, jor- jor.

Biz bilamizki, tarjima so'zma- so'z emas, balki mazmunan tarjima qilinadi. Yuqorida guvohi bo'ldik. Qo'shiqni nemischa varianti hatto nemischaga ham ozroq moslashgan desak mubolag'a bo'lmaydi. Chunki birinchi qatordagi „Daryo toshqin, suvlar to'lqin" jumlasini „Der stürmische Fluss strömt so schnell" - so'zma- so'z tarjimasi esa „Toshgan daryo shunday tez oqadi" deb tarjima qilish mumkin. Lekin bu asliyatni ifodalay oladi. Yuqorida ta'kidlaganidek, bu yerda mazmun- mohiyatga kuchli e'tibor berilgan. Axir, G'. G'ulom yoki „Shum bola" bo'lish uchun o'sha davrda yashash kerak-ku! Xalqimiz o'tmishiga hazar solsak, uni turmushida din muhim rol o'ynagan. Romandagi voqealar ham bundan mustasno emas. Asar qahramoni Qoravoy tasavvuf tariqatlaridan Yassaviya tariqati qalandarlariga ergashib bir qancha vaqt yashaydi. Bu vaqtda u „Haq do'st, yo ollo" ni aytib kun kechirgan. Quyida shu qo'shiqlardan biri:

Dukur - dukur ot kelur Bizning yorni so'rasang
Yo ollo do'st, yo ollo Yo ollo do'st, yo ollo
Chiqib qarang kim kelur Xipcha belli Zebixon.

Yo ollo do 'st, yo ollo Yo ollo do 'st, yo ollo Haq do 'st, yo ollo

Nemis tilida esa:

Das Pferd kommt angakfoppiert O Allah - Freund! O Allah!
Hat sich vielleicht jemand verheret O Allah - Freund! O Allah!
Die Sebi, die ich vermisste O Allah - Freund! O Allah!

Bu yerda "Haq" so'zi birgina "Allah" so'zi bilan tarjima qilingan. Ammo islom dinida ollohning yuzta ismi bor. Og'zaki nutqda turli variantlarda qo'llaniladi. Shu bilan birga romanda diniy so'zlar "rnoshollo", "ollohu akbar", "hazrat" kabi va milliy - shevadagi so'zlar "hofiz", "hormanglar", "bobo", "boy", "oqsoqol" kabilar ko'p uchraydi. Bu so'zlar faqat o'zbek tilida foydalanilgani uchun uni tarjimada Glossar (izohli lug'at) qilib berilgan: "Maschallah" - Redewendung aus dem Arabischen, die heisst "Wie/was Got will!" - ya'ni, arabcha ibora bo'lib, u "xudo nimani/qanday xohlasi" deganidir. "Allohu akbar" - (arabisch) Allah ist Allergrößte - ya'ni olloh hammadan buyukdir. Lekin biz yuqoridagi so'zlarni ma'nosini ishlatmay, o'z holida qoldiramiz. Masalan quyida: "Hormanglar" - Singular: Hormang - mögen Sie nicht müde werden! Eine Art von Begrüßung, die hauptsächlich zu Leuten gesagt wird, die arbeiten. "Hormaglar" - birlik: Hormang - charchamang! Salomlashishning bir turi bo'lib u umumiy ishlayotgan odamlarga aytiladi. Demak, "Horma" so'zini "Hallo" so'zi bilan almashtirib bo'lmas ekan, chunki u faqat ishlayotgan odamlarga nisbatan ishlatiladi. Umuman romanda diniy va shevaga xos so'zlardan unumli foydalanilgan va o'rinli tarjima qilingan. "Shum bola" romanini o'qigan kitobxon borki, hamma uni Sariboyini "innankeyini"ga javob bera olgan shovvoz deb bilishadi. Tarjimada bu hol qancha mos kelganini ko'ramiz G'.G'ulom romanning shu nuqtasida xalq og'zaki ijodi bo'mish "Bir

yolg'onda qirq yolg'on" ertagidan unumli foydalangan yoki shu ertak ta'siri seziladi. Qoravoy ham bir yolg'onni ketidan shuncha yolg'onni to'qiydi. Sariboy o'z bog'ini tashlab, нгыга kontordan qimorda yutib olgan yerlariga ketadi. Bog'da esa olmalar pishib, terishga tayyor edi, ammo boyni ruhsatisiz hech kim teraolmas, xizmatkorlar esa uni chaqirib kclishga qo'rqar edilar, chunki uni "innankeyini"ga javob berish mushkul, agar javob bermasa qamchi kelib yelkaga tushar edi. Shunday qilib, barcha xizmatkorlar qur'a tashlashadilar, qur'a Qoravoyga tushadi. Qoravoy borib gapni nimadan boshlashni bilmay garangsib turar edi: Boy: -Xo'sh!? ("Na!?!") Qoravoy: - Shunday o'zim, sizni so'g'inib, bir ko'rib ketay, deb kelgan edim. ("Einfach so, ich wollte Sie mal besuchen. Deshalb bin ich hier".) Boy: -Yaxshi, yaxshi, barakalla, juda ham quruq kelmagandirsan, biror ishing bordir, xo'sh nimaga kelding?" Gut, gut, das hast du fein gemacht! Aber du bist doch bestimmt wegen einer anderen Angelegenheit gekommen. Also, herausdamit!". Qoravoy: - Anovi, haligi, dandon sopli pichog'ingiz sinib qolib edi, shuning xabarini bergani keldim. "Also... Ihr Messer mit dem Elfenbeingriff ist abgebrochen. Ich kann hierher, um es Ihnen zur Kenntnis zu bringen". Ana shu so'zdan keyin menga "innankeyin" savoli yog'ila boshladi. "Prompt begab er mein mit seiner üblichen Frage zu attackieren". Boy: -Xo'sh, innankeyin, qanday qilib sindi? Ro'zg'orda mening pichog'imdan boshqa pichoq qurib ketgan ekan- mi? "Na, was passiert danach? Wie ist es kaputt gegangen? Hat man im Haushalt den kein anderes Messer mehr außer jenem?" Qoravoy yolg'onni bir-biriga shunday bog'laydiki, boy „innankeyin"ni boshqa ayta olmaydi. "Innankeyin" bu shevada aytilishi, aslida esa "undan keyin yoki shundan keyin" demakdir.

Demak, tarjima qilishdan avval o'zbek tilida yaxshilab tushunib olish kerak ekan. Hozirgi kunda tarjimaning bevosita turi ham adabiyotdagi o'rmini yana bir javohir bilan bezadi. O'zbek kitobxonlari „Shum bola“ ni o'qib qanday zavqlangan bo'lsalar, nemiszabon kitobxonlar ham shunday his- tuyg'uni aks etsalargina, tarjimon o'z maqsadiga erishgan bo'ladi.

ADABIYOTLAR

1. G'ulom G'. „Shum bola“. „Yangi asr avlodi“ nashriyoti. Toshkent- 2012
2. G'ulom G'. „Der Schelm“. O. Ostanov va A. Azizovlar tarjiması. „Akademnashr“ Verlag. Taschkent- 2014.

L'APPROCHE CULTURELLE DANS L'ENSEIGNEMENT DE LA LANGUE FRANCAISE

Ризаханова М.Г. СамДЧТИ ўқитувчиси

Ключевые слова: методы обучения, культурологический подход, лингво-страноведческое обучение, социокультурный контекст, процессе изучения, теоретические основы, язык, цивилизация, культурный контекст.

Key words: teaching methods, cultural approach, linguistic and regional studies, sociocultural context, learning process, theoretical foundations, language, civilization, cultural context.

Mots clés: méthodes d'enseignement, approche culturelle, études linguistiques et régionales, contexte socioculturel, processus d'apprentissage, fondements théoriques, langue, civilisation, contexte culturel.

Annotation. La première fonction de la langue est la communication et la celle-ci n'a seulement pour but de transférer les connaissances mais aussi d'obtenir des informations sur la langue et la culture d'une société. Une approche culturelle basée sur une démarche d'apprentissage mettant en cause des tâches précises à effectuer ne peut faire l'impasse sur une étude des stratégies d'apprentissage utilisées par l'apprenant.

Abstract: The main function of the language is communication, which is intended not only to transfer knowledge, but also to obtain information about the language and culture of society.

The culturological approach provides a study of the theoretical foundations of the development of the secondary linguistic personality of the student in the process of studying languages, cultures and civilizations, he focuses on the value-oriented content of cultural education

by means of linguistic and regional studies and explores the range of socializing effects of foreign communication of students

Аннотация. В данной статье были проанализированы различные подходы обучения иностранным языкам, в особенности культурологический подход. Культурологический подход обеспечивает изучение теоретических основ развития, обучаемый в процессе изучения языков, культур и цивилизаций, концентрирует внимание на ценностно-ориентированном содержании культурологического образования, средствами лингвострановедческого обучения, исследует диапазон социализирующего воздействия иноязычного общения обучаемых, позволяет определять принципы культурологического образования средствами иностранных языков с учётом социокультурного контекста их изучения.

L'éducation est une voie privilégiée de transmission et d'épanouissement de la culture d'un peuple comme d'un individu, et l'école demeure la première institution sociale dont la mission est l'éducation. L'éducation, en favorisant notamment le dialogue entre quête de sens et construction des savoirs, se doit de procurer à l'élève *des outils et des langages pour comprendre le monde et se comprendre dans le monde* [Simard, 2002, p. 72].

L'enseignement du français ainsi que d'autres langues étrangères a eu une succession de différentes méthodologies avec des objectifs variés adaptés aux nouveaux besoins des apprenants: depuis la méthodologie traditionnelle, dite «classique» ou «grammaire-traduction», dont le but était lire et traduire des textes littéraires ce qui laissait l'oral au deuxième plan à la méthodologie naturelle de F. Gouin de la fin du XIX siècle selon laquelle « l'apprentissage ressemble le plus possible à celui de la langue maternelle par l'enfant » [Seara, 2001, p. 4]. L'enfant écoute la langue orale dans un certain ordre, il apprend des mots qui ne sont pas séparés, mais liés dans des textes qui reflètent sa vie quotidienne. En dépit de ses certaines idées «révolutionnaires», cette méthodologie comme et celles qui l'ont succédée (la méthodologie directe, basée sur l'enseignement d'une langue sans utiliser la langue maternelle en classe, la méthodologie active qui n'était qu'un certain « compromis entre les méthodologies directe et traditionnelle » [Seara, 2001, p. 7], la méthodologie audio-orale et, plus tard, audio-visuelle, basée sur l'image et le son, ont cédé leur place à l'approche communicative qui se développe à partir des années 70. En fonction des besoins des apprenants, on développe la compétence de communication qui comporte des compétences linguistiques et extralinguistiques qui constituent un savoir-faire à la fois verbal et non verbal, une connaissance pratique du code et des règles psychologiques, sociologiques et culturelles qui permettront son emploi approprié en situation .

Chaque fois, pour communiquer, il faut que les connaissances linguistiques soient adaptées à la situation concrète (l'âge de l'interlocuteur, son statut social, religieux, l'intention et le lieu de communication, etc.)

L'homme peut communiquer à l'aide de la musique, du dessin, des gestes, des mimiques, il peut se servir du langage graphique (courbes, tableaux, etc.) et, bien sûr, de sa langue naturelle, qui est le moyen le plus évolué pour exprimer ses sentiments (le domaine personnel et affectif) ou présenter des données basées sur des chiffres (les domaines sociaux, etc.)

On considère les objectifs d'apprentissage selon deux perspectives, celle de la dimension culturelle et interculturelle, ce qui revient à dire que j'ai considéré l'approche culturelle en tant que pédagogie de la discipline, et pédagogie de la personne. En général, cette distinction en didactique marque très nettement une dichotomie théorique entre ces deux perspectives. La dimension culturelle est souvent considérée en termes d'enseignement, c'est ce qui caractérise la nature descriptive de l'objet culture dans l'enseignement des langues. Par contre, la dimension interculturelle est davantage perçue en termes d'apprentissage. Dans notre conception de la Didactologie des Langues-Cultures, les deux dimensions sont envisagées sous le même angle pédagogique. Ce qui compte à nos yeux, c'est de fournir à l'apprenant des moyens d'apprentissage basés sur la construction et la réflexion.

L'approche linguistico-culturelle repose en partie sur une visée ethno-linguistique de la langue que l'on peut définir par l'étude des relations entre langue, culture et société, et qui prend en considération « la manière dont un individu donné parlant une langue donnée l'utilise et l'actualise selon les différentes circonstances de la vie sociale » [Prakash, J. 2011.p76).]. Il s'agit de considérer la communication en tant que moyen d'expression d'une culture par l'Homme. On peut désigner cette approche également par « Approche ethnographique », mais la première notion me paraît plus pertinente, car y est intégrée une dominante linguistique comprenant la sémantique, la sémiologie ou l'analyse des interactions verbales (entre autres). Ces disciplines connexes de la linguistique étant bien évidemment considérées sous un angle culturel.

L'approche socioculturelle place l'individu au centre de l'organisation sociale et du système culturel dans lesquels il évolue. Le rapport de l'individu à sa culture est multiple : il repose sur l'imprégnation inconsciente de comportements, de mécanismes, de valeurs, de principes présents dans sa culture maternelle et qui caractérisent son identité culturelle. Il repose également sur les rapports que chaque individu entretient avec les différentes structures, manifestations et produits sociaux. Cette approche est par conséquent sociologique et anthropologique. L'apprenant se retrouve dans ce cas confronté à des pratiques et des faits culturels de la culture-cible, mais pas nécessairement en milieu authentique. La dimension anthropologique joue un rôle essentiel dans l'acquisition d'une culture étrangère, car elle reflète les caractéristiques d'une culture et dévoile un large spectre de manifestations, de représentations et de valeurs partagées par les membres d'une même communauté culturelle.

Cette approche est fondamentale pour la connaissance et la compréhension de la culture étrangère, ainsi que pour l'acquisition d'une compétence de communication en milieu exolingue. L'interculturel est une perspective humaniste, une frontière à l'hégémonie culturelle, une orientation vers la socio diversité. L'approche interculturelle repose sur une pédagogie de la relation entre les individus de cultures différentes dont l'enjeu vise la compréhension mutuelle. La démarche est une démarche réflexive qui vise l'acceptation de l'Autre avec ses différences et ses ressemblances. La connaissance et reconnaissance de l'Autre nécessitant la connaissance de soi, la démarche tend vers l'ouverture à l'altérité, l'acceptation du caractère ethnocentrique de toute culture, la relativisation du système de référence culturel. Découvrir que d'autres individus perçoivent le monde d'une autre manière, possèdent d'autres normes et critères permet de prendre conscience de ses propres priorités. Rencontrer l'étranger, c'est donc à la fois apprendre sur soi et sur l'autre. [Puren, C. 1998 : 84]

Cette reconnaissance de soi et de l'Autre a lieu et se vérifie en situation de communication que l'on désigne par la notion de communication interculturelle. C'est cette réalité interactive que de nombreux chercheurs en didactique caractérisent sous le terme de compétence de communication interculturelle pour désigner la compétence de communication à atteindre par les apprenants en situation d'apprentissage d'une langue étrangère. Il s'agit d'une capacité à mettre en relation des référents à construire des inter relations, à partir de l'affirmation de ses propres repères, conditions pour la construction du sens et pour l'ouverture à la compréhension d'autrui. Une attention particulière est portée aux situations d'interaction et de prise de connaissance active de l'environnement.

J'entends par là, que l'absence de représentants de la culture-cible empêche de pratiquer la communication interculturelle. Il vaut donc mieux placer la compétence interculturelle en contexte authentique.

La compétence culturelle et les capacités d'apprentissage La compétence culturelle est caractérisée par un certain nombre de capacités inhérentes aux trois approches mentionnées supra. La compétence culturelle se traduit par un ensemble de capacités, d'aptitudes, de savoir-faire pour repérer, comprendre, interpréter, s'orienter, se comporter, se décentrer. Il s'agit d'introduire très vite à la compréhension des réalités et des modes de comportement des Français. En ce sens, cette compétence n'est qu'une dimension de communication globale. Dans la construction de cette compétence entrent en jeu les référents et modes d'appréhension de l'apprenant par rapport à sa propre culture.

Cette définition souligne fort justement la dimension interculturelle, communicative et socioculturelle de l'approche culturelle, si nous considérons la compétence culturelle comme non-descriptive et étant partie intégrante de l'apprentissage vers la compréhension de l'étranger, la société/culture étrangère et ses représentants.

La compétence culturelle doit reposer sur un apprentissage actif et constructif basé sur l'analyse, la réflexion, la découverte, l'action, la coaction, l'utilisation de stratégies visant à comprendre, interpréter, produire, remettre en cause ses opinions et relativiser les représentations culturelles.

Cette démarche est préconisée par les didacticiens défenseurs de la Didactique des Cultures qui n'hésitent pas à mettre l'accent sur l'apprentissage en tant que processus.

En encourageant la recherche active des élèves ainsi que la pratique de la langue et en refusant le cours magistral de civilisation (qui a le tort de ne faire parler que l'enseignant et de présenter la culture comme un produit fini, achevé, objet d'étude et de discussion), on fait de cette culture un objet d'observation, d'analyse et de réflexion, rechercher dans la culture étrangère des réalités similaires. Nous ne pouvons cautionner un apprentissage qui relève du désir de paroles qui nous confinent dans un sentiment sécurisant de réalité comparable à notre culture maternelle. Pour cette raison, je préfère parler d'« analyse contrastive » des cultures plutôt que de « comparaison » des cultures. La comparaison conduit à un effet réductionniste qui va dans le sens inverse de la construction culturelle.

Bibliographie

1. Seara, A. R. (2001). L'évolution des méthodologies dans l'enseignement du français langue étrangère depuis la méthodologie traditionnelle jusqu'à nos jours. L'évolution des méthodologies dans l'enseignement du français langue étrangère depuis la méthodologie traditionnelle jusqu'à nos jours. Récupéré 26 novembre, 2013, de http://www.uned.es/catudela/revista/n001/art_8.htm#_ftn4

2. Puren, C. (1988). Histoire des méthodologies de l'enseignement des langues. Paris: Clé international.

3. Simard, D. (2001). L'approche par compétences marque-t-elle le naufrage de l'approche culturelle dans l'enseignement ? *Vie pédagogique*, 118, 19-23. Google Scholar

4. Prakash, J. (2011). What are the advantages and disadvantages of direct method of teaching english?. What are the advantages and disadvantages of direct method of teaching english?. Récupéré 26 novembre, 2013, de <http://www.preservearticles.com/201105216930/advantages-and-disadvantages-of-direct-method-of-teachingenglish.html>

ХОРАЗМ АДИБЛАРИ ЛИРИКАСИ ВА ХАЛҚ ШЕЪРИЯТИ

Самандарова Л. ТТА УФ ўқитувчиси

Калит сўзлар: Эркин Самандар, Ошиқ Эркин, лирика, халқ шеърияти, услуб, фалсафийлик.

Ключевые слова: Свободный Самандар, Ошиқ Эркин, лирика, народная поэзия, стиль, философия.

Key words: Free Samandar, Oshik Erkin, lyrics, folk poetry, style, philosophy.

Резюме. Мақолада Хоразм адиблари Эркин Самандар ва Ошиқ Эркинлар лирикасига халқ шеърияти анъаналарининг таъсири масаласи ёритиб берилди. Таҳлил жараёнида ёзма ва оғзаки шеъриятдаги мавзу, услуб, фонетик, лексик, морфологик ресурслардаги ўхшашлик ва алоҳидалиқлар тадқиқ этилади. Ҳар иккала шеъриятдаги фалсафийлик хусусиятларига эътибор қаратилади.

Резюме. В статье рассматривается влияние традиций народной поэзии на лирику хорезмских писателей Эркина Самандара и Ошика Эркина. Анализ рассматривает сходства

и различия в теме, стиле, фонетических, лексических, морфологических ресурсах в письменной и устной поэзии. Акцент делается на философские особенности обоих стихов.

Resume. The article discusses the influence of folk poetry traditions on the lyrics of Khorezm writers Erkin Samandar and Oshik Erkin. The analysis examines similarities and differences in the theme, style, phonetic, lexical, morphological resources in written and oral poetry. The emphasis is on the philosophical features of both poems.

Халқ шеърляти-кўшиқлар буюк шоирлар, ижодкорларни ҳам ҳамиша ўзига мафтун қилиб келган. Шу сабабдан бўлса керак, таниқли ёзувчи Ойбек: “Халқ, унинг тарихи, ҳаёти, унинг куй –кўшиқлари мен учун битмас –туганмас илҳом булоғи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади”, (1) деб ёзган эди.

Буюк ёзувчиларнинг халқ поэзиясига ошуфталиги уларнинг ижодига самарали таъсир кўрсатиб келган

“Ёзма ва оғзаки адабиётдаги лирик тур намуналари шеърлий шакл, ритмга асосланганлиги билан ўхшашдирлар”. (2) Шу билан бирга халқ шеърляти ҳар бир шоир ижодида ўзгача жило билан намоён бўлади.

Ёзма ва оғзаки поэзиянинг ўзаро таъсири масаласи сўнгги йилларда кўпгина тадқиқотларнинг юзага келишига асос бўлади. (3)

Хоразм адиблари ҳам ушбу қадимий анъананинг турли қирраларига қўл уриб бадиий юксак асарлар ижод қилишди.

Хоразм адибларининг шеърлий асарларининг фольклор анъаналарига ҳамоҳанглиги аввало уларнинг услубий хусусиятларида кўзга ташланади.

Хоразм дoston кўшиқлари асосан мураббаъ шаклида бўлиб, уларнинг аксарияти ҳаёт машаққатларининг фалсафий оҳангларда ифодалаш хусусиятига эга. Бу ҳолат аксарият “Гўрўғли” туркуми дostonларида кўпроқ учрайди. Айнан Гўрўғли тилидан баён қилинган шеърлий парчаларда ҳаётлий тажрибага асосланган фалсафий умумлашмалар яққол намоён бўлади:

Муршиди комил бўлмаган,
Гоҳо йиғлаб, гоҳ кулмаган,
Ўзининг қадрин билмаган
Ўзганинг қадрин не билсин.
Бечорадан ҳол сўрмаган,
Ўз ваъдасида турмаган,
Мусофирчилик кўрмаган,
Одамнинг қадрин не билсин. (4)

Дoston шеърлятидаги ушбу тоифадаги назм намуналари ишқий –романик дostonларда ҳам тез-тез учрайди.

Бу дунё деганинг ҳою ҳавасдур,
Саломат бўлмасанг мисли қафасдур,
Ҳар ким қадрин билмас одам эмасдур.
Бу дунёнинг ҳаргиз поёни бўлмас. (5)

“Маликаи Зарнигор” дostonидан олинган ушбу парча ҳам етти банддан иборат бўлиб, ҳаётлий воқеаларга файласуфона баҳо берилади. Ҳозирги даврда ижод қилаётган Хоразм адиблари ижодида ҳам ушбу анъана оз бўлса-да, сақланиб қолган.

Уларнинг ёрқин намуналари Эркин Самандар шеърлятида кўринади.

Тизза бўйи, ўсиб ётган ўтлоқлар,
Оламга бўй сочиб ётган гулбоғлар,
Сабо билан шивирлашган япроқлар,
Кузга бориб сарғайишин ўйламас.
Беш-ўн чақа кирса фарзанд кўлига,
Ҳаволанар, боқмас ўнгу сўлига.
Келарми деб кўзин тикиб йўлига

Онасининг зор кутишин ўйламас.

Шоир шеърнинг ҳар бандида ҳаётий муаммоларни кўндаланг кўйиб, фалсафий оҳангларда баҳо беради. Уларни ҳал қилишни одамларнинг ўзига ҳавола этади. Ижодкорнинг “Айирса бўлмас” шеърида ҳам ушбу оҳанглар бўртиб туради:

Бошни қаттиқ дейдилар тошдан,
Дарду ташвиш аримас бошдан,
Дилни чидам ила бардошдан,
Қаноатдан айирса бўлмас.
Қизни номус ор ҳаёлидан,
Қишни оппоқ қор ҳаёлидан,
Самандарни ёр ҳаёлидан,
Муҳаббатдан айирса бўлмас. (“Назм нафаси”, 60-бет).

Шоирнинг “Қайтар дунё”, “Дарёни кўрган гужум”, “Одамзод” каби қатор шеърлари анъанавий халқона услубда ёзилган. Ушбу шеърлар мантикий тафаккурга, ҳаётий ҳодисалар ҳақидаги мушоҳадаларга, доно фикрларга, донишмандона ечимларга бой, равон ва таъсирчан, самимий ва ўқтам мисралардан ташкил топган.

Уларнинг аксарияти халқчиллиги жиҳатидан Фузулий, Махтумқули, Машраб каби буюк туркигўй шоирларнинг фалсафий мушоҳадаларга йўғрилган гўзал шеърларни эслатади.

Халқ дostonлари шеърлятидаги мавзу ва ғояларга монанд мисралар Ошиқ Эркин лирикасида ҳам кўплаб учрайди. “Хурлиқо ва Ҳамро” дostonида кўплаб шеърлар қатори “Ичинда” радифли битта мухаммас берилган бўлиб, унда кажрафтор фалак ҳақида сўз юритилади:

Бир нечани кўрибман, сафо бирла суҳбатда,
Бир нечани кўрибман, айш бирла ишратда,
Бир нечани кўрибман, адо бўлмас давлатда,
Бир нечани кўрибман, қайғу бирла ҳасратда,
Менки толеи мискин, чўли муғон ичинда. (7)

Мухаммасдаги мунгли оҳанг, дунёнинг бевафолигидан шикоят, мискин – бечораларга ачиниш истаган бир кишининг дилини ғашлайди. Шоир Ошиқ Эркин ҳам худди шу муаммони “Муножот” ғазалида кун тартибига кўяди:

Бировларга бериб давлат керагидан зиёда,
Бировларни отли қилдинг, бировларни пиёда.
Бировларнинг мол-дунёга тўймай борар кўзлари,
Бировлар бор мол-дунёга боқмас асло қиё-да.
Ошиқ Эркин илтижоси шулдир сендан Худойим,
Кўйма ҳеч кимни назардан беш кунлик бу дунёда. (8)

Шоир дostonдаги мискин мавзуни, кажрафтор фалак адолатсизликларини қайта идрок қилар экан, ушу адолатсизликларни бартараф қилишни Яратгандан сўрайди. Ошиқ Эркиннинг айрим шеърларида халқ дostonлари шеърлятининг шаклий андозаларига эргашиш тамойиллари ҳам кўзга ташланади:

Эй қора қош, кундуз соч,
Сочларинг қулоч-қулоч.
Оғанг келди, бағринг оч,
Юракўй, сайр этали. (“Ўлгунча сизни дерман”, 7-бет).

Хоразмда машхур бўлган “Ошиқ Албанд” дostonида шундай мисралар учрайди:
Қор кўзли, қора соч,
Ёринг келди, кўзинг оч,
Ҳазар қил, ағёрдин қоч,
Ёринг келмиш, тур, уйғон. (9)

Дoston кўшиқлари билан шоир шеърлярининг бундай ҳамоҳанг келишининг сабаблари турлича. Шоир ушбу дostonларни ўқимаган бўлиши ҳам мумкин. Бироқ, хассос

бахшилар халфаларни, қиссахонларни ёшлигидан бошлаб кўп марталаб тинглаган, уларнинг халқона кўшиқларига интиқлик билан қулоқ тутган ва илҳом булоғи уни халқона кўшиқлар ёзишга йўналтирган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ойбек. Халққа хизмат – бахт. // Адабиётимиз автобиографияси. –Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1973. –Б.166. (165-167)
2. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. –Т.: Фан, 2010. –Б.18 (308)
3. Қаранг: Багиров А. Туяқнинг вазни ва халқ шеърятига муносабати. // Ўзбек тили ва адабиёти”, 1981, №5. –Б.27-33; Ёрматов И. Ҳозирги ўзбек лирикасидаги синтезлашган фольклоризмлар ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти”, 1988 №2. –Б.35-37; Очилов Б. Ҳ.Олимжон шеърятига халқ оғзаки ижодининг таъсири. // “Ўзбек тили ва адабиёти”, 1989. №4. –Б.54-57; Холиқов Д. Ҳозирги ўзбек шеърятига фольклоризмлар. // “Ўзбек тили ва адабиёти”. 2007. №4. –Б.58-60; Амонов У. Элбек шеърятига халқ кўшиқларидан иқтибослар. // “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2017, №5. –Б.90-93; Жўраева Ҳ. Ҳусайний ғазалиётига фольклоризмлар. // “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2018. №4. –Б.108-101; Қодиров М. Шоирлар шеърятига халқ оғзаки ижодиёти излари. // Адабий мерос. 1991. №3. –Б.17-22; Раҳимжонов Н. Муҳаммад Юсуф лирикасида фольклор анъаналари. // “Ўзбек тили ва адабиёти” 2004. №5. –Б.19-22 ва бошқалар.
4. “Гўрўғли”, -Урганч, “Хоразм”, 2004. –Б.258. (478)
5. Ошиқнома, VI китоб. –Урганч, “Хоразм”, 2013. –Б.99. (270)
6. Эркин Самандар. Назм нафаси (Сайланма). –Т.: “Turon Zamin Ziyu”, 2015. –Б. 58 (510)
7. Ошиқнома, I китоб. –Урганч, “Хоразм”, 2006. –Б.114. (348)
8. Ошиқ Эркин. Ўлгунча сизни дерман. –Т.: “Адабиёт ва санъат”, 2007. –Б.7.
9. Ошиқнома, II китоб. –Урганч, “Хоразм”, 2004. –Б.158. (454)

НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПЕРЕДАЧИ УЗБЕКСКОЙ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ НА РУССКИЙ ЯЗЫК

Саидова З.Х. КапГУ

Калит сўзлар: муаммо, термин, қишлоқ хўжалиги терминологияси, ўзбек тили, рус тили, тушунча, маъно, таржима, касб-хунар лексикаси.

Key words: problem, term, agricultural terminology, Uzbek language, Russian language, notion, meaning, translation, profession, lexis.

АННОТАЦИЯ: Мазкур мақолада ўзбек тили қишлоқ хўжалик терминологиясининг рус тилидаги ифодасининг берилиши ва айрим лисоний хусусиятлари хусусида сўз юритилган.

ANNOTATION: The notion of this article is Uzbek Agricultural terminology’s expression in Russian language and its specific linguistic features.

Рассматривая вопрос перевода сельскохозяйственных терминов узбекского языка, необходимо определить понятие «термин». Под термином понимают «слово или словосочетание специального (научного, технического и т. п.) языка, создаваемое (принимаемое, заимствуемое и т. п.) для точного выражения специальных понятий и обозначения специальных предметов». Из совокупности проблем, возникающих в связи с исследованием функционального языка научно-технической и профессиональной литературы, наибольшее внимание по праву принадлежит изучению «слова как единицы языка науки и техники. Поскольку использование определенной терминологии является характерным для определенной профессиональной деятельности, то будем опираться на лексический состав научно-технических и профессиональных текстов. В этой связи значимость получают научные изыскания, направленные на исследование реального функционирования лексических единиц в профессиональных контекстах. Следует отметить, что развитие всех сфер жизнедеятельности общества, а особенно науки и

техники, сопровождается появлением новых терминов в разных сферах. Профессиональная лексика составляет значительная часть лингвистического фонда, поэтому переводчики придают особое значение исследованию терминов и их структурно-семантических особенностей.

В отличие от общеупотребительной лексики, термины, которые функционируют в границах определенного терминополья, являются однозначными. А. А. Реформатский в свое время назвал это «целой лингвистической проблемой».[3:343].

Термины являются единицами специального языка и обслуживают определенную профессиональную сферу деятельности. Они представляют собой в то же время единицы естественного языка, что, в свою очередь, указывает на неоднородный и сложный состав последних. Системность общей лексики выражается в тематических объединениях языковых единиц, соединенных между собой по признаку семантической общности (лексико-семантические системы). Немаловажную роль играют терминологические системы в лексической системе естественного языка и его функционирования разновидностей. Терминосистема адекватно изображает реальную систему научно-технических понятий данной предметной области. Это «сложная динамическая устойчивая система... ее функция состоит в том, чтобы служить знаковой (языковой) моделью этой области знаний и деятельности».[4:43].

В составе терминосистемы термины объединяются в разнообразные группы. Сельскохозяйственные термины, как и любые другие, по структуре их видовой семантики можно упорядочить по хрестоматийной классификации, согласно которой насчитывается три типа терминов-словосочетаний.

К первому типу относятся термины-словосочетания, оба компонента которых входят в словарь специализированной лексики.

Ко второму типу относятся: те, в которых только один компонент — технический термин, а второй принадлежит к словам общеупотребительной лексики; те, в которых первый компонент (имя прилагательное) имеет для конкретной научной области специальное, специфическое значение; те, второй компонент которых употребляется в основном значении, но в сочетании с первым компонентом выступает термином с самостоятельным значением в той или иной сфере науки.

Третий тип объединяет термины-словосочетания, оба компонента которых представляют собой слова общеупотребительной лексики, и только комбинация этих слов является термином.

Особенностью перевода терминов, в том числе и в агрономии, является то, что для достижения адекватности необходимо обеспечить идентичность понятий, которые выражаются терминами родного и иностранного языков, то есть сохранить в переводе смысловую точность переводимых единиц. Это может быть достигнуто только при условии наличия знаний в конкретной области, к которой принадлежит переводимый текст, и правильного понимания и соотношения терминов иностранного и русского языков. Для достижения адекватности перевода необходима стратегическая компетентность.

Предложенная Комиссаровым поэтапность перевода терминов: 1) первый этап - этап понимания; 2) второй этап - этап собственно перевода, создания текста на другом языке 3) контроль готового текста, или «этап ре-дактирования, окончательной шлифовки перевода».[5:36].

Первый этап (восприятие) представляет собой «чрезвычайно сложный сенсорно-мыслительный процесс, основанный на разнообразных видах и формах аналитической и синтезирующей работы органов чувств и мозга», при этом следует отметить, что у каждого вида перевода этап восприятия имеет свои особенности и характеристики. На втором этапе (воссоздание) в сознании переводчика происходят «сложные процессы анализа и синтеза, связанные с передачей из сферы мышления смысла уже в иной материальной словесной форме»[6:52].

Комплекс действий переводчика на каждом этапе перевода принято называть переводческой стратегией. Для изучения процесса перевода и его этапов постоянно разрабатываются разные модели перевода. Исследователи исходят из предположения о том, что протекание процесса перевода у разных переводчиков не может быть принципиально

отличным. Наиболее исследованным этапом процесса перевода на сегодняшний день является этап воспроизведения, т. е. перевод как результат, а также те конкретные средства, при помощи которых перевод осуществляется. Рассмотрим некоторые из них: генерализация исходного значения используется только в тех случаях, когда мера информационного упорядочения исходной единицы выше меры упорядочения единицы, которая соответствует ей по смыслу в языке перевода. Например, ҳосил бериш имконияти - способность давать урожай; конкретизация - процесс, при котором единица более широкого конкретологического смысла передаются в языке перевода единицы конкретного смысла. В русском языке необходимо заменять слово или словосочетание, у которых более широкий спектр значений, эквивалентов, которые конкретизируют значение согласно контексту или стилистических требований. Например, понятие «поле» может относиться к разным ситуативным условиям, и в значительной мере упорядочивается контекстом, в узбекском языке этому понятию будут отвечать разные более узкие по значению единицы, в зависимости от контекста: майдон (футбольное), кобуқ (коры головного мозга), доира (деятельности, знаний и т. п.), дала (сфера действия; жатва; делянка);

- экспликация - когда лексическая единица языка оригинала заменяется словом (словосочетанием), которая передает его значение. Например, кўкатфуруш – человек, который занимается продажей зелени и овощей;

- инверсия - обратный порядок слов, для привлечения внимания к конкретным элементам. Например, почва, хорошо удерживающая - влагу намни яхши сақлайдиган тупрок.

Поэтому при переводе сельскохозяйственной литературы важное значение стоит уделять взаимодействию термина с контекстом, в котором реализуется его соответствующее значение.

Таким образом, термин — это слово или словосочетание, которое служит для выражения понятия и названия предметов и явлений и принято в соответствующей профессиональной деятельности. У термина есть свое инвариантное значение и выполняет функцию семантического дифференциала в разных терминосистемах.

ЛИТЕРАТУРА

1. Ахманова, О. С. Словарь лингвистических терминов. М.: Сов. Энциклопедия, 1966. 607 с.
2. Борисова, Л. И. Пособия по научно-техническому переводу (методологический обзор). — М.: МПУ, 2000. — 72 с.
3. Реформатский, А. А. Термин как член лексической системы языка // Проблемы структурной лингвистики. М., 1968. — 343 с.
4. Лейчик, В. М. Применение системного подхода для анализа терминосистем // Терминоведение. № 1–2, 1993. М.: Московский лицей, 1993.
5. Комиссаров, В. Н. Современное переводоведение. Учебное пособие. — М.: ЭТС. — 2001. — 424 с.
6. Виноградов, В. С. Введение в переводоведение (общие и лексические вопросы). — М.: Издательство института общего среднего образования РАО, 2001, — 224 с.

ТЕРМИНОЛОГИК ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ СПОРТ ТУРИЗМИ ТЕРМИНЛАРИ МИСОЛИДА

Собирова З. БухДУ стажёр-тадқиқотчиси

Калит сўзлар: спорт туризми, термин, терминология, терминологик таҳлил

Ключевые слова: спортивный туризм, термин, терминология, терминологический анализ.

Keywords: sports tourism, term, terminology, terminological analysis

Аннотация: Мақола спорт туризми терминологияси муаммолари ва унинг асосий таърифлари ва янги атамаларни тузиш таклифларини аниқлашга бағишланган

Annotation: The article is devoted to identifying the problems of terminology in sports tourism and its basic definitions and suggestions for compiling new terms.

Аннотация: Статья посвящена выявлению проблем терминологии спортивного туризма, ее основных определений и предложений по составлению новых терминов

Туризм нима? Туризм турли шаклларда қабул қилинган ва бутун дунёда ишлатиладиган талаб ва таклифга нисбатан ишлатиладиган умумий атамадир. Туризм асосан ташриф буюрувчилар томонидан амалга ошириладиган тадбирлар, шунингдек, ташриф буюрувчилар иқтисодиёти деб номланади. Сайёҳлик саноати ташриф буюрувчилар иқтисодиётида содир бўладиган барча тадбирларни ўз ичига олади. Бунга турист билан бевосита боғлиқ бўлган фаолият киради, масалан меҳмонхоналарда жойлашиш, овқатни буюртма қилиш ёки сайёҳлик жойларини зиёрат қилиш. Бунга билвосита хатти-ҳаракатлар, масалан, сайёҳ истеъмол қилаётган ресторанга овқат етказиб берадиган транспорт компанияси ёки чойшабни тозалаш бўйича меҳмонхона билан келишувга эга бўлган кир ювиш хизмати киради. Туризмга билвосита ҳисса қўшганлиги сабабли туризм соҳасини аниқлаш ва ўлчаш жуда қийин! Туризм турли шакл ва ўлчамларда бўлади. Оммавий туризм, тоғ туризми ва алоҳида қизиқиш уйғотадиган туризм мавжуд. Ички туризм ва халқаро туризм, кириш ва чиқиш туризми мавжуд. Ушбуларга қизиқишим катта бўлганлигини инобатга олган ҳолда турли хил туризм турлари ва унга яқин терминларнинг луғати мавжуд.

Тадқиқотнинг долзарблиги шундаки, спорт туризмнинг концептуал терминлари ҳали етарли даражада аниқланмаган. Ўзбекистоннинг "туризм тўғрисида" ги қонунда спорт туризми билан боғлиқ таърифлар деярли йўқ. Шунинг учун ҳам олимлар учун спорт туризмнинг асосий таърифлари ва терминологиясини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Терминологик муаммолар нафақат илмий тадқиқотлар учун, балки амалий фойдаланиш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга, чунки атамалар уларнинг концептуал мазмунини аниқ акс эттириши керак. Худди шу атамалар дам олувчилар томонидан ҳам қўлланилади. Рекреация ва туризм соҳасида қўлланилаётган янги атамаларни тадқиқ этиш ва аниқлаштириш мантиқийдир, холос. Сўнгги тадқиқотлар ва нашрлар таҳлилини кўриб чиксак, бу ерда туризм назарияси ривожига салмоқли ҳисса қўшган қуйидаги олимларнинг асарлари бўлди: К. Федорченко [6], В. А. [4], В. С. Смолий Пазенок [3], Н. П. Крачило [1], Я.Б. [2], А. В. Олейник Степаненко [5] В. Станге, А. Й. Дмитрук, Ю В. Рат, С. П. [7;8] ва ҳоказо.

Туризм ишларига оид адабиётларни кўриб чиқиш шуни кўрсатадики, туризм, туристик ва ўлкашунослик ишларининг табиати ва мазмунини ўрганишга ва бу муаммонинг бошқа тушунчаларига етарли эътибор берилмайди. Ўзбекистонимизда туризм бўйича илмий ва услубий ишларда фақат алоҳида параграфлар уларни кўриб чиқишга бағишланган. Лекин уларни ҳар томонлама ўрганиш нафақат илмий қизиқишни ўз ичига олади, балки туризм ва минтақавий тадқиқотлар мутахассислари учун назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Терминология-профессional мутахассислар тили. Агар мутахассислар турли тилларда гапирсалар, қандай қилиб бир-бирларини тушунишлари мумкин? Миллий қонунчиликда фойдаланиш, туризм мутахассисларини тайёрлаш учун жуда муҳим бўлган касбий атамаларнинг умумий талқинини асослаб бериш зарурати мавжуд.

Таърифга кўра терминология - фан, техника ёки санъатнинг муайян соҳасидан ўзига хос тушунчаларни ифодаловчи терминлар, яъни сўз ёки иборалар ҳамда тилда мавжуд бўлган барча терминлар мажмуидир [9, с. 660]. Атама-фан, техника, санъат, ижтимоий ҳаёт ва шу каби ҳар қандай соҳанинг муайян тушунчасини ифодаловчи сўз ёки иборадир. Атамалар семантик чегараларнинг аниқлиги билан оддий сўзлардан фарқ қилади. Туризм таърифларининг ноаниқлиги туризм мутахассисларини тайёрлашни чалкаштиради. Ўзбекистоннинг айрим олий ўқув юртларида қуйидаги фанлар ўқитилади: "Спорт туризми", "Спорт ва саломатлик туризми". Бундан ташқари, амалий туризми назариясида "ҳаваскорлик туризми", "саломатлик ва спорт туризми", "экстремал туризм", "фаол туризм" атамаларидан фойдаланилади.

Туризм атамаси франсуз сўзи –“detour”, детоур, маълум маршрут бўйлаб саёҳатдан таржима қилинган. Шундай қилиб, спорт туризмида тадқиқот объекти туризм техникасида фаол ҳаракат усуллари ва мусобақаларга эга бўлган саёҳат (спорт саёҳатлари) эканлигини аниқлаш мумкин. Тадқиқот предмети - шуғулланувчиларнинг ўзлари ёки ихтисослашган ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган спорт кампаниялари ва мусобақаларининг функционал хусусиятлари, турлари ва шакллари [7]. Меъёрий ҳужжатлар ва тарихий

тажрибаларнинг назарий таҳлили спорт ва соғлиқни сақлаш туризмнинг муайян таърифларини номлашни тақлиф этиш имконини беради.

Спорт мусобақаларининг натижаси шундаки, иштирокчилар спорт туризми тури бўйича тушунчага эга бўладилар. Спорт туризми техникаси бўйича мусобақалар-спорт тури бўйича маълум масофани табиий ёки сунъий тўсиқларни енгиб ўтиш ва махсус туристик вазифаларни бажаришдан иборат. Мусобақадан кўзланган мақсад иштирокчиларнинг техник-тактик маҳоратини ошириш, бўлажак спорт юриш сафарлари хавфсизлигини таъминлаш, энг кучли жамоа ва иштирокчиларни аниқлаш ҳамда спорт тоифаларини бажаришдан иборат. Туристтик спорт кампанияларининг мусобақалари табиий тўсиқлар (узатмалар, остоналар ва ҳ.к.) ни енгиб ўтиш билан маълум узунликдаги туристик маршрутнинг жамоа бўлиб ўтишидан иборат.) Стандарт вақт оралиғида мураккаблиги турли тоифада бўлган матонатни синовчи мусобақа спорт тоифаларини ютиб олиш ва бажаришдир. Ташкил этиш шакли чемпионатлардир. Кучли юксалишнинг келажақда спорт юксалишнинг асоси, сайёҳлик тажриба асоси, спорт ва соғлиқни сақлаш туризм энг машхур ва қулай шакллари ҳисобланади.

Туристтик лагерлар-туристик билим, кўникма, ташқи фаолият, дам олишни яхшилаш, туристларни сайр ва мусобақаларга тайёрлаш учун фойдаланиладиган вақтинчалик ёки доимий базалардир. Ёрдамчи шакллар спорт ва соғлиқни сақлаш туризмнинг қуйидаги шакллари ўз ичига олади: -юриш-туризмнинг қулай ва қисқа муддатли шакли, таълим, соғломлаштириш ёки интеграциялашган мақсадлар учун юришлар ўтказилади;

-экскурсиялар - муайян объектларга ўқув мақсадлари учун жамоавий ташрифлар;

-туристик йиғинлар - энг машхур туристик мусобақалар. Учрашув дастурига туризмнинг турлари бўйича бир неча мусобақалар, шунингдек, турли ижодий танловлар;

- экспедициялар –тадқиқот ва қидирув мақсадида ўтказиладиган кўп кунлик саёҳатлар киради. Улар муайян йўналиш, ҳудуд, бир ёки бир неча объектларни ўрганиш, ўрганиш билан тавсифланади.

Агар экспедициялар туризмнинг маълум туридан юриш талабларига жавоб берса, уларни тегишли мураккаблик тоифасидаги саёҳатлар деб ҳисоблаш мумкин. Ишнинг мақсади ва йўналишига қараб туристик-спорт, ўлкашунослик, илмий экспедициялар ва бошқалар амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистонда ҳаваскорлик туризми (замонавий маънода спорт туризми ХХ асрнинг 30-йилларида вужудга кела бошлади. У ҳаваскор сайёҳлар ташаббуси билан ҳаваскор асосда пайдо бўлганидан ўз номини олди. Тоталитар тузумда ҳаваскорлик фаолияти ижтимоий фаолликнинг энг юқори кўриниши эди. Ўшанда жамоатчилик томонидан илк сайёҳлик секциялари ва тўғараклари ташкил этилиб, замонавий стандартлар асосида илк ҳаваскорлик (спорт) саёҳатларини амалга оширишга киришилди.

Ўтказилган терминологик таҳлил туризм юқорида турлари айтиб ўтилган спорт туризмига таърифлар беради. Ҳаваскор туризм - спорт туризмнинг тарихий номи. Норматив-малакавий асосга эга бўлган ҳаваскор жамоавий турлар (сайрлар) ва туризм турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди. Спорт туризми - туристик ва спорт фаолиятининг ўзига хос тури бўлиб, унинг асосий шакли туризм турларида спорт кампанияси ёки мусобақасидир. бу тадбирлар инсоннинг жисмоний, ақлий ва маънавий кучларини синаб кўриш, туристнинг туристик маҳоратини ошириш ва спорт тоифалари стандартларини бажаришга қаратилган. Спорт ва рекреация туризми - туристик ва рекреацион фаолиятнинг ўзига хос тури бўлиб, унинг асосий шакли саёҳат ёки туристик лагердир. Ушбу тадбирлар инсоннинг жисмоний, ақлий ва маънавий кучини тиклашга қаратилган, туристик билим, кўникма, фаол дам олиш, дам олишни такомиллаштириш, туристларни спорт сафарлари ва мусобақаларга тайёрлашдан иборат.

Спорт туризмнинг ўзига хос хусусияти –катта ҳажмдаги махсус терминлар - топографик, этнографик, тиббий, умумий техник ва бошқалардан фойдаланишдир. Спорт туризми терминологиясини тушунишни осонлаштириш мақсадида йилдан йилга "туристик терминлар луғати" ишлаб чиқилипти. Аммо вақт тўхтаб қолмайди ва аста-секин айрим атамалар ўз аҳамиятини йўқотади, бу эса янги замонавий тушунчаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Олий ўқув юртларида туризм бўйича магистрлар учун махсус курслар тайёрлашни соддалаштириш талабаларга туризм фанининг концептуал ўрганиш, унинг тезаурусини ишлаб чиқиш вазифаси билан дуч келинади. Спорт туризми учун янги атамалар яратишнинг бундай мисоллари бўлиши мумкин:

- Backpack - спорт ускуналари, рюкзак
- Widebridging – тоққа ҳам кенг тошлар, суяниб бир девор билан унинг оёқларини, иккинчи – кўл ёрдамида горизонтал ҳолатда чиқиш
- Mantika (мантика–халта) сайёҳлик, саёҳат билан бир халта, арзон йўлда аўтостоп орқали саёҳат қилиш
- Rerouter йўналишни ўзгартирадиган шахс деган маънони англатади
- Rest-base – дам олиш масканлари, корхона, жойда яшаш ва ҳордиқ, спорт сайёҳлар
- Sportwalk [И. Антонюк ; Haw, ТУ 511] – танасида минимал юк бор бўлган сайёҳлик масофада саёҳат ҳисобланади
- Sportland – табиий тизимлари таълим ўтказиш қобилиятини таъминлаш учун, ўқув машқлар (ён бағирлари устида ҳаракат, қояларнинг, тўсиқларни бартараф, ва бошқалар)
- Tour friend - озиқ-овқат учун зарур бўлган букиладиган пичоқ тури;
- Tourfood - бир озиқ-овқат турини мумкин ўзингиз билан тез орада ёмонлашиб кетмайдиган тури
- Freedriver – аўтостоп орқали саёҳат қилишни ёктирадиган экстремал туркум спорт туристлари

Ҳар қандай фан ёки инсон фаолиятининг тури каби туризм ҳам махсус сўз бирикмаларидан фойдаланади, уларнинг яратувчилари ҳам туризм соҳасининг профессионал ишчилари, ҳам ҳаваскор сайёҳлардир. Туристтик сўз бойлиги узоқ тарихга эга эмас, савдо-сотик, диний, узоқ ўтмишдаги кишиларнинг дипломатик сафарлари (саёҳат, келишув ва бошқалар) билан боғлиқ айрим сўзлар бундан мустасно.). Спорт туризмнинг терминологияси фаол ривожланмоқда. Унинг ривожланишидаги асосий тенденциялар терминларнинг байналминаллашуви ва терминологик маъноларни аниқлаштиришдир. Туристтик атамаларни яратишнинг асосий йўллари ўзлаштириш (транскрипсия, транслитерация, кузатиш орқали) ва нейтрал сўзларни терминологизация қилишдир. Турли миллий маданиятларда, кундалик турмушда ва туризм иқтисодиётида воқеликнинг фарқланиши турли тиллардаги атамашунослик тизимларининг тўлиқ бўлмаган мослигини ва терминологияни таржима қилиш муаммоларини юзага келтиради, улар изоҳли таржима ва аналогларни танлаш йўли билан ҳал қилинади.

Адабиётлар рўйхати

1. Шаповал Г.Ф., Туризм тарихи.- Мн., 1999 йил
2. Герасименко В.Г., Туризм бизнесининг асослари.-Одесса, 1997 йил.
3. Мутахассисликка кириш (туризм): Дарслик / Н. А. Гулиев, Э. В. Кулагина. - Омск давлат хизмат кўрсатиш институти, 2002 йил.
4. Сенин В. С. Халқаро туризмни ташкиллаштириш: дарслик. - 2-нашр, қайта кўриб чиқилган. ва кўшинг. - М.: Молия ва статистика, 2003 йил.
5. Сапрунова В., Туризм: эволюция, тузилма, маркетинг. - М., 1997 йил

ИЖОДИЙ АНЪАНАЛАР САМАРАСИ (ИСАЖОН СУЛТОН ИЖОДИ МИСОЛИДА)

Султонова Н.Н. ҚарДУ тадқиқотчиси

Ключевые слова: модус, атрибут, модификация, критерии, измерение.

Key Words: Modus, attribute, modification, criteria, measurement

АННОТАЦИЯ: в данной статье анализируется художественный критерий модификации через литературные произведения его уникальности в литературе. Индивидуальный стиль Исажона Султана, образ его творений, отражает реальность талантливого ученого, который связан с миром, и процесс выражения чувствительных человеческих чувств в его сердце

ANNOTATION: this article analyzes the artistic criterion of modification through literary works of its uniqueness in literature. The individual style of Isajon Sultan, the image of his

creations, reflects the reality of a talented scientist, one that is related to the world, and the process of expression of the sensitive human feelings in his heart.

Соддалик, оддийлик-буюкликдир. Чунки унда самимият, қалб яқинлиги, инсонийлик, муҳими фалсафа мужассам. Исажон Султоннинг “Озод” романи ана шу руҳда. Унинг асарлари учун ҳамиша инсоннинг маънавий дунёси, маърифат йўлида юрган қаҳрамонларнинг руҳий-психологик кечмишлари муҳим саналади. Исажон Султон ўзининг “Озод” романини ана шундай аниқ маънавий мақсад йўлида ёзганини асар бошидаги эпиграф ва “Бағишлов”дан ҳам билса бўлади. Адиб ўз романи бошида “Профессор Озод Шарафиддиновнинг ёрқин хотирасига ҳамда элнинг гуркираб етилиб келаётган ёш авлодига бағишланади” деган жумлаларни ёзади. Ёш авлод ҳамиша дунёнинг келгуси ҳолини белгилаб беради. Уларнинг маърифат билан камолга етган қалби ва юксак билими билангина жаҳолат устидан ғалаба қозониш мумкин. Бу йўлда эса эзгу сўз ўзининг беминнат хизматини бажариши аниқ.

Иккинчи томондан романнинг Озод Шарафиддинов хотирасига бағишлангани айтилади. Бугунги Ўзбекистон аҳли О.Шарафиддинов домланинг мамлакат маданий, маърифий, адабий ҳаётидаги тутган бекиёс ўрнини жуда яхши билади. Айнан адабиётшунос профессор ҳурмати учун роман “Озод” деб номланади, иккинчидан, ёзувчи устоз адабиётшунос ҳурмати учун романидаги бош қаҳрамон исмини “Озод” деб атайди. Озод Шарафиддинов умрини сўзга бағишлаган, сўз йўлида меҳнат -машаққат чеккан фидоийлардан бири эди. Шунинг учун ҳам адабиётшунослик соҳасидан биринчи бўлиб унга Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак унвон берилди. Албатта, роман воқеаларини битта адабиётшунос олимнинг ҳаёт йўли ёки фаолиятига боғлаб талқин қилишга зарурат сезилмайди. Илк саҳифаларидаги бағишлов ҳам романнинг мазмун-моҳиятига бориб тақалади. “Дарҳақиқат, сўзда сеҳр бор, дейилди. Бундан ҳам ҳайбатлироқ сўз айтишни истаб адашганлар айтдиларки: “аввал Сўз бўлган эди. Тангри таолонинг Сўзи айтилгач, дунё яралди. Бизлар ҳам ўз ҳолимизча бир сўз айтдик”. Айтгувчилар мана шу ерда адашдилар. У Зотнинг сўзи лисоний эмаслигини унутдилар. Зотан, Тангрининг сўзи ҳукму ирода эди. У беҳудага сўз айтишдан пок эди. Сўзда сеҳр бор деган ҳикмат – оддий инсонларни огоҳлантириш учун айтилган эди. Бу асар Сўз айтишга жазм қилган ва айтган сўзининг моҳиятию оқибатини сезган истеъдод аҳлига, шоирларга, ёзувчиларга, яъни, маънавий дунёларни ҳосил қилувчи барча кишиларга бағишланади. Зотан, айтилган сўзлар аллақачон моддийлашиб бўлди, шакл ясади, теваракни ўзгартирди ва айтувчининг ҳаётининг моҳиятини белгилаб берди”. Ёзувчи ўз сўзининг залворини англагани шу бағишловдан ҳам сезилади. Бу бошланишда муаллифнинг ифодаси ҳам илоҳий китоблардаги “аввал Сўз бўлган эди”, “сўзда сеҳр бор, шеърда ҳикмат” каби тушунчалар билан модификацион алоқага киришади; улар ўзаро уйғунлашиб адибнинг ниятини англайди.

Адиб романини бағишловидаги “Бу асар Сўз айтишга жазм қилган ва айтган сўзининг моҳиятию оқибатини сезган истеъдод аҳлига, шоирларга, ёзувчиларга, яъни, маънавий дунёларни ҳосил қилувчи барча кишиларга бағишланади” деган қисмида ҳам катта маъно бор. Ёзувчи учун инсоннинг маънавий дунёси муҳимдир. Маънавий дунё эса ҳамиша тафаккур билан, ёзувчилар томонидан ёзилган асарлар ва улар ичида ҳаракат қиладиган инсонларнинг савияси билан боғлиқ бўлади. Дунёни топтамаслик, балки унинг ҳолидан айнан шу заминда яшаётган инсонлар бохабар бўлиб туриш лозим. Шунинг учун ҳам романнинг бош ғояси инсон руҳининг юксалиши ҳамма замонлар учун муҳим бўлиб келади, деган улкан бир умуминсоний ғоя илгари сурилади.

Исажон Султоннинг “Озод” романи барча ички назарий унсурларига – ўзига хос сюжети, образлари, баён усул, композицион қурилиши, ҳатто ҳажмига кўра ўзбек адабиётида мавжуд бўлган анънавий романлардан нисбатан фарқ қилади. Аслида ёзувчи дунё романлари ва ўзбек мумтоз адабиётини ўқиб ўргангани натижасида шундай ўзига хос услубни танлаган кўринади. Чунки “Озод” романи ифода тарзида модификация – бу ўринда

жанрлараро уйғунлик ва муштараклик кузатилади. Бу эса Исажон Султоннинг ўзбек романи имкониятиларини ўз ижоди орқали намоён қилаётгани ҳамда бадиий тафаккури имкониятлари доирасида кенгайтираётганини англатади. Тўғриси, роман жанрининг имкониятлари катта бўлиб, унинг таркибида турли адабий тур ва жанрларга хос жиҳатлар, шу билан бирга халқ оғзаки ижоди намуналари ёки бошқа бир муаллифларнинг асарларидан олинган парчалар ҳам ўрин олиши мумкин. Дунё адабиётшунослигида роман таркибида келган бундай унсурларга баъзида – агар асар таркибига фольклорнинг қадимдан келаётган анъанавий машҳур образлари сингдирилган бўлса мифологик ва агар адабий матн таркибида турли муаллифларнинг асарларидан олинган иқтибослар мавжуд бўлса постмодернистик асар сифатида баҳолаб келинмоқда. Постмодернизм учун “оламнинг мавжуд қиёфатида фақат фрагментларгагина ишониш мумкин”, шунингдек, “бадиий асар ижодий ният ижросининг натижаси, яъни олдиндан белгиланган ният асосидаги ижодий жараён маҳсули эмас, балки унинг ўзи жараён” деган қарашлар муҳим саналади.¹ Америкалик тадқиқотчи Кристофер Форт Исажон Султон ижоди хусусида фикр юритган бир мақоласини “Исажон Султон ва постмодернизм” деб номлар экан, “Мени ҳаммадан ҳам кўра, И.Султон ижодидаги постмодернизм, бу замонавий эстетик йўналиш унинг асарларида қандай қиёфа ва шаклда намоён бўлиши қизиқтиради”, деган мулоҳазалар асосида адибнинг шу “эстетик йўналиш”га алоқадорлиги хусусида фикр юритади.² Таниқли адабиётшунос Абдуғафур Расулов ёзади: “Озод” романидан ва ҳикояларидан англашиладики, Исажон Султон миллий ўзлик деб аталган маънавий хазинанинг – коннинг моҳиятини англаб етмоқда, шарқ-мусулмон фалсафаси, нафосатшунослиги, адабиётшунослигининг вориси сифатида ўзининг постмодернистик асарларини яратмоқда”.³ Ҳақиқатан ҳам Исажон Султон ўз асарларида мурожаат этган турли ҳикоят, ривоят, фольклор образлари, шунингдек айрим ижодкорлар асарларидан олинган парчалар ёки уларнинг асарларига ишоралар айнан ижодий жараёнда образларнинг шаклланаётган дунёқараши ифодаси учун хизмат қилади. Ўтган шоир-у адибларга мурожаат билан ёзувчи ўз қаҳрамонларининг маънавий бир робита билан уларга боғланганига урғу бермоқчи бўлади. Шунинг учун ҳам Исажон Султон романининг бош қаҳрамони бўлмиш Озод маънавий-руҳий оламда, салафларининг пурмаъно ҳикматлари дунёсида яшашга интилиб боради. Ўз теварак-атрофидаги оламни ўз салафлари томонидан қолдириб кетилган бебаҳо ҳикматлар йиғиндиси, ҳақиқий маънавий юксалишни инсоният томонидан қолдирилган маънавий меросдан баҳрамандлик сифатида тушунади. Айнан “Озод” романида ўтган салафлар ижодидан, замонавий адиблар асарларидан олинган ёки уларга ишора қилинган ўринлар ҳам бевосита дуёнинг мавжуд ҳолати, Озоддек қаҳрамоннинг образ сифатида ташкилланиш жараёнини намоён қилади. Ёзувчи Исажон Султон ўзига тенгкур бўлган адиб Улуғбек Ҳамдам билан қилган “Мусаффо болаликнинг орзуманд хаёллари” деб номланган суҳбатида “Озод” романи табиатида тўхталади: “Айтмоқчиманки, яна бир дунё бор ва у биз билган дунёдан кўра гўзалроқ, рангинроқ, чунки у салафларимизнинг бизга қолдирган ҳикматларидан таркиб топган, истасангиз бир қадам қўйиб, ўша дунё ичига бемалол кира оласиз”.⁴ Роман қаҳрамони ўша дунёда яшайди. Қайсидир маънода шу ўринда роман бошидаги бағишлов эгаси – Озод Шарафиддиновнинг турмуш тарзи, жуда кўплаб ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналарини мутолаа қилгани ҳам ўқувчи хаёлига келади. Бунинг оқибатида романнинг кўламдорлиги яна ҳам кенгайгандек бўлади.

Бундай кўламдорлик ва кенгайиш Исажон Султон асарлари таркибида учрайдиган Хизр (а.с.), Мусо (а.с.) ёки Искандар Зулқарнайн каби турли тарихий образларнинг турли эпизодларида келиши эвазига ҳам юз беради. Тўғри, адибнинг катта-кичик ҳажмли бошқа

¹ Қуроноф Д ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. Тошкент. “Академнашр” нашриёти. 2010 йил, 230-бет.

² Кристофер Форт. Исажон Султон ва постмодернизм. /Исажон Султон насри бадиияти. Тошкент. “Turon zamin ziyo” нашриёти, 2017 йил, 350-бет.

³ Расулов А. Акслар фалсафаси. // Исажон Султон насри бадиияти. Тошкент. “Turon zamin ziyo” нашриёти, 2017 йил, 52-бет.

⁴ Мусаффо болаликнинг орзуманд хаёллари / Исажон Султон насри бадиияти. Тошкент. “Turon zamin ziyo” нашриёти, 2017 йил, 236-бет.

асарларида ҳам турли мумтоз ва замонавий адиблар асарларидан олинган иқтибослар учрайди. Аммо “Озод” романи адибнинг бошқа асарларига кўра айнан бадиий парчалар ва бошқа ижодкорларнинг асарларига ишора нуктаи назаридан ажралиб туради. Шунинг учун бу ўринда роман таркибида келган парчалар ва уларнинг роман таркибидаги функциясига алоҳида тўхталиш лозим бўлади. Ўтган бобда бу парчаларнинг қайси муаллифларга тегишли экани юзасидан рўйхат келтирилган бўлса, бу ўринда айрим иқтибосларни махсус таҳлил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Таркибида турли адабий парчалар, янгича талқиндаги ривоятлар келган “Озод” романи адабиётшунос олимларнинг фикрини чархлашга, роман табиатининг ўзгариб бориш жараёнлари хусусида фикр айтишга ёрдам берадиган асарлар сирасига киради.

Ҳақиқатан ҳам, Исажон Султоннинг “Озод” романи таркибида келган ривоят ва иқтибослар шу юқоридаги асоснинг исботи йўлида адабий далиллар саналади.

“Озод” романи таркибида келадиган қадим ривоятларга, машҳур ижодкорларнинг асарларига бўлган ишора роман мазмун-моҳиятини теранлаштиришга, турлича эзгу тушунча доирасини кенгайтириш томон етаклашга хизмат қилади.

Романда келган ишоравий рамзлар ўқувчининг хаёлини бепоён адабий-бадиий кенгликлар сари бошлайди. Энг асосийси, бугунги глобаллашув жараёнида, ҳар қандай маънавий кадриятлардан турли туман техникалар ўзиб кетаётган бир маҳалда “Озод” романи тегзаминида маънавийнинг улуғланиши ҳар қандай маърифатли одамни кувонтиради.

Таркибида турли адабий парчалар, янгича талқиндаги ривоятлар келган “Озод” романи адабиётшунос олимларнинг фикрини чархлашга, роман табиатининг ўзгариб бориш жараёнлари хусусида фикр айтишга ёрдам берадиган асарлар сирасига киради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Қуронов Д ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. Тошкент. “Академнашр” нашриёти. 2010 йил, 230-бет.
2. Кристофер Форт. Исажон Султон ва постмодернизм. /Исажон Султон насри бадиияти. Тошкент. “Turon zamin ziyo” нашриёти, 2017 йил, 350-бет.
3. Расулов А. Акслар фалсафаси. // Исажон Султон насри бадиияти. Тошкент. “Turon zamin ziyo” нашриёти, 2017 йил, 52-бет.
4. Мусаффо болаликнинг орзуманд хаёллари / Исажон Султон насри бадиияти. Тошкент. “Turon zamin ziyo” нашриёти, 2017 йил, 236-бет.

SCIENCE FICTION AS A LITERARY GENRE

Shukurova Z.Sh., Turayeva M.E. Karshi SU

Kalit so'zlar: ilmiy fantastika, adabiyot, hayoliy, norealistik

Ключевые слова: научная фантастика, литература, волшебный, нереалистичный.

Key words: science fiction, literature, imaginary, non-realism.

Annотatsiya: ushbu maqolada ilmiy fantastika janrining o'ziga xos xususiyatlari, kelib chiqish tarixi va bu sohada hozirgi zamon jahon adabiyotshunosligida olib borilayotgan tadqiqotlar haqida so'z yuritiladi

Аннотация: в статье рассматриваются жанровые особенности научной фантастики, происхождение и этапы развития в зарубежной литературе

Annotation: the article deals with science fiction as a literary genre, it's peculiarities, the origin and stages of evolution in world literature

Fantasy contains the works of many writers, artists, filmmakers and musicians from ancient myths and legends to many recent and popular works. As a literary genre, science fiction is literature set in an imaginary universe, often but not always without any locations, events or people from the real world. Magic, the supernatural and magical creatures are common in many of these imaginary worlds. Much of fantasy literature originated from legends and myths. So, it came from

classical mythology. Stories involving magic and terrible monsters have existed in spoken forms before the advent of printed literature. Classical mythology is rich in fantastical stories and characters, the best known being the works of Homer and Virgil. A number of fantasy novels originally written for children, such as “Alice in Wonderland” and the “Harry Potter” series, novels, also attract an adult audience.

Fantasy literature depends on the actual works consulted. Fantasy fiction develops its own frame released from what we usually consider probable reality. The reader and the hero alike must confront the passing strange and wondrous fair without any of the standards or norms applicable to physical reality. (Mobley, *Extrapolation* 15, p 119; cf. Manlove, p 70).

Fantasy has claimed with considerable vigor a special status in literature. It has insisted that it is capable of non-realism, of an imaginative divorce between fictional models it constructs and the world we all experience. This claim, too, has proved unfounded. No man has succeeded in imagining a world free of connection to our experiential world, with characters and situations that cannot be seen as mere inversions or distortions of that all too recognizable cosmos. Thus, if we must acknowledge that reality inevitably eludes our human languages, we must admit as well that these languages can never conduct the human imagination to a point beyond this reality. (Robert Sholes, *Structural Tabulation* [US 1975], p 7).

Dreamworlds are also typically important for Fantasy narration, as indicated by as old a formula as Novalis' Romantically conceived one: "A fairy-tale is a dream-picture without coherence, a collection of wonderful things and occurrences (reported by Manlove, p 62; Mobley in *Extrapolation*, p 118.).

As Australian fantasy and science fiction author, Sean Williams says:

“Fantasy gives me a means to write more closely to theme, unfettered by the constrictions of the real world (more or less), enabling me to make my own constrictions that will guide the story down thematic paths. It allows the combining of things that don't normally fit, like Australian landscapes, magic, and a post-apocalyptic society in the “Books of the Change”, or the same Australian landscapes, Darwinist theism, mirror twins and multi-world theory in the “Books of the Cataclysm”. The genre of fantastic fiction allows these things to meet in a way that wouldn't be possible in realist fiction.”

As an Australian author Kate Forsyth says:

“Fantasy fiction does not deny or diminish the existence of sorrow and pain, as so many people seem to think. The possibility of failure is absolutely necessary for the “piercing sense of joy” one feels when victory is finally and with difficulty won. Like a candle-flame, fantasy casts a shadow at the same time that it illuminates. Yet it is the illumination that is important. Fairy-tales all offer the hope that a happy ending is possible – and we need to believe this. Fantasy denies ultimate despair. It holds out the hope for a better world, and signposts the way.”

Fantasy is an invisible flying ship that sails high above the clouds in the sky. It is a world full of mysteriousness, wonder and weird things. It is an invisible bird flying over the world of dreams. Fantasy leads a reader away from reality into the world of imagination. It is everything one can dream and imagine. It can broaden a reader's mind and outlook and plays an enormous role in widening a reader's imagination. Fantasy can make a reader discover a world of his own and create every new things.

It is obvious that many other literary genres, such as historical, adventure, comedy obey to some literary rules according to which a work is supposed to be written. But fantasy demands no rules. It lets a reader wander in the world of imagination freely. When reading a fantastic novel, one obviously gets obsessed with imagination and even feels the beauty of the nature. Moreover, fantasy holds an important role in the esthetic upbringing of a reader together with broadening his mind.

Fantasy literature is dominant in children's literature. It plays an irreplaceable role in the development of children's imagination. Bright examples of it are the “Harry Potter” series novels by J. K. Rowling, “The Death of the Yellow Dev” by Khudoyberdi Tukhtaboyev, “The Adventure of an Ignorant Boy” by Nikolay Nosov and so on. When reading those novels, we can see that

children try to beat evil beasts and they want to eradicate evils by magical powers (Harry), a magical cap (Hoshimjon) and by a magic wand (An Ignorant Boy). Those fantastic novels serve as tools indicating how to eliminate baddies. Besides, those novels help in the esthetic development of children, too. When children read a fantasy novel, they feel as if they were in the world described in the book, they talk with the characters in the fantasy book and they undergo wonderful adventures together with the fantasy characters. Children cannot put fantasy novels aside and cannot stop reading because these novels are so attractive and amusing that the characters of the novel take the reader into the book and walk with them. Children are interested in the magical world. They want to be a sorcerer and turn the world into another colorful world. They want to fly over the sky travelling around the clouds. They want to swim deep in the ocean watching a wonderful country of children living happily and watching colorful fishes. They want to talk with trees, animals, birds, plants and giants. They want to land on the moon and create a world of themselves and rule the country on the moon. They want to travel through time to go to the ancient times and see live dinosaurs that vanished hundred centuries ago. So, children can do everything in fantasy.

Through centuries many literary figures have always been interested in, and have been writing in the genre of, fantasy. They are Thomas Moore, Juan Katherine Rowling, Khudoyberdi Tukhtaboyev, Nikolay Nosov, Miguel de Cervantes, Herbert Wells, George Mc Donald, Charles Dodgson, Oscar Wilde, Jonathan Swift and so on. These authors used fantasy as a tool to convey their ideas in a comfortable way because fantasy lets authors and readers sink deep into imagination and make them think about the differences between reality and imagination and better understand the real world we are living. For example, Thomas Moore, one of the outstanding representatives of the English Renaissance, wrote his masterpiece “Utopia”, telling a story about an ideal society, with justice and equality for all citizens. At that time, that is to say, in the sixteenth century the social system of England was unsatisfactory and worthy of being criticized. Because injustice and inequality were dominant at that time. So, Thomas Moore created “Utopia” to convince the oppressed people to be patient and wait the time when justice prevails. Herbert Wells, a great English writer who looked into the future, wrote a lot of science fictions, such as “The Time Machine”, “The Invisible Man”, “The War of the Worlds”, “The First Man in the Moon” to encourage the best hope for the future. He devoted more than fifty years of his life to literary works together with science fictions. By writing “The Time Machine”, the author wants to convey the idea that humanity has a bright future and everybody should not complain about everything. They should hold tough of hope of a further bright future. Khudoyberdi Tukhtaboyev, a great Uzbek writer of children’s literature, devoted most of his creations mainly to children. His works are of fantasy, adventure and fairy-tales. By reading his works we can see that children undergo wonderful adventure and eliminate evils by magical powers. In “Riding over a Yellow Dev” and “The Death of the Yellow Dev”, the adventures of Hoshimjon are told. He finds a magical cap among the ruins and with the help of it he reveals the manipulation, the falsification and deception of people living around his village. J. K. Rowling, an author of “Harry Potter” series novels, wrote most of her works in the fantasy genre and her works are mainly for children. It is well known that this author received a number of prizes because of her works, which played a huge role in children’s fantasy. In “Harry Potter” series novels, Harry sees a lot of magical things in Hogwarts School of Witchcraft and Wizardry, such as moving pictures, live trees, speaking letters, magic wands, invisible cloaks, flying balls, flying broomsticks and so on. The three main characters Harry, Ronald and Hermione undergo a lot of mysteries around the school castle they are attending. They eventually discover the evil wizard and they fight with him and in the end they overcome evils.

Fantasy is an endless treasure. People of all ages can enter it at any time. In fantasy people can find everything they want or can discover a magical world. There are a lot of magic wands, speaking books, flying cars, walking trees, singing stars in it. When reading a fantasy book, a lot of supernatural and extraordinary things pass before reader’s eyes. Fantasy is a world of no ending and people never die, they live forever...

Therefore, fantasy books have a strong effect on imagination. By imagination readers can think of new ideas that have never existed before and it can encourage them to make new inventions. It is a fact that because of a fantasy mankind created cars, phones, trains, planes, rockets, helicopters, radios, televisions, ships, clocks and so on. It can be claimed that fantasy sometimes turns into reality. That is to say, in past times people had never seen and had always dreamt seeing a quick-driving car or a colorful television, but humanity nowadays can see them. These days we have a lot of flying cameras, speaking robots and so on. In future we may see flying cars, a moveable house according to some scholars. It is because of a fantasy that they thought of. That is why fantasy is important in humanity's life.

Literature:

1. John Grant and John Clute, *The Encyclopedia of Fantasy*, "Taproot texts", p 921
2. George MacDonald, "The Fantastic Imagination". Kenneth J. *Fantasists on Fantasy*. New York: Avon Discus, 1984. pp. 11-22
3. Steven Swann Jones, *The Fairy Tale: The Magic Mirror of Imagination*, Twayne Publishers, New York, 1995

THE NOTION OF SYNCHRONIC TRANSLATION, ITS HISTORY OF DEVELOPMENT AND THE EXTENSION OF ITS USAGE

Shukurova Z.Sh., Khaqberdiyeva K.J. Karshi SU

Kalit so'zlar: sinxron, tarjima, bir vaqtda, turli-tuman, tillar, pichirlash

Ключевые слова: синхронный, перевод, одновременный, многочисленный, язык, шёпот

Key words: synchronic, interpretation, simultaneous, multiple, language, whispering.

Annotatsiya: ushbu maqolada sinxron tarjimaning tarixi va rivojlanish bosqichari, shuningdek, sinxron talqinga oid umumiy tushunchalar va bu sohada yuzaga keladigan muammolar o'rganiladi

Аннотация: в данной статье рассматривается история и развитие синхронной интерпретации, а также определяются общие понятия синхронной интерпретации и проблемы, возникающие при синхронном переводе.

Annotation: this article deals with the history and development of synchronic interpretation, defines the general concepts of synchronic interpretation and problems that occur in synchronic translation.

Before speaking about synchronic interpretation, it would be appropriate to mention about the actual meaning of the word "synchronic". The verbatim translation of this word in language refers to linguistic phenomenon which occurs at a specific point in time. Speaking in a nutshell, synchronic translation denotes conveying understanding. Another term for the synchronic translation which is commonly used by the world community is "simultaneous interpretation". Its usefulness stems from the fact that a speaker's meaning is best expressed in his or her native tongue but is best understood in the languages of the listeners. In today's world, in the field of philology there is a kind of misunderstanding to differentiate the translation and interpretation. Many people consider that these above mentioned terms denote the same meaning, but it is absolutely wrong. Well, how does interpretation differ from translation? A translator studies written material in one language (the source language) and reproduces it in written form in another language (the target language). An interpreter listens to a spoken message in the source language and renders it orally, consecutively or simultaneously, in the target language. Both the translator and the interpreter must have a thorough mastery of the target language, as well as a very good passive understanding of the source language or languages with which they work. For most interpreters, the target language will be his or her native tongue. The translator relies mainly on thorough research with background materials and dictionaries in order to produce the most accurate and readable written translation

possible. The interpreter relies mainly on the ability to get the gist of the message across to the target audience on the spot.

No translation is ever “perfect” because cultures and languages differ. However, in practice, the translator is usually held to a higher standard of accuracy and completeness (including the ability to reproduce the style of the original), while the interpreter is expected to convey the essence of the message immediately. The translator’s activity is more like that of a writer, while the interpreter’s performance is more like that of an actor. A good translator will spend much time searching for the correct technical term or the right choice of words, but a good interpreter must immediately come up with a satisfactory paraphrase or a rough equivalent if appropriate term does not come to mind, in order not to keep the audience waiting. Some people are able to do both translation and interpretation. Others find that, for reasons of temperament and personality, they cannot do one or the other. Generally, some experience as a translator provides a good foundation for becoming an interpreter. Synchronic translation is the most complex one among the oral translation, in which translation is conducted with the help of special devices. It is a kind of popular and common way which is used during the process of interpretation in order to deliver the entire and constant meaning of a speaker’s words without any interference.

Researches on synchronic interpretation were conducted completely separately from other practical linguistic researches. That is because of the methodological problems emerged from the existence of multiple languages and various situations. The need to master this type of translation demanded new methods and special techniques, as the significance of synchronic translation increased rapidly in the last few years. Therefore, new methods, techniques and scientific works on simultaneous interpretation were initially created by those who once worked as professional interpreters. Nevertheless, it has been more than 50 years since the time when the first research analysis were held in the sphere of simultaneous interpretation, it is still unknown what kind of paradigm is suitable for this type of translation. Because of noble features of synchronic translation, scientists working on simultaneous interpreting had to produce various theoretical opinions of their own. First of all, the scientists emphasized to make use of synchronic translation into several existent modes. In the first place, they tried to synchronize the process of listening and speaking successfully. Secondly, the scientists who are expert at differentiating the semantic and structural gap between languages underlined the preciseness and momentary phenomenon of discourse in synchronic translation. The results of scientific research showed that synchronic translation, in some ways, is both characteristic of written and oral forms of speech. Furthermore, research work discovered the differences of simultaneous interpretation which separates it from written form of speech and indicated what kind of further study is needed.

According to the form of speech, oral translation is divided into two main types: simultaneous and consecutive translation. There is a huge gap between these types of oral translation. A consecutive interpreter listens to the speaker, takes notes, and then reproduces the speech in the target language. Depending on the length of the speech, this may be done all at one go or in several segments. The consecutive interpreter relies mainly on memory, but good note-taking technique is an essential aid. A simultaneous interpreter, usually sitting in a soundproof booth, listens to the speaker through earphones and, speaking into a microphone, reproduces the speech in the target language as it is being delivered in the source language. Because the simultaneous interpreter cannot fall too far behind, this method requires considerable practice and presence of mind. Consecutive interpretation was long the standard method, until simultaneous interpretation was first tried out on a large scale, and found to be workable, at the Nuremberg trials.

Thanks to that breakthrough and to modern sound equipment, simultaneous interpretation has now become the most widely used method, in every type of meeting from business conventions to summit conferences, and can even be done via remote communications links. It is much less time-consuming and enables a multilingual conference, with participants speaking a number of languages, to proceed without interruption. However, consecutive interpretation is still preferred in certain situations, such as one-on-one interviews, confidential hearings, brief public appearances by prominent persons, or some legal proceedings. It has the advantage of not requiring much equipment. Occasionally, interpreters may be asked to do “whispering” or “chuchotage”, which

consists of sitting behind a participant at a meeting and simultaneously interpreting the proceedings only for that person. Simultaneous interpreters normally work in teams of two per booth, taking turns in shifts of about 30 minutes each for a maximum of about three hours at a time, which has been found to be the maximum average time during which the necessary concentration and accuracy can be sustained. They generally work only into their “A” (best) language, or their mother tongue. In certain situations (e.g. in a meeting where one language largely predominates), a single team of three people, known as a “petite equips”, will work both ways, rather than two booths of two people each. The number of languages spoken at the meeting may also determine the make-up of the team. In the United Nations, for example, the standard “English booth” team consists of two interpreters, one of whom interprets from Russian, one of whom interprets from Spanish, and both of whom can interpret from French. For certain language combinations, relay, or two-step, interpretation is also sometimes used: a speaker will be interpreted in one booth from language A into language B, and then in another booth from language B into language C.

For the first time in the history, the synchronic translation was used in Germany in 1946 after the Second World War during the process of International Nuremberg Trials in order to prosecute criminal acts of Nazis. That was the time when simultaneous interpreting was firstly used in such a widely-scaled meeting. Because of the subsequent emergence of International Organizations after the Second World War, the demand for an effective type of translation increased very quickly. When the idea of using synchronic translation as the most effective and suitable tool came into being, language critics were skeptic to the appropriateness of using it into practice. However, after the presentation of the potential advantages of synchronic translation, new programs were immediately created in order to prepare simultaneous interpreters. The first representatives of synchronic translation researchers had to set professional and academic norms of synchronic translation. Primary manuals on synchronic translation such as Rozan 1956 and Herbert 1965 were created as a result of challenging researches and they are still deemed as the classic notes of simultaneous translation. Apart from the simultaneous interpreters and the people who still link their lives with synchronic translation, there are some people who think that synchronic translation is not suitable and effective. One of the eminent scholars such as D.Seleskovich stated that the language of discourse culture and the concepts which were dominant at that time like, structuralism and behaviorism were a large threat to simultaneous translation[3].

Apart from being used widely in international conferences, simultaneous translation is used in diplomatic activities, in the field of trade, mass-media, education, in the system of justice and etc. Synchronic translation is mainly used in the United Nations. There are six official languages in this organization, they are: English, French, Russian, Spanish, Chinese and Arabian. These languages possess equal reputation in the UN, and during the speeches, the delegates can choose any one of them. However, daily secretarial duties of the UN are run by English and French languages. Any kind of formal conferences of the UN are conducted in above-mentioned six languages and documents as well as formal speeches are published in six appointed languages. The sphere of synchronic translation is regarded as a field which has very few working staff. In addition, the sphere of synchronic translation is counted as one of the most difficult professions for which it is completely difficult to prepare personnel[4]. According to statistics, there are only more than 2000 professional personnel in this sphere. Although English has already become widely-used language and mastered by great number of learners, there is still lack of born talents who can be experts in the field of synchronic translation. It is almost impossible to find simultaneous interpreters who work especially in the English, French, Russian and many other minor languages in our country. Simultaneous interpreters who are comprehensively-developed, namely who have broad understanding in politics, trade, technology and other fields are extremely rare. As we have mentioned before simultaneous interpreters work in groups which consist of 2-3 members. The daily amount of paid money that was shown above is divided between the members of a group. Therefore, the hirer of interpreters doesn't have any right to meddle how to arrange the working-days and day-offs of simultaneous interpreters. It's not always possible to find and book an available simultaneous interpreter because of a huge demand for them. Besides that, simultaneous translators don't tend to receive the orders of unexamined clients, but in such cases they can negotiate with above-mentioned un-examined clients relying on the advice of their

colleagues. If the profession and the service of simultaneous interpretation is far more demanding and expensive than consecutive interpretation, a question arises in this way: why is simultaneous interpretation broadly-used though? In respond to this question, we can say that simultaneous translation saves the time while in consecutive translation the time is naturally prolonged and the excessive expenses of the rent of conference hall, accommodation and food for guests becomes tremendously expensive for the hirer of consecutive interpreters.

During simultaneous translation, it is very important to have necessary equipment, which helps to facilitate the process. Special equipment like earphones and microphones constitute the system of simultaneous translation and it can be as a stationary or moveable booth. In the conferences, simultaneous interpreters are placed in small isolated booths and they wear special earphones in order not to surpass the speaker's voice. With the help of loudspeakers, the interpretation is transmitted to the ears of speakers. Such sorts of interpretations which require technical equipment are conducted in the summit conferences, auditoriums and other events where there are large numbers of participants. In every congress and conference hall of the UN, there is installed a system of simultaneous interpretation. There is a working booth for every single language. It means that if there are six official languages in the UN, there are six isolated booths, respectively and three interpreters in every booth.

In conclusion it should be noted that, synchronic translation is a field of translation which is gaining a huge essentiality among the world community. Large demand towards this area of translation refers to the vital importance of its usage, as synchronic translation is regarded as one of the most productive ways of translating. Many international conferences, meetings, and sports events cannot be imagined without the use of synchronic translation.

LITERATURE

1. Al-Salman, S. & Al-Khanji, R. "The native language factor in simultaneous interpretation" 2002. pp. 607-608
2. Christoffels, I. K. & De Groot, A. M. B. "Simultaneous interpreting: A cognitive perspective" 2005. pp 454-455
3. Cronin, M. "The empire talks back: Orality, heteronomy and the cultural turn in interpreting studies" 2002. pp 389-391
4. Dam, Helle V. "Interpreters' notes: On the choice of language" 2004. p 17
5. Darò, Valeria and Franco Fabbro. "Verbal memory during simultaneous interpretation: Effects of phonological interference" 1994. pp 365-366

НАЗАР ШУКУР ИЖОДИДА ДАВР ТАЛҚИНИ

Тураповна Н.У. ҚарДУ ўқитувчиси

Annotation: This article describes the reaction of the poet Nazar Shukur to the period in which he lived and worked in literature in the 1970s. The poems on the subject are analyzed

Аннотация: Эта статья выражает особое отношение поэта Назар Шукур к периоду, в который он жил и работал. Анализирует стихи поэта на эту тему

Назар Шукур мустабид шўро тузуми даврида яшаган. Фикр эркинлиги фалажланган шундай бир даврда ҳам унинг шеъриятида соғлом фикр нафаси уфуриб турдики, бу мусаффо ҳаво ўқувчи вужудига сингиб, руҳият манзараларини поклайди. Назар Шукур инсон руҳияти ва табиатини нурли чизгиларда жонлантириш билан бирга, шеърлари қатига жойлаштириб, давр муаммоларига жиддий назар солиб, кишилар дилидаги эзгу ҳислар ва изтиробларни теран ифода этди. Руҳнинг ғаройиб товланишлари, воқеликка, тоталитар давр воқелигига қарши исёнкор туйғулари унинг шеърият муҳиблари назарига тушишига омил бўлган. "Шоир мавжуд воқеликдан коникмади. Ҳаётдаги носозликлардан куюниб яшади... ўз ҳаётида мавжуд жамият ва инсон орасидаги муносабатнинг нечоғли айри эканини кўрди"¹, - дейди адабиётшунос Асқар Ҳайдаров.

¹ Ҳайдаров А. "Қишлоқ ҳақиқати" газетаси, 1990, 22 июнь.

Назар Шукур қизил имрериянинг оловли дамида яшаб, қисқа ҳаётида бу давр оғриқларини бошдан кечирди. Пахта яккахокимлиги даврида ўзбек миллатининг ҳақ-хуқуқи поймол бўлаётганлигини ўз кўзи билан кўрди.

Шоирнинг “Нишон аканинг этиги”, “Рухсизликда”, “Япроқлар уришар оёғимга бош”, “Кўғирчоқлар”, “Ўткан кунлар”, Оқсоқолнинг набирасига айтгани”, “Туялар” ва бошқа қатор шеърларида истиқлол ва эрка ташна юрак исёнларини ўқиб англаймиз. “Нишон аканинг этиги” шеърида кеч кузда пахта даласидан тўғри Пойтахтга келиб, икки навқирон йигитни ресторанда меҳмон қилмоқчи бўлган пахтакорнинг аянчли ҳолати тасвирланган. Эшиқбон уни этикда келганидан ичкарига киритмайди. Ушбу шеърнинг тақдири ҳақида шоирнинг қадрдони О.Нотамов шундай эслайди:

“Абдурашиднинг хотирлашича, улар иккиси ночор яшаётган ижарахонага бир куни Абдурашиднинг бир неча қариндоши келади. Икки ёш йигитнинг “усти ялтироқ, ичи қалтироқ” аҳолини кўрган акалар уларга дўкондан янги камзул-шим олиб беришади. Ва кўтарилган ёш кўнгилларни янада кўтариш умидида меҳмонхона ресторанига кириб, “бир отамлашмоқчи” бўлишади. Афсуски, у ерга рахтакор деҳқонни этиги билан ресторанга киритишмайди. Бундан жуда қаттиқ таъсирланган, изтиробга тушган Назар ўша кечасиёқ “Нишон аканинг этиги” шеърини ёзади.

Ачинарли томони шундаки, бу шеърнинг ўзига ҳам Нишон аканинг қисмати насиб этади. Бир неча нашрлар уни қабул қилишмайди”¹.

... Ресторан эшиги наҳот чегара

Эшиқбон, ҳаётда бунча сохта сен?!

Қанча сарҳадлардан ошган-ку, қара,

Этиклар асраган деҳқон пахтасин!

Ҳар бир миллат ўз адабиёти кўзгусида аксланади. Шу жумладан, фақат миллатимизгагина хос бўлган шундай одатлар борки, бошқа ҳеч қаерда учрамайди. Ўзбеклар азалдан бош кийимини муқаддас санаган. Ўзбек дўппилари – йигитларнинг ори, ғурури саналган. Ҳатто, бош кийимларига қараб ўша халқнинг табиати, маънавияти, урф-одатлари белгиланади, миллатлар фарқланади. Афсуски, мустабид тузумнинг миллий анъаналаримизни эскилик саркити, дея йўққа чиқарган дамларида дўппи киймоқ ҳам уятли саналган пайтлар бўлди. Миллатсевар шоиримиз Назар Шукур “Дўппи” номли шеърида дўппини юксакка кўтариб куйлайди. Шоирнинг маҳорати шундаки, юрт табиати манзараларини миллат урф- одатларига уйғунлаштириб, аниқ ечим топишга уринади. Шеърда манзара бир чизиққа тортилади. Шоир иқтибос ўрнида ўз изоҳини шундай келтиради “*Ёмғир ёғарди. Ивмасин учун бошдаги дўпписини сейлофон қозғоз билан ўраб қўйган бир чол кўчада кетар эди*”.

Чолни қор, ёмғирдан сақлайди дўппи,

Сақлайди ўйлару хаёлларини.

Ҳозир ҳам ташвиши шунчалик кўпки...

Тўхтатиб бўлмас вақт шамолларини.

Кетказмаслик учун дўппи кўркини

Ўша чол кўнглига шуни туйибди –

Бошида кўтариб юрган “юрти”ни,

Ёмғирдан аябди – ўраб қўйибди!

Шоир дўппи тимсолида миллий образни яратишга муваффақ бўлади. Аслида, мўйсафид, донишманд чол образи ҳам миллийлигимиз рамзидир. Қарияларимиз дуо қилганларида “Бошинг омон бўлсин!” дейишади. Дўппи нафақат қор-ёмғирдан сақловчи восита, балки лирик қаҳрамоннинг ўй-хаёллари-ю, ташвишларини ҳам ҳимоя қилади, сир сақлайди. Шоир миллат фахри бўлмиш дўппи тимсолида, гўёки Юртини ҳар хил балолардан аягиси –“ўраб қўйгиси” келади! “Бошида кўтариб юрган “юрти”ни” сатри эса шеърнинг асосий ғоясини очиб беради.

“Яссавий мақбараси” шеърида манзара янада ёрқинлашади. Гап туркий тилнинг улуғлиги ҳақида кетаяпти. “Энасой бандига битилган ҳарфлар” ни шамоллар ўқиганлиги-

¹ Ҳотамов О. “Юксакдаги дарахт”, “Насаф” нашриёти, 2009. 78-79 бетлар

ю, осмон, ой, юлдуз ўрганганлигини муштабид тузум куйчиларига эслатмоқда шоир. Чунки ёзувлар макбара пештоқига битилган.

*Бу тилда қўшиқлар айтди ярим ой,
Шарт йиртиб тун деган чимматларини.
Шомгача куйлади қуёш ҳоримай
Ёд айтиб Яссавий “Никмат” ларини.*

“... Санъаткор тасвирланаётган воқеа-ҳодисанинг, нарсa-предметнинг, туғён-кечинманинг яққол қиёфаси, ҳолатини китобхон кўз ўнгида жонли қилиб гавдалантиради. Оддий китобхон ҳам уни кўради, ҳис этади ва шу орқали тирик туйғуларни қалбан ва ақлан сезади, англайди”¹(1).

Уруш қатнашчиси бўлган отасининг жангдан ярадор бўлиб қайтган қўллари шоирга деярли ҳар куни уруш даҳшатларини эслатиб турди. Отанинг жанг хотираларини тинглаб улғайган Назар Шукур “Уруш лавҳалари” туркум шеърлари ҳамда “Най” дostonларида бу машъум урушнинг инсон бошига солган кулфати тўғрисида сўз юритди. Хусусан, шоирнинг “Осмон ташбеҳлари” Сайланма китоби (“Ўзбекистон” нашриёти. 2016 йил, 47-49-бетлар)га киритилган тўрт қисмдан иборат “Уруш лавҳалари” туркум шеърларини ўқиган ўқувчи кўз ўнгида жанг картиналари гавдаланади. “Ўқларнинг нишони – оналар охи” мисраси билан бошланувчи ушбу шеърда шоир воқеабандлик изидан қувмайди. Шеърда эркакларнинг жангга отланишидек одатий ҳолатни ифодалаш билан бир қаторда, оналарнинг хаёли, тонгги тушлари жангга сафарбарлигини айтиб, ўқувчи хаёлида ажиб манзарани яратади.

“Танкнинг тишлари тупроқ чайнаши”, “очкўз аланганинг ўрмонни ялаши” кабилар маъно кўчиши орқали маҳорат билан ҳаётий талқин этилади. Қуйидаги мисраларда ҳам ушбу ҳолни кузатишда давом этамиз.

*Оналар нафрати Ғарбга тортди саф,
Қайтарди умиди у ёқдан ғолиб.
Поездлар ташиди куну кечалаб,
Туғилган юртларни кифтига олиб*

“Бир сиқим тупроқни тумордек тугиб” урушга отланган йигитларнинг ўқ захридан жон бераётган чоғда “Ўзбекистонни кучоқлаб” ўлиши ҳеч кимнинг хаёлига келмаган хулосани ясади.

Адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдош шоирнинг “Сен қайтмасанг” китобига ёзган сўзбошисида: “Чин бадийий сўз ўлим билмайди. Кўнгил манзараларини сезгувчи, сўзнинг бетакрор таъмини туйгувчи кишилар бор экан асл шеър, бинобарин, унинг яратгувчиси бўлмиш шоир яшайверади”, - дейди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Назар Шукур. “Кўкдаги умр” - “Ғафур Ғулом” Тошкент 1984 йил
2. Назар Шукур. “Вақт хиёбонида” - “Чўлпон” Тошкент 1991 йил
3. Назар Шукур. “Сен қайтмасанг” Сайланма. “Зарқалам” Тошкент 2008 йил
4. Назар Шукур. “Осмон ташбеҳлари” - “Ўзбекистон” Тошкент 2016 йил
5. Қозоқбой Йўлдошев “Ёниқ сўз” - “Ўзбекистон” Тошкент 2009 йил
6. Ҳ. Умуров, “Адабий ижод асослари”, СамДУ нашри, 2009.
7. О. Ҳотамов, “Юксакдаги дарахт”, “Насаф” нашриёти, 2009.

“ҚИССАИ РАБҒУЗИЙ” АСАРИНИНГ СЮЖЕТ ВА ОБРАЗ ТАЛҚИНИДА РИВОЯТ, АФСОНАЛАРНИНГ ЎРНИ

Халилова Д. ҚарДУ доценти

Ключевые слова: сюжет, образ, повествование, миф, самостоятельная сюжетная линия, эпизод, мотив.

Keywords: plot, image, narrative, legend, story, independent plot story, episode, motivation.

¹ Умуров Ҳ. “Адабий ижод асослари”, СамДУ нашри, 2009.

Аннотация: В статье объясняется, что жанр мифов, мифов и нарративов использовался в качестве ведущих принципов при объяснении идеологического содержания произведения, повышении чувствительности сюжетных событий, более глубокого понимания, глубокого осмысления и выяснения достоинств пророков. Научно утверждается, что влияние фольклора на письменную литературу, его соразмерность, а также дидактический характер произведения иллюстрируются примерами фольклорных жанров

Annotation: The article explains that the genre of myths, myths and narratives have been used as the leading principles in explaining the ideological content of the work, enhancing the sensitivity of plot events, deeper understanding, deep reflection, and elucidating the virtues of the prophets. It is scientifically stated that the influence of folklore on the written literature, its proportionality, as well as the didactic nature of the work are illustrated by examples of folklore genres

XIII аср охири XIV аср бошларида яшаб ижод этган шоир ва ёзувчи Носириддин Бурхониддин Рабғузий ўзининг “Қиссаи Рабғузий” асари билан туркий халқлар адабиётида муҳим ўрин тутди. Адиб қисса ва ҳикоятлардан иборат бўлган бу асари билан адабиётимиз тарихида бадиий насрнинг илк намунасини яратиб, шу жанрга асос солди.

Тил жиҳатидан “Тавсир”, “Хисрав ва Ширин”, “Наҳж ул- Фародис”, “Сирож ул-қулубъ обидаларига яқин турувчи “Қиссаи Рабғузий” Марказий Осиёда яшовчи туркий халқлар орасида “Қиссасул-анбиё” номи билан машҳур бўлиб, китобхонлар томонидан эъзозлаб ўқилувчи, бахши ва оқинлар томонидан севиб куйланувчи асарлардан бири ҳисобланади.

“Қиссаи Рабғузий” асаридаги қиссаларнинг кўпчилиги композицион қурилиши нуқтаи назаридан ҳикоя ичида ҳикоя қолипиди тузилган. Яъни умумий қисса ичида унинг мазмунини тўлдириб, бойитиб турувчи бир қанча мустақил сюжетли ҳикоялар ҳам келтирилади. Бу ҳикоялар ягона қолипловчи ҳикоялар мазмунида сингдирилади. Ҳикоя мазмунининг моҳиятини кенгроқ ёритиш, образларнинг характерини ёрқинроқ очиш мақсадида ривоят ва афсоналар воситасида ранг-баранг тасвирларда бадиий ифодаланadi.

1990-(1-китоб), 1991-(2-китоб) йилларда Эргаш Фозилов, Абдулла Юнусов, Ҳамидулла Дадабоевлар нашрга тайёрлаган “Қиссаи Рабғузий”да жами 32 ҳикоят, 31 та ривоят, 21 та фойда, 11 та ҳикмат ва панд-насихатлар, 30 та мақол қўлланган. Қиссанинг сюжет воқеалари таъсирчанлигини ошириш, моҳиятини чуқурроқ англаш, теран мушоҳада юритишга ундаш заминиди ривоят, ҳикоят жанрларидан фойдаланилган ҳолда ҳикматли сўзлар, панд-насихат, мақоллар орқали ғоявий мазмун ёритилган. Муаллиф ҳар бир қисса аввалида пайғамбарларнинг сифатини баён қилади ва ўша пайғамбар ҳаёти билан боғлиқ бўлган ходисаларни ёритувчи шеърини парчалар келтиради. Кейин эса насрда қиссанинг асосий мазмуни бошланади. Бу мазмун таркибида воқеа-ходисалар фольклорга хос ривоят ва ҳикоятлар билан бойитилади.

Рабғузий “Қобул ва Ҳобил” қиссасида ер юзида илк маротаба шеър айтган Одам ато эрди,-дейди. Бу воқеа асарда шундай тасвирланади: “Ўғлонлари Қобил ва Ҳобил қизнинг устидан тортишади. Одам ўғилларига қурбонлик қилишни буюради. Кимнинг қурбонлиги қабул қилинса, ўша Иқлима исмли оқила қизга уйланиши айтилади. Шунда Иблис Қобилни фикрини бузади. “Отанг Ҳобилни қўллаяпти”, дейди. Қобилга алам қилиб Ҳобилни ўлдириш пайига тушади. Иблис қушга айланиб, иккинчи бир қушни бошига тош билан уриб, янчиб ўлдиради. Буни кўрган Қобил қандай қилиб одам ўлдиришни кўриб олади ва укаси Ҳобилни ўлдиради. Одам Ато Қобилни лаънатлайди. Барча ҳайвонлар, қурт-қумурсқалар, қушлар тоғлар орасига қочадилар. Қариндош ўртасида шавқат қолмади, деб Одам Ато ва Момо Ҳаво тинмай йиғладилар. Одам Ато таъзия тутиб, ўғли ҳақида шеър айтади. Ер юзида биринчи шеър айтган Одам Ато, шунингдек, қурбон бўлган, вафот этган киши ҳурматига таъзия тутиш Одам Атодан қолган. Шеър қўйидагича:

Тағайрат ул билади ва ман алайҳа,
Ва важҳул арзи муғаййирун Масуҳи.
Фаажабакү иблис лаънатиллоки алайҳа,
Тағайра куллу зи –лавнин ва таъмин.

Асарнинг Идрис алайҳиссалом қиссаси нақл қилинган фаслида Хорит билан Морит тўғрисида афсона келтирилган. Унда айтилишича, ерда яшаётган одамлар бир-бирини ўлдириб, гуноҳга ботганлигини кўрган фаришталар: “Одам яратилмасдан бурун биз унинг фаришталари Жин ибн ал Жон сингари қон тўккайлар, деб айтмаганмидик”, дейишибди.

Рабғузий пайғамбарлар ҳақидаги қиссаларни чуқур тасвирлаш ва Оллоҳга, пайғамбаримизга кишиларнинг эътиқодини кучайтириш мақсадини ўз олдига кўяди. Шу жиҳатдан Юсуф, Сулаймон, Довуд пайғамбар, Луқмони Ҳаким, Ҳизр тўғрисидаги қиссалар жуда характерлидир. Фикримизнинг изоҳи сифатида Сулаймон ҳақидаги қиссага эътибор қилайлик.

Подшоҳлик Сулаймонга отаси Довуд пайғамбардан мерос қолди. Сулаймоннинг подшоҳлиги бениҳоят юксак эди. Нақл борки, ҳазрати Довуд Сулаймонни тахтга чиқариб, халққа ҳалифа қилди. Гўё худо фармони билан у жами ҳайвоноту паррандаларнинг тилини билади. Сулаймон пайғамбар кеча- кундуз муножот қилиб худодан менга ҳеч кимга бўлмаган мулк бергин, дея сўрайди: “Мавло Таоло ваъдага вафо қилди. Қамуғ маликларни кўтарди. Сулаймон ёлғиз Қамуғ оламга малик бўлди. Етмиш тун яна улуғ турди.” Айди: “Илоҳий тақи ортурғил. Ёрлиғ келди: Париларни сенинг фармонингга қилдим. Тонгласи париларни улуғларин йиғдирди. Вилоятларни уларга топшурди...”

Мавло Таоло девларни, қушларни, югурак кийикларни, елни, сувни мусаххар қилди. Ер кўк орасинда не ким яратмиш бор эрса, қамуғини мусаххар қилди. Қамуғи (барчаси) бўйсундилар. Айтмишлар, қачон Сулаймон тоғдин кечар бўлса, ул тоғдаги олтун, кумуш, неким бор эрса барчаси тилга келур эрди; “Мен мундаким, керак бўлса, олғил”, деб. Мавло Таоло ўз қудратини кўргузди, Сулаймон панд олсун деб. Сулаймон Мағридан Машрикқача подшоҳ бўлади, деу пари, инсу жинслар унинг фармонида эди.”

Мана шу қиссанинг таркибида Сулаймон билан боғлиқ қатор мустақил мазмундаги ҳикоятлар келтирилади. Жумладан бир ҳикоятда шундай дейилади: “Бир куни Ҳазрат Сулаймон бойкушдан сўради: Нима учун доим вайроналиғ ерки хоҳлайсан? Бойкуш айтдики: Мана бу оламдаги меросимдир. Яна айтдики: Научун халқ орасинда юрмайсан, айтдики: одам фарзандлари бир- бирига қиладиган зулмдан кўрқаман”.

Бу ҳикоятда бойкуш инсонлар ўртасидаги адоват, ҳасад, маишатпарастилик, номардликнинг авж олиб кетганлиги, натижада ота- ўғил, ака-ука, ёру-дўст бир-бирига зулм қилиши, меҳр-оқибат йўқолишини подшо Сулаймонга эслатгандек бўлади. Сулаймон ва Қаринча ҳикоятида ҳам Сулаймон пайғамбар тўғрисида эмас, кўпроқ подшоҳ Сулаймон тўғрисида гап бораётганидек туюлади. Сулаймон ва Қаринча суҳбати ўта таъсирчан ҳолда ёритилган. Диалогда Сулаймон қаринчқаларни инларига қочириб, ўзи йўлда турган қаринчқанинг ишига ҳайрон қолиб, уни сабабини сўради. Қаринчқа деди: “Сен маликсен, мен ҳам маликмен. Қаринчқалар ҳалок бўлмасин, деб уларни қочирдим”. Сулаймон деди: “Сен нечук қочмадинг? Айди: мен уларнинг улуғиман. Улуғ раъиятда (халойиққа) мушфиқ (меҳрибон) бўлади. Бало келса, унга ўзини тутиши, халқига қалқон бўлиши керак”, дейди. Шунингдек, сабр-қаноатли бўлиш керак. Агар сен сабр қилганинда фаришталар ҳам сенга итоат қилур эди, дейди. Сулаймон пайғамбар қаринчқанинг зукколигига таҳсин айтади.

“Қиссаи Рабғузий”да ҳаётий воқеалар объектив ва субъектив реалликка асосланган. Бу каби ҳикоялар маълум маърифий, дидактик аҳамиятга эгадир. Асарнинг "Қиссаи Ашоб ул-Қаҳф" фаслида нақл қилинишича, "Румда бир малик бор эрди. Чериги телим эрди. Яна бир малик бирла ёғилашди." Дакёнус ана шу подшони енгиб, унинг олти ўглини асир қилиб олади. Бир гуруҳ болалар ўзини худо деб эълон қилган бу золим подшога кул бўлишни истамай, Оллоҳдан нажот тиламоқ учун Дакёнус юртидан қочадилар. Рабғузийнинг ёзишича, "Уларнинг отлари Тамлихо, Игсиг Мино, Мартолус, Сарринус, Зу Анас, кўйчининг оти Кафиттинус, итнинг оти Қитмир".

Кўринадики, "ғор эгалари"нинг сони етти киши бўлишига қарамасдан, Рабғузийда олти нафарининг исми қайд қилинган. Мазкур афсонанинг ўзбек версияларида ҳам шундай ҳолат кузатилади. Ашоби Қаҳф ҳақидаги ўзбек афсонасининг Алишер Навоий қаламига мансуб "Тарихи анбиё ва ҳукамо" номли асарида, шунингдек, Туркистон сарҳадларида "Фавойид ул-муслимин" номи билан машҳур бўлган "Жавоҳир-ул ҳикоёт" мажмуасига киритилган вариантларида эса эътиқоди бутун бу афсонавий йигитларнинг исми шарифи баён қилинмаган.

"Жавохир-ул ҳикоят"нинг ношири Саидбек Ҳасан "Ашоби Қаҳф" иборасининг маъносини изоҳлаш мақсадида ўзбеклар орасида қадимдан мавжуд бўлган қуйидаги афсона мазмунини келтиради: "Ғор соҳиблари етти биродар бўлишиб, ҳаққи таолога кучли эътиқод қўйишган ва золим кофир подшоёи Дақёнус зулм жазосидан қўриқиб, ғорга бекиниб олишган. Уларга бир ит ҳам садоқат билдириб қўшилишган. Улар 300 йил худонинг қудрати билан ухлашган. Ит эса, мижджа қоқмай, уларни қўриқлаган экан. Ул етти биродарнинг номлари: Ямлихо, Максалмино, Кашфутат, Табюнус, Кашофатюнус, Азарфатюнус, Юнусбуз. Уларнинг итларининг номи эса Қитмир бўлган экан..."

Ашоби Қаҳф ҳақидаги ўзбек халқ афсоналарининг айрим вариантлари халқ китоблари ёки қиссаларининг сюжет тизимида ҳам сингдириб юборилган Афсона сюжетининг ўзбек фольклори эпик аънаналари асосида муайян ўзгаришларга учраган вариантларида эса Асхоби Қаҳфлар сони ва номлари баёнида маълум фарқли жиҳатлар кўзга ташланади.

Маълумки, халқ оғзаки ижодида ёки ёзма адабиёт намуналарининг кўпида ёмон хулқ-атворлар қораланади, фош этилади ва асар охирида бундай шахслар ё жазоланади, ёки адолатга юз ўтиради. Бу қиссаларда эса пайғамбарлар устида гап бораётганлиги учун уларни осийликка йўл қўйганлиги биров мўъжиза, ё фаришта, ёки Жаброил орқали огоҳлантирилади. Улар гуноҳи кўп тоат-ибодат қилиб, худога тавба қилгач кечиради.

Умуман олганда, ғоявий мазмуни турлича бўлган ҳикоят, ривоят ва латифалар Рабғузийнинг дунёқарашидаги зиддиятларни бир томондан унинг дин ҳомийси ва жарчиси эканлигини, иккинчи томондан, маърифатпарварлик ва мураббийлик майллари юқори бўлган шахс эканлигини кўрсатади.

Муаллиф ўз асарида халқ оғзаки ижодидаги адабий тимсоллардан, насрий жанрлардан, илғор ғоялардан, инсонпарварлик руҳидан маҳорат билан фойдаланган.

Қиссада халқ ижодиётига хос мардлик, жасурлик, ҳалол меҳнатни улуғлаш, ватанпарварлик, адолатпарварлик, меҳр-оқибат, дўстлик ғоялари ва туйғулари илгари сурилган. Инсон қалби, кўнгил дунёси билан боғлиқ ибратли воқеалар ҳикоят ва ривоятлар орқали тасвирланади. Қиссада келтирилган фольклор жанрларининг ҳар бири алоҳида татбиқ талаб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Қиссаи Рабғузий. 2-жилд. –Т.: 1990. 96-бет.
2. Алишер Навоий. Тарихий анбиё ва ҳукамо. –Т.: 1990.
3. Алишер Навоий Жавохир-ул ҳикоят. –Т.: 1993.
4. Жўраев М. Ўзбек халқ насри жанрларини тасниф қилиш мезонлари. ЎТ ва А. 1996, №5 -Б.32.

ФИТРАТ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИ

Қувватова Д.Ҳ., БухДУ профессори, ф.ф.д.

Калит сўзлар: бадий сўз, тур, жанр, "Адабиёт қоидалари", мундарижа, мавзу, тартиб, сочим, тизим.

Аннотация: XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослигининг шаклланиши Абдурауф Фитрат номи билан чамабарчас боғлиқ. Унинг "Адабиёт қоидалари", "Аруз ҳақида" рисоласи бу жиҳатдан аҳамиятлидир. Мақолада "Адабиёт қоидалари" асари таҳлили асосида Фитратнинг адабиётшуносликка оид қарашлари ўрганилган.

Шарқ адабиётшунослиги ўзининг ёрқин саҳифаларига эга. Бадий сўз, унинг қудрати, бадий асар тузилиши, тур ва жанр масаласи каби муҳим назарий масалалар Абу Наср Форобийдан тортиб профессор Фитрат асарларигача бўлган босқичларда ўз ифодасини топган. Бинобарин, Фитратнинг адабиётшуносликка оид асарларини мутолаа қилар эканмиз, унинг илмий қарашларида кўпроқ Шарқ адабиёти ва адабиётшунослиги манбалари таъсири ёрқин кузатилади.

Маълумки, Низомий Арузий Самарқандий ўзининг "Чаҳор мақола" номли асарида шеър илмининг моҳияти ва шоирнинг салоҳияти ҳақида гапирар экан: "Шоирлик шундай санъатки, (шоир) бу санъат орқали ҳаяжонлантирувчи тушунчаларни ҳосил қилади ва

таъсирчан қиёсларни бир-бирига улайди” деб ёзади (1, 37). Фитрат қарашлари ҳам шу фикрга ҳамоҳанг. У ўзининг 1926 йилда тартиб берган “Адабиёт қоидалари” номли муаллимлар ва адабиёт ҳаваслилари учун ёзилган қўлланмасида бадиий адабиётга шундай таъриф берди: “Адабиёт – фикр, туйғуларимиздаги тўлқунларни сўзлар, гаплар ёрдами билан тасвир қилиб, бошқаларда ҳам худди шу тўлқунларни яратмоқдир”(2,19). Низомий Самарқандий “шоирлик” деганда адабиётни назарда тутди. Зеро, Шарқ адабиётининг асосини шеърят ташкил этган. Шеър орқали инсон қалбида “ҳаяжонлантирувчи” кечинмалар ҳосил қилинади. Айнан шу Фитратнинг талқинича, “туйғуларимиздаги тўлқунларни” бадиий сўз ёрдамида акс эттиради. Яна юкоридаги парчаларни “таъсирчан қиёсларни бир-бирига улайди” деган фикр билан кишиларда шу “тўлқунларни яратмоқ” дир қараши боғлаб туради. Бу қарашларда адабиётнинг инсон ҳаётидаги маънавий вазифаси ўз аксини топган.

Кайковус “Қобуснома” асарида: “Бир хил вазн ва қофияга қаноат қилмагил, санъатсиз, тартибсиз шеър айтмагил. Шеър зарб ва шаклда бўлса, яъни вазни тўла бўлса, яхши бўлади. Шоирлик қоидасига кўра (шеър ёзишда) санъатдан ғофил бўлмагил” (1, 33) деб ёзади. Зеро, Фитратнинг шеърга берилган таърифи Кайковус фикрларини такомиллаштиришга хизмат қилади: “Шеър юрак сезгиларини кўрсатмақдир. Вазн ва қофия эса, сўзнинг “безаги” (зийнати)дир. Юракимиздаги сезгиларни тўғри бермакчи бўлсоқ қофиясиз, вазнсиз бир шеър (сочим шеър) ёзиладир. Шеъримизни безамакчи эсак, вазнли, қофияли шеър (тизим шеър) ёзармиз. Вазн ва қофия юракимиздаги сезгиларимизни тасвирлай олмайдир” (1,75). Кайковус Шарқ шеърятини мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқиб, шеърнинг асосий хусусияти унинг вазнига алоқадорлигида деб билади, санъатсиз, тартибсиз шеър айтмасликни уқтиради. Кайковус бадиий сўзга катта баҳо бериб, тартиб деганда вазни назарда тутганлиги кўриниб турибди. Фитрат шеър кудратини “юрак сезгиларини кўрсатмақ”да кўради. Яна вазн ва қофия унинг безаги эканлигини айтади. Шу жиҳатдан мазкур қарашлар Кайковус назарий фикрларига ҳамоҳанглик қилади. Айни замонда Фитрат ўзи яшаган давр ўзбек шеърятини хусусиятларидан келиб чиқиб, бу қарашларни изчил ривожлантиради. Яъни тартибли шеърлар билан бирга вазнсиз шеър – сочимга хос жиҳатларга эътибор қаратади.

Фитрат бадиий асарни таърифлашда ҳам ўзига хос йўлдан боради. Бадиий асарни “адабий юмуш билан майдонга чиққан нарса”нинг *асар* эканлигини тўғри таърифлайди. Бу жараёни “зеҳний юмуш” – ижод деб атайди. Бу жараён эса ижодкорни қўлига қалам олишга йўллаган мавзу билан боғлиқ: “Ижоднинг биринчи натижаси асарнинг *мавзуи*, иккинчи натижаси асарнинг *мундарижаси* бўладир. Ондан кейин ёзғучи мавзу тўғрисида йиғилган маълумотни (асарнинг мундарижасини) ўз зеҳнида белгили бир тартибга соладир. Бу эса асарнинг *тартиби* бўлади”(1, 113). Кўринадики, бадиий асар билан боғлиқ терминлар деярли бугунги назария билан мос келади. Фақат “сюжет” “тартиб” термини орқали берилган. Фитрат талқинича, ижодкор дастлаб асар мавзусини аниқлаши, мавзу асосида унинг мундарижасини белгилаб олиши ва уларни тартибга солиши керак. Ҳақиқатан, бу қараш “Бадиий асар нима?” деган саволга берилган илмий жавоб бўлиб, замонавий назарияларга мувофиқ келади. “Мана шу юмушлар билан ёзғучи-адибнинг зеҳнида мавзу ҳам тўғрида маълумот белгили бир тилнинг сўзлари, гаплари билан ифода этилиши керакдир. Шу “ифода” этиш билан асар майдонга келади. Ёзғучининг зеҳнида йиғилган мавзу ҳам у тўғрида тартибга солинган маълумот, сўзлар, гаплар билан ифода этилмаганга асар саналмайди. Бу кун Элбек, Чўлпон, Боту, Қодирий, Ш. Сулаймон каби ўзбек адиб-шоирлари бор. Буларнинг *ифодалари*, албатта, ўзбекчадир. Бирок, у адиб-шоирларимизнинг асарлари ўқулганда ифодаларининг бир-биридан ўзгачарак бўлгани кўруниб туради. Демак, булардан ҳар бирининг ўзига махсус бир *ифода йўсуни* бор. Мана шул ифода йўсунига *услуг* дейилади” (1, 114). Маълумки, мавзу тартибга солиш асосида ҳар бир ижодкорнинг ифода йўсини, яъни услуби шаклланади.

Нуктадон адабиётшунос назарий тушунчаларни бир тизимга солар экан, уларнинг ҳар бири ҳақида махсус тўхталади. Бу жиҳатдан мавзуга берилган таъриф ниҳоятда қимматли: “Адабиётнинг мавзуи бутун табиат, борлиқ дунёси, инсоннинг ўз ички-ташқи дунёсида сезиб онглаганларидир. Бир томчи сувдан тенгизгача, бир учқундан буюк бир ёнғингача, кичкина бир япроқдан улуг ўрмонларгача нима бор эса, ҳаммаси адиб-ёзғучи

учун мавзуъ бўларлик нарсалардир”(1, 113). Эътибор берилса, инсон яшаб турган борлиқдаги ҳамма нарса мавзу бўлиши мумкин. Фақат уни қай йўсинда очиб бериш, образга айлантириш ижодкор иқтидорига боғлиқдир. Яна бир жиҳатни таъкидлаш керакки, адабиётшуноснинг бу қарши бугунги адабиёт илми учун ҳам аҳамиятли. Негаки, инсон ва у яшаб турган олам воқеа-ҳодисаларини акс эттиришдан асосий мақсад адабиётнинг инсоншунослик эканлиги билан алоқадордир.

Мундарижа ҳақида фикр юритар экан, олим унинг учта хусусиятини алоҳида қайд этади: “а) мавзуъ теграсидаги фикрлар, маълумотлар, воқеаларнинг асар тилагига мувофиқ, асарнинг тилагини очик қилиб бера олурлик бўлганларини оладир; б) мундарижадаги асосий қисмларнинг бир-биридан узун, бир-бирига муносабатисиз бўлмаганларини оладир; в) мундарижа қисмларининг бир-бирига қарши бўлмаслиқлари, яъни биртасининг берган таъсирига қарши бўлмаслиғини энг катта бир шарт қилиб кўзда тутадир” (1,114). Адиб мавзунини ёритиш учун материал йиғар экан, уларнинг ҳаммасига эмас, энг муҳимларига эътибор қаратади. Иккинчидан, асар мундарижасида ўзига хос изчиллик ва мувофиқлик бўлиши талаб этилади. Учинчидан, мундарижа қисмлари бир-бирига қарши бўлмаслиги керак. Олим фикрларини давом эттириб, ёзади: “Мундарижа яхши тартиб этилган сайин асарнинг қиммати ортадир, ёзғучини муваффақ бўлишга яқинлаштирадир. *Тартиб* мундарижа узра юргузиладир. Шунинг учун мундарижа етарлиқ даражада йиғилиб толлангандан кейингина тартибга кириш керак. Тартиб ёлғуз асар ёзишда эмас, сўз сўйлашда ҳам муҳимдир” (1. 115). Демак, мавзу мундарижани, мундарижа эса тартибни тақозо этади.

Юқорида таҳлил этганимиз назарий қарашлар Фитратнинг теран фикрли адабиётшунос эканлигини тасдиқлаб туради. У фанга олиб кирган ва таърифлаган терминлардан бугунги адабиёт илмида, миллий адабиётшунослигимиз терминлари тизимини яратишда ва луғатлар тузишда қимматли манба вазифасини ўтайди. Чунки олимнинг назарий қарашлари кўп асрлик Шарқ адабиёти моҳияти ва мазмуни билан чамбарсач боғлиқдир. Мазкур фикрлар Фитратнинг серқирра ижодкор бўлиши баробарида нигоҳи теран назарий эканлигини ҳам тасдиқлаб туради.

Адабиётлар:

1. Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳамидулла Болтабоев талқинида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.
2. Абдурауф Фитрат. Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам ҳаваслилари учун қўлланма (нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев). – Т.: Ўқитувчи, 1995.

III ШЎБА
ЖАҲОН АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИНИНГ
УМУБАШАРИЙ ОМИЛЛАРИ

LE ROLE DE CHARLES AUGUSTIN SAINT BEUVE DANS LA LITTERATURE DU
MONDE ENTIER

Adizova O.I. BuxDU, dotsent
Sodikov M. BuxDU, magistr

Калит сўзлар: образ, адабиётшунос, биографик усул, характер, академик олим, илмпарвар, традиция, ёзувчи.

Ключевые слова: образ, литературовед, биографический метод, биографический характер, мыслитель-энциклопедист, ученый академик, ревнитель науки, традиция.

Key words: literary image, specialist in literature, biographical method, biographical character, sophist encyclopedist, academic scientist, patriot, sciences adherent.

Аннотация: Мақолада академик Сент Бьёв асарларини англашда биографик усулдан фойдаланиш маҳорати ёритилган. Тадқиқотларни кимларга қаратилганлик жиҳатларининг мавзулари ва тил хусусиятлари таҳлил этилган.

Аннотация: В данной статье освящено умение академика Сент Бьева использовать биографический метод в понимании исторических произведениях. Анализированы особенности языка и состава исследования.

Annotation: This article is devoted to the ability of academic Sent Beuve to apply of using biographic method in comprehending historical novels. Content and linguistic peculiarities of the research are analysed too.

La biographie d'écrivain ne traitera pas l'homme différemment. À l'instar des sciences voisines en voie de constitution - la psychologie, la sociologie, etc. elle optera aussi pour l'approche causaliste et déterministe. Face à cet ensemble nouveau de conjonctures, plusieurs questions se posent aux biographes désireux de rendre compte d'une personnalité littéraire. Quel doit désormais être l'objet de la biographie d'écrivain ? L'homme ou l'écrivain ? Quel est la limite qui sépare l'homme de l'artiste ? Quel rôle l'enfance exclue jusqu'alors de la recherche joue-t-elle dans le développement d'une personnalité créatrice ? Dans ces circonstances, au risque d'être considérés comme de simples collectionneurs d'anecdotes, les biographes sont amenés à réfléchir à leur pratique. C'est ainsi que la biographie « se théorise en arts d'écrire une vie »¹. Contrairement à ce que l'on observe dans les mondes germanique et anglo-saxon, la réflexion épistémologique portant sur la biographie est relativement rare dans la France du XIX^e siècle. Outre les réflexions sur le sujet que l'on introduit çà et là à l'intérieur d'ouvrages qui concernent des problèmes plus généraux. Que reproche-t-on exactement à la biographie ? Tel est la question à laquelle il nous faut maintenant répondre. L'histoire de la biographisme n'est plus à faire. Nous nous contenterons ici d'indiquer les principaux reproches qu'on adresse au genre au XIX^e siècle, en tâchant de les mettre en lien non seulement avec les courants esthétiques dominants mais aussi, de façon générale, avec les enjeux qui déterminent alors la configuration des sciences humaines. Dans cet article qu'elle consacre à la biographie d'écrivain au XX^e siècle, Julie Aucagne rappelle que si la critique anglosaxonne est montrée aussi prolixe dans le domaine de l'épistémologie du genre, c'est qu'elle appartient à une « tradition consciente d'elle-même »². Ce qui minorait la portée de la biographie avant l'époque romantique relève surtout de la morale. Parce qu'on valorise alors l'humilité et l'universalité, la connaissance d'ordre biographique ne suscite qu'un mince intérêt parmi les gens de lettres comme chez les historiens. À l'époque romantique, les reproches que l'on adresse à la biographie viennent de deux camps séparés - les romantiques et leurs ennemis - et concernent encore, au premier chef, la morale. Que ce soit chez les disciples de l'historien (et homme politique) François Guizot et de son anti-anecdotisme, chez les détracteurs de la « littérature du moi », ou encore sous la plume de Désiré Nisard et de Gustave Planche - qui

reprochent aux biographes leur manque de rigueur, ces anti biographismes « s'en prennent au sujet biographique, à ("l'homme", en déniant qu'il puisse être l'explication de l'oeuvre. La littérature est chose trop haute pour se ramener à des anecdotes»³. Chez les romantiques, c'est l'impudeur du genre qui dérange, dans la mesure où celle-ci conduit à une certaine *désacralisation* de la figure de l'écrivain. On dénonce également la forte propension des biographes à s'intéresser aux détails de surface. C'est bien en réponse à ce voyeurisme biographique que Chateaubriand, inquiet qu'on lui découvre au sens premier du terme les hommes qui font l'objet de son admiration, est amené à formuler ce mot d'ordre: «Pieux enfants, bénis de notre père, couvrons-les pudiquement de notre manteau»⁴ Ce rapport qu'ont les écrivains romantiques à la biographie recèle un étonnant paradoxe. Écrire la vie des poètes, c'est être doublement infidèle: à la vie, qui échappe à l'écriture; au poète aussi, qui n'écrit pas mais chante, et n'a de vie véritable que dans la réverbération de son chant. Et l'on tombe alors dans ce paradoxe que l'époque romantique qui a mis l'homme au centre de l'oeuvre et qui a donné à la biographie l'importance que l'on sait, n'a jamais réussi à faire coïncider ces deux mutations de la façon convenable. Mais ce qui constitue le principal empêchement de la biographie d'écrivain au XIX^e siècle ressortit à l'épistémologie à proprement parler. Il s'agit, en fait, du domaine où les problèmes qui surgissent sont les plus complexes et où la biographie commet ses péchés les plus graves. Les réticences et les protestations se fondent pour l'essentiel sur une interrogation d'ordre épistémologique sur les capacités du sujet connaissant avec ses partialités, ses aveuglements, ses intérêts sur la relation qu'il établit avec l'objet (subjective ou objective); sur la comparaison entre l'objet réel (l'existant) et l'objet construit (la biographie).⁵

Autrement dit, le problème que pose la biographie, ici, «concerne essentiellement la qualité scientifique de la vérité».⁶ Rappelons que l'époque est marquée par un débat qui gagne l'ensemble des sciences humaines, débat motivé par l'émergence d'un concept qui aura tôt fait de discrediter la démarche biographique: le concept de totalité. Principe organisateur du savoir historiographique, le concept de totalité amène une part importante des historiens à exclure la dimension individuelle de l'histoire au profit d'une historiographie objective, qui s'intéresse non pas aux individus, mais à ces unités globalisantes que sont les classes, les nations, etc. En fait, selon Sabina Loriga, trois forces dissemblables contribueraient, au XIX^e siècle comme au XX^e siècle, à faire de ce concept la principale catégorie explicative du devenir historique et, partant, à miner la pertinence de la biographie. La première force est de caractère politique: «Après l'affirmation du *peuple* en tant que sujet social, l'histoire biographique revêt une tonalité élitiste qui heurte le désir de fraternité et d'égalité.»⁷ La deuxième force relève de la philosophie et impose une conception téléologique de l'histoire d'une histoire qui cherche à indiquer «le sens, la route, le but» et dans laquelle «l'individu est entièrement soumis à la loi. Une loi dramatique et implacable car elle est exempte d'éléments accidentels».⁸

Si l'on considère la littérature d'avant-garde et le positionnement des écoles qui occupent le devant de la scène après le romantisme, c'est d'abord à un mouvement de rejet du biographique qu'on assiste. Rejet de la littérature personnelle, et du romantisme censé l'avoir encouragé; rejet concomitant du paradigme. En effet, après ce «culte du *moi*» rattaché au romantisme, un nouvel idéal se fait jour auquel aspirent tant les poètes que les romanciers: l'impersonnalité de l'art. Du côté de la poésie, ce sont les Parnassiens qui, les premiers, pourfendent l'exhibition du sentiment au service de l'art. C'est précisément ce que Leconte de Lisle, leur plus illustre représentant, reproche à ses prédécesseurs dans la fameuse préface qui ouvre les *Poèmes antiques*. Leconte de Lisle reproche en fait aux représentants de cette littérature personnelle d'avoir épuisé son intérêt: vous n'êtes plus écoutés, parce que vous ne reproduisez qu'une somme d'idées désormais insuffisantes; l'époque ne vous entend plus, parce que vous l'avez importunée de vos plaintes stériles, impuissantes que vous étiez à exprimer autre que votre propre mante.

Si le «thème personnel et ses variations trop répétées ont épuisé l'attention», il faut aussi dire que cette poésie, à force de multiplier les impressions personnelles, a démontré son incapacité à «enseigner l'homme», c'est-à-dire à véritablement révéler sa nature. Enfin, la démarche des romantiques n'est rien d'autre qu'une profanation du langage poétique bien que l'art puisse donner,

dans une certaine mesure un caractère de généralité à tout ce qu'il touche il y a dans l'aveu public des angoisses du coeur et de ses voluptés non moins amères une vanité et une profanation gratuites. Il faut entendre en ce reproche un rejet absolu de l'intime, qu'il s'agisse de la poésie ou de la biographie. Le langage poétique s'étant épuisé à force d'exhiber le *moi*, il importe désormais de chercher ailleurs la « langue sacrée ». Ce que veulent en somme les Parnassiens, c'est que la poésie redevienne le verbe inspiré et immédiat de l'âme humaine ce qu'ils défendent avec ardeur, c'est l'idée d'une littérature impassible, c'est-à-dire impersonnelle et neutre. C'est ainsi que commence à s'imposer le rapprochement entre science et art. L'art et la science, longtemps séparés par suite des efforts divergents de l'intelligence, doivent donc tendre à s'unir étroitement, si ce n'est à se confondre. L'un a été la révélation primitive de l'idéal contenu dans la nature extérieure l'autre en a été l'étude raisonnée et l'exposition lumineuse. Mais l'art a perdu cette spontanéité intuitive, ou plutôt il l'a épuisée; c'est à la science de lui rappeler les de ses traditions oubliées, qu'il fera revivre dans les formes qui lui sont propres. Ce qui fonde ce rapprochement, c'est justement cette nouvelle nécessité qui s'impose à l'artiste soit de sortir de lui-même et de chercher ailleurs la source de l'acte créateur de chercher là où le particulier touche à l'universel, là où l'homme embrasse l'Univers. Il est facile de pallier ce désavantage en accusant avec soin les conclusions littéraires partielles formulées en cours de route, puis en les résumant dans un dernier chapitre en une conclusion littéraire générale.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Antoine Pevi de la Grange. Histoire littéraire de la France. V.1. – Paris: Imprimerie Nationale, 1973. – P.12.
2. Suéton G. Rhéteurs illustres. – Paris: C.I.F. Panckoucke, 1985. – P.127.
3. Beuve S. Tableau historique et critique de la poésie française et du théâtre français au XVI e siècle. V.2. – Paris, Ressouvenances, 1998. – P.52.
4. Beuve S. Portraits littéraires. V.3. – Paris: Nouvelle édition djvu, 1844. – P.201. Карим Баходир. Биографик метод / Рухият алифбоси. – Т.: Ф.Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Б.173-174.

RAISONS PRINCIPALES DE DIVERSITE LITTERAIRE

Akramov B. Q., BuxDU

Kalit so'zlari: Fransuz adabiyoti, adabiy xilma-xillik, ijtimoiy sinf, tarixiy lahzalar.

Ключевые слова: французской литературы, литературное разнообразие, социальный класс, исторический момент.

Keywords: French literature, literary diversity, social class, historical moment.

Annotatsiya: Ushbu maqolada fransuz adabiyoti asarlarida adabiy xilma-xillikning asosiy sabablari ochib berilgan.

Аннотация: Эта статья объясняет основные причины литературного разнообразия во французской литературе.

Resume: This article explains the main causes of literary diversity in French literature.

Trois principales influences diversifient le fond commun de l'esprit français dans les œuvres de la littérature française: la classe sociale, l'origine provinciale, le moment historique. Quand naît la littérature française, la société déjà n'est plus homogène: une première séparation y a créé deux mondes distincts, celui des clercs et celui des laïcs. L'importance du premier dans la vie nationale est mal représentée par la place qu'il occupe dans la littérature française, quoiqu'il lui ait fourni plusieurs de ses chefs-d'œuvre les plus considérables, et certains genres même, qui n'ont pas d'analogie dans les littératures anciennes, comme l'éloquence religieuse. Mais on conçoit sans peine que la société cléricale, en vertu du principe qui régit son activité et lui fixe son objet, ne fasse œuvre de littérature que par exception, ou par accident; elle a autre chose à faire en général, que de réaliser la beauté pour le plaisir de l'esprit.

La société laïque elle-même se distribue en étages divers. Il se fait d'abord une division des seigneurs et des vilains: l'aristocratie féodale, guerrière et brutale d'abord, se raffinant peu à peu, et se faisant un idéal plus délicat, sinon plus moral, à sa littérature qui l'exprime fidèlement. Les vilains ont une pauvre existence et des joies vulgaires comme leurs misères. Mais, au-dessus du peuple innombrable des vilains qui cultivent la terre féodale, apparaît de bonne heure, entre les murs de sa bonne ville, le bourgeois, laborieux et économe, gobeur et gausseur. Le vilain n'écrit guère, et l'on n'écrit guère pour lui: deux voix en somme font à travers les siècles le grand concert de la littérature française, celle de la bourgeoisie et celle de l'aristocratie, se répondant, se mêlant, se recouvrant en mille façons, toujours distinctes et reconnaissables à leur timbre singulier, qui ne s'efface même pas dans l'uniformité ecclésiastique.

Comme d'un étage à l'autre de la société se perçoivent certaines différences d'esprit, il en éclate d'autres, et les mêmes dans tous les étages, quand on passe d'une région à l'autre. De long en large comme de haut en bas, la variété apparaît. Cet esprit français dont j'ai essayé de marquer les principaux traits, est né comme la patrie, comme la langue, entre Loire et Meuse, dans ce que Michelet appelle les «plaines décolorées du centre»: presque aucune particularité n'en modifie la définition générale dans cet ancien duché de France, qui en donne comme l'exacte moyenne, dans ce Paris surtout, qui, comme la première des bonnes villes, doit à ses marchands, ses étudiants, et bientôt ses gens de palais, de paraître la propre et naturelle patrie de l'esprit bourgeois. Le long de ces provinces s'échelonnent, apportant une note plus originale, à mesure qu'elles sont plus excentriques, la Picardie ardente et subtile, l'ambitieuse et positive Normandie, hardie du bras et de la langue, le Poitou tenace, précis et délié, pays de gens qui voient et qui veulent, la molle et rieuse Touraine, enfin la terre des orateurs et des poètes, des imaginations fortes ou séductrices, l'« aimable et vineuse Bourgogne », d'où sont parties, à diverses époques, «les voix les plus retentissantes» de la France. Chacune de ces régions fournit sa part dans la littérature du moyen âge. La Normandie et la France propre s'appliquent à la rédaction des chansons de geste, comme la Bourgogne, qui vit longtemps à part, et se fait une épopée à elle. En Champagne fleurissent l'idéalisme romanesque et lyrique, et les mémoires personnels. Les bruyantes communes picardes se donnent la joie de la poésie dramatique. Paris fait tout, produit tout, profite de tout; bientôt tout y afflue. Rutebeuf, Jean de Meung quittent l'un sa Champagne et l'autre son Orléanais, et écrivent à Paris. Puis pendant des siècles, une à une, les provinces qui entreront dans l'unité nationale recevront la langue de France, et mêleront à son esprit leur génie original.

Au moyen âge l'inégalité sociale prime la diversité géographique. La civilisation est internationale; la division des populations verticalement, selon les classes, et non selon les nationalités. Un même esprit règne, par-dessus les frontières, chez les hommes de même condition, et la même littérature les enchante. Puis les littératures occidentales se feront plus nationales, en même temps que les œuvres deviendront plus individuelles, et bourgeois, nobles et clercs seront avant tout éminemment Français en France, Anglais en Angleterre et Allemands en Allemagne: souvent même la marque provinciale sera plus forte que l'empreinte de la condition sociale, et elle sera visible surtout chez les écrivains qui n'appartiennent pas aux pays de l'ancienne France et de langue d'oïl.

Enfin l'esprit français, de siècle en siècle, revêt des formes ou reçoit des éléments nouveaux. Le mouvement des idées, révolution de l'organisme social, le contact des races étrangères, et le spectacle de leurs idées, de leur organisation, de leurs arts aussi et de leur littérature, modifient sans cesse le génie national, et l'expression qu'il donne de lui-même dans les œuvres de ses écrivains. La littérature reflète, sinon toujours complètement, du moins assez fidèlement, la marche de la civilisation, et en dessine la courbe par son histoire. Ses formes même apparaissent, se développent, se dessèchent, et se dissolvent, selon leur rapport à l'état intime de la société ou du groupe de la société qu'il s'agit de manifester: en sorte que, par les genres mêmes qui prévalent, la littérature exprime toutes les modifications de l'esprit français.

Aux primitives et brutales ardeurs de la société féodale correspond l'épopée guerrière et chrétienne, à la délicatesse de ses mœurs adoucies une poésie romanesque ou lyrique. La décadence des principes qui avaient fait la force et la grandeur de rame féodale, les victoires de

l'intérêt sur l'honneur, de la ruse sur la force, de la sagesse pratique sur la folie idéaliste, l'infiltration de la science cléricale dans le monde laïque, moins sévèrement enfermé dans l'abstraction, moins étroitement contenu par l'orthodoxie théologique, l'essor du bon sens bourgeois et de la logique disputeuse, l'éveil de la curiosité, de la critique, du doute, et la diffusion d'un esprit grossièrement négatif et matérialiste, tout cela, dans ce XIV^e et ce XV^e siècle qui sont moins le moyen âge que la décomposition du moyen âge, fait naître et fleurir toute sorte de genres, narratifs, didactiques, satiriques, prose ou vers, contes, farces, allégories.

Le grand lien qui unit, le fort principe qui soutient malgré tout la société, jusqu'à l'âge moderne, la foi religieuse, provoque du XII^e au XVI^e siècle le riche épanouissement des compositions dramatiques. Il se fait au XVII^e siècle comme une conciliation ou plutôt un juste équilibre de la science et de la loi d'un côté, de l'autre de la science et de l'art : révélation et rationalisme, vérité et beauté, l'un ou l'autre de ces deux couples est la formule de presque tous les chefs-d'œuvre. Le rationalisme triomphe pendant le XVIII^e siècle aux dépens de la foi et de l'art, et, de la substance ou de la forme des œuvres littéraires, élimine tout ce qui n'est pas nécessairement facteur ou signe de la vérité dont il analyse les éléments ou poursuit la démonstration. Enfin au XIX^e siècle, après la reprise du sentiment religieux et du sens artistique qui produit l'explosion romantique, voici que jusqu'à une date très rapprochée de nous, l'esprit critique et expérimental devient le principal ressort de l'âme française, et se traduit littérairement par l'abondante floraison du roman et du théâtre réalistes, par l'étonnant développement de l'histoire et de la critique, par un effort enfin universel et sensible pour soumettre l'inspiration de l'écrivain aux lois de la méthode scientifique.

Je n'ai marqué que les grands traits : mais comme le passage est continu de l'âme française du X^e siècle à celle du XIX^e, il l'est aussi de la *Chanson de Roland* à *Francillon* ou *Bel Ami*, et les deux mouvements inséparablement liés se poursuivent avec pareille vitesse, dans des directions parallèles.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Алисова Т.П., Репина Т.А., Таривердиева М.А. «Введение в романскую филологию». М., 1983.
2. Wartburg W. « Evolution et structure de la langue française. Avec consideration speciale de la linguistique française ». Paris. 1976.
3. www.presse-francophonie.org

Ж. РАСИННИНГ “ФЕДРА” ТРАГЕДИЯСИДА АНТИК ДАВР АНЪАНАЛАРИ

Арзиқулова Х.А. – СамДЧТИ мустақил изланувчиси

Калит сўзлар: драматургия, классицизм, трагедия, сюжет, пьеса, антик давр, мабуда, худо.

Ключевые слова: драматургия, классицизм, трагедия, сюжет, пьеса, античная эпоха, богиня, бог.

Keywords: dramaturgy, classicism, tragedy, subject, piece, antique era, goddess, god.

Аннотация. Мақолада Ж. Расиннинг “Федра”си классицизм адабиётининг ёрқин намуналаридан бири деб тан олинганлиги ўрганилди. Трагедиянинг поэтикаси XVII асрда Францияда ҳуқумронлик қилаётган йўналишнинг эстетик принципларига амал қилиши ифодаланган.

Аннотация. В статье выясняется, что «Федра» Расина была признана одним из самых ярких примеров классической литературы. Изображено, что поэтика трагедии соответствует принципам направления, которая господствовала в XVII веке во Франции.

Annotation. The article reveals that the “Fedra” of Racine was recognized as one of the most striking examples of classical literature. It is depicted that the poetics of the tragedy correspond to the principles of the direction that prevailed in France in the XVII th century.

Буюк француз драматурги Жан Расин (1639-1699) нинг «Федра трагедияси биринчи марта 1677 йил 1 январда Бургунд отелида сахна юзини кўрган. Драматурга қарши бўлганлар томонидан бошларида пьеса етарлича баҳоланмади. Кейинчалик янги авлод томонидан “Федра” Ж.Расиннинг энг зўр трагедияларидан бири деб саналди. Ж. Расиннинг “Федра” трагедияси XVII аср француз драматургияси ноёб дурдонаси деб ҳисобланди. Ж. Расин ижоди тадқиқи дунёнинг кўп тилларида мавжуд, асосан француз тилида унинг ижодини турли аспектларда ўрганган. Бу бадий ижоддаги муаммоларнинг кенг камровлиги замонавий тадқиқотчиларнинг олдида ҳали ечимини топмаган саволлар борлигини кўрсатади.

Ж. Расиннинг илк ижодидаги “Фиваида ёки ака-ука душманлар (1664) ва “Буюк Александр” (1665) номли трагедиялари бежизга шоҳ асарлари қаторига кирмаган. Бундан ташқари бу ишлари унинг ижодидаги биринчи тажрибаларидан муаллифнинг кучли ва ўзига хослигини кўрсатади, унинг фикрича ўзига хос қизиқарли ва диққат билан ўқийдиган ўқувчи ундан кўп нарса олади. Бу йилларда Расин ўз ижод йулини қидираётган эди, драмалари тузилишининг ўзига хослиги, уни ижодда янги ўзининг алоҳида бадий йўлини яратиш имконини берди.

Бўлажак ижодкорнинг “Андромаха” ва “Федра” асарлари драматургни юксакликга кўтарилишига сабаб бўлди, буларнинг ҳаммаси унинг олдида мураккаб вазифаларни қўйди яни сюжет танлаш масаласи.

Бир қарашда даврнинг “эллинизми” ҳисобга олган ҳолда, у ўзига мураккабликни яқинлаштирмайди, антик давр ижодкорларидан сюжетларни олиш аъъанасини киритди. Унинг олдида турган савол улар кўп бўлса, уларнинг қайси бирини танлаш керак қайси биридан олиш керак, қадимийлардан қайси бирига таяниш мумкин (улар эса кўп) ва қандай бугунги кун сахнасига мослаштириш керак, уларнинг сўзлари манбалардагилари билан аниқ боғлиқлиги ва уни замонавийси билан алмаштириш муаммоси турар эди. Бу маънода биринчи трагедияси учун танлаган сюжети ниҳоятда эътиборли.

Расиннинг “Федра”си классицизм адабиётининг ёрқин наъмуналаридан бири деб тан олинган. Трагедиянинг поэтикаси XVII асрда Францияда ҳукумронлик қилаётган ушбу йўналишнинг эстетик принципларига қатий боғлиқ. Давр тенденциясини 1688 йилда Ж. Лабрюйер шундай ифодалайди: “Ижодда мукамалликка эришиш учун ва /./ қадимийси афзал, ишни уларнинг қадрини ошириш билан бошлаш зарур” [2, 53]. “Таклиддан, таклидга” назариясига амал қилган, шулардан келиб чиққан ҳолда бир қанча ёзувчилар ўз ижодларида намуна сифатида антик адабиётга таянди. Шу сабабли ўша давр ижодида ушбу йўналишнинг кенг қўлланилганлиги кузатилади.

Расин ва билимдонлар доираси хато қилмаган эди. Вақт ҳаммасини аста-секин ўз жойига қўйиб қўйди. Авлодлар бу трагедиянинг ҳақиқатини кўра олди ва Расиннинг юксак даражада доҳо эканлигини англади. “Федра” да трагедиянинг алоҳида ажратиб турадиган чуқур нафаси бор, яна ҳайратланарлиси шундаки Расинда озодликни ифодалашнинг бенуқсон шакли мавжуд.

Сюжет бўлган Еврипидда ҳам Сенекада ҳам боғлиқлик мавжуд. Аммо эътиболиси шундаки, пьеса қадимийсидан расинчасига номлашда фарқланади бири “Тождли Ипполит” бошқаси “Ипполит” иккаласининг ҳам воқеалар ривожини марказида ёш садокатли Артемид гавдаланади.

Грек фожиаларига солиштирилса Расин Федрани Афродита (Венера)нинг ўрнида қиёсий планда қўллайди. Афродита сахнада пайдо бўлади ва қасдан жазолаш мақсадида Ипполитни мабудани менсимасликда айблайди. Федра ўзини ўзи ўлдира туриб (Еврипидда тан олиш сахнаси йўқ) қўлига Ипполитни уни зўрлашда айблаб ёзган хатни (тахтачани) боғлаб олади. Ғажиб ташламоқчи бўлган махлуқ Тезейнинг ўғли сахнада ўлади ва Артемид уни кундошидан қутқара олмайди, томошабинлар кўз ўнгида ўлим ҳақлигини ғазабланган мабудани, қаҳрамоннинг ўлимини кўрсатади. Шундай қилиб икки мабуданинг қарама-қаршилиқлар асосида грек шоирларнинг фожиавий боланмаси олдида Расиннинг трагедия борсида тажрибаси мутахассис сифатида камлигини эслатади.

Расининг 13та квинтетида трагедия протаголистларини ташкил этишда бош қахрамонлари асосий роль ўйнайди. Федрани нобут қилган на Ипполит қутилиб бўлмайдиган кўркүвга ғарқ бўлган, на Тезей ўлимигача хотини ҳисобланган, на ёш малика Арцин Ипполитни севиб қолган, на Федранинг садоқатли боқувчиси унга ҳамма сирларини ишонувчи Энона, гарчи уларнинг ҳар бири –аниқ тасвирлаб берилган образлар, характерлар, шунча психологик эътиборни қалбига жойлаган, шундай яшовчанлик ва бутунлай ишонч Федрада қандай бўлса шундай. Федра – якка ижрочи, бутун бир ансамбль қатнашчиларини ўзига эргаштирадиган. Билишимизча уларнинг ҳар бирининг алоҳида “овози” ва “музиқаси” мавжуд трагедия улардан ажойиб бирликни ташкил қилади, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро тобелиги охиригача боғлиқликда давом этади, ўз навбатида жаранглаётган бошқа “товуш”лар орасидан Федраники “мавзуни” камраб олувчи импульсни пайдо қилади. Шунинг учун бизнинг таҳлилимизда бу образлар муҳим ўрин эгаллайди.

Расин драмаларинг яна бир ўзига хослиги: инсоний ва космик бошланмаларни ўзига бириктиради. Бундай чуқур психологизм қадимги афсоналарда тасвирланган, булар фақатгина Еврипидни эмас жуда қадимий грек архаиклари катламларини эслашга ундайди. Айтиш мумкинки “Андромаха” ёки “Ифигения” дан фарқли бу ерда Тъери Монъенинг ифодалашича “трагик афсоналар бутун борича қабул қилинган, унинг одамлари анъаналари бош ва аждарлар, денгиз гирдобига ғарқ бўлиши...” [4, 26].

Трагедия қахрамонларининг йўли аниқ равшан икки қисмга бўлинади. Биринчи бўлакнинг асосий бўинган бўлақдан баъзи бошланғич мазмунни ажратиб олган; иккинчиси – бунинг бошланишига қайтиб келган: Федра –Тезейнинг хотини, Ипполит – Тезейнинг ўғли, Федранинг Ипполитдан кўркиши яширинча; буларнинг ўртасида фақатгина бу фақатгина эр-хотинлик ишончининг бузилиши эмас, бу “ярамас” одатлар одамлар ва худолар қонунларини бузилишидир.

Расин персонажлари севгиси олдида иродасиздир. У севги олдидаги ҳамма тақиқларни четга суриб қўяди, баъзан ўзини чеклайди; у севмасдан тура олмайди, - лекин у ўлиши мумкин.

Трагедия қахрамонлари босиб ўтадиган йўл, ўз-ўзидан ушлаб турувчи тугинлар ечилиши, ўлимдан ўлимгача бўлган йўл бўлиши мумкин. Федра сахнада шундай вақтда пайдо бўладиги у шайтонга айланишга тайёр, уни борлиқдан ажратувчи, у маълум бир вақт оралиғида тухташи, кўёшдан узур сўрашгагина; охири марта ва у V актда вафот этади. Мана шу икки нукта оралғида бутун йўлини ва драмадаги воқеаларни босиб ўтади.

Федранинг “хато” си қолган бутун “хато”ларини орқасидан эргаштириши, ўзини ўлимга маҳкум қилиши ва тирик қолиши билан тугалланади. Бу “хато”ларсиз тагедия ҳам бўлмаган бўлар эди. У ҳаётга қайта туриб трагедияга киради; ҳаётдан кета туриб, у ундан кетмайди. Федранинг ўлими – ер юзидаги йўлини тугаши, ҳамда унинг инсоний драмасининг тугаши бу тула-тўқис трагедия.

Федра ҳаётини давом эттириб учта “хато”га йўл қўяди, бу эса унинг трагик айбларини чуқурлаштиради. Драматургия жихатдан бу шундай ифодаланади: қахрамон уч марта Энона билан бўлган сахнада жимликни бузади (I, 3), Ипполит билан (II, 5), Тезей билан (III, 4) актларда. Булар трагедиянинг калит сахналари. Булар билан биз диққатни бир жойга жамлаймиз.

Dieux! que ne suis-je assise à l'ombre des forêts!
Quand pourrai-je, au travers d'une noble poussière,
Suivre de l'œil in char fuyant dans la carrière? (I, 3)

Бу ерда Федра жуда майда микроскоп билан кўриш даражасидаги хатога йўл қўяди.

Бундай эпизодлар жаҳон драматургиясида уча кўп учрамайди, жуда аниқлик билан киёсласа бўладиган ва Ипполит ва Федрани (II, 5) боғлаб турадиган даражада

чуқур психологизмга эга бўлган. Трагедияга доир тушунмовчиликлардан кўра, драматик ҳолатлар жуда ўткир. Малика болаларга гапиришга келади. Тезейнинг ўлими унинг олдида янги ташвиш ва мажбуриятларни кўяди. Учрашувнинг сабаби тўлиқ расмий эди. Федра шундай ўйлайди. Энонага худди мактаб ўқувчиси биринчи марта лўқма ташлаётганда айтиб тургандек аниқ кўриниб турганди, худди ўзини давлат олдидаги мажбуриятларини бажараётгандек тутиши ўз-ўзини алдаш эди, худди севган кишининг ўлимини кўриб турганидек.

Адабиётлар

1. Кадышев В.С. Расин. Москва, «Наука», 1990. С. 274.
2. Литературные манифесты западноевропейских романтиков. М., 1980.
3. Dedeyan Ch. Racine et sa Phedre. P., 1965.
4. Maunier Th. Lecture de Phèdre. P., 1967. P. 26.

ГЕРБЕРТ УЭЛЛС АСАРЛАРИДА ИНСОН ТАМОЙИЛИ

Атамуродова Ф. Т. – ҚарДУ мустақил тадқиқотчиси

Калит сўзлар: реализм, модернизм, тенденция, фантастика, инсон, роман, унсур, ҳаёт, шахс.

Ключевые слова: реализм, модернизм, тенденция, фантастика, человек, роман, жизнь, элемент, личность

Key words: realism, modernism, tendency, fantasy, human, novel, life, person

Аннотация: мақолада инглиз адабиётининг таниқли ёзувчиси Герберт Уэлс ижодига назар солиниб, асарларида инсониятга қаратилган алоҳида эътибор ҳақида сўз боради

Аннотация: данная статья освещает творчество великого английского писателя Герберта Уэллса и особый внимание человечеству в работах писателя

Annotation: this article looks through the creative career of a well-known English writer Herbert Wells and discusses the special attention to the humanity in his works

Уэллс яратган асарлар шаклларида турли хиллиги ўтган ўн йилликларнинг ижтимоий реалистик романи анъаналарига олам ва инсонни илмий таҳлил тамойиллари билан боғлайди. Уэллс инглиз романини долзарб масалалар билан бойитди, гоё ва ақлни асосий ҳаракатлантирувчи кучларга айлантди. Роман жанри тадрижий ривож ва характер муамосини ҳал этишнинг ўзига хошлиги унинг ижодий изланишлари мазмунини ва йўналишларини акс эттиради. Уэллснинг кўплаб асарлари даврнинг муҳим бадиий ҳужжатлари бўлди. Унинг урушга қарши ёзилган “Мистер Бритлинг қадаҳни охиригача сипқоради” (1916) романи шундай асарлар сирасидан бўлиб, биринчи жаҳон уруши ҳақида бошқа кўплаб инглиз романларининг юзага келишини бошлаб берди; “Россия чанг-тўзон ичида” (1920) китобида ислохотчилик йўлидаги адашишлар билан бир қаторда Россияда мустабид ҳокимиятнинг заволи топиши қонуний ва муқаррарлиги ҳақидаги фикрга урғу берилди; 30-йиллардаги фашизмга қарши ёзилган асарлар “Жаноб Парэмнинг ҳукмдорлиги”, 1930; ҳажвий-аллегорик оҳангдаги “Крокет ўйинчиси” повести, 1936; “Истиқбол қиёфаси” киносценарийси, 1935; ҳажвий-биографик “Эҳтиёт шарт” романи шулар сифатидан.

Уэллснинг урушдан кейинги даврда ёзган асарлари орасида “Таржимаи ҳол тажрибаси” жиддий қизиқиш туғдиради. Бу китобнинг аҳамияти биографияга оид маълумотларга бойлиги билан чекланмайди. Унда инглиз зиёлиларининг асарлар ўртасидаги дунёқараши ва фикр-ўйларининг муҳим жиҳатлари акс этган. Шунингдек, Уэллснинг ўзи таржимаи ҳолини ҳозирги замон романининг бир тури, деб атаган. Ушбу таъкид диққат-эътиборга молик. Уэллс бизнинг кунларимиздаги роман ривожининг етакчи тенденцияси унинг роман-биографияга эврилишидан иборат, унда ҳужжатлилик бадиий ҳикоя қилиш унсурлари билан қўшилиб кетади, деб таъкидлаган. Шу муносабат билан “Таржимаи ҳол

тажрибаси”да Уэллснинг янги давр романи ўзи хос хусусиятларига ўз қарашларини ва ўзининг инсон концепциясини қай тарзда уйғунлаштириб ривожлантирганини, шунингдек, у ўзини қандай тасвирлаганини кузатиш мароқли, чунки ушбу ҳолатда “Таржимаи ҳол тажрибаси” бизнинг кўз ўнгимизда Герберт Уэллс фақат ёзувчи сифатидагина эмас, ҳақиқатдан муайян типдаги романнинг қаҳрамонидек гавдаланади.

“Таржимаи ҳол тажрибаси”нинг кириш бобида Уэллс ўзининг замондошлари учун зарур бўлган инсоний фазилатлар ҳақида ёзади. Ушбу фазилатлар қаторида у, аввало, ҳаётга фаол муносабатда бўлишни ва ўзгаришлар қилишга интилиш кераклигини таъкидлайди. У ҳар бир онгли инсон ҳаётини ҳаракатчан, фаол олиб бориши, маиший мазмундаги кундалик ташвишлар ва ўта шахсий руҳий кечинмалар билан ўралашиб қолмаслиги кераклиги, акс ҳолда бундай мавжудлик замонавий инсон учун таназулни англатиши ҳақида ёзади. “Қачондир тўлақонли ҳаётдан иборат бўлган мавжудлик асосан ҳаётнинг шунчаки соясига айланиб қолди. Энди одамлар беш юз йил олдин нималар ғайриоддий туюлгани ҳақида сўраши мумкин. Улар: “Ҳа сен тирикчилик учун ишлаб пул топасан, оилангни боқасан, севасан, нафратланасан, хўш, кейин-чи?” [3:2] деб сўрайди. Айнан шу саволни Уэллс ўз замондошлари олдига қўяди. Мавжуд ҳаёт танқидини у келажакка интилиш билан боғлайди. “Мен кўрсатган инсон ҳаёти, уни биз қандай тушунамиз, бу ўша ҳаёт учун яроқли бўлиши мумкин бўлган, атиги хом ашё”. Уэллс шундай муҳим хулосага келади: одамларнинг бахти уларнинг ўзига, уларнинг куч-қувватига, уларнинг хоҳиш-истагига ва унга эришиш учун тайёр эканликларига боғлиқ. Уэллс бу фикрни ривожлантирмайди, бироқ уни жуда аниқ ифодалайди. Бунда муҳими ҳаракатга даъват.

Уэллс ўзининг таржимаи ҳолини, ҳозирги замон кишиси ҳақидаги ҳикоясини шахснинг муҳит билан алоқасининг теран психологик таҳлилига қуради. Уни ҳаракатдаги, ривожланиш жараёнидаги одам қизиқтиради. “Таржимаи ҳол тажрибаси” “ақл ва олам” ҳақидаги ҳикояга айланади. Уэллс ижтимоий реалистик роман аъёналарига содиқ, у модернистларга хос бўлган одамни ижтимоий муҳитдан ажратишга қатъий қарши курашади. Уэллс буржуазия жамиятда одамлар онгига сингиб кетган индивидуализм хавфининг туб моҳиятини тушунади. Тарқоқлик ва ёлғизликнинг сабабларини у шунда кўради. Уэллс шахсий кечинмаларни ҳаддан ташқари бўрттиришга ва одамнинг ўз “Мен”ини ортиқ баҳолашга олиб келадиган субъективизмнинг хавф-хатари ҳақида ёзади. Бундай мазмундаги фикр-мулоҳазалар Уэллснинг романи долзарб ҳаётий муаммолар билан бойитишга интилгани билан боғлиқ. Бу муаммоларга бефарқ қарашни, унинг фикрича, маҳорат ва шаклнинг ўзига хослиги билан оқлаб бўлмайди.

Уэллс ўзининг бош мақсадини одамларга яшаш шароитини яхшилашда ёрдам беришида, деб билди. Бу ҳақда у ўзининг “Замонавий роман” (1911) номли эстетик манифестида ёзди. Романныннинг энг муҳим вазифаси замондош шахсини ҳаққоний ва ҳар томонлама тасвирлашдан, унинг характери структурасини таҳлил этишдан иборат. Уэллс ижодида шахс масаласи талқинлари унинг: “Биринчи русча тўпланган асарларга сўзбоши” (“Шиповник” нашриёти) (1908); Жорж Майкнинг “Жорж Мийк — сувда санитар” (1910) китобига сўзбоши; “Етти машҳур романлар” (1934); “Честертон ва Беллок ҳақида” (1914) мақолаларида муҳим аҳамият касб этади.

Илмий-фантастик романлар ва социологик этюдлар яратишга у ҳозирги замон одами ҳақида романлар яратиш йўлидаги зарур босқич сифатида қарайди. “У ёки бу шахслар ҳаётини баён этишдан олдин менга ўзим учун, дейлик, ўзимнинг шахсий ибратим учун, биз худди сувдаги балиқдай, ўзимиз сузиб юрган ижтимоий ҳаёт шароитини ўрганишимга тўғри келади” [1:297 — 298]. “Башорат” (1901) ва “Замонавий утопия” (1905) шу тариқа юзага келди. Уларда Уэллс оламни “қандайдир ривожланаётган тизим” сифатида кўришга интилди; унинг келажagini билишни ва унда инсоннинг ўрнини белгилашни истади. У ўзининг илмий-фантастик романларида инсон ақл-идрокиннинг чексиз имкониятлари ҳақида ёзди. Уни илмий кашфиётлар ва ихтироларнинг оқибатига доир муаммолар қизиқтирди. Бироқ ўзининг бу тарздаги фаолиятига Уэллс фақат ҳозирги замон ҳаёти ҳақида реалистик роман яратишнинг бир босқичи сифатида қаради. “Умид қиламанки, —

деб ёзди у 1908 йилда, — барча тайёргарликлардан сўнг ниҳоят маиший мавзуда романлар ёзиш учун қадалиб ўтирсам ва бу ишга кўп йиллар берилсам”. “Менга реал ҳаёт тобора фантастик ва ёрқин туюлмоқда”, дейди Уэллс. Йиллар ўтиши билан уни алоҳида шахсларнинг “индивидуал кечинмалари” кўпроқ қизиқтиради. Фантастик унсурлар унинг романларида тобора кам ўрин эгаллайди, унинг ҳикоя қилиш тарзи ҳам ўзгаради.

Уэллс романларида инсон ҳар доим катта олам билан боғланган. Ижодий фаолиятнинг турли босқичларида ёзувчи бу оламнинг турли жиҳатларига урғу беради. Турли йилларда ёзган илмий фантастик асарларида ғайриоддийлик унсурлари кучли намоён бўлган. Уэллс бадиий иллюзия сирларини эгаллаган. У китобхон диққатини ҳаёлий талқинларга тортади ва уни ҳаёлотга мажбур этади. Ўзининг ижодий изланишларини фан асос солган йўлда олиб боргани учун ҳам бунга эришади. Бироқ “Вақт машинаси”да ҳам, “Оламлар уруши” ва “Кўринмас одам”да ҳам Уэллс ўзининг ҳикоя услубини “реал ва инсоний” қилишга интилади. Уэллс инсон ва ҳаётни идеаллаштирмайди, бироқ уларнинг такомиллашувига ишонади, уларни ҳаракатда ва ўзгаришда кузатади. Одам уйғонади ва келажак сари ўз йўлини тайин этади. Ҳали унинг олдида миллионлаб тарқоқ индивидларни бир яхлит инсоний жамоага бирлаштиришдек улкан ишни амалга ошириш вазифаси турибди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Уэллс Г. Собр. соч. в 15-ти т., М., 1964, т. 14, сс. 297 — 298.
2. Михальская Н.П. Некоторые вопросы теории романа в ранних статьях и переписке Герберта Уэллса.// В сб.: Эстетические позиции и творческий метод писателя. М., 1972.
3. Wells H.G. Experiment in Autobiography. N.Y., 1934, p. 422.

SADRIDDIN AYNİY – ZULLISONAYN ADIB

*Axmedova R., BuxDU
Ikromova H., BuxDU, talaba*

Ключевые слова: читатель, работа, образование, сравнительный, художественная литература, традиция

Key words: reader, work, education, comparative, fiction, tradition.

Аннотация. В этой статье два экземпляра “Воспоминания” (на узбекском и таджикском языке) посвящены сравнительному анализу

Annotation. Two copies of the “Reminiscences” (Uzbek and Tajik) are devoted to the comparative analysis.

Ustod Ayniy faoliyatida zullisonaynlik an’anasini o’ziga xos adabiy hodisa sifatida kuzatiladi. Adib bir asarini avval tojik tilida yaratgan bo’lsa, boshqasini birinchi o’zbek kitobxonlariga taqdim etdi. Jumladan, “Esdaliklar” ini esa dastlab tojik kitobxonini hukmiga havola qilgan. Mazkur shoh asarining ikki jildigina o’zbek

tilida yaratilishga ulgurdi, xolos. Garchand bir asar har ikki tilda ham Ayniy qalami bilan bunyod qilingan bo’lsa-da, ularni bir narsa sifatida qabul qilish yoxud shunday bo’lishini kutish mutlaqo to’g’ri emas. Chunki ularda kattami, kichikmi tavofutlarning bo’lishi tabiiydir. Jumladan, “Esdaliklar” ning tojik tilidagi nashri quyidagi bag’ishlov to’rtligi bilan boshlanadi, ammo uning o’zbekcha nusxasida eslatilgan she’riy parcha ko’zga tashlanmaydi.

In xona zi g’ishti qo’hna andoxtam,
Dar vay jashne raftagon soxtaam.
To ahli zamoni mo bidonand, ki man,
Yak umri javon ba chi rah, boxtam.

Bu xonani (ya’ni, “Esdaliklar” binosini men moziy voqea-hodisalaridan) men ko’hna g’ishtdan yasadim. Unda men ketganlar (vafot etganlar, marhumlar) uchun bir to’y (jashn, bazn) barpo qildim. Bizning zamonamiz odamlari bilsinlarki, men yoshlik umrimni nimalarga sarf

etganman. “Esdaliklar” ni xonaga qiyoslash, uning ko’hna g’ishtdan bunyod etilishiga doir ishoralar o’sha yo’lda xizmat qilgan. Ikkinchi misradagi “jashn” (to’y, bayram) ham ko’chma ma’noda kelayotir. Mazkur shoh asarda dunyodan bemurod ketgan, umr guki bemavrid xazon bo’lgan yuzlar insonlar haqida gap boradi. Aniqrog’i, “Esdaliklar” ularning porloq xotirasiga qo’yilgan muqaddas va bezavol yodgorlikdir. Birgina ana o’sha “jashn” so’zi tafakkur rishtalarini keng mushohada maydoniga yetaklaydi. Keying ikki satrda asarni yozishdan kuzatilgan tayanch maqsad o’zining badiiy ifodasini topadi. “Esdaliklar” ning birinchi qismida ham ayrim tavofutli jihatlar nazarga tashlanadi. Jumladan, asarning o’zbekcha nashri “Qishloqda” umumiy sarlavhasi bilan ibtido topib, ikki jumalalik “Kirish” da davom etadi va “To’y” tasviriga doir voqeahodisalarning badiiy tavsilotlari boshlanib ketadi. Tojik tilidagi nuxsaning ayni sahifalari “Daromadi suxan” qismi bilan ibtido topadi va ayni jumlarlar asar ekspozitsiyasi (kitobxonlarni voqea sodir bo’ladigan joy va odamlar bilan tanishtirish) vazifasini o’taydi. Unda adib Sokter va Mahallai Bolo qishloqlari haqida ancha keng mulohaza yuritadi. Undan keyin otasi Saidmurodxo’janing Zevaroyiga uylanishi tafsilotlari bobosi Sayid Umarxo’jaga doir ma’lumotlar beriladi. Ayniyning o’sha qaydlaridan ayyonlashadiki, oilaning turmush tarzi halol mehnat ustiga qurilgan. Hunar tirikchilikning asosiy tayanch manbayi hisoblangan. Asar muallifi bu borada quyidagilarni yozib qoldirgan:”Dere naguzashtaast, ki avval modari padaram va ba’d az du sol padarash vafot kardaand. Ammo padaram ba’d az sari onho ham istiqomati dujoyagi ro tark nakardast – tobiston dar Sokter ba dehqoni va bofandagi mashg’uli namuda ast va dar zimiston dar Mahallayi Bolo ba charxiosiyotaroshi va bofandagi. Bofandagi padaram faqat baroyi va ko’rpa bolishi xonavoda buda, charxiosiyotaroshiash baroi furo’sh bud.” (Ozgina vaqt o’tib otamning avval onasi va ikki yildan keyin otasi vafot qildi. Ammo otam ularning vafotidan keyin ham ikki joyda yashashini tark qilmadi – yozda Sokterda dehqonchilik va to’quvchilik bilan, qishda Mahallayi Boloda osiyo toshini (untegirmoni) terish (“tishchalar” chiqarish) va to’quvchilik bilan shug’ullanar edi. Otamning to’quvchiligi faqat kiyim-bosh, ko’rpa-to’shak uchun bo’lsa, osiyo toshini terish va sotishga mo’ljallangan edi. (Sadridin Ayniy, Yoddoshtho. Jildi yako’m. Dushanbe, “Adib”- 1990, sahifai 13.)

Ustod Ayniy dunyoga kelib voyaga yetgan xonadon ma’rifatga tashnalligi bilan ham diqqatni tortgan. Shunday ruh ayniqsa, Saidmurodxo’janing qismatida bag’oyat baland edi. “Esdaliklar”ning juda ko’p sahifalarida bu haqida talay ishoralar bor. Saidmurodxo’janing orzularidan yana biri zamonasining savodli, ma’rifatli insoni (zinhor, mullo yoki imom emas) bo’lishdan iborat edi. U o’sha ezgu niyat istiqbolini Sadridinxo’jada ko’rgani uchun ham uning tarbiyasiga jiddiy e’tibor qaratadi. Unga so’nggi vasiyati ham shu haqida bo’lgan...

Ustozim R. Vohidov ilmiy tadqiqotim bilan bog’liq bir suhbatda shunday degan edilar: “Ustod Ayniyday zabardast so’z san’atkorining To’tpohoni ilk ustoz sifatida e’tirof qilishi biz bilgan va bilamagan mangu barhayot haykaldir.

Yillar o’tadi, “Esdaliklar” talabchan o’quvchilarning yangi avlodi qo’liga tushadi, ular Ayniyning yorqin bitiklari orqali To’taposh hikoyalaridan zavq oladilar va shunday ulug’ insonning zabardast adib tomonidan ustoz maqomida e’girof qilinganidan hayratga tushib, mudhish zamona to’fonlari oqibatida dunyodan ro’shnolik ko’rmay ketgan bu mo’tabar onaxonning muborak nomini duoyi xayr bilan tilga oladilar.”

“Esdaliklar” nusxalarida biz yo’l-yo’lakay e’tirof qilgan tavofutlarning yana ko’plab uchrashi tabiiy holder. Ularni jiddiy, qiyosiy o’rganish esa o’zbek-u tojik adabiyotshunoslari oldida turgan muqaddas vazifadir. “Esdaliklar”da ko’zga tashlanadigan bunday farqli jihatlar esa izohlarga ega. Ma’lumki, mazkur shoh nasriy asar ustidagi ijodiy ishni Ayniy yetmishdan oshgan, uning jismida xastaliklar oqibatida ish qobiliyati tobora kamaya borgan bir vaziyatda boshlagan edi. Bu gap ko’proq asarning o’zbek tilidagi nusxasiga tegishlidirki, biz tilga olgan ayrim jihatlar, ehtimol ana o’sha omillarga ham aloqadordir.

РАЗГРАНИЧЕНИЕ ПОНЯТИЙ «ДИСКУРС» И «ТЕКСТ»

Бахронова Д.К., доцент Академии ВС РУ

Турамуратова И.И., старший преподаватель УзГУМЯ

Жанр поэтического дискурса обладает как базовыми, так и специфическими признаками с накладывающимися, дополнительными правилами. Определив данные признаки, мы тем самым сможем выявить и обозначить особенности функционирования в его сфере метафоры.

The literary language has been viewed in terms of the linguistic code at level L1, and a communicative code at the level L2, and at level L3a it is seen in the light of the artistic code. The third level is a level of higher significations. It is arrived at after successive retroactive readings. The inter-textual elements, in their transmitted form also add to the significance at this level.

Literally, the poem presents the observations and the evoked memories of the *poem I* as he walks through the streets of a city at night before reaching his lodgings or hotel in the early hours of the morning. The agonizing journey through the city in this poem is analogous to the journey through hell in Dante Alighieri's *Divine Comedy*.

The title of the poem - 'Rhapsody on a Windy Night' - is significant for it gives a unique relevance to the different elements in the poem. The term 'rhapsody' is used in music to denote an emotional, irregular music. The reading cannot be ruled out that it metaphorically intends to suggest that the structure of the poem is 'musical' rather than logical or narrative. That is why the images are just presented in succession, and their logic has to be worked out through contextual readings. In a general sense, the term 'rhapsody' can also be used for any enthusiastic inspired or high-flown artistic composition. Used in this latter sense the term is ironical, since the poem is the very opposite of a rhapsodic composition. This reading is supported by Eliot's similar use of irony in the titles of some early poems published around the same time as the 'Rhapsody on a Windy Night'. For example, 'The Love song of J. Alfred prufrock' is very different from the usual kind of a romantic love song, and similarly, 'Preludes' (literally, a short romantic musical composition) deals with very unromantic sordid city scenes. The word 'windy' in the title is also ironical. A wind or breeze is traditionally associated with poetic inspiration or spiritual revival, as in Shelley's 'Ode to the West Wind', but the wind in the poem under analysis brings no inspiration or renewal of the spirit. It is, nonetheless, a part of the background of the rhapsody, for it not only creates the sputtering sounds in the lamps but also replicates the aimless wandering of the *poem I*.

Stanza 1 delineates the kind of 'rhapsody' that is attempted to be presented. The expression *lunar synthesis* can mean, either that the street is seen (held) in moonlight, or, that the moon synthesizes, brings together, perceived and remembered objects in a manner very different from that of ordinary rational thought. Traditionally, the moon is associated not only with mystery and madness but with poetic imagination as well. The metaphor *whispering lunar incantations* is expressive of magical spell being cast either by the moon herself or by nature under her influence. Under this spell, memory is emancipated from all sense of temporal sequences or rational order. The different levels of the mind, being compared to the different floors of a house, are 'dissolved', thus leaving the memory as a vast storehouse that throws up isolated objects into consciousness. Traditionally, the Greeks considered memory to be the mother of the Muses, i.e., the source of artistic creation. But here the memory has no such elevated role, it is merely a storehouse of isolated, useless objects and events. If the objects are dead (like the dead geranium) the perceiving subject is like a madman. The 'rhapsody', thus, is mental. With the lampposts beating like 'fatalistic drums', the images of the past and present begin to converge in the *poem I* and to trouble him.

The 'rhapsody' in the poem is a mental one where its distinct images comprise the 'musical notes'. Music lies in the rhythm of the content that dominates the semantic structure of the poem. Each image succeeds the other as the notes in a musical piece.

5.0 Analysis at the level of the Aesthetic symbol (L3b)

The crucial distinction for our purposes between the art object and the aesthetic object is that while the former is an objective entity the latter is a subjectively concretized object. At level

L3a the work of art remains a *potential*, a type, which can have different tokens, i.e., be realized in different ways by the different readers of the poem.

Broadly, there have been two types of responses to this poem (a) the ones unappreciative of the poem, and (b) the ones appreciative of the poem.

The most unappreciative of the critics has been Sparrow (1973) who believes that no canon of intelligibility has guided the selection, and no single structure of thought emerges in the poem and hence he finds no meaning in the poem. What Sparrow in his analysis is not dealing with how and what effects a poem produces on the reader. Such critics who have not been appreciative of the poem and have, in fact, not been able to find what probably they were looking for, hence the poem appeared to be meaningless.

Critics, who were appreciative of the poem, were able to decipher the code of the poem. Some of them viewed it in terms of the dominant influence of Bergson. The dominant factor here being, according to Bergson's theory, that the dissolution of orderly thought into an irrational almost surrealistic collage of discontinuous mental impressions obeys the laws of instinctive consciousness. Most critics conform to this view and try to explain the lack of logical progression in terms of Bergsonian mode of perception. Thus, a particular kind of world view can colour aesthetic reception.

Finally, some samples of published opinion (aesthetic concretions) are as follows:

(a) Conrad Aiken (1917, in Grant (ed) 1982: 81) views in the poem "the piquant and the trivial in about equal measures".

(b) F.R. Leavis (1932, in Southam (ed) 1978: 121) is of the opinion that "Rhapsody' develops the imagery of urban disillusionment."

(c) Smith, G. (1956), in the light of Bergson's philosophy, views in the poem a simultaneous existence of past and present, both presenting equally abhorrent, useless images of life.

(d) Rosenthal (1960:7) considers the poem as "a sick version of life."

(e) Gordon (1977: 41), finds in the 'Rhapsody' an evocation of a mood and a state of mind: "the poet's almost painful sensitivity to his impressions of the deserted, vaguely sinister streets of Paris after midnight."

(f) Gray (1982: 44) realizes that "There is ... nothing rhapsodic about these lyrics as they develop the ironic and highly unromantic vision of nocturnal existence. The narrating I perceives a world of moonlight refracted by rubbish which seems to push the lyrical rhapsodic I towards the dimensions of insanity".

The above 'realizations' of the poem may be taken to be the different tokens manifested of the same type, the invariant, the poem that exists as a 'potential'. The text is concretized by the reader depending upon his/her orientation or world-view. Most critics have not only recognized the intertextual elements used by Eliot but have themselves used the inter-textual capacity of the reader (in the present case, say Bergson's philosophy in order to evaluate the poem. The uselessness and futility of both present and past experiences may be treated as the invariant, aspect of the poem for it is common to all interpretations. Also underlying all interpretations is a recognition of a kind of dualism ('The piquant and the trivial' of Aiken and the 'simultaneous existence of past and present' of Smith. There upon personal orientations color the realizations of the world of the poem - these being Leavis's 'urban disillusionment', Smith's 'equally abhorrent, useless images of life', Rosenthal's 'sick version of life', Gordon's 'almost painful sensitivity to the impressions of the deserted, vaguely sinister streets of Paris after midnight', and Gray's 'ironic and highly unromantic vision of nocturnal existence ... a world of repellant womanhood, a world of rubbish.' All these realizations are linked to the sense of decadence, ennui and uselessness in the poem. Interestingly, Gordon's realization is based on a biographical interpretation of the poem, that is why he calls the urban metropolis of the poem as Paris. Nonetheless, what for one is 'disillusion', is for the others 'abhorrence', 'sick version', 'painful sensitivity' and an 'ironic and highly unromantic vision, respectively.

References

1. Barthes, R (1967): *Elements of Semiology*. London: Jonathan Cape. Carter, R. ed. 1982: *Language and Literature: An Introductory Reader in Stylistics*. London: George Allen & Unwin.
2. Bradford, R. 1997. *Stylistics*. New York: Routledge.
3. Gargesh, R (1990): *Linguistic Perspective of Literary Style*. Delhi: Publication Division, University of Delhi.
4. Grant, M. ed. 1982. *T. S. Eliot: The Critical Heritage*. London: Routledge & Kegan Paul.
5. Gray, P. 1982. *T. S. Eliot's Intellectual and Poetic Development*. Brighton: Harvester.
6. Gordon, L. 1977. *Eliot's Early Years*. Oxford University Press.
7. Havranek, B. 1932. 'The functional differentiation of the language'. In P. Garvin (ed.) 1964. *A Prague School Reader in Aesthetics, Literary Structure and Style.*, Washington D. C.: Georgetown University Press. Pp. 3-16.
8. Jeffries, L. & McIntyre, D. 2010. *Stylistics*. Cambridge University Press.
9. Leech, G. 1969: *A Linguistic Guide to English Poetry*. London: Longman
10. Mukarovsky, J 1932. 'Standard Language and poetic language'. In P. Garvin (ed.) 1964. *A Prague School Reader in Aesthetics, Literary Structure and Style.*, Washington D. C.: Georgetown University Press. Pp. 17-30.
11. Rosenthal, M.L. 1975. *The Modern Poets: A Critical Introduction*. Chicago University Press.
12. Smith, G. C. 1956. *T. S. Eliot's Poetry and Plays: A Study in Sources and Meaning*. Chicago: University Press
13. Sparrow, J. 1973. *Sense and Poetry: Essays on the Place of Meaning in Contemporary Verse*. Folcroft Library Editions.
14. Southam, B.C. 1978. *A Student's Guide to The Selected Poems of T.S. Eliot*, London: Faber & Faber.
15. Verdonk, P. 2002. *Stylistics*. Oxford University Press.
16. Wetherill, R. M. 1974: *The Literary Text: An Examination of Methods*. Oxford: Basil Blackwell.
17. Srivastava, R.N. 1979: *Sanrachnatmak Shailivigyan*, Delhi: Alekh.

ҲАЖВИЙ ҚИЁФА ЯРАТИШДА ФОЛЬКЛОРНИНГ ЎРНИ

Равшанова Г.Қ. - ҚарДУ

Ключевые слова: юмор, творчество, фольклор, афанди, стиль, ритуал, мотивация, художественная форма, средство изображения.

Keywords: humor, creativity, folklore, afandi, style, ritual, motivation, art form, image medium.

Аннотация: В этой статье раскрывается роль фольклора в сатире и имеющий важное значение образа Насреддина Афанди. Становится понятным, что разные понятия и взгляды, сохраняющие в себе стиль выражения фольклора, художественных форм и наглядных пособий, эпических мотивов и образов, ритуалов и традиций сохранились только в фольклоре и продолжают оставаться поэтическим.

Annotation: This article reveals the role of folklore in satire and the important image of Nasruddin Afandi. It becomes clear that various concepts and views that preserve the style of expression of folklore, art forms and visual aids, epic motifs and images, rituals and traditions are preserved only in folklore and continue to be poetic.

Маълумки, “Фольклор аъналарари” деганда халқ оғзаки ижодида хос ифода услуби, бадий шакллар ва тасвир воситалари, эпик мотив ва образлар, маросим ҳамда урф-одатларга хос тушунча ва қарашларнинг фақат фольклор асарларида сақланиб қолиши,

уларни поэтик ифодалашнинг давом эттирилиши англашилади. Жумладан, шоир ижодидаги Насриддин Афанди образи ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналаридан олинганлиги, ёхуд А.Ориповнинг ўзи таъкидлаганидек, Дантенинг таржимаси унинг учун катта мактаб бўлганлиги фикримизга далил бўла олади. Хусусан, И.Ғафуров шоир ҳажвиётини таҳлил қилиб: “Бу интилиш Э.Воҳидов ва А.Орипов сингари шоирларда ёрқинроқ кўзга ташланаётганлиги сабабини мен баъзан Гёте ва Дантенинг таржима қилиниши билан боғлайман” [1.224], дея таъкидлаб ўтади.

“Мен ўзим доимо қайта-қайта ўқиб турадиган асарлар: ўтмишдан – Чехов, Марк Твен, О.Генри, бугунги кунда Азиз Несин, Евгений Петров ва Ильф. Ўзимиздан Саид Аҳмад. Ва табиийки, булардан ҳам аввал Афанди латифалари – ўзимизнинг ўша эски танишимиз Хўжа Насриддин...Назаримда, Насриддин афанди асари жаҳон адабиётининг энг ёрқин, энг тугал, ўлмас образлари қаторида туради. У нафақат одамга завқ бағишлайди, нафақат ақл-заковатининг битмас-туганмас имкониятларини намойиш қилади, балки бу образ ҳар қандай одамга яшашга ёрдам беради. Уни инсон ҳаётининг бутунлай бошқача тарзда – рангларда, жилоларда, умидбахшлик билан қабул қилишга ёрдам беради”, -деб ёзади адабиётшунос олим О.Шарафиддинов.

Шоир ана шундай манбалардан унумли фойдаланганлиги боис ҳажвияларидаги тасвир ҳаётийлик, яратган ҳажвий характерлари табиийлик касб этди. А.Орипов ҳажвиётисидаги анъанавийлик ва новаторлик масаласига оид қарашларимизни юқоридаги адабий манбаларга мансуб ижод намуналари билан шоир ҳажвларини қиёслаш асосида далиллашга уриниб кўрамиз.

Афанди образининг тўлақонли яратилишини таъминлаган дастлабки адабий манба –ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналаридир.

“Афанди эшик олдида ўтирса, бир киши унинг олдида ҳовлиқиб келибди:

Афанди анави томонда подшоҳнинг мулозимлари совға-саломлар кўтариб келишяпти.

Подшоҳнинг мулозимлари совға-саломлар кўтариб келишаётган бўлса, менга нима, -дебди Афанди.

Совға-саломларни сизникига олиб келишяпти.

Совға-саломларни меникига олиб келишаётган бўлса. Сенга нима?- дебди Афанди бепарво.

А.Орипов айнан шу латифани шеърий йўл билан бироз бошқача шаклда ифодалайди. Шоир ҳажвияларида халқ оғзаки ижоди жанрларидан, улардаги тасвир усулларидан, халқ латифаларидан усталик билан фойдаланганлигини кўрамиз. Бу ҳажвий қаҳрамоннинг нутқ услубидан ҳам сезилиб туради:

-Қўй етаклаб ўтдику биров,

-Менга нима, деди Афанди.

-Сизникига қараб кетди-ёв,

-Сенга нима, деди Афанди.

Юқоридаги нутқ услубида фольклорга хос бўлган баён услубини кўришимиз мумкин. Ушбу парчада лоқайд ва очкўз одамларнинг киёфаси Афанди мисолида очиб берилган. Ҳажвий қаҳрамонни ўз нутқи воситасида фош этиш ҳам анъанавий усуллардан бири бўлиб ҳисобланади. Шоир ўзининг хангома, ҳажвга бўлган муносабатини “Афанди” деб номланган шеърида қуйидагича изоҳлайди:

Афанди дегани ўзим бўламан,

Ҳар хил хангомага ичи тўламан.

Эси йўқ одамлар калласизлардан,

Хафа бўлишади шунга куламан [2.95].

Афанди латифалари, аскиялар, чандишлар, лапарлар ўзбек халқининг асрлар мобайнида кулгидан баҳраманд бўлиб келганлигини, инсон ва ҳаётдаги кулгили жиҳатларни нозик илғай олганлигини кўрсатади. Қолаверса, ўзбек тили шундай нодир хусусиятга эгаки, сўзлашувнинг ўзидаёқ, табиий равишда, кулги пайдо бўлаверади. Чунки,

Ўзбек сўзларининг кўпчилиги камида икки маънога эга бўлади. Кўринадики, ҳажвий асарларнинг биринчи белгиси унинг танқидий йўналишга эгаллиги бўлса, иккинчи хусусияти тасвирнинг кулгили тарзда берилишидан иборатдир:

Қабристонга, демангиз, тирик келди, ёр-ёр,

Қувонтириб бизларни ўлик келди, ёр-ёр.

Шу тарика ёмонни тиғлаймиз ҳам, ёр-ёр,

Яхшиларни кўмганда, йиғлаймиз ҳам, ёр-ёр.

Ҳаётда ҳар ким ҳар хил касбнинг орқасидан нон ейди, тирикчилик қилади. Халқимизда “Отнинг ўлими итнинг байрами” деган мақол бор. Халқ донолигининг ноёб дурдоналари саналган мақолларда катта мазмун мужассам. Шоирнинг юқоридаги шеърининг мавзуси оҳорли, янги. Деҳқон ерга экин экиб, ҳосил ундириб, халқни боқади, муаллим болаларни ўқитиб илм-маърифатли қилади, табиб касалларни даволайди ва ҳ.к. Гўрковлар эса оламдан кўз юмган инсонларни кўмиб кун кечирадилар. Албатта, ҳар қандай касбнинг машаққати бўлганидек, мазкур касбнинг ҳам ўз машаққатлари бор. Улар ҳар кун ғам, қайғу билан рўбарў келадилар, инсон умрининг ниҳояси борлиги билан ҳар куни тўқнашадилар, одамларнинг ўлим олдида ожизликларини чуқур ҳис этадилар. Умрнинг ўткинчилигини ҳаммадан ҳам улар теран англайдилар. Яхши-ёмонни кўмадилар, яхшиларни кўмганларида йиғлайдилар ҳам. Аммо инсонлар хилма хил бўлганлари каби гўрковлар ҳам хилма хилдирлар. Улар орасида ҳам очкўзлари, таъмагирлари бор: “*Ёниб қўйиб устига чопонини, ёр-ёр, Ечинтириб оламиз кафанини, ёр-ёр*”. Очкўз, худодан ҳам кўркмайдиган, дуч келган одамни талайдиган, қалбига озор берадиган, охирги лўқмасини ҳам оғзидан юлиб оладиган юраксиз, имонсиз, қалбсиз кимсалар афсуски, атрофимизда бисёр. Ундай кимсалар яхши ёмон деб ажратмайдилар, бой-камбағал деб ўтирмайдилар, фақат ўз манфаатларини ўйлайдилар. Ҳатто, ўликларнинг кафанини ечиб оладиган гўрковлар ҳам борлиги даҳшат. Шоир фикрнинг кўламини беришда фольклор жанрларидан фойдаланган.

Ёзма адабиётимизда дастлаб дoston, мақол, топишмоқ, йўқлов, йиғи, кейинчалик ёр-ёр, алла каби фольклор жанрлари стилизация қилинган. Шоир Абдулла Орипов ижодида ҳам ана шу анъана давом эттирилган. Унинг қатор шеърларида, хусусан, “Гўрковлар қўшиғи” номли шеърда ана шу анъаналар бардавомлигини кўрамыз. Хусусан, “Ёр-ёр” кўшиғи тўй маросимида, хурсандчиликда айтиладиган халқ кўшиғи саналади. Қабристонга ўлик келиши гўрковлар учун ана шундай байрам. Шоир айнан шунинг учун тўйда айтиладиган “ёр-ёр” кўшиғини стилизация қилиб, мазмунни кучайтиришга эришган. Шеър мисраларини ўқий бошлашимиздаёқ кимга аза, кимга тўй эканлигини англаймиз. Шеърда ғайриодатий ҳолат ифодаси чизилган. Ҳаёт ана шундай зиддиятлардан ташкил топган. Мазкур ёр-ёрда ғайритабиий қувонч, қисматнинг қаттиқлиги, инсон иқлимининг ранг-баранглиги, умрнинг хотимаси, ўткинчилигига ишора акс этади. Шоир халқ кўшиғининг руҳига чуқур кириб бора олган, шу сабабли шеърда акс этирилган ҳолатларни тушуниш осон. Мазкур шеърда жанр стилизацияси муваффақиятли амалга ошиб, шеърят ихлосмандлари яна бир халқона руҳдаги шеърдан баҳраманд бўлдилар. Шеър сатрларида “тирик-ўлик”; “чопон-кафан”; “ёмон-яхши” зид тушунчалари инсон табиатидаги номуаносибликни чуқур ифодалашга хизмат қилган.

Ижтимоий иллатларнинг ҳажвий танқиди бўлган сатира дастлаб ўзбек халқ оғзаки ижодида шаклланган ва кенг тарқалган. Меҳнатқаш халқ адолатсиз ҳукмдорлар, зулмкор амалдорларга қарши бўлиб, норозиликларини латифалар, ҳажвий эртаклар ва кўшиқлар орқали изҳор қилганлар.

Ўз давридаги зулм, ҳақсизлик ва бошқа ижтимоий иллатлар устидан омманинг қаҳр-ғазабини уйғотганлар. Насриддин Афанди образи ҳам шу аснода вужудга келган. Халқ ҳажвий сатираси ва кулгиси ёзма ҳажвий адабиёт учун озуқавий манба сифатида бир неча асрлардан буён хизмат қилиб келмоқда. А.Ориповнинг ҳажвий шеърларидан яна бири «Қайсар бола» деб номланган. Ушбу шеър сарлавҳаси остида «қизикчилар бисотидан» деган изоҳ берилганлиги ҳам унинг халқ оғзаки ижоди ва ҳажвийёт билан боғлиқ

эканлигидан далолат беради. Шеър ривоявий усулда бўлиб, у эртақларга хос анъанавий: «Бор экану йўқ экан, Бир бола бўлган экан» деб бошланиши фикримизнинг далилидир. Шеърнинг мазмунига кўра қайсар бола ҳаммани сенсираши, ҳатто ота ва онасини ҳам, муаллимини ҳам сенсираши хусусида сўз боради. Шунда устози унга бу одатни ташлаши учун “*Натижа берар балким*” деб бир маслаҳат беради:

Сиз дейман деб барчани

Юз марта ёзиб келгин.

Шеър давомида болакайнинг ушбу буюрилган вазифани ошиғи билан бажариб келганлиги маълум бўлади:

Муаллим шод: “мен сенга,

Ҳа, ишонган эдим-да”

Бола дермиш: “сени бир

Хурсанд қилай дедим-да”[3.259].

Бу шеър соф юмористик мазмунда бўлиб, ундаги асосий поэтик образ «тартибсиз бола» ва «муаллим» образлари бўлиб, ушбу образ асосан асосий тимсолнинг характерини очишга кўмаклашувчилик вазифасини бажарган.

Ҳажвий асар яратиш ижодкордан юксак маҳорат, истеъдод ва албатта, катта меҳнатни талаб этилади. “Илоҳий комедия”нинг таржима қилиниш жараёни ҳақида шоир қуйидагиларни таъкидлайди: “Таржима жараёни мен учун улуғ мактаб бўлди. Агар қоғоз устида энг кўп тер тўккан бўлсам, ўша таржима устида тўкканман” [1.11]. Бу таржима шоир ҳажвиётида рамзийлик ва сатирик кулгининг кучайишига таъсир кўрсатмай қолмади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ғафуров. Лириканинг юраги. Тошкент. “Ёш гвардия” нашриёти. 1982. 224 б.
2. Шарафиддинов О.Ижодни англаш бахти. Тошкент. ”Шарқ” НМАК. 2004. 252 бет.
3. А.Орипов. Танланган асарлар. 2-жилд. Тошкент. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 259-бет.
4. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент. 2001. 1-жилд, 630 бет

ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИДА “ЁШНОМА” ЖАНРИ

Ш.А.Рахимова – УрДУ, мустақил изланувчиси

Калит сўзлар: Болалар кўшиқлари, “Ёшнома”, топишмоқ, рақамлар, рамзлар.

Ключевые слова: Детские песни «Яшнаме», пословицы, цифры-символы.

Key words: Children’s songs, “Yashname”, riddles, puzzles, numbers, symbols.

Аннотация. Мақолада болалар кўшиқларидаги “Ёшнома” жанри таҳлил этилади. Кўшиқ таркибидаги рақамларга алоқадор жумбоқ сўзларга шарҳ берилади. Шунингдек кўшиқнинг топишмоқлар билан алоқаси хусусида ҳам сўз юритилади.

Аннотация. В статье анализируются детские песни относящиеся к жанрам «Яшнаме». Комментируются цифры-символы в структурах песен. А также идёт речь о связях пословиц с песнями.

Annotation. In the article the genre “Yashname” in children’s songs is analyzed. The song commented on puzzles related to the numbers in the content. And also the relation of the song with the proverbs is considered.

Ўзбек халқ оғзаки ижодиётида болаларнинг ёш хусусиятларини турли рамзлар орқали ифодаладиган кўшиқлар ва топишмоқлар учрайди. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, “Ёшнома” жанрининг шаклланиши ўз ичига жуда узоқ даврларни камраб олади. Дарҳақиқат, “Халқ оғзаки ижодиётининг топишмоқ, кўшиқ, тез-айтиш, дoston каби турли жанрларида ёшнома элементларининг кўриниши бу шаклнинг ниҳоятда қадимийлигидан дарак беради¹.” Фольклоршунос О.Сафаров ҳам ушбу ғояга қўшилиб,

¹ Elmira Fikrət qizi. türk xalqlari ədəbiyyatında vücvdnamalar. 1cild. Bakı, “Elm və təhsil”, 2015. -S.10.

ўзбек болалар фольклорининг санама жанрида айрим рақамларнинг кўплаб ишлатилишини шомонликка алоқадор, деб топади. Чунки, уларда болаларнинг ёш босқичлари 3, 5, 7, 9, 20, 40 шаклида берилиши, кун ё йил такрорланиши қандайдир уларга сиғиниш, рақамлардаги сеҳр билан боғлиқдир².

“Ёшнома”нинг энг қадимги намуналари Хоразмда тарқалган болалар қўшиқларида учрайди. Бу қўшиқ баъзан топишмоқ тарзида ҳам айтилади. Бу қўшиқларда инсон ҳаёти билан алоқадор рақамларга эътибор бериш азалий анъаналардан биридир. Бирдан ўнгача бўлган сонларнинг бола ўсишидаги ҳар бир босқичнинг белгисига ишора сифатида яратилган қўшиқлар кўпчиликни ташкил этади. Бу тоифадаги қўшиқларда асосий мақсад бола бир ёшда нимага ўхшайди, ёки тўққиз ёшда яна нимага монандлик касб этади, деган саволлар қўйилади ва уларга рамзий жавоблар келтирилади.

Яқин тарихимиздан маълумки, туркий халқлар болалари орасида ошиқ ўйини жуда оммавийлик касб этган эди. Олти ёшда болалар ана шу ўйинга жалб этилган. Шу сабабли халқ қўшиқларида «Олтим-ошиғим» бирикмаси кўп ишлатилади. Бу ибора фақат аллитерация, ёки қофия учунгина танланмаган. Балки бу ерда боланинг олти ёшдаги фаолиятига ишора мавжуд.

Бошқа баъзи сатрларда ҳам шу хусусият сақланиб қолган. Айрим қўшиқлардаги «саккизда-серка», «тўққизда тўқли» бирикмаларида бола саккиз ёшда серкадай, тўққиз ёшда тўқлидай бўлади деган тушунчага ишора мавжуд.

Боланинг ёш хусусиятини турли рамзлар орқали ёшнома тарзида тасвирлаган халқ қўшиқларининг энг қадимий намуналари Хоразмда сақланиб қолган бўлиб, уларда болаларнинг ҳар бир ёшига монанд ички маънони англатувчи тушунчалар тизими келтирилган ва уларнинг маъносини англаш анча мураккабдир:

Бир-мамак,	Ўн беш-суяк,
Икки-имак,	Йигирма-ўкиз,
Уч-дил оч,	Қирқ-нирх,
Тўртда-қоч,	Алли-балли,
Бешда-боқ,	Олтмиш-қайтмиш,
Олти-ёрғоқ,	Етмиш-ёмпиқ,
Етти –ел,	Саксон-сўмпиқ,
Саккиз-сел,	Юзда-гўммиқ ³ .
Дўққиз-дўк,	

Ушбу шеърда жуда кўп маъно яширинган. Унда 1 ёшдан ўн ёшгача бўлган болалар ҳаётига хос босқичлар қисқа сатрларда ботиний маъно орқали ифодаланади. Бола бир ёшида мама (эмчак) эмади, икки ёшида эмаклайди, уч ёшида тил очади, тўрт ёшида қочиб чопқиллайди, беш ёшида сўзга боқади, қулоқ осади, олти ёшда югуриб, бирор жойини жароҳатлашни бошлайди, етти ёшда елдек учиб юради, саккизда селдек тошади, тўққизда дўк уришга ўтади, ўнда ўкдек бўлади, ўн беша суюлади, йигирмада қуюлади, ўттизда хўкизде кучга минади, қирқда ақли тўлишади, эллиқда қариллик сезилиб бошлайди. Олтмишда инсон орқага қайтади, қарий бошлайди. Етмишда ёмпиқ, яъни букчаяди, гавданинг шакли ўзгаради. Саксонда инсонга нисбатан лоқайд муносабатда бўла бошлайдилар, ҳеч ким у билан ҳисоблашмайди. Юзда ҳар қандай одам ерга кўмилади. Бу маъноларни фақат маҳаллий шевага тушунадиган кишилар англай олади. Бу тоифадаги қўшиқлар Хоразмда ҳозиргача болалар репертуарида мавжуд. Қуйидаги вариант ҳам ўз ички маъноси билан жуда характерлидир.

Бир –бурч,	Ўн икки-армон.
Икки-илон,	Ками-кўсти,
Уч-пуч,	Илон-пўсти,
Тўрт-чаён,	Ўттиз-қирқ,
Беш-бўён,	Эллик-нирх,

² Сафаров О. Ўзбек болалар поэтик фольклори. –Т.: Ўқитувчи. 1985. –Б.152.

³ Хоразм хазинаси. –Урганч, «Хоразм», 1996. - Б. 39.

Олти-омон,
Етти-ёрон,
Саккиз-сурон,
Тўккиз-турон
Ўн-ўрмон,
Ўн бир-кормон,

Олтмиш-етмиш,
Тўхтамиш,
Саксон-сокин,
Тўксон-тўкин,
Юз-ёбон,
Эврил илон. (Хоразм хазинаси, 32-б).

Ушбу кўшиқ болалар репертуарида айтилиб юради. Унда боланинг ҳар бир ёши бирор рамзий ишорага нисбатан берилади. Бир ёшда бола бурч (қалампир) каби аччиқ, йиғлоқи; икки ёшда илондек товланиб муқом қилади. инжиқ; уч-пуч-бир муддатнинг тугаши. Илгари уч ёшда болалар суннат этилиб, эркакликнинг бир босқичи якун топган; тўрт ёшда бола безоридек ғазабнок бўлиб, чаёнга монанд келади. Беш ёшда бўён (ғовлаб ўсадиган ўсимлик) каби ўсиб бошлайди; олтида омонлашадиган бўлиб, саломни ўрганади; етти ёшда дўст-ёронга эга бўлади. Саккиз ёшда сурон солиб юради; тўккиз-турон йигит, балоғатга етишиб қолади; ўнда-ўрмондек бўйига ва энига ўсади, ўн бирда кормон бирор касб корни эгаллашга киришади; қирқ-элликда инсоннинг ақли тўлишади, «қирққа кирдинг-нирхга кирдинг» мақолида ҳам шу ҳолатга ишора бор. Олтмиш-етмишда инсонда ҳаракат тўхтади; саксонда сокинлик бошланади; тўксонда тўкилиб ётади; юз ёшда ёбон-инсон ҳаётида бўшлиқ-сароб бошланади, илонга айланади, тўлғонади, муомаласи аччиқлашади. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин, ва лекин ҳар бири ўзининг алоҳида шакли ва мазмунига эгаллиги билан ажралиб туради ва ахамиятлидир.

Т.Мирзаев бундай рукндаги асарларни автобиографик асар сифатида баҳолайди⁴. Хоразм дostonларида ҳам “Кунларим” рукни шеърлар учрайди аммо улар сал бошқачароқ тарзда берилади. Масалан, “Гўрўғли” эпосида шундай сатрлар мавжуд:

Биримда билмадим яхши –ёмонни,
Иккимда танидим ота-онамни,
Учимда бердилар тилу забонни,
Тўртимда тош отишган кунларим⁵.
Эргаш Жуманбулбул асарига қиёслайлик:
Катта рўзғор эди, қолди ўзима,
Қулоқ сонг ёронлар, айтган сўзима,
Кўп одамлар мункир келиб тузима,
Томир-тувғон душман бўлган кунларим⁶.

“Гўрўғли” эпосида инсоннинг ёш хусусиятларига асосий эътибор берилса, Эргаш шоирда теварак-атрофдаги ҳаёт, кишиларнинг унга бўлган муносабатлари ўз ифодасига эга бўлган. Хоразмда тарқалган “Давлатёрбек” тарихий дostonида эса бу жанрнинг янада мукамалроқ шакли берилган.

Бу ўрганишлар натижасида шуни таъкидлаб айтиш жоизки, “Ёшнома” жанри пайдо бўлиши ўзбек фольклорида жуда узоқ ўтмишларга бориб тақалади. Шундай қилиб, “Ёшнома” жанрини ўрганиш ўзига хос янгилик, уни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва янги намуналарини қидириш, излаб топиш долзарб вазифалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Турк халқлари эдэбиятинда вужуднамелер. Элмира Фикреткизи, Баку., 2015
Издательство “Институт Фольклора “,”Элм вэ тэхсил”, С.11-27
2. Сафаров О. Ўзбек болалар поэтик фольклори. –Т.: Ўқитувчи. 1985. –Б.152.
3. Гуругли. –Ургенч, “Хорезм”, 2004. –Б.446. Рўзимбоев С.Р., Рўзимбоев Х.С., Эшчонова Г.О.
4. Мирзаев Т. Эпос и сказитель. –Т.: “Фан”, 2008. –С.18.
5. Гўрўғли. –Урганч, “Хоразм”, 2004. –Б.446. (Нашрга тайёрловчилар: Рўзимбоев С.Р., Рўзимбоев Х.С., Эшчонова Г.О.)

⁴ Мирзаев Т. Эпос и сказитель. –Т.: “Фан”, 2008. –С.18.

⁵ Гўрўғли. –Урганч, “Хоразм”, 2004. –Б.446. (Нашрга тайёрловчилар: Рўзимбоев С.Р., Рўзимбоев Х.С., Эшчонова Г.О.)

⁶ Булбул тароналари, I том. –Т.: Фан, 1971. –Б.18. (Нашрга тайёрловчи: Ҳоди Зариф).

6. Булбул тароналари, I том. –Т.: Фан, 1971. –Б.18. (Нашрга тайёрловчи: Ҳоди Зариф).

HEROLD LEMB IJODIDA O`ZBEKISTON MAVZUSINING YORITILISHI

Raxmatova D.T.

O`tgan asrning 30- yillarida adabiyot maydoniga ajoyib amerikalik yozuvchi Herold Lemb ko`zgatashlandi . U o`z qalamkash do`stlaridan farqlio`laroq, Sharq Uyg`onish davrining ulug` siymolari haqida badiiy asarlar yaratdi. Biroq bu mahoratli yozuvchining hayoti va ijodi sho`ro zamonida O`zbekistonda, umuman, sobiq ittifoqda ham kam o`rganilgan.

Jurnalistning 1928-yilda Nyu-Yorkda nashr qilingan “Jahonni titratgan Temur” romanini alohida ta`kidlaymiz. Adib XX asrning boshida Amerika adabiyotida birinchi marta, haqiqiy, hayotiy, barcha yutuqlari va kamchiliklari to`laqonligicha aks ettirilgan – buyuk Sohibqiron obrazini yaratdi. H. Lemb yaratgan Temur obrazi o`quvchi oldida birinchi navbatda o`z farzandlari va nevaralarida yaxshi harbiy ta`lim bergan mehribon inson sifatida gavdalantirilgan. Sohibqiron O`lmas g`oyalari avvalo uning buyuk “me`mor” ekanligida, uning g`oyalari avtor iborasi bilan aytganda “toshlarda bitilgan dostonligi” asar sahifalarida hayotiy yoritilgan. Amir Temur yaratgan bog`u-rog`lar adibni g`oyat hayratlantiradi. Amerikalik adiblar orasida H. Lemb birinchi bo`lib Markaziy Osiyoni tushunib bo`lmas hudud yoki Sharq tarixining “qorong`i” sahifasi sifatida emas, balki faktlarga asoslangan holda jahon madaniyati, fani, tarixi va adabiyotshunosligida buyuk allomalarni, faylasuflarni, shoir va yozuvchilarni hamda fan arboblarni yetishtirgan mashhur Sharq Uyg`onish davri sivilizatsiyasi mamlakati sifatida qaraydi. Sohibqironning butunjahon madaniy merosiga qo`shgan hissasi qanchalik ulug`vorligini ta`kidlab, adib Sharq “Uyg`onish” davrida Temurga o`xshagan buyuk shaxslarning paydo bo`lishi bu tarixiy zarurat degan xulosaga keladi. Avvagi zamonlardan o`zbek mumtoz adiblari G`arb kitobxonlari va ziyolilarining obro`-e`tibori, hurmatiga sazovor bo`lgan. Alisher Navoiy va Zahiriddin Muhammad Boburlar o`zbek mumtoz adabiyotini butun dunyo miqiyosidagi durdonalar darajasiga ko`tarib jahon adabiyotining yetuk namoyandalari bo`lib qoldi. XVII asrdan beri Bobur asarlari bir necha bor ko`pgina Yevropa tillarida bir necha bor qayta nashr etildi. Bular haqida juda ko`p yozilgan. Biz uchun XX asr muhim. Chunki bu davrda Bobur asarlari tarjimai orqali Amerika qit`asiga borib yetdi. Maqola va taqrizlar bilan bir qatorda Aqshda yozuvchining “Bobur – Yo`lbars” nomli asari yaratildi. Kitob 1961-yili Nyu-Yorkdan bosmadan chiqdi .

“Bobur-Yo`lbars” kitobi Boburning Shayboniyxon bilan kurashi va chekinishi haqida hikoya bilan boshlanadi. Boburning Farg`ona vodiysi, Toshkent va Samarqand shaharlari oralig`idagi sargardonliklari Kobulni ishg`ol qilish Hirotga kelib, Shayboniyxonga qarshi lashkar to`plaganligi haqidagi voqealarga batafsil to`xtab o`tilgan. Keyingi boblar Boburning Hindistonni bosib olishi va Buyuk imperiya tashkil etishiga bag`ishlangan.

“Bobur – Yo`lbars” kitobining oxirgi sakkizinchi bobida Hindistonda Ulug` boburiylar saltanatiga asos solinishi Boburning Hindistondagi hayoti jonli lavhalarda chizib berilgan. H. Lemb Bobur Mirzoning mamlakatni boshqarish davridagi ijobiy tomonlarini romanda quyidagi satrlar bilan ifoda etadi:

“With him he brought to India the Timurid devotion to music and verse – and wine. His fondness for building gardens in the most unlikely spots earned him the name of the Gardener King. More than tree-shaded gardens followed him to Agra . Out of white and red stone, palace dwellings, great mosques, and tombs began to rise in the pathway of the moguls. Babur hardly lived to see if, but Samarkand, his lost city, was brought to India”¹.

Mazmuni: “U o`zi bilan Hindistonga timuriylarning kuy va sh`eriyatga va yana ... sharobga bo`lgan qiziqishlarini ham olib keldi. Nobopyerlarda ham bog`-rog`lar barpo etishga intilishi unga “Bog`bon shoh” deb nom berilishiga sababchi bo`ldi. Soya-salqin bog`lar u bilan birga Agragacha cho`zildi. Oq va qizil toshlardan ular qadami yetgan yerda saroylar, buyuk masjidlar, madrasalar qad ko`tardi.

¹ Lamb H. Babur the Tiger: First of the Great Moguls. – N.Y.: Doubleday & Company, Inc. Garden City, 1961, p. 331.

Muallif so`nggi so`zida Bobur vafotidan keyingi ayrim voqealar, uni dafn etish, Bobur maqbarasi, songgi davr Osiyo tarixidagi ayrim o`zgarishlar ustida to`xtagan.

H. Lemb 1960 yil yozida Toshkentda, Ozbekiston Fanlar Akademiyasining Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik institutida bo`lib, olimlardan Shayboniyxon xarakteri va odatlari, temuriylar davrida Samarqand shahri me`morchiligi va boshqa masalalar bo`yicha yordam olganligini romanda minnatdorchilik bilan eslab o`tadi. Yozuvchining Sharq tarixiga bag`ishlangan romanlari, xususan Amir Temur va Bobur haqidagi asari biz uchun katta ahamiyatga ega. Shuni aytish kerakki, muallifning asarlari sobiq ittifoqda taqiqlangan edi .Ular tarjima qilinmagan va nashr etilmagan .

H. Lembning biografik romanlari adabiyotda yangi sahifalar ochgan ulkan hodisa bo`ldi. Ular Sharqdagi Uyg`onish davri haqida badiiy-tahliliy ma`lumot beradi. Bu davrning noyob shaxslariga bo`lgan qiziqishni qondirish uchun qisman bo`lsa-da, kitobxonga xabar yetkazadi. H. Lemb alohida obrazlar misolida butun dunyoga inson va uning imkoniyatlari haqida o`z hayratini ifodalaydi .

Buyuk Amir Temur, Zahiriddin Muhammad Bobur haqidagi romanlar o`z vaqti-soatini kutib turibdi, o`ylaymizki, ularni o`zbek tiliga tarjima qilishga allaqachon kirishish kerak. Markaziy Osiyoda Uyg`onish davri, ilg`or ijodkorlik yo`li, hamma sohalardagi faoliyatda inson barkamolligi, uning ruhi va his-tuyg`ulari ko`kka ko`tarilishiga imkon berdi. Inson idroki va qo`li orqali yaratgan durdonalar bugungi kunda hammani hayratlantiradi. Buni ajoyib Sharq bilimdoni H. Lemb o`z ijodida juda yaxshi ko`rsatgan.

Adabiyotlar

1. Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари киёсий грамматикаси. -Тошкент: “Ўқитувчи”, 1973. -284 б.
2. Blokh M. Y. A Course in theoretical English Grammar. Moscow, 1983. -384 p.
3. Chomsky N. Syntactic Structures. M., 1962. -116 p.

ҲАНС ШНИР - “МАСХАРАБОЗНИНГ ҚАРАШЛАРИ “ РОМАНИНИНГ БОШ ҚАҲРАМОНИ

Рўзиев М., Ахмедова З., БухДУ

Калит сўзлар: Масхарабознинг қарашлари, Ҳанс Шнир, оддий масхарабоз, ижобий қаҳрамон, ота-бола муаммоси, иккиюзламачи, ички кечинма

Ключевые слова: Глазами клоуна, Ганс Шнир, простой клоун, положительный герой, проблема отца и дети, лицемер, внутренняя переживание

Keywords: The clown's views, Hans Schnir, the simple clown, the positive hero, the parent-child problem, the hypocrite, the inner experience

Аннотация. Бу мақолада машхур немис ёзувчиси Ҳайнрих Бўллнинг “Масхарабознинг қарашлари“ романинг бош қаҳрамони Ҳанс Шнир тўғрисида сўз юритилади. Ҳанс Шнир оддиймасхарабоз. Мақолада шунингдек, унинг ҳаёти, иши, ички кечинмалари тўғрисида сўз боради.

Аннотация. В данной статье говорится о главный героя романа Гейнриха Белла “Глазами клоуна”Ганса Шнира. Ганс Шнир - это он простой клоун.В статье также говорится о жизни, работи и внутренние переживания Ганса Шнира.

Annotation. This article is about Hans Schir, the protagonist of the famous German writer Heinrich Böll's novel “The View of the Clown”. Hans Schnir is a clown. The article also describes his life, work and experiences.

Буюк немис ёзувчиси, Нобель мукофоти лаурияти Ҳайнрих Бўлл жуда кўп ҳикоя, қисса, романлар муаллифидир. Унинг машхур романларидан бири “Масхарабознинг қарашлари “ романидир. Ёзувчи бу романни 1964 йилда ёзган.Романдаги воқеалар асосан Бонн шаҳрида бўлиб ўтади. Романдаги бош ғоя Ҳанс Шнирнинг узок монологи тарзида берилган. Ҳанс Шнир романинг бош қаҳрамони . У комик актиёр ёки оддий масхарабоз.

Унинг касби сирли. Ҳеч ким масхарабознинг ҳаёти ва табиатини билмайди. Ҳайнрих Бўлл романда бош қахрамоннинг яъни Ҳанс Шнирнинг ижобий инсонлигини, хур фикрлашини, ҳаётни севувчанлигини, севгига вафодорлигини ва меҳнаткашлигини реал тасвирлаган.

Роман Ҳанс Шнирнинг монолоғидан яъни бахтсизликка дучор бўлгандек ҳис қилаётгани ҳикоясидан бошланади. Ҳанс 27 ёшда. Уни севимли хотини ташлаб, бошқасига турмушга чиқади. Урушдан кейинги йиллар динга унча ишонмайдиган Ҳанс Шнир Мари билан беш йил бирга яшайди. Уларнинг никоҳи фуқаролик никоҳи эди. Уларнинг никоҳи черковнинг никоҳисиз бўлган эди. Улар ўртасидаги муносабат тобора таранглашиб боради. Чунки Мари католик эди, удинга қаттиқ ишонар эди. Афсуски, Ҳанс динга унчалик ишонмайдиган киши эди. Черковнинг никоҳисиз бошланган ҳаётини, бирга яшашни Мари гуноҳ деб ҳисоблар эди. Марининг танишлари, раҳномалари унинг Ҳансдан ажралишини ва уни “руҳини тозалашга” ғамхўрлик қилдилар. Оқибатда Мари Ҳансни ташлаб кетади. Ҳанс бундан жуда азобланади. Ҳанс хотинини жуда яхши кўради ва усиз яшай олмаслигини тассавур қила олмайди. Шунинг учун хотини уни ташлаб кетгач, у ўзини ёлғиз ҳис қилади. У ўзини ҳеч кимга керак эмасдек сезади. Иш хизмат соҳасида ҳам бу зарбанинг таъсири сезила бошлайди ва натижада чўнтагида ҳам бир вақоси қолмайди. Ҳанс Шнир касби масхарабоз бўлсада, фақат бир нарсага кулги билан қарай олмайди. Бу унинг шахсий ҳаёти, унинг ёлғизлиги, бузилган ҳаётидир. Шунинг учун у нолишни ташлайди. Меҳнати билан ғамлардан қутула бошлайди.

Романда ота-бола, она-бола ўртасидаги муаммолар ҳам кўрсатилган. Ҳанснинг отаси катта кўмир конининг хўжайини, у катта пулдор одам. У фарзандлар тарбиясига бефарқ, эътиборсиз кимса, ўзининг маишатини уйлайдиган ва маиший бузиқ, шу билан бирга ҳасис инсондир. Отасининг жазмани бор ва у буни оиласидан ҳам яширмайди. Ҳанс отасининг бу қилиқларига чидай олмасдан отасининг уйдан чиқиб кетади ва алоҳида яшай бошлайди. Ҳанс бошига ташвиш тушиб пулсиз қолади ва у отасидан пул сўраб боради. Отаси пули бўла туриб, турли баҳоналарни рўқач қилиб ўғлига пул бермайди. Отаси унга “Шунча пулни нима қиласан? Сени эсинг жойидами?” - деб жеркиб ташлайди.

Ҳанснинг онаси иккиюзламачи, мунофиқ кимса. У ўғлига яхшилик қилишни ҳам, ёрдам беришни ҳам хоҳламайди. Шунинг учу она-ўғил ўртасидаги муносабатлар ҳам яхши эмас. Онаси иккинчи жаҳон уруши вақтида миллатчи фашистларга хайрихоҳлик билдиради ва уларнинг ғояларини қўллаб қуватлайди. Шунинг учун у якка ёлғиз қизини урушга юборади. Қизи урушда ҳалок булади. Ҳанс бунинг учун онасини ҳеч қачон кечирмаслигини айтади. Онаси ўз мунофиқлигини яшириш мақсадида, урушдан кейин “Ирқий қарама-қаршиликларни келиштирувчи ташкилот “га раҳбарлик қилади.

Романда шунингдек яна бир неча образларнинг Ҳанс билан уларнинг ўрталаридаги муносабатлар талқин қилинган. Ҳанс бошига ташвиш тушгач дўстларидан, танишларидан ёрдам сўрайди ва уларга кўнғироқ қилади. Ҳанс Согинерга кўнғироқ қилганда ундан шундай жавоб эшитади: “Ҳанс дўстим тушкунликка тушманг, мен сизни ташлаб қўймайман. Мен сиздан йироқлашиш ниятим йўқ. Фақат ярим йил танаффус қиламиз, унча яна ишлар жой-жойига тушиб кетар. Ҳозир мен сизга ҳеч қандай ёрдам бера олмайман”. Согинер Ҳанснинг агенти, хусусий томошаларни ташкил этувчи. Ҳолбуки Ҳанснинг саҳналарга чиқиб томошалар кўрсатишидан Согинер жуда кўп фойда кўрган эди. Сўнгра у акаси Леога кўнғироқ қилади: “Ука, мен сени ёнингга бера олмайман. Кечир мени. Мен диндор католикман. Мени сенга берадиган пулим йўқ”.

У дўстига кўнғироқ қилади. Телефон гўшагини дўстининг хотини олади ва Ҳанс дўстини телефонга чақиришни сўраганда у қўйидагича жавоб олади: “Дўстингиз уйда йўқ. Муаммонгиз бўйича телефон қилаётган бўлсангиз биз сизга ҳеч қандай ёрдам бера олмаймиз”. Яна у бир неча кишиларга кўнғироқ қилади ҳеч қандай самарасиз. Кўп қийинчиликларни бошидан кечирган Ҳанс фақат унинг ўзи муаммолари меҳнат қилиш, ишлаши орқали ҳал қилишига тушуниб етади. Ниҳоят, Ҳанс ўз касби билан жиддий шуғулланишга аҳд қилади ва унинг ҳаёти ўз изига туша бошлайди.

Хулоса қилиб шуни айтса бўладики , ёзувчи Хайнрих Бўлл романда бош қаҳрамон Ҳанс Шнир образини ўта таъсирчан талқин этган. Ҳанснинг ички кечинмалари, тушкунликка тушгандаги ҳолатлари таъсирли тасвирланган. Ҳанс хасислик, иккиюзламачилик, мунофиқлик, хоинлик каби салбий хислатли инсонлар билан тўғридан-тўғри курашмаган бўлсада, уларга нисбатан бўлган нафратини ҳеч қачон яширмаган ва бу инсонларга қарши ёзувчи Ҳанснинг ижобий фазилатларини тасвирлаган. Ҳанс ишчан, ҳалол, севгисига содик, бойликка ҳирс қўймаган инсон.

Ёзувчи бу романда меҳнат қилиш, ишлаш орқали барча қийинчиликларни, муаммоларни ҳал этса бўладиган ғояларини илгари суради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Энциклопедия литературных произведений. Под редакции С.В. Стахорского. М. ВАГРИУС. 1998.
2. Heinrich Böll. "Ansichten eines Clowns". Roman. Verlag. Kiepenheuer Witsch.
3. www.deutschlehrer.de

HAYNRICH BO'LLNING HAYOTI VA IJODI

Ro'ziyev M.Q., Ro'ziyeva D., BuxDU

Tayanch soʻzlar: Haynrix Teodor Boʻll, Koʻln, Yask Kelli, Germaniya Fedarativ Respublikasi, GeorgBuyusher, Nobel mukofoti, Xonim bilan guruh portreti, Bozixayn Mertini

Ключевые слова: Генрих Теодор Белл, Кёльн, Яск Келли, Германская Федаративная Республика, Георг Бьюшер, Нобельская премия, Групповой портрет с фройлайн, Бозихайн Мертини.

Keywords: Heinrich Theodore Böll, Cologne, Jask Kelly, Federal Republic of Germany, George Buyusher, Nobel Prize, The portrait of group with Mrs. Mertini Boseihayn.

Аннотасија: Mazkur maqolada buyuk nemis yozuvchisi Haynrix Boʻll toʻgʻrisida soʻz yuritiladi. Haynrich Boʻllning hayoti va ijodi toʻgʻrisida, shuningdek uning mashhur asarlari toʻgʻrisida qisqa maʼlumot berilgan.

Аннотация: В статье говорится о великому немецкого писателю Генриха Белла. В статье излагаются данные о жизни и творчество Генриха Белла и его о некоторых знамитых произведение.

Annotation: This article is about the great German writer, Heinrich Böll. This article provides a brief overview of the life and literary works of Heinrich Böll, as well as his famous works.

Haynrix Teodor Boʻll 1917-yil 21-dekabrda Germaniyaning Koʻln shahridagi hunarmand oilasida tugʻilgan. 1924-yildan 1928-yilgacha katoliklar bilim yurtida tahsil olgan. Soʻngra oʻqishni Koʻln shahrdagi qirol Vilgelm gimnaziyasida davom ettirgan. U bu davrlarda duradgorlik sirlarini ham oʻrgangan va keyinchalik kitob magazinida ham oʻz ishini davom ettirgan. Haynrix Boʻll maktab oqib yurgan paytidan boshlab sheʼrlar, hikoyalar yoza boshlagan. Gimnaziyani 1936-yilda bitirgach u kitob magazinida sotuvchiga yordamchi boʻlib ishlagan. Gimnaziyani bitirganidan bir yil oʻtgach u qirol mehnat xizmatida ishlaydi.

1939-yil yozda Haynrix Boʻll Koʻln universitetiga oʻqishga kiradi, ammo kuzda u harbiy xizmatga chaqiriladi. 2 jahon urushi yillarida u ixtiyorsiz ravishda Fransiyada jang qildi. Ukraina va Qrimdagi janglarda qatnashdi. 1942-yilda Haynrix Boʻll Ats Merri ismli ayolga uylanadi va ularning ikkita oʻgʻil farzandlari dunyoga keladi. 1945-yil aprel oyida Haynrix Boʻll amerikaliklarga asirga tushadi. U bu asirlikdan qutiladi va ushbu asirlikdan soʻng u usta duradgor boʻlib ishlaydi. Soʻngra Yask Kelli universitetiga oʻqishga kiradi va u erda filologiyani oʻrganadi.

1947-yildan boshlab u oʻz asarlarini nashr qila boshlaydi. Uning birinchi asari „Poyezd oʻz vaqtida etib keldi“ qissasi edi. Bu qissani u 1947-yilda yozgan edi. Soʻngra „Yoʻlboshchi agar kelganda“ hikoyalar toʻplami (1950-yil) , 1951-yilda esa „Adam sen qayerda eding“ romanini yozdi.

1950-yilda Haynrix Bo'll 47 lar guruhiga a'zo bo'ldi. 1952-yilda „Eskirgan adabiyotning tan olinishi“ maqolasini yozdi va bu maqola keyinchalik katta shov-shuvga sabab bo'ladi. Bu maqolada u yangi, oddiy va haqiqatg'o'y, aniq voqelikka asoslangan zamonaviy nemis tilini yaratilishga chaqirdi. U „Bilish nazokat Rodjestvoda“, (1952) „Doktor Murkeyning jim bo'lishi“ „Odatiy kishilar shahri“ (1959), „Qachonki urush boshlanganda“ (1961), „Qachonki urush tugaganda“ (1962) kabi hikoya to'plamlari kitobxonlar va tanqidchilar tomonidan katta shov-shuvlarga sabab bo'ldi. 1951 yil yozuvchi „Qora qo'y“ hikoyasi uchun 47-lar guruhida mukofot bilan taqdirlandi. Bu hikoyada u oilasi qonunlari bilan yashashni xoxlamaydigan bir yigit haqida hikoya qiladi. Haynrix Bo'll bosqichma-bosqich hikoyalardan keng ko'lamli asarlar yozishga kirishdi. 1953 yilda „Bir og'iz ham gapirmadi“ qissasini yozdi va bir yildan so'ng esa „Xo'jayinsiz uy“ romanini yozdi. Bu asarni yozuvchi urushdan keyingi qiyinchilik yillarida boshdan kechirgan ijtimoiy va ruhiy muammolari to'g'risi yozadi. 1954 yilda yozilgan „Oldingi yillarda Ko'ln“ qissasida u urushdan keyingi birinchi yillardagi murakkab, ko'p qayg'uli ruhiy dardga ega bo'lgan yosh yigitligi, og'ir, kambag'allikdagi hayotini tasvirlaydi. Haynrix Bo'llning butun GDR(Germaniya demokratik respublikasi)va GFR (Germaniya federativ respublikasi)da katta o'bro', shon-shuhratga ega bo'lgan asarlaridan biri „Soat 9 yarimdagi billiard o'yini“ romani bo'ldi. Nemis adabiyotshunosligiga ravnaqli hissa qo'shgan yana katta asarlaridan biri 1963-yilda yozilgan „Masxarabozning qarashlari“ romani hisoblanadi.

Haynrix Bo'll xotini bilan birga amtrikalik yozuvchilar Bernard Modemud va Diorema Crabilarning asarlarini nemis tiliga tarjima qildi. 1967- yilda Haynrix Bo'll „Georg Byusher“ komediyasi uchun nemis mukofotiga sazvor bo'ldi. 1971-yilda yozuvchilar uyushmasiga prezident etib taynlanadi.va 1973-yil esa butunjahon yozuvchilar uyushmasiga prezident bo'ldi va bu lavozimda 1974-yilgacha ishladi.1969-yilda televedeniyada Haynrix Bo'll tomonidan sur'atga olingan. „Yozuvchi va uning shahri“nomli hujjatli film premeriyasi namoish etildi. 1967-yilda u Moskva,Sank-Peterburg, Tushka shaharlarida bo'ldi va bu hujjatli film uchun material to'pladi.

1972-yilda Haynrix Bo'll nemis yozuvchilaridan 3-bo'lib,Nobel mukofotiga sazovor bo'ldi. Nobel mukofotining berilishiga asosan uninguning 1971-yilda yozilgan „Xonim bilan guruh portreti“romani katta sabab bo'ldi. Bu romanda u XX-asrda Germaniya shahrini yaratgan edi.

1974-yilda Haynrix Bo'llning „Katarina Blummning yo'qotilgan obro'yi yoki zo'rovonlik qanday paydo bo'ladi va u nimaga olib keladi “. Qissasi e'lon qilindi.Bu qissada u oddiy insonni shaxsiy hayotiga matbuotning aralashuvi to'g'risida hikoya qilgan. Shundan so'ng u yana „Bonnbonlik obrazi“, „Qurshovdagi mehribonlik“, „ Bolaga nima bo'ldi“ kabi romanlarni yozdi.

Haynrix Bo'll 1985-yil 19-iyulda Kyoln shahriga yaqin joylashgan Bozixayn-mertini shaharxasida vafot etdi. 1987-yilda nodavlat Haynrix Bo'll fondi tashkil etildi. Bu tashkilot sun'iylik bilan ekoklogiyaga ta'sir,inson-huquqlarini himoya qilish kabi loyihalarni qo'llab quvvatlagan.

XX asrning buyuk yozuvchilaridan biri bo'lgan H.Bo'llning ijodi har doim nafaqat Germaniyaning o'zida balki chet ellarda ham ilmiy tadqiqotchilarning va tanqidchilarning diqqat e'tiborida bo'lgan.Yozuvchining asarlariga bo'lgan qiziqish, ko'p yillar davomida, u o'z asarlarida hozirgi zamonning muhim masalalarini yaqqol va real aks ettirganligi sabab bo'lgan .

„O'zgaruvchanlik va o'garmaslik “- degan Tomas Mattning Haynrix Bo'lga bergan ta'rifida, to'liq holatda, „Soat 9 yarimdagi billiard o'yini“,„Masxarabozning qarashlari“, „Xonim bilan guruh portreti“ romanlarida o'z aksini topgan.O'zgaruvchanlik sifatida Haynrix Bo'll donishmand real voqeylikni ko'ra biluvchidir.O'zgarvaslik sifatida u insoniyat va dunyo taqdiriga o'z gummanizmi va adolatli jihatlari bilan qarashidadir.

Tanqidchi Alor shundaq deb yozgan edi.“–Haynrix Bo'll yangi dunyoni kulgili va yetarli iztirobiylik bilan, o'z ishining nomardlariga, kuchli g'azabi bilan ifoda etadi”.

Haynrix Bo'll jahon miqyosidagi yozuvchidir. Uning jahon badiiy adabiyotiga qo'shgan hissasi bebahodir. U nemis yozuvchisi va jamiyat fuqarosi sifatida o'z asarlarida falsafiy ma'nolarni ifodalaydi.

Haynrix Bo'llning ijodi uchun eng xarakterli tomoni, bu asar shaklining muhim mazmunidir.Unda predmet realligi mos kelmasligi mumkin, ammo xotira va eslashdan iborat

bo'lib, bu asarning shakliga taaluqlidir. Shuning uchun tevarak atrofni aniq va estetik tasvirlashda Haynrix Bo'll ijodida asarni shakl va mazmunini mos kelishidadir. Shu asnoda H. Bo'll juda ko'p ijod qilgan. Haynrix Bo'll bu haqida o'zi shunday yozgan edi. " – Mazmunning tahlili bilan juda ko'p ishlash kerak. Asarning mazmuni – bu uning asosidir, u sovg'a sifatida beriladi, avvo sovg'a qilingan otning tishiga qaramaydilar. So'zlarni to'plash, ularning sintaksini o'rganish, tahlil qilish, sinchiklab bo'lib olishdir va shunda qanday jo'rlikda, qanday sintaksis bilan, qanday boy lug'at zahirasi bilan, insoniy va ijtimoiy muammolarning buzilishlari, mamlakatimizda namoyon bo'ladi. H. Bo'll asar materialiga uncha e'tibor bermaydi, u uchun voqeyilikni qayta ishlash poetik jarayoni muhimdir. H.Bo'llning asarlarining markaziy mavzularida – kelajakni o'tmish bilan ifodalashdir. H.Bo'll "Masxarabozning qarashlari" ayni aytganlarimiz namoyon bo'ladi. Kelajak va o'tmish mavzularini H.Bo'll chuqur va ko'p tomonlama ochib beradi, buning uchun buning eng muhim usuli "vaqt oralig'i"dir. Vaqt muammosiga murojaat qilish Haynrix Bo'llni XX asrning eng buyuk namoyandaligidan biri S.Menguy bilan bir qatorda qo'yadilar .

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Турков.А. "Счастливец" Белль. Дружба Народов.М.2005г.С. 211-213.
2. Копелев.Л. "О Генриха Белле" Иностранная литература. М.1988г. С. 218-225 .
3. Reich Ranicki. "Über Heinrich Böll" München. Deutschen Taschenbuch Verlag.1994 .- 128 s .
4. www.deutschlehrer .de

ТОМ СОЙЕРНИНГ БЕТАКРОР ТАБИАТИ

*Sadullaev F.B., BSU Teacher
Kudratova S.O., BSU student*

Key words: realism, upbringing, character, teenager, outlook

Annotation: In the following article the peculiar features of Tom Sawyer in the novel "the Adventures of Tom Sawyer" by Mark Twain are analyzed.

Марк Твен XIX аср реализмининг етук намояндаларидан бири бўлиб, унинг асарлари ўзининг тили, услуби, жарангдорлиги ва таъсирчанлиги билан ажралиб туради. У жамиятнинг барча аъзолари – оддий халқдан тортиб ҳокимият юқорисидан турганлар ҳаёти ва уларнинг жамият билан муносабатини асарларида ёритиб беради.

Марк Твен ўсмирлар образи орқали ўша давр тарбия тизимини, ахлоқни, черков ва "якшанбалик" мактабининг зерикарли, қолоқ, сохта муҳитини кўрсатиб беради. Том черковга мажбурият туфайли боради; мактабда эса билим эмас, калтак, ҳақорат ва кўр-кўрона ёдланадиган тушунарсиз, узундан-узук нутқ , Доббинсга ўхшаган ароқхўр муаллимлар бор. Шунинг учун ҳам Том том маънодаги эркинлик, ўзгача қизиқишлар, саргузаштларга интилади.

Том ҳақиқий ҳаётни китобларда кўради: китоб қахрамонларидек каттиқ тошларда ётишни, қўпол ва йиртиқ кийимлар кийишни, бошига кул сепишни, ёмғир остида соатлаб туришни, қисқаси романтикани ёқтиради. Том бировнинг хусусий мулкни сўроқсиз олишни жиноят деб ҳисобласа, улар оролга кетишдан олдин гўшт ўғирлашади, Жоннинг хазинасини ўмаришни шараф ва қахрамонлик деб билашади. У ярим тунда қабристонга ўлик мушук билан боришга, ўликлар ва арвоҳлар маконидан хазина қидиришга ўзида журъат топа олади-ю, жамиятнинг тартиб-қоидалари, урф-одатлар олдида баъзан ожиз қолади. Том саргузаштлар, хатарли ишлар, қахрамонлика ўч. Қачон ва қаерда, нима хунар кўрсатмасин, Том самимий ва бетакроп, дунёқараши, хаёлотини бой ўсмир.

Марк Твен ўсмирлар тилидан саволга жавоб излайди. Нахотки олтин, бойлик бахт келтирса? Якшанбалик мактабларидаги саводсиз муаллимлар болаларга билим бера оладими? Диний маросимлар ва одатлар хўжақўрсингами? Ўша вақтларда маҳаллий педагогларнинг нуқтаи назари бўйича, тарбия беришнинг энг яхши усули таёқдир. Уйда Полли холаси, мактабда эса ўқитувчисидан калтак ейдиган Том кейинчалик буни одатий

ҳол деб қабул қилади. Жисмоний зўравонликдан ташқари якшанбалик мактаблар ташкил қилишар ва унда мажбуран Инжилни ёдлатишарди. Мана шундай ўтқир кинояли кўриниш орқали Твен болаларга нотўғри тарбия берилаётганлигини кўрсатади. Айнан болалар асарда зўравонликка қарши кўзғолон кўтаришади. “Зиёли оилаларнинг хўрланган болалари” Томга ҳавас қилишади. Ўқитувчиларнинг калтаклари, руҳонийнинг нутқ сўзлашлари Томнинг ички дунёсини ўзгартирмайди, унинг ҳис-туйғулари ўз табиийлигини сақлаб қолади. Бу эса Твеннинг ҳақиқий психолог эканлигидан далолат беради. У болалар образини шундай бетакрор тасвирлайдики, унинг учун ёзувчи дунёга ўсмир кўзи орқали боқиши керак бўлади.

Асарда уч воқеа-Том Соьернинг Бекки Течерга бўлган муҳаббати, қабристондаги қотиллик ва хазина излаш тарихи бир-бирига боғланмаган ҳолда, алоҳида-алоҳида ривожланади. Томнинг онгида ҳам улар бир-бирига боғланмайди; чунки ҳали бола бўлганлиги учун бир вақтнинг ўзида ҳар хил нарсалар ҳақида ўйлай олмайди. Одатда у бир иш билан шуғулланганида, бутун диққатини фақат ўша ишга қаратади.

Асардаги бола дунёқарашининг табиийлиги инсоннинг нормал ривожланиши асосларидан бири сифатидан тасдиқланади. Бундан ташқари,

Том образи бетакрор шахс сифатида тан олинади. У Америка адабиётининг реалистик портретини яратишда асосий ўрин эгаллайди. Мактабда аълочи бўлмаса ҳам, шўх, кашфиётчи, ўғил болалар ўйинининг сардори – Том Соьер ўзининг қобилятлиги ва зукколиги билан ажралиб турарди. Ҳаттоки ёзувчи қахрамонига шундай жарангдор исм танлайдики, шу исм ҳам уни ўзига хос характерли бола бўлиб етишишига олиб келади. Томнинг ички дунёси турли ва қарама-қарши интилишлар, ҳис-туйғулар, фикрларга тўла. Романтик ва хаёлпараст Том керакли вақтда ўз ишбилармонлигини, мардлигини кўрсата олди. У деворни оклашда шундай моҳирона дўстларини ишлатадики, ўзини ҳам бундай зерикарли ишдан, ҳам Полли холасининг нолишидан холи қилади.

Томнинг ҳатти-ҳаракатлари, фикрларида қувноқлик, ҳаётга бўлган қизиқиш ётади. У атрофидаги барча нарсаларга қизиқиш билан қарайди. Ҳаёт у учун мўъжизага тўла, ҳаттоки қароқчилар ҳақидаги китоб унга ҳаётни ёрқин ва ғайриоддий қилиб тасвирлайди. Унинг мақсади ҳаётнинг ички қирраларини очиш, уни “занжир”лардан озод қилиш эди. Якшанбалик мактаблар, черковга қатнаш унинг учун зерикарли эди. Лекин мана шу зерикарли ҳаёт ортида ёрқин ва мўъжизавий дунё борлигига ва унга эришиш осонлигига ишонарди. У ўзича мўъжизавий табиат кашф қилади ва унинг ўйинлари кашфиётининг қуроллари бўлиб хизмат қилади. “As Tom wended to school after breakfast, he every boy he met because the gap in his upper row of teeth enabled him to expectorate in a new and admirable way”. Ёки Сид қандондан бир чакмоқ қанд ўғирлаганда ва Полли хола Томни айблаганида, Том бундай адолатсизликка қарши ўзида куч топа олади. У хаёлан ўзини таъзия маросимини тасвирлайди, Полли холанинг кўз ёшлари, Сиднинг пушаймон бўлиши кўз ўнгидан ўтади ва мана шу тасавури орқали ўзини юпатгандек бўлади.

Ўқувчи “Том Соьер”ни ўқиётган вақтда дунёга Томнинг кўзи билан назар солади ва шу дунёни қайта кашф қилгандек бўлади. Марк Твеннинг кашфиёти нафақат болалар, балки бутун Америка адабиётида муҳим ўрин эгаллайди. Унда ёзувчи буюк ижодий ғояни илгари суради, соғлом ва қалби пок инсон ички дунёсининг гўзаллигини куйлайди. Шунинг учун ҳам ушбу асар танқидий реализм остонасида турган Америка адабиётига кенг имкониятлар очиб бера олди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Засурский Я.Н. “Марк Твен и его роль в развитии Американской литературы” – М.: “Наука”, 1987
2. Мещерякова Н.К., Чернявская И.С. “Зарубежная литература для детей и юношества” Часть II – Москва: “Просвещение”, 1989
3. Соловьёва Н.А., Головенченко А.Ф., Петраш Е.Г. “Зарубежная литература XIX века. Реализм”- Москва: “Высшая школа”, 1990

“ГҶРҶҒЛИ” ДОСТОНЛАРИДАГИ ЭПИК СЮЖЕТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА МИФОЛОГИЯ

Сариев С.М. – УрДУ

Калит сўзлар: “ГҶрҶғли”, эпик анъана, мифология, оғзаки ва кўлзма вариантлар, сюжет асослари.

Ключевые слова: “Гёроғлы”, эпическая традиция, мифология, устные и рукописные варианты, основы сюжета.

Key words: “Gorogly”, epic tradition, mythology, oral and manuscript versions, the basics of the subject.

Аннотация: Ушбу мақолада “ГҶрҶғли” достонларининг шаклланишига асос бўлган жиҳатлар, мифологиянинг ўрни хусусида сўз юритилади. Шу асосда мазкур достонлар вариант ёки алоҳида достон эканликлари ёритиб берилган.

Аннотация: В данной статье обсуждается роль мифологии в создании дастанов «Гороғлы». Исходя из этого, эти стихи описаны как вариант или отдельное стихотворение.

Annotations: This article discusses the role of mythology in creating the dastans Gorogly epic. Based on this, these verses are described as an option or a separate dastans.

Маълумки, “ГҶрҶғли” туркуми достонлари асосан XVI асрларда шакллана бошлаганлиги сабабли уларда мифологиянинг излари ўзини намоеън қилиб туради. Масалан, ГҶрҶғлининг мўъжизавий туғилишининг ўзиёқ мифологияга бориб боғланади. ГҶрҶғлининг дунёга келиши туғилмасидан анча олдин бобосига туш орқали аён бўлади. Ўзбек фольклорида туш мотиви жуда кенг тарқалган бўлиб, унинг илдизлари қадимги мифология билан боғланиб кетади. “Туш лавҳасининг асоси битта - инсон руҳий дунёсининг рамзидир. Туш ва миф шарҳланар экан, тадқиқотчидан улардаги “рамзлар тилини” билиш талаб этилади” [1.107].

“ГҶрҶғлининг туғилиши” достонида унинг бобосининг тушига “олтин ошиқ” киради. Кўринадики, бу ерда ҳам рамзни – “ўғил туғилиши”ни англатади. Мазкур тушдан кейин чол тинчини йўқотади ва сал ўтмай унга мазордаги бола ҳақидаги хабарни келтирадилар [2.9]. 3150-инв. рақамли кўлзмада эса Жиғолибекнинг тушига ҳазрат Шохимардон кириб: “*Эй, Жиғобилек, ўрнингдан турғил. Ўлган келинингнинг қабрини кўргил, не ажаб воқеа кўрарсан*” дедилар [3.5]. 9590-инв. рақамли кўлзмада ҳам Жиғолибекка қабрдаги чақалоқ ҳақида шу тарзда хабар берилади [4.1]. Одилбек ГҶрҶғлининг отаси бўлиб, Чамлибелнинг ҳукмдори Жиғолибекнинг ўғли эди. Одилбек отасидан кейин Чамлибел халқига сардорлик қилади. Бироқ тез ўтмай ўзи, сал кейин ҳомиладор аёли ҳам вафот этади.

Кўринадики, эпик қаҳрамонларнинг туғилишининг ўзи “мўъжизавийдир”. Яна шуниси эътиборлики, кўпчилик эпик қаҳрамонни дастлаб бўри, байтал, кийик ёки эчки эмизиб боқади. ГҶрҶғлини ҳам эчки ёки байтал эмизиб боқади. “Тулумбий” достонининг бош қаҳрамони Эдигони ҳам эчки эмизиб боқади [5.68]. Ж.Фрезер эса эчкини ҳосилдорлик культларига боғлайди [6.104]. Шунингдек, уни кўпгина халқларда, жумладан, оссурияликларда илоҳий ҳайвон сифатида тан олиниши қайд қилинади [7.424]. Эчкининг илоҳий ҳайвонлиги билан алоқадор маросимлар Хоразмда яқинларгача яшаб келган. Жумладан, Хоразмдаги пўрхон (парихон)лар айрим беморларни даволашда эчки териси ёки жунидан фойдаланганлар [8.192].

Фикримизча, эчки қадимда Марказий Осиёда яшовчи айрим қавмларнинг тотеми сифатида эъзозланган бўлиши мумкин. Айрим манбалардаги эчкининг Зардушт шахсига бориб тақалиши, уни эмизиши, унга ҳомийлик қилиши буни муайян даражада тасдиқлаши мумкин.

ГҶрҶғли образининг кейинги фаолиятига разм солинса ҳам кўпгина мифологик тасвирларни кўриш мумкин.

Даставвал у чилтанлар маконига дуч келади. Улар ГҶрҶғлининг келажак тақдири ҳақида башорат қилишади. Унинг енгилмас баҳодир бўлиб етишиши, оламга доврўғ солиши, отга, яроғга эга бўлиши, 120 ёш кўришини айтишади. Кейин у эпик қаҳрамонларга хос баҳодирлик хусусиятларини намойиш этади. Уч ботмон ёйин кўтаради. Отган ўқи етти филни тешиб ўтади.

Гүрүғли портретига разм солганда ҳам мифологик тасвир яккол кўзга ташланади: *“Ерга урса осмонга учаман деб турган отни минган, кўзлари ёниб турган, ҳар елкасида бир ҳўкизни бемалол кўтарадиган, ҳайбатли йигит”* [2.32], *“Гўрўғлининг ҳар одими тўрт газ”* [2.68].

Агарда ушбу тасвирларга диққат қилинса, Гўрўғладаги ғайритабиий куч-қудратга ишора қилинишн сезилади.

Фольклоршунос Н.Криничнаянинг фикрига кўра, эпик қаҳрамон портрети кўпроқ ўша халқнинг тотемик табиати билан боғланиб кетади [11.60]. Шу жиҳатдан қараганда, Гўрўғлига берилган тасвирлар кўпроқ, от тотемини эсга солади. Негаки, унда отга хос келбат, куч-қудрат, жасорат, бардош ва ирода мужассамлашган, Дарвоке, қадимги Хоразмда яшаган массагетларнинг тотеми от бўлганлигини [12.68] ҳам унутмаслик лозим.

Эпоснинг “Хирмондали” шохобчасидаги Хирмондали образига мифологик хусусиятлар ҳам эътиборга лойиқ. Достоннинг Бола бахши – Қурбонназар Абдуллаев вариантыда ҳикоя қилинишича, унинг онаси хурмо мевасини егач, Хирмондалига бошқоронғи бўлади. Қизнинг исми ҳам хурмо меваси билан боғлиқ. Ушбу мотив ҳам жуда қадимий бўлиб, инглиз фольклоршунос Ж.Фрезернинг маълумотга кўра, унинг илдизлари ўсимлик маъбуди Аттис билан алоқадордир. Аттиснинг онаси ҳам ўз кўкрагига бодом ва анор мевасини қўйгач, Аттисга ҳомиладор бўлади [13.203]. Ушбу мотив фанда партеногенез номи билан юритилиб, бошқа халқлар оғзаки ижодида ҳам кенг тарқалган [7.424].

Хирмондали образи достонда паҳлавон киз сифатида таъриф этилади. Унинг портретига разм солинса, қуйидаги тасвирни кўрамиз: *“Хирмондали қизга 40 йигитнинг кучи-қуввати, 40 йигитнинг муллалигим, ҳазрати Сулаймоннинг тожи-тахти, Юсуф-Зулайхоннинг хушсуратлиги берилди... Гўрўғли қараса ойдай тўлиб, қуёш билан чақилишиб, оқ-оппоқ, юпқа дудоқ бир қиз тилло курсида ўтирибди... У Гўрўғли билан кураш учун қирқ қўйнинг жунидан тўқилган чакмонини кийиб, қирқ қулоч арқонни белига боғлаб, майдонга чиқди”* [2.10].

Ушбу тасвирни “Авесто”даги Анахита таърифига солиштирайлик: *“Ардвисура-Анахита жаҳон паҳлавонларига хос келбат ва салобат билан яратувчи Мазда ҳузурида келмоқда.. Оппоқ ва бақувват билаклари-ю, бўйинларидаги тақинчоқлар кўзни қамаштиради. Ман-ман деган баҳодирларни менсимайдиган у нозанин гоятда оқила ва андишалидир. Ардвисура-Анахита 300 мода бабир терисидан жома кийган”* [16.14-15]. Ардвисура Анахита уч юзта урғочи йўлбарс терисидан жома кийганлиги унинг неқадар баҳодирлигидан далолат беради. Мазкур эпик сюжет Шота Руставелининг “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” поэмасига асос бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Ниҳоятда чиройлилиги билан ажралиб турган йўлбарс терисига қадимдан то ҳозирги кунгача алоҳида эътибор бериб қаралади. Кўпгина халқлар, жумладан, ҳиндистон, европанинг айрим халқлари ва Ўрта Осиёнинг айрим халқларида йўлбарс терисини уйларга осиб қўйиш удум бўлган. Чунки, бу ўша ҳайвоннинг кучлилиги, унинг кўркмаслигига нисбатан бўлган қайсидир маънодаги инонч-эътиқодни билдирган.

Агарда Хирмондали билан Анахита портретларини қиёсласак, улар ўртасидаги кўплаб хусусиятларда муштараклик кўзга ташланади. Жумладан, ҳар иккаласи ҳам маънавий етук, ниҳоятда гўзал, жисмонан бақувват. Бир сўз билан айтганда, Хирмондали образига ҳар томонлама Анахитага хос бўлган барча хислатлар жамулжамдир.

Демак, “Гўрўғли” эпоси жамият тараққиётининг нисбатан кейинги босқичларида шаклланган бўлса-да, унда мифологиянинг қадимги излари, хусусан, “Авесто”даги образларнинг сезиларли таъсири ўзини намоён қилиб туради. Туркман версиясида ҳам Гўрўғлининг гўрда туғилиши талқин қилинади. Ушбу версияларда қаҳрамоннинг отаси от учун жазоланиб кўр қилинади.

Демак, достоннинг шарқий версияси сюжет ва мазмун жиҳатидан ғарбий, жумладан, Озарбайжон ва Кичик Осиё вариантларидан фарқ қилади. “Гўрўғли” эпосининг озарбайжон ва кичик осие версияларидаги қаҳрамон Гўрўғли от учун кўзи кўр қилинган кишининг фарзанди ҳисобланади. Озарбайжон эпосида Гўрўғли ёшлиқ йилларида унга нисбатан Гўрўғли исми айтилмайди. Уни Равшан деб номлайдилар.

Озарбайжон Гўрўғлишунослари Гўрўғли номини унинг аждодлари, уруғлари, сулолаларига қўйилган лақаб нисба сифатида келтириб ўтадилар ва у билан боғлайдилар. Шунингдек, қуйидаги номлар билан ҳам боғлайдилар: Гўрўғли, Гўрўғли, Қораўғли. Булар ўз навбатида қуёш, ёруғлик, қоронғилик билан алоқадорлик касб этади [17.144-145].

Қизикарли томони шуки, Гўрўғли номининг пайдо бўлиши унинг отасининг кўр қилиниши билан боғлиқ бўлиб, отаси кўр қилингандан кейин пайдо бўлган.

Гўрўғли номи эпос қахрамонининг эпик номи ҳисобланади. Унинг тарихий асослари ҳам мавжуд. Жумладан, Сафавийлар даври тарихчиси Искандарбек Мунший Гўрўғли Жалолоийлар ҳаракатининг энг олдинги йўлбошчиси, деб кўрсатиб ўтади. Гўрўғли номи ва сўзи у асосан бош қахрамонни, уруғ, қабила ва бошқаларнинг номи, деб изоҳлайди. Бу жиҳатлар озарбайжон Гўрўғлисида тўла ўз аксини топган. Шу тариқа уруғ ёки халқ номини ифодаловчи этноним эпосда исми билдирувчи эпонимга айланган [18.174-175]. Бошқача айтганда, эпоснинг муаллифи деб ҳисобланган ашиг-бахшининг исми Равшан бўлиб, унинг лақаби Гўрўғли, у билан алоқадор уруғ номи Гўрўғли деб аталганлиги қайд қилинади [17.150].

Эпосда тасвирланишича, Равшан ўзининг кўр қилинган отаси учун қасос олишга қарор қилганидан кейин Гўрўғли деб аталиб бошлаган. Шубҳасиз, агарда халқ ёки дoston ижодкорлари ва эпос ижрочилари Гўрўғли нисбасини унинг қахрамонлиги, жасурлиги, мардлиги ва довюраклигига қараб берганларки, бу номни унинг фазилатлари ва эпосдаги хусусиятларига қараб берганлар. Кўринадики, халқ оғзаки ижодида яратилган Гўрўғли – Равшан ва тарихда яшаб ўтган Гўрўғли биргаликда кўшилиб, бизга маълум ва машҳур эпоснинг версияларидаги қахрамоннинг тимсоли яратилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Эшонқул Жаббор, Фольклор: образ ва талқин, Қарши, 1999, 107-бет.
2. Гўрўғли. Урганч, “Хоразм”, 2003. -Б.9.
3. Ўз Р Фа ШИ кўлёмалар фондида сақланаётган 3150-инв. кўлёмма, 5-бет.
4. Ўз Р Фа ШИ кўлёмалар фондида сақланаётган 9590-инв. рақамли кўлёмма, 1-бет.
5. Криничная Н. Персонажи преданий: становление и эволюция образа. Л., 1988. – С.68.
6. Хомидий Х. Зардушт, // “Тафаккур”, 2001, №1 104-бет.
7. Фрезер Дж.. Золотая ветвь, М. 1986. -С. 424.
8. Фрезер Дж.. Фольклор в ветхое завете, М., 1989. -С. 192.
9. Гўрўғли. Урганч, “Хоразм”, 2003. 32-б.
10. Гўрўғли. Урганч, “Хоразм”, 2003. 68-б.
11. Юсупов Ж. Хоразм эртаги ва ҳаёт ҳақиқати. Т., 1997, 60-бет.
12. Криничная Н. Персонажи преданий: становление и эволюция образа. Л., 1988. -С68.
13. Толстов СП. Древний Хорезм, -М.: 1948. –С. 203.
14. Фрезер Дж.. Золотая ветвь, М. 1986. -С. 424.
15. Гўрўғли. Урганч, “Хоразм”, 2003. 10-б.
16. “Ўзбек тили ва адабиёти”. 2000, №3. 14-15-бет.
17. Тахмасиб М.Г. Азербайджанские народные дастаны (средние века). Баку. Издательство “Элм”. 1972. стр. 145-146.
18. Короглы Х.Г. Взаимосвязи эпоса народов Средней Азии, Ирана и Азербайджана. М.; Издательство “Наука”, 1983, стр. 174-175.

ҚИРҒИЗ ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИДА ТАҚИНЧОҚЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ВАЗИФАЛАРИ

Сулаймонова М.И.– АнДУ таянч-докторанти

Калит сўзлар: сеҳргарлик, афсун-дуо, узук, сирға, мунчоқ, билакузук, эртақ.

Ключевые слова: волшебство, мотива-заклинание, кольцо, серьги, бусы, браслет, сказка.

Key words: magic, prayer-spell, ring, earrings, beads, bracelet, fairy tale.

Аннотация: Мақолада қирғиз халқ эртақларидаги қахрамонларнинг ўз мақсадларига етишишидаги тақинчоқлар - узук, сирға, мунчоқ, билакузукнинг функционал вазифалари баён этилган.

Аннотация: В статье изложены функциональные задачи украшений – колец, серег, бус и браслетов в достижении своей цели героев кыргызских народных сказках.

Annotation: The article describes the functional tasks of jewelry – rings, earrings, beads and bracelets in achieving their goals of heroes of Kyrgyz folk tales.

Қирғиз фольклоршунослигида, қолаверса дунё фольклоршунослигида эртақлар болаларни яхшилик сари етаклашда муҳим дидактик аҳамиятга эга жанр ҳисобланади. Эртақларда кўпинча сеҳргарлик, афсун-дуолар устунлик қилади. Бу устунлик албатта эртақ сюжетидаги буюмлар орқали амалга оширилади. Бундай буюмларга узук, сирға ва бошқалар киради.

Узук кундалик ҳаётимизда аёлларнинг энг керакли буюми бўлиш билан бирга, эртақларда қаҳрамонларнинг мўжизакор ёрдамчиси вазифасини ҳам ўтайди.

Халқ эртақларида эртақ қаҳрамонлари ўз ҳаётлари давомида кўпгина муваффақиятларга эришишни хоҳлайдилар ва бунинг учун имкон ҳам излайдилар. Хоҳлаган тилаги амалга ошишини, шоҳона ҳаёт кечиришни орзу қиладилар. Албатта бу хоҳиш-истаклар оддий бир буюм кўринишидаги сеҳрли, ғаройиб буюмлар орқали қаҳрамоннинг тилаги бажо келтирилади.

Қирғиз халқининг «Алтын шакек» («Тилла узук») эртагида узук образи берилган. Узук эртақдаги воқеалар ривожда қаҳрамоннинг барча тилақларини амалга оширади. Эртақнинг бош қаҳрамони йигит. Эртақ вақеалари давомида йигит тақдирнинг турли хил синовларига дуч келади. Бу синовлардан ўтишда унга тилла узук ёрдам беради. Йигит узук ёрдамида хоҳлаган ниятига эришади: «Йигит бир куни «Отамнинг устида уй, отхонасида оти, қўйхонасида қўйлари, моллари бўлсин», деб тилла узукни ерга уради. Узук йигитнинг айтганларини бир зумда муҳайё қилади» [2,313]. Чол ва кампир асраб олган боласидан миннатдор бўлади.

Фольклоршуносликда эртақлардаги ғаройиб буюмларни, яъни узук, ойна, тош, китоб в.б. таснифлаш борасида бир қанча ишлар қилинган. Жумладан, Расулова З. «ғаройиб буюм»лар сеҳрли эртақ бадиий қурилишида муҳим композицион функция бажаришини ҳисобга олган ҳолда уларнинг вазифасига кўра полифункционал ёки кўп вазифали «ғаройиб буюм»лар ва монофункционал ёки бир вазифали «ғаройиб буюм»лар деб гуруҳлаштирган [3,33]. Бу гуруҳлашга кўра узук полифункционал кўп вазифали «ғаройиб буюм»ларга киради. Масалан, сеҳрли эртақлардаги учар гилам фақат эртақ қаҳрамонини айтган жойига етказиб қўйиш вазифасини бажаради. «Тилла узук» эртагида узук қаҳрамоннинг турли хил истақларини бажариб келмоқда: бойликка эришиш, севган ёрининг васлига етишиш, подшоҳнинг барча айтганларини бажо келтириш, ёвузлик устидан ғалаба қозониш. Айтайлик, пошоҳнинг барча айтганлари узукни ерга урилиши натижасида бажарилади: «...эшигимнинг олдида олтинлар уйилиб турсин, яйловларимда олтин ва кумушдан оқ саройлар солинсин. Оқ саройнинг ичида ёғ қўл билан сут қўл бўлсин. Ўша қўлларда олтин ва кумуш балиқлар ўйнаб турсин. Уйимнинг четига чинор билан кумуш терак экилсин. Терақларда олтин булбул билан кумуш булбуллар сайраб турсин. Қизимнинг қалини шу. Қалинни қирқ кун ичида бажариб, келинингни олиб кет» [2,313]. Подшоҳнинг солган қалини узук ёрдамида узилади: «Чол келиб боласига айтади. Йигит рози бўлади ва подшоҳнинг барча айтганлари муҳайё бўлсин, деб узукни ерга уради. Бир зумда узук боланинг барча айтганларини бажаради»[2,313]

Сеҳрли узук қандай инсоннинг қўлига тушишига қарамай у хох яхши инсон бўлсин, хох ёвуз бўлсин, унинг барча истақларини бажаради. Яхшилик тарафдори бўлган қаҳрамоннинг эгзу ниятлари узук орқали амалга оширилди. Мастон кампирнинг қўлига тушган узук унга ҳамроҳ бўлиб, унинг барча ёвузликларини бажаради: “Мастон кампир узукни бир кўрай, деб келиннинг қўлидан олади ва олтиммиш икки дуосини ўқиб, «шу келин менинг ўғлимнинг хотини бўлсин» деб узукни ерга уради. Шундай қилиб мастон кампир келинни ўзининг кал ўғлига хотин қилиб беради” Албатта, эртақларда ёвузлик устидан яхшилик ғалаба қозонади, узукни йигит қўлга киритади ва хотини, мушуги, хўрози, ити билан бахтли ҳаёт кечиради.

Қирғиз халқининг «Тоштук» номли сеҳрли эртаги да ҳам тақинчоқлардан бири бўлган сирғанинг рамзий маънода келишини кўришимиз мумкин. Эртақ кипчоқ уруғидан чиққан Эламон деган кишининг тўққиз ўғлига тўққиз қизли хонадонни қидириши билан бошланади. У излаб топа олмай, Ўрисхоннинг уйига келиб кўнок бўлади. Эламон уйнинг ичида илиниб турган саккизта сирғани кўриб, афсус қилади. Сўнг уй ичини синчковлик билан қидиради ва битта сирғанинг илиниб турганини кўриб қувониб кулиб юборади.

Бундан кўриниб турибдики, сирға фақат аёлларга хос буюм бўлганлиги боис Эламон сирғаларни кўриб, излагани шу уйдан чиқаётганидан хурсанд бўлади. Эламоннинг тўққиз ўғлининг энг кенжаси Тоштук ғайритабиий хусусиятга эга бўлади. Ўрисхоннинг кенжа қизи Кенжеке ҳам ақилли қиз.

Уй ичидаги битта сирғанинг алоҳида илиниб туриши ҳам рамзий маънода Ўрисхоннинг қизи Кенжекенинг Тоштукнинг ёри бўлишига ишора эди.

Қирғиз халқ сеҳрли эртақларидан яна бири «Чинибек» эртагидир. Унда тилла узук хабарчи вазифасини бажаради. Эртақда Қора хон Чинибекнинг аёлини ёктириб қолади ва унга эришиш учун Чинибекга ҳар хил топшириқлар беради. Бу топшириқларни бажаришда Чинибекнинг аёли Ойим сулув ёрдам беради. Қора хоннинг етти кунлик топшириғи билан йўлга отланган Чинибекга аёли от, қора қилич, олтин қўнғироқ ва олтин узукни беради. Хоннинг топшириғи шундай эдики, етти куннинг ичида доривор ўсимликнинг гулини олиб келиш, агар етти кун ичида олиб келмаса, аёли хонники бўлади.

Чинибекнинг аёли эрининг сафари олдидан хат ёзиб унинг чўнтагига солиб қўяди ва бу хатни чайладаги кампирга чап қўли билан беришини айтади. Чинибек аёли айтганидек бир чайланинг ичига киради. Унда бир кампир унга айрон қуйиб беради. Айронни ўнг қўли билан олиб, чап қўли билан хатни беради. Хатни ўқиган кампир Чинибекга ёрдам беради. Қудукнинг ёнига кун ботарда уч қизи келишини ва уларнинг кенжасининг кийими яшириб қўйишини ва «сенга тегаман» демагунча кийимларини бермаслигини айтади. Чинибек кампирнинг айтганини қилади. Кенжа қизининг кийимини яшириб қўяди. Чинибек «менга тегаман» десанг, кийимингни бераман, дейди. Кампирнинг кенжа қизи Чинибекга қанчалик ялинмасин кийимини бермайди. Охири қиз «сенга тегаман», деб ваъдасини бергандан кейин кампир келиб тўртта узукни тўрт томонга ирғитиб юборганда, ҳар тарафдан «тўй бўлар экан», деб одамлар кела бошлашади. Кампир катта тўй бериб қизини Чинибекга узатади. Чинибекга доривор ўсимликнинг гулини бериб жўнатади[1,226]. Бу жойда узук хабарчи вазифасини бажарди. Яъни, тўрт томонга хабар бериб, тўй бўлаётганлиги етказди.

«Отанинг вазияти» номли эртақда хон қизига қаллиқ танлаш учун йигитларни синаш мақсадида жар солади. Яъни, кимда ким қизининг минорасига минг зинали нарвон билан чикса, қизини ўша йигитга бермоқчи бўлади. Кўп йигитлар бу нарвондан чиқа олмай халок бўлишади. Лекин бир йигит қизнинг шартини бажаради. Қиз хайрон бўлиб, йигитнинг олдига келиб: «Юзингни менга кўрсат», деди. Йигит тескари қараб олади. Қиз: «Узугимни бераман, юзингни кўрсат», деб яна сўради. Йигит қизга қарайди, қиз йигитга: «Мана бу узук мендан сенга совға, Йўқотиб ёки синдириб қўйсанг, мендан умидингни уз» дейди. Йигит кетади.

Хоннинг қизи узук таккан қаллигини излаб, барча йигитларни чақиртиради ва қўлларини қараб чиқади. Навбат йигитга келганда, унинг қўлидаги узугидан танийди ва элга катта тўй бериб, мурод мақсадига етишади [1,263]

Бу эртақда узук функциясига кўра белги вазифасини ҳам бажариб келмоқда.

«Вазирнинг қизи» деган эртақда йигит ўз хотинини ташлаб, олис шаҳардаги хоннинг Сийпо деган қизини уч марта гапиртириб, ўзига хотин қилиб олиш учун йўлга отланади. Лекин хоннинг қизини гапиртира олмайди. Йигитнинг ақлли хотини Сийпо қизнинг олдига келиб, уни гапиртириш мақсадида унга эртақ айта бошлайди. Бу эртақда ҳам тақинчоқларнинг ўз вазифасида, яъни безак бериш вазифасида келганлигини кўришимиз мумкин: Қадимда ёғоч уста, темир уста, кийим тикувчи чевар ва битта мулла киши йўлга отланишибди. Улар йўлда отларини қўриқлаш учун навбатлашишади. Биринчи навбат ёғоч устага келади. У зерикиб ўтириб, ёғочни йўниб одам ясайди ва навбатни темир устага

беради. У ёғоч одамни кўриб, унга сирға, билакузук, узук, бўйнига мунчок ясаб тақиб кўяди ва навбатни чеварга беради. Чевар «ёғоч уста билан темир устанинг хунари экан бу», деб унга чиройли либосларни тикиб кийдириб кўяди. Эндиги навбат муллага келди. Мулла эса қадди қомати чиройли, тақинчоқлар билан безатилган ва бежирим кўйлак кийган ёғоч қизни кўриб, унга дуо ўқиб, жон киргизади.

Бизга маълум, тақинчоқлар аёлларга зеб бериш мақсадида, қолаверса, ёмон кўздан асраш мақсадида тақилади. Тақинчоқларнинг энг асосий вазифаси ҳам мана шудир. Юқоридаги «Вазирнинг қизи» («Обозгердин кызы») эртагида тақинчоқнинг худди шу, яъни безак бериш мақсадида ишлатилганлигини айтишимиз мумкин.

Эртақлар сюжетидаги тақинчоқлар воқеаларни ривожлантиришда, воқеалар ривожини бир-бирига улашда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, эртақ қахрамонларига ҳамроҳ бўлиш, муаммо тугунини ечишда белги вазифасини бажариш ва турли хил вазиятларни етказишда хабарчи, жарчи вазифасини бажариш функциясини ҳам бажаради.

Адабиётлар:

1. Балдар фольклору. Эл адабияты сериясы 20-том. Бишкек, «Шам» басмасы. 1998.
2. Кыргыз адабияты. Антология. Элдик балдар фольклору 4-том. Бишкек-2012.
3. Расулова З.Ж. Ўзбек халқ сеҳрли эртақларида «Ғаройиб буюмлар» (спецификаси, генезис ива бадиияти) мавзусида 10.01.09 – фольклоршунослик ихтисослиги бўйича ёзган дисс. автореферати. Тошкент – 2012

LES PARTICULARITÉS DU ROMAN «TAMBURLAINE LE GRAND» DE CH. MARLOWE

Sunnatova G.H. - école N.4

Kalit so'zlar: Fojia, qoidalar, sarlavha, Osiyo, etakchi, zabt etuvchi, janjal, davr, vaqt.

Ключевые слова: трагедия, правила, титул, азиат, лидер, завоеватель, драка, период, времена.

Mots clés: tragédie, règles, titre, asiatique, chef, conquérant, bagarre, période, temps.

Annotatsiya: Ushbu maqola Kristofer Marlou tomonidan yozilgan "Buyuk Tamburlen" romanining o'ziga xos xususiyatlari haqida.

Аннотация: в этой статье рассматриваются некоторые особенности романа Кристофера Марлоу «Тамбурлейн Великий».

Annotation: Cet article traite de certaines particularités du roman "Tamburlaine the Great" de Christopher Marlowe.

Christopher Marlowe est l'auteur de l'ouvrage «Tamburlaine the Great». Il était le plus grand dramaturge et le premier écrivain de tragédie de l'époque élisabéthaine en Angleterre. Mais est décédé trop jeune à l'âge de 29 ans, dans une bagarre. Si Shakespeare est décédé à cet âge, nous ne connaissions presque pas ses grandes œuvres créatives. Dès ses débuts, Marlowe obtient un titre «Le père de la tragédie anglaise», ici - la similitude entre Chistopher et Shakespeare, que les deux ont le même titre. Seul Christopher Marlowe l'a gagné beaucoup plus tôt. "Tamburlaine la grande" comme les premiers jeux de Christopher ont joué en 1587, sur la scène de Londres. Et comme c'était un succès, Marlowe décida d'écrire la deuxième partie et elle fut publiée en 1590. Le travail créatif fut la première pièce de théâtre anglaise dans le style des vers blancs (pentamètre iambique sans hymne). La pièce s'est concentrée sur le triomphe audacieux et passionnant du conquérant d'Asie centrale. Aussi puissant, puissant et intelligent que le personnage de Tamburlaine, le vers de Marlowe dans ces œuvres marque un changement majeur par rapport au style classique et basique des autres œuvres de la Renaissance. Il était sous l'influence de la Renaissance, pas seulement lui, tout le monde littéraire.

«Ce grand développement, qui s'est propagé de l'Italie à toute l'Europe, jouant un rôle décisif dans le développement de la culture anglaise aux XVe, XVIe et XVIIe siècles, a été causé non seulement par la propagation du savoir-faire connu de l'Antiquité; l'apprentissage et l'art

nouvellement découverts du monde antique ont fourni, une forme appropriée pour le nouveau contenu donné à l'art et à la littérature par les changements dans la société »[1,30] En outre, en développant d'autres sujets, ils ont enrichi le vocabulaire de l'anglais précoce. "Shakespeare et ses contemporains, Christopher Marlowe, Ben Jonson ont écrit dans ce qui est connu comme la première langue littéraire anglaise" [2,31] Dans le travail créatif mentionné ci-dessus, nous pouvons voir à la fois un caractère asiatique influencé par la renaissance et puissant. L'œuvre «Tamburlaine la Grande» se compose de deux parties. Dans la première partie, nous pouvons voir Tamburlaine qui est passé de berger scythe à grand conquérant et qui trouve le pouvoir de la règle absolue en tant que roi. Mais dans la deuxième partie, nous pouvons voir qui a établi ce pouvoir de règle absolue en tant que père et mari.

La première partie comprend un prologue qui a donné un sens général et cinq actes qui comportaient plusieurs scènes.

Dès le premier acte, il commence des luttes intestines parmi les nobles perses, avec Cosroe tourmentant son frère, le roi, Mycetes. Cosroe a agi comme il n'avait pas peur de Tamburlaine et l'a acclamé à son frère:

"À l'anniversaire de qui Cynthia et Saturne se sont joints
Et Jove, le soleil et Mercure ont nié
Pour perdre leur influence dans son cerveau volage!
Maintenant Turc et Tartares secouent leurs épées sur toi
Ce qui veut dire de démolir toutes tes provinces. »[3,5]

Et le décrit ou le représente comme un «renard», un «voleur», qui «vole vos marchands», il est «incivil» et opère à travers des «armes barbares». La représentation initiale d'un «renard» contraste avec les scènes suivantes, où la caractérisation change en «lion». Le premier acte comprend la connaissance des personnages les uns avec les autres. Ici Tamburlaine retrouve Zenocrate, son épouse, la fille de Soldan d'Egypte. Tamburlaine peut réussir à obtenir l'amour de Zenocrate et il peut également trouver un moyen d'être un ami avec ses mauvais Theridamas, où Theridamas a déclaré:

«Ni toi, ni eux, trois fois noble Tamburlaine; Je veux que mon cœur soit avec joie Pierc'd
Pour faire votre honneur et votre sécurité »[3,16]

Dans le deuxième acte, Tamburlaine fait peur même à Mycetes, il a donné son argent à Tamburlaine pour sauver, et après tout, il a tué les deux frères et sœurs. Il n'était ni tueur ni voleur, il voulait juste en faire un impérial. Et qui ne voulait pas lui obéir serait tué après tout. Il se débarrasse de ses premiers grands ennemis. Dans le troisième acte il y avait son deuxième ennemi puissant Bajazeth, le roi de Fès, le Maroc et Agrier. Bajazeth était trop fier, il avait un grand nombre de soldats, de chevaux et de quoi que ce soit pour bombarder Tamburlaine. Mais à la fin du troisième acte, il a capturé Bajazeth et sa femme Zabina a essayé de les faire obéir:

"Quoi, pensez-vous que Tamburlaine estime votre or?
Je ferai les rois de l'Inde avant de mourir
Offrez-moi leurs mines pour demander la paix,
Et fouille pour trouver un trésor pour apaiser ma colère.
Venez, attachez-les tous les deux, et l'un a conduit le Turc;
Les Tukess ont laissé la femme de chambre de mon amour partir »[3,79]

Dans le quatrième acte, il a conquis le royaume de Bajazeth, mais ici Soldan d'Egypte et le roi d'Arabie ont voulu se battre avec lui.

Dans le cinquième acte, ils sont devenus amis, Tamburlaine lui a expliqué que Zenocrate voulait être avec lui, et ils s'aimaient.

Soldan d'Egypte: «Je cède avec remerciements et protestations,
D'honneur infini à toi pour son amour. »[3,63]

Et les premières parties se terminent par le discours de Tamburlaine sur ses sentiments envers Zenocrate.

Maintenant, il est évident qu'il a mis partout ou obligé tout le monde à obéir à ses règles absolues, bien sûr, il avait un grand pouvoir pour le faire.

«Votre chemin est bien dit, mais de cette façon, vous avez toujours besoin d'un leader fiable» [4 184]

Comme il est dit ci-dessus, il ne voulait pas tuer quelqu'un, il veut juste rejoindre les royaumes et être le seul leader fiable.

Aux côtés des conquêtes incessantes de Tamburlaine et de leurs implications sur la guerre et la politique, se trouvent des thèmes plus généraux du désir, de l'ambition et du pouvoir. Marlowe utilise sa représentation de la capture, des fiançailles, du mariage et de la perte ultime de Tamburlaine de sa femme Zenocrate, la fille du soldat égyptien " soldan " ou du sultan, pour mettre en évidence ces thèmes dans un autre contexte, questionnant la vraie nature du romantique de son héros. passion. Les pièces commentent également les idées de paternité et de masculinité en fonction des attentes de Tamburlaine envers ses fils, y compris son traitement et le meurtre de son fils Calyphas, qu'il considère comme un lâche. Marlowe développe tous ces thèmes grâce à son utilisation habile et unique du langage, c'est pourquoi il est considéré comme peut-être l'innovateur stylistique le plus important de la période. Tamburlaine sort la fin comme si la pièce était une comédie: il se marie avec le beau et noble Zenocrate, qu'il a rencontré via un enlèvement. Dans une tragédie traditionnelle, Tamburlaine devrait subir une mort horrible pour ses actions, mais Marlowe ignore un pont complet de défauts tragiques et laisse son héros sortir en tant que roi qui aime un amour mutuel avec Zenocrate, sa reine, contrairement à une tragédie traditionnelle. Et cela ébranle son pouvoir de la règle absolue qu'il a réussi dans tous les domaines de la vie. «Comme nous le savons, une caractéristique remarquable de l'idéologie de la Renaissance était la croyance en l'homme, lui-même maître et créateur de son destin. Les tragédies de Marlowe dépeignent des héros qui recherchent passionnément le pouvoir - le pouvoir de la règle absolue (Tamburlaine) et le pouvoir de la connaissance (Faustus). Marlowe se délecte de la puissance et de la force de ses héros». [5,46]

Littérature utilisée:

1. "Panorama of Great Britain", A.S.Baranovskiy, Great Britain-1990.
2. "History of English language", T.A.Rastorgueva, Moscow-1972.
3. "Tamburlaine th Great", Ch.Marlowe, Moscow-1980.
4. "Chet el adabiyoti tarixi", O.Qayumov, Tashkent-1979.
5. "English literature", M.Bakoeva and others, Tashkent-2006.

LE THÈME FAMILIAL DANS LES OEUVRES D'ÉMILE ZOLA

Таирова М.Х. БухДУ

Махмудова М. БухДУ, талаба

Калит сўзлар: роман, адабий характер, оила мавзуси, хаёт, натурализм, оила гоёси, принцип, сюжет

Ключевые слова: роман, литературное движение, тема семьи, жизнь, натурализм, семейная идея, принцип, сюжет

Keywords: novel, literary movement, family theme, life, naturalism, family idea principles, plot

Аннотация: В данной статье речь идёт о некоторых произведениях французского писателя Эмиль Золя, в которых он затрагивает тему семьи.

Аннотация: Ушбу маколада француз адиби Эмиль Золянинг асарларида ифодаланган оила мавзусининг берилиши хақида суз юритилган.

Annotation: In this article, we are talking about some of the works of the French writer Emile Zola in which he addresses the theme of the family.

Considéré comme le chef de file du naturalisme Émile Zola, né à Paris le 2 avril 1840 et mort dans la même ville le 29 septembre 1902, c'est l'un des romanciers français les plus populaires, les plus publiés, traduits et commentés au monde. Il s'efforça d'appliquer la rigueur scientifique à l'écriture du roman. Ses romans ont connu de très nombreuses adaptations au cinéma et à la télévision.

Sa vie et son œuvre ont fait l'objet de nombreuses études historiques. Sur le plan littéraire, il est principalement connu pour *Les Rougon-Macquart*, fresque romanesque en vingt volumes dépeignant la société française sous le Second Empire et qui met en scène la trajectoire de la famille des Rougon-Macquart, à travers ses différentes générations et dont chacun des représentants d'une époque et d'une génération particulière fait l'objet d'un roman.

Zola commence par des œuvres d'inspiration romantique (*Contes à Ninon*, 1864 ; *la Confession de Claude*, 1865 ; *le Vœu d'une morte*, 1866). Prenant parti pour les impressionnistes dans ses critiques d'art (*Mon Salon*, 1866 ; *Édouard Manet*, 1867), il annonce ce qui ne s'appelle pas encore le « naturalisme », avec son roman *Thérèse Raquin* (1867) – première esquisse de l'arbre généalogique des Rougon-Macquart et de la fascination pour les « modèles » biologiques. En 1869, la lecture du *Traité philosophique et physiologique* (1847-1850) du D^r Prosper Lucas (1805-1885) et de *l'Introduction à l'étude de la médecine expérimentale* (1865) de Claude Bernard détermine son orientation et il est devenu le chef de file du naturalisme. Il commence à viser, par l'application à l'art des méthodes et des résultats de la science positive, à reproduire la réalité avec une objectivité parfaite et dans tous ses aspects, même les plus vulgaires. Afin de chercher la vérité et de la donner à voir, il privilégie le roman, qui sera plus que tout autre le genre des grandes œuvres naturalistes.

Avant de désigner le mouvement littéraire, le terme « naturalisme » a été employé au XVIII^e siècle au sens de « système qui considère la nature comme principe fondamental, pour lequel rien n'existe en dehors de la nature »¹.

Et littérairement le naturalisme (mouvement/école littéraire) est un mouvement littéraire (vers 1860-1890) qui prolonge le réalisme et qui s'attache à peindre la réalité en s'appuyant sur un travail minutieux de documentation et en s'inspirant notamment de la méthode expérimentale du physiologiste Claude Bernard (1813-1878).

Il est d'abord l'aventure d'un groupe, dont Zola est l'énergique fédérateur. Enthousiastes, fidèles jusqu'au bout ou vite déçus et distants, les écrivains qui le suivent partagent avec lui quelques idées fortes et quelques rejets : celui du romantisme, « un jargon que nous n'entendons plus », coupable d'avoir tourné au sentimentalisme naïf et à un idéalisme dont les réalités de la société industrielle moderne révèlent les illusions et les mensonges ; celui de l'imagination, disqualifiée au profit de l'observation ; celui du simple réalisme, qui se veut miroir, reflet, mais non éclaircissement et explication. Les disciples de Zola – Maupassant, Huysmans, Daudet, Mirbeau, Vallès à certains égards, Céard, Hennique – se réunissent dans sa maison de Médan au cours de « soirées » où s'élabore la doctrine de la nouvelle école.

La doctrine naturaliste en résumé :

Déterminisme : l'homme est déterminé par son hérédité et par son environnement. Ainsi, la psychologie et le caractère des personnages peuvent s'expliquer par les « lois de l'hérédité ».

Comment l'idée familiale, une fois fondée, a-t-elle été appliquée ? Il est impossible d'entrer ici dans les détails. Contentons-nous d'envisager les grands principes logiques qui guident le cycle. On peut en distinguer cinq.

D'abord, ce qu'on pourrait appeler le principe de la permutation des personnages². Chaque roman a pour personnage principal un personnage, et un seul, issu de l'arbre généalogique familial. Une fois son action accomplie, ce personnage doit céder la place à un autre personnage, sans avoir la possibilité de revenir dans un roman ultérieur comme personnage principal.

Prenons comme exemple, le cas de Gervaise Macquart, et de ses enfants, Étienne, Claude, Jacques et Nana. Chacun de ces cinq personnages donne naissance à un roman, et à un seul : *L'Assommoir* ; *Germinal* ; *L'Œuvre* ; *La Bête humaine* ; *Nana*. Une fois insérés dans une intrigue, ces personnages vont jusqu'au bout de leur destin. En tant que sujets narratifs, ils sont *épuisés* par les romans dont ils sont le centre. La famille les consume. Quatre d'entre eux meurent, d'ailleurs, à la fin des romans dont ils occupent le centre : Gervaise, Claude, Jacques et

¹ Dictionnaire historique de la langue française, Le Robert.

² Ou « rotation » des personnages, selon la formule employée par Daniel Aranda (« Personnages récurrents, personnages familiaux », *Les Cahiers naturalistes*, n°74, 2000).

Nana. Seul Étienne, le héros de *Germinal* survit : on apprendra fugitivement dans le dernier roman de la série, *Le Docteur Pascal*, qu'après sa participation à la Commune, il a été déporté en Nouvelle-Calédonie, à Nouméa ; mais cette histoire n'est pas racontée dans le détail, et ne fait l'objet que d'une évocation de quelques lignes – simple prolongement fictionnel demeuré à l'état d'esquisse, mais que la loi de la série a refusé.

Deuxième principe, en corrélation avec le précédent : le retour d'un personnage principal est impossible. Ce qui veut dire qu'un personnage central dans un roman (lorsqu'il n'est pas mort, à la fin de l'intrigue qui l'a concerné) peut apparaître dans un autre roman, mais comme personnage secondaire. Au fond, cette loi est tout à fait conforme au principe balzacien du retour du personnage : chez Balzac un personnage ne peut revenir dans un roman, en général, que comme personnage secondaire. Mais dans la mesure où les romans de la série des *Rougon-Macquart* ont été composés dans un certain ordre (même si cet ordre n'a rien de chronologique), ce qui frappe, c'est que ce retour (ou cette apparition seconde) se fait plutôt sur le mode de l'anticipation. Un personnage s'annonce sur le mode mineur, avant d'occuper le devant de la scène dans le roman auquel il a été destiné. Ainsi le peintre Claude Lantier : simple intermédiaire, dans *Le Ventre de Paris*, jouant un rôle d'introducteur à l'univers des Halles pour le personnage principal du roman, Florent ; mais, en revanche, au cœur d'un drame violent dans le roman qui lui est consacré, *L'Œuvre*.

Les membres de la famille peuvent, tout au plus, cohabiter, mais sans qu'aucun *drame* n'intervienne entre eux : ainsi *Le Ventre de Paris*, où Zola met finalement face à face Lisa Quenu et Claude Lantier, le fils de Gervaise, mais sans que rien ne se passe entre eux (l'affrontement entre les deux sœurs a été évité au profit d'une relation, plus vague, entre un neveu et sa tante).

Cinquième principe, enfin, des histoires familiales existent bien, mais au sein de familles différentes qui surgissent dans les différents romans : à l'occasion des intrigues dont ils sont le centre, les héros de la série entrent dans de nouvelles familles qui deviennent la leur, dans lesquelles ils s'intègrent, comme dans des familles recomposées.

On peut citer le cas des personnages issus de la famille des Rougon et des Macquart et dont le destin est d'être des enfants *adoptés* : Pauline, recueillie par la famille Chanteau dans *La Joie de vivre* ; Angélique, adoptée par la famille des Hubert dans *Le Rêve*... Mais l'histoire d'Étienne, le héros de *Germinal*, est aussi,

d'une certaine façon, celle d'une adoption¹, comme celle de Jacques, le héros de *La Bête humaine*.

Le thème familial forme le cadre du cycle des *Rougon-Macquart*. Il constitue le principe unificateur de la série. Mais aussi son principe *génétique* : Zola doit à l'invention du thème du roman familial la possibilité d'avoir pu écrire sa suite romanesque. Sans ce thème fondamental originel, il n'aurait pas pu imaginer un plan d'ensemble, un projet global, susceptible de concurrencer Balzac, sur le mode de la représentation historique et sociale.

Ce thème familial demeure une structure sous-jacente. Il ne débouche pas sur la représentation d'une famille unique. En projetant les membres du groupe familial dans les expériences sociales les plus variées, il leur impose une dispersion. La seule solidarité qui réunisse les Rougon et les Macquart est de nature négative – de l'ordre d'une entropie destructrice. Mais c'est un autre sujet à traiter.

Bibliographie :

1. Alain Pagès, «Émile Zola : genèse du roman familial», *Item*, Mis en ligne le 18 août 2008.
2. Daniel Aranda « Personnages récurrents, personnages familiaux », *Les Cahiers naturalistes*, n°74, 2000.
3. Dictionnaire historique de la langue française, Le Robert.

¹ Étienne est adopté par la famille des Maheu, chez qui il s'installe quand il arrive à la mine, occupant une chambre de leur maison, mangeant à leur table, etc. (*Germinal*, Charpentier, Paris, 1885.)

4. La série des « *Rougon-Macquart* » (1871-1893) : « *La Terre* », Charpentier, Paris, 1887 ; « *La Débâcle* », Charpentier et Fasquelle, Paris, 1892 ; « *Germinal* », Charpentier, Paris, 1885 ; « *La Bête humaine* », Charpentier, Paris, 1890.

5. WEBOSCOPE. <http://millennium.arts.kuleuven.ac.be/weboscope/francais/index.htm>

6. Guide de sites fle. <http://www.webinitial.net/>

7. Le point du FLE. <http://www.lepointdufle.net/>

8. http://www.connectforkids.org/content1556/content_show.htm?doc_id=19583&attrib_id=343

9. <http://eclec-tic.blogspot.com/2006/02/le-portfolio-lectronique-unoutil.html>

10. <http://www.icem-freinet.fr/archives/ne/ne/116/encart116-pdf.pdf>

ОБРАЗ ХОДЖИ НАСРЕДДИНА КАК ИСТОЧНИК ДУХОВНО-ПРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ МОЛОДЁЖИ

Туйлиева Л.А. – БухГУ

Рузиева Д. – студентка БухГУ

Kalit so`zlar: ma'naviyat, axloq, ijodiy rivojlanish, satira, hazil, latifa

Ключевые слова: духовность, нравственность, творческое развитие, сатира, юмор, анекдот

Keywords: spirituality, morality, creative development, satire, humor, anecdote

Annotatsiya: ushbu maqolada sharqona donishmand va ayyor Nasreddin Afandi obrazining yoshlarni ma'naviy-axloqiy tarbiyasida tutgan o`rni, xususan, Leonid Solovyovning “Xo'ja Nasridin afsonasi” va latifalar haqida so`z boradi

Аннотация: в данной статье рассматривается значение образа восточного мудреца и хитреца Насреддине Афанди в духовно-нравственном воспитании молодёжи, в частности значение произведения Леонида Соловьёва «Повесть о Ходже Насреддине» и анекдотов

Annotation: this article discusses the importance of the image of the oriental sage and sly Nasreddin Afandi in the spiritual and moral education of young people, in particular the meaning of the work of Leonid Solovyov “The Tale of Khoja Nasreddin” and anecdotes

Духовно-нравственное воспитание – это становление значимого отношения к жизни, которое способствует устойчивому и слаженному развитию личности, содержащее в себя формирование справедливости, ответственности и чувства долга. Для развития любому обществу нужно передавать свой накопленный опыт. От идеи развития и обучения, которая вырабатывается на базе особенностей взглядов данного общества на жизнь, зависит сохранение опыта. Решение проблем нравственного и творческого развития требует нахождения более действенных путей или пересмотр уже известных.

Эффективным методом в развитии духовно-нравственного и творческого потенциала человека является фольклор, устное народное творчество (сказы, пословицы, присказки, прибаутки, поговорки и т.д.). С помощью них молодёжь знакомиться с миром не только умом, но и душой. Устное народное творчество незаменимо, так как оно развивает любовь к Родине.

Яркое впечатление оставляет и книга Леонида Соловьёва «Повесть о Ходже Насреддине». В шестой главе первой книги «Возмутитель спокойствия», рассказывается о том, как Ходжа Насреддин раздал должникам Джафара все выигранные деньги, чтобы они смогли отдать свои долги, купить лекарства и начать жить спокойно. Раздав деньги, Ходжа Насреддин ни капельки не жалеет о своем поступке, приведи улыбок людей, которым он помог, он забывает о своих желаниях и мечтах: как он хотел купить четыре мастерские, иметь трех жен и стать богатым человеком. Он уезжает, не прося благодарности и даже не представившись. После того как он уехал, люди начинают понимать, что такой поступок мог совершить только Ходжа Насреддин и никто другой, но так как его разыскивают в городе, они решают молчать о его благородстве, дабы не выдать его эмирским шпионам.

Желание наказать ростовщика, эмира, всех богатых, которые являются источником всех несчастий всех бедных людей, красной нитью проходит через все произведение.

Ходжа не вытерпев, слез с седла и направился к ростовщику, идя рядом с ишаком. В глазах Ходжи Насреддина вспыхивал чудовищный огонь, когда он просил ростовщика подождать его. Ходжа обещал ростовщику, что его доля будет мучительной, а также предупреждал эмира, чтобы тот, трепещал, так как он Ходжа Насреддин, в Бухаре. Ходжа Насреддин сравнивает власть с жадными гиенами, ему больно смотреть на то, как мучается его народ. Ходжа дает обещание ростовщику, что если не расквитается с ним за все страдания, которые он причиняет беднякам, то пусть его славное имя на веки веков покроется позором.

Восточный народ славится своим гостеприимством, отзывчивостью, состраданием, пониманием и оптимизмом. В давние времена, у простых рабочих людей особых поводов для радости не было, так как люди были погружены в нескончаемые проблемы и заботы, появился национальный герой Ходжа Насреддин, который внешне ни чем не отличался от обычного бродяги, но его ум, проницательность и юмор прославили его не только на востоке, но и на весь мир и не на одну эпоху.

Анализируя жизнь Ходжи Насреддина, мы видим, что это человек - слова, он является примером для подражания, его умение разрешать конфликты, уважение к людям, постоянная борьба за справедливость, желание помочь всем чем только можно и не когда не жалеть о том, что для того, чтобы оказать помощь другим, ни раз приходится забывать о своих желаниях и потребностях.

Принципы жизни Ходжи Насреддина – это наследие для всего человечества, прежде всего для молодежи. Ведь молодежь – это смена старшего поколения и именно от уровня развития духовно- нравственного и творческого потенциала зависит будущее нашей страны.

Жизнь этого великого человека описана не только в повестях, сказках и рассказах, но и в анекдотах. Вот, к примеру, один анекдот о нём: «Однажды Ходжа и его жена услышали, как в их дом забрался вор. – Ходжа, у нас вор, – взволновано сказала жена. – Тихо, женщина, не спугни его, – отвечал шепотом Ходжа.– Может быть, он найдет что-нибудь стоящее, а уж отнять у него будет легко!».

Машҳур инглиз олими Э.Б.Тайлорнинг фикрича, топишмоқ маданият тарихида мақол билан бирга пайдо бўлган бўлиб, унинг гуллаган даври цивилизациянинг қуйи ва ўрта босқичларига тўғри келади. Унингча, топишмоқ анъанавий савол – жавоб шаклидаги одатда қуруқ ҳазилга олиб борувчи ҳозирги сўз ўйини эмас, балки у жиддий жавоб беришни талаб қилган қадимий формада тузилган топшириқдир. Сфинкс топишмоғи бунинг типик намунаси бўлиши мумкин. [2, 78]

Ўзбек фольклоршуноси З.Хўсайнованинг ёзишича: “Ўтмишда табиат ва табиат ҳодисаларининг ўзи бир жумбоқ бўлганки, одамлар унинг сирини билмаганлар ва еча олмаганлар, уларга у сирлар бир мўъжизадай бўлиб кўринган... Шахс ўзини қуршаб турган ташқи объектив оламни таний бошлаган бир пайтда ундаги нарса ва ҳодисаларнинг қайси йўл билан яратилишини англаш, билиш истагида нарса ва ҳодисаларни бир-бирига солиштириш, қиёслаш ва баъзан қарама-қарши қўйиш билан ўргана бошлаган. Улар қуёш, ой, юлдузлар ҳаракатининг, чакмоқ чақиши, кўк гулдураши, булут келиши, шамол эсиши, қор-ёмғир ёғиши кабиларнинг моҳиятини тўла англаб етмаганлар ва анимистик тушунчаларга асосланиб, уларнинг ҳаммасида жон бор, деб тасаввур қилганлар. Бундай тушунчаларнинг баъзи кўринишлари топишмоқларда ҳам учрайди”. [3, 100-101]

Халқ топишмоқлари мавзусига кўра бой ва ранг-барангдир. Улар мазмунан ҳаётнинг барча қирраларини қамраб олган. Топишмоқлар қадимдан ҳозиргача яратилиб келинмоқда. Ҳатто улар ёзма адабиётга кўчган.

Хулоса қилиб айтганда, маълум бир халққа мансуб фольклор жанрини яна бошқа бир миллат фольклорида бошқача ном билан бўлса-да учратиш жаҳон халқлари фольклоридаги жанрларнинг муштараклигидан, уларнинг аксарияти генетик асосдошлигидан далолат беради.

Адабиётлар

1. Safarov O. O`zbek xalq og`zaki ijodi. Darslik. – Musiqachi, 2010. – B. 63.
2. Тайлор Э.Б. Первобытная культура. – М., 1989. – С.78.
3. Хўсайнова З. Топишмоқлар // Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик, биринчи том. – Т., 1988. – Б.100-101.

“GUL VA SANOBAR” DOSTONIDA MIFOLOGIK XUSUSIYATLAR TALQINI

Sherjanova G. U. – UrDU talabasi

Kalit soʻzlar: Motiv, dev, pari, jodugar, farishta, sehrli sonlar.

Ключевые слова: мотивация, дев, пари, ведьма, ангел, магические числа.

Keywords: Motivation, dev, pari, witch, angel, magic numbers.

Annotatsiya: Ushbu maqolada Xorazm dostonlaridan “Gul va Sanobar” dostonidagi mifologik obrazlarning oʻrni tahlil qilinadi.

Аннотация: В данной статье анализируется роль мифологических образов в поэме «Гюль и Санобар» из хорезмского эпоса.

Annotation: This article analyzes the role of the mythological images in the poem “Gul and Sanobar” from the Khorezm epos.

Xalq ogʻzaki ijodida doston janri koʻlamdorligi va mazmuniy jihatlari bilan boshqalaridan ajralib turadi. Xalq dostonlariga xos bunday xususiyatlar ularning asrlar davomida ogʻizdan-ogʻizga oʻtib sayqallanib borishi bilan ham bogʻliq. Oʻzbek folklorshunosligida Xorazm dostonlarining oʻrni va ahamiyati nihoyatda beqiyos. Mavzu jihatdan rang-barangligi, oʻzining nafis va oʻynoqi ohanggi hamda maʼno qirralarining teranligi fikrning dalili uchun xizmat qiladi. Ayniqsa, ushbu dostonlarda mifologik obrazlarning ishtiroki syujetning yanada qiziqarli va sirli boʻlishini taʼminlaydi. Xususan, “Oshiqnoma” turkumida beriladigan “Gul va Sanobar” (baʼzi manbalarda “Sanobar”)¹ dostoni Markaziy Osiyo xalqlari orasida maʼlum-u mashhurdir. Ayrim manbalarda taʼkidlanishicha, doston XVIII asrda yashagan turkman shoiri Shaydoiy tomonidan ijod qilingan.² Ushbu dostonning bosh qahramonlari sanalgan Gul va Sanobar obrazlari haqida rivoyat, hikoyat, ertak va dostonlar arab fors hamda hind folklorida ham uchraydi.³ Dostonda aks etgan voqeliklarning qiziqarli boʻlishini taʼminlagan yana bir xususiyat borki, bu unda mifologik ruhning yetakchilik qilishi bilan bogʻliqdir. Unda syujet chizigʻidagi jarayon Xurshid shoh ogʻli Sanobar hamda unga tushda namoyon boʻlgan mahbubasi Gul atrofida yuz beradi. Dostonga mifologik obrazlarning kirib kelishi esa dastlab Jabroyil farishta (Jabroyil alayhissalom) orqali namoyon boʻladi.⁴ Mazkur obrazni doston matnining ikki-uch oʻrinlarida kuzatish mumkin.⁵

Toʻrtinchi olamda hazrati Iso,

Toʻrtinchi falakda masjidi qazo.

Bu maqomgʻa yetgan jami anbiyo,

Jabroyil maqomin ul joyda koʻrdim.

Doston ishq-muhabbat mavzusini oʻzida aks ettirsa-da, bu ilohiylik kasb etgan haqiqiy ISHQ boʻlib tarannum etiladi. Chunki, qahramonlarning tilida, shuningdek, manzara va holat tasvirlarida islom olamining ulugʻ anbiyo va avliyolari nomlari keltirib oʻtilgan. Yuqorida sanab oʻtilgan misralar buning yorqin dalilidir. Shu bilan birga, doston voqealari negizida “ajdar”, “qirg chiltan”, “jodugar”, “gʻoyibdan qoʻl”, tush motivi, “dev”, “pari” kabi mifologik obrazlar yotadi. Ular ham doston davomida, maʼlum bir oʻrinlarda qahramonlar bilan birgalikda muayyan gʻoyaviy maqsadlarni ifodalash uchun ishtirok qilishadi. Binobarin, dostonni mutoala qilish chogʻida bosh qahramonlardan biri sanalgan Sanobarning boshidan kechirgan sarguzashtlari davomida uning jodugarlar makoni sanalgan chahor bogʻga kirib qolishi va bir jodugarning boshidan sochgan tuproq taʼsirida kiyikka aylanib qolish hodisalari ifodalanadi. Mazkur arxaik obraz yovuz niyatli, hamisha kitobxonni salbiy mushohada yuritishga undashi koʻpgina xalq ogʻzaki ijodi namunalari orqali bizgacha yetib kelgan. Oʻzbek folklorida qahramonlarning bu kabi sinovlarga duch kelishiga sabab boʻlgan personajlar bilan birgalikda, ularga yordam beradigan, ana shu qiyin holatlarda ularni qutqaradigan obrazlar ham aks etadi. Bular homiy obrazlar sifatida tilga olinadi.⁶

¹ Oshiqnoma 3-kitob Xorazm dostonlari, Urganch- 2008

² Abdullayev B. Oʻzbek adabiyoti tarixi, -T: “Oʻqituvchi”, 1967, 126-bet

³ Мередов А., Ахалли С. Туркмен классик эдебиятынын созлугиб Ашгабат, «Туркменистан», 1988, 94-бет

⁴ Islom.uz

⁵ Oshiqnoma 3-kitob Xorazm dostonlari, Urganch- 2008, 247-bet

⁶ Нурманов. Ф. // Эпик хомий образнинг асосий типлари//Филологические исследования, 2006

O'zbek xalq og'zaki ijodida, xususan, doston, afsona va ertaklarda qushlar homiy obraz sifatida ishtirok qilish hollari ko'plab uchraydi. Bu, asosan, semurg' va bulbul kabi asarda ijobiy xislatlari bilan namoyon bo'luvchi qush motivlari bilan bog'liq. Tahlilga olingan mazkur dostonda ham Semurg' qushning kirib kelishini asarning kulminatsion nuqtasi bilan bog'lash o'rinlidir. Ma'lumki, bu qush ulkan, insonlarga xos nutq so'zlash va albatta, ularga homiy, ya'ni mushkul holatlardan qutqaruvchi sifatida boshqa mifologik obrazlardan farqlidir. Semurg' Sanobarni Shahri Shabistonga eltib qo'yar ekan, doston voqealari yechim tomon borayotganligi o'quvchiga anglashilib turadi. Ana shu o'rinda yana bir mifologik obraz sanalgan devlar bilan bog'liq o'rinlarni ko'rish mumkin. Bu personajlar turli xarakterga egaligi bilan ajralib turadi. Chunki, ko'pgina ertak, afsona va dostonlarda ular ham ijobiy, ham salbiy jihatlari bilan asarda ishtirok qilishadi.

O'zbek xalq og'zaki ijodida tush motivining ham o'ziga xos ahamiyati bor. Bu motiv ayniqsa, bosh qahramonlar bilan sodir bo'lishi faol jarayon sifatida qaraladi. Uning ertak va dostonlarda ifodalanishi xalqlarning tush ko'rish hodisasiga ma'lum ma'noda haqiqat sifatida qarashi bilan ham bog'liq. U xoh ertak, rivoyat, dostonlarda uchramasin, tushlarning asardagi o'rni kelajak bilan aloqasi bo'lgan voqelikka ishora qilishdir. "Gul va Sanobar" dostonida tush motivi ikki o'rinda, ya'ni asarning kirish qismida Sanobarga mahjubasi Gulning ko'rinishi hamda Shahri Shabiston sari uch yuz yillik yo'lga chiqqan paytida, shuningdek, uni diydori sari safardaligida sodir bo'ladi. Tush ko'rish motivi o'z o'rnida asarlarda faol ishtirok qiluvchi raqamlar, ya'ni sehrli sonlar bilan ham yaxlitlik kasb etadi. Bosh qahramon Sanobarning atrofida yuz beruvchi holatlarda yeti, o'n to'rt, qirq sonlari ishtirok qiladi. Buni o'z o'rnida mazkur dostonidagi mifologik ruh faqat obrazlar bilan bog'liq emasligi, balki tabiat tasvirlari, personajlarning ichki kechinmalari, ularga yo'l ko'rsatuvchi homiy obrazlar va sehrli sonlarda namoyon bo'ladi.

Xulosa qilib aytganda Xorazm dostonlari orasida "Gul va Sanobar" dostoni o'ziga xos jihatlari, asarda islomiy g'oyalarning aks etishi, shuningdek, qadimiy mifologik obrazlarning ishtirok qilishi bilan ahamiyatlidir.

Ushbu dostonni tahlil qilish mobaynida, uning ifoda yo'sinlari, xalqimizga xos qadimiy qadriyatlar bilan tanishish mumkin.

НАЗАР ЭШОНҚУЛ ИЖОДИ ВА ФОЛЬКЛОР ("Уруш одамлари" қиссаси мисолида)

Чўлиева Н.А.- ҚарДУ

Ключевые слова: повесть, эпос, фольклор, реалистический образ, художественный синтез, символика

Keywords: story, epos, folklore, realistic image, artistic synthesis, symbolism

Аннотация: Статья димонстрирует влияние фольклора на повесть «Люди войны» ("Уруш одамлари") Назара Эшонкула. Исследована идеологическая связь повести с устным народным творчеством (фольклора)

Annotation: The article shows the influence of folklore on Nazar Eshankul's "People of War" ("Urush odamlari") story. It is explored that the story is ideologically connected with samples of folklore.

Адиб Назар Эшонкул ижодидаги, жумладан, қиссаларидаги образлар, ҳам ўзбек насрининг кўп асрлик адабий тажрибаси маҳсули, ҳам Ғарб адабиёти модерн намуналарининг бадиий синтезлашуви сифатида гавдаланди. Ижодкор қиссаларидаги образлар ўзининг мукамаллиги, ўқувчини мулоҳазага чорлаши, воқеълик динамикасининг кутилмаган бурилишларида аксланиши билан ажралиб туради. Унинг анъанавий йўлда ёзилган "Уруш одамлари" қиссасида турли ёшдаги, феъл-атвордаги, ўй-фикрдаги киёфаларни кўрамыз. Уларни битта ташвиш, битта ғам бирлаштириб туради. Асарда уруш ва унинг исканжасидан кутулиш қаҳрамонларни бирлаштирган мурод-маслакка айланган. Зеро, "Ҳар бир инсон алоҳида ўзига хос эхтирослар, туйғулар, орзулар, фикрлар оламидир,

лекин бу эхтирос, бу туйғу, бу орзу, бу фикр қандайдир битта одамгагина мансуб эмас, балки барча халқлар учун муштарак бўлган табиатнинг умумий мулкини ташкил этади”¹

Қиссадаги бош қаҳрамон Нормат полвон образи бўлиб, у асарда “урушнинг тирик гувоҳи” қиёфасида гавдаланади. Нормат урушдан нафратландиган, ундан йироқ бўлишни истовчи образ. Бу хусусият асарда унинг тилидан шундай берилади: “Одамларни отар эканман, эгим ҳаммаша сесканиб кетар, худога тавба қилар, иложи борича тегизмай отишга ҳаракат қилардим. Буғдойзорларда одамларнинг қони оқиб ётганини кўрганимда, йиғлагим келар, шунда қоним қайнаб, тўғри келган ҳар бир кимсани отиб ташлагим келарди...”² Урушнинг бу каби даҳшатли таассуротлари Норматнинг тани ва қалбини тарк этмайди. Аммо у уйига қайтгач барини бошидан бошлашга ҳаракат қилади. Тинчгина ўз тирикчилигини қилиб, одамларга яхшиликлар қилиш, ёрдам бериш орзусида бўлади. Аммо Нормат Анзиратнинг хиёнат қилганини билгач, унинг учун яна нотинч кунлар бошланади. У хотинининг хиёнатини бошида кечира олмайди, озорланади. Нормат ҳам бошқа ўзбек эркакларига ўхшаб номус-ориятни, ғурурни устун қўяди. Аммо, унинг Анзиратни кечира олмаслигининг асл сабаби фақат шу эрлик шаъни билан эмас, хотинини яхши кўргани, севганининг бундай хатосини ҳазм эта олмагани билан боғлиқ. Масалан, “қўнғиротларнинг қишлоқ удумини бузиб хотинини исмини айтиб” чақирини унинг бу удумларни хоҳламаганидан эмас, Анзиратни ўзига, қалбига яқин олишидан дарак беради. Ижодкорнинг маҳорати шундаки, қиссага Маллабой образини олиб киради ва унинг тақдир йўли Норматга таъсир этади. Натижада, Норматнинг хотинини кечиринишга тайёрлиги ишонарли чиққан.

Нормат асли полвонлар зотидан шунинг учун ҳам унинг исми ёнига “полвон” сўзи қўшиб қўлланган. Муаллиф ушбу образни “Нормат полвон” тарзида таништиришидан нафақат унинг полвонлигига ишора қилади, балки бақувват жисминининг, руҳининг урушдан қайтгач ногирон бўлиб қолишида урушнинг асоратларини яна бир бор таъкидлаб кўрсатади. Натижада, муаллиф ўқувчига уруш даҳшатини ҳис эттиради ва Норматга нисбатан ачиниш туйғусини уйғота олади. Иккинчи томондан эса бу ҳаётнинг ўзи кураш майдони экани, инсон ҳақиқий полвонлардек ҳалол курашиб яшаши, асло бу майдонда одамларнинг қонини тўкиб, уларга озор бериш эвазига ғалаба қилиш ҳаром, гуноҳ иш эканлиги уқтирилади. Нормат урушдан қайтиб келган вақтида тасвирланган болаларнинг кураш тушиш ҳолати миллий колоритни бериш билан бирга, аслида ҳақиқий кураш, курашиб яшаш қандай бўлиши кераклигига ҳам бир кичик ишорадир.

Урушнинг нақадар вайронкор, зулмкор, доим инсоният билан бирга яшаётган азалий хавф эканлигини ифодаловчи ғоя асар матнига сингиб кетган. Айниқса, қиссада ривоят шаклидаги воқеа, яъни Норматнинг аждодлари шажарасини кўрсатувчи воқеада айни шу ғоя ўта равшан ифодаланган. Бу воқеада, даставвал, уруш кўрмай шод-хуррамлик ва тотувликда яшаган қадим қўнғирот эли, сўнгра ўша ер тупроқларига уруш кириб келиши, одамларнинг бир-бирига душман бўлиши, вайронагарчилик, қурғоқчилик, очлик, уруғлар ўртасидаги ихтилофларнинг юз бериши тасвирланган. Охир оқибат эса уруш уларнинг тотув турмушини издан чиқаради. Шундан сўнг, уруғ оқсоқоли Бойхун (Бойсун) ўзларининг қон тўкилган, файзсиз ва ҳосил бермай қўйган ерларини ташлаб, урушсиз юрт излашади. Натижада, қаерга боришса, уруш уларни қувлаб этади. Орадан йиллар ўтиб уруғ оқсоқоли Бойхун қариб, ўлим тўшагида ётар экан элига, авлодларига шундай васият қилади: “Агар урушсиз юртни топмасаларинг унда ака-укага, дўст-дўстга, хотин эрга, одамлар бир-бирига хиёнат қиладиган, бир-бирини алдайдиган бўлиб қоладилар. Қаерда қон оқса, ўша ерда хиёнат кўп содир бўлади, бахт у ердан юз ўгиради, одамлар яшаш илмини эмас, бир-бирини ўлдириш илмини ўргана бошлайдилар, сув ўрнига қон ичадиган махлуққа айланадилар... Сизлар ҳаммаларинг жоҳил ва адашган уруш одамларига айланиб қоласизлар...”³

¹ Белинский В.Г. Полное собрание сочинений в 13-ти томах. Т. XI. –М., 1956. –С.310.

² Эшонкул Н. Ялпиз ҳиди. Қиссалар ва ҳикоялар. –Т: Шарқ, 2008. –Б.66.

³ Эшонкул Н. Ялпиз ҳиди. Қиссалар ва ҳикоялар. –Т: Шарқ, 2008. –Б.16.

Кўринганидек, айти шу ривоят шаклидаги ҳикоянинг келтирилиши асарнинг мавзусини, муаллифнинг асар орқали беришни кўзлаган мақсад-муддаосини белгилаган. Шунингдек, Нормат ва у билан боғланган тақдирларнинг фожиасига ҳам ишора қилган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, мазкур воқеа қадим Бойсун-кўнғирот элининг бадий умуллаган, унинг азалий қадриятлари ва турмуш тарзидан хабар берувчи халқимизнинг гўзал қахрамонлик эпоси – “Алпомиш” достонини ёдга солади. Маълумки, достон воқеаларининг ўткир зиддиятли ўринлари ҳам ака ва уқанинг кибри туфайли ўзаро жанжалдан бошланади. Натижада, фарзандлар бу бошланган урушдан бир неча йил азият чекишади. Достонда манман ака-уқанинг бир-бирига бўлган адовати, уруши туфайли юз беражак кўргуликлар Барчин томонидан “башорат” қилинади:

“Абзаллаб келтирдинг хайвон тўрингди,
Бул кўчишинг, эна, менинг шўримди(р),
Бой отамман бий бобома не бўлди?
Ўйилмай куймасин кулбайи хонам,
Оҳ уриб йиғлайди мендайин санам,
Қалмоқда қолар-да гулдайин танам...
Худойим сақлагай бандани омон,
Тушиб бошимизга қайғули туман,
От абзаллаб олиб келдинг, энажон,
Яна қайтиб элни кўрмагим гумон...”¹

Достонда ҳам урушнинг, низоларнинг қандай оқибатларга олиб келиши, тинчлик ва фаровонликнинг йўқолиши, одамларнинг сўнгсиз азоб-уқубат чекишига сабаб бўлиши; яқинлар дийдорига, юртга соғинчнинг изтироблари кўрсатиб берилган. Қиссада келтирилган юқоридаги воқеа ҳам гўё мазкур достон мазмунига уйғун: уруш одамларнинг ахиллигидан, тинчлигидан, бахтидан маҳрум этувчи азалий вайронкор ҳодиса эканлиги тасвирланган. Демак, қиссадаги анъанавийлик нафақат реалистик тасвирда, балки ғоялар, фикрлар халқимиз донишмандлигига муштарақликда кўринади. Зеро, Назар Эшонқулнинг ўзи қайд этганидек: Анъана – бу сўз, ота-боболаримиз, улў даҳолар зеб берган сўз ва улар дардларини, гапларини айтиш учун топган шакллар, улар бизга қолдирган ўғитлар, фалсафа – булар ҳаммаси анъана”² Қиссада ушбу жиҳатнинг намоён бўлиши эса ижодкор асарларининг халқимиз бадий тафаккурдан ҳам “сув ичганини” кўрсатади.

Асарда урушнинг асоратлари, айниқса, Нормат – уруш даҳшатини кўрган одам руҳиятида яққол намоён бўлган. Нормат урушдан қайтиши муносабати билан уйда йиғилган қариндошлари, ҳамқишлоқлари олдида ўзини ғалати ҳис этарди: “...қишлоқдошларининг юзларига сўзсиз, жим тикилиб кўяр, нимадандир изтироб ёки хижолат чекаётгандай эди. Ҳамманинг олдида чўзилиб ётишни эп кўрмай, ўрндан туриб ўтиришга ҳаракат қилар, бироқ ясама оёғи ҳалақит берар, у яна аввалгидай чўзилиб олар... қишлоқдошларининг юзидаги ачиниш ва ҳамдардлик ифодаларини кўриб, оёғини кесишаётганда бошланган камситилгандек туйғу уни яна гирдобига олмоқда...эди”³ Матнда Нормат ўзини бундай ҳис этиши, унинг руҳиятига қарама-қарши, шу билан бирга, унинг “ўзида уруш жароҳатини енгишга қудрат” сезиши, қалбининг “янги, умидбахш туйғуларга” тўлишига сабаб бўладиган яна бир оҳанг борки, шубҳасиз, буни пайқамай қолмаймиз. Яъни қисса матнидаги бу оҳанглар халқимизнинг қадимий, аммо эскирмас, завол топмас ижоди бисотидан майин таралади:

“Шафтолининг тагида
Шамоллаган қайнонам.
Кўп хотиннинг ичида
Жомоннаган қайнонам...”
Ёки: “Оҳ, оғажон, оғажон,

¹ Alpomish. Doston. Fozil Yo‘ldosh o‘g‘li varianti. – T: G‘afur G‘ulom nomidagi NMIU, 2016. – B.46.

² Эшонқул Н. Мендан “мен”гача. – T: Akademnashr, 2014. –B.61.

³ Эшонқул Н. Ялпиз ҳиди. Қиссалар ва ҳикоялар. –T: Шарқ, 2008. –B.5-6.

Тутни букиб ўтдингиз,
Менинг ҳам журагимди
Тутдай тўкиб ўтдингиз...”

Мазкур оҳангларда ўзбек халқининг олис, абадий орзу ва хаёллари, самимияти акс этган. Муаллиф кампирларнинг “мискину шўх оҳангда” қўшиқ куйлаши орқали, терсоталикларнинг, умуман, ўзбек халқининг бой меросига, донишмандлигига, эзгуликка талпинишларига ишора этади. Урушли майдонлар ва халқнинг ёруғ орзу-умидлари ўзаро контраст маънони, матндаги икки оҳанглиликни юзага келтиради. Қўшиқ матнида қўлланган шафтоли, тут дарахтлари ифодалаган рамзий маъно эса қисса мазмунига уйғундир. Халқ оғзаки ижодида шафтоли хиёнатни ифодаласа, тут дарахти ижобийлик – серфарзандликдан, тутнинг тўкилиши эса салбийлик (жудолик)дан хабар беради. Демак, қўшиқлар орқали муаллиф қисса сюжетида юз беражак воқеаларга (хиёнат, оналарнинг уруш туфайли фарзандларидан айрилиб, юрак-бағирлари эзилганлигига) ишора этади.

Хулоса қиладиган бўлсак, Назар Эшонқул ижодида фольклорнинг – аждодларимизнинг асрий орзулари, анъаналари ва оҳангларининг таъсири яққол сезилади. Адибнинг нафақат “Уруш одамлари” қиссасида, балки “Қултой” ҳикояси, “Гўрўғли” романида ҳам халқ оғзаки ижодининг таъсирини ҳамда унинг модификатцион хусусиятларини кўриш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Белинский В.Г. Полное собрание сочинений в 13-ти томах. Т.ХІ. –М., 1956.
2. Эшонқул Н. Мендан “мен”гача. – Т: Akadernashr, 2014.
3. Alpomish. Doston. Fozil Yo‘ldosh o‘g‘li varianti. – Т: G‘afur G‘ulom nomidagi NMIU, 2016.
4. Эшонқул Н. Ялпиз ҳиди. Қиссалар ва ҳикоялар. –Т: Шарқ, 2008.

IV SHŪBA

XORIJIY TILLARNI ŐKITISHNING INNOVATION TEKNOLOGIYALARI VA ULARNI ŐKITISHDA PEDAGOGIK ŐAMKORLIK: TAJRIBA, METOD VA NATIJA

MAKTABDA ONA TILI DARSLARINI BADIY MATNLAR TAHLILI ASOSIDA TASHKIL ETISH

Adizova N.I. BuxDU

Калит soʻzlar: metodika, badiiy matn, erkin fikr, qadriyatlar, maʼnaviyat, poetik nutq, undalma, murojaat birligi, emotsional boʻyoqdorlik, fikr, nutq madaniyati

Ключевые слова: методология, художественный текст, свободомыслие, ценности, духовность, поэтическая речь, дискурс, общение, эмоциональная живопись, мысль, культура речи

Keywords: methodology, fiction, free thought, values, spirituality, poetic speech, discourse, communion, emotional painting, thought, speech culture

Annotatsiya: Ushbu maqolada ona tili darslarida badiiy matnlardan qoʻllash mahorati asosida oʻquvchi-yoshlarning erkin fikrlashga oʻrgatish hamda badiiy adabiyot bilan yaqindan oshno boʻlish sirlari haqida metodik tavsiyalar beriladi. Shu bilan birga, undalmalarning gapdagi oʻrni va vazifasi toʻgʻrisida fikr yuritiladi.

Аннотация: В этой статье приводятся методические советы о том, как научить студентов свободно мыслить и как приблизиться к художественной литературе, основываясь на их способности использовать художественные тексты на уроках родного языка. В то же время обсуждаются роль и функции предложений.

Annotation: This article provides methodological advice on how to teach students to think freely and how to get close to fiction based on their ability to use fiction texts in their native language classes. At the same time, the role and function of the sentences are discussed.

Oʻzbekiston istiqloqligacha erishgach, har bir sohada keng koʻlamli islohotlar amalga oshirila boshlandi. Zamonaviy , xalqaro talablarga javob bera oladigan taʼlim tizimi yoʻlga qoʻyildi. Shiddat bilan, jadal taraqqiyot yoʻlidan ildamlab borayotgan mamlakatimiz ertangi kunini belgilashda muhim oʻringa ega boʻlgan tafakkuri keng, shijoatli, bilimli, oʻz fikriga , oʻz soʻziga ega yoshlarga boʻlgan ehtiyoj orta boshladi. Bu esa zamonaviy taʼlim tizimi oldiga yangi masʼuliyat - fanga doir maʼlumotlarni , grammatik qoidalarni oʻzlashtira oladigan taʼlim oluvchini emas, balki har bir soha doirasida teran fikrga, oʻtkir bilimga, keng dunyoqarash hamda nutq madaniyatiga ega boʻlgan , erkin fikrli, tadbirkor shaxsni tarbiyalash vazifasini yukladi.

Til ulkan imkoniyatlar manbaidir. Uni namoyon etish vazifasini bajaradigan ona tili taʼlimi esa barcha fanlarni oʻrganish va oʻrgatish vositasi sifatida ulkan imkoniyatlar eshigini ochishga qodir. Inson nutqi bevosita uning tafakkuri bilan bogʻliq holda shakllanadi. Ona tili darslarida qolipli darslardan biroz chekingan holda erkin fikrlashga undaydigan mashqlarni qoʻllash koʻzlangan maqsadni yaqinlashtiradi. Fanni oʻqitish jarayonida turli manbalar hamda fanlar asosida bogʻliqlikni yuzaga keltirish oʻquvchining ijodiy-fikriy qobiliyatini, nutqiy malakalarini, tafakkur qirralarini kashf etadi. Ularni rang-barang olamga nazar solishga undaydi. Ayniqsa, bunda badiiy adabiyotning ham beqiyos oʻrnini eʼtirof etish oʻrinli boʻladi.

Maktabning 10-sinf ona tili darsligi, asosan, tilning leksik birliklarini nutq jarayonida toʻgʻri qoʻllay bilish hamda nutq uslublarini vaziyatga mos holda tanlash asosidagi bilimlarni shakllantirishga qaratilgan. Bunda darslikda berilgan topshiriqlarni bajarish binobarinda oʻquvchini mustaqil ravishda badiiy asar mutolaasiga ham jalb etib borish taʼlim sifatining oshishiga yordam beradi. Ushbu metod orqali oʻquvchida atroflicha fikrlash, munosabat bildirish, izlanuv-chanlik qobiliyatlari shakllantirib boriladi. Shu bilan birga oʻsib kelayotgan yosh avlod dunyo ilm- fani poydevoriga ulkan hissa qoʻshgan ulugʻ ajdodlarimiz yaratgan boy maʼnaviy

xazina hamda xalqimiz ardoqlab kelgan bebaho milliy qadriyatlar sarchashmasidan bahramand bo`lishadi.

10-sinf darsligida berilgan undalmalar uslubiyati mavzusini o`tishda badiiy matnlardan foydalanish dars jarayoniga rang-baranglik baxsh etadi. O`quvchi ijodiy- fikriy, badiiy-estetik qobiliyatlarini, nutq ko`nikmalari, so`z ma`nolaridagi nozikliklarni ilg`ash xislatlarini yuzaga chiqaradi.

Ma`lumki, undalmalar so`zlovchining nutqi qaratilgan shaxs yoki predmetni ifodalab, gapning boshqa bo`laklari bilan grammatik aloqaga kirishmaydigan so`z yoki so`z birikmasidir. Ular so`zlovchining tinglovchiga bo`lgan xolis, ijobiy, salbiy, tantanavor, rasmiy kabi munosabatlarini ham ifodalaydi. Ularning gapdagi o`rni erkin bo`ladi, lekin gapning qayerida kelishiga ko`ra, turli emotsional vazifalarni bajaradi. Undalmalar bosh kelishikda ifodalanadi.

Dastlab, avvalgi darsda o`quvchilarga ma`lum bir shoir yoki yozuvchi ijodiga mansub asarni o`qib kelish topshiriladi. Bunday topshiriq adabiyot darslari bilan bog`liq holda taqdim etilsa, ancha qulaylik tug`diradi. Masalan, mazkur jarayon uchun o`zbek xalqining sevimli adibi A. Qodiriy qalamiga mansub durdona asar - "O`tgan kunlar" romani hamda millatimizning hassos shoiri, O`zbekiston Qahramoni E. Vohidov mahorati namunasi bo`lmish "Nido" dostoni asosida keltirilgan matn namunalari tahliliga diqqat qaratsak, o`quvchilar millatimiz tarixiga nazar solish, qadriyatlarni anglash imkoniga ega bo`lishadi hamda adabiyot, tarixga oid bilimlardan voqif bo`lishadi:

- Otangiz Azizbekning mushoviri ekan, - dedi Akram hoji,- nima uchun uni biroz bo`lsa ham yo`lg`a solmaydir?

-Kechiringiz, **amak**, -deb Otabek kulimsiradi,- siz otamning mushovirig`ini boshqacharoq onglag`ang`a o`xshadingiz... Bizning beklarga hukm vaqtida ham mushovir bo`lmoq imkonsiz narsadir.

Otam Azizbekning mushovir (maslahatchi)i va yaqin musohib(hamsuhbat)i sanalsa ham va lekin bu juz`iy ishlardaginadir, buning uchun sizga bir misol keltiray, bu ish shu yaqin oralardag`ina bo`ldi: Toshkanddagi jumaliq gap majlislaridan birida bir kishi Azizbekni maxtar va bu maxtovg`a qarshi ikkinchisi "nega munchalik maxtaysan, Azizbeking asli bir bachcha-da" der. Ularning bu muzokaralarini chetda eshitib turgan xufiyalardan biri bu so`zni Azizbekning qulog`iga yetkazur. Ertasiga Azizbek mazkur ikki kishini o`z huzuriga oldirib maxtovchig`a ulug` mansab ato qilar va ikkinchisini o`linga buyurar... Bu hukm majlisida hozir turgan otam mahkumning gunohini so`rganida Azizbek jallodga baqirar: "Tezroq olib chiq!" Otam tag`in qulliq qilg`anida jallodg`a buyurar: "Qo`lingdag`ini bo`shatib, o`rnig`a hojini olib chiq!"- Mana ko`rdingizmi, otamning qadr-u qiymatini...(A. Qodiriy)

Undalmalar rasmiy nutqda qo`llanganda rasmiylik bo`yog`i yoki tantanavorlik sezilib turadi. Ifoda etilayotgan nutqda qat`iyat yorqin bo`yoqlarda aks ettiriladi.

-Hudaychi!

-Labbay, taqsir!

-Mirzani chaqir!- dedi Musulmonqul, so`ngra qo`lidagi maktubni taxig`a solar ekan, Xudoyorg`a dedi:- Eshitdingizmi, **o`g`lim!** ... (117. A.Qodiriy)

Parchadan ko`rinib turibdiki, rasmiy nutqlarda murojaat birliklari buyruq, qat`iylik, o`ziga ishonch ma`nolarini ham namoyon etadi. "Hudaychi" so`zida shunday ma`no kuzatilsa, "taqsir", "o`g`lim" so`zlarida , ko`proq, bo`ysinuvchanlik, mutelik, xushomadgo`ylik semalari ko`zga tashlanadi.

Quyidagi parchada aks etgan Otabek va Musulmonqul o`rtasidagi qisqa suhbatda qahramonlarning emotsional –salbiy ma`no kasb etgan sezimlarini ilg`ash mumkin. Buyruq ohangi kinoya, piching ma`nolari bilan qorishib ketgan:

Undalmalar so`zlashuv, badiiy va publitsistik uslublarda , ko`proq, emotsional-ekspressiv bo`yoqlarga ega bo`ladi. Quyidagi parcha orqali xalqimizning qon-qoniga singgan ota-onaga hurmat, e`tibor, nutq madaniyati hamda andisha kabi fazilatlariga guvoh bo`lamiz:

-Bizni kutdirma, o`g`lim.

Otabek mag`lub bir boqish bilan bu so`zni aytkuchi otasig`a qaradi va yalinchoq bir ohangda javob berdi:

-Men sizlarning orzularingizni bajarishka – agar xursandchilig`ingiz shu bilan bo`lsa- har vaqt hozirman. Ammo bir bechoraga ko`ra-bila turib jabr ham xiyonat...

-Juda to`g`ri aytasan, **o`g`lim**; biroq onangning bir mulohazasizligiga boshdanoq men labimni tishlab qolg`on edim. Hozirda ham shu holda qolmoqqa majburman,-dedi va:- Biz hozir andishaning bandasi, men emas onang biravni ishonirib qo`yg`an: bizning oiladan lafzsizlik chiqishi menga ma`qul ko`rinmaydir. (137)

Undalmalar gap o`rtasida hamda oxirida qo`llanganda tinglovchiga murojaati orqali sub`yektiv munosabatini, emotsionallikni- munosabatlardagi qat`iylikni yaqqolroq ifoda etadi:

-Hali Kumush ham ketmakchimi?

-Shukur, sizning oldingizda Zaynabnisa bor. Manim bo`lsa, qanot- quyrug`im shu Kumush. Ayniqsa, Kumushingizga javob bermasangiz bo`lmas, **oyi**.

O`zbek oyim Kumushka xo`mrayib oldi:

-Yo`q, yo`q, **Oftobonu**, -dedi,- sizlarga javob bersam-da, Kumushka yo`q.

-So`zingiz yerda qoladir, **buv Oftob**, bir oz andisha ham lozim,-dedi va Kumushka yuzini o`girdi,- uyat emasmi, **kelin**? Kecha kelding surilib, bu kun ketkin burilib.

-Menda ixtiyor yo`q, **oyijon**,- dedi Kumush,- sizlar nimani ma`qul ko`rsalaringiz menga baribir. (351)

Yoki:

-Chiq, **Zaynab**, chiq!- dedi ul ham. – La`nat sendek xoting`a!

Zaynab chetlanib uydan chiqdi.. Hoji Kumushning boshig`a kelib o`lturdi. Otabek va onasi oyog` ustida edilar, Kumushning ko`zi yumiq , sochlari yuzi ustida parishon edi. Hoji o`z qo`llari bilan sochlarni tuzatib Kumushning ko`kintir tovlang`an yuzini ko`rdi va manglayini bosdi...

Undalmalarning takror yoki uyushgan holda kelishi kuchli ta`sirchanlikni ta`minlaydi hamda emotsional bo`yoqdorlikni yanada yuqori darajada aks ettiradi:

-**Oyim... Oyim**..-dedi hoji. Kumush ko`zini ochib besaranjom unga nazar tashladi va tanib... qo`zg`almoqchi bo`ldi.

-Qo`zg`almang , **oyim**.. qo`zg`almang!

-**Oyi... dada**...-so`ngra,- **begim**,- deb ingrandi...(378)

Undalmalarning poetik nutqda qo`llanishi shaxslarga ham , predmetlarga ham murojaat shakllarida uchraydi hamda lirik qahramon kechinmalari bilan bog`liq emotsional- ekspressiv bo`yoqdorlikni ifoda etadi:

“ **O`g`lim!**”

Vujudimni chulg`ar alanga,

Bo`g`zimga tiqilar hayajon.

Mana men, o`g`lingiz.

Dardli olamga

Sizdan tanho yodgor,

So`ylang, **otajon!** (E. Vohidov. “Nido”)

Murojaat birliklari she`riy asarlarda ham takror yoki uyushgan holda qo`llanishi orqali ta`sirchanlikni oshiradi, kechinmalarni bo`rtiqroq ifodalab keladi:

- Nega yig`layapsan,

Yolg`izim, qo`zim?

Tun uzoq, uxlay qol,

Ko`zlaringni yum.

Undalmalar nasriy asarlardagi kabi she`riy nutqda ham birikma holida yoki murojaat etilayotgan ob`yekt tushirib qoldirilgan holda ifodalanishi mumkin.

Tengdoshim,

Asrdosh birodar!

Kel, bir on jim o`yga cho`maylik.

Bu yerda yotibdi fidolar.

Kel, uni gullarga ko`maylik.

Demak, darslarni yuqoridagi tartibda tashkil etish orqali o`quvchilar ma`naviyatini boyitish , go`zallikdan bahramand etish, nutq madaniyatini shakllantirish , darsning rang-barangligini ta`minlash mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. N.M. Mahmudov, A.Sh. Sobirov...Darslik. Ona tili. (10-sinf).”O`zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat nashriyoti. Toshkent-2017.
2. A. Qodiriy. “O`tkan kunlar”. “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi. Toshkent-2013.
3. E. Vohidov. Dostonlar. G`afur G`ulom nomidagi adabiyot va san`at nashriyoti. Toshkent-1973.

CHET TILI DARSLARIDA O`YINLARDAN FOYDALANISHNING AFZALLIKLARI *Adizova O.I., BuxDU., To`rayeva Mushtariy, BuxDU*

Kalit so`zlar: pedagogik kadr, xorijiy tili, dars, fonetika, grammatika, guruh, noan`anaviy mashg`ulot, pedagogik texnologiya, tarqatma material.

Ключевые слова: педагогический кадр, иностранный язык, урок, фонетика, грамматика, группа, нестандартный урок, педагогическая технология, раздаточная картотека

Key words: pedagogical staff, foreign language, lesson, phonetics, grammar, group, non-standard lesson, pedagogical technology, handout card

Аннотация: Ushbu maqolada chet tili darslarida o`yinlardan foydalanishning afzalliklari haqida so`z boradi. Chet tilini ikkinchi til sifatida o`rganuvchilarga yangi pedagogik texnologiya usullaridan foydalanib darslarni tashkil etish yoritib berilgan.

Аннотация: В этой статье рассматриваются преимущества использования игр на уроках иностранного языка. Для изучающих иностранный язык объясняется использование новых педагогических технологий.

Annotation: This article discusses the benefits of using games in a foreign language lesson. For students of a foreign language, the use of new pedagogical technologies is explained.

Jahon andozalariga javob bera oladigan pedagogik kadrlarni tayyorlash uchun birinchi navbatda ular zamonaviy bilim, malaka va ko`nikmalarga ega bo`lishlari kerak. O`qituvchilarning o`zlari tilni kommunikativ vosita sifatida o`zlashtirib olishi hamda talabalarga til materialidan, nutq faoliyatining barcha turlaridan to`g`ri, erkin, mukammal foydalanishni o`rgatishi, ularda zarur bo`lgan nutqiy ko`nikmalarni hosil qilishi kerak. Hozirgi yoshlar nafaqat bitta tilni , balki bir nechta chet tilini bilishadi. Shuning uchun chet tilini ikkinchi til sifatida o`rganuvchilarga yangi pedagogik texnologiya usullaridan foydalanish ,ayniqsa, darslarni o`yinlar yordamida tashkil etishning ahamiyati katta hisoblanadi. Bu maqsadni amalga oshirishda nutq amaliyoti, fonetika, grammatika uchun berilgan o`quv materiallari asosiy vosita bo`lib xizmat qiladi. Ta`limni yo`lga qo`yishni an`anaviy shakllari bilan bir qatorda noan`anaviy mashg`ulot turlaridan keng foydalanish maqsadga muvofiqdir. Jumladan, darsda ikkinchi chet tili o`rganayotgan talabalarga xorijiy til – fransuz tilini o`rgatishda pedagogik texnologiyaning shakllaridan biri bo`lgan noan`anaviy dars usullaridan keng foydalanish mumkin. Xorijiy tilni o`rgatishda dastlab talabalar harflar, harf birikmalari, har xil grammatik, fonetik qoidalarni o`rganadilar. Dars mobaynida e`tiborni ko`proq og`zaki nutqqa, so`z boyligini oshirishga qaratish maqsadga muvofiqdir. Chunki talabada qancha so`z boyligi ko`p bo`lsa, u shuncha ko`p gap tuza oladi. Dars jarayonida talabalar qiziqishini oshirish uchun ko`proq har xil o`yinlardan foydalanilsa, dars yanada samaraliroq bo`ladi.

Masalan, so`z o`yinini tashkil qilish uchun tarqatma materiallar tuziladi, talabalar ikki guruhga bo`linadi. Har qaysi guruhdan talabalar navbat bilan chiqib, ularga javob beradilar. Bunda, o`yin qoidasiga amal qilib, to`g`ri javob bergan guruhga “rag`bat” karoohkasini yig`ishga

harakat qiladilar. Ya'ni, tarqatma materialdagi so'zning birinchi harfi bilan boshlanadigan yettita so'z aytish kerak,

“table” – trois, tu, tourner, tomate, tante, tableau, tapis

“salle” – salle, salade, soleil, sucre, soupe, sortir, saison, sac

Bu o'yinni tashkil etish yuqori kurslarda biroz murakkablashib boradi. Ular endi yettita so'z emas, balki tarqatma materialda ko'rsatilgan mavzuda yettita gap tuzishadi. Masalan, “L'Ouzbekistan” mavzusida:

L'Ouzbekistan se trouve en Asie Centrale. C'est le pays du soleil et du coton. C'est un pays independent depuis le septembre 1991. Ses grandes villes sont: Samarkand, Boukhara, Khiva, Navai, Ferghana. Ces villes sont par leur monuments historiques. La capitale est Tachkent. En Ouzbekistan on apprend beaucoup de langues etrangeres, on apprend aussi le francais.

Yoki “La France”.

La France c'est un pays de l'Europe. Elle a plus de 63 millions d'habitants. Le president de la France est Emmanuel Macron. La capitale de la France est Paris. C'est une belle et grande ville. Ici il ya beaucoup de monuments historiques. Les grandes villes de la France sont : Paris, Bordeaux, Toulouse, Lyon.

Yoki “Saison”.

L'année a quatres saisons. Ce sont: l'été, le printemps, l'hiver et l'automne. En été il fait chaud, le soleil brille, le ciel est bleu. Au printemps le vent souffle, il pleut. En hiver il neige, il fait froid. Et en automne il fait mauvais temps, le vent souffle. Les paysans recoltent le coton.

Yuqorida aytganimizdek, bu o'yinda ham har bir tanlangan mavzu uchun yettitadan gap tuzgan guruhga “rag'bat” kartochkasi beriladi gap tuzolmagan guruhga “jarima” kartochkasi beriladi.

Pedagogik texnologiyalarni qo'llashning asosiy talabi yangicha tartibda bilim berishga qaratilgan. Bu usul bilim asoslarini mustaqil egallash, izlanuvchanlik ko'nikmalarini hosil qilish, talabalarni o'z ustida ko'proq ishlashga undaydigan darslarda mavzuning mazmunini to'liq o'zlashtirishga yordam beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. N.Saidaxmedov, pedagogik amaliyotda yangi texnologiyalarni qo'llash namunalari-Toshkent ,2000

2.www.edu.uz

3.www.ziyonet.uz

LA METHODE BIOGRAPHIQUE DANS LA SECONDE MOITIE DU XIX E SIECLE

Адизова О.И. БухДУ доценти

Калит сўзлар: биографик усул, характер, метод, ёзувчи, академик, ватанпарвар, илмпарвар, психолог, тарихий.

Ключевые слова: биографический метод, биографический характер, писатель, ученый, ревнитель науки, психолог, исторический.

Key words: biographical method, biographical character, sophist encyclopedist, modern writer, sciens ,psikholog, historique

Аннотация: Мақолада XIX асрда биографик методнинг шаклланиши ва ундан фойдаланиш усуллари хусусида гап боради. Тадқиқотларни кимларга қаратилганлик жиҳатлари кенг ёритиб берилган ва таҳлил этилган.

Аннотация: В данной статье освящено биографический метод в XIX века и понимании исторических произведениях. Анализированы особенности языка и состава исследование.

Annotation: This article is devoted to the ability of using biographic method in comprehending historical novels. Content and linguistic peculiarities of the reseavch are analyred too.

Les époques critiques et blasées en apparence sont curieuses des origines du talent, de ses sources mystérieuses, des naïvetés qu'il mêle à ses audaces, des ingénuités de sa témérité. On aime la surprise rafraîchissante de ces intimités, de ces virginités du génie qui s'éveille encore nu, avant les parures et les coquetteries de l'art. L'intérêt que suscite la figure de l'auteur chez les critiques du XIXe siècle est, on l'a vu, à mettre en lien avec la naissance des sciences naturelles (la biologie) et humaines (la science historique). L'approche biographique apparaît alors à la critique comme l'un des meilleurs moyens d'éviter de « composer, sur un écrivain, une dissertation abstraite¹ ». Ce même intérêt pour la figure de l'auteur, conjugué au développement de la presse, des librairies et de l'enseignement, expliquerait, en partie, le « pittoresque développement des biographies d'écrivains au XIXe siècle », pour reprendre le titre d'un article de Luc Fraisse consacré précisément à l'évolution de la biographe d'écrivain comme genre. Bien qu'un certain contexte culturel lui soit défavorable, notamment en raison du fait qu'à l'époque « les philosophies de l'histoire dévaluent le rôle de l'individu au profit¹ Luc Fraisse, « Le pittoresque développement des biographies d'écrivains au XIXe siècle », il faut dire que la biographie jouit alors d'une grande popularité. Or, on aurait tort de croire que c'est le XIXe siècle qui a doré la naissance à la biographie d'écrivain dans son article, Luc Fraisse rappelle qu'au moment où la critique fait sien l'approche biographique, la biographie d'écrivain, elle existe depuis des centaines d'années. Dans l'article qu'il consacre à la question, Luc Fraisse indique sommairement ce que la biographie d'écrivain apparaît être en mesure d'apporter à la connaissance du fait littéraire et ce par quoi elle trouvera sa légitimité. En réponse à toutes les détracteurs, qui lui reprochent notamment de collectionner des faits gratuitement, la biographie se *psychologise*. Autrement dit, cette « biographie psychologique dégage des logiques à long terme qui triompheront dans les structures de l'oeuvre » ce qui revient à dire que critique biographique et biographie psychologique pour suivent la même finalité. Il existe à côté de la critique biographique, une biographie d'écrivain qui, sans être de celles qui collectionnent gratuitement les faits, ne lui est pas pour autant assimilable? Si la biographie d'écrivain existe bien avant la naissance de la critique biographique, ainsi que le rappelle Luc Fraisse, et puisque les deux pratiques sont aujourd'hui aisément différenciées, nous posons comme hypothèse que critique biographique et biographie d'écrivain n'ont jamais réellement *fusionné*, malgré les liens très étroits qui les unissent dans les dernières décennies du XIXe siècle. C'est d'emblée poser l'existence d'un apport *singulier* de la biographie d'écrivain au vaste champ des études littéraires, apport que cette thèse cherchera à définir et à illustrer par des exemples concrets. Il s'agira dans un premier temps de rappeler les principales étapes qui ont marqué l'évolution de la biographie d'écrivain. Or, on remarque que les ouvrages consacrés à la question sont marqués d'un fort cloisonnement disciplinaire, comme s'il y avait, d'une part, la biographie telle qu'elle est pratiquée par les historiens et d'autre part, la biographie des écrivains. Selon nous, la plupart des problèmes que rencontre la biographie historique, s'il s'agissait d'une même pratique critique biographique et biographie d'écrivain à l'époque, concernent aussi la biographie des écrivains. Inversement, la biographie des écrivains sont aussi susceptibles de se rencontrer du côté de ceux qui écrivent la biographie d'une personnalité politique ou philosophique. Même si c'est la biographie d'écrivain qui nous intéresse ici, nous chercherons à élargir notre regard sur la pratique et à la considérer non pas seulement à partir du champ des études littéraires, mais aussi du point de vue des sciences humaines en général. Il ne faut jamais oublier que les disciplines sont des inventions récentes. Une fois ces principaux jalons dessinés, nous nous intéresserons à l'épistémologie *négative* du genre dans les dernières décennies du siècle, c'est-à-dire au discours que tiennent sur la biographie d'écrivain ses détracteurs discours qui n'a pas été sans influencer son renouvellement.

Enfin, nous analyserons une collection d'ouvrages qui, sans constituer des biographies à part entière, n'en fait pas moins une large place à la vie des auteurs étudiés. Il s'agit de la collection « Les grands écrivains français ». Si la figure de Sainte-Beuve a pu nous permettre d'esquisser un premier portrait de la critique littéraire dans la seconde moitié du XIXe siècle. En fait, le « "décollage" de l'industrie biographique » serait survenu autour de 1750, favorisé entre autres par un changement de mentalité nouvel idéal démocratique, individualisme libéral, effondrement des

normes littéraires néo-classiques, nouvelle sensibilité etc. L'émergence ou l'évolution de certaines formes littéraires (roman noir, récit exotique, journal intime, roman psychologique, etc.). Ce décollage marque en même temps une coupure avec tout ce qui s'était fait auparavant pour la première fois, l'atomisation par rubriques est totalement abandonnée ; seule structure unitaire, la présence continue d'un personnage extraordinaire, et la découverte de son génie. La biographie connaît à partir de ce moment une évolution rapide et constante. Dans l'ouvrage qu'il consacre aux rapports entre critique littéraire et biographie d'écrivain, José Luis Diaz résume ainsi les étapes qui marquent spécifiquement l'évolution de cette dernière pratique entre 1750 et 1800. Cette évolution s'est faite en trois temps : dans la première moitié du siècle apparaît une attention aux minuties et aux détails de la vie privée des écrivains, de la part de curieux et d'érudits, soucieux de vérité mais regardant leur héros par le petit bout de la lorgnette; puis, dès les années 1750, se dessine une montée en puissance des éloges académiques, avec une place de plus en plus grande donnée à l'auteur, dont la vie statufiée se réduit d'abord à quelques « traits » ; enfin, à partir des années 1770, une plus grande curiosité est permise pour l'homme privé saisi dans son « intimité ». Dans les premières décennies du XIXe siècle, la biographie d'écrivain, comme la biographie au sens large, modifie ses orientations, marquée qu'elle est par l'histoire les José-Luis Diaz profondes mutations politiques, les remous sociaux, etc c'est-à-dire à partir à la recherche d'une vérité non plus seulement morale et psychologique, mais aussi *historique*. L'époque romantique marque de manière profonde l'évolution de la biographie d'écrivain. Parmi les changements qui s'opèrent alors et qui affectent de manière importante le genre dont il est question ici mentionnons la fonction dévolue à l'homme en tant que sujet anthropologique- sujet qui à force de fascination, devient bientôt objet de savoir vivant en société, l'homme, isolé ou en groupe, soit devenu objet de science, cela ne peut pas être considéré ni traité comme un phénomène d'opinion c'est un événement dans l'ordre du savoir.

La bibliographie:

1. Sainte-Beuve. Au seuil de la modernité. – Paris., 2002 – P.221-236.
2. Charles-Augustin Sainte-Beuve. Chateaubriand jugé par un ami intime en 1803. – Paris, 1865. – P.15.
3. http://ru.wikipedia.org/wiki/Сент-Бёв,_Шарль_Огюстен_де
4. [<http://www.litdefrance.ru/199/1131>]

THE USE OF MODERN INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES AND THEIR EFFECTIVENESS

Akhmedov B.Y. – Head of the Department of BVO'QT and MOXB Languages

Key words: new methods, teaching of foreign languages, pedagogical technologies, innovative teaching techniques

Abstract: In today's fast-paced world, science and technology are gaining momentum. Progress in every area is moving forward. In particular, science has undergone great changes and significant progress. Delivery of each subject to students using innovative teaching techniques is one of the main requirements of today's education. In particular, after the adoption of the Decree of the First President of the Republic of Uzbekistan Islam Abduganievich PQ 1875 of December 13, 2012, the attention to teaching and learning foreign languages in our country increased. A new stage in the teaching of foreign languages began in our country. The use of advanced pedagogical technologies, interactive, innovative and communicative media is required in the teaching of foreign languages.

New methods and requirements for teaching foreign languages in accordance with the European Framework Recommendations (CEFR) have been developed. It has created textbooks for students of secondary schools and vocational colleges. In accordance with these requirements, the classrooms are equipped with stands and new information and communication technologies. The need for learning foreign languages is also increasing day by day. Foreign language is divided into

four aspects (reading, writing, listening and speaking) and each of them is given specific insights and skills. Educational technologies are the effective use of modern information technologies in the educational process. It also envisages improving the quality and effectiveness of education through the introduction of modern innovative technologies into the educational process. In particular, the use of such information and communication technologies in learning a foreign language has several benefits. The role of modern technology in language learning and teaching is invaluable. The use of technology means every aspect of learning a foreign language (reading, writing, listening, and speaking). For example, without listening to a computer, player or CD, this process is impossible to listen to and understand. Listening comprehension is one of the most important parts of language learning. This requires that the reader simultaneously focus on the speaker's pronunciation, grammar rules, vocabulary, and meaning. The use of modern technologies in the learning process is an important factor for students to be well acquainted with and use of information and communication technologies. Teaching and learning foreign languages using modern technology is one of the most effective ways. This process can include, inter alia:

- when using a computer, the reader may also watch movies or cartoons in a foreign language;

- listen to and watch foreign broadcasts and TV programs;

- use of tape recorders and cassettes, which is a more traditional method;

- CD players can be used.

The use of these techniques will help students make the process of learning a foreign language more enjoyable and efficient. In the process of globalization, it is difficult to imagine our lives without the Internet. One of the most effective ways to use foreign languages in teaching and learning is to use it effectively. It is possible to communicate with native speakers on the Internet. You can improve your writing skills by email. Introduction of modern technologies in the educational process - the purposeful and proper use of these technologies, increasing the interest of the student in learning foreign languages, improving the effectiveness of teaching. This will enable the use of innovative educational technologies and the demand will increase. Today, there are several ways in which innovation technology is used. If they are used in a wide variety of ways to cover the subject in lessons, the effectiveness of the lesson will be enhanced and the students' interest in the lesson will be increased. Increasing the effectiveness of education through the introduction and implementation of innovations into the educational process. The use of various role-playing games in the teaching of foreign languages can also enhance your interest in learning both the lesson and the language. By working in pairs or in small groups, it helps students communicate with others. The use of graphic organizers in the learning process is one of the most important visits to cover the subject and deliver it to students. It is also possible to use several different graphic organizers to cover a topic. In teaching foreign languages, it is advisable to use graphic organizers to explain new words and grammar rules. Giving these through graphic organizers is also easy to remember. Using a variety of charts is also a good way to teach a foreign language. By using charts in the learning process, students can use certain grammatical rules, such as speeches to use time and place new words. In a time when there is a need for learning a foreign language, the effective use of modern information technology and innovative technologies in the learning process can make this process more effective. The effectiveness of innovative educational technologies is because they are used effectively and usefull in the educational process.

The future of each society is determined by the level of development of the education system, which is an integral part of it. Reforming and improving the system of continuous education of our country, which is on the path of independent development, has moved to a qualitatively new level, the introduction of advanced pedagogical and information technologies, and the improvement of education efficiency. The development of pedagogical technologies and their introduction into the educational process, as well as the rapid exchange and improvement of information technology, provided opportunities for each person to improve their professional skills. Introduction of advanced pedagogical technologies into the educational process is one of the objectives of the “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi”. Currently, innovative pedagogical

O'yinlar maktabgacha yoshdagi bolalarning asosiy faoliyat shakli hisoblanadi. Bu esa pedagog va psixolog olimlar tomonidan shu yosh davridagi o'yinlarning ta'lim-tarbiyaviy ahamiyatini o'rganish va yanada oshirish bo'yicha tadqiqotlar olib borilishiga asos bo'lgan. Didaktik o'yinlarni tanlashda ishtirokchilarning yoshi, bilimi va tarbiyalanganlik darajasi hisobga olinadi. Har bir didaktik o'yin mashg'ulotlariga o'ziga xos xavfsizlik talablari qo'yiladi. Bu xavfsizlik talablariga to'liq rioya qilinishi har bir tashkilotchining doimiy e'tiborida bo'lishi lozim.

Bundan tashqari har bir didaktik o'yin uchun sarflanadigan vaqt miqdorini to'g'ri belgilash va unga rioya qilishning o'ziga xos asoslarini bilish va darsning maqsadiga muvofiq qo'llash talab qilinadi.

Ta'lim jarayonida didaktik o'yinli texnologiyalar didaktik o'yinli dars shaklida qo'llaniladi. Ushbu darslarda o'quvchilarning bilim olish jarayoni o'yin faoliyati orqali uyg'unlashtiriladi. Shu sababli o'quvchilarning ta'lim olish faoliyati o'yin faoliyati bilan uyg'unlashgan darslar didaktik o'yinli darslar deb ataladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Ishmuhammedov R., Abduqodirov A., Pardayev A. Tarbiyada innovatsion texnologiyalar (ta'lim muassasalari tarbiyachi-o'qituvchilari va guruh rahbarlari uchun amaliy tavsiyalar). -T.: Iste'dod, 2010-yil
2. Yo'ldoshev U., Ibragimov X. Pedagogik psixologiya. T.: 2008-yil.
3. Ta'lim menejmenti. -T.: 2007-y №1-son

ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШДА СЎЗ ТУРКУМЛАРИНИНГ РОЛИ

Ш.М. Ўтанова – АнДУ

Аннотация: Мақолада немис тилидаги сўзларнинг ўзига хос хусусиятлари, сўзнинг умумкатегориал маъно характери ва сўз туркумларининг белги-хусусиятлари борасида фикр юритилган ва мисоллар келтирилган.

Калит сўзлар: сўз туркумлари, грамматик категория, маъно, характер, белги, хусусият, синтактик функция, лексик маъно, суффикс

Аннотация: В статье дается представление и приводятся примеры особенностей слов в немецком языке, общий категориальный характер значения слова и характерологические характеристики категорий слова.

Ключевые слова: категории слов, категория грамматик, значение, характер, характер, признак, синтаксическая функция, лексическое значение, суффикс

Annotation: The article provides an idea and examples of the features of words in the German language, the General categorical character of the word meaning and the characterological characteristics of the word categories.

Keywords: word categories, grammatic category, meaning, character, character, attribute, syntactic function, lexical meaning, suffix

Немис тилидаги сўзлар ўзига хос хусусиятларига кўра айрим лексик-грамматик группаларга бўлинади. Уларнинг бундай группалари с ў з т у р к у м л а р и дейилади.

Немис тилида сўзлар куйидаги белги-хусусиятларга кўра туркумларга ажратилади:

1) Сўзнинг умумкатегориал маъноси характерига кўра. Масалан: *die Stadt, fliegen, klein* сўзларининг умумкатегориал маъно характери турлича бўлгани учун, улар турли сўз туркумларига мансуб. Предмет маъносини англатиш отлар учун характерли бўлса, иш-

харакатни ифода этиш феъллар учун характерли, предмет белгисини англантиш эса сифатлар учун характерли ва ш. к. Лекин *laufen* ва *der Lauf*. *Warm* ва *die Wärme* каби сўзларнинг қиёси шуни кўрсатадики, фақат сўзнинг лексик маъно характерининг ўзи сўз туркумларини аниқ белгилаш учун етарли белги бўла олмайди. Чунки *laufen* ва *der Lauf* сўзлари турли сўз туркумига тегишли бўлишига қарамай, ҳаракат маъносини англатади; *warm* ва *die Wärme* сўзлари белги маъносини ифодалайди. *Laufen* ва *der Lauf*. *Warm* ва *die Wärme* сўзларини бир категорияга киритиб бўлмайди. Бу сўзларнинг маънолари бир-бирига ўхшаш бўлсада, буларнинг ҳар бири бирор бошқа сўз туркумига оид бўлган бошқа белгиларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам *laufen* ва *der Lauf* сўзларининг биринчиси феълга, иккинчиси эса отга тегишлидир.

2) Грамматик категория ва у билан боғлиқ бўлган форма яшаш системасига кўра. Юқорида қиёс қилинган *laufen* ва *der Lauf* сўзларининг грамматик категориялари турлича бўлади. *Der Lauf* оти, келишик, род, сон, аниқлик ва ноаниқлик категориялари га эга. Феъл эса шахс ва сон бўйича тусланади, у замон формаларига, уч майлга ҳам эга; ўтимли феъллар эса аниқ ва мажхул нисбат формаларига эга.

3) Сўз туркумининг учинчи белгиси — маълум бир категорияга оид бўлган сўзнинг гапдаги асоси синтактик функциясига кўра. Масалан: *laufen* феъл бўлгани учун у тусланадиган формада қўлланганда кесим вазифасида ишлатилади. От учун энг характерли бўлган функция унинг эга ва тўлдирувчи вазифасида қўлланишидир.

4) Сўз туркумининг тўртинчи белгиси — маълум сўз туркумига хос бўлган сўз яшаш, форма яшаш системасига кўра. Чунончи ҳар бир сўз туркуми ўзининг сўз яшаш системасига эга. Масалан: *-ung, -heit, keit, -schaft, -tum, -e*. в. б. суффикслар отларга характерли; *-bar, -sam, -ig, -lich* в. б. сифатларга; *-te, -ste, -zig* сонларга характерлидир. Турли сўз туркумларининг сўз яшаш усулларининг тўтган ўрни ҳам турлича.

Немис тилида отларда сўз яшаш системаси билан бир қаторда сўз қўшилиш системаси ҳам кенг кўламда қўлланади. Феъл ва сифатларда эса, аксинча, сўз қўшилиш системаси у қадар муҳим роль ўйнамайди. Сўз туркумларида сўз яшаш системаси муҳим аҳамиятга эга. Сифатлардаги сўз ясалишида энг асосий усул суффиксациядир. Лекин феъл ясалишида қўлланадиган суффикслар анчагина кам миқдорни ташкил қилади. Феълларда префиксация жуда тараққий этган, қиёсланг: *bauen* феълидан *abbauen, anbauen, aneinanderbauen, aufbauen, wiederaufbauen, ausbauen, bebauen, drüberbauen, einbauen, hineinbauen, erbauen, auferbauen, fortbauen, hinbauen, nachbauen, zusammenbauen, überbauen* каби (ясама) феъллар ясалади. Энди олмон тили сўз туркумларига оид бўлган тўрт муҳим белгини ўзбек тили сўз туркумлари билан қиёс қилиб кўрайлик:

Б и р и н ч и б е л г и (Das erste Merkmal) — сўзнинг умумкатегориал маъноси. Немис тилида *die Stadt, fliegen, klein* сўзларининг маъно характери аниқланган. *Die Stadt* — *шаҳар* сўзи ўзбек тилида ҳам от ҳисобланиб, предмет маъносини англатади; *fliegen* — *учмоқ* сўзи ўзбек тилида ҳам ҳаракатни англатади; *klein* — *кичик* сўзи эса предмет сифатини англатади. Демак, немис ва ўзбек тилларида сўзларнинг маъно характерига кўра ўз туркумларига ажратилиш усули бир-бири билан мос тушади. Қиёсланг: *groß* — *камма, zehn* — *ўн, wir* -- *биз, schnell* — *тез, das Haus* — *уй* сўзларининг ҳар бири икки тилда ҳам бир хил сўз туркумига оиддир.

Иккинчи белги (Das zweite Merkmal) — маълум бир сўз туркумига оид бўлган грамматик категориялар ва унга боғлиқ бўлган форма яшаш системаси ҳисобланади. Немис тилида қиёс қилинган *laufen* — *чопмоқ, der Lauf* — *чопиқ* сўзларининг феълга оид бўлган (*laufen*) биринчи сўзининг грамматик категориялари ўзбек тили билан мос тушади, чунки феъл ўзбек тилида ҳам шахс ва сон, замон, майл ва нисбат категорияларига эга. Лекин феълдан ясаиб отга тегишли бўлган иккинчи *чопиш (der Lauf)* сўзининг ўзбек тилидаги грамматик категориялари ўзининг баъзи бир хусусиятларига кўра немис тилидан фарқ қилади. Чунончи, *der Lauf* немис тилида отлашган феълга оид бўлиб, отга тегишли бўлган ҳамма грамматик категорияларга эга бўлса, ўзбек тилида чопиш сўзи ўзига хос бўлган баъзи бир грамматик категориялари билан олмон тилидан фарқ қилади. *Чопиш* сўзи ўзбек тилида «ҳаракат номи»дир. Ҳаракат номи формасида қўлланувчи феълларнинг бир томондан феълга хос бўлган хусусиятларга эга бўлиши, иккинчи томондан отларга хос хусусиятларга эга бўлиши немис тилига ўхшайди. Бирок, ўзбек тилидаги ҳаракат номининг қуйидаги

ўзига хос хусусиятлари олмон тилида йўқ. Ҳаракат номи биринчидан, феъллардаги нисбат хусусиятини сақлайди: *ўқиди — ўқимоқ ўқитди — ўқитмоқ, ўқитилди—ўқитилмоқ*, иккинчидан, ҳаракат номи отлар каби келиши ва эгалик формантларини қабул қилиб, отлар бажарган синтактик вазифаларни бажара олади: *ўқимоқни, ўқимоққа, ўқимоқдан, ўқимоқнинг, ўқимоқингизга* каби.

Демак, кўрсатилган сўзларнинг икки тилдаги анализи шуни кўрсатадики, немис тилидаги феълдан ясалган отларнинг грамматик категориялари шу сўзнинг ўзбек тилидаги эквивалентининг грамматик категориялари билан ҳар доим мос тушмайди. Айниқса ҳаракат номининг эгалик аффиксларини қабул қилиш хусусияти немис тилидаги феълнинг отлашган формасидан кескин фарқ қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Умархўжаев М.Э., Назаров Қ.Н. *Deutsch – russisch – usbekisches phraseologisches Wörterbuch*. Тошкент, 1994. 236 бет.
2. Умархўжаев М.Э. *Инглизча – олмонча – ўзбекча тематик тасвирий луғат*. Андижон 2012. 323 бет
3. У. Турсунов, А. Мухоторов, Ш. Раҳматуллаев. Т., Ўзбекистон, 1992. 400 бет
4. Чернишѐва И.И., Степанова М.Д. *Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache*. М., 1975. S 268.

CHET TILLARNI AUTENTIV MATERIALLAR ORQALI O'RGATISH

М. Haydarova 35- maktab o'qituvchisi

Kalit so'zlar: Autentiv materiallar, chet tili, pedagogika, so'z boyligi, leksika

Annotatsiya. Hozirgi fan va texnologiyalar yuksalgan bir davrda, yoshlar orasida til o'rganishga bo'lgan ehtiyoj va talab kundan-kunga oshib bormoqda va maktablarda yosh avlodni chet tillarga o'qitishni yanada takomillashtirishni taqozo etmoqda.

O'quvchilarga chet tilidan puxta bilim berish esa pedagog kadrlarning bilim va malakasiga bog'liq desak yangishmagan bo'lamiz. Va ayni paytlarda barcha maktablarni chet tili o'qituvchilari, izlanuvchan, malakali kadrlar bilan ta'minlashga alohida e'tibor qaratilgan. Qolaversa, yangi o'quv yilida oliy o'quv yurtlarini bitirib keladigan kadrlar va qayta tayyorgarlikdan o'tgan o'qituvchilar hisobiga chet tili mutaxassislariga bo'lgan talab to'liq qoplanayotganligi quvonarli hol albatta. Ana shu ehtiyojning ortishi tufayli xorijiy tillar chuqur o'rgatiladigan ixtisoslashgan maktablarda zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalangan holda o'qitishning yangi, ilg'or usul va uslublari ishlab chiqish, turli xil axborot kommunikatsiya texnologiyalari yordamida o'qitish va o'rganish jarayonini takomillashtirishni talab qilmoqda.

Ma'lumki til o'rganishda so'z boyligini oshirish muhim ahamiyat kasb etadi. So'z yodlashda turli xil usullardan foydalangan holda, bu jarayonni turli dasturlar orqali samarali tashkil etish mumkin. Har qaysi chet tilini faqat nazariy tomondan, amaliyotdan ajralgan holda o'rganish mumkin emasligi barchamizga ma'lum. Amaliy mashqlarga ham e'tibor qaratish: kino tomosha qilish, turli adabiyot va gazetalarni mutolaa qilish qolaversa ingliz tilida so'zlashishni biladigan do'stlaringiz orqali internetda suhbatlashish ingliz tilini o'rganishda samarali yutuqlarag erishishni ta'minlaydi. Shaxsan, Kato Lomb rus tilini Gogolning "O'lik qalblari" asari va kerakli lug'atlar orqali o'rganishni boshlagan. Hozirgi vatqda nafaqat chet tiliga o'qitish bo'yicha balki barcha fanlarga o'qitishni, o'rgatishni yangi-yangi metodlarini izlab topish va uni amalda sinab ko'rish to'g'risida ko'p ishlar qilinayapti. Bu hozirgi kundagi ta'lim tarbiya jarayonini yaxshilash, uchun hal qilinishi kerak bo'lgan eng muhim muammolardan biridir. Agar avval chet tili o'qitish shu til sistemasini o'rganish deb qaralgan bo'lsa, keyingi yillarda o'qitishdagi muhim ko'zlangan narsa bu o'quvchilarni chet til nutqini o'stirishdan iborat bo'ldi. Shuni aytish kerakki, chet tilni o'rganishdagi bu maqsadlar, o'z-o'zidan yoki boshqa kimsalar yoki shaxs tomonidan qo'yilmaydi, balki lingvistika va psixologiya fanlaridagi o'zgarishlar va jamiyatning ijtimoiy rivojlanib borishi bilan chambarchas bog'liqdir.

Autentiv material tushunchasi nima? Demak autentiv material tushunchasi haqida juda ko'p fikrlar bildirilgan bo'lib, ularning orasidan Alejandro G. Martinezning fikrlari ayniqsa diqqatga sazovordir. 2002-yilada Alejandro Martinez autentiv material tushunchasi, undan

foydalanish jarayonidagi qulayliklari va noqulayliklari, shuningdek uning manbalari haqida bir qator fikrlarni yuritgan. Autentiv material atamasi ba'zi o'rinlarda "autentiv" yoki "kontekstallashtirish" deb ham ataladi. Autentiv materiallar haqiqiy, hayotiy materiallar bo'lib, talabalar har kungi hayotida ularga duch kelmasligining iloji yo'q. Ammo autentiv materiallardan ko'pincha ta'limiy maqsadlarda foydalanilmaydi. Autentiv materiallar gazetalar, jurnallar, web saytlar, shuningdek, haydovchilarning qo'llanmalari, maishiy-xizmatlarning soliqlari, dori idishlari, kiyimlarning etiketikasidagi ma'lumotlarni o'z ichiga oladi.

Martinez Viddonsonning autentiv materiallar va haqiqiy (genuine) materiallar o'rtasidagi farqlarga alohida e'tiborini qaratgan va ta'kidlab o'tgan. Autentiv materiallarga shakliy va ma'noviy jihatdan e'tiborimizni qaratadigan bo'lsak, autentiv materiallar asosan, o'sha tilning mahalliy so'zlashuvchilari uchun yaratilgan materiallar bo'lib hisoblanadi. Boshqacha qilib aytadigan bo'lsak, autentiv materiallarni xohlagan usulda o'zgartirib bo'lmaydi. Vaholanki haqiqiy (genuine) materiallar sinfda foydalanish uchun moslashtirilgan autentiv materiallar bo'lib hisoblanadi. Masalan: aralashtirilgan paragraflar, tushirilib qoldirilgan sarlavhalar va boshqalarni misol qilib ko'rsatishimiz mumkin. Martinez autentiv materiallardan foydalanishning qulayliklari va noqulayliklari haqida quyidagi fikrlari keltirib o'tadi:

Afzalliklari:

- Talabalar haqiqiy tilga duch keladilar;
- Autentiv materiallardan olingan daliliy ma'lumotlarga ega bo'ladilar;
- Berilgan qo'llanmalarida noto'g'ri ma'lumotlardan umuman foydalanilmaydi;
- Autentiv materiallar ko'pgina talabalar uchun zavqlantiruvchi yoki ilhomlantiruvchi g'oyalar berishi mumkin;
- Matnlarning bir qismida ham turli xil mashqlar, ham turli xil vazifalar uchun foydalanish mumkin;
- Autentiv matnlarda usul, janr va shaklning keng tanlovi bo'ladi;
- Ularni xursandchilik bilan o'qish talabalarga turtki bera oladi;

Chet tilini o'rganishda, ayniqsa ingliz tilini o'rganishda autentiv materiallarning roli beqiyosdir. Dars jarayonlarida autentiv materiallardan foydalanish orqali o'rganuvchilarning bilim saviyasi oshadi, dunyoqarashi kengayadi. Shuningdek, yangi tilni o'rganishda qiziqishlari yanada oshadi. Dunyoda sodir bo'layotgan yangiliklar, tilda sodir bo'layotgan o'zgarishlardan xabardor bo'lishga zamin yaratadi desak mubolag'a bo'lmaydi. Tildagi madaniy qarashlardan xabardor bo'lish imkoniyati ham paydo bo'ladi. Shuningdek, yangi tilni o'rganishni yanada osonlashtiradi va katta ahamiyatga ega bo'lgan materiallar bo'lib hisoblanadi. Autentiv materiallardan foydalanish, tilda sodir bo'layotgan barcha yangiliklardan xabardor bo'lish imkoniyatini yaratib beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Юнусова Ч. Таълим самарадорлигини таъминлашда педагогнинг касбий маҳоратини ривожлантириш йўллари. Халқ таълими журнали. 2017 йил 1-сон. 31-36 бетлар.
2. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. М., Педагогика, 1989 г. 256 с.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ ВА УНИНГ САМАРАДОРИГИ

О.К. Хайдарова – ҚарДУ

АННОТАЦИЯ: педагогларнинг муваффақиятли ишлашлари, ўқувчиларга таълим беришлари учун таълим жараёнига янгиликларни тадбиқ этишни билишлари шарт. Ушбу мақола педагогларнинг инновацияни таълим-тарбия ишида тўлиқ ва аниқ қўллаш учун унинг мазмун, моҳиятини тушуниб етиш лозимлиги ҳақида.

АННОТАЦИЯ: педагоги должны знать, как интегрировать инновации в учебный процесс, чтобы они могли хорошо работать. Данная статья посвящается о необходимости понять педагогами суть и значение инноваций в учебно-воспитательной работе.

ANNOTATION: in order to work well teachers need to know how to integrate innovations into the learning process for their students. This research paper is on the importance of essence and significance of innovation in the educational work.

Таълим жамиятнинг янги сифатини шакллантиришнинг муҳим омили ҳисобланиб, унинг тараққиётида инсон таъсири муҳим аҳамият касб этади. Янгиликларнинг асосини – бўлажак мутахассисни ривожланган замонавий касбий тайёрлаш ташкил этади.

Замонавий таълим инновацион технология асосида ўқитишни йўлга қўйишни, таълим жараёнини ўқувчилар учун тушунарли ва қизиқарли соҳаларини яратиш учун тинимсиз ўқитувчидан изланишни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида “Инновацияларни татбиқ этиш илмий-амалий маркази лойиҳаси” билан танишиш давомида “Халқимиз дунёқарашида инновация муҳитини яратиш энг муҳим вазифамиздир. Инновация бўлмас экан, ҳеч бир соҳада рақобат, ривожланиш бўлмайди”,¹ деб таъкидлаган эдилар.

Фаолиятни инновациялар асосида ташкил эта оладиган педагогик кадрлар тайёрлаш ҳар доим педагогика фани ва тарихининг диққат марказида турган муҳим масалалардан бўлган.

Ҳозирги замон ўқитувчиси инновацион технологиянинг моҳир устаси бўлиб, ўқувчиларни фан асослари билан қуроллантириши, юксак маънавий камолот, ўз халқи фаровонлиги учун меҳнат қилишга онгли равишда интилиши, умуминсоний ва миллий тараққиёт тамойилларига садоқатни шакллантира олиши лозим. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ўқитувчи кадрлар тайёрлаш сифатини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги замон ўқитувчиси ҳар томонлама етук, маънавий бой, ўз ишининг моҳир устаси, инновацияларни тез англаб ҳаётга татбиқ эта оладиган бўлмоғи лозим.

Бўлажак ўқитувчиларни таълим жараёнини инновацион ёндашув асосида ташкил этишга тайёрлашда педагогик фаолиятнинг мотивларини ҳар томонлама ривожлантириш орқали педагогик технологиянинг моҳиятини тушуниш, шунга доир билим, кўникма ва малакаларни чуқур эгаллаш, таълим жараёнига инновацион ёндашувнинг илмий асосларини яратиш, педагогик фаолиятга инновацион ёндашув асосларини белгилаб бериш, ўқитувчилар фаолиятидаги инновацион ёндашувнинг ўзига хос қирраларини очиқбериш каби масалалар кўриб чиқилади.

Инновация жамият пайдо бўлишидан бошлаб ўзгариб келмоқда. Баъзи педагоглар инновация сўзини тор маънода таълимни такомиллаштириш, замонавийлаштириш деса, бошқалари унга кенгрок тушунча бермоқда. Таълим соҳасидаги айрим янги тушунчаларни, ислоҳот, ўқитишни замонавийлаштириш, такомиллаштириш, оптималлаштириш кабилар билан алмаштирмоқдалар.

Инновация орқали ўқитиш жараёни ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро муносабатлари оптималлаштиради. Бунда ҳар иккала шахс ҳам фаол иштирокчига айланиши кўзда тутилади. Таълим жараёнининг самарадорлиги эса ушбу ўзаро муносабатларнинг қандай бўлишига боғлиқ, албатта.

Таълим жараёни инновация орқали юксак савияда ташкил этилса бўлажак мутахассисларда интеллектуал фаоллик намоён бўлади. Интеллектуал фаоллик эса бўлажак мутахассиснинг ҳар томонлама тайёргарлик кўришига, бўлажак фаолиятнинг устаси бўлиб етишишига ёрдам беради. Интеллектлатинча *intellectus* – яъни ақл, идрок, зеҳн деган маънони англатади. Бу дегани кишининг битта билиш фаолияти, тор маънода тафаккури, фикр юритиш жараёнини шакллантириш демакдир.

Педагогик фаолиятни инновацион ёндашув асосида ташкил этишнинг ривожланиши ўқитувчи маҳоратини шакллантириш жараёнини тубдан ўзгартириш билан чамбарчас боғлиқ. Булар педагогик ходисаларни тушуниш ва унга баҳо бериш кўникмаси ва шу соҳадаги билимларига таяниб ўз-ўзини ва ўзгаларни англаш, ўзига танқидийбаҳо бера олиш, ўзаро алоқа воситаларини излашдан иборатдир.

¹Ш.Мирзиёев. “Инновацияларни татбиқ этиш илмий-амалий маркази лойиҳаси” ҳақида. Халқ сўзи. газетаси 29 декабрь, 2018.

Ўз-ўзини англаш жараёнининг ривожланишини ўрганиш натижаларидан тўпланган маълумотлар шуни кўрсатдики, бу кўникмалар ўқув юртида ривожланади. Бу жараёнларни таъминлаш имкониятлари педагогик касби асосларини ўрганиш ва шахс ўз фаолияти давомида эгаллаган тажриба орқали амалга оширилади.

Кузатиш натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келдик:

- талабаларнинг педагогик фаолияти ва ўз-ўзини англаш кўникмасини ривожлантириш лозимлиги ҳақидаги фаразимизнинг тўғри эканлиги тасдиқланди. Дарҳақиқат, бўлажак ўқитувчиларни таълимжараёнига инновацион ёндашувга тайёрлаш, аввало уларнинг шукасбни танлаш мотивларини ҳисобга олган ҳолда уларни ривожлантиришга қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Фақат мотивларгина инсоннинг касбий маҳоратини таҳлил қилиш ва ўзидаги камчиликларни билиш, ўз - ўзини англашга ёрдам беради;

- бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда таълим жараёнини инновациялар асосида ташкил этишга эътибор қаратиш зарур. Бунда айниқса, талабаларни мақсадни англашга, шу мақсадни таълим жараёнида нечоғли амалга ошиганини таҳлил қилиш, талабаларни ўз-ўзини англаш, ўзининг фаолияти ва ўзгалар фаолиятига тўғри баҳо бера олишга ўргатишда муҳим ўрин тутди;

- бўлажак ўқитувчиларни таълим жараёнига инновацион ёндашувга ўргатиш тизими педагогик мотивларнинг шаклланиши педагогик таълимни замонавий, педагогик амалиёт тарзида ташкил этишни тақозо қилади. Фақат шундагина бўлажак ўқитувчидатаълим жараёнига инновацион ёндашув кўникма ва малакаси ҳосил бўлади;

- олий ўқув юртидаги таълим тизимининг ҳозирги даражаси бўлажак ўқитувчиларни таълим жараёнини инновацион асосда ташкил этишга тайёрлашда етарли имкониятларга эга эмас. Бу таълимжараёнини ташкил этишни қийинлаштиради.

- олий ўқув юртидаги таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда умумий ўрта таълим мактаблари билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйиш зарур.

Бўлажак ўқитувчининг келгуси педагогик фаолиятга тайёргарлигини белгилаш учун педагогларга хосунумли ва инновацион ёндашув асосида ишлашнинг анча тараққий этган шакллари ҳақида маълумотга эга бўлиш лозим.

Биз бу фаолиятнинг қай даражада самарадорлигини таққослаш, таҳлил қилиш орқали аниқлашга ҳаракат қилдик. Бизнинг фикримизча янги, инновацион ёндашув асосидаги педагогик маҳоратни ўрганишда қуйидагиларга эътибор қаратиш керак:

Биринчиси, инновацион ёндашув асосида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар контингентининг янги ва самарали ишлаш сирларини ўрганиб чиқиш.

Иккинчиси, педагогларнинг инновацион ёндашув фаоллигини ошириш ва аксинча, унга тўсқинлик қилаётган сабабларни аниқлаш, инновацион ёндашув асосида ишлашнинг янада самаралироқ йўллари излаш.

Учинчиси, тажрибали ўқитувчиларнинг инновацион ёндашув асосида ишлаш сирларининг ўзига хослиги, тузилишидаги фарқларива характер хусусиятларини чуқур ўрганиш.

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак ўқитувчиларни таълим жараёнига инновацион ёндашувга тайёрлашда фаолият мотивининг мавжудлиги шахснинг педагогик фаолиятга эркин киришуви, ўқувчилар билан тез тил топа билиши, изланиши, фаолиятга ижодий ёндашиши, таълим жараёнини инновацион ёндашув асосида ташкил этишга интилишига ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномаси 2020 йил 24 январь.
2. Очиллов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши: Насаф. 2000.- 80 б.
3. Гаффорова Т ва бошқалар. Таълимнинг илғор технологиялари. – Қарши.: Насаф. 2003. -112 б.

4. Хайдарова О.К.Олий педагогик таълимга технологик ёндашув асослари .
Услубий қўлланма. –Тошкент, «Янги аср авлоди» нашриёти, 2006.

INNOVATSION TA'LIM TEXNOLOGIYALARINING TA'LIM TIZIMIDAGI O'RNI *Qurbonova D. Sh., BVXTXQT va ularning MOXM*

Chet tilini o'qitish jarayonida turli xil jadvallardan foydalanib, o'quvchilar ma'lum bir grammatik qoidani masalan, zamonlardan foydalanib gaplar tuzish, yangi so'zlarni joylashtirib chiqishi mumkin.

Chet tilini o'rganishga ehtiyoj yuqori bo'lgan bir davrda, ta'lim jarayonida zamonaviy axborot texnologiyalaridan, innovatsion ta'lim texnologiyalaridan unumli foydalanish bu jarayonni samarali bo'lishga olib keladi. Innovatsion ta'lim texnologiyalarning samaradorligi ularning ta'lim jarayonida to'g'ri va unumli foydalanilganidadir.

Ta'lim jarayonidagi innovatsion o'zgarishlar ta'lim tizimga har qanday yangiliklarning kiritilishi bevosita o'qituvchi faoliyatini yangilash bilan bog'liq. „Innovatsion faoliyat- bu yangi ijtimoiy talablar bilan ananaviy meyorlarga mos kelmasligi yohud amaliyotning yangi shakllanayotgan me'yoring mavjud me'yor bilan to'qnashuvi natijasida aholining qoloqlashishiga majmual muammolarini yechishga harakatida faoliyatdir” deb ta'kidlaydi V.I.Spobadchikov

Innovatsiya (inglizcha innovation) yangilik kiritishik demakdir. Innovatsion texnologiyalar pedogogik jarayon hamda o'qituvchi va talaba faoliyatiga yangilik, o'zgarishlar kiritish bo'lib uning faoliyatini amalga oshirishga asosan interfaol uslublardan foydalaniladi. Ammo ilg'or pedogogik texnologiyalar va innovatsiyalar o'z-o'zidan ta'lim sohasiga kirib kelgan. Bu o'qituvchi faoliyatiga va uning motivatsiyasiga bog'liq jarayon. Pedogog o'z ustida tinim bilmay ishlashi o'quvchi talabalarni innovatsion texnologiyalarning qo'llab darsga qiziqtirishi lozim.

Bir misol qilib chet tili fanini oladigan bo'lsak, chet tili darslarining o'tilish jarayonlarida ilg'or pedogogik texnologiyalarni interfaol, innovatsion usullardan kommunikativ- axborot vositalarida foydalanish talab etilmaydi. Respublikamizda chet tilining o'qitilishi chet tili o'qituvchilarning bilim va ko'nikmalarning baholashda umumiyevropa ramkalari (CEFR) da mos ravishda yangi usul talablari ishlab chiqildi, unga ko'ra umumta'lim maktablari va kasb-hunar kollejlari o'quvchilari uchun darsliklar yaratilgan. Ushbu talablarga mos ravishda o'quv xonalari stentlar va yangi axborot kommunikativ texnikalar bilan jihozlanadi. Chet tilini o'rganishga bo'lgan talab ham kundan kunga oshib bormoqda. Chet tili fani 4 aspektga (o'qish, yozish, tinglab tushunish va gapirish) bo'linib, ularning har biri bo'yicha alohida tushuncha va ko'nikmalar berilmoqda.

Ta'lim texnologiyalari, bu ta'lim jarayonida zamonaviy axborot texnologiyalaridan unumli foydalanishdir. Shuningdek, ta'lim jarayoniga zamonaviy innovatsion texnologiyalarini olib kirish orqali ta'lim sifati va samaradorligini oshirishni nazarda tutadi. Chet tilini zamonaviy texnologiyalardan foydalanib o'rganish va o'rganish eng samarador usullardan biridir. Bu jarayonda, jumladan:

-kompyuterlardan foydalanganda o'quvchi chet tilidagi video roliklarini, namoyishlarni, dialoglarni kino yoki multfilmlarni ham ko'rish ham eshitish ham mumkin;

-chet tilidagi radio eshittirishlar va televideniya dasturlarni eshitish va tomosha qilish mumkin;

-ancha an'anaviy usul hisoblanadigan magnitafon va kassetalardan foydalanish;

-CD pleyerlardan foydalanish mumkin. Bu texnik vositalardan foydalanish o'quvchilarning chet tilini o'rganishlari jarayonini qiziqarliroq va samaraliroq bo'lishini ta'minlaydi.

Globalashuv jarayonida hayotimizni internetsiz tasavvur qilish qiyin. Chet tilini o'rganish va o'qitish jarayonida undan unumli foydalanishning eng samarali usullardan hisoblanadi. Internet

orqali chet tilida so'zlashuvchilar bilan muloqot qilish imkoniyati paydo bo'ladi. E-mail orqali xat yozish bilan yozish mashqini takomillashtirish mumkin.

Ta'lim jarayoniga zamonaviy – kommunikatsion texnologiyalarni olib kirish ulardan maqsadli va to'g'ri, unumli foydalanish, ular orqali o'quvchida chet tiliga bo'lgan qiziqishini orttirish, o'qitish samaradorligini oshirish eng muhim masala hisoblanadi. Bu orqali ta'limning innovatsion texnologiyalaridan foydalanishga imkoniyat tug'iladi va talab ortadi.

Bugungi kunda innovatsion ta'lim texnologiyalarining bir necha xil usullari mavjud. Ulardan darslarda mavzuni yoritishda keng va turli usullaridan foydalanilsa, darsning samaradorligi yuqori bo'ladi va o'quvchilarning darsga bo'lgan qiziqishlarining ortishi ham ta'minlanadi. Ta'lim jarayoniga yangiliklarni olib kirish va ularni tadbiiq qilish orqali ta'lim samaradorligini oshirish nazarda tutiladi. Chet tili darslarining o'qitilishida turli rolli, harakatli o'yinlardan foydalanish ham darsga ham til o'rganishga bo'lgan qiziqishini ortishiga sabab bo'ladi. O'quvchilarning juft yoki kichik guruhlarda ishlashlari orqali esa o'quvchilarning boshqalar bilan kommunikativ aloqa qilishlari uchun yordam beradi.

Adabiyotlar:

- 1.n.ziyouz.com
- 1.https://moluch.ru/archive
- 2.uz.infocom.uz
- 3.www.tsul.uz

MODERN SYSTEM PROBLEMS AND PERSPECTIVES OF LEARNING A FOREIGN LANGUAGE IN THE EDUCATION SYSTEM

Qo'shayeva F. A. BSU student

KEYWORDS: student achievement testing, SMART education, lesson implementation, STEAM education, modern technology, science subjects, social and educational interaction.

Abstract: This article deals with education system strategies and new approaches to teaching foreign languages and learning developed systems around the world. It analyzes STEAM system and its privileges in language learning.

In our education system the importance of language learning is so crucial without which it is too arduous to develop other fields of education. For example: science subjects, mathematics, computer technologies, literature and etc. Therefore we should pay more attention to the modern issues and chances of L2 learning. Now I'll try to find answer to the following questions: What kind of problems do we have? How can we solve them and which perspectives help us to improve foreign language learning.

Acquiring any foreign language is a challenging task that requires much effort from not only teachers, but students as well. Connected to the modern education, there are some issues in the national system of foreign language learning: most language lessons are mainly conducted in the traditional ways, for example only focusing on grammar and vocabulary; during the lessons using usual and the same methods of teaching and some drawbacks in student achievement testing and assessment. Now I'll attempt to find appropriate solutions by analyzing successful and practical methods.

While teaching, a teacher should create such an atmosphere in which the teacher manages to keep the student's interest and improve his abilities language. At classroom there may not be modern technologies. However, without them teacher can have colourful and interesting lessons with the help of different techniques. One of them is STEAM education. STEAM means Science, Technology, Engineering, Art and Mathematics as separate and discrete subject. STEAM based programs get an integral approach to learning and teaching which demands an extensive connection between current learning objectives, criteria, evaluations and lesson implementation. STEAM learning not only help to produce tomorrow's teachers, but it will improve innovative ideas and form the ability of problem solving. From the beginning till the end of a lesson teachers

should struggle to teach and raise awareness the student's knowledge in the various kinds of subjects not only bordering with language. By this way students are capable to catch more easily vocabulary and grammatical rules rather than using the traditional way. Moreover student achievement testing should be strengthened and made some changes in it. Taking in to consideration the interest of students, teacher must organize exams in mostly practical way due to which students can create their new style of language learning.

All in all, I can say that language learning is such a process that is referred as a social and educational interaction as well as communication between learner and teacher. In order to keep this connection efficacious, teacher should never stop searching and creating innovative and productive methods like STEAM EDUCATION.

REFERENCES

1. Almira Suleimonova. Modern problems in language learning language. December 2015;
2. N. Sadykova. Methodology and practice of learning. April 2019;
3. www.researchgate.net. STEAM education

V ШЎБА

ИЛМ-МАЪРИФАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЧЕТ ТИЛЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

XALQARO BAHOLASH TIZIMI (PIRLS) – TA'LIM SIFATI SAMARADORLIGINI TA'MINLASHNING INNOVATSION NAZORAT USULI

Ahmedova D.

Buxoro shahar 1-umumta'lim maktabi o'qituvchi

Annotatsiya. Mamlakatimizda qator yillar davomida uzviy tarzda ta'limga berilayotgan e'tibor innovatsion taraqqiyot sari shiddat bilan rivojlanib borayotgan fan-texnika yutuqlarining maktab tizimiga kirib kelishiga zamin yaratdi. Maqolada xalqaro baholash tizimining O'zbekistonda joriy qilinishi, ta'lim sifatini oshirishdagi o'rni tadqiq qilingan.

Kalit so'zlar. PIRLS, baholash tizimi, ta'lim-tarbiya jarayoni, nazorat, innovatsiya

Kirish. Mamlakatimizda qator yillar davomida uzviy tarzda ta'limga berilayotgan e'tibor innovatsion taraqqiyot sari shiddat bilan rivojlanib borayotgan fan-texnika yutuqlarining maktab tizimiga kirib kelishiga zamin yaratdi. Shu bilan birga, kelajagimiz davomchilari bo'lgan yoshlarning ijodiy g'oyalarini har tomonlama qo'llab – quvvatlash, ularning bilim, ko'nikma va malakalarini kompetentlik darajasiga olib chiqish, ta'lim sifatini oshirish yo'lida xalqaro ilg'or tajribalarni olib kirish zarurati tug'ildi. Bu borada Respublikamizda qo'yilayotgan amaliy qadamlar – Ta'lim sohasidagi yutuqlarni baholash xalqaro assotsiatsiyasidek (IEA) nufuzli tashkilot bilan hamkorlikning yo'lga qo'yilishi, quvonarlidir.

Asosiy qism. Inchunun, ta'lim va tarbiyaning tamal toshi, ijodiylik va tafakkurning ilk kurtaklari boshlang'ich sinfda bo'y ko'rsatishini inobatga oladigan bo'lsak, PISA, TIMSS xalqaro baholash tizimi bilan bir qatorda PIRLS tadqiqotlari ham alohida o'rin tutadi.

Xalqaro baholash dasturi PIRLS (Progress In International Reading And Literacy Study) dunyoning turli mamlakatlari milliy ta'lim tizimida o'qish savodxonligi bo'yicha amalga oshirilayotgan ishlar va natijalarni qiyoslashga yo'naltirilgan. Tadqiqotlar 2001, 2006, 2011, 2016-yillarda o'tkazilgan bo'lib, 2021-yil tadqiqotning beshinchi davriyligi hisoblanadi.

PIRLS- boshlang'ich sinf o'quvchilarining matnni o'qib tushunish darajasini baholash bo'yicha xalqaro tadqiqot dasturidir. Bu dastur milliy o'qitish tizimi orqali o'quvchilarning o'qib tushunish darajasini xalqaro miqyosda taqqoslash imkonini beradi. Shuningdek, yutuq va kamchiliklarimizni aniqlash, ta'lim sifatini yaxshilash yo'lida maqsadli harakatni ta'minlaydi.

O'zbekiston milliy ta'lim tizimida ham o'qish savodxonligi dolzarflik kasb etadi. Chunki matnni to'g'ri o'qiy olish ma'lumotning inson miyasida suratli tasvir ko'rinishini aks ettiradi. Bu esa o'quvchi o'qish davomida egallagan ma'lumotlarni vaziyatlarda qo'llay olish qobiliyatlari va imkoniyatlarini yaratadi. Shundan kelib chiqib, PIRLS tadqiqotlariga tayyorgarlik sinfda va sinfdan tashqari o'qish ko'rinishlarida amalga oshirilishi mumkin.

4-sinf maktab darsligi tarkibidagi matnlarning aksariyati oldiga qo'yilgan maqsad o'quvchilarda badiiy tajriba orttirish va axborot olishga qaratilgan. Masalan: Anvar Obidjonning "Odobli bo'lish osonmi?" ertagining I qismida ertak qahramoni Sichqoncha onasidan odob salomdan boshlanishini bilib oladi. Bu "sehrli so'z"ni ishlatib, yo'lida uchragan Mushukvoy va Echki amakidan "Otangga rahmat" degan alqov ham eshitadi. Ammo ertakning II qismida Sichqoncha uxlab yotgan Toshbaqa va suyak uchun jang qilayotgan Olapar va To'rtko'zga salom berib, buning aksiga loyiq ko'riladi. Ko'ngli to'lib, yo'lida ketayotganda yana Echki amakini uchratadi. Echki amaki unga salomlashish shart bo'lmagan vaziyatlar ham bo'lishini aytadi. Matn "O'zgalarga salom berish mumkin bo'lmagan holatlar ham bo'lar ekanmi?"- deb o'ylab qolibdi Sichqoncha jumlasini bilan yakunlanadi va o'quvchilarning mavjud matn doirasida hayotiy kuzatishlaridan kelib chiqadigan shaxsiy xulosalari uchun imkon yaratadi. Bunda o'qituvchi PIRLS o'qish maqsadlari va tushunish jarayoniga doir topshiriqlar uchun quyidagi savollardan foydalanishi mumkin:

1. Diqqatni jamlash va aniq ko'rsatilgan ma'lumotlarni topishga doir savollar:

Sichqoncha salomi yordamida kimning ko'zidagi g'azabni so'ndira oldi?

Salomlashish Sichqonchani ko'nglida qanday orzularni uyg'otdi?

2. To'g'ridan to'g'ri xulosalar chiqarish:

Salomlashish chindan ham odobning boshi deb o'ylaysizmi? Matnga asoslanib, fikringizni bildiring.

3. G'oyalar va axborotni talqin qilish va uyg'unlashtirish:

Bitta so'z har xil vaziyatda turlicha qabul qilinishining sababi nimada?

Nega Sichqoncha bir xil so'zni ishlatib, ikki xil javob oldi?

4. Kontent va matn elementlarini baholash va tanqid qilish:

Ertakdagi Toshbaqa, Olapar va To'rtko'zning harakatlarini oqlaysizmi?

Sichqonchani onasi nega unga salom berish shart bo'lmagan holatlar haqida boshida hech narsa demadi? Fikringizni 2-3 variantda asoslang.

O'qituvchi oldida turgan vazifa esa o'quvchi shaxsida o'qish va uqish (tushunish) jarayonini uzviylashtirish, matndan aniq ma'lumotlarni topish, to'g'ri xulosalar chiqara olish, g'oyalarga tanqidiy yoxud ijobiy baho bera olish ko'nikmalarini shakllantira olishdan iborat.

Ta'kidlash joizki, PIRLS tadqiqotlarida o'quvchi bilimni baholash jarayoni undagi "men"ni aniqlashga qaratilgan. Chunki bitta axborot yoki badiiy matnni o'quvchilar turlicha tushunishi, turlicha xulosalashi va voqelikka turlicha sub'yektiv qarashlarini bayon etishi mumkin. O'qituvchi o'qish savodxonligining bu ko'rinishini baholashda o'quvchining matn bilan muloqot jarayonida noan'anaviy yaratuvchilik qobiliyatini namoyon eta olishiga, muhim ma'lumotni ajrata olish iqtidoriga, ikkita va undan ortiq aniq xulosalar chiqara olishiga e'tibor qaratishi zarur.

Xulosa. Zero, taraqqiyotning yangi bosqichida turgan O'zbekiston kelajagi sanalgan yosh avlodning qiziqish va iqtidorini kamol toptirish, zamon va xalqaro raqobatga bardosh bera oladigan ilmiy salohiyatli yoshlarni tarbiyalash biz ustozlar uchun ulkan ma'suliyat va sharafdirdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. "Xalqaro tadqiqotlarda boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'qish savodxonligini baholash" "Sharq" nashriyoti. Toshkent-2019-y 8-bet

2. S.Matjonov (va boshq.) O'qish kitobi 4-sinf darslik. Toshkent "Yangi poligraf servis" 2017-y 107-110-betlar

ЁШЛАРДА ИЛМ-МАЪРИФАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АБУ АЛИ ИБН СИНО ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРНИ (“ҲАЙЙ ИБН ЯҚЗОН” АСАРИ МИСОЛИДА)

Ахатова Д.А. ҚарДУ

Ключевые слова. Логика, наука щ разуме, язык, активный ум, похоть, материя, форма, человеческий мир, четыре элемента.

Key words. Logic, science of mind, language, active mind, lust, matter, form, human word, four elements.

Аннотация: В статье рассматривается роль Абу Али ибн Сины в развитии молодежи в контексте современной эпохи, отражается сущность творчества Хайи ибн Яксона в различных символических образах. и образования молодежи в контексте современности. Моральные суждения Ибн Сины описываются как зло (жадность, воровство, обман...) как враги внутри нас, что наши сомнения в нашем духе могут позволить нашим "друзья"м. Даже сегодня, когда моральная бедность признана трагедией того времени, эти моральные и духовные взгляды Ибн Сины остаются актуальными на протяжении веков

Annotation: The article examines the role of Abu Ali ibn Sina in the development of youth in the context of the modern era, reflects the essence of the work of Haya ibn Yaxon in various symbolic images. The moral judgments of Ibn Sina are described as evil (greed, theft, deception...) as enemies within us, and warns us that our doubts in our spirit can allow our "friend"s. Even

today, when moral poverty is recognized as a tragedy of that time, these moral and spiritual views of Ibn Sina remain relevant for centuries

Инсон ҳамма вақт ўз ҳаётида жамиятда мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилишда аввало машҳур олимларнинг, мутафаккирларнинг таълимотларига таянади, бу таълимотларга асосланган ҳолда ўз муаммоларини ҳал қилиш йўллари кидиради. Инсоният олдида турган муаммолар моҳиятига кўра ўзгармаган ҳолда намоён бўлиш шакли, ёндашиш усули, ечимига кўра фарқ қилади. Шундай муаммолардан бири ахлоқий, маърифий муносабат масаласидир.

Бу масала фалсафа тарихида кўплаб баҳс-мулоҳазаларга, турли диний, фалсафий таълимотларнинг шаклланишига сабаб бўлган. Қомусий олим, буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино ижодида ҳам бу масала муҳим ўрин тутган. Мутафаккирнинг бу масалага бағишланган кўплаб рисолалари бўлиб улардан “Ҳайй ибн Яқзон” рисоласида ҳам баён қилинган.

“Ҳайй ибн Яқзон” қиссаси Ибн Синонинг адабий, маънавий-маърифий, фалсафий жиҳатдан диққатга сазовор асаридир.

“Ҳайй ибн Яқзон” қиссасининг тили, услуби ҳам Ибн Синонинг “Саломон ва Ибсол”, “Рисола ат-тайр” асарлари каби тушуниш қийин жумла ва иборалар, ортикча синоним сўзлар билан ифодаланган. Бу услуб эса асарни тушуниш ва уни таржима қилиш ишини анча қийинлаштиради. Бундай қийин шаклда фикр юритишни замондош теологлар хужумига учрамаслик учун шундай қилган, деб изоҳлайди Меҳрен. “Ибн Сино бу рисолаларини, - деб фикрини давом эттиради у, - ўзининг энг яқин шогирдлари учун ёзган. Бу асарлардан унинг дунёқарашини ҳам билиш мумкин”.

“Ҳайй ибн Яқзон” қиссасида айтилишича, Ибн Сино ўз ўртоқлари билан сайрга чиқади. Сайр вақтида “соч оқаришидан бошқа ҳеч қандай қариллик нишонаси бўлмаган бир чол билан” билан учрашади. У чолдан кимлигини сўрайди. Чол: “Исмим Тирик, насабимга келсак, Уйғоқ ўғлиман” – деб жавоб беради. Қиссанинг номи ҳам айнан шундай таржима қилинади: Уйғоқ ўғли Тирикдир. Асарда келтирилган Чол образи Шарқ хусусан, Ибн Сино фалсафасининг энг асосий тушунчаси фаол ақлни ифодалайди. Фаол ақл юнонистонлик олим Арасту фалсафасининг ҳам асосий тушунчаси ҳисобланиб, бу тушунча орқали инсон ички оламини очиб беришга ҳаракат қилинади.

Чол (фаол ақл) Ибн Синога ҳар-хил илм ҳамда маърифат соҳалари тўғрисида гапириб беради. Қиссадаги Ақл - Ҳайй ибн Яқзон одамларга кишиларни феъл-атворларини, табиатини чуқурроқ тушуниш учун фаросат илми – мантиқни яхши билишга даъват қилади. Чунки мантиқ Ибн Сино ибораси билан айтганда, фойдаси нақд бўлган илмлардан бўлиб, киши дидини ўстиради, фикр доирасини кенгайтиради, билган-билмаганларини кўз ўнгига келтириб, тартибга туширади.

Инсон ўз табиати билан ҳар нарсани тушуниш, билиш, сезиш қобилиятига эга. Лекин ундаги бир неча ҳислар – очкўзлик, зулм қилиш, ўғирлик, ёлғончилик каби хусусиятлар, “ёмон ошнолар” бор. Буларнинг ҳар бири кишининг ўз оламига тортиб, инсон табиатидаги бор бўлган қобилиятнинг, нормал ишлашга йўл қўймайди, унга ҳалақит бериб, унинг таги пуч бўлган нарсаларга майлини оширади. Кишидаги бузуқ ҳаёллар, ғазабланиш кабилар ҳам одамнинг ёмон ошнолари, тўғрироғи душманидир. Булар ёмонликка йўлловчидир, ҳаётда киши, биринчи галда, мана шу душманларига қарши курашмоғи керак, Ибн Сино тили билан айтганда, киши ўз тизгинини ундай душманлар қўлига тутқазиб, уларни ўзига етакчи бўлишига йўл қўймаслиги лозим, доимо ақл ишлатиб, улардан устун келишига, улар тизгинини қўлга олишга ҳаракат қилиши керак. Шунда киши у “ошнолар”ни тўғри йўлга бошлаган бўлади. Қаттиқ турилса, уларни эгаллаб олишинг даркор, дейди Ибн Сино, бўлмаса сени танбал ошнанг танбал-ялқовликка судрайди, ёлғон ошнанг ҳақ нарсаларни ноҳаққа чиқаради, ёлғон-яшиқ, тубсиз нарсаларни ростга айлантириб кўрсатишга уринади, сенга кўзбўямачи ролини ўйнашга хизмат қилади деб айтиб ўтади.

Кишидаги феъл-атворларини тавсифлаб бериб, Ибн Сино, энди буни уқиб олиб, қадамнинг тўғри бос, бу феълларинг ярамаслигини билиб туриб, яна тагин ёмон йўлга

кирма, паст нарса деб, буюк мартабаларингни пучга чиқарма, бундай тубан ишлар билан банд бўлаверсанг умринг бекорчи, арзимас нарсалар билан ўтиб кетади, булардан огоҳ бўлгин демоқчи бўлади. Чунки бу хулқларнинг ҳаммаси ақлга итоат қилмайдиган, кишини ўз олами, муҳитига тортадиган, истагини амалга оширишга уринадиган, барча яхши нарсалардан юз ўгирадиган омиллар ҳисобланади. Ибн Сино: “Мен машаққат тортиб, улар билан шуғуллана бошладим. Гоҳ менинг қўлим улардан, гоҳ уларнинг қўли мендан баланд келарди. То ажралиш пайти келгунига қадар у ошноларим яхши қўшничилик қилишим учун тангридан ёрдам тилайман”, деб ёзади.

Мутафаккирнинг фикрича, ёмон иллатлардан холи бўлгандагина фаол ақлга эришиш мумкин. Фаол ақлга эришган инсон одамнинг тузилиши тўғрисида билимга эга бўлади деб таъкидлаб ўтади.

Ибн Сино чол (фаол ақл) номидан сўзлаб, оламнинг тузилиши тўғрисидаги фикрларни баён қилади: Дунёнинг икки чегараси бордир, бири – кунботар (модда), бошқаси – кунчиқар (шакл). Бу иккаласи оралиғи билан инсонлар олами билан, улар бирлашмаган олам бир-биридан фарқ қилади. Бу фарқни тушуниш учун илмларни айниқса мантиқ илмини ўрганиш зарур. Модда шакл билан бирлашиб, суръат холига келади, яъни турли жисмлар пайдо бўлади. Бу жисмлар тўрт унсурнинг турли нисбатда қўшилиши натижасида ҳосил бўлади. Шу ўринда мутафаккир инсонлар оламидан бошқа ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёси мавжудлигини айтиб ўтади.

Инсонлар дунёси бу дунёлардан фарқ қилади. Инсон феъл-атворларининг турлича эканлиги ундаги ёмон иллатлар, билишнинг сезги ва хотира билан боғлиқлиги хусусида мажозий образлар орқали фикр юритилади. Назарий ва амалий ақл, ақл ва унинг даражаларини таърифланиб, унинг ёзишича: “Уларнинг ҳар бири учун алоҳида-алоҳида жой ажратилган, даражалари ҳам тайин, турар жойлари ҳам маълум чегаралар билан белгиланиб қўйилган. Улар бу даражаларда туриб, бир-бирларининг ўринларини тортиб олмайдилар ва бошқаларнинг ишларига аралашмайдилар, ўзини ундан камситишни эп кўрмайди”.

Ибн Синонинг таъкидлашича яратувчи барча ақллардан юқори турувчи энг олий ақлдир. Қисса Уйғоқ ўғли Тирикнинг қўйидаги сўзлари билан яқунланади: “Агар инсонлар у томонга хижрат қилиб турсалар, унинг фазилатларидан ўзларига кераклигини олишади ва бу иқлимнинг матони бир пул қилишади. Мободо, унинг ҳузуридан қайтишса, ўзларининг хоҳишларига қараб эмас, балки мажбуран қайтишади. Ниҳоят, Уйғоқ ўғли Тирик қўшиб қўйди: - Агар, сени уйғотиш мақсадида қилган бу ҳикоят мени унга яқинлаштирмаганда эди, мен бу ҳикоя билан машғул бўлмасдим ва сенга бу сўзларни гапириб ўтирмасдим. Истасанг менга эргаш, сени унга олиб борайин”.

Бу билан Ибн Сино ёмон хулқлар ботқоғига ботиб қолган кишиларни тезроқ ундан қутилиб чиқиш чораларини ахтаришга ундайди. Хуллас, Ибн Синонинг “Ҳайй ибн Яқзон” қиссаси инсон ҳис-қуввати бўлган инстинкт, ғазаб, ўғирлик, ҳасад, очкўзлик, ҳаёлпарастлик каби хусусиятлари билан ақл ўртасидаги тортишувлардан иборат бўлган мунозара асаридир. Ундаги қаҳрамонлар маълум шахслар бўлмай, инсондаги хулқ, феъл-атвор хусусиятларидир. Бошқача қилиб айтганда, кишидаги қувват, характер, ҳис ва тушунчалар буларнинг ҳаммасига қиссада рамзий ишоралар қилинган. Унда ҳикоя қилинган барча қаҳрамонлар объекти, ўрни, мантиқи бор. Буларни ўз ўрнига қўйиб тушунтирилмаса, асарга тўғри баҳо бериш қийин.

Ибн Синонинг бу қиссаси бир томондан, фалсафий асар қаторига кирса, иккинчи томондан, кишилар феъл-атворини ўз ичига қамраб олган, ҳаётий гаплардан мулоҳаза юритадиган адабий асар ҳамдир. Дарҳақиқат, Ибн Сино бу асарида ҳам рамз-ишоралар орқали, адабий воситалар ёрдами билан ўзининг маълум идеалларини, фалсафий, маърифий қарашларини баён қилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда ёшларни маънавий-маърифий онгини оширишда Ибн Синонинг илмий-фалсафий мероси муҳим аҳамиятга эга.

Чунки юқорида мисол қилиб келтирилган бу асарида кўтарилган масалалар ҳозирги кун учун ҳам ниҳоятда муҳим ва долзарбдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий таракқиёт йўлимизни қатъият билан давом эт-тириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж.1.- Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Ж.2.- Т.: Ўзбекистон, 2018.
3. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг – иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Ж.3.- Т.: Ўзбекистон, 2019.
4. Ирисов А. Ибн Синонинг “Соломон ва Ибсол” қиссаси. Т.: “Фан”, 1973.
5. Хайрулаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. -Т.: Ўзбекистон, 1991.
6. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. -Т.: Ўзбекистон, 1995.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ИЖОДИЙ ЗИЁЛИЛАРИ ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

Боқиев Б.Ў. - Қарши МИИ ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ: ушбу мақола ўзбек давлатчилиги тарихини ва мамлакатимизнинг бошқа саҳифаларини холисона илмий ёритиш, бир неча ўн йиллар давомида бўзиб кўрсатилган ёки сўз очилмай келган тарихий воқеаларни холислик, тарихийлик, ҳаққонийлик тамойиллари асосида ўрганиш ҳақида.

АННОТАЦИЯ: эта статья посвящена объективному научному освещению истории узбекской государственности и других страниц нашей страны, изучению исторических событий, которые откладывались на протяжении десятилетий и не содержали принципов объективности, историчности и точности.

ANNOTATION: this article is about the objective scientific coverage of the history of Uzbek independence and historical pages of our country, the study of historic events that have been delayed for decades and have been silent on the principles of objectivity, history and accuracy.

Жамият маънавиятини юксалтиришда тарихий хотира, аждодлар тарихини билиш, миллий-ахлоқий кадрият ҳамда анъаналарнинг, кўп асрлик маданиятимизнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Шу сўзларнинг амалий тасдиғи сифатида 1996 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат Бошқарув Академияси қошида “Ўзбекистоннинг янги тарих маркази” ташкил этилиб, фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбек давлатчилиги тарихини ва мамлакатимизнинг бошқа саҳифаларини холисона илмий ёритиш вазифаларини биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов бир гуруҳ тарихчилар билан 1998 йил июнь ойида бўлган суҳбатида, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорини кўрсатиш мумкин.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихини ёритиш ва ўрганиш масалалари партиявийлик, синфийлик ёндашувларидан, ҳукмрон коммунистик мафкурага хизматкор бўлишдан халос этилди. Бир неча ўн йиллар давомида бўзиб кўрсатилган ёки сўз очилмай келган тарихий воқеаларни холислик, тарихийлик, ҳаққонийлик тамойиллари асосида ёритадиган илмий асарлар, дарсликлар ва ўқув адабиётлари яратила бошланди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов истиқлолга эришилган дастлабки вақтлардан бошлаб асоссиз тарзда қатағон қилинган кишиларнинг ор-номуси, кадр-қиммати, покиза номини тиклашни биринчи навбатдаги вазифа сифатида юзага олиб чиқди ва албатта бу ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 май ойида қабул қилинган “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”ги фармонида қуйидаги

сўзлар битилган эди: “Эл-юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, халқимизнинг кадр-қиммати, ор-номусини, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда қурбон бўлганлар хотираси авлодлар ёдида абадий сақланиб қолади.

